Тилаволди ЖЎРАЕВ

Бозор дунё

Роман

Иккинчи нашри

“ШАРҚ” НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2006

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ж – 96

Тилаволди Жўраев.

Бозор дунё: Роман. 2-нашри /Сўзбоши муаллифи – Й. Солижонов/.– Т.: "Шарқ", 2006. – 448 б.

Мазкур асарда китобхон икки аёл – қишлоқи бозорчи келин ва шаҳарлик бой хонадон соҳибаси қисмати билан танишади, ҳаяжонга солувчи қизиқарли воқелик, руҳий пўртаналар, икки оила теграсидаги воқеа-ҳодисалар, бозор дунё тарозусининг икки палласи қутбларида юз бераётган руҳий эврилишлар, интилишларнинг гувоҳи бўлади. Асл бойликнинг тамал тоши ҳалоллик экани, омонат бойликнинг охири войлиги, турмуш муаммолари, билиб-билмай йўл қўйилган хатолар, адашувлар қаламга олинади. Охир-оқибатда, фақат меҳр-мурувват ва гўзалликкина инсонни ҳалокатдан сақлаб қолиши, дунёнинг меҳр ўқи устида айланиши таъсирчан ҳикоя қилинади. Роман ўқувчини дунёнинг ишлари ҳақида мушоҳада ва мулоҳаза юритишга ундайди.

ББК.84(5Ў)6.

© "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2006

ЧИГАЛ ТАҚДИРЛАР ДРАМАСИ

Сўнгги йилларда ўзбек адабиёти шаклан ва мазмунан янгиланиш босқичини бошдан кечирмоқда. Кейинги 10–15 йил ичида ўзбек адабиётида дурагайлашиш, чатишиш, пайвандлашув ҳодисаси кўзга яққол ташланди. Бу жараён турлича бадиий унсурларни бирлаштириб, пейзаж ҳамда ижтимоий ҳаёт манзараларини тасвирлашда соф инсонпарварлик мазмунини сингдириб олганлиги билан эътиборни тортмоқда. Жумладан, табиат ва инсон, ижтимоий ҳодиса ва оддий турмуш ўртасидаги икир-чикирларнинг бирлашуви ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорлиги асарларнинг фалсафий мазмунини бойитиб, адабиёт муҳибларининг муҳаббатини қозонмоқда.

Бундай яқинлашув аслида инсоннинг ичу ташини аҳдариб кўрсатиш учун ёзувчига катта имконият яратади. Одамзоднинг табиат ҳодисалари ва ижтимоий воқелик билан ўзаро мулоқотга киришиши онг оқимига асосланган асарларнинг асосий хусусиятидир. Бинобарин, инсон шундай жонли организмки, у ўйламасдан, фикрламасдан туролмайди. Унинг онгида бир пайтнинг ўзида ва муттасил равишда шу қадар нозик, хилма-хил ва айни чоғда ғоят мураккаб кечинмалар, зиддиятлар, тебранишлар рўй берадики, уларнинг барчасини қоғозга тушургудек бўлинса, мутлақо тартибсиз ва тушуниб бўлмайдиган чизиқлар ҳосил бўлади. Инсон бир сониянинг ўзида кечаги, бугунги ва эртанги куни, ҳатто ундан-да йироқ ёки яқиндаги ҳолатларни онг призмасидан ўтказа олиш қобилиятига эгадир. Мазкур жараённи бадиий акс эттириш эса осон эмас. Бу анча-мунча санъаткорга насиб бўлавермайдиган ноёб фазилатдир. Бундай хислатларни М. М. Дўст, О. Мухтор, Х. Дўстмуҳаммад, А. Дилмурод, Ш. Бўтаев, С. Вафо, А. Йўлдошев, А. Саидов каби қатор ёзувчиларнинг асарларида учратиш мумкин. Уларда Шарқ ва Ғарб адабиётига хос тасвирий усуллар ўзаро қоришиб, янгича услубдаги асарлар пайдо бўлаётир. Булар сафига фарғоналик адиб Тилаволди Жўраевнинг ҳам қўшилганлиги қувончлидир.

Ҳурматли ўқувчи! Сиз ёзувчи Т. Жўраевни "Қишлоқликлар" номли ҳикоялар тўплами, бир неча қиссалари, айниқса, "Арвоҳлар тунда изғийди" деб номланган саргузашт романи орқали яхши танийсиз. Инглиз тили бўйича етук мутахассис Т. Жўраев Ғарб адабиётининг йирик намояндалари – Ж. Жойс, Ф. Кафка, М. Пруст, У. Фолкнер сингари жаҳон тан олган адибларнинг насрий нутқ тизими ва бадиий тасвирда кашф

www.ziyouz.com kutubxonasi

ётган усулларини яхши билади. Уларнинг айрим асарларини аслиятдан таржима қилган. Ҳатто Ж. Жойс тўғрисида илмий рисола ҳам ёзган (Т.: "Наврўз", 1994). Унда улкан санъаткорнинг ижодий лабораториясига чуқур кириб боради ва онг оқими тасвирийлигининг ўзига хос тизимлари ва қирраларини батафсил ёритиб беради. Ўзбек адабиётшунослигида биринчи бўлиб онг оқимини тадқиқ қилган олим ҳам саналади.

Қўлингиздаги "Бозор дунё" романи адибнинг йирик жанрдаги навбатдаги асаридир.

Ёзувчи ҳар иккала романи моҳиятини бадиий адабиётнинг бош муаммоси бўлмиш эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги азалий кураш мавзусидан излайди. Агар муаллиф "Арвоҳлар тунда изғийди" романида "Ёвузликнинг асл башарасини очиб ташлаш, эзгуликнинг нечоғлик улуғ неъмат экани"ни аниқ образлар мисолида кўрсатиб берган бўлса, "Бозор дунё" романида ёвузлик бойлик, ахлоқсизлик, мансабпарастлик, порахўрлик тимсолида деталлаштирилади. Эзгулик эса меҳр, ишонч, садоқат, қатъиятлилик, эътиқод каби фазилатларда намоён бўлади. Сиз бундай иллат ва фазилатларни қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, ўй-фикрлари оқими, мақсад ва интилишларидан билиб оласиз. Ёзувчи ўз романлари билан ўқувчилар қалбида яхшилик, инсонпарварлик ҳис-туйғуларини уйғотишга, йўлидан адашган кимсаларни огоҳлантиришга, ўзини ўнглаб олишга холис хизмат қилади.

Мазкур асарда Т. Жўраев қаҳрамонларнинг ботиний оламини очиб беришда ички монолог имкониятларидан унумли фойдаланган ва уларнинг миллий ўзига хослигини сақлашга, ўй-мулоҳазаларининг чегарадан чиқиб кетмаслигига ҳаракат қилган. Ёзувчи қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатларига, сўзлашув тарзига ҳуда-беҳуда аралашавермайди. Улар ўз хоҳиш-истагига кўра ҳаракатланадилар, ўзларининг айни жараёндаги ҳолатига мос ҳолда сўзлайдилар. Сиз уларнинг ортиқча бўёқлардан холи эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Муаллиф асарда тасвирийлик салмоғини камайтирмаган ҳолда ҳис-туйғулар ва руҳий кечинмалар таҳлилини бевосита қаҳрамонларнинг табиий ҳаракатлари ҳамда фикр оқими орқали ифода этиш билан боғлаб юборади. Натижада, уларнинг онгида пайдо бўлаётган ўй-фикрлар билан ҳис-туйғудан жунбушга келаётган бетакрор қалб драмаси ўзаро чатишиб кетади.

Роман воқеалари Нозима — Мансур — Каниза учлиги ўртасидаги муносабатлар асосида ривожланади. Бошқа барча персонажлар у ёки бу даражада шу учовлон тақдири билан боғланади. Бадиий адабиётда мавжуд бўлган тарихий учлик тимсоли Т. Жўраев томонидан янгича талқин этилади.

Маълумки, азалдан одамлар ўртасидаги муносабатлар Тоҳир — Зуҳра — Қоработир учлиги шаклида намоён бўлгувчи эди. Тилаволди эса уни бошқачароқ, яъни аёл — эркак — аёл тарзида қуради. Тўғри, ўзбек адабиёти учун бундай учлик талқини янгилик эмас. А. Қодирийнинг "Ўтган кунлар", П. Қодировнинг "Эрк" каби асарларида иккита аёл ўртасида қолган эркаклар тимсоли яратилган. Бироқ уларда ижтимоий-маънавий муҳитнинг таъсири туфайли ташқаридан кириб келган учинчи тимсол билан ўртада пайдо бўлган зиддият талқин этилади. "Бозор дунё" романида эса қонуний эр-хотиннинг ихтиёрий хоҳиш-истаги туфайли юзага келган кескин тўқнашувлар жараёни қаламга олинган.

Шу боисдан сиз асарда ижтимоий масалалар билан боғлиқ конфликтни учратмасангиз, ҳайрон бўлманг. Муаллиф асосий эътиборни қаҳрамонлар орасидаги очиқ тўқнашувлар силсиласини тасвирлашга эмас, кўпроқ қалб драмасини таҳлил этишга, ички коллизиялар тасвирига қаратади. Бу жиҳатдан Нозима образи характерлидир.

Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Нозима кейинги йиллар ўзбек адабиётида яратилган янги характердир. У билмайин эмас, билиб туриб босган тиконининг дардини тортган, ўз бахтига ўзи болта урган аёлдир. Унинг қисмати менга донишманд шоиримизнинг "Тақдирин қўл билан яратур одам, Ғойибдан келажак бахт бир афсона" деган ҳикматли сатрларини эслатади.

Нозима севиб турмуш қурган эри Мансур билан 13 йил давомида аҳил, иноқ ҳаёт кечирди. Рўзғорида ҳамма нарса бут, егани олдида, емагани ортида. Бироқ, унинг бахти кемтик — фарзандсизлик доғи аёлнинг юрагини ўртайди. Бу кемтик бахтни бут қилишнинг иложи йўқ, чунки Нозима аниқ билади — бефарзандликнинг бош айбдори ўзи. У туғмаслик касалига мубтало бўлган. Айбини ювиш, суюкли эрини бахтли қилиш учун ҳамма нарсага тайёр у! Нозима ана шу мақсадини амалга ошириш истагида хатарли йўлга қадам қўяди: эри Мансурни алдаб-сулдаб, бегона аёл билан уч-тўрт кун бирга бўлишга мажбур этади. Ҳа, айнан мажбур этади! Мансур дастлаб кўнмайди. Ўзининг "узукка кўз қўйгандек" ярашган ақлли, гўзал, хатто "бундай хотин билан аблаҳ ҳам бахтли бўлади"ган зукко рафиқасидан ажралиб қолишни истамайди. Нозима эса ўз аҳдидан қайтмайди, мабодо, эри бу йўлга юрмаса, ундан воз кечишини билдиради ва ўз наздидаги инсофли, мард, меҳрибон эрини измига солади.

Нозиманинг режасига кўра, қўшниси Салима опа билан бозордан топган хотин "инкубация" ролини бажариши керак. Бу аёл ҳомиладор бўлиши билан уйдан чиқиб кетади-да, ойкуни битганда туғиб, болани уларга "ҳадя" этади. Эрининг тоза қонидан бино бўлган бу болани Нозима ўз фарзандидек тарбия қилади. Шарт шуки, аёлни истаганча рози қилишади ва у болага оналик даъвосини қилмайди. Нозима билан Мансур бахтиёр, болалик уйлари бозор, ортларидан чироқларини ёқгувчи меросхўр бор, бойликлари кўчада қолмайди. Афсуски, бу ишнинг охири бахайр бўлмади. Нозима ўйлаганидек, Каниза

www.ziyouz.com kutubxonasi

"тўғри хотин" чиқмади. Қишлоғидаги ночор турмушидан, ношуд эридан норози бўлиб юрган Каниза бошига қўнган бахт қушини қўлдан чиқаргиси келмади. Боз устига "ўламан саттор, танимаган аёл билан бир тўшакда ётишга" кўнмаган Мансур ҳожи ҳам "сўлқиллаган, қорамағиз, офатижон, эркак зотининг кўзини ўйнатадиган" Канизанинг лаззатини тотади-ю, ундан кўнгил узолмай қолади. Ахир, у ҳам эркак-да!

Хуллас, адабиётшунос Х. Рулъфо таъкидлаганидек, ёзувчи қаҳрамонининг ўзини ўзи ҳаракатга келтириши учун имконият яратиб беради-да, уни кузатиб туради, холос. Натижада, қаҳрамонлар муаллифнинг қўлидан тутиб, ўз келгуси тақдири сари бошлайдилар ва бу табиийликни таъминлайди. Нозима ҳам, Каниза ҳам, Мансур ҳам ўз характер мантиғига кўра ҳаракат қиладилар. Ўқувчи улардан ҳар бирининг тобора чигал тақдирлар майдонига кириб бораётганига ишонади.

Т. Жўраев ўз романида қаҳрамонлари ҳаракат қилаётган замон ва маконнинг ижтимоий манзарасини чизишга алоҳида эътибор беради. Бунинг учун у шаҳар ва қишлоқ ҳаётини параллел тасвирлайди. Ғоявий ниятини ўқувчига мутлақо сездирмаган ҳолда образларни ифодалашда бадиий қиёслаш усулидан фойдаланади. Китобхон фаровон турмуш кечираётган ва ана шу тўкин-сочинликни қўлдан бой бермаслик ниятида қалтис ишга қўл урган шаҳарлик Нозима билан "кўча-кўйда лақиллаб гап сотгани-сотган, ер ютгур" эри Самадга ўчакишиб, тирикчилик учун ўзини бозорга урган, дурустроқ яшаш илинжида ҳатто номусини ҳам савдога қўйган қишлоқи Канизани бир-бирига таққослайди. Уларнинг ўй-хаёллари орқали адиб ўқувчини жамиятда мавжуд ижтимоий иллатларнинг туб моҳиятини равшанроқ англаб етишга ундайди. "Тиришмаса, боқимандачилик кайфиятидан қутулмаса, қимирламаса" тирикчилик қозони ўз-ўзидан қайнамаслиги муқаррар замонда инсоннинг нималарга қобил ёки ноқобиллигини кўрсатиш ёзувчининг етакчи мақсадига айланади. Бундай таққослаш Мансур — Самад, Салима — Ўктамби, Наргиза — Арзиевна, Зокир Набиевич — Қодир Алиевич образларида янада бўртиброқ кўзга ташланади.

Асосий қаҳрамонлардан бири Нозима кенг тафаккурга эга шахс бўлиб, бирон ишнинг бошидан тутмаса ҳам, бирон соҳага йўлбошчилик қилмаса ҳам атроф-муҳитга, эртанги истиқболга бефарқ эмас. Жамиятдаги иллатларни кўради, маҳалла-кўй, одамлар оғзидаги майда-чуйда гап-сўзларни эшитади ва ташвиш чекади. Қодир Алиевич хонадонидаги меҳмонлар суҳбатидан кўнгли жойига тушади, унда эртанги кунга ишонч уйғонади. Бошига тушган бебахтликдан озорланиб, эркак деса, "ў" дейдиган ҳолга келиб қолган Нозима ўзига қўйган чегарани худди шунда олиб ташлайди ва Қодир Алиевичга мафтун бўлиб қолади. Бир тарафдан бошига тушган оғир қисмат, рашк ўти куйити чин маънода аёл эканини исботлаш ғалаёнини туғдирадими, танасида ўзгариш содир этади. Бахтга интиқлик эса уни Қодир Алиевичга етаклайди, фарзанд кўриш бахтига муяссар бўлади.

Асарнинг номида ҳам рамзий маъно мужассам. У романнинг қуйидаги сатрларида янада чуқурроқ англашилади: "Ажаб қизиқ дунё бу — бозор дунё. Бўлмаса, шаъйини тўхтовсиз ўйнаб турадими? Ахир, кечагина Канизанинг бахти келишиб, тоши оғирлик қилиб турган бўлса, бугун Нозиманинг палласи босаётир. Шу боисдан-да, одам боласи мубҳам сир-асрорларга банди бўлса керак-да..."

Шуни таъкидлаш жоизки, асар қаҳрамонлари жамиятдаги иллатларга қарши турадилар. Жамият ҳар қачон ҳам беғубор бўлавермайди ва бўлиши мумкин ҳам эмас. Муаллиф ҳозирги кунимизда мавжуд иллатларни санаб ўтишгагина мойил бўлмай, балки куйинчак қаҳрамонлар тимсоли орқали уларнинг буткул барҳам топишини истайди, порлоқ келажак орзусида қалам тебратади. "Беш қўл баробар эмас" деганларидек, ҳалол-пок замондошларимиз орасида ғимирлаган айрим нопок кимсаларнинг қилмишлари очиқ-ойдин қалам тиғи остига олинади ва муаллиф яқин келажакда жамиятнинг тозарувига, соғломлашишига ишонади. Бунда айбни бировларга юклаш йўлидан бормайди, балки ҳар биримиз ўзимизга талабчан ва ўрнак бўлишимиз, ана шундагина олдимизга қўйган эзгу ният, мақсадларга эришишга самарали йўл очилишига умид боғлайди. Зеро, ҳар қандай санъат асарининг ижтимоий юки ҳам шунда.

Романда ўқувчи эътиборини тортадиган образлардан яна бири, шубҳасиз, Канизадир. Уни муҳокама қилишдан аввал, қалбига қулоқ тутайлик. У ҳақиқатан ҳам гўзал аёл эди, қараганнинг суқи кирарди. Буни муаллиф деталлаштирилган тасвир ва ўзганинг нуқтаи назари орқали изчил кўрсатишга ҳаракат қилади. Бозорда унга кўпчилик ишқибозлик қилади, кўз уриштиради, кўп нарса ваъда қилади. Аммо у дарҳол кўниб кетавермайди. Ночор бўлса-да, унинг ҳам ўзига яраша орномуси, қадр-қиммати, ҳаёси бор. Бироқ ана шу гўзаллиги, латофати ўз қадрини топмаётгани уни эзади, ҳаётдан бездиради. Эри Самад учун бу гўзаллик маъбудаси фақатгина тунги лаззат буюми, холос. Унда на муҳаббат, на эътибор, на эркалаш бор. Эрнинг узлуксиз илиқишидан безган. У ҳам одамга ўхшаб тўқ, болаларини бағрига босиб, осойишта яшашни истайди. Майли, уйи кошона бўлмасин, исимасин, кўнгил уйи хотиржам, эрининг меҳри илиқ, болаларининг усти бут, қорни тўқ бўлса, бас. Шунга эришиш учун Каниза ўзини ўтдан олиб, чўққа уради. Аммо бири икки бўлмайди. Эртадан кечгача топгани нон пулидан ортмайди. Нима қилса, рўзғори бадастур, ўзи топармон-тутармон бўлади?

Бозорда бирга олиб-сотарлик қиладиган қўшниси Салима опа тинмай унинг қулоғига катта бойлик, истаганча пул топишнинг осонгина йўлини қуйяпти. Унинг айтишича, Каниза уч-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўрт кунга бир бадавлат одамга ўзини бағишласа, ундан ҳомиладор бўлиб, туғиб берса, олам гулистон. Сўнг оғзига сиққанини олсин. Болани уларга бериб, яна ўз оиласи билан яшайверади. Байпули тарзида берилган ўн минг сўм пул, охори тўкилмаган жемпер, иссиққина этик аёлнинг кўзини ўйнатади, юрагини эритади. Бунинг устига "эркакнинг бўйнига бўйинтуруқ солиб, узанги тақиб" минадиган онаси Ўктамби ҳам қизига пишанг бера бошлайди: "Роса етилибсан ҳозир. Қани, бенаво эркаклар буни билса! Эркак киши эмас, аёл кишининг ҳам суқи киради". Бу гаплар усиз ҳам тамшаниб турган Канизанинг нафсонияти "ўчоғига олов ёқади". У қатъий қарор билан шаҳарга қайтади.

Салима опа билан Мансурнинг ҳовлисига кириб келган Каниза кошонага ҳавас билан эмас, суқланиб қарайди. Биринчи қадамиданоқ кўнглида бошқача ният туғила бошлайди. Бу уйдаги ҳамма нарса — нияти қўнгли сингари покиза Нозиманинг бўлажак кундошини оёғи остига поёндоз тўшаб кутиб олишидан, унга пой-патак бўлишигача, мазали мошхўрдадан тортиб, ошоқ кўпикли, иссиққина ваннагача, юмшоққина шиппакдан охори тўкилмаган ички-ташқи кийимларгача — барчаси бундай нарсаларни тушида ҳам кўрмаган Канизани лол қилади, айни чоғда кўнглида ғалати ниятларни туғён урдиради. Ёзувчи дастлаб буни очиқ айтмайди-да, шу ишга билиб-билмай аралашиб қолган Салиманинг нуқтаи назари орқали баён этади: "Канизанинг суқ билан ёнаётган кўзларини кўриб, хавотири яна ошди". Бу хавотир бежиз эмаслиги воқеалар ривожида ойдинлашади.

Азиз ўқувчи! Мен романнинг бошланишидаги воқеалар тафсилотига бежиз кўпроқ тўхталаётганим йўқ. Зеро, роман сюжетининг бош тугуни илк саҳифаларданоқ ўртага ташланади ва ундаги барча чизиқларни ўзига мустаҳкам боғлаб туради. Қолган воқеа-ҳодисалар ана шу тугун атрофига уюштирилади ва бирорта персонаж ҳам эътибордан четда қолмайди. Бора-бора Мансурнинг шахсий ҳаётидаги чигалликлар ижтимоий муаммоларга боғланади. Персонажлар ҳаракат қиладиган маконнинг кенгайиши ижтимоий муаммолар доирасини ҳам кенгайтиради. Уйдан ўз ихтиёри билан чиқиб кетган Нозиманинг мактабдаги фаолияти орқали маориф, Мансурнинг акаси Зокир Набиевич вилоят ҳокими этиб тайинланиши муносабати билан бошқарув соҳасига, Каниза орқали қишлоқ ҳаётига оид долзарб масалалар ўртага ташланади, уларни ижобий ҳал этиш йўллари изланади.

Муаллиф ўз ғоявий ниятларининг самарали якунланиши учун турли поэтик воситалардан фойдаланишга ҳаракат қилади. Шулардан бири қаҳрамонларнинг кўзгу тарзида намоён бўлиш усулидир. Бинобарин, Мансур, Нозима, Каниза, Қодир Алиевичларнинг ҳар бири муаллифга ҳаётнинг турли томонларини акс эттириш учун бадиий кўзгу бўлиб хизмат қилади. Биргина Канизанинг ўзи қишлоқдаги турли муаммолар — фермерлар фаолияти, мактаб соҳасидаги келишмовчиликлар, айрим одамларнинг ночор аҳволи, инсоннинг шахсий манфаат йўлида ҳеч нарсадан тап тортмаслиги каби иллатларни кўрсатишга ёрдам беради. Мансур аввалида тадбиркорлик асосида тўғри бойиган бўлса, бу йўлда собит қола олмайди. Имкониятлари кенгайиб бориши асносида билиб-билмай турли жиноятларга қўл уради, атрофда турли иллатларнинг шаклланишига йўл очиб беради, натижада Мансур мансуб бўлган "ҳукмрон" доира касалланади, ўз-ўзидан жамият ривожига вақтинча бўлсада, тўсиқ бўлиб қолади. Шундай қилиб, у қусур ва иллатлар илдизини кўрсатишга қўмаклашса, Қодир Алиевич соғлом кучларнинг рўёбга чиқаётгани, салмоғининг ортаётганини исботлашга ёрдам беради. Айниқса, дўстлари билан суҳбатда ҳалоллик бўлмагунча, ёрқин ҳаёт қуриш қийинлигини исботлаш ниятида келтирилган "Ҳалол — Аллоҳ" сўзларининг ҳамоҳанглигига ишора қилиниши ибратлидир.

Романда адиб қаҳрамонларнинг нутқини индивидуаллаштиришга, уларни ўз тилида сўзлатишга алоҳида эътибор беради. Айниқса, Фарғона шевасига оид кўплаб сўзлар, шунингдек, эски тарихий сўзларнинг муваффақиятли қўлланилиши, янги истеъмолга киритилиши фойдалидир.

Шулар қаторида жаҳон адабиётига хос дурдона ҳисобланган,— афоризм ва қанотли сўзларнинг ушбу асарда ҳам кўплаб истифода этилганлигини табриклаш лозим. Халқ тафаккурининг ушбу ҳодисалари ўзбек ҳаётий фалсафасига йўғрилган бўлса, қўллаб-қувватлаш даркор деб ўйлайман. Муаллиф нутқи билан персонажлар нутқи ўзининг оҳанги, бадиий савияси, лексикаси, синтактик қурилиши билан ажралиб туради.

Хуллас, романнинг фазилатлари ва албатта, ундаги баъзи жузъий камчиликлар ҳақида яна мулоҳазалар билдириш мумкин. Лекин ўқувчи ўзи мутолаа қилгач, дўппини олиб қўйиб фикрлаб, мағзини чаққанга нима етсин?! Шунинг учун мен мулоҳазаларимга шу ерда нуқта қўйиб, Сизни ўйлашга, мушоҳарага чақираман. Балки менга ёки ёзувчига айтадиган гапларингиз бордир? Эҳтимол, бизнинг айрим мулоҳазаларга қўшилмассиз? Марҳамат!

Йўлдош СОЛИЖОНОВ,
филология фанлари доктори.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кишига насиҳат қилмоққа замоннинг ўзи кифоя қилади.
Ҳадисдан.

I

Бозор. Қисқа муддат тин олган бу марказий бозор сўфи обдаста кўтармасдан яна жонланди. Унинг чор тарафига турли хил ғийқиллоқ, эски машиналар алағда-жон етиб келиб, инқиллиб жон таслим қила бошладилар. Ҳозирда кучга тўлган, навқиронлик кезида автопоезд деганлари аллақачон дарвозалар ёнига тирбанд бўлган. Кабиналаридан афт-ангори гезарган, аёз ютиб қалтираётган кимарсалар тўну фуфайкаларга бурканиб, қимтиниб, ҳамон ерга тушишга юрак бетламай ўлтирибди. Сон-саноқсиз аравачалар елка суриб, улоқ талошига қисталанг, маст-аласт отлардай димланмоқда. Улгуржи савдо авжланяпти. От кимники — минганники, хўрда кимники — урганники, лош кимники — тортганники, қоп кимники — сурганники... Калтак — ғўраники, пул — тўраники... Бозор дегани шу — торт-торт дунё...

Қаердан бино бўлди шунча оломон, худди ердан потирлаб чиққан қўзиқориндай одам босди бозор атрофини... Аксарият болалар, аёллар... Бозор ён-веридаги дўконлар, чойхоналар, ошхоналар ичи ғиж-биж одам эканми, осмондан ёққан қумурсқалардай тўлдирди гўшаларни. Кўзини ишқалаган, керишган, йўталган, оғзи йиртилай деб эснаган аҳли замона айни шу ерда. Кетига совуқ сув уриб келганлар чорсисини ёзади, юзини ҳўллаганларнинг кўзлари олазарак. Кимдир нон кавшайди, ошқозон ҳам бирга уйғонган бўлса нима қилсин, балки олдинроқ уйғонгандир... Оғзига нарса тиқаётганларни кўрган файласуфнамо сўзамоллар "буни қаранг-а, хайрият, одамнинг қорнини ҳам молникидай қилиб қўймаган экан, еб турса нима бўларди-а?" деганча мия чархлайдилар. Ғафлат уйқусидан уйғонасолиб, оғзига заҳри қотил тиққанларни айтмайсизми? Аллақачон ўрама қоғозларда эриган нослар ахлат каби оқмоқда. Ҳализамон шаҳарга жон кириб, наъраси тезлашиб боряпти.

Маълум фурсат кечгач, бозорнинг ичига одам тўлқини денгиздай ёпирилди. Нимранг тун тонгга ўрин бергиси йўқ. Одамлар "виз-виз". Кўр эр-хотин етаклашиб, бирида рубоб, бирида чилдирма, ўз ўрнига шошилган. Хотин овоз чиқариб, томоғини синаб кўради. Эри рубобни ҳали тўрвасидан чиқаради, ҳали солади. Тиланчилар қўл ва елкаларини уқаламоқдалар. Паттачилар қўлларини улардан-да ўтказиброқ қашишади. Дошқозон қайнашга келмоқда. Тунда яхши ухлаган ёхуд кечани оромбахш ўтказган кишиларнинг кайфи чоғ, харидор чорлаб, сайраб, гувиллаб осмонга ўрлаётган дошқозон товушига сайқал беради. Гувиллаган бу сасга янги ёпилган нонларнинг анвойи ҳиди, ҳамон уйқусираётган болаларнинг гўшткуйди тандирларига ёқиб юборган ўтидан кўтарилаётган қора тутун, кабоб кўралардан буруқсаётган ўткир ҳидли оқ тутун, бир томондан нос, иккинчи томондан балиқ сассиғи омухта, аллақачон бурун ва томоқларни карахт этди. Жой талашиб, ёхуд дафъатан кириб қолган нотавон деҳқоннинг қопини тортиб жиққамушт бўлаётган, овози ўткир, оғзи шалоқ бозорчи хотинларнинг шанғиллаши, саҳармардонда айримларга нохуш бўлса-да, бу ҳолга кўникиб кетган бозор аҳлининг ғайратини қўзғамоқда эди.

Каниза автобусдан тушди, автобус ўлгур ҳам эрининг қучоғига михланган очофатларнинг касрига кеч етиб келди. У жойига шошилди. Уч кундан бери кечки помидор сотади. Тузловчилар кўп. Ҳозир, шу харидоргир. Кечагина картошка сотаётган эди, картошкачилар бозорни босиб кетди. Шунча торозидан урмасин, тўртта нонга пул чиқмайди. Одамларнинг ҳам чўнтаги қуриб қоляптими, ким билади, сотувчи мингта, олувчи битта. Кечга қолганига куйиниб, елка кураги тортишиб, қақшаб турганига қарамай, жойига етиб келганда, бироз кўнгли таскин топди. Шериги — шаҳарлик Салима опа, яхши, улгуржи помидордан унга ҳам олибди. Яшикларни жой-жойига қўйиб, помидорларни кўздан кечириб, сотишга тайёрлар экан, энгашса, турса, кураги муз, тортишиб, чўғ босишни хоҳлаётганди. "Эркакларни ер ютиб кетса бўлмасмикин-а? Ишинг бошшингдан қолгур, пайпасламай ўл, алкаш, эшшак... Ёз, иссиқ бўлса ҳам гўрга экан".

Каниза оёғининг музлаганини ҳис қилди, чапига таяниб, ўнгини номига ердан узди. Барибир, оёғи муз қотарди. Шиппаклар иситармиди? Шундай совуқда махси зўрға илитар. "Яримта нон топиш қўлингдан келмайди, қорнинг оч-тўқ, падари лаънат". Сувни сал илитиб ювинай

www.ziyouz.com kutubxonasi

деса, ўт ёқиш керак, афтобусга кеч қолади. Битмаган, янги уйининг тешикларидан изғирин "салом" деб турибди. Совуқ ич-ичига ўтиб кетди. Ошиқмай ер ютсин қайнона-қайнотасини ҳам, битмаган уйга ҳайдашди. Ановининг юриши шу — юрмайдиган, ўлакса машинасининг тагидан чиқмайди...

— Ҳа, эгачи, нималар деб шивирлаяпсиз? — хаёлини бўлди шериги Салима опа.

— Йўқ, ўзим.

— Нима, хўжайин...

Каниза елкасининг оғриғига қарамай сал илжайди.

— Сиздай хотинни қўйиб-қўярмиди, жонидан? — хаёлида бир нарсалардан таъмаланиб сўз қичади Салима. — Вой-ей, шундоқ пулдор бойваччаларнинг арзанда хотини бўладиган одам қишлоқда бола-чақа боқаман деб юрсангиз-а?

Каниза, яна кечаги гапини бошлаяпти бу хотин, деб ўйлади-ю, кеч қолганда помидор олиб қўйгани боис қаттиқ теккиси келмади. Ҳозир Канизанинг хаёли бошқа нарсаларда эди. Қачонгача бундай бўларкин? Пул топиш кундан-кун оғирлашиб кетяпти. Кузнинг охирги ойига ўтилди. Мактабга борадиган икки боласининг устига зўрға амал-тақал нарса топиб беришди. Уйдаги бор нарса — мева-чеваю сабзавоту нима қўлга кирса қолмади. Ҳатто бир-икки қоп қишга асрашга ёйиб қуритилган пиёзни ҳам сотди. Энди, бу ёғи нима бўлади? Анов ер ютқур, кўча-кўйда лақиллаб гап сотгани-сотган. "У ёқ-бу ёққа кетаман" деб бир йилдан бери бошни оғритади. "Кетишга ҳам пул бўлиш керак-ку" дейди, санғиганисанғиган. Чўлда шерикчиликка ер экаман, дея ёз бўйи юрди, охири қовун-тарвузнинг палаги ўлиб кетганини баҳона қилиб қутулди. Ўша ёқдан келтиргани ярим прицеп сариқ сабзи бўлди. Мана, бир йилда топгани. Бу ёқда уч хона олди айвон қилиб бошланган уйнинг полсиз бир хонасида ўтиришибди. Қиш келяпти, ҳали печка ўрнатилгани йўқ.

Каниза бозорчиликни ўзича бошламади. Қимирламаса, тиришмаса — очдан ўлишар, агар? Сут-қатиқ сотиб юрганларга қўшилди. Тайёр автобус. Маҳалланинг сут-қатиқчиларини ташийди. Мана, шу йил ёзигача елкалари майишиб, домлар орасида сут-қатиқ, тухум сотди, бақира-бақира томоғи қирилди. Бири икки бўлмади. Шерикларининг гапига қараганда, олдинги йиллар туппа-

тузук пул топиш мумкин экан, борган сари, айниқса, бу йил қурғур сут-қатиқ ҳам ўтмаяпти. Юриб-юриб Канизанинг оёқларидаги кийими тўзиди, топгани, сут-қатиқ эгаларининг пулини бергач, нон пулидан ошмайди. Автобуснинг кираси ҳам малол келадиган бўлди. Шуни сездими, Саттор ошқовоқнинг ўғли Мутал ҳайдовчи бир куни автобусда якка қолганда нима дейди денг, шилқим, ўл, кечаси чиқиб турса, бепул юрар эмиш, бетингдан бузулгурни гапини қаранг!

Бу иш бўлмади. Каниза ўзини бозорга урди. Бозорни уйидан, ҳовлисидан чиқаётган нарсаларни сотишдан бошлади. Бир ҳафта деганда, бозорчиликнинг ҳадисини олди, пасту баландини ўрганди. Бу ерда талашиб-тортишиб кун кўрар экансан, ҳалол-ҳаром демас экансан, алдасанг сеники, алдамасанг бировники экан. Харидоргир молга от, пулга чанг солар экансан. Кўзинг ўйнаб, биров олаётган пулга суқинг кирадиган бўлиб қоларкансан. Сен билан савдолашган хира одамларни, закончиларни ўлдиргинг келаркан, ўзинг сингари бозорчиларга Худо уришни тиларкансан, бировнинг чўнтагидаги мўмай пулни кўрсанг эсинг оғаркан, анча-мунча ҳаром-харишнинг фарқи қолмас экан. Ўзингни сотворгинг келади баъзан. Сотаётганлар йўқми, сотишяпти ҳам... Ўша мақтанчоқ, беҳуда ўзига ишониб, бино қўядиган, иккита темир тишидан бошқаси сап-сарғайиб кетган, носдан оғзи буруксаб турадиган ўлаксанинг қучоғида юрибди-да, гул юзини сарғайтириб... Бу ерда қош-кўзини сузаётганлар қанча? Ҳўв анови сўтак ҳозир ёнига яна келади. Қараб-қараб қўйяпти. Уй олганмиш. Яқинда машина олармиш. Каниза хўп десаёқ бўлди, дунёнинг у четига ҳам кетаверармиш. Топгани Канизаники эмиш. "Давай" деса бозорда ҳар куни топган пули Канизаники. Гўлайиб туриб, "хотин, болачақам йўқ" дейди. Шу ерларда ивирсиб, ковак-кандикларда ётиб юради. Хотини кўз ёши қилиб, рўмоли учини тишлаб, пул олиб-кетиб туради. Ёлғонни ямламай ютади, ер ютгур. Узоқдан хотини майшайиб, оқсоқланиб кўринди дегунча, уни бир четга тортади, алдаб-сулдаб жўнатади. Э, бунақанги афирислар, тайини йўқлар тўлиб ётибди атрофида...

Эркакларга ҳайрон қолади. Гами пулда, кўзи олма теради. Шундай яратган эканда. Ана, суллоҳ яна шу ёққа юрди. Каниза тескари бурилиб олди. Елкаси бўйин аралаш санчди, бўйни толганга ўхшарди. Ишқилиб, кал-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ласи бурилмай қолмасайди? Қорни очиб, кўнгли озди. Суллоҳнинг етиб келганини ҳис қилиб, Салима опа томон силжиди. Яхши, анов йўл-йўлакай бир таниши билан кўришиб, гаплашиб қолди. "Ўша олиб кетса эди", барибир суллоҳ келди, прилавкага таяниб:

— Қалай энди, қора мағизим, хўжайин яхши экани? — рашкнамо гап учирма қилди.

Каниза индамади. Унинг ўрнига Салима:

— Куёв деган шу маҳалда қуруқ сафсатага келадими, уят-е, — деди ва Канизани туртди. — Келинни қорни сурнай чаляпти.

— Ие, ие, ана холо-ос. Тўғри айтасиз. Калла қурғур ишламайди-да, — дея бурилди суллоҳ. — Ҳой бола, обке пиражкани бу ёққа.

Бола шу заҳоти етиб келди.

— Бешта пиражка бер, — деди у, — қанчадан ўзи нархи?

— Картошкали, йигирма беш сўмдан.

— Мунча қиммат қивординг? Бўпти, пулини ҳали оласан...

Бола кўнмади. Тирхашлик қилди.

— Ҳой бола, хў-ў-на жойим, биласан-а? Ўша жойга ўт, бераман, — деди суллоҳ ва Канизага пиражкаларни узатди, биттасини ўзи оғзига солди. — Ейверинглар, менга битта бўлади, ҳали қулинг ўргулсин қўй ёғида шўрва ичганман, икки порси манти ҳам едим. Ўзиям уч чойнак чой ичдимми?..

Салима билан Каниза икки донадан пирожкани зумда еб қўйдилар.

— Ҳой, куёв, — деди ҳазилга олиб Салима тағин. — Келинга совуқ ўтиб қолибди, оёғидагини қаранг, қанақа куёвсиз?

— Хих-хих-хих... Сўлаҳмон, пуллари тахмон, сувга пишгандир-да?! — Сўтакни узоқ йўтал тутди, охири қизариб-бўзариб, бўғилган овозда йўтал аралаш: — Обберамиз, прансузскийсидан, сонларига ўт қалаворадиганидан...

Суюқ суҳбатга харидор чек қўйди. Салима ўн кило помидор сотди. Суллоҳ Соли сариқ анча вақт ишшайиб турди, сўнг кетди.

— Оғзингдан сувинг келмай ўлсин, — деди Салима ва афти буришган Канизага ўгирилди, — инкубассани ўйлаяпсизми, бир қарорга келинг энди. Юрасизми, камбағал бўлиб, пулни тагида қоласиз. Бозорни елкамнинг

чуқури кўрсин деб, яйраб-яшнаб, ками кўстингизни битириб оласиз. Ҳомиладор бўлганингиздан кейин ҳар куни пул олиб турсангиз ҳам бўлаверади. Қийинчилиги тўққиз ой экан, туғасиз, топширасиз, ҳеч нарса бўлмагандек кетаверасиз. Хурсандчиликларидан пулу тиллога кўмиб ташлашади сизни. Эру хотин ўзи хоҳлаганидан кейин ўйланиб ўтирадими, одам? Ўзлари боқишади, туғиб берсангиз бўлгани. Хотини Нозимахон жуда эсли хотин. Ён қўшним-да. Ўн уч йилдан бери фарзанд йўқ. Бормаган, қаратмаган жойлари қолмади. Айб хотинда. Эру хотин апоқ-чапоқ. Ажрашгани кўзи қиймайди. Вой, ўшандоқ уй-жойларни биров ташлаб кетадими-я?! Бўй етган қизим бўлганда, дод десаям, вой десаям ўраб-чирмаб олиб кириб берардим. У болани кўнгли нозик. Эрини айтяпман. Пул демаган, обрў демаган, машина, улфат-дўст ўшанда. Профессорни боласи-да. Ўнтами, йигирматами магазини бор, заправкасиям битди. Пулга кўмиб қўяди сизни. Нима, бирга яшармидингиз? Никоҳлайди, беш-ўн кун ров бориб-келиб турасиз, қарабсизки, ёпишади-қолади. Кейин кетоврасиз, туғиб берсангиз бўлди-да, пулни тагида қоласиз...

— Мендан бошқа қуриб кетибдими, Салима опа? — деди Каниза бошини бир ёққа ташлаб чўзиниб, бўйин оғриғи азобида, аслида у бу гапларга ишонмасди...

— Вой Канизахон, сиздан бошқасига унайди дейсизми, у жуда карранда, бой, нима деяпсиз? Сизга билдирмай неча марта кўриб, зўрға кўнди, — гўё зардали хулоса ясади Салима. — Бахт қушингизни учирманг... Камбағални бекорга камбағал қилиб қўймайди, ўзи. Оёғининг тагида тилло турса тепалаб ўтади.

Кузнинг куни қисқа. Яхши, помидорлар сотилиб бўлди. Салиманинг пулини берди. Ўзига саккиз юз сўм қолди. Каниза тўртта нон олиб, автобусга ўтирди. Оғриқ энди бутунлай белидан бўйнигача ўраб олди. Автобус "дик" этди, жони зирқиллайди. Йўл ҳам бир узайиб кетди-ки, бора сола ётиб олади. Нон олди. Овқатга ёғ ҳам йўқ. Бир гап бўлар.

Ўғли ва қизи кўчада ўйнаётган экан. "Нон" деб югуришди.

— Уйга кирайлик, — деди қизига, — тўртта нонни еб бўлишдингми? Ё ҳамма болаларга бўлиб бердиларингми?

Халтасини ушлаб кирган қизига нон ушатиб берди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўғлига ҳам. Ўзи тўшакка ёнбошлаб қолди. Бир оздан сўнг дилдираб исимагач, ўғлига:

— Бор, ёғ баклашкани олиб кел-чи, — деди, — ўла, бир ҳўплам қолган бўлсин, ишқилиб...

Идишни қоқиштириб, елкаларига суркатди. Хонадаги совуқ суягини зирқиратарди. Тез кийиниб ўраниб олди. Яхши, улгуриб қолди, ўранаётганда чироқ ҳам ўчди. Ён-верига болалар чўзилди.

Ярим кеча эди чоғи, эри келди. Эшик олдида оёғини қоқди ва ичкарига кирди.

— Ҳей, овқат қилдингми? –бурчакдаги қозонни очиб кўрди у, тимирскиланиб нон топди-да, кавшашга тушди.

Ухлаб-ухламай, жони ором топмаётган Каниза аламини ичига ютди. Тишини-тишига қўйди. "Бу аблаҳ билан яшаб бўлмайди. Ажрашиш керак. Иккита боласи бўлса боқиб олади, барибир ўзи боқяпти. Падар лаънати юргани-юрган. Бир мундоқ эркак кишига ўхшаб ғам еса экан? Анов фалончиларни эри туппа-тузук топиб-тутишяпти-ю? Гап сотмай ергина ютгур! Қорни тўйса бўлгани. Қаёқдан ҳам шунга тегди? Онаси-да, нариги маҳалла, кўзимни олдида бўлади, деб қилди, уни шу ҳаромхўрга. Ака-укалари туппа-тузук, бу эса носқовоққа нос борми... Ҳе, ўл! Ергина ютсин сани. Ҳали кўрасан, шаҳарга кетиб, йўлимни топиб кетмасам, отимни бошқа қўяман. Очдан ўлиб ҳам кетасан ҳали мен бўлмасам...

Салима опа ўлгур ҳам ҳадеб инкубасса, инкубасса демасдан тузукроқ одам топса, ўшани этагини ушларди. Уни ҳам топган гапи шу. Қуриб кет. Инкубассанг бошшингдан қолсин. Никоҳ ўқитармиш, бола бўлгунга қадар бирга ётиб юрармиш, кейин туғиб бериб, кетаверармиш... Катта тўлайди, дейди. Нимани тўлайди? Ҳозир ҳамма эркак бир гўр, алдаса бўлди. Ҳузурингни кўриб олса ҳисоб. Афиридан кўпи йўқ ҳозир. Анов сўтак ҳам шолипояга бир сув қўйиб олса, бўлгани. Кўзлагани шу. Битта мардига учраган эди-ю, қўлдан чиқарди. Ёнидаги пиёзчи жувон уриб кетди.

Қимир этса жони оғриб, тонг оттирди. Бозор бормаса бўлмайди. Нима еб, нима ичишади? Тишини-тишига қўйиб уйдан чиқиб кетди. Бозор яна шу. Гувиллаганигувиллаган. Кечгача помидор сотди. Охири бир яшик қолди. Салима опа тез тугатди. Тушдан кейин уйига кетди. Негадир, у қайтиб келди. Бу пайт Каниза галстуклик хира билан олишаётган эди. Хира бир яшик

охирги помидорни халталарига бўшатиб, юз сўм бериб кетяпти. "Тўхтанг, нима деяпсиз? Ўрнига қўйинг" деса, "Бозордан йўқотаман", эмиш. Ие, ўзинг кимсан? Дўқпўписа билан қанақадир книжка кўрсатиб халта тўлдирасан, ярамас. Салима опа қўшилгач, охири галстукли шляпа помидорни ербурун тўкиб ташлаб, "Эртага бозорга кириб кўргин..." дея дўқ урганча тупуриб кетди. Канизанинг елка оғриқлари ҳам унутилди. Қарғана-қарғана помидорларни яшикка териб солди. Қани, битта одамнинг раҳми келса. Яхшиям, шу Салима бор.

— Ўзингизни босинг, бу ифлоснинг тирикчилиги шу, — юпатди уни Салима, –паттачилардан ҳам олади, бозорқўмга харажат қилдиради, ер юткур!

— Чатанағини кериб қўяман, энди келсин. Қўрқадиган энасини қорнида! — ҳамон овозини пастлатмасди Каниза.

— Бунақалар кўпайиб кетди, — хулосалади Салима, — келинг энди, бошини ўзи есин, парво қилманг, — дея халтасидан янгигина аёллар этигини чиқарди.

— Ёмғир, ҳавони қаранг, мана буни кийиб олинг, шу ҳавода шиппакда юриб бўладими, рангингизни кўринг...

— Нимага кияман? Ким берди буни?

— Кий дегандан кейин кийсангиз-чи?! Худони меҳрибончилиги. Қўшним берди. Нозимахон ҳали оёғингизни кўриб кетган экан. Шунақа, сизга билдирмай хабардор бўлиб туради. Худо деган қиз экансиз. Кундошингиз бирам меҳрибон. Ўз қўли билан кўтариб чиқибди. Мана бу жемперни ҳам кийиб олинг, — Салима яна бир оҳорли, қалин, қишда ҳам кийса бўладиган узун товус суратли жемпер чиқарди. — Ҳали шошмай туринг...

Этикни кийган Каниза жемпер енгига қўл тиқаркан, оёғининг шу заҳоти илиганини ҳис қилди.

Ён-веридаги бозорчилар Салимага:

— Синглингизни ясатяпсизми, ҳа, куёв топдингизми, дейман, — дея ҳазил-мутойиба қилишди.

— Ҳа, ўзим камманми, анча-мунча куёвдан, — жавоб қилди Салима.

"Қутлуғ бўлсин" кўпайди.

— Энди, — деди Салима ёнидан пул чиқариб санаркан, — бир, икки, уч... Манг, ўн минг пул, эгачи. Бу ҳам сизга. Қани, қўлингизни кўтаринг. Худо бизга ҳам берсин.

Каниза пулни дарҳол олди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бугун қолинг бизникида, — деди Салима.

— Йўў-ў-ўқ, бормасам болалар бор...

— Майли, уларни тинчитиб, бир-икки кун қоладиган бўлиб келинг.

— Мана бу бир яшик помидорни олиб қўйинглар, қизлар, — атрофга мурожаат қилди Каниза ва бир яшик помидорни даст кўтариб, қўшни бозорчи хотинлар ёнига келтирди. — Шуниям сотиб қўясиз.

— Вой, товба, ўзимники турибди ҳали, ҳозироқ автобусиз кетмайди-ку, — эътироз билдирди бозорчи хотин.

— Кетади, — деди қатъий Каниза, халтасини тез олиб Салима опа билан чиқиб кетишди.

— Сомса еймизми? — деди хомтама бўлиб Салима, иссиққина сомса олдидан ўтишаркан.

— Майли, — ўша ёққа бурилди Каниза.

Улар сомса ейишга тушдилар. Иссиқ кўк чой ичишди. Канизанинг ичига иссиқ югурди. Жони ором олди. Елкасининг оғриғи ўз-ўзидан барҳам еди. Эзиб ёмғир ёғмоқда эди.

— Канизахон, менинг гапимга кирсангиз, кам бўлмайсиз, — чой ҳўпларкан сўз қотди Салима.

Каниза хўп бўлади, дегандек бош ирғади. Ҳозир унинг хаёли Салимада эмас, кеча тунда оғриб ётиб "Э, ҳозир бировга биров пул берадими, инкубассага бало борми?" деб ўйлаганди, у ҳам алдайди-да, ҳеч бўлмаса эллик минг берса экан, деганди. Демак, берар экан. Каниза нимадан қўрқади? Ўша мишиқи эриданми? Ўша ҳайдаб чиқарган қайнона-қайнотасиданми? Ўтаверсин, Каниза билганини қилади. Қай бири меҳрибончилик қилиб оёғига иссиқ этик, устига минг йилдан бери етинмай юрган жемперни кийгизиб қўйди? Қайси бири? Ким унга ўн минг пул бериб қўйибди? Ўша опасими, мактабни ман-ман деган директорининг хотинчаси? Дадасими, номига фермер? Қайси бири? Тошини тераверсин.

Салима Канизага ҳайрон боқди. Гапимни эшитмади, шекилли, деб ўйлаб яна қайтарди:

— Канизахон, мен бир нарсани билмасам қилмайман. Ақлингиз етгандир-а, қанақанги одамлар оғиз очяпти...

— Бўпти, — деди Каниза. — Турдик.

Сомсанинг пулини секинроқ юриб борса-да, ноилож Салима тўлади. "Пишшиққина бор, бу қишлоқи ўлгур, — кўнглидан ўтказди у. — Ҳали бу қирчанғи адабгинанг-

ни бермаса эди, Нозима қўшни. Нима қилсин, Нозима қулоқ-миясини еб қўлига беряпти. Эридан кўра бу астойдил. Тинчгина ўтирибсан, сенга нима-я, хом сут эмган банда. Эринг айтганда ҳам нафасини ўчирмайсанми? Ишқилиб, бу гадо кунингни кўрсатмасада!"

Бу гапни Нозима уч-тўрт ойдан бери оғзидан қўймайди. Ён қўшниси эмасми, чиққани-чиққан. Ўтган йилдан бери ҳаракат қилишади, тузукроқ бир хотин топилмайди. Битта-иккита топганлари эрига ёқмаяпти. Ҳожи ўлгурни кўнгли анча-мунча битликини хоҳламайди. У кишим афифасини қўмсайдилар. Туғиб берса бўлди-да. Чиройига нон ботириб ермикин? Нима дейсан энди? Болалар уйидан битта-яримтасини олиб, боқиб олишса бўладику. Унга ҳам ноз қилишади. Ҳаром-саром болалардан ким чиқади-ю, ким бўлади, деб ўйлашади.

Мана шу қорамағиз қишлоқини пошшомизнинг кўнгиллари тусаб қолибди. Бугун бир кун уйига эрта борай деб борган эди, яна Нозимахоним сепини ёйди. Қўшнинг тинч, сен тинч деб шуни айтишса керак-да. "Кечаги совуқдаги аҳволини қаранг, мана буларни олиб боринг, унамаса унамасин, хайри Худо, ўзим бир кийиб, киймай қўйганман" деб қўярда-қўймай жўнатди. Яна ўн минг сўм бергани-чи? Салимага бермайди. Йўқ, Салима, ношукур бўлма. Қўшни бўлса шунчалик бўлади. Нафсламирини айтганда, қўшниси иккови ҳам яхши, умрларини берсин.

Салиманинг куйганики, Нозиманинг егани олдида, емагани ортида, шаҳзодадек суқсур бойвачча эрининг давру давронида тиллоси бижиб, айтгани-айтган, деганидеган даврон суриб юрибди. Эри бола, фарзанд деб ўлиб қолаётгани йўқ. Нозимага нима бало экан? Эринг айтганда ҳам алда, қучоғини бўшатма, жувон ўлгур. Оғзингдаги ошингни олдириб ўтирсанг эди, ҳали мулла мушук бўлиб. Қаёқдан биласан, бу бозорчи қишлоқилар нима ўйлаб, нимани нетиб юришибди? Мол сиртидан ялтиллаб кўринаверади. Худо билади, ичида нима бор? Одамларга ҳам ҳайрон қоласан. Нималарни ўйлаб, нималарни қилишмайди-я? Қилса, қилсин-е, Салимага нима? Ўзлари қилиб, шўрига шўрва тўкиб ўтиришмаса бўлгани. Мол-давлат нималар қилмайди. Ичларини гупуртираётган бўлса керакда.

Салима пулни тўлаб, ошхона айвони олдида ёмғирдан сақланиб турган Канизанинг олдига келди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳали автобусга анча бор, айланаман, — деди Каниза.

— Майли, мен борай. Эгачим кутиб ўтирибди. Хурсанд бўлди, деб айтиб кўнглини тинчитиб қўяман, — хайрлашди Салима.

— Кейин яна берадими? — сўради Каниза.

— Беради, сиз менинг гапимга киринг, ҳали шундай берадики, бу нима? Эртага қоладиган бўлиб келинг. Ошиғингиз олчи.

— Билмадим, аммо келаман...

Салима кетди. Каниза у берган пулни халтадан олиб, ичкарига жойлади. Ўзининг пулини санади, бир минг икки юз сўм ишлабди. Бугун дови ёмон эмас. Болаларининг камини олсинми? Олмайди. Отаси бор, олсин ўша. Ўн мингни топиш осонми? Сентябрда опаси уч мингга олмади. Мана пул. Бугун тўппа-тўғри қайнонасиникига борсинмикин? Э, нима қилади, ўша писмайган қайнонасиникида? Эшикдан кириб борди дегунча, қарзларидан гапиради, пулдорлардан гап очади. Эпласанг фермер бўл. Ана, Қўзи тоға ҳам фермер. Ҳамма ёғи пул. Турди кал тоға ҳам фермер, пул битлаб ётибди. Булар бўлса, унга пул берган, бунга пул берган, планини бажаролмай тўлаган, яна алламбалолар.

У ёмғирдан қочиб, айвонли қатор дўконлар пештахталарини айланиб юрди. "Пулни маҳкам қил, бир тийинини ҳам сарфлама" дерди ўзига ўзи. Одамлар худди унга қараётгандай, ундан кўз узмаётгандай туюлар, тез-тез жемперининг барлари ва оёғига қararди. Худо бериб, бойиб кетса-я?! У хаёлан шоҳона қасрларда шоҳойимдек кезинар, ўзи билган, алам ўтказган одамларни, йўқ, бутун дунёни оёғини ўптириб, бурнидан ип ўтказиб, пойига чўктирарди.

Бугун у атай қайнонасиникига кириб ўтади. Куйсин ўша мочағар. Шунақа ўғил туғмай, тўнғиз қўпгур. Билади, у нима дерди? "Уйингларни ўғнасаларинг бўлар эди" деб пинғиллайди-да. Каниза бармоқларини жамлади: "Ҳа, ўғнайди-я! Ўғнасин ўша ҳўкиз... Ҳали кўрсатаман хаммангга!"

II

Нозима қайнотасининг кечлигига тайёрлаган овқатини энди ўраб ҳам бўлган эдики, кичик эшик очилиб Мансуржон кириб келди. Нозима дарҳол ошхонадан унинг истиқболига шошилди, қўлидаги нарсаларни олди.

— Вой, жуда ҳам яхши вақтда келдингиз, дадамнинг овқатини олиб кетаётган эдим, — деди у мамнун. — Сиз ҳам борсангизчи, дадам хурсанд бўларди.

Уйга кириб, ечиниш тараддудида турган Мансуржон тўхтади, тўғри, бориш керак. Илгари куни борган эди, боради.

— Тушда борганингизда яхшимидилар? — деди у.

— Яхши, иштаҳаси ҳам илгаригидай бўлиб қолдилар, илгари куни олиб борган дорингизни фойдаси тегибди. Дўхтир хабар олиб турибди экан. Акам ҳам келган эканлар.

— Кетдик, — деди Мансуржон, — тўрттагина иссиқ нон олволсакми?

— Ёғликкина патир қилиб олганман. Чучвара тугдим. Сиз билан борсак, машинада иссиққина боради.

— Ошқозони нозик, янги гўшт олиб бермабман.

— Вой, кеча олиб келган қўй гўштингиз сарак-сарак ялтиллаб турибди. Дадамнинг нозиклигини биламан.

Ўғли билан келини кириб келганда, Наби Мусаевич ётган ерида китоб ўқиётган эди. Уларни кўриб ўрнидан қўзғолди. Касби ўқитувчи. Институтда ишлаган. Ҳали ҳам факультетига бориб туради. Шундоққина институтнинг орқасидаги тинч кўчада яшайди. Умр бўйи уйининг ёнидаги шу олийгоҳда ишлади. Профессор. Тарих фанлари бўйича мутахассис. Нафақага чиқибам уйда ўтирмайди. Устига-устак, Мансуржоннинг онаси қазо қилгач, мутлақо уйда ўтирмай қўйди. Мансуржон кенжа ўғли. Келинидан мамнун. Умринг узоқ бўлгур уч маҳал овқат пишириб келади. Уйларини чиннидек тозалайди. Ҳаммаёқни сарамжон-саришта қилади. Тўкилган битта баргни ҳам ерда қўймайди. Кийим-бошларини эринмай дазмоллайди, тоза туфли, ботинкаларини бир кунда уч марта артади. Бирам пазандаки, Наби Мусаевич келини пиширган овқатдан бошқа таом емайди. Бировникига кирмайди, ошхоналарга тоқати йўқ. Аспирантлари чорлаган дастурхонга бормайди, борган ҳам эмас. Ўзи инжиқтабиат, нозикроқ. Тўй-тўйчиққа кам аралашади. Маҳалланинг иссиқ-совуғига кириб туради, холос. Ҳаж қилган. Икки ўғли қўярда-қўймай хотини иккисини ҳажга жўнатишган. Ўғиллар шундан гап қўзғаб, борасиз деб туриб олишганда, чин гап, оёқ тиради:

— Ўғлим, ҳажга одам ўз ихтиёри билан, ўзи топган пулга боради. Сизлар пулни тўлаб қўйдик, деб турсала-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ринг, мен қандоқ бораман? — У ана шундай бўйин товлаганди.

Ўғиллар тихирлик қилавергач:

— Менга қаранглар, аввало миннатдорман, раҳмат сизларга. Аммо бир гапни айтиб қўяй, сизлар менинг гапимга киришингиз шарт. Менинг киришим шарт эмас. Энди бир гапни эшитинглар: Айтибдиларки, икки етим норасидани вояга етказиб, тарбиялаган одам ўн марта ҳожидур. Мен қанча бева-бечоранинг боласини тарбия қилдим. Қолаверса, бир китобат тузиб, бекор-бехуда юрмай, инсонларга ақл ўргатмоқлиқ саодати абадиядур, демакким, ўттиз марта ҳаж қилмоқлик савобини берур. Мен абдол эмасман. Афкор омма шу экан борамиз. Шуни билиб қўйингларки, ҳаж қилмоқлик умр давомида бандаси қачон абдолвашликни бўйнига олгач, қилингани маъқул. Сизларга ҳозир ҳикоятлар сўзлаб ўтиришимни фойдаси йўқдур.

Ҳаж қилиб ҳам яхши қилган экан, шу баҳона кампирининг ҳам кўнгли тинч кетди.

Наби Мусаевич фарзандларидан норизо бўлиб юрган кезлари кўп бўлди. Каттаси дўхтир бўлиш ўрнига унинг иродасига қарши бориб, иқтисодчи бўлиб кетди. Кичиги Мансуржон умуман яхши ўқимади. Тарих факультетини бўйнидан боғлагандек амал-тақал битирди. Янги замон келиб, ҳозир "янги ўзбек" эмиш, ўзини тижоратга уриб бой-бадавлат бўлиб кетди. Нечтаям дўконлари, автозаправкаю яна алламбалолари бор. Онаси хўп хурсанд бўлди-я, ўғлининг топармон-тутармон бўлганига. Табиатан инжиқ Наби Мусаевич қўли остида бу хотин моянага чидаб яшади-да. Кўп қийинчилик тортишди, йўқчиликни кўришди. Оила қуришганда шаҳарга кўчиб келишиб, ўқитувчилар учун белгиланган баракнинг бир хонасида яшашди. Зокиржон ўша ерда туғилди. Мансур ҳам ёруғ дунёни кўрай деганда бошқа баракка — икки хоналикка кўчишди. Мана шу ўтирган уйни ҳам шаҳар бўйлаб етти марта кўч-кўч қилиб кейин олишган. Шу ерда тинишди. Наби Мусаевич бу ердан ҳеч қаёққа кўчмайди. Мансур эса уйига олиб кетармиш! Ҳалиям ёшда бу бола, қирқни қоралаб қўйса ҳам... Ишлари хўп юришишга юришди-ю, битта тирноқдан қисди-да, Худойим. Шундек афифа, саодатманд, гўзал, эсли-ҳушли, одобу иззатда ягона келин — Нозимахон иккиси узукка кўз қўйгандай, аммо туғмагани ёмон бўлди. Мансур билдирмайди, хотинини

ҳурмат қилади, келин уни бошига кўтаради. Фарзанд доғи бир кунмас-бир кун оилага нифоқ солмаса бўлгани. Наби Мусаевич ўғлидан ҳам келинини хуш кўради. Бирам хушмуомала, ширинсўз, меҳнаткаш, энди нимасини айтасиз? Бечорани фарзанддан қисган. Гапнинг тўғриси, бундай хотин билан аблаҳ ҳам бахтли бўлади. Мансуржонни ўтқизгани жой топа олмайди. Қайнонаси ҳам "хўп етиндик келинга" деб боши осмонга етиб юрди, аммо қазо қилаётиб ташвишда кетди. Булар ҳали ёш, ўттиз ёш нима деган нарса, авжи тўлиб келишаётган палла, ҳаётдан вақти чоғ, кўзи яхши нарсадан бошқани кўрмайди, бир-бирига тўймайди. Аммо вақти келиб, ёлғизлик, зурриёдсизлик ғулғула солади. Булар, айниқса, бой, ўртада меросхўр масаласи бор. Кимга ташлаб кетади бунча бойликни? Шунинг учун тижоратга ружу қўйганда Наби Мусаевич айтган эди:

— Ўғлим, пул, бойлик яхши нарса. Аммо ҳалол бўлса. Бировни алдаб, етимнинг ҳаққини еб, ҳеч кимнинг охирати обод бўлган эмас. Ҳозир одамлар олиб қолсам бўлди, деб қолишган. Бировнинг ҳаққи, ўзганинг меҳнати ҳеч кимни қизиқтирмайди. Яхши халқимиз бор, меҳнаткаш, заҳматкаш, ўзи емай едиради, деймиз. Мана бу янги замон одамларни сал элади. Одамлар бошқачароқ бўлиб қолди. Ҳамма ҳам эмас, албатта. Аммо кўпчилик беш бармоғини оғзига тиқяпти. Ҳаромдан қўрқмай қолди. Таъма кўпчиликни илондай ўраб олди. Ҳар қандай ўтиш даврида, ҳар бир мамлакатда, мана узоққа бормайлик, Европанинг ҳозирги ривожланган давлатларида ҳам бундан баттар бўлган. Аммо улар йўлини тез топишган. Бизнинг юлғичлар қачон бу ғафлат уйқусидан уйғонади, номаълум? Бунга йиллар керак. Қолаверса, ўғлим, бировни эксплуатация қилиб бойлик орттириб бўлмайди. Японларни олгин, бу улуғ халқ-чи, ўғлим, биздан-да қашшоқ бўлган. Ейишга нони, гуручи, кийишга кийими бўлмаган чоғда ҳам шу ақидага амал қилишган. Япон билан Хитой халқига қонун қон билан киради. Дунёдаги энг устувор нарса — қонун дейди бу халқлар. Кўрдингми? Бизникилар-чи, бизникилар!? Айниқса, сен, тижоратчилар қонунларни четлаб ўтсак бўлди, чангалда шўрва деб ўйлайсанлар.

Бундай гаплар кўп бўларди, лекин бола дегани ўз билганини қилар экан. Мансур ҳам билганидан қолмади. Ҳозир унинг қўли узатган ерига етади. Аммо ота

www.ziyouz.com kutubxonasi

ташвиш чекар экан-да. Шу болани тўғри йўлга бошлайман деб кўп уринади. Худо билади, балки тўғри юргандир. Замон шуларникидир. Наби Мусаевичнинг замони аниқ ўтган, шундай эса-да, у вақти аллоно бундай гапларни гапириб туриш керак деб ўйлайди. Шунда унинг кўнгли таскин топади. Асли ўзи Мансурни, йўлимдан юрсин, ҳунаримни олиб қолсин деб, тарихга киргизган эди. Олим бўлишини хоҳларди. Шу сабабли норози бўлиб юрди, айтгани бўлмади-да. Майли, омадини берсин.

Бир куни амвол тўғрисида азтахидил гапираётиб, бир мисол келтирди:

— Бир одамни биламан, жуда камбағал эди. Оиласини амал-тақал тебратарди. Алвир-шалвир, йиртиқ-ямоқ кийим кийиб, бизнинг уйимиз яқинидаги ахлатхонани титгани-титган эди. Унда сизлар ёш бола эдинглар. Йиллар ўтиб унга худди ўзига ўхшаш, анво болалар қўшилди. Иштонсиз, кўйлаксиз ҳам юришаверарди. Ўшалар отасига ёрдам бериб, ахлатхонадан кир, кўкарган буханкаларни теришарди, қоп-қоп қилишиб, орқалаб кетишарди. Шунга мол-қўй боқишиб, зўрға тирикчилик қилар эканлар. Бу бўлган воқеа, ўғлим. Ҳозир кўрсанг, шулардан бой одам йўқ. Ҳамма ўғлининг ўзига етарли уй-жойи бор, тагида машинаси. Кўрдингми, ҳалол меҳнатни, нонни азиз қилганни Худо азиз қилади.

Мансур табиатан камгап бўлгани учун ота бечора гапира-гапира энсаси қотиб, ҳафсаласи пир бўларди. Нари борса дадасининг гапларига одоб юзасидан "хўп" билан чегараланарди.

Мансуржон дадаси билан салом-алик қилгунча, Нозима дарров дастурхон тузади. Ёғли патирларни ушатди. Икковларига чучвара сузди, чой дамлади. Ота-бола суҳбат қуриб овқатландилар. Ташқарида тимирскиланиб юрган Нозиманинг хаёлидан негадир "Жуда бўлмаса, шу ерга ҳам келиб олавераман-да" деган ўй ўтди. Ўйлашга ўйлади-ю, ўзи ғалати бўлди, бу ёмон фикрни қувишга уринди.

Бир вақт ота билан хайрлашиб уйга қайтдилар. Индамай рулни бошқариб кетаётган Мансуржон:

— Дадамга бирон нарса дедингизми? — деб қолди тўсатдан.

— Йўқ, шунчаки ўзим... Барибир биладилар-да... — жавоб қилди дудмолланиб Нозима.

— Аввало, менга шу иш керакмас. Ўзингиз бошимни

қотиряпсиз. Сизнинг устингизга ҳеч қачон хотин олмайман. Майли, сиз айтган дўстларимнинг иккита хотини бўлса бўлсин. Меники бўлмайди. Бўлмайдиган гапни оқсоқолга айтиб нима қиласиз? У кишини энди кўраётган бўлсангиз экан.

— Унчалик деганим йўқ эди... Шунчаки...

— Профессорга қилча ишора бўлса бас, жаҳон тарихини чўнтагингизга солиб қўяди.

— Хафа бўлманг, бегим, билмабман.

— Кечиринг, эшитадиганимизни эшитдик-да. Узр, жоним, сизни койимоқчи эмасдим, — Мансуржон чин дилдан узр айтди, буни Нозима тушунди, тушунса ҳам:

— Мени Анхел шоввасидан ташлаб юборсангиз ҳам заррача хафа бўлмайман, — деди йиғлаш ўрнига кулимсираб.

— Анхелингиз нимаси?

— Профессорнинг гапи-да.

— Ҳа, шундоқ денг?

— Ҳали тушлик келтирганимда шуни менга тушунтириб кетдилар. Венесуэладаги энг баланд шаршара экан. Шовва 1054 метр баландликдан тушаркан.

— Сизга нима алоқаси бор экан унинг?

— Мен ҳам сиз билан ана шундай соф ва узоқ яшашим керак экан.

— Оббо, профессор-ей, келинига шунақаям хушомад қиладики, — кулди Мансуржон ва тез ўзини тутиб, куймаланди. — Бу ёқда ўзи Анхелим чиқиб турибди.

— Вой, нима қилди?.. — Нозима бу саволга жудажуда "дадаси" деган улуғ сўзни қўшгиси келарди-ю, ҳар гал тилини тишлаб қоларди. Шунинг учунми, гапи узуқюлуқдай чиқарди.

— Э-э, — деди хўрсиниб Мансуржон, — яна департамент.

— Ие. Кечагина келишканди-ю?

— Энди нариги дўконга... Яна сертификат йўқ, кассага урилмаган разница... Шундай бошоғриқ.

— Э-э, кўнглингизга олманг. Берсангиз тинчишади.

— Шу-да. Шуни индамай сўрайверишса-ку, берилади. Кўрмайсизми?

— Қўйинг, арзимаган нарсага бошингизни оғритманг. Бор, берасиз. Улар ҳам нима қилсин, бола-чақаси бор... Ойликка яшаб бўладими?

— Бўлади, дейди-ю, профессор...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дадам, дадам-да. Умрлари зиёда бўлсин. Энди, мени гапимни гаплашайлик. Салимахон...

— Қўйинг, беъмани гапни...

— Қулоқ солиб туринг... — эркаланди Нозима.

— Эшит-май-ман!

— Эшит-а-сиз!..

Бу вақт уйларига етиб келдилар. Нозима чаққон дарвозани очди, Мансуржон дарвозадан ўтишига ичкаридаги гараж эшигини очиб, чироғини ёқишга улгурди. У ҳар куни бу ишларни югуриб-елиб, аяси боғчага эрта келган боладай қувониб бажаради. Мансуржон машинадан тушган заҳоти, Нозима енгил парашют матоҳни машина устига ташлади, гир айланиб ёпди.

— Чўмилиб оласиз, — дея уй эшигини оча солиб, чироқларни ёқиб юборди.

Югуриб кириб, ваннахонани кўздан кечирди. Эрининг чўмилишига кўмаклашди. Унга совун суриб, орқаларини ишқалар экан: "Азизим, шаҳаншоҳим" дея гўдакдек суяр, эркаланиб эркаларди.

— Мана бўлди, энди артиниб оладилар, — амрикон сочиқни ёпди устига, сочларини артди. — Ҳозир, шаҳаншоҳимиз чиққунча, чой дамлаб турамиз.

Мансуржон халатини кийиб, бир қучоқ бўлиб, меҳмонхонага кираркан тагига оромкурси сурди, югуриб телевизорни қўйди. Чой келтиргани чиқиб кетди. "Қизи бўлганда эди, ҳозир ўн иккига кирган бўларди, дадасига чойни ўша дамларди" хаёлидан кечди унинг. Оғир хўрсинди. Эй, дунёи бевафо! Чойни олиб кирганда Мансуржон оромкурсига ястаниб, телевизор томоша қилаётганди. Нозима чойни қуйиб, унга қўшилди.

Телевизорда реклама кетар, Фаррух Зокиров бошлиқ ашулачилар иштирок этган фильмдан парча кўрсатишмоқда эди. Мансуржон:

— Ўзбекистонда актёр қолмади, шекилли? — деди чой ҳўпларкан.

Нозима тушунмади ёки эътибор бермади, Мансуржон унга бироз қараб турди-да, дастурни ўзгартирди. Бу ерда тадбиркорлар ҳақида фильм кетар, бир қиз ўзича ёпишмаган сунъий хатти-ҳаракатлар, гап-сўзлар қиларди. Мансуржон яна тугмачани босди, энди кўча тўла бахтиёр ўзбек жуфтлар ясан-тусан, ўрталарида шўх-шодон болачаларини етаклаганича хиёбонни тўлдириб ўтмоқда эдилар. Мансуржон билмай Нозимага қаради, у эса

ерга. Буни дарҳол тушунган Мансуржон яна дастурни ўзгартирди. "Россия" каналида Сталин бино бўлди. Кейин Гитлер... "Мюнхаузен" деган ёзувдан кейин кўкка бўй чўзган, тутун буруқсаётган улкан мўри экранга келди, ундан кейин сочи қирилган болаларнинг ўтга кираётгани...

Мансуржон: "Ётдик" деди ва телевизорни ўчирди, ётоқхонага йўл олди. Нозима телевизордагилар етовидаги шўх-шодон, чиройли болачалар билан бирга кирди, хаёлида ётоқхонага. Мансуржон магнитафонни паст қўйди, ундан "Баҳор айёми" мунгли таралди. Икковлон ёнма-ён ётиб кўксини тўлдирган ёқимли оҳанг оғушида тин олишди. Оҳанг аста-секин авжига чиқар, бутун оламнинг абадулабад саодатбахш торларини чертмоқда эди. Улар анчайин сукутда қолдилар. Қўшиқнинг сўнгги пардаларида Нозима Мансуржоннинг елкаларини силади. У оҳанрабо қўшиқ селига ғарқ, Нозиманинг тотли сирпанаётган кафти устига кафтини қўйди. Шу топда сўзлашиш ортиқчадек эди. Барибир, бу хушбахт сукунатни Нозима бузди: у бунга мажбурият сезаётганди.

— Бегим, — дея майин, аммо жиддий сўз бошлади. — Мен сиздан сўроқсиз бир иш қилиб қўйдим, — гап бошлади-ю, эрининг эътиборини кутди.

Яхши, Мансуржон жим ётди. "Энди тақдирга тан беради" ўйлади Нозима ва имконида мавжудки самимийликни ишга солди, гапни узоқдан бошлади.

— Менинг бахтим ҳам, тахтим ҳам фақат сиз. Мен сиздан бошқа кимга керакман? Тоғаларимни қўлида ўсган бўлсам, ўшалар чиқарган бўлса, институтда сизни — ўзимнинг бахтимни топган бўлсам! Сиздан бошқа кимим бор? Ўзимни бир дам сизсиз тасаввур қила олмайман ва сизни бахтсиз қилишга заррача ҳаққим йўқ. Сизга аввал ҳам айтганман, айб менда. Мен ўзим бахтиқаро яккатуғмаман. Буни биласиз. Сиздан яширганим йўқ ва кўзим тирик экан сиздан ҳеч нарсани яширмайман. Онам мени туғибоқ, у дунёга йўл олган. Унинг туғиши мумкин эмас эди. Ремокардит шунақа дард. Мени зўрға сақлаб қолишган. Яхшиям яшаб қолган эканман, мана, ўн уч йилдирки, бир ёстиқ иккимизники, дунёда энг севган кишимнинг оғушидаман. Мени бир марта ҳам кўз ёшимни оқизмадингиз, бирор дам бировга қарам ёки зор қилмадингиз. Тоғаларимнинг менга қилган яхшиликларини ҳам ўн чандон қайтардингиз. Мендан ҳеч қачон кечмассиз,

www.ziyouz.com kutubxonasi

чунки сизда номардчиликнинг уруғи ҳам йўқ. Қўли очиқ, мард, меҳрибон одамсиз. Яхши одамнинг фарзандисиз. Ҳатто акам ҳам сизнинг кўп хислатларингиздан бегона. Буни мен биламан. Шунинг учун дадам ва мен сизни жуда яхши кўрамиз. Ҳамма сизни яхши кўради. Мен буни одамлар сиз билан гаплашаётганда кўзларидан сезиб тураман. Худо икки қўллаб берган сахий, олийҳимматсиз... Ишонаверинг, мен сизни жудаям, жудаям... севаман десам энди ярашмайди, бу ўзбекнинг гапи эмас, хуллас сизнинг қулингизман... Чин сўзларимни айтаётибман. Ахир шу бугун ҳам гапимни рад этсангиз, унда дадамга айтганимни қиламан... Шу ёқлардан йўқолиб кетаман.... Мени шу ерда, шу эшикда қулингиз бўлиб юрсин десангиз, гапимни иккита қилмайсиз. Мен бунга қатъий қарор қилганман. Туғади, кетади. Чидайман. Оғзимдагимни бериб қўйиш менга осон деб ўйламанг. Аммо сиз учун, битта фарзанд учун ҳозир жонимни оламан деса, бошимни кундага қўяман. Сиз айтган болалар уйидан олинган бегона қаёқда-ю, томирида сиздек одамнинг қони оқиб турган эт қаёқда? Ўша менинг болам бўлади. Ўзим катта қиламан. Она бўламан. Мени бу бахтдан мосуво қилманг, жон Мансур ака!

— Кейин кетмаса-чи? — тилга кирди Мансур, овози хира чиқди.

— Кетади. Шунга келишилди. Шунинг учун содда, қишлоқи, ўша ўзингиз кўрган келин билан гаплашилди. Шаҳарлик эчкидан қўрқ. У нима, бир қорнига пул топа олмай юрган пул гадоси. Яхши тўлаймиз, бизнинг айтганимиз бўлади. У олган пулидан хурсанд, ўз йўлига кетаверади. Бизнинг эса меросхўримиз пайдо бўлади. Осон топяпсизми, кечаю кундуз чопа-чопа... Этни тирноқдан ажратиб бўлмайди. Ўзингизнинг пуштикамарингиздан бўлганига нима етсин!

— Уни сиз яхши билмайсиз...

— Таваккал... Худодан қўрқар ахир. Ҳаммамиз ҳам Худонинг бандаларимиз-ку?

— Мен қандай қилиб танимаган-билмаган бошқа хотин билан ётаман?..

— Битта тирноқ учун одамлар нималар қилишмайди. Сиз ҳам, мен ҳам чидаймиз, Азроилнинг чангалида бўлса ҳам.

— Бирон нарса бўлса, ўзингиз барчасига сабабчи, шу эсингиздан чиқмасин.

— Бирон нарса бўлиши сизга боғлиқ. Эркак киши қаттиқ турса, гапида турса, ҳамма чигал ечилади. Гап ҳамжиҳатликда. Ҳамжиҳат ҳал қиламиз.

— Одамлар нима дейди? Ҳожи бўлсам?

— Э-э, ҳожиларни қўйинг. Ўша, ҳожиларми, ҳожилар... Уларни гапириб нима қиласиз? Сиз бошқача одамсиз. Биламан, ўлигим ҳам сизники.

— Осони, бош оғриқ қилмасдан, бола олиб қўя қолсак олам гулистон эди...

— Қаёқдан биласиз, кимнинг боласи, қайси ҳаромзода туғиб ташлаган? Улар тўғрисидаги гапларни эшитсангиз, тепа сочингиз тик бўлади. Манави гапни эшитинг: бир бизга ўхшаган оила фарзанд деб турган экан, синглисини эри бориб қолибди. Бу гапни эшитиб "Нима қиласизлар, бегонани олиб, бегона-бегона-да, мана бизда нечта фарзанд, яқинда хотин яна туғади, ўзингизни синглингиз, ўшани олиб келиб бераман, қўйинглар бировнинг боласини, вафо қилармиди?" деб кетиб, улар ишониб юрса, бир куни бир янги туғилган болани олиб бориб берибди. Кунлардан бир кун болани катта қилаётган хотин синглисиникига келиб, "Боланг ажойиб катта бўляпти, ҳеч ташвиш қилма", деса, синглиси ҳайрон: "Қайси болам, икки йилдан бери туққаним йўқ-ку?" дебди. Қаранг, ҳалиги шоввоз божасига хотинимдан, деб ўйнашидан хуфя туғилган болани олиб бориб берган экан. Опа бўлса, эри ҳар: "Божамларникига борайлик" деганда, синглиси болани кўрса, барибир она-да, меҳри товланиб, зўрға топган боласини олиб қўйишидан қўрқиб эрига: "Улар узоқда яшашса, бола билан қийналаман" деб нақ саккиз ой деганда борган экан...

Ана кўрдингизми? Бу гапни асло оғзингизга олманг. Энди анови қишлоқи масаласига келсак, тузуккина, эслиҳушли жувонга ўхшайди. Камбағаллик тушовига тушган. Бошидан иссиқ-совуқ ўтган, яхши-ёмонни ажратган, бола-чақаликкина экан. Салима опа обдон сўраб-суриштирди. Билмадим, энди одамнинг оласи ичида. Худога айтганимиз бўлса, тўғри хотин чиқар, бўлмаса пешонамиз... Ўзиям сўлқиллаган, қорамағиз, офатижонгина. Эркак зотини кўзини ўйнатадиган. Ҳали ишқилиб, қорачаси ўт бўларкан деб... — Мансуржонни туртди Нозима.

— Э-э, ҳазил сиғадими ҳозир?

— Энди, билиб бўлмайди-да, жодугаргина бўлса...

— Қўйинг, умуман бас қилинг шу гапларни...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Айтдим-қўйдим-да, бегим. Инсофни ўзингизга берсин. Биз энди "Бисмилло" деб бу ишга қўл урдик, охири бахайр бўлсин.

Нозима нозли суйкалиб, эрининг пинжига суқиларкан, Мансур эрта-индин бу кошонада юз берадиган ёқимли янгиликлар мазасини туяр, хушбахтлик ила истиқболда турган аёл нафасини Нозимадан излай бошлади...

III

— Ҳа, сал сийлаб қўядигани... бор экан, — жеркигандек жавоб қилди Каниза пастга ишора қилиб, кўрпа остидан бир кўзида қараб турган эрининг: "Хоҳ, ясаниб жуда ойтилла бўлиб кетибсизми?" деган писандасига.

— Ҳой, тилингни узиб оламан, — тескари қаради Самад.

— Ўзингникини узасан ҳали... — энди пастгина жавранди у ва тарақлаганча чиқиб кетди.

Самад кўрпанинг ичида сўкинди:

— Бадбахт, бозорга ўрганган хотин ўзи...

У кеч келгани боис, Канизанинг устидаги кийимларни кўргани йўқ эди. Қолаверса, чироқ ўчган вақтда келди. Қорни оч ётди. Ҳозир ҳам кўнгли озиб, қорни ҳуштак чалаётганди. Яна бироз ухламоқчи эди, оч қоринга кўзи илинмади. Қизчаси ухлаб ётибди. Ўғли мактабга кетган чоғи. Бир пас ётди, устидан кўрпани ағдарган эди, совуқ чақди. Жунжикиб, яна ўраниб олди. "Ҳаётниям падарига лаънат. Бу нима ҳаёт бўлди? Макиён даканга дўқ урса! Калтак егиси келиб қолибди, шекилли, чичанглаб қолди. Қаёққа кетди ўзи? Бозорга кетиб бўлишди, у бугун бормади, бир бўлса". Узалиб фуфайкасини тортди, кир, ситилиб кетган майка устидан кийди. Фуфайка елкасини муздеккина чақди. "У-у-ув" деганча чўнтагидан "Карвон" олиб тутатди. Чекиб бир нуқтага тикилганча анча ўтирди, яна хаёли хотинига, ҳозиргина жеркиб кетган Канизага кўчди: "Бозорга бориб, тўртта нон топиб келиб, тили чиқиб қопти-я. Тур, топ қанжиқни. Сени отанг тўрт маҳаллага гап бермаган. Онанг писган товуқдек юрарди олдида. Буларнинг тизгинини бўш қўйиб бўлмайди. Бугуноқ оғзига тепмасанг эртага томга чиқиб бақиради, бу Ўктам таёқнинг туққани..."

Самад қизчасини уйғотмай, онасиникига йўл олди. Бориб бирон нарса емаса, бўлмайди. Қорин ҳуштак чалворди. Борса, бозорчи сатанг ўша ерда ўтирибди. Ҳасрат

қилгани келибди-да. "Самад — у, Самад — бу. Ичади. Нонни Канизахон топяпти, болаларнинг устига ҳеч бало йўқ ва ҳоказо..."

Кириб бориши билан бувиси ва Каниза икковлон унга қарашди. Самад бир муддат индамай турди, сўнг:

— Буви, ейишга бирон нимангиз борми? — деди.

— Йўқ, ҳозир ошхамир оляпман, — деди онаси астойдил тоғорани нуқилаб.

— Сатанг нима қиляпти бу ерда? — кесатди Самад.

— Қўй болам, ҳозир уриш-жанжал қиладиган замонми? — бир нарсани сезгандай гапнинг индаллосини айтди Хосиятби. — Уриш-жанжалларни ўрнига болачақани ўйланглар. Қишлоқда ҳамманинг этаги кетига етмай турибди. Оса олибди устивош. Буям ёш, кийинадиган пайти. Эртага мендай яғири чиқиб, кўйлагингниям ювиб беролмайдиган бўлиб қолади. Ҳозир кийса ярашади. Хўп қипти, ажаб қипти. "Шу нарсаларни бекор олдим" деб келган экан, боплабсиз, хўп қипсиз, деб ўтирган эдим, сен келиб қолдинг. Арзон-гаров олибди. Оса олибди-да. Сен олиб бермаганингдан кейин, биз олиб бермасак...

Хосиятби тоғорадаги хамирни эзишга мос нафас олиб гапирар, гапида қўпиши мумкин бўлган довулнинг олдини олаётгани аниқ-тиниқ сезилиб турарди. Каниза атай бурнини қаттиқ тортиб, бурилиб ўтираверди. Самад айвон пештахтасига ўтирди. Бурнини пилпиллатиб, айвонга яқинлашган жиянига:

— Наси, бор бизникига, укангдан хабар ол, — деди.

Қизча хираланиб жўнади.

— Энди, ўзингдан қолар гап йўқ, болам, — яна гап бошлади Хосиятби кир дастурхон билан хамирнинг устини ўраб, тўшак ташларкан. — Бунинг ҳам оғриб қолибди. Уч-тўрт кун дўхтирда ётсам, деб келибди. Ўша ёқда бир опахони бор экан, таниш дўхтирга қаратаркан. Бола бечора ўтган йилдан бери бозор қатнаб, тиним билмади. Тирикчилик қурсин. Совуқларда нарса кўтариб, касал оширган бўлса бордир? Иссиқ жон, ахир. Қолаверса, бировнинг боласи. Ўзи куймаса биров куярмиди? Даволанса, ана, даволансин, ётсин, болам. Бўйида борми, Худо билади? — чуқур хўрсинди Хосиятби. — Э-э, хотин кишининг жони қирқта бўлган билан ичидан ўтганини ўзи билади. Сенлар қўниб-қўниб кетаверасан. Сенларни туққунимча ичим ағдарилиб, кетимга тушиб қол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди, билиб қўйдингми? Биттаси отангми? Юкини энанг кўтарган холос. Макиёнчалик қадрим йўқ отангга. Пешини қайиришни билади холос. Ҳамманг бир гўрсан.— У Канизага ўгирилди. — Даволанинг қизим. Болларни ўзим қарайман. Шунча даҳани ўрага етган нон икковига етмай қоладими? Ташвиш чекманг.

Хосиятби ўтиравериганиданми, оқсоқланиб, инқиллаб тандир томон кетди. Каниза билан Самад ўтирган ерида ўтиравердилар. Самад оч қорнига тамакини чуқур-чуқур тортди, охири ўрнидан қўзғолди. Индамай кўчага чиқиб кетди. Аммо изига қайтиб келди, атай Канизанинг рўпарасига келганда тўхтаб:

— Буви, айтинг, сатанг хоним адресчасини ташлаб кетсин, — деди кесатиб, овозини баралла қўйиб тандирга ўт қалаётган онасига, — тағин бу бозорчи туғиб сотиб ҳам юбормасин. Ҳамма нарсани сотади бу.

Каниза лабини буриб қўйди. Онаси:

— Қўй энди ўғлим, ишингни қил, — деди хавотир.

Бир санчиб олиб, кўнгли олимсинди, шекилли, Самад бурилиб чиқиб кетди. Қайтиб келмади. Каниза нонининг пишишини кутди. Қайнонаси иккови иссиқ нон билан чой ичишди. Бунинг ичида қизчаси Ойимхон ҳам келди, опачаси билан. Кўнгли тинчигач, қайнонасига отасиникига кетаётганини айтиб, йўлга тушди.

— Майли, шу жувонмаргнинг кўзидан узоқроқ бўлиб туринг, — деди кузатаётиб қайнонаси, — бобовчаси келиб қопти, шекилли.

Учтеракка кетиб бораркан, Каниза йўл қуюн ўзи билан ўзи гаплашиб, эри билан даҳанаки урушиб кетди: "Адресчасини ташлаб кетсин, эмиш, орқамдан эржоним, меҳрибоним етиб борсин, деб. Жуда қадримни билиб қўйдинг, тўнка. Сенга тегиб нима кўрдим? Ўл. Сассиқкузан, битлики. Ҳали қараб тур, бир куйдирайки, ичэтинг ёниб кетсин... Бировга гап бермайсан, мақтанчоқ. Гувалани обориб деворга урасан, деворни гувалага... "Сатанг хоним" эмиш-а? Сатанг хонимман, нима дейсан? Ҳамма ёғимни сотармишман? Ҳа, сотаман, хоҳлаганимча сотаман. Сени биров олмайди, гўрковликка олади, гўлахи. "Туғиб, сотиб юбормасин" эмиш? Нима қилишга кетаётганимни Худойим дилингга солиб қўйдими? Ўл-а! Худди шунга кетяпман. Нима дейсан, зўпидин? Ўзиникини ўзига сотаман. Мен, Салима айтмоқчи, "инкубассаман", эшитдингми, инкубасса! Ҳозир эшитиб

ол, маъносини кейин уқиб оласан. Тухум босаман... "Бозорчи" эмиш-а? Шу бозорчи боқмай, энанг боқяптими? Ҳа, энанг нонга ўтир демади-ю? Куйибгина ўласан ҳали, қараб тур... У қулоғинг билан ҳам, буниси билан ҳам эшитиб ол, ўзингни бозорчи қилиб қўймасам, Каниза отимни бошқа қўяман. Бир мартага мана кўрасан... Ўзи Худо мана мен деб бериб турибди. Шундай бойиб кетайки... Қариб-чириб, чангимда йўқолиб кетгин..."

Каниза эри билан даҳанаки солиша, отасининг уйи олдига борганини сезмай қолди. Дадаси Эшмат сўпи, Эшмат лапашанг, онаси уни шундай муборакбод этади, ҳозир фермер, дарвозага етиб келиб, эшагидан тушаётган экан. У ҳозир қайроқи аясининг гапини эслаб кулимсади: "Қилган ишининг тайини йўқ, эшакнинг кетидан ўралашади, Эш сўпи". Во-о, онасига гап йўқ. Етти чақиримдан эркакни бўйнига бўйинтуруқ солиб, узанги тақади. Бекордан беҳуда уни қишлоқда Ўктамхон эмас, Ўткирхон дейишмайди. Узунқулоқ гапми, яна Каниза билмайди-ю, янги келинлигида хотини келиб қолиб, мешқоп раиснинг уйидан катта қора чолварини кийиб, қочиб келган экан. Миш-мишчи хотинлар тили қичиб гапирганда, Каниза кап-катта қиз бўлиб қолган эди-да, орият талашиб узиб олган эди. Кейинчалик, Каниза сингари бошқа фарзандлари ҳам катта бўлиб, бу гап тилдан тушди. Анов лапашанг эрига қолса, ҳалигача юраверарди бу гап. Бунақанги гапларга биринчи бўлиб Каниза жиддий чек қўйди. Аясини у-бу дейишгани билан фарзандлари, айниқса, қизлари жиддий, баъмани ўсишди. Бағри кенг қишлоқ аҳли ўртасида Ўктамхон-Ўткирхон театр саҳналари унут бўлиб кетди. Яхши-яхши одамлар қуда-анда бўлдилар. Асли аяси ўзи қувноқ хотин. Қиш ҳам, ёз ҳам барибир, кулдириб юраверади, қизларига ўхшаб иззатталаб эмас. Анави директорнинг хотини — опаси тергаб, сўкади. Аммо Ўткирхон ажива қилиқларини ташламайди, ташламади ҳам. Бешикда теккан-да!

Дарвозанинг кичкина эшигидан аввал ўрганган эшак, ота ва қиз киришганда, Ўткирхон театр, токнинг тагида ўтирган эканми, тура солиб:

— Вой-вой-вой, ким келяпти, бўйларингга қоқиндиқ,— деганча обдастада қўлларини чайиб-чаймай, Канизанинг истиқболига юрди, келиб уни қучди ва елкаси оша сўпига қараб: — Ҳмм... Эшакнинг кетидан қолманг, —

www.ziyouz.com kutubxonasi

деб қўйди. Сўнг Канизанинг янги товусини силаркан, қўшимча қилди: — Ҳай-ҳай, кўз тегмасин-а, туф-туф!

— Ая, — деди Каниза норози оҳангда, — яна қошингизга мунча қуюқ ўсма суркадингиз, а?

— Тек қўй, сўпини алдасам бўлди-да, мени деб шу ерда юрибди-ю, — яна ҳазилга олди Ўткирхон, дастурхон ёзаркан.

— Ҳеч эсингиз кирмади-кирмади...

— Яна сўккани келдингми? Анави директорнинг хотини мендан уялармиш. Нима бало, сенларни анов сўпи билан эшак туққанми? — кулди у яна.

— Ая!!!

— Нима гап, ким нима туғибди? — аралашди эшагини боғлаб келган Сўпи.

— Пермер пермер туғибди, — узоқдан яна гап солди Ўткирхон.

— Э, пермерлик ҳам қийин экан, қизим. Униям пули бор қилса дуруст экан. Бўлганлар бўлганича бўлиб қолди. Бизга ўхшаб кейин югурганлар дори сотиб, ер сотиб, раислар сингари кун кўриб юрибди.

— Яна пул, пул, пул, — жазава бошлади Каниза. — Мен пул сўраб келдимми?

— Бўлди, бўлди, биз жим.

— Пул сўраб келдимми, ая?

— Йўқ, йўқ, мени кўргани келдинг.

— Босиб олган буғдойизи гапирмайсиз? Ими-жимида сотиб, ҳў аждаҳо ўғилларизи домига тиқяпсиз? Битта кенжа қиз ўлибгина кетсин, — кўзига ёш олди Каниза.

— Ҳа, бу сўпи ўшаларга тиқади. Анави бой қизига тиқади. — Канизага бўлишди онаси.

— Яна мени ана шу сўтакка бердиларинг?.. Сиз қилдингиз, ая, шу ишни, — авжига чиқди Каниза.

— Мен қилдим, отасини кўриб этик ечибман-да, — ҳиқиллади онаси.

— Бўлди ая, ҳазилни, масхарабозликни ҳам чекичегараси бор. — Каниза ҳар эҳтимолга қарши миясида етилиб пишган режасини ҳисобга олиб, муддаосини билдириб қўйишга ўтди:

— Яшамайман мен у билан.

— Вой, вой, вой, бир мартами бу дийдиёйинг, қизим?

— Буниси энди бир марта. Охиргиси.

Ўктамхон энди жиддий тортди, кўнглида эса: "Ҳозирги куёвлар хотин кишини тинчитиб қўйишни билмайдилар-

а?.." деган гап ўтди. У чой кўтариб келди. Нон ушатди. Чой ичдилар. Сўпи тамадди қилгач, ҳашаки ҳавода ухлашни афзал билди.

Она-бола қолдилар. Қуёш бир чиқиб, бир ботар, на иссиқ, на совуқ эмас, барибир, совуқ тушиб қолаётганди. Ўктамхон қизини ичкаридаги хоналардан бирига олиб кирди. Икковлон гаплашиб ўтирдилар. Каниза роса ҳасрат қилди. Қайнонасини мақтади, эрига лой чаплади. Гап қайнотасига келганда, аяси қиқир-қиқир кула бошлади.

— Яна бошлаяпсизми? — норози бўлди Каниза шунда.

Охири ўзини тута олмай, хохолаб юборди аяси.

— Тўхта-тўхта, айтмасам ёрилиб ўламан, — деди ва яна кула-кула ниҳоят айтадиганини айтди:

— Ўша қайнотангда, қуриб кетгур, белдор, полвон йигит эди-да, бир куни куртга майда барг териб юрсам, рўпарамдан чиқиб қолди, бир синаб кўрай дедим. Шартта тутқаторга кирдим-да, имладим. Қаёқда ташланади дейсан, урра қочса дегин...

— Ая, шу гап сизга, кап-катта хотинга ярашадими?

— Бир омади гап-да.

— Ая, серёзни айтяпман, мени тушундизми?

— Қўй бунақа гапларни, эртага яна эринг билан апоқ-чапоқ бўлиб кетасизлар.

— Ая, анави, дадамни тўртта тукини олдириб ташланг, жағидагини! Худди артиснинг ўзи бўпти-қопти.

— Вой, ўхшаса қанийди?

— Ая, бугун қоламан.

— Қол, қол, вой қишлоқда-чи, ҳозир гап болалаган. Замон ўзгарибми, ҳамма менга ўхшаб очиқ-сочиқ бўлиб кетяпти... Яқинда Мамат шипирги билан Қосим малайни келини нима каромат кўрсатишибди дегин, аянгни ҳангомалари етти чақирим чўлга қочади. Бу ёғи комедия. Қишлоқ шундоқ бўлиб кетган ҳозир. Сен юрибсан-да, шаҳарда мазза қилиб, бозорчи бўлиб, олифта сатанг бўлиб...

"Эрим иккиси ҳам бир гўр, — ўйлади Каниза. — Буларни ўзи абадул-абад тарк этиш керак. Шу қишлоғида ириб-чириб кетишсин. Агар бойиб кетсам, елкамнинг чуқури кўрсин сен итбалиқларни..."

Шуларни ўйлаб, Каниза онасига терс бурилиб, ётиб олди. Онаси бошига яна бир ёстиқ қўйиб, овози ўчди. Шу ётганча Каниза кеч шомгача ухлади. Турса, аяси

www.ziyouz.com kutubxonasi

тандирдан қайноққина сомса узяпти. Бирам ширин экан ошқовоғи, масза қилиб еди.

Бечора аяси, қоп-қорагина, кўзлари ўйноқи бу хотин ҳаётни енгил-елпи гапириб, кулиб, ўзини хурсанд қилиб ўтказди-я. Бу ҳам нима кўрди шу қишлоқда? На тўқчилик кўрди, на тузук-қуруқ усти бош кийди. На бир кошонада яшади, на ўйнади-кулди. Кўрган томошаси тўй-тўйчиқ бўлди. Ҳамма тўйларда рўмолини қирра танғиб, қарсиллатиб тушди ўйинга. "Ўктам опа-Ўткир опа битта ўйнаб беринг" дейдиган кўп-да. Ўзи ҳам айтишларига маҳтал, ҳаш-паш дегунча, даврада ўрдакдек сузиб кетарди. "Юз очди"ларда лўличирманда уриб, ўхшамаган овози билан яллачилик қилиб кетармиди-ей:

Ҳа, укам, томдан келинг,
Ялангоёқ, шомда келинг,
Акангизни феъли ёмон,
Уйида йўқ чоғда келинг...

Ана шундай яшади Ўктам-Ўткирхон. Энди бўлса ўша ҳавойи кўнгли паришон, андом эса кетган. Ҳозир Канизанинг парвоз қиламан деган сийнаси, мурча миёни, бир қучоқ думбаю ларзони ила кинна киргудек бўксаси, рисоладагидек бўла оёқларига кўз югуртириб, ширмондек юзи, ойдинбулоқдек кўзига тикилиб — ўзининг санъат асарига маҳлиё бўлаётганди...

— Қизим, кўз тегмасин-у, — деди Ўктамби ёнма-ён жой соларкан, — роса етилибсан ҳозир. Қани, бенаво эркаклар буни билса! Эркак киши эмас, аёл кишини ҳам суқи киради. Ёмон кўздан асрасин.

Онаси эснай бошлади. Ҳеч қанча ўтмай пинакка кетди. Кундузи ухлаганигами, Канизанинг кўзи юмилмади. Бир вақт дарвозани биров бирам қаттиқ тепдики, чўчиб тушди. Ўлгур Самад пияниста. Худди ўша. Тинчлик йўқ бу дунёда. Шу тўнғиз қўпгурни нима қилса бўладия? Туриб чиқса ҳозир, аламазон жанг қўпади-да. Болтамолта билан чопиб, ўлдириб қўя қолса-чи? Қара-я, тинмай тепяпти дарвозани.

Охири дадаси туриб, дарвоза томон боргани эшитилди, у анча ади-бади айтишиб қайтди чоғи, дераза ёнига келиб:

— Каниза! — деди.

Каниза индамай ётаверди.

— Ҳой, Каниза, анавинг кепти, ўлгудек маст, чиқсин, кетамиз деяпти. Нима дейин? — яна гапирди дадаси.

— Тўхтанг, менга қўйиб беринг, ер юткурни, — ўрнидан қўзғолди аяси ва чиқиб кетди. Кета туриб: — Ҳозир оғзини турумини тугиб қўяман, ярамас, яшшамагур, — дея қарғанди.

Каниза туриб деразадан қаради. Ё тавба, аяси етиб бориши билан Самад бўйнидан қучди-ю, кўксига бош уриб, ҳўнграб йиғлай бошлади. Каниза хайрон. Дадаси дилдираб кириб кетди, чоғи. Самад шолчагаёқ йиқилди-қолди. Ўктамби тўшак олиб чиқиб ўраб қўйди.

— Юраги тўлиб қолибди, бўшатиб олди, — деди у ўрнига ётаркан.

Каниза саҳар туриб, йўлга отланганда, Самад ғужанак бўлиб, тўпланган ерида ётарди. Каниза парвосига ҳам олмай, автобусга улгуриш учун тез чиқиб кетди. Совуқ уфурган юзлари ним ачишиб, уйига етиб келди. Икки бола икки ҳолатда ерга тўшалган нам шолча, нам ўринда қотиб ухлаб ётардилар. Каниза уларни ўраган бўлди ва шартта хонадан чиқди. "Бир кунини кўрадида, — ўйлади у, — қарасин дадаси".

Қўчада автобусни кутиб турди. Автобус келгач, унга чиқаркан, кал ҳайдовчи оғзини йиғиштира олмай:

— Вой, до-о-од! Ўлдирасанми-я, куйдирасанми? — Бир тўхталиб яна: — Товус янглиғ қоматингдан-ей... — дея ҳар галги шилқимлигини қилди.

Каниза эса унинг кал бошига шапатилади. У овозини баралла қўйиб ҳиргойи қилди:

— Уриб ўтган қанотингдан-ей...

Қатиқчиларнинг Канизани кўриб, "Вой бў-ў! Қутлуғ бўлсин" деганлари ҳайдовчининг овозини босиб кетди.

IV

Каниза бозорга ўйчан, бироқ шаддод кириб келди. Ҳар ҳолда қишлоқда бўлиб ўтган гаплар унга эркинлик бағишлади. Анови тўнка йиғидан бошқа тўсқинлик қила олмади. Энди бир ҳафта эркин қуш, хоҳлаган ерида учади, хоҳлаган бутоғига қўнади. Кўнгли тинч. Хўш, булар нима фикрда экан? Айнишиб қолмадими? Қочиб кетди деб талвасага тушишмадимикин? Fиди-пиди дейишгудек бўлса, мана товуси, мана пули. Йўқ, жинни бўлгани йўқ — бермайди, вассалом. Устидагини ечиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

берадиган аҳмоқ борми? Ҳозир Салима пўнқадан бу ердаги гап-сўз билинади.

Шу ўйлар билан у Салиманинг қаршисига етиб борди.

— Вой, эгачи-ей, бормисиз, саломатмисиз? — жаврай кетди харидорга помидор тортаркан Салима.

Харидор ҳам қони суюқроқ шекилли, Каниза билан кўз уриштириб қолди. Худо бераман деса, ҳеч гап эмасда, шу кунларда унинг юлдузини иссиқ қилиб қўйдими, кўзи тушганки, одам беэътибор қололмайди. Кечаги куни ёмғирдан қочиб, айвонлар тагида дўкон айланиб юрса, бир галстукли одам изидан қолмайди, қаёққа юрса, у ҳам қолмай эргашиб юрди. Автобусга кетаётганда ҳам ортидан келаверди. Автобус юриб кетганда, турган ерида серрайиб қолди. Вой, эррайим-ей! Қадам босишидан аммамнинг бузоғига ўхшайди. Оғзидан сув оқиб, ҳид олганига Каниза куйсинми? Ғалати-ғалати одам кўпайиб кетди ҳозирги замонда. Бирини кўриб ўлсанг, бирини кўриб тириласан.

Узоқдан кўзи тушган Сўтак эгилди. Қўлини оғзига имлаб, пиражка олиб бераман, дея ишора қилди. Салима ҳол-аҳвол сўради, кейин:

— Сизга помидор олмадим, энди ҳеч нарса сотманг. Эртадан бозорга чиқмайсиз, — деди. — Эгачимнинг сабру тоқати тугади. Кеча тайёргарлик қилиб сизни олиб келади, деб кўзи тешилибди. Ҳозир, мана бу менинг помидорим ҳам оз, сотиб бўлсак кетамиз.

Каниза индамай унинг гапларини эшитди. Салима оғзи тинмай, бўлажак куёв, уй-жойлар, беҳисоб нарсалар ҳақида оғиз купиртирарди. Вақти-соати етиб сўтак келди:

— Ҳай, ҳай, ҳай, суф, кўз тегмасин-ей, тишга босадиган бўлиб кетибсиз-а, — суйилди, — палак тозада, палак. Кеча куёв бола қўйиб юбормадими, дейман? — у яна алламбалоларни жавраб пештахтага суянганча гап сотди.

Пиражкани рад этдилар. Каниза пештахталар орасида кезинаётган харидорларни, атрофни кузатиб ўтирди. Кимдир оғзи тинмай, ҳамма нарсадан тотиб, гап лақиллатиб, еб юрибди. Кимдир йўлакларга нарсаларини ёйиб олган ёймачиларни қувмоқда. Паттачилар изғийди. Бозорнинг хўжайинлари айланиб юрибди. Атрофдаги қозонлар қайнамоқда. Ошнинг устини очганларнинг, сомсаси

пишганларнинг қийқириғи янграб қолди. Аравача етаклаб, сўкиш эшитиб юрган болалардан кўпи йўқ. Ўзича жавраб телбалар ўтмоқда, гўшт дўконларнинг олди ҳувиллаган. Мундоқ бир эвида харажат қилаётган харидорнинг ўзи йўқ. Аскиячи-қизиқчилар ўтишди. Бири қопқора новча, бири энлик семиз, бири узун, бири калта. Ортларидан ҳар хил аппарат кўтарган киночилар ўтди.

Шу пайт Канизаларнинг ёнгинасида бир бошмоқ кийган хотин ариллади. Тиззаларига уриб, сочини юлди. Халтасидаги пулни тунаб кетишибди. Айтиб йиғлаганига кўра тул хотин экан. Раҳми келган бир йигит унга юз сўм бериб ўтди. Нечта одам, жумладан, сўтак ҳам ўша йигитнинг ортидан анча қараб турдилар.

Канизанинг наздида бугунги ҳангомалар шу билан барҳам топиши мумкин эди, магарким, ланг очиқ, ҳали ёпиб улгурилмаган дарвозадан антиқа капали велосипед пайдо бўлмаганда, уни сариқ, кир фуфайкада, белига белбоғ боғлаган, рангги ўнгиб кетган ҳарбийча телпагининг бир қулоқчини осилиб, лапанглаб диққатни тортаётган одам етакламаганда, бугунги саҳна ёпилган бўларди. Канизанинг фикрича, мана шу масхарабоз-алқандоз ҳалиги уввос солган етти болали беванинг аҳли ҳангома бозор жамоаси кўнглига етказган аламангиз ғалаёнини адамга суриб ташлади. Бозор енгил нафас олгандек бўлди.

Энди аҳли ҳангома ажабтовур велосипедни ўради. Каниза ҳам томошталаб оломон ичига суқулди. Ёнгинасида сўппайиб, абадий қўриқчидек Сўтак бино бўлди. Иккита оғзи очилган йигитчани сал-пал суриб, Канизани ҳолилантирди. Шу билан худди тоғни ағдаргандек, Канизадан мурувват кутиб ишшайди. Қолган ҳамманинг кўзи кабинали велосипедда эди.

— Кўринг, ҳавас қилинг, мен шаҳарнинг фуқаросиман! — хушнуд-хушчақчақ овоз отарди оғзидан масхарабоз-алқандоз.

Ёғоч кабинанинг ойнаси йўқ, турли томонига ҳинд кино артистлари сурати, яна турли-туман суратлар, газета парчалари, журнал муқовалари осиб, ёпиштириб ташланганди. Томошабинлар кабинани суқлик ила кўздан кечиришар экан, масхарабоз шундай шеърлар ўқиб кетдики, барчанинг оғзини очиб қўйди. Шундан сўнг у белбоғини ечди, фуфайканинг астарига тўла фотосуратлар, рангли суратлар, газета, журналлардан олинган расмлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

тикилганди. Сталин, Рузвельт, Черчилл, Буш, Горбачёв... Бу саҳнадан кейин у қалин, кўк жун кўйлагини кўтариб, қорнини очди, у ерда ҳам тўла суратлар.

Йўқ, у Каниза ўйлагандай масхарабоз эмас, телба экан. У велосипедига ўтираркан, қофия қилди:

Ҳамиддир мани отим,
Великка лойиқ чотим...

Оломон кулиб юборди. Бозордан ғубор кўтарилди.

Шу пайт енгидан тортган Салима Канизага "кетдик" деди. Бориладиган уй бозордан унча узоқ эмас экан, улар тез орада етиб келдилар.

— Мана шу уй, — деди Салима уйга суқланиб қараб турган Канизага. Унинг уйга оғзи очилиб эмас, суқланиб қараб турганига Салима аввал ҳайрон бўлди, кейин кўнглидан аллақандай ёқимсиз ҳиссиёт кечди.

— Киравердик, бўлмаса, — деди ва шошилиб қўшимча қилди, — мана буниси каминаи камтаринники.

Каниза кўрсатилган ҳашаматли кошона ёнидаги пастак уйга кўз қирини ташлаган бўлди-ю, ўз хаёли туғёнида яна баланд, сервиқор, кўнгилни тоғдек кўтарувчи, бахту тахтга маҳлиё бўлганча тураверди.

— Кирдикми? — яна сўради Салима, улкан дарвоза қўнғироғи томон юриб.

— Йўғ-е, кирмайман, — бурилди Каниза.

— Бизникига юринг бўлмаса, — деди Салима ва эшигини очди.

Улар кафтдеккина тор ҳовлига кирдилар. Баланд ҳашаматли уй девори ҳовлининг бир томонини тамом тўсиб қўйган. Тўрт хонали, олди айвон Салиманинг уйи бечорага ўхшаб айвончаси қовоғи солиқ, ер чизиб турганга ўхшарди. Каниза айвонга кириб тўшакка ўтирди. Салима уён-буён юриб, қизи тушмагур мактабга кетаётиб, йиғиштирмаган майда-чуйдаларни йиғиштирди. Дарров чой қўйди. Дастурхон солиб, нон келтирди. Тезда овқат қилиб юборишини айтди. Туйқус йўқолиб қолди. Бир оздан сўнг кўча эшикдан икки киши бўлиб кириб келишди. Каниза эгачисини айтиб чиққанини сезди, аммо билдирмади. Нозима билан совуқ кўришди.

Унинг бу муомаласи бир томондан ўта ҳаяжонланаётган Нозимага ҳам яхши бўлди. У ўзини тутиб олди. Тўғри-да, бу ерда ортиқча ҳиссиётнинг нима кераги бор? Масала ойдин. Ўша гап. Уч-тўрт кун уйида бўлади, бўйида бўлиши билан кетади. Туғишига оз қолганда келади. Нозима, у қанча пул сўраса, беришга тайёр. Тўққиз ой, бир йил ҳам ўқ учгандек ўтади-кетади. Бугун шанба бўлса, эртага яна шанба келяпти. Бир йил нима деган гап.

Салима иккисини ёлғиз қолдирди. Ичкари кириб уймалашган бўлди. Муваққат кундошлар, ора-сира сўз қотишар, бир-бирини зимдан кузатар эдилар. Нозима бу ялангоёқнинг жуда гўзал аёл эканини, ўзидан ёшлигини, чарсиллаган жувонлигини, бети қаттиқроқ, ушалганини узаман деганлардан эканини билди. Қалтис ишга қўл ураётганди. Мансур акасига ишонади. Қолаверса, ўзининг келбатию сумбати ҳам андиникидан қолишмайди. Шу боис ишни галга солмасдан, ими-жимида биткариш, бўладиган ишни қилишни лозим топди.

— Эгачи, Салимахон, қаердасиз? Бизникига кирайлик энди. Бозордан келдингиз, овқатим тайёр, меҳмонни ҳам қорни очгандир, — деди.

Салима ичкаридан югуриб чиқди. Улар Канизани кошонага олиб кирдилар. Нозиманинг меҳрибончилиги қўзиди. Остонадаёқ Канизани худди йўқотиб қўядигандек етаклаб олди. Уй пешайвонига чиқаётиб, дарҳол тайёр поёндозни солди. Ловуллаган атласга Канизанинг кўзи куйди. Нозима қўярда қўймай, унинг оёғини ичкарида ечтирди. Буни кўриб турган Салима, "Бечора-ей, ўзи ечиб юборай дейди-я, — деб ўйлади, — охири бахайр бўлсин, ишқилиб". У Канизанинг суқ ёнаётган кўзларини кўриб хавотири яна ошди. Улар меҳмонхонага кириб ўтирдилар, Салима: "Хонадон дўмбалоқ ўғил-қизларнинг тўполонига тўлсин, илоё омин" деб фотиҳа ўқиди.

Каниза юмшоқ стулда ўтирар экан, кўзи дарҳол хонанинг чор атрофини кезиб чиқди. Чиройли, каттакон стенка ичидаги нарсаларнинг кўпини, идишлару биллур қадаҳлар, турли катталик ва шаклдаги хрусталлар, ёдгорликларни кўриб оғзи очилиб қолди. Бурчакда турган телевизорнинг экрани жуда катта эди. Унинг ёзувини ўқий олмади. "Flatron"ми-ей, ишқилиб, бир бало деган ёзув турарди.

— Анови магнитофонми? — беихтиёр сўради Салиманинг ўзига тикилиб турганини кўриб.

— Музикални сентр, — жавоб қилди Салима.

— Шунчалик катта бўладими?

— Пул бўлса бўлаверади-да.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Орада Нозима чой олиб кирди. Столдаги нонни ушатди. Дастурхон тўла ноз-неъмат эди. Пистанинг бундай йирик турини Каниза ҳеч кўрмаган. Конфет, шоколадларнинг қоғозлари турли рангда товланиб турарди. Каттакон биллур идишда ёнғоқнинг палла-палла мағизи тўла, ёнидагиларда ўрик мағизи, олтинсимон сариқ майиз, йирик-йирик қора майиз, меванинг барча тури, олмалар йириклиги ва нақшин товланиши билан бошқаларидан ажралиб турарди. Нок-нашватилар бирам катта, узумнинг доналари нақ бошмалдоқдек келар, хуллас, дастурхонда йўқ нарсанинг ўзи йўқ эди.

Югургилаб хизмат қилаётган Нозима бир зумда мошхўрда кўтариб кирди, қошиқларни бирма-бир артиб чиннилар ёнидаги антиқа ликобчаларга биттадан қўйди.

–Вой, тоза нарсани артасиз-а? — деди Салима.

— Тек туролмайман, биласиз-у, — жавоб қилди Нозима. — Бугун келасизларми, йўқми дея мошхўрда солувдим. Ҳозир бошқа овқат қиламан. Жазининг сал тоби чиқсин деб, совутиб қўйгандим, — у ташқари юрди.

— Умрини берсин, ажойиб аёл-да, — деди Салима думалоқ қиймани пуфлаб оғзига соларкан.

Каниза умрида бунақанги лаззатли мошхўрда емаган эди. Шунақанги масза қилдики. Таом тугаб-тугамай, ҳовури кўтарилаётган қази, калладай пиширилган гўшт сариқ товада кирди.

— Колбаса келтирмадим, Канизахон ейдими, йўқми деб, — пичоқ билан гўштни кесаркан илтифот қилди Нозима.

— Вой эгачи-ей, мошхўрданинг ўзи мана шундай бўлди, — деди Салима кафтини томоғидан ўтказиб.

— Қизиқмисиз, Салима опа, совуқдан келдинглар, бозорда оёқларингнинг таги бетон бўлса, бозор яхнинг ўзи-ку, — яна илтифот қилди Нозима — олинглар, тарелкага солиб берайми?

Нозима дераза пардасини сал очиб қўйди, телевизорни қўйиб чиқиб кетди.

— Бирам қўли ширин, эпчил-ки, умрингдан барака топкур, — деди Салима гўшт луқмасини оғзига солиб, — оғзингда эриб кетади-я, жонивор. Олинг Канизахон, анави қазидан олинг, белингиз бақувват бўлади, — мийиғида кулди у. — Анави пардани Нозимахон чет элга борганда олиб келган. Қанчаям долларга олган экан.

Нозима яна киргунга қадар, улар чой ичишди. Исиққина хонада Канизанинг кўзлари сузилди. Телевизор бўлар-бўлмас нарсаларни кўрсатиб ётарди. Канизанинг кўзи оёғи остида ловуллаётган қизил гиламдан стол тепасидаги улкан қандилга кўчди, сўнг деворга осилган суратларга ўтди. Иккита жуфтларнинг сурати бирин-устин қўйилган. Пастдагиси эру хотин, уй эгаларининг сурати, тепадагиси, сочи орқасига силлиқ таралган, кўзойнакли, галстукли одамнинг, унинг ёнида лўппигина, ёши элликлардан ошган аёлнинг расми эди.

— Мансуржоннинг ота-онаси, — деди Салима, суратларга қараб қолган Канизага. — Онаси жуда оқила хотин эди, раҳматлик ўтиб кетди. Уч йил бўлди. Домла ҳаёт, бир ўзи туради. Яхши одам. Мансуржон яхши одамларнинг боласи. Нозимахон ота-онасини кўрмаган. Тоғалари қўлида ўсиб, ўшалар чиқаришган. Мансуржон билан институтда бирга ўқишган. Ўқитувчи. Бир йилдан бери ишга бормайди, уйда ўтирибди.

Нозима остонада бир кўринди-ю, Салима ўрнидан туриб чиқиб кетди. Бир оздан сўнг кирган Салима дастурхонга фотиҳа қилиб, Канизани ваннахонага бошлаб кирди.

— Масза қилиб чўмилиб олар экансиз. Мана бу янги тиш чўтка, мана бу депилятор... Мана бу сочиққа бемалол артинаверинг. Ҳеч нарсангизни кийманг, янги киясиз...

Салима чиқиб кетди. Ванна тўла оқ кўпик, Каниза ечинди, воҳ, ваннахона чиннидай ялтирар, уч томони кафел, умивалниги ғаройиб, кранлар тилло рангда, умивалник орти, ваннанинг оёқ томонидаги девор тўлиқ тош ойна, ёнидаги девор полкаларда тумонат идишчалар турар, полкаларнинг бири тўла ҳар хил совунлар, шампунлар. У умивалник устидаги сиқмани олди. Ёзувлари кўп, аммо русча ва бошқача эди. Каниза ўқиб тушунмади, аммо ақли етди...

У кўпикли сувга тушиб ўтирди, ётди. Сув бирам жон роҳати эдики, тани роҳатланди, пешонасига намчилаб тер югурди. Қўллари беихтиёр қорни, бели, сонлари узра кезинди. У оёқларини сувдан чиқариб, ванна четига қўйди. Келишган, лўппи, аммо қорамағиз оёқлари ва тиззасига қараб гўзаллигини илк бор тан олди. Тирноқлари олинадиган бўлиб қолибди, кўзи билан қайчи қидирди. Топди. Бироз туриб уларни олиб ташлайди. Танасидаги ортиқча нарсаларни йўқотади. Оҳ, хаёт қандай гўзал!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ичкари хоналарнинг бирида Салима билан Нозима иккови унга тайёрланган ички ва ташқи кийимларни кўздан кечирардилар.

— Мунча кўп нарса берманг, э-э, қизиқмисиз? — деди Салима икки тўп кийимни кўриб.

— Майли, шуларни билар, ахир?

— Энди бу ёғи Худодан, эгачи. Инсофни ўзига берсин, — Салима дилига келган гапларни сиртига чиқара бошлади. — Нозимахон, энди бу ҳам пешона, албатта пешонасида борки шўрни инсон кўрмай қолмайди. Биттагина тирноқни дариғ тутмаганда бу савдолар кимга керагу, кимга зарур эди? Ҳеч ақлга тўғри келадиган иш тутмаяпмиз, деявераманда ўзимга-ўзим. Ҳеч ким эрига ўзининг уйида, тағин тўшагида бировни қўшиб бермайди-да. Энди замона-замона деймизу, замонда ҳам айб йўқда, — Салима чуқур уф тортди ва индамай ер чизиб ўтирган Нозимага раҳми келди. — Тағин йўлдан уряпти деб ўйламанг-у, ғалати иш қиляпсиз. Ҳеч қаерда бунақа бўлганини эшитган эмасман. Бола керак, тўғри. Ўзингизни пуштикамарингиздан бўлганига нима етсин?! Айб сиздалиги сизда. Бунга хўп дейлик. Бир йилдан бери менга гапираверибди, ҳоли жонингиз қолмади. Охири мана, қиляпмиз ҳам шу ишни. Ахир, шуни уйда эмас, бошқа жойда ҳам қилса бўлади-ку? Ўлсин энди, уйингизда, ўзингизни ҳалол тўшагингизда, эрингизни қўйнига кўчадаги битта қишлоқини солиб қўйсангиз. Шунисига ҳайрон бўлавераман, шунга ақлим етмайди. Эсли-ҳушли жувон бўлсангиз, чакана меҳнат билан топдингизми бу уйу мол-дунёни. Энди эса, яйраб-яшнаб яшайдиган вақтингизда, қаёқдаги ялангоёқ сизнинг ўрнингизда ётса.

— Ҳамма гапингиз тўғри, — атласнинг четини эзғилаб, ер чизганча маъюс гапирди Нозима, — балки ўзимга-ўзим қилаётгандирман, оғзимдаги ошни олдираётгандирман. Бунисига бир нарса дейиш қийин. Мен Мансур акамни яхши биламан. У шу кунларгача ҳам, ҳатто ҳозир ҳам кўнгани йўқ. Ҳали келса, Худо билади, нима дейди, нима қўяди? Унинг заррача ихтиёри йўқ. Бу ишни мен қиляпман. Мансур акам учун қиляпман. Ҳаммасига ўзим айбдорман, унинг эса тўрт мучаси соғ. Буни ўзи билади. Бугун бўлмаса, эртага мендан домангир бўлади. Ҳали қариш бор, белдан қувват, кўздан нур кетиши бор, ҳасса таяниш бор. Бу уй, мол-мулк ҳаммаси ўшаники ахир...

— Қўйинг-е, гапирманг бу гапни, — жеркиб берди Салима.

— Йўқ, тўғриси менинг нимам бор, нима қилиб қўйипман. Худо олдида бандаси ҳақ гапни айтиши керак. Тўғри, давлат бор, қонун бор, биз қонуний никоҳдамиз, булар ҳаммаси тўғри. Қонун ярмини меники ҳисоблайди. Лекин, мана бу ерда, — у кўксини кўрсатди, — мана шу ерда имон деган нарса бор. — Унинг нафаси тиқилиб, ўксиниб, овози чиқмай қолди, бурнини тортиб, ёшли кўзларини енгига артиб давом этди, — зурёдсиз аёл — қуриган қудуқ. Унинг қаро ерга ҳам кераги йўқ. Мен мол-мулкка давогар бўламанми, уни қайси гўримга олиб кетаман? Шунинг учун ҳамма нарсага тайёрман. Ҳеч банда қилмайдиган ишга ўз ихтиёрим билан киришяпман. Бу ёғи Худодан. Бу инсофсиз бўлса, Мансур акамга Худо инсоф бериб қолар, ахир? Иймонли, диёнатли одам, мендан кечиб юбормас... Кечса ҳам пешонамдагини кўраман. Йил ўтган сайин бу киши олдида қалтироқ тутадиган бўлиб боряпман. Кейинги пайтларда оғзини пойлайдиган бўлиб қолдим. Шу уйда омонат юрганга ўхшайман. Қийналиб кетдим, опа! Ўзимнинг опамдай бўлиб қолгансиз, сизга юрагимни очиқ-ойдин очяпман. Бу гапларни зинҳор Мансуржон билмаслиги керак...

Энди нега уйингда шу ишни қиляпсиз деганингизга... Бу шунақа одамки, бино бўлиб бировникида бир соатдан ортиқ турган эмас. Жўраларининг гапига бориб ҳам зуд уйига қайтади. Бировнинг тўшагида ўтиргиси келмайди. Ишонаверинг. Бошқа жойларда, бошқа ишлар билан шуғулланадиганларни жини суймайди. Икки-учта шунақа ўртоқлари бор, ўшаларниям кўргани кўзи йўқ. Бу ерга келишса ҳам жини суйиб гаплашмайди. Бошқа жойни айтасиз-а, яна бегона аёл билан? Шунинг учун ўйлаб-ўйлаб зўрға кўндирдим. Бошқа иложи йўқ. Ҳали буни кўриб жиннилик қилиб берса-я, деб ўйлаб турипман...

— Эркак кишининг кўзи кўр бўлади, эгачи, шуни ҳам унутманг, — гапини бўлди Салима, — минилган бўлса ҳам янги тойни кўрганда, чопгиси келиб қолади.

— Бу ёғи Худодан. Қилдимми, қилдим. Бу ёғини Худодан кўраман. Менинг ҳам ахир айтганим бордир?

— Ўзингиз биласиз, кўнглимга келган омади гапни айтдим... Нима бўлганда ҳам сизга куяман, сиздан ёмонлик кўрганим йўқ...

— Ўзим биламан, раҳмат қўшни...

— Кўп билан кенгаш, дейди... Бу шунақанги ишки, бировга... — Салима жимиб, ўй суриб қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эшикнинг жонсиз ғийқиллагани эшитилиб, Салима Нозима тутқазган кийимларни қўлга олиб, ваннахона томон кетди. Нозима ўтирган ерида ўтириб қолди. Салима билан кийиниб олган Каниза меҳмонхонага кириб кетишди. Нозима ташқари отланди. Қозонга шўрва солиш ва ошга тайёргарлик қилиш лозим эди. У ошхонада уймалашаркан, олдига Салима келди ва:

— Қуриб кетгур қишлоқи, аёл кишининг ҳам кўзини ўйнатадиган бўлиб кетди. Атласнинг тўқ қизил жойларига ўхшаб ёняпти... — деди.

— Мансур акамнинг бахти борда, — гўшт майдаларкан луқма қилди Нозима, — Худо таоло бўш жойни тўлдирар экан-да, мендан бошқани кўрган эмасди...

— Қизиқ гапларни топиб гапирасиз-да, эгачи.

— Йўқ, тўғри айтяпман.

— Шунчалик юрагингиз кенгки...

Нозима бир қошини кериб, бошини қимирлатди.

— Мансур акамга телефон қилиб қўйдим, домлани, таниш домлани олиб келади.

— Кўндими, ишқилиб?...

— Чакана уриндимми? Кўникди, кўнади-да.

— Вой-ей, ажойиб аёлсиз-да...

— Шиппагини кўрсатиб қўйдингизми, ташқари-пашқари чиқса...

— Ташқарида бало борми?.. Ўтирсин...

— Айтаман-да...

— Мен уйдан хабар олиб чиқай, анов қиз ҳам мактабдан келгандир. — Салима қўзғолди.

— Тўхтанг, — деди Нозима, — тўхтанг.

У идишга гўшт, қази солди, устига иккита нон ёпди, қўярда-қўймай Салимага тутқазди.

— Тез қайтиб чиқинг.

Салима чиққанда Нозима ҳамон ошхонада уймаланар, анча-мунча нарсаларни тайёрлаб ташлаган эди. Шўрва ва ошнинг зирваги милтиллаб қайнарди.

Салима Канизанинг ёнига кирганда у бир қучоқ бўлиб диванда ухлаб ётарди. У изига қайтиб чиқди ва "пинакка кетибдилар" деган ишора қилди. Нозима бир нуқтага тикилиб қолди. "Шўрлик бахти қаронинг кўнглидан нималар ўтаётган бўлсайкин", ўйлади Салима. Яхши кўрган, ўн уч йил бир ёстиққа бош қўйган эри билан бировнинг ётишини кўз олдига келтиряптими? "Вой-ей, нималар бўляпти ўзи?"

Салима Нозимани эзмаслик учун энди гап қўзғамасликка қарор қилган бўлса-да, тилининг учида турган гап ташқари чиқди.

— Шошилмай, бу бетайинни уч-тўрт кун синаб кўрмадингиз-да. Ичидаги сиртига чиқармиди? Нимагадир жуда шошяпсиз...

— Бўлган иш бўлди энди. Мансур акам айниб қолмасдан... Келинг, жон Салима опа, шу гапдан гаплашмайлик.

— Бўлди, — нуқта қўйди Салима.

— Ҳозир хўжайин ҳам келиб қолади, — дарвоза томон қаради Нозима.

Соат бешга яқин Мансуржон домлани олиб келди. Уни тўғридаги якандозлар тўшалган, дастурхон тузоғлиқ хонага олиб кирдилар. Мансуржон нон ушатиб ўша ерда ўтириб қолди. Одатига кўра у Нозима билан алоҳида саломлашмоғи керак эди. Негадир у ошхонага, Нозиманинг олдига кирмади. Салима уларга чой олиб кирди. Чиқиб:

— Шўрвани қуяверинг, домланинг вақти зиқ экан, — деди, — мен келинпошшони уйғотай.

— Ўша ерда, нариги уйда оқ рўмол бор, — деди Нозима сал овози қалтирагандай ва шўрва сузишга киришди.

Домла шўрвани тез ичди. Салима келинпошшони бошига катта, узун рўмол ёпинтириб, домла билан Мансуржон ўтирган хонага бошлаб кирди. Икковлон кираверишга чўкдилар.

— Хў-ўп, — деди паст бўйли, миқтигина домла, — энди бўладиган ишни қилиб қўя қолайлик, исмингиз нима қизим?

— Каниза, — унинг ўрнига Салима жавоб қилди.

— Яхши исм экан, — ширинсуханлик қилди домла, одатига кўра оёқларини маҳкам тортиб, алмаштирганча жойлашиб ўтирди, Мансуржон билан Канизадан розиризочилик сўради ва уларни дарров никоҳлаб қўя қолди, калимани ўқиб тугатаркан: — шариатда тўрттагача буюрилган, магарким молли-давлатли бўлиб, заифаларни ҳеч нимага муҳтож қилмай, рўзғор тебратиш имкони бор экан, тўрттагача никоҳ шаръийдир. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллалоҳу алайҳи вассаллам ҳам эр кўрган тул аёлларни боши очиқ юрмасин, деб ўз никоҳига олганлар, — дея қисқа маъруза қилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Салима келинни олиб чиқди. Ош олиб кирди. Нозима домланинг туришига тайёрлаб қўйган тўн, чорсини Салимага тутқазди. Мансуржон домлани ташлагани кетди. Дарвоза тагидан қайтиб келган Салимага Нозима қўярда-қўймай, бир кийим тоза атлас берди. Салима уйига чиқиб кетаркан, Нозиманинг ғалати, маъюсроқ бўлиб қолганини сезди. У Салимани кузатиб, Мансуржон келса, кўндириб, қайсинглиси Зебохонникига кетишга қарор қилди. Бир пас олдинги воқеадан кейин ҳеч бу ерда тургиси келмай қолди. Кетса яхши бўладиганга ўхшайверди. Мансуржон ҳам ўзини ёмон сезяпти, бир-икки кун ўша ерда тургани маъқул, шекилли.

Ҳадемай Мансуржон қайтиб келди, қизиқ, уни орзиқиб кутиб турган Нозиманинг ёнига, ошхонага кирмай никоҳ ўтган хонага кириб кетди. Нозима анча вақт кутди, у чиқавермади, ўзи киришга қарор қилди. Ўша томон юрай деса, юраги гуппиллар, қанақадир йиғи халқумини бўғиб, тўлиб келаётганга ўхшарди. У ошхонада, Мансуржон хонада ўтиравердилар. Охири Мансуржон чиқиб дарвозани очди, Нозима одатига кўра гараж эшигини очишга шошилди, эшикни очиб ичкарида ёпқични ушлади. Машина ўрнига кириб ўчди-ю, Мансуржон қимирламай ўтираверди. Ўнг томондан Нозима кирди, эрининг ёнига ўтирди. Улар бир-бирларига бурилдилар. Бирдан Нозима эрининг бўйнига осилиб, бўғзида турган фиғонини қўйиб юборди. У ич-ичидан эзилиб, хиқиллаб йиғларди. Мансуржон унинг сочларини силади.

— Нима қилиб қўйдингиз, Нозима?

— Ҳаммаси яхши бўлади, — хиқиллади Нозима.

— Мен бунга чидай олмайман, –деди Мансуржон ҳамон унинг бошини силаб, унинг ҳам овози қалтираб чиқаётган эди.

— Чиданг, жоним, сиздан ўтинчим шу. Бошқа иложимиз йўқ.

— Йўқ, — деди яна Мансуржон, — худди тушга ўхшайди. Кеча тушимда ҳам қўрқиб чиқдим, худди сиз эрга тегиб кетяпсиз, тўйингиз бўляпти. Мен эсам дод дейман холос, овозим чиқмайди.

Нозима энди тинчланди.

— Мансур ака, ўзингизни қўлга олинг. Биз ҳеч қачон бир-биримиздан ажралмаймиз. Барибир, бир чора ўйлаб топишимиз керак эди. Мана шунга тўхтадик. Нима ҳам қиламиз?

Мансуржон унинг сочлари орасига юзини тиқиб ҳидлар, Нозимани сира бағридан бўшатгиси келмасди.

— Мансур ака, қоронғи тушиб кетди. Анови хотин нима бало деб ўйламасин. Бахт ҳам ўзимизники, бахтсизлик ҳам. Ҳаммасини бирга тортамиз. Мен секин Зебохонникига борай... Бир кун-ярим кун ўша ерда туриб тураман. У ҳамма нарсани тушунадиган хотин. Худди онамиз раҳматликнинг ўзи, умри ўхшамасин...

— Бир қадам силжимайсиз. Мен унинг олдига кирмайман, вассалом. Шу ерда десангиз шу ерда эрталабкача ўтираверaман. Мени ҳайдаманг, жоним.

— Энди тентаклик қилманг, асалим. Мен чидайман. Сиз учун ҳамма нарсага тайёрман.

— Йўқ, кирмайман, тамом.

— Кирасиз, келажагимиз учун ҳам кирасиз. Кирмасангиз, мендан ҳам ажраб қоласиз. Фикрим қатъий. Ўжарликда сиздан кам эмасман. Бўпти, кетмайман. Кирасизми?

Нозима ўзини илгаригидек шўх-шодон тутишга ҳаракат қилди. Бўлар иш бўлганда, энди бу тентаги иш кўрсатиб турмасин тағин.

— Фақат бир илтимос, — Мансуржоннинг юзларига юз суриб эркаланди Нозима ва яна гапини қайтарди, — фақат бир илтимос, бегим, ён хонани ҳам спални қилиб қўйдим, бу ёқдаги каравотларни олиб кирдим. Менинг спалнийимдан фарқи йўқ, у менинг азиз тўшагимда ётмасин. Хўпми? Ваъда берасизми?

Мансуржон индамади. Улар гаражда тонггача қолиб кетдилар.

V

— Вой, менга бир пиёла чой ўзи етарли, — деди Каниза чиройли товоқда турли хил нонушталар кўтариб кирган Нозимага.

Икковлон нонушта қилдилар.

— Уйга кетгим келяпти, — деди бир вақт Каниза.

— Болаларингиз кўзингиздан ўтаётгандир-да, Худо хоҳласа, улар тинч-омон юришиб туради, — тинчлантирди уни Нозима.

Каниза оёғи остига тикилганича ўтириб қолди. "Хайрият, шунчалик деди-ю". Нозима бу гапдан қувват олди, юраги хотиржам тортди. "Бу шаҳарга чидамайди" — яна кўнглидан ўтказди у.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Энди Канизахон, эгачи, опа-сингил бўлиб қолдик, бундан буён қиёматли бўлиб кетамиз. Ҳаммаси ўтиб кетади. Бу тилла бош нималарни кўрмайди бу дунёда. Мансур акам унутиб юборсалар ҳам, мен сизни ва бизга қилган яхшилигингизни у дунё-бу дунё унутмайман. Уч-тўрт кун Аллоҳ сизга сабр-қаноат берсин, илойим.

Каниза ерга қараб ўтираверди, чуқур уф тортди.

— Сиқилманг-а, жон сингилжон. Ҳозир зўр кинолар бор, қўйиб бераман, — деди хавотирга тушган Нозима.

— Опа, — деди ҳануз ерга тикилганча Каниза ва сукут қилди. Нозима кутиб турганини сезди ва гапини қолганини айтди: — туғадиган бўлсам, бир дўхтирга...

— Бор, жуда яхши, ўзимга қарашли дўхтир бор. Ҳозир телефон қиламиз. Нима?.. — Нозима хавотир гапирди бу гапларни.

— Йўқ, ўзим, энди туғмайман деб...

— Ҳа, тушунарли, — деди Нозима.

Нозима у ёқни-бу ёқни йиғиштириб, дўхтирга телефон қилди. Кийиниб олган Нозима Канизага қараб:

— Ечинг товусни, — деди ва ичкаридан янги, қалин жун жемпер билан узун, қора аёллар чарм плашини олиб чиқди. Уларни кийгизар экан, — кечаси номига қор учқунлади-ю, ташқари жуда совуқ, — деди.

Кета туриб Нозима эрига телефон қилди:

— Мансур ака, биз ташқари чиқяпмиз, тез қайтамиз, — деди.

Улар гинекологияга бориб, ишларини битказиб қайтишди. Таксида бориб келишди. Келаётиб, Каниза жуда-жуда бозорга киргиси, таниш-билиш шерикларига ўзини кўз-кўз қилгиси келди.

Соат учларда телевизор кўриб ўтирган Канизанинг ёнига Нозима кирди, у кийиниб олган эди.

— Овқатларни тайёр қилиб қўйдим.

— Вой, ҳозирроқда овқат едик-ку.

— Кечқурунга. Мен Мансур акамларнинг синглисиникига кетяпман, сиз яхши ўтиринг, зерикманг, бу киши ҳам узоқ юрмайдилар, келиб қолишади, — деди у. — Мансур акамга ўзингиз қарарсиз, ошхонада овқатлар тайёр...

Кенг уйнинг келинчаги бўлиб қолган Каниза уйнинг хоналарини роса айланди, томоша қилди. "Одамлар бунча нарсани, бунча пулни қаердан топишар экан-а?" ўйлади у, сон-саноқсиз гиламлар, уй жиҳозлари, кийим-кечаклар, майда-чуйдаларни кўздан кечирар экан. Меҳмонхонага қайтиб кирар экан, энг зўр шоколад плиталаридан тўрттасини халтасига жойлаб қўйди.

Куёв бола ҳам келди. Аввал ташқарида сигнал чалди, сўнг ҳовлига кириб, у ёқ-бу ёққа қаради-да, дарвозани очиб, машинасини олиб кирди. Гаражга яқин қолганда тўхтатиб ўчирди.

Каниза деразадан уни бошдан-оёқ кузатди. Келишган эркак экан. Ўттиз бешларда бўлса керак. Роса кучга тўлган маҳали. Хотинини қидиряпти. Унга пешвоз чиққиси келди-ю, уялди. Шу ерда кутишга қарор қилди. У кириб кела бошлади. Ҳар ҳолда Канизанинг юраги гупиллади, диванга ўтириб олди.

— Яхшимисиз... — саломлашди Мансуржон паст товушда, унинг овози хотиржам эмасди.

Каниза ўрнидан турди, ерга боқиб, Мансур Нозимани сўрамаса ҳам:

— Опамникига кетдилар, — деди.

"Тақдирга тан бериб, бизга қўшилиб бўпти, бемалол "опамникига" деди" ўйлади Мансуржон.

— У ерда нима қиларкан? — деди-ю, сал ўнғайсиз ҳолатга тушди у, Каниза унга ғалати қараш қилган эди.

— Майли, кўргиси келгандир, мен ҳозир, сиз бехавотир ўтираверинг, — Мансуржон чиқиб кетди. "Жон офати-ю" ўйларди у ваннахонада бет-қўлини юваркан. Сочиққа артинаётиб, жағларини силаб кўрди, соқол олишга тутинди. Тишини ювди, энг ширин уфордан сепди. Ўзини роса тартибга солиб, энг суйган халатини кийдида, келинпошшонинг истиқболига юрди. У қандайдир хушчақчақ эди, кайфияти кўтаринки, ҳазил-мутойибага мойил, кечаги кечинмалардан асар ҳам йўқ эди. Ҳозир чойхонада ҳам ўртоқлари нуқул аёллардан гапиришди. Тўғрида, бу ҳам бир неъмат, эркак кишига берилган ризқ. Ҳозир истиқболига кириб бораётган нозанининг танаси, бели, кўксию сонлари қандай бўлса экан? Унинг гап-сўзи, тотли шивирлашлар, хатти-ҳаракатлари бошқача бўлса керак... Бахтинг бор экан Мансуржон... Ҳаёт қанчалик тилсимот, қандайин гўзалликларга, мўъжизаларга тўла... Эҳ, Мансур! Бу сенга Аллоҳнинг марҳамати. Анови қози, аптекачи дўстларингга ўхшаб беъманибетасир юрмаганингни оқибати, ўшаларнинг мукофоти... Энди сур, сен ҳам!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дастурхонга яқинлашаркан Канизага ўзини ўта яқин олиб:

— Келинг, дастурхонга яқинроқ ўтиринг, — деди.

— Овқатингизни?.. — сўради Каниза.

— Йўқ, йўқ, ўртоқлар билан чойхонада... Кайфият яхшими? Бу ерда зерикиб қолмадингизми?

— Йў-ўқ, — деди Каниза.

— Ҳозир бир зўр фильм бор...

— Кўрдим. Опам қўйиб бердилар.

— Шунақами?

— ...

Мансуржон нима қилишни билмас, ўтирар-турар, каловланар, аммо зимдан Канизанинг атлас кўйлак остидаги пинҳон суврати, атлас лозим сўнгида юз кўрсатиб турган нозик бебилчакларига тикилар, букилган тиззаларидан кейинги бўлиқ гўзалликка юраги орзиқиб ошуфта термуларди.

У илкис:

— Мендан чўчимаяпсизми? — сўради телевизор экранига юз бурган Канизадан ва телевизорга қаради.

— Қўрқоқ сизми, менми? — деди Каниза ўпкалагандай муғомбирона.

— Нега? Менга айтяпсизми?

— Бўлмасам кимга? — қатъий сўзларди Каниза. — Кеча хотинингизни олдидан чиқишингиз зил бўлди-ю...

— Сизни чўчитмай дедим-да...

— Мен нега чўчийман? Нимадан?

— Янги жой, янги одам...

— Чўчийдиган ёшдан ўтганмиз...

— Унда яхши.

— Нима яхши?

Мансур каловланди. "Бало-ку" ўйлади у.

— Мен аёлларни уялади, қўрқади деб ўйлайман-да, — деди у охири.

— Аёлшуносмисиз?

— Ҳазилга ҳам уста экансиз.

— Сизлар қишлоқи анди ҳеч нарсани билмайди, деб ўйлайсизлар-да.

— Йўғ-е! Ундай деманг.

— Бугун қочиб қолмайсизми?

— Қаёққа қочаман?

— Менинг фурсатим бир-икки кун холос.

— Мени, нима, никоҳлаб олган хотинидан мосуво

бўлиб, бурнини тортиб қолаверади, деб ўйлайсизми? — ҳазиллашди Мансуржон.

— Ҳали хўжайинчилик ҳам қиламиз, денг?

— Йўғ-е, шунчаки ҳазил.

Мансур унинг ёнига, диванга ўтиришга жазм қилди. Кутганидек, Каниза ўзини олиб қочмади. Улар алламаҳалгача сўзлашиб ўтирдилар. Мансур Канизанинг ота-онаси, турмуши ва бошқа нарсаларни сўраб-суриштирди. Каниза ўзи ҳақида кам маълумот берди, кўпроқ қишлоқ ҳангомаларидан сўзлади.

— Эрингиз яхши одамми? — Мансур истаса-истамаса, барибир, шу саволни берди.

— Яхши бўлса, бу ерларда нима қилардим?

Мансур Канизанинг гапидан ҳайрон бўлди, қайта эри ҳақида ҳам, болалари ҳақида ҳам оғиз очмади.

Вақт алламаҳал бўлди. Мансур Канизанинг кафтига қўлини қўйди. У сесканмади...

Кечаси оз ухлаган, тунни бедор ўтказган Мансур кеч уйғонди. Ёнида кўзларини оҳиста юмиб, хаёлланиб Каниза ётарди.

— Канизам... — беихтиёр учди Мансурнинг ҳўл ва тамшанган лабларидан.

Иккинчи тез ва ширин нафасдан:

— Канизангиз эмас, Маликангиз, — деган сас эшитилди.

— Маликам, бутун ҳаётимда излаган Маликам...

Бу тотли шивир-шивирлар Мансурнинг жунбушга келган, қони тепаётган танаси роҳатига айқашиб кетди...

Ним пардаларни ёриб ичкари кирган сутдек оқлик Мансурни адамдан мавжудликка қайтарди. У юмалар экан, эснади. "Э, ишга бормайман" деди ўзига-ўзи. Тақшер токчасидаги соат ўзи учун беғам чирқилларди.

Маликасининг олис-олислардан сибизғасимон келаётган овозчалари қулоғининг пардасига урилганда, Мансур зўрға кўзларини очди, орқа ўгирилиб, юмалади.

— Уйғонинг, соат ўн бўлди... Қоринлар очди...

— Ҳозир, ҳозир, асал...

Яна овоз, энди эркаланиб:

— Эртага ҳайдаб юбормайсизми?

— Ммм, — калласини қимирлатди Мансур.

Оромбахш иссиқлик узилиб орага ҳаво кирди.

— Во-ой, қорни қаранглар, оқлик, суюнчи беринг! — деди дераза ёнига борган Каниза. — Машинани ҳам қор босибди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Майли, гаражга олиб кириш эсдан чиқибди, — ётган кўйи деди Мансур.

— Э-э, туринг-е, ётаверасизми? — хушчақчақ кулиб чиқиб кетди Каниза.

VI

Ўша куни Нозима қайнсинглиси Зебоникига хомуш кириб борди. Зебо ҳеч нарсадан бехабар эди. Нозима талпинган болаларга ўзи билан олиб келган ширинликларни берди. Зебонинг кичкинасини эркалаб, маъюс суйиб ўтирди. Бир пайт "Ляличка, ляличка", деб қизалоқни бағрига босаркан, кўзларидан ёш юмалади.

— Тинчликми, келиная? — чой қуяётган Зебо ҳайрон сўради, — акам бирон нарса дедими?

— Йўқ, — бошини ликиллатди у, — ўзим сиқилиб кетяпман. Баъзан шунақа бўлиб туради.

Зебо қайта гап қўзғамади. Ошхонага чиқиб уймаланшаркан, барибир, боши қотди. Аввало, нега келинаяси ёлғиз ўзи келди? Уни еру кўкка ишонмайдиган акаси ҳар гал бирга олиб келарди, олиб кетарди. Бирор кун қолишига ҳам кўнмасди.

— Зебохон киринг, болангизга қаранг, овқатни ўзим қиламан, — ошхонага кирди Нозима ва унинг кўнмаганига қарамай енгларини шимариб, чаққон ишга киришиб кетди. — Чучвара тугаман. Дадамга ҳам олиб борамиз. Ҳаётимда бир марта, кечадан бери иш чиқиб, у кишидан хабар ололмадим.

Зебо тўрт болали, катталари мактабга боришади, шу йил бошида яна жижилаган эди. Эри Исмоилжон "Дамас" минади. Уйида кам ўтиради. Зебо чет тилларни битирган, мактабда ишлаб, ҳозир қўлидагиси билан уйда. У чақалоғини ухлатиб чиқиб, Нозимага қарашди. Телефон жиринглади.

— Алло, ҳа, дада. Яхшимисиз? Раҳмат, Худога шукур, яхши, ҳаммалари яхши. Ҳа, мактабдан келишди. Ҳа, шу ердалар, сизга чучвара тугяптилар. Телефонларими, билмадим. Қачон қилган эдингиз? Соат учлардан кейин. Келинаям шу ерда эдилар. Акамни билмайман. Ўзлари. Шундай келишибди. Йўқ. Тинчлик деяптилар-у, билмадим. Ҳеч нарса ҳақида гапирганлари йўқ. Айтиб турувдилар, кечадан бери бормадим деб, сиз қийналмадингизми? Ҳа, бўпти, ҳали овқат пишса, ўзлари борадилар-у. Бўпти, хайр, дада.

— Дадам хавотир олибдилар-да, бечора, — деди Нозима.

— Телефон қилишган экан, уйларида ҳеч ким йўқ дейди, нима, бирон нарсани яширяпсизми, келиная?

— Акангизни уйлаб қўйдим.

— Нима-а?

— Шу эшитганингиз.

— Қанақасига?

— Шунақасига.

— Ҳазиллашяпсизми, келиная?

— Нега ҳазиллашай? Ўзим қилдим.

— Қандай қилиб?

— Шундай қилиб...

— Чинданми?

— Ёлғон деяпсизми? — сичқоннинг қулоғидай-қулоғидай чучвара тугаётган Нозима белини ростлаб, орқасига ястанди. Чуқур хўрсинди. — Бундай кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ишларни қилиш фақат мен етимчага хос, — унинг кўзлари ёшланди.

— Қўйинг-ей, ишонмайман, ўлай агар, — ёқасини ушлади Зебо.

— Шундай бўлиши керак эди. "Инкубасса" деган гапни эшитиб, ўзи ихтиро қилиб, мана, қон қақшаб ўтирган одамга нима дейсиз? Акангиз билан битта "инкубасса"ни қамаб қўйдим. Тухум босяпти, бола очади...

— Ўлай агар, ишонмайман...

— Мендан бошқа ҳеч ким ишонмайди. Бори гап шу.

Зебо катта-катта шаҳло кўзларини пирпиратганча, келинаясига ҳайрон тикилиб тураверди, Нозима чучвара тугишда давом этди. Уни тугатиб, қозонга уннади. Зебо ичкари кириб кетди. Телефон рақамини тераётгандай бўлди. Нозима шошилинч кириб, унинг қўлидан гўшакни олди.

— Жон, сингилжон, ишни бузиб қўйманг, — деди, — ҳаммаси яхши бўлади.

— Вой, опажоним-ей, сизни баъзан ҳеч тушуна олмай қоламан, — уйғонган боласи томон юрди Зебо. Нозима ошхонага йўл олди.

Худди чучваранинг пишишига Мансуржон келиб қоладигандай ошхона деразаси оша ташқари эшикка қарайверди. Чучвара пишди, олдидан чиройли қилиб кострюлкага қуйди-да, кийиниб, қайнотасиникига йўл олди. Кириб борганида қалин жун кўйлаги устидан туятери

www.ziyouz.com kutubxonasi

жужунча кийган, бошида беретка Наби Мусаевич икки қўлини алмаштирганча ҳовлида айланиб юрган экан. Нозиманинг кўзи унинг чуқур ариқчали юзига тушди-да, ишқилиб, сўроқ-саволга тутиб қолмасин-да, деган ўй ўтди миясидан. Икковлон саломлашиб ичкарига кирдилар. Уй ичи аллақачон мана мен деб, Нозиманинг икки кун келмаганини юзига солиб, бетартиб, бежо турарди. Қўлидаги ўроғлик овқатни ечиб, ошхонага, сал ёниб турган газ устига қўйди. Чойнак ўзи биқиллаб қайнаб турарди. Нозима шу заҳоти уйни тартибга солишга чоғланди. Меҳмонхонада ўтирган Наби Мусаевич:

— Ишни қўйинг, аввал бу ёққа келинг, — деди.

— Эҳ, — чуқур хўрсинди Нозима ва буйруққа бўйсунди.

— Қизим, нима гап? — деди Наби Мусаевич.

— Ҳеч нарса.

— Мени биласиз-а, қизим, дунёнинг нариги четида нима бўлаётган бўлса, билиб тураман. Ундан кейин сиз менга қизимдан ҳам аълосиз. Энди менга айтингчи, нима бўляпти ўзи? — Наби Мусаевич жавоб кутиб тин олди.

Нозима эшик биқинидаги стулга чўкди, бир пас жим ўтирди. Оқсоқол кишини куттирмаслик учун рўмолининг бир четини эзғилаганча гап бошлади. Ҳаёт иссиқ-совуқларини бошидан кечирган Наби Мусаевич келинининг, бу содда ва тўғри аёлнинг бир хўрсиниб, бир дадилланиб айтган гапларини диққат билан тинглади. Бир томондан, ўғлининг зурёдсизлигидан ўзига яраша азият чекиб юрган ота ўз пуштикамаридан бино бўлиши керак бўлган бола масаласига тўғри кўз билан қарагиси келди, иккинчи томондан, ҳеч замонда бўлмаган, қулоқ эшитмаган, яъни бегона, бетайин хотиннинг никоҳ билан, ҳеч кимдан маслаҳатсиз, ўзбошимчаларча уйга олиб кирилиши, яъни бу таги зил, гумонли ишнинг устида шундай оқила келини турганлигига ақли бовар қилмасди. Ҳа, тагли-тугли, ё эрдан чиққан, боши очиқ аёл ёки ўтириб қолган қиз бўлса, иккинчи хотин қилиб, никоҳлаб олинса, бу ақлга сиғиши мумкин. Бу-чи? Наби Мусаевичнинг ниҳоятда боши қотди. "Мансурда-ку, калла ишламайди, бу келинга нима бўлган, ё жин-пин адаштирдимикин?" Охири Наби Мусаевичнинг хулосаси шу бўлди:

— Нотўғри, мутлақо нотўғри, бемаъни иш тутгансизлар, — деди у ва ўрнидан туриб кетди. — Бунга ҳозироқ чек қўйиш керак. Бу иш — иш эмас. Бунинг охири бахайр бўлмайди. Ўша куни менга ишора қилганингизда, нега бори гапни айтмадингиз?

— Дада, мени кечиринг, бу ишни мен қилдим, — боши ерга киргудек эгилиб деди Нозима. — Айб менда. Бунда Мансур акамнинг айби йўқ. Нима десангиз менга денг. Мен ўзим бахтиқаро туғилганман. Сизларга рўшнолик келтирмадим... Онам билан бирга кетсам бўлмасмиди?

— Йиғламанг қизим, мен қариб, кўнглим бўш бўлиб қолган. Айниқса, аянгиздан кейин омонат юрибман. Фақат сиздек оқила қизимга ҳайрон қоляпман. Ёмонлик доимо тўғриликка чанг соламан, деб юради. Худди касалликнинг ўзгинаси, сал хатога йўл қўйилдими, гирибондан олади. Мен сизларга ёмонлик истайманми, қизим? Кечадан бери дилим ғаш. Тушимда аянгиз Мансурни тортқилаб, унинг ўрнига ёнаётган тандирга кириб кетяпти. Ўшандан бери дилим ғаш. Унинг устига сиз келмай қолдингиз, телефонни ҳеч ким кўтармайди...

Нозима телефонларни узиб қўйгандим дея олмади, унинг ўрнига:

— Дада, ташвиш чекманг, бўлар иш бўлди, — деди ва ўрнидан қўзғолиб, — чучвара келтирган эдим, сузаман, — дея ортига бурилди.

— Чучварани қўйиб туринг. Менга қулоқ солинг, — деди қатъий Наби Мусаевич. — Ўзи қаерлик экан у аёл?

— Билмадим, топишди, — деди Нозима. Унинг қийналаётганини Наби Мусаевич сезди, кейинги саволни бермади, унинг ўрнига сўради:

— Сиз нега Зебоникидасиз?

— Бир-икки кунга...

— Кейин?

— У кетади...

— Шундай келишдингларми? Кетмаса-чи?

— Мансур акамга ишонаман, у ҳақ йўлдан тоймайди.

"Намунча беғубор бу хотин-а? — ўйлади Наби Мусаевич. — Соддалик ҳам шунчалик бўладими?"

— Энди мундоқ, — деди у, — сиз уйга қайтиб борасиз, тезроқ, масалани иложи бўлса бугуноқ ҳал қилинг. Ўша ерда туринг. Акаси билан кенгашай, кейин армонда қолмайлик...

— Дада, илтимос, ҳаммасини Мансур акам, у хотин билан кенгашганмиз, — шошилинч ўтинди Нозима.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Пулда, пул... — бошини ушлаб уҳ тортди Наби Мусаевич. Нозима индамади, ошхонага юрди. Ортидан қайнотасининг:

— Ёш эмас, қирққа бориб қолаётган кап-катта одамлар ўйин ўйнашади-я, садқаи одам кетларинг, — деган лукмасини эшитди.

Нозима дастурхон тузаб, чучвара сузди, чой дамлади, уйни эпақага келтиришни бошлар экан оромкурсида бошини чангаллаб ўтирган қайнотасига эшитарли қилиб:

— Дада, овқат тайёр, — деди.

У уйни ўз ҳолига келтириб, Наби Мусаевичнинг оёқ кийимларигача тозалаб, кетишга чоғланганда ҳам оқшом чўкиб, тарзи бузуқ ҳаводан қоронғиликка чўмган хонада қайнотаси ўша алфозда ўтирганини кўрди.

— Мен кетяпман, дада, — деди, — хайр, эрталаб келаман.

— Нонуштага овора бўлманг, қизим, шу овқат етади, — деди Наби Мусаевич.

Нозима ташқари чиққанда ҳаво совуқ, қор учқунлай бошлади. У Зебоникига шошилди. Етиб келганда, қор тўхтади. Қор ёғиб-ёққиси келмаётган эди. Ичкарига шитоб билан кираркан, хаёлида худди Мансуржон келиб кутиб ўтирганга ўхшарди. Эшикни очган Зебохондан беихтиёр:

— Ҳеч ким қўнғироқ қилмадими? — деб сўради.

— Йўқ, ўзим акамга телефон қилдим, — деди Зебо.

— Нима деди? — Зебога қаттиқ тикилди у.

— Ҳеч ким олмади. Дадам тузукларми? — сўради Зебо.

— Яхшилар, — деди Нозима ва уст-бошларини ҳам ечмай серрайиб туриб қолди, хаёлига: "Телефон эсига келармиди" деган ўй келди ва шу заҳоти ўзини койиди: "Дарров унга айб қўйишни бошлама", сўнг ечиниб шўхлик қилаётган болалар билан ўзини овутишга тушди.

Болалар ухлагач, Зебо иккови овқатландилар, чой ичдилар. Исмоилжондан дарак йўқ эди.

— Исмоилжон ҳам келса, чучвара ёйилиб кетмай еб оларди, — илинди Нозима.

— У киши узоқроққа кетганлар, — деди Зебо.

"Хайрият, у киши хабар топмагани маъқул, бемалолроқ ётаман" ўйлади Нозима.

— Дадам нима дедилар? — гап бошлади Зебо.

— Ҳеч нима...

Зебо тушунди, бу ҳақда бошқа гап қўзғамади. Нозима кеча ҳам мижжа қоқмаган эди, уни эсноқ тутди. Зебо унга алоҳида хонага жой қилиб берди. Ётишга ётди-ю, кипригига уйқу қўнмади. Тун бўйи бир ухлаб, бир чўчиб юмаланиб чиқди. Уйғонганда адоқсиз ўйларга чек қўя олмай қийналди, кўзи кетганда чўчиди. Буни у ҳеч қачон ўзга жойда ётмаганига, кўникмаганига йўйди. Эрталаб носоғ уйғонди. Кўзи очилган заҳоти яна минг хил хаёл гирдобида ўртанаверди. Каниза билан ширин тўшак суҳбатини қуриб, уни мутлақо унутган Мансур акаси кўзи олдидан кетмади. Унинг тошу-торози паллалари у ён-бу ён босилавериб, тўлиб тошиб кетди: "Уни бевафо дейиш мумкинми? Йўқ. У ҳозир нима қиляпти?.. Кечаси нималар бўлди?.. Бундан кейин нималар бўлади?"

Ўрнидан инқиллаб, гўё ҳафталаб ётган бемордай турди. Бет-қўлини ювиш учун кирганда ойнага қараб, бутунлай ўзига ўхшамай қолганини сезди. Юзлари салқи, рангпар, кўз ости дўмпайиб шишган, пешонасига ажин тушиб қолганга ўхшади. Оёқларида мадор йўқ, иложсиз стулчага чўкди, узоқ ўтирди. Балки, ташқари чиқсам ғовлаб турган бошим ёзилар, танамга қувват кирар, деган умидда бет-қўлини чайиб чиқди. Еру томларни баррадек қоплаб олган оппоқ қор кўзларини қамаштирди, андак бўлса-да, мискин кўнглига ёруғлик солди. "Бор-е, осмон қулаб ерга тушмайдими? Биттагина бечора боши бир кавакка сиғиб қолар. Мансурни, уй-жойу молу мулкини, э-э, бутун бошли дунёни боғлаб берибдими, ҳаммаси ўткинчи, бу дунё кимга вафо қилибдики, у қуруқ қолган бўлса? Бирга ўқиганман, ёшим тенг, сен қолоқ эдинг демади, итдек хизматини қилди. Ялиниб ҳам теккани йўқ эди. Тоғаси, ўша ўзи боққан тоғаси ўғлига қилмоқчи эди, шу Мансурни деб, унга унамади. Мана улар бегона, гуруҳида зўр-зўр йигитлар йўқ эмасди. Наби Мусаевич сабаб бўлдими, Мансурнинг этагини тутди. Айниса, ана катта йўл, зори бор, зўри йўқ.

Тўғрисидаги кучук катаги олдида икки чумчуқ боласи бирам иноқ у ён-бу ён сакраб, бир-бирларига суйкалишиб, пирр-пирр учар, қор босган ерга, катак панжарасига қўнишиб орқаворот дон қидиришарди. Кучук титрагандай тўпланиб олган. Оч қарға қағиллайди. Нозима шунда совуқ ўтиб жунжукканини сезди. "Уйда, ташқарида нималар қолган эса, кран ҳам ўралган эмас эди..."

У ичкари кирди. Нонуштага таклиф қилган Зебо:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Акамнинг қўлидаги телефони ҳам ишламаяпти, "хизмат доирасидан ташқарида" деяпти, — деди секингина.

— Акангиз янги келинаянгизни қудуғига тушиб кетди, шекилли?

Зебо ерга қаради. Нозима "иштаҳам йўқ" деб хонасига ўтиб кетди, кириб кетаётиб "телефон қилманг" деди.

Орадан тўрт кун ўтди. Мансур томондан на қўнғироқ, на бирор хабар бўлмади. Нозима бир тишламгина бўлиб, сўлиб қолди. Қайнотасиникига илож қилиб қатнаб турди. Йўл-йўлакай Зебоникига ул-бул харид қилар, сумкасидаги пул ҳам тугаб бораради. Қайнотаси ҳам тунд бўлиб олди. Ҳозирча аралашмасликка, кутиб туришга қарор қилганини айтди. Шундай ҳам ич-этини еяётган Нозимага гапирмас, эҳтиёт қиларди. Зебонинг эри узоқ сафардан тунда келди, "Яхши, опам шу ерда экан" дея яна жўнаб кетди. Ҳозир Наби Мусаевичга нонушта ташлаб қайтар экан, Нозима Салиманинг ёнига боришни ўйлади. Нима деб боради? У неча марталаб урғу бериб, "Ўзингиз қиляпсиз" дея такрор-такрор ўзининг бўйнига қўйиб қўйган бўлса? Умуман, унда нима айб? Нозима ўзи қўймади. Бу ишдаги унинг улуши "инкубасса"ни гапиргани, шу гапни топиб келгани, холос. Майли, Худо бир йўлга бошлар. У Зебоникига келиб яна кўрпа-тўшак қилиб ётиб олди.

Соат ўн бирларда ёнига Зебо кирди, бир ишхонасидан хабар олиш учун кетаётгани ва қизчаси уйда қолаётганини айтди.

— Ташвиш чекманг, — минғиллади Нозима.

Зебо тўппа-тўғри акасиникига борди. Дарвоза ичкаридан қулф эди. Қўнғироқни қайта-қайта чалиб, кутишга тўғри келди. Охири ичкаридан эркак кишининг йўталгани ва "ҳозир" дегани эшитилди. Том ва дарвоза айвони сумалакларидан оқаётган сув Зебонинг сочи ва елкаларини ҳўл қилди. Дарвозани акаси очди. У халатда эди. Рангги синиққан, юзи салқи, бўйинлари тиришиб қолибди. Индамай Зебони ичкарига киритди. Тўғридаги хонага олиб ўтди. Ўтириб фотиҳа қилишгач:

— Ҳа, тинчликми? — деди у.

— Сизда-чи?

— Сал мазам қочган. Ишга ҳам бормаяпман, — каловланди Мансур.

Зебо энди чидамади, юрагига тугиб келган ҳужумга ўтди:

— Ака?! — деди у кўзлари чақнаб.

— Бас! — бу сўзни Мансур шу даражада важохатли айтдики, Зебо ўчди. — Келдингми, дардингни айт, бошқа нарсага тоқатим йўқ, — деди.

Зебо анча жим қолди, сўнг ўзини босиб:

— Ака, мен сиз билан урушгани келганим йўқ, — гапни бурди у, — фақат Нозима келинаям эзилиб кетдику, наҳот экан бир телефон ёки...

— Сеникидами? — гапни бўлди Мансур.

— Нима, билмайсизми?

— Менга заҳарханда қилма.

— Ака?! Жуда шунчалик бўлса...

— Ўзимнинг дардим ўзимга етиб турибди, иккита магазинни департамент босган...

— Энди босиши эмас-ку?..

— Тўғри, сеникига бориб... — дудуғланди Мансур, — ундан хабар олишим керак эди... Ҳеч нарса кўнглимга сиғмаяпти...

Зебо қор остида турган машинага қаради.

— Машинани олиб кириб қўймапсиз...

— Айтдим-ку, юракка ҳеч нарса сиғмаяпти, деб.

— Ҳеч бўлмаса келинаямни хабар олиб қўйинг, илажи бўлса ҳозир...

Мансур анча ўйланиб қолди ва ўрнидан туриб катта уйга кириб кетди. Кириши билан Каниза:

— Ҳа, элчи юборибдими? — деди, — чидамай қолгандир-да... — овозини пасайтирди.

— Мен синглимни ташлаб келаман, — деди кўзларини яшириб Мансур.

— Соғиниб қолдим, кўриб келаман, денг. Бормайсиз!

Мансур унга ҳайрон тикилди. "Нима бу, буйруқми ёки истиғноли нозми?" Канизанинг бу гапи озгина малол келди, аммо кайфу сафо эсига келди-ю, дарҳол уни ювиб юборди.

— Канизахон, бошқа иш бор экан...

— Ҳозиргача йўқ эди. Дарров пайдо бўлди. Майли боринг. Мен ҳам кетаман. Ялиниб келганим йўқ...

Нима қилишни билмай ҳайрон бўлган Мансур:

— Бундай қилсангиз бўлмайди-да...

— Бари гапингиз ёлғон.

— Қулоқ солинг, Каниза...

Каниза ётоқхонага югуриб кириб кетди. Ўзини йиғиштириқсиз турган каравотга отди, йиғига тушди. Ор-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тидан кирган Мансур унинг сочларини силаб бағрига босди. У ёмон аҳволда қолди. Ҳозирдан бунақа қилса? Ён берса тамом, байроқ кетди деявер... Ҳозир шартта туриб жўнаса, Каниза кетиб қолса-чи? Уни бағридан бир дақиқа ҳам қўйиб юборгиси йўқ. Бормай деса, Нозима-ку, майли-я, ҳозир кўзининг ўнгида эмас, синглисига нима дейди? Синглиси-синглиси, гапига кириш керак. Бориб бирор нарса деб, Нозимани алдаб қўяр... Бошқа нима илож бор? Эрта-пертага ишни баҳона қилиб кўча-пўчага чиқади, шунда боради... "Мен ҳозир" деб ташқари юрди.

Акаси кириб кетганича чиқавермади. Зебо ташқари чиқди. Кран музлаб қолибди. Ошхонага кирди, ошхона пала-партиш, тартибсиз бўлиб ётар, анчадан буён овқат қилинмагани билиниб турарди. У тимирскиланиб у ёқ-бу ёққа юрди, уни-буни кўрди, сўнг акаси кириб кетган томонга анча қараб турди. Ташқаридан қўнғироқ тугмаси босилди. Бориб эшикни очди. Қўлида ўроғлиқ картон қутича билан бир рус йигит турарди.

— Хозяин дома? — деди у. — Заказали табаку? Вот вам счёт, — муҳр қўйилган қоғоз ва қутини узатди.

Зебо қўлидаги нарсалар билан акаси кириб кетган эшик олдига борди ва акасини чақирди. Мансуржон хаяллаб чиқди, унинг қўлидаги нарсаларни бироз ҳижолатомуз олди ва:

— Зебо, сен кетавер, мен ўзим бораман, — деди, тез бурилиб кириб кетди.

Акаси бунақа эмас эди. Зебо, умуман, келганига хафа бўлди. Келмаса ҳам бўлар экан. У дарвоза эшикчасини ёпиб, йўлга тушди. Эшик "шилқ" этиб қулфланиб қолди. Озгина юриб ҳам эдики, рўпарасидан совқотиб келаётган акасининг ҳорғин ён қўшнисини кўрди.

— Зебохон қизим, эсон-омон юрибсизми? — кўришди Салима опа ва ҳол-аҳвол сўради. — Акангизни кўргани келибсиз-да?

Хайрлашар эканлар, у тўхтаб:

— Зебохон, келинаянгиз сизникидами? — сўради.

— Ҳа, — деди Зебо.

— Қачон келаркан?

Зебо елкасини қисди.

— Зебохон, телефонингиз борми?

— Бор.

— Телефон қилсам бўладими? Нозимахон шундай кўзимдан ўтиб...

Зебо сумкасини кавлаб телефон рақамини ёзиб берди ва тайинлади:

— Хола, мени бу ерга келганимни айтманг...

Зебо уйга кириб келганда, Нозима Асалини ўйнатиб ўтирарди, Зебони кўриб:

—Ҳа, тинчликми, ишхонангизда бирон гап бўптими? — деди.

— Ғавғосиз жой борми? — деб қўя қолди Зебо ва ечина бошлади. — Қийнамадими?

— Йўқ, уйқуси келиб қолди, энди ухлашга ётади, а?

Зебо боласини олди. Нозима тушлик тайёрлашни ўйлади, ошхонага юрди. Шу пайт телефон жиринглади, гўшакни олди.

— Алло, — деди Нозима, юраги тапир-тупир уриб, аммо аёл овоз:

— Алло, Нозимахон керак эди, — деди.

— Салима опа?

— Нозимахон, бормисиз, эгачи? Яхшимисиз? Ўша ерлик бўлиб кетдингиз-ми?

— Ҳа, энди...

— Бу ёққа келмайсизми?

— Бир-бирига тўйиб олишсин...

— Мансуржон бордими, хабар олиб турибдими?

— Ҳа...

— Нима деяпти энди?

— Нима дерди, уни биласиз-ку, камгап...

— Ишқилиб, мендан хафа бўлмайсиз-а?

Нозима индамади. "Энди Салиманинг чўзилиши етмай турганди".

— Нимадан хафа бўламан?

— Энди-да... Мансуржон кўчага ҳам чиқмаяпти, шекилли. Бир-икки кечқурун ишхонасидан келиб кетишди. Ташқарида турган эдим. Қисқа гаплашишди. Эшикча очиқ турган экан, келиб қолдингизми, деб ичкарига мўраласам, музика баланд, келинпошшо қарсиллатиб ўйин тушиб беряпти... Ё тавба, ёқамни ушлабман. Индамай изимга қочиб чиқдим. Келмасангиз бўлмайди. Нима, битта ялангаёқ бозорчи қанчиққа ҳаммаёқни бўшатиб кетаверасизми?

"Мунча лақиллади-я", гўшакни қўйиб қўйгиси келди Нозиманинг.

— Иннакейин, — давом этди Салима — эшитяпсизми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳа.

— Ановининг эри келди бозорга излаб, ҳали эрталаб. Ғирт қишлоқи гўлахи экан. Соқоли ўсган, пўпайка кийиб олибди. Пиянистага ўхшайди. Муттаҳамлигини кўринг, менга роса одамларни ичида топиб берасиз деб бақирса, денг. Бўлганимча бўлдим. Уйингизга олиб борай дедим, яна шайтонга ҳай бердим, қўй дедим. Аммо топса ҳам ўлдиради, ишонаверинг, жуда авзойи бузуқ. Турқидан одам қўрқадиган.

Бу гапларни эшитиб, Нозима бироз тинчланди. "Ҳар ҳолда бундай баттол эркак тек қўйиб қўймас. Бир келган яна келади. Олиб кетар ахир, ота-оналар ҳам аралашар". Дарров тез хулоса қилганига, худди Каниза ҳамма ёқни эгаллаб олди-ю, Мансур акаси кўнди-ю, Нозима қуруқ қолгандек ўй-фикрлардан уялиб кетди. Томирига сал қон югургандек бўлди.

— Нозимахон, узилиб қолмадими, эшитяпсизми? — деди Салима.

— Эшитяпман, эшитяпман...

— Шунақа маш-машалар бўлиб ўтди эрталаб, денг. Ҳозир оёғимни судраб уйга келдим, сизга телефон қилдим.

— Бу телефонни билармидингиз?

— Ёзиғлиқ эди, энди топдим. Соғлиғингиз яхшими, ишқилиб? Буни ҳам сафари қариди шекилли. Келсангиз ҳам бўлар энди. Қайнсинглингиз бўлгани билан бировни уйи бировникида...

— Йўқ, яхши турибман. Телефон қилганингиз яхши бўлди. Йўқлаганингиз учун раҳмат.

— Вой, қиёматли қўшнимиз ахир...

— Бўпти, телефон қилиб туринг.

Нозима ошхонага кирди, чой дамлади. Овқат иситди. Яна телефон жиринглади. Яна юраги орзиқди. Гўшакни Зебо олди.

— Ҳа, дада, яхшимисиз? Уйдамисиз? Ишга бордингизми? Ҳа, ҳа. Болалар яхши ўтиришибди. Ана, ҳозир кухнядалар. Ҳа, ўзим биламан. Боришмасинми? Майли. Йўқ, йўқ. Хўп, хайр, дада.

— Дадам, — деди Зебо, ошхонага кириб келаркан. — Кечқурун бир жойга бориб келаркан, сизни овора бўлишмасин, дедилар. Салом айтишди.

Зебо келинаяси телефонда гаплашгандан кейин анча ўзига келиб қолганини сезди. Бирга овқатланишди. Ташқарида қор ўйнаб мактабдан қайтган болаларнинг овози келди.

Нозима "бироз дам олай" деб хонасига кириб кетди, кириб каравотга чўкар экан, бир юраги ҳувиллар, бир ҳадикка тўлар, бир енгиллар, бир ваҳимага тўларди. Наҳотки, бугун ҳам хабар олмаса?

VII

— Менга қаранг азизам. Бу, ҳамма нарсага дарров мундоқ араз-тураз бўлмайди-да, — Мансур мук тушиб ётган Канизанинг орқалари ва сочларини силади. — Туринг, жоним, ана айтганингиз келди, табака олдирдим, иссиғида масза қилиб еймиз.

У шартта ўрнидан турди.

–Кечиринг, Мансур ака, ундай қилмоқчи эмас эдим, — деди жиддий. — Шунақа мараз одатим бор, итим келиб қолади. Ўша хотинингизни ўйласам, худди сиздан ажраб қоладиганга ўхшайман. Яхши қилмадим, ўзим билдим.

— Ҳечқиси йўқ. Ҳали бир-биримизни роса англаб, билиб олгунча, бу ҳам табиий ҳол. — Канизани қучиб, етаклаб дастурхонга олиб чиқди Мансур.

Каниза қиёмига келтириб пиширилган катта товуқ гўштини қайлага тегизиб еркан, рўпарасидаги суратга тикилаверди.

— Дадамнинг ёнидагиси ойим раҳматлик, — деди Мансур чойдан ҳўплаб.

— Пастдаги-чи? Зайнабнинг кундошими? Мен, аммо Зайнаб эмасман, айтиб қўяй.

Мансур тушунмади, Канизага илтифот кўрсатишда давом этди. Аммо бугун синглиси келиб кетгандаги бўлиб ўтган машмаша, ҳозир Каниза кечирим сўраганини ҳисобга олганда ҳам, яна тағин шу сабаб синглисини, йўқлаб келган битта-ю битта синглисини уйига олиб бориб қўймагани, устига-устак тўрт кундан буён Нозимадан хабар олишга ийманаётгани барчаси қўшилиб, Мансурни ўйлашга, ҳали ҳозирча кеч бўлмасдан Канизани ўз ҳуқуқ ва тартиботлари билан таништириб қўйишга, табиатан шунча ҳусн, қадди-қомат, нозик таъб, эркак бағрида оловдек ёнувчи шижоат, қўр ва латофат ҳамда мақбул ҳаракат ато этилганига қарамай, ўсган шарт-шароити боис қўрс, тўпори, инжиқ ва асов, бироқ суюмли мавжудотга таълим зарурлигига имон келтирди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Энди қарори қатъий, бу хилқат фақат ўзиники бўлиши керак. Уни ҳеч кимга тортиқ эта олмайди. Бас, шундай экан, уни аста-секинлик билан ўз йўриғига солмоғи лозим. Гаплашиб олишди, энди Канҳза эрига чек қўяди. Мансурни қийнаётган, азоблаётган нарса, ҳозирча номаълум эса-да, Каниза, кеча кечқурун гапдан англашилдики, кундошликни кўтара олмайди. Икки хотинлик масаласи ёпиқ. Унда Нозимани нима қилиш керак? У билан кечирган ўн уч йил умрини роса икир-чикири билан ҳисоб-китоб қилганида ҳам, унинг тошини оғир қўйганда ҳам, ҳаммаси бир нарсага келиб тақалади. У ҳам инсон, уй солишда пулни Мансур топган эса-да, унинг ҳам улуши бор, у ҳам қатнашган, ахир Мансурнинг кирини ювди, овқатини пиширди, дадасига меҳрибонлик кўргизди, яна нима қилсин? Хўш, бошқа нима қилди? Бизнесда бир тийинлик рол ўйнаган йўқ. Ҳалигача Мансур на тўй кўрди, на бошқа. Тўғри, ақлли, эсли-хушли хотин. Хўш, нима бўпти? Бир кунини кўради. Етимча, на отаси, на онаси борлиги ҳисобга олинса, бечора деб қаралса, Мансур кўнгли хоҳлаган нарсасини қилиб беришга тайёр. Молу амлок етарли, керагидан ортиқча. Бир қисмини берганда ҳам тирноқсиз бева аёлнинг туваги тилло бўлади. Масала уни кўндиришда холос. У кўнадиган хотин...

Энди, отаси ўжарликка ўжар, билимдонликка билимдон, қайсарликка қайсар. Хўш, нима қилибди? Мансур одам эмасми? Ёки ҳали ҳам гўдакми? У тенгилар ўғил уйлашди, олди невара кўрди. Унга орзу-ҳавас чеклангани? Ҳар бир ишига аралашавериш инсофданми? Нима, Мансурнинг калласи йўқми? Шунча пул топган мияси айниб қолмагандир? Дадаси ҳам ўйлар?

Бўшаган чойнакни кўтариб, у ташқари юрди. Чойни дамлаб қайтарди. Чой яхшироқ чиқсин учун чойнакни газга яқинроқ қўйди. "Меҳмонхонага электр чойнакни олиб кириб қўйса бўларкан". .

Хўш, акам-чи? Тўғри, акасини ҳамма ҳурмат қилади. Ҳокимиятда ишлагани учун унинг гапи кесади. Мансурнинг бизнеси ҳам ўша билан. У бўлмаганда қатор-қатор магазинлар шундайгина ўзиники бўлиб қолмаган бўлар эди. Рухсат ва лицензиялар ўзи олинмасди. Банклар қулоқ солмасди. Автозаправканинг жойи Мансурга тегмасди. Анча-мунча қарға-қузғунлардан, таъмагирлардан сақлаб туради. Мансурга ҳимоя, таянч. Мундоқ ўйлаб

қараганда, Мансурнинг ҳаётида унинг ўрни бор, бироқ унинг оила ишларига бурун суқушга ҳаққи борми? Акаси учун бизнес ўлмаса, Мансур банкрот бўлмаса етиши керак. Мансур эл қатори бола кўрмоқчи, орзу-ҳавас кўрмоқчи, тўй қилмоқчи, нимаси ёмон? Қимор ўйнагани йўқ, унга ўхшаб ўйнаш тутгани йўқ, ичкиликбозлик қилаётгани йўқ, қонуний иккинчи хотинга уйланмоқчи. Бунинг нимаси ёмон?

Синглиси, у — синглиси. У аралашмайди. Мансур у билан ҳисоблашмайди.

— Чой бўлиб кетдингизми? — деди Каниза ҳамон товуқ гўштини узиб-узиб еркан.

— Азизам, — деди Мансур, — гап гапириш таомилини озгина ўзгартирамиз...

— Нима, тегиб кетдими гапим-ов, мен қишлоқиман, — деди Каниза еяётган гўштли суякни ликопчага ташлаб, оғзини кафтлари билан артаркан.

— Олдингизда сочиқ турибди, — имлади Мансур.

— Синглингиз келиб кетганидан кейин сиркангиз сув кўтармай қолди. Емадим шу товуғингизни. Бир егим келиб эди, шуниям заҳар қилиб... — дея Каниза ичкари кириб кетди.

Мансур "овқатнинг олдида чатоқ қилдим" деб ўйлади. "Бечора емай кириб кетди". Аммо ҳозироқ ортидан киргиси келмади, ўтирган жойида ўтириб қолди. "Демак, аста-секин, сабр-тоқат билан ўргатиш керак экан. Нима қилса ҳам қишлоқи-да, бундай жойларни, бунақанги муносабатларни қаёқдан ҳам кўрибди, дарров уни хафа қилмаслик лозим. Ўрганиб кетади. Ўзингни қўлга ол, Мансур. Уни янги меҳмон деб ўзинг эркалатиб юбординг. Ўзингни бироз торт энди".

У дастурхонни йиғиштирди, қолган икки товуқни музлатгичга қўйди. Меҳмонхонага кириб кета туриб, қайтиб гаражни очди, калитни олиб чиқиб, машинани киритиб қўйди. Бироз ташқарида юрди. Анча муддат музлаган кранга қараб турди. Яхши, яхлаб ёрилмабди. Чаканинг уйчасига қаради. Шу ерда бўлганда, товуқ қолдиқларини масза қилиб ерди. Итини ўтган ҳафта қочириш учун Володяникига ташлаб келганди. Эрта-перта хабар олади. Каттагина "Волкодав", тўққиз-ўнта туғади. Зотдор ит.

Ичкарида бўлиб ўтган воқеа билан ташқаридаги соф ҳаво, гувиллаб турган шаҳар, деворнинг нариги ёғидаги

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳаёт Мансурни бирмунча ўзига келтирди. У ўзини ҳам, ташвишларни ва яқинларини, ҳатто вақт ҳисобини ҳам ёддан чиқарган экан. Дарахтлар қор илинтириб осмонга қулоч ёйиб турибди. Таналари ҳўл. Осмон кечаги қорин оғирғидан қутулиб, мешини бўшатиб олган, бағрида мусаффо оқ булутлар тош қотган. Девор, томлар устида эригандан қолган қор чойшаблари барларини қотириб қимтиб олган, оқ яктаги эса сал чанг егандек. Кўчадан турли ташвишдаги одамлар ўтаётир. Ҳаёт қозони қайнамоқда.

Департаментчилар нима қилишди экан? Илгари куни ташвиш билан Солижон келган эди. Қодирхўжа ҳам келиб кетди. Нега Мансур ташвиш чекмади? Нега у қулоқларини том бекитиб олди? Энди юрагига ғулғула тушди. Бундан буён уриниш кеч бўлган бўлса-я? Нима қилиб ўтирибди бу ерда! Шу битта қишлоқини деб ўтирибдими? "Энангни кўриб қолмасанг эди?!"

У шошилинч уйга кириб кийинди. Пулхалтасини сейфдан олди. Дўконлар муҳрланган куниёқ атаб қўйган пулига яна қўшди. Зумда чиқиб машинани қиздира бошлади. Уяли телефон ичкарида экан, олгани кирди. Дарҳол Қодирхўжага телефон қилди:

— Мен, Мансурман. Нима гаплар? Хўў-ўп. Кейинчи? Ие, нега менга қўнғироқ қилмадинглар? Тўғри, ўчиқ эди. Ҳа, келсангиз ҳам бўлар эди-ку. Ҳозир қаерда? Мен ҳозир етиб бораман. Яна? Яна қаерни? Айтинг, улар ҳам кутиб турсин, — Мансур тез ташқарига отилди. Ортидан "Мансур ака" деган Канизага ҳам қарамади. Югуриб дарвозани очди, машинани олиб чиқди, шитоб билан дарвоза қанотларини ёпди-да, жўнаб кетди.

Йўлда ўчакишиб дадаси телефон қилди.

— Ҳа, дада, мен ўзим. Кейин телефон қиламан. Ҳозир зарур иш билан ишхонага... Хўп, албатта кириб ўтаман. Уйда бўласизми? — У телефонни ўчирди.

Идорага етиб келганда барча уни кутиб турган экан. Қодирхўжа ҳисобот берди.

— Кассаларни олишди. Уч кун текширишди. Акт тузиб, анов нарсаларни ҳаммасини ёзиб чиқишди.

— Иккита дўконни кўрдингиз, у ёқдагиларни дарров йўқотинг, деган эдим-ку.

— Мен боргунча, у ёқни ҳам муҳрлашган экан.

— Акт нима бўлди?

— Қўл қўймадим, мен ҳеч ким эмасман, дедим.

— Соли-чи?

— У ҳам.

— Муталиб-чи?

— Ҳеч ким имзо чеккани унамадик.

— Яхши қилибсизлар. Ўзлари ҳеч нарса дейишмадими?

Қодирхўжа елкасини қисди. Бошқалар аста-секин кабинетни тарк эта бошладилар.

— Қодир ака, мен сизга ишониб...

— Энди мен нима қилай? Мен сиз бўлмасам, Солижонни дарров олдингизга чоптирдим. Ўзим бордим. Маст одамга ўхшаб, гапга қулоқ солмадингиз.

— Майли, нариги дўконларни пулидан қанча топширдинглар?

— Айтганингизни.

— Йўқотиб қўйганмисиз?

Қодирхўжа "ҳа" деган ишора қилди ва:

— Уфадан икки-уч телефон қилишди, — деди — кўпчилик сўради.

— Айтинг, заправкани уласин.

Қодирхўжа чиқиб кетди. Бир оздан сўнг кирди.

— Ҳеч ким жавоб қилмаяпти. Беркитиб кетишган бўлса керак. Уч-тўрт кундан бери бензин йўқ. Йилнинг охири, деб беришмаяпти. Унинг устига Дадахўжаев келган эди. Доляни сўраб.

— Неъмат бермабдими?

— Неъмат-пематнинг уруғи йўқ, ўша сиз келмаганингиздан бери.

— Вой, сволич-ей. Андижоннинг нарсалари кетдими?

— Вагон келгани йўқ. Икки марта овора бўлиб келиб кетишди. Сал, бир нарса дегандек бўлишди. Мен билмайман, дедим.

— Сиз срочно Тошкент билан боғланинг. Вагонни сўранг. Дод деб юборишади. Буюртмачиларни биласиз, ўпкаси қўлтиғида туради.

— Яна ойна ҳам деган эдингизми? Қаердан келишганини билмадим.

— Дамини олиб турсин. Уларнинг пул чиқариши жон чиқаришидан қийин.

— Прокуратураданман деб бир киши келди. Ҳеч у ерда ишлайдиганга ўхшамайди. Чайналади... Сизни йўқ, яна бир ҳафтадан кейин келади дедим.

— Майли, сиз вагон билан шуғулланинг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Эртага келасизми?
— Албатта келаман.
— Биз ҳам бир иш бошлаб қўйган эдик...
— Гаплашамиз.
— Ҳисобчи отчёт-патчёт, деяётган эди.
— Эртага.

Қодирхўжа қўзғолди. Мансур котибани чорлади.

— Одам борми?
— Мояна дейишяпти.
— Ҳаммасини жўнатинг, мояна бир ҳафтадан кейин бўлади.
— Хўп. Менинг ҳам бир гапим бор эди...
— Гапиринг тезроқ.
— Тўй бошланиб қолди...
— Эртага гаплашамиз.

Котиба чиқиб кетди. Мансур бошини ушлаб ўтириб қолди. "Бир дам келмасанг, шу" ўйлади у. Яна тугмачани босиб, котибани чақирди.

— Ҳисобчини чақиринг.
— У киши кетган эдилар.
— Топинг, деяпман.

Котиба бошлиқни анчадан буён бу алфозда кўрмаган эди. "Бурга-мурга чаққанми, нима бало?" деди ичида ва хонасига чиқиб, Абдувалининг уйига рақам тера бошлади. Гўшакни ҳеч ким кўтармади. Қўлига терди, жавоб: "Сиз терган абонент хизмат доирасидан ташқарида". Котибанинг юраги сиқилди. "Бу алкаш ҳеч ўрнида ўтирмайди".

Котиба эшикни очиб:

— Жавоб қилмаяпти, — деди.
— Ёрдамчи борми? Чақиринг!

Алламаҳалда Ёқубжон кирди.

— Чақирса, чиқа қолмайсиз?
— Дарров, демади-да.
— Қанча пул бор?
— Кўп эмас.
— Қанча деб сўраяпман?
— Аниқ билмайман, — елкасини қисди ёрдамчи.
— Нима қилиб ўтирибсиз?

Ёқубжоннинг кипригги пирпиради: "Хўжайинга нима бўлди, чап ёни билан турган чоғи?".

— Сиздан сўраяпман.
— Энди, бу билан Абдували ака шуғулланганига...

— Топинг ўша бошлиғингизни!

Ёқубжон қутулганига шукр қилиб тез чиқиб кетди. Мансур зарур жойларга қўнғироқ қилди. Гўшакни қўяр-қўймас телефон жиринглади, акаси:

— Сен дадамнинг ёнига бугуноқ боргин, — деди, гўшак "ту-ту" лади.

— Дағдағангдан ўргилдим, — деди Мансур, — сенларга мани ғажишга иш топилди.

Нима қилади энди, бормаса яна бўлмайди, борса, бошланади. Ҳали, ўзи боши берк кўчада. Бир хулосага келгани ҳам фурсат беришмайди, булар. У қўлларини уқалади, бармоқларини чалмаштириб қарсиллатди. Котиба қаҳва олиб кирди.

— Айтинг, топишсин ҳисобчини ернинг тагидан бўлса ҳам, — деди чиқиб кетаётган котибага, қаҳвани хўплаган ҳам эдики, яна телефон жиринглади.

— Менман, хўжайин, — деди Абдували, овози бошқачароқ эди. "Яна ичган шекилли, аблах". Мансур:

— Қаердасиз?
— Налогда.
— Бир минутда етиб келинг, — қатъий буйруқ қилди у: "Налогда эмиш, ифлос..."

Гўшакни қўйиш билан яна телефон жиринглади.

— Мансур Набиевич керак эдилар, — деди телефондаги овоз. — Қаерларда юрасиз? Мен Аҳад Валиевичман.

— Э-э, яхшимисиз, Аҳад ака, уйлар, болалар?..
— Уларни қўяверинг. Пул нима бўлди?...
— Мазам қочиб...
— Мен пулни сўраяпман.
— Ҳозир бир ёқлик қиламиз.
— Ўтган ҳафта ҳам шу гапни гапираётган эдингиз. Субут борми? Нима, завод бекорга ишлаяптими? Менга қаранг, эртага ўтса-ўтди...
— Аҳад ака...
— Менга ваъда керак эмас. Эллик миллионни эртага соат тўққизда ўтказинг. Гап тамом!

Гўшакни қўйди. "Жуда беспардонний одам-да, шу одам".

Мансур Тошкентга телефон қилди, туша олмади. "Қодирхўжанинг ҳам гумдони чиқди-я". Энди, Андижонга тера бошлади.

— Ассалому алайкум. Ало, Жабҳар ака керак эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жабҳар ака, ўзингизми? Овозингиз сал бошқачароқ. Ўраниб, дори-пори қилинг. Ҳожи ака, илтимос, ҳозир Тошкент билан гаплашдим, бир вагон эмас, уч вагон келяпти, — Мансур ёлғон сўзлади. — Ҳа, келишган экан. Тўғри, овора бўлишди-ю, мен ҳам ётиб қолиб, денг. Ҳа, ҳа,.. тўғрилаймиз. Албатта, эртага бўлади. Ака! Эртага эллик миллион ўтказиб туринг. Наманганникини ҳам олаверасиз... Сизда ҳам чатоқми? Ановини қаранг... Ўчакишади-да... Майли, ака, саломат бўлинг.

Мансур гўшакни қўйди. "Ҳозир ҳеч ким пул бермайди. Ҳамма сўрайди, холос. Пулга ўзи нима бўляпти? Банкларда пул йўқ. Одамлар, ташкилотларда пул йўқ. Топилади. Мансур топади. Нима бўпти, эллик миллион пул. Нақд тўлаб қўйса ҳам салласи сурилиб қолмайди. Фақат уйдаги пулни бериб юбориш... Бўлмаса хазинаси камайиб қолмайди-я... Ёғ-мой комбинатига директор бўлибдики, бир ҳовлиқади-ей... Аблаҳ, ҳисобчи ҳам келмади, у келмайди..."

Кеч кирмоқда. Уйда нима гап экан? Кетиб юборса-я, анови? Йўқ, мумкин эмас. Ҳозир Мансур усиз ҳеч чидамайди. Аввало кетмасин, кетса ернинг тагидан бўлса ҳам топиб келади. Тўпориликка тўпори, лекин, бунақаси ер юзида йўқ. Ўз оёғи билан келиб қолди. Худонинг иноятн. У йўқолса, Мансур учун дунё қоронғи бўлади. Ҳозир Мансурнинг юраги ҳовлиқа бошлади. Бориши керак. Яна кетиб қолмасин, тағин. Унинг устига хафа қилиб чиқиб келган эди. Тез бориш керак. Акт имзоланмаган. Улгуради. Эртага бир ёқлик қилади. Улар кутишади. Дадаси... яна акаси ҳам телефон қилди... Ҳеч нарса қилмайди. Ишхона нотинч, вассалом.

У кабинетни тарк этди. Котиба ҳам кетибди, қоровул ўтирибди. Машинасига ўтирди. Автозаправкадан хабар олиб ўтади. Бензин ҳам қуйиб олиш керак. Заправка берк, чироқлар ўчиқ. Демак, бензин йўқ. У билан эртага шуғулланади. Сал юриб тўхтаса, бензин бор, қўлдан қуйиб олади.

— Йигирмата, — деди у югуриб келган болага.

Бола бензинни қуйди.

— Қанча?

— Ўн минг.

Мансур ўн минг узатди, сўнг уйига шошилди, у етиб келганда қоронғи тушиб қолган эди. Машинадан тез тушиб дарвоза қанотларини очди, улар қандай ҳолда ёпиб кетган бўлса, шундай турарди. Ҳовлига кира солиб уйга, Каниза бор хонага қаради. Хайрият, чироқ ёниқ турибди, шу ерда экан. Очиқ турган гаражга машинани киритди. Эшикни беркитиб, ичкари шошилди. Меҳмонхонага кирди-ю, дарҳол кўнгли тинчиди. Каниза китоб ўқиб ўтирар эди.

— Мана бу яхши, — деди Канизага, нима дейишини билмасдан, — сиз ўқишингиз керак. Шунда — ҳам фойда, ҳам зерикмайсиз.

— Ўнта китобингиздан аямнинг битта ҳикояси афзал, — кулиб жавоб қилди Каниза, — сиз у ҳангомаларни эшитмагансиз.

— Шундайми? — Мансур ечина бошлади.

Каниза шартта туриб келиб унга ёрдамлашди. Мансур миннатдор бўлди. Бирдан икковлон гўё узоқ вақт кўришмаган севишганлардай бир-бирига ёпишди, ич-ичларидан ийиб кетишди.

— Мансур ака, мени кечирасиз-а? — биринчи бўлиб узр айтди Каниза. — Айтдим-ку, мен... — унинг лабларидан сўзлар чиқа олмай қолди, ўтли бўсалар тўсиб қўйди.

— Мен мағрур аёлни жуда яхши кўраман, — деди Мансур, аслида тескарисини айтмоқчи эди.

Каниза бу гапни умуман тушунмади.

— Чой қилайми? — деди у.

— Бундай нарса сўралмайди, азизам.

— Мен ҳозир, — дея Мансурнинг бағридан сирғалиб чиқди ва ошхонага шошилди.

Мансур унга интилди-ю, бироқ тек қўйди. Ҳозир келади-ю, туни билан бирга...

Яхши, ҳаммаси жойида. Ҳозир кетиб қолганда борми, Мансур нақ ўлиб қоларди. Шу пайт ич-ичидан ғимираб келаётган ўйни кўришга кўзи, отишга ўқи йўқ эди: Дадаси, акаси... Нозима... Шулар ҳозирча жонланмай турса қани эди?

У стенкадан коньяк олди. Очди-ю, дастурхонга олиб келди, очиб пиёлага қуйди. Илгари ичар эди, ҳожи бўлгандан кейин ташлади. Ҳозир ичкиси келди. "Бор-е!" деди ва ичиб юборди. Коньяк ичини жизиллатар экан, узумдан бир дона чайнади. Канизага талпинди. Ошхона эшигидан кирар-кирмас Каниза:

— Мансур ака, мана бу товуқларни қандай иситаман? — дея сўради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳозир, — деди Мансур ва унинг сочларига юзини ишқалади. — Ҳозир жоним, бунинг мана бундай йўли бор, — ошхона бурчагида турган электр гриллни стол тепасига олди. — Бу ёққа олинг товуқларни. Мана, кўриб олинг. Мундоқ қўйилади, буниси бу ерга, униси мана бундоқ.

Каниза бундай печкани биринчи кўриши эди, ҳайрон тикилди. Мансур печнинг ойнали эшикчасини ёпиб, тугмачасини босиши билан ичи қизғиш ёнди.

— Қизигандан кейин гўштни ўзи айлантиради, — тушунтирди Мансур, — энди аяжониси, югуринг, дастурхондаги коньякни олиб чиқинг.

— А? Ичасизми? Сиз ҳам-а? — ўпкалади Каниза ва: — Ичган эркакни яхши кўраман, — деди, Мансурнинг елкасига бош қўйиб, сўнг кетди.

— Сиз ҳам озгина ичасиз, — деди Мансур ортидан, шу пайт фарзанд эсига тушди-ю, юраги шув этди.

VIII

Наби Мусаевич Мансурга икки марта телефон қилди. Ишхонада йўқ, дейишди. Қўлидаги телефон ўчиқ. Уйида гўшакни ҳеч ким олмайди. Ишхонасига эрталаб келиб, чиқиб кетибди. Демак, кўришгиси йўқ. Нима гап бўлишини сезиб юрибди. Зокир эса пахта мавсуми, районда. Уни ҳам топиб бўлмайди. Бола ҳам катта бўлгандан кейин, отани айтгани бўлавермас экан-да. Ўтган ҳафта Зокирни атайлаб топди. Уканг билан гаплашгин, деди. Менга иккаланг бир учрашгин, деди. Иккаласи ҳам йўқ. Ота деган хафа бўлади ҳам дейишмайди. Мансур-ку, қилғиликни қилиб қочиб юрибди. Каттасига нима бўлган, ахир? Ишинг қуриб кетгур, ярим соатгина вақт ажратса, олам гулистон. Унинг укаси билан, дадаси билан нима иши бор? Тагида давлатнинг машинаси, ғир этиб келиб кетса бўлмайдими? Мана, ўзиники эмас, Нозима, ҳар куни уч маҳал келади. Ўзингникиларни аҳволи шу. Тинчлик бўлса-ку, гўрга, юравермайдими ишига тиқилиб. Бу, Мансур деган беақл, тентак бир ботқоққа ботса, кейин билади, ўша ака деган, талашиб тушган жигар. Жигар дегани мундоқ бўлмайди, ахир.

Бунақа пайтларда эзилиб кетаркан, уйда ўтирган одам. Нозиманинг ранги рўйини кўриб, Мансурни нима қилса бўлади, дея боши қотади. Шартта уйга борай деса, аччиқ ўлгур, зўрға туради, анов босқинчи "нахалка"нинг олдида бирон кори ҳол қилиб қўядими? Агар шу бугун у зумрашаларни топиб гаплашмас экан, исмини бошқа қўяди. Бу нима деган иш бўлди?

Наби Мусаевич бўғилар, телефонга ёпишар, ҳеч иш чиқара олмас эди. Олти кундан буён Мансур деган тентакни сира топиб бўлмайди. У яна иккала ўғлига телефон қилди. Иккиси ҳам бирдек йўқ. Ташқари чиқди, ичкари кирди, кунни кеч қилди. Ҳали замон Нозима бечора яна келади. Бир тишламгина бўлиб қолибди. Қийин. Бу болаям ўзи ғирт нодон экан. Бировга ишониб бўларканми ҳаётда? Ҳамма бўйнидан боғлангани учун тўғри юради.

Бу лақма эрини қўйнига ўз қўли билан қаёқдаги суюқоёқ бир ойимтиллани солиб қўйиб, тил тишлаб ўтирибди. У биз эдик, ватан, халқ иши, деган, ишдан бошқани ўйламаган. Одам бўламан деб, биронта қизга қайрилиб қарамадик. Булар кўзи ўйнаб, хотинини алдасам деб туради. Бу келиннинг қилган қилиғига нима дейишингни ҳам билмайсан. "Мансур акамга ишонаман" эмиш-а? Кўз ёши икки пақир бўлиб, шўрига кул торта олмай ўтирибди энди. Вой, шўринг қурғур-эй! Ўз ихтиёри билан кўчада қолган бебош-эй!

Телефон жиринглади. Наби Мусаевич шошилиб гўшакни олди: Мансур.

— Мансур, — деди у. — Мансур, аммо-лекин... Менга қара... Йиғиштир иш-пишингни. Ўзим борганимдан кейин... Нечада? Қимирламай кутиб ўтираман, — у гўшакни қўйди, қалтираётган қўли билан бошини ушлаб стулга ўтириб қолди.

Ташқарида овоз. Кучукнинг "винг" дегани эшитилди. Нозима кириб келди.

— Овқат олиб келдим, — деди у коридорда.

— Ҳозир, — деди Наби Мусаевич. — Менга қаранг, овқатни одам ўлмаслик учун ейди. Овқатни қўйинг, ичкари киринг.

Нозима кирди.

— Ўтиринг. Сиз ҳали ҳам фикрингизда турибсизми? — Наби Мусаевичнинг овозида қалтироқ ва қатъийлик бор эди.

Аёл индамади.

— Менга қаранг, ёш бола эмассиз...

Нозима бошини қуйи солинтирганча яна сукут қилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қизим, — сал юмшади қайнота, — нима қиламиз энди? Аммо-лекин, мен — менман, иккалангизни ҳам дилингизни хуфтон қилиб қўяман. Кундош билан ўтиришга розимисиз?

— Менга ҳеч нарса керак эмас.

Наби Мусаевич ўрнидан туриб кетди. Хонада у ёнбу ён юра бошлади.

— Қанақа одамсиз, сизни ҳеч тушуниб бўлмайди, — деди у яна асабийлашиб. — Ҳой, Нозимахон, сизга неча марта айтдим, боринг, уйингизга боринг, деб. Нима қиласиз, у аҳмоққа ўчакишиб? Мансур хомкалла бўлса, сизда заррача ақл бордир, ахир, хом сут эмган банда?

— Дада, мен ҳаммасини ўйлаб кўрдим, — қандай ўтирган бўлса, шундай ҳолда жавоб қилди Нозима.

— Нимани? Нимани ўйлаб кўрдингиз?

— Менга энди, ҳеч нарса керак эмас. Шу ишни қилдимми, энди фойдаси йўқ... Лоақал... — Нозиманинг бўғзига йиғи тиқилди, — тўққиз кунда бир марта...

— Буни кеча ҳам гаплашдик, у аҳмоқ бўлса, қўйинг-е, сизга нима бўлган?

— Нима деб борай? Кечиринг, адашибман дебми? Дада, илтимос, ўзингизни ҳам, мени ҳам қийнаманг!

— Шошманг. Мансур бешдан кейин келади.

Нозима бехос ўрнидан туриб кетди.

— Мен кетаман, дада... — йиғлади у, — бу ерда турсам бўлмайди.

Наби Мусаевич кўп нарсани тушунди: ғишт қолипдан кўчган.

— Майли, сиз Зебоникига бориб туринг.

— Барибир бормайман...

— Унисини кейин ҳал қиламиз. Борсангиз ҳам мен билан борасиз.

Нозима тез кийиниб, ташқарига йўл олди. Наби Мусаевич ортидан:

— Қизим, бир минут, — деди, — мен аввал масалани ҳал қилиб оламан. Бир нарсани унутманг: Мансур сиздан кечса, ҳаммамиздан айрилади. Ҳа, айрилади. Сизни ҳеч қачон келиним, демаганман, қизим деганман. Шуни унутманг.

Нозима чиқиб кетди. Наби Мусаевич бошини чангаллаганча ўтириб қолди. У Мансурни узоқ кутди. Бир ётиб, бир турди, юрди, ўтирди, ташқари чиқди, кирди. Мансур билан кечадиган гапларга тайёргарлик кўрди. Ўзи савол қўйиб, ўзи жавоб қайтарди. Неча бор жаҳли чиқиб бақириб ҳам берди. Мансурдан эса дарак йўқ. "Ҳаҳ, баттол, ҳаҳ нонкўр..."

Охири Мансур келди. Соат еттидан ўтган бўлса-да, кўринишидан хотиржам эди.

— Ассалому алайкум, дада.

— Салом. Қаёқдан келаяпсан?

— Ишдан.

— Ишга боряпсанми?

— Боряпман. Ревизия бор. Ҳозир шароит оғир.

— Телефонларга нима бўлган?

— Ҳеч нарса.

— Акангни кўрдингми?

— Телефон қилган эди.

— Қачон?

— Эсимда йўқ.

— Мен эсингда борми?

— Дада...

— Тўхта, сендан сўраяпман?

Мансур кўзини олиб қоча бошлади, чуқур нафас олди.

— Дада, мени ишимга аралашманглар.

— Нима?!

— Шу. Мен ёш бола эмасман.

— Шундайми?

— Уйланган бўлсам, болани деб уйландим, мен, мен ҳам одамман, эркакман, болам бўлишини хоҳлайман...

Наби Мусаевич ўғлидан бундай қатъиятни кутмаган эди, бироз довдиради, билдирмаслик учун гапирмай сукут қилди. Мансурнинг елкасидан боши осилиб, деярли оёқлари орасига тушиб қолди. Ўша ҳолда гапира бошлади:

— Кўчада санғи хотинларни қувиб юрганим йўқ. Бировнинг қизини йўлдан урмадим. Уйландим. Уйланганда ҳам Нозима топган одамга уйландим. У кўчада қолган аёл эмас. Ҳаром-хариш эмас, никоҳлаб уйландим. Хотинимдан яшириб ёки зўрма-зўраки эмас. Келинингизнинг гапи билан, қулоқ-миямни ейвергандан кейин уйландим...

Наби Мусаевичнинг кўнглига "мендан кўра бу тайёргарликни зўрроқ кўрган, шекилли", деган гап келди, ҳали арсеналда енгилмайдиган имконият бор, қайта ҳужумга тайёрланиб, индамай тураверди. Мансур анча сукутдан сўнг:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нозима бўлса ўзимники, уни хор қилмайман. Авval наригини кўриб-билиб, йўлимга юргизиб, пасту-баландни ўрганиб, иккови билан ҳам яшайман... Келмадим, ундан хабар олмадим.... — у тўхтаб-тўхтаб гапини гўё тарозуга солгандай сўзларди. — Кечирим сўрайдиган мен, Нозимадан ташвишим йўқ, у қачон бўлса йўлимга юради. Ҳозир хафа, биламан. Унга қийин. Аммо менгачи?

Наби Мусаевич Мансурга қараб тураверди. Майли, гапириб олсин. Орада бир "уфф" тортди, аммо ғиринг демади.

— Бу ёқда иш орқага кетган, тўйиб кетдим ўзи... — тўхталиб давом этди Мансур. — Билдим, сиз чақиряпсиз, биламан, менга қуясиз, тўғри иш қилсин, дейсиз. Сўкишингизни ҳам биламан. У ёқни ҳал қилмай унга ҳам, сизга ҳам нима дейман?

Наби Мусаевич билдики, ўғли кўп нарсага бенишон урди, аммо у битта гапни четлаб ўтди, энди шу масалани ўртага ташлаш фурсати етди:

— Бировни қизини йўлдан урмагандурсан, тўғри айтасан, бироқ бировнинг хотинини, икки гўдаги бор аёлни ажратиб, хотин қилиб олаверасанми? Бу — бир, — "бир"га урғу берди Наби Мусаевич. — Иккинчи, хотининг билан "дагавор" нима эди?

Мансур миқ этмади, Наби Мусаевич "гирибонингдан тутдимми" дегандай жонланди ва авж пардаларига кўтарила борди:

— Ҳожи бўлатуриб, бировнинг жуфти ҳалолини, янада норасида болаларини юм йиғлатиб... Айт-чи, қайси динда бор бу? Насронийдами ёки буддизмдами? Менга қара, бола... Бу йўлингдан қайт?!

Сенинг тепадаги нутқингга уч ҳам қўйиб бўлмайди. Беъмани гаплар бариси... эсинг борида этагингни ёп. Эртага шарманда-ю шармисор бўласан!

Наби Мусаевичнинг назарида кураги ерга теккан полвоннинг гапи шу бўлди:

— Ажрашади...

Наби Мусаевич энди тамоман йиқитиш, мажақлаш усулига — бепарда гапларга ўтди:

— Ҳой, бола, ақлингни йиғ. Бўлар иш бўлди, туғса, туғиб берсин, аммо ҳалол тўшагингни ҳаром қилма. Бўпти, никоҳдан туғилар экан, ол ўша болани, боқ, тарбия қил, Худонинг айтгани бўлади, ўссин, вафо қилсин. Шуни билиб қўйки, биядан тулпор, эшакдан ҳўтик туғилади. Буни ҳам айтиб қўяй. Мени нима десанг, де.

— Ҳозирдан шундай нафас қиласиз? — отасининг охирги жумласидан фойдаланиб муттаҳамликка ўтди Мансур. — Сиз шундай деганингиздан кейин... — у деярли қичқирарди. — Ҳамманглар нима десанглар, дейверинглар, иккиси билан ҳам яшайман. Чидашса шу, чидашмаса, ана катта кўча!

— Тўх-та, муттаҳамчилик қилма! — Наби Мусаевич охирги жумла билан ўзига ҳужумни кучайтирганини билди, энди гапни айлантиришга мажбур бўлди: — Мен тирикман-а, отангман-а? Шуни тан оласан-а? Мени ўлдирсанг ўлдир, аммо онангни руҳини чирқиллатма!

— Нега, нега энди? — титрай бошлади Мансур.

Наби Мусаевич чўққини эгаллади, энди мақсадли режасига ўтишнинг қулай фурсати келди. У овозига йиғлоқи тус берди:

— Онанг Нозимани қизим, деган эди. Синглинг эмас, шу тозалаган эди тувагини. Дунёда қадр деган, вафо деган гаплар бор. Биров учун жонидан кечганлар бор. Ҳайдаб бўладими, шундай бечорани?

Наби Мусаевич бундай қараса, Мансурда синиш, унинг йўриғига йўрғалаш сезилмаяпти. У охирги "ҳужумни"ни амалга оширишга киришди, овозига янада бошқача тус берди:

— Пул билан ҳамма нарсани ҳал этиб бўлмайди. Шундай деб ўйласанг, катта хато қиласан. Ўша қирчанғи ҳам пул деб келган. Албатта, у буни билдирмайди, минг хил товланади. Аёл зоти эркакнинг бурнидан ип ўтказиб ўйнаган ва бундан кейин ҳам ўйнайди. Эшшак қилиб минади. Қани, пулинг бўлмасин-чи, ўша байтал эри, бола-чақасини ташлаб, келиб сенга илиқармиди? Айтиб қўяй, хотин ҳам, пул ҳам ҳеч кимга вафо қилган эмас. Дунё тузилибдики, эркак деган зот шу иккиси билан юзлашиб, олишиб келади. Ютган эмас, ютқазган. Ҳар иккиси ҳам одамни фақат ўлимга маҳкум этади. Уларнинг тузоғига илинган одамга энг яқини "кўзингни оч" деганда ҳам, кўр кўз юмуқ бўлади.

"Ўша қирчанғига тўққиз кун бўлди, бир сўм пул ҳақида гапирган йўқ, — кўнглидан ўтказди Мансур, — ҳозир бу гапни профессорга қўйиб берса, дунё тарихи бошқатдан бошланади. Қолаверса, унга гап қайтариш ҳам денгизнинг сувини тўсиш билан баробар".

www.ziyouz.com kutubxonasi

Наби Мусаевич давом этди:

— Мен айтяпман бола, кўзингни оч! Ҳозироқ синглингникига борасан. Нозима билан гаплашасан. Олиб бор, унинг жавобини ўзи беради. Ўзи олиб келган, ўзи даф қилади. Пулини келишинглар, ана, туғиб берса берсин. Аммо мен уни у ерда кўрмай.

Бори айтилмоқчи гап шу эканлигини, шунча манзират шунга қилинаётганини Мансур билиб турарди. Ўзи бу ҳақда бош қотирмаётган бўлса экан. У шартта ўрнидан турди. Индамай чиқиб кетди. Нозиманинг олдига бормайди. Кўп нарса ҳали ҳал бўлгани йўқ. Бориб нима ҳам дейди? Нозимани у билмаса экан. Тўғри, уришжанжал қилмайди. Ҳозир умуман, Мансур билан гаплашмайди. Нима фойдаси бор? Аввал Каниза билан бир битимга келиши керак. Унинг феъли чарслиги билиниб турибди. Мансур тўрт кунини унга дарс бериш билан ўтказди. Яхшилик билан илон инидан чиқади. Каниза жуда баттол ҳам эмас, ипакдек эшилиб турибди. Тушунади. Энг асосийси, Мансурни ёқтириб қолди. Бўлмаса, эридан кечишини айтмайди-ку. Кечиб бўлди. Ахир ким учун кечди? Мана булар озгина сабр қилса, Каниза йўлга юради. У нима деса шуни қилади. Бунинг учун озгина вақт керак. Буни тушунса бўлади-да, профессор! Бир охурга иккита қўчқорнинг эмас, совлиқнинг ҳам боши сиғмас эмиш. Бу эркакка боғлиқ. Канизани қўндириб олса бўлгани. Нозима уни ўзи олиб келди. Демак, у керак. Яна нима муаммо бўлиши мумкин?

Мансур йўлда бораркан, ўйлаб, ўйининг тагига етолмас эди. Машина бошқариб кетаётганини анчадан кейин билди. Қаёқа кетмоқда? Ишхонасига кетаётган экан. Нега, ўзи билмасди. Кетаверди, уйи томонга қайрилмади. Ҳамма нарсани обдон ўйлаш керак. Унинг устига ишхонада ишлар атала бўлиб ётибди. Департамент бир гап айтмаяпти, галга соляпти, тушунарли. Вагон келмасдан, андижонликлар ҳам дод деб юборишди. Аҳад Валиевичга эллик миллион ўтказиб бериш керак. Тушиши керак бўлган саккиз юз миллион тушмай ўляпти. Дебиторларнинг ҳолига вой. Энди, Аҳад Валиевичнинг заводига уйдан эллик миллион бериб қўяверади. Гугурт қутидан битта чўп кетгандек гап. Ишхона ўз йўлига. Эртага Каниза уйига бориб келмоқчи. Бугун кўп нарсани ҳал қилиб олиш керак. Бормаслиги керак. Бормаса яна бўлмайди.

У машинани шартта катта йўлга қайириб, уйга ҳайдади. Етиб келгач, дарвозанинг очилишини кутди. Иккиуч сигнал берди. Жим-жит, нима бало, кетиб қолдими? Мансурнинг юраги ҳовликди. Машинадан тез тушиб, дарвозага юрди. Кичик эшик очиқ, ичкари кирди. Хайрият чироқ ёниқ. Шунда Каниза кўринди.

— Қўяверинг, ташқари совуқ, — деди Мансур, уни кўриб, кўнгли ўрнига тушгач хурсанд бўлиб, дарвозани ўзи очди, гараж эшигини очиб, машинани олиб кирди, "ўраб ўтириш шартми?" ўйлади у.

Мансур кирганда Каниза эснаб, халати чўнтакларига қўлини солиб, коридорда турарди. "Бугун кўп масалани ҳал қилиш керак" ўйлади Мансур ва норозидек қимир этмай турган Канизани қучди. Ингичка белларининг нашвандсимон йўғонлашув жойларини силади, юзини юзларига сурди, сўнг етаклаб, меҳмонхонага бошлади. Канизани диванга ўтқазиб:

— Мен ҳозир, ечиниб, ювиниб олай, гаплашадиган гап кўп, — деди.

— Мен антиқа овқат қилдим, ейсизми?

— Еймиз, нима экан?

— Нон қўғирдоқ.

— Нима у?

— Қолган-қутган нонларни қовурдим.

— Ие, бошқа нарса йўқ эканми?

— Бор. Ширин бўлади-да, биз ёғ бўлса, тез-тез қилар эдик.

— Майли, сиз қилган овқат ёмон бўлармиди?

— Уят қилмайсиз-а?

— Ҳеч қачон.

— Бўлинг, тезроқ ечининг, ювининг. Зерикиб кетдим.

— Одам ўз уйида ҳам зерикадими? — ётоқхонадан эшитилди Мансурнинг овози.

— Эртага кетаман.

— Гаплашамиз.

Каниза ошхонага қараб кетди. Унинг эртага уйга бориш қарори қатъий эди. Шунинг учун ҳам халтасига анча-мунча нарсаларни тўлдириб, латта-путталарга ўраб, Салиманикига олиб чиқиб қўйди. Бу ерда, энди, ўшандан яқин кими бор? Ўша-да. Эртага, тағин, Мансур халтадаги нима балолар, деб ўйламасин. Ҳали, пул берадими-йўқми, Худо билади.

Мансур ювиниб, кийиниб, ошхонага кирди. У ўзини

www.ziyouz.com kutubxonasi

қанчалик хушнуд-хушчақчақ тутишга уринмасин, иштаҳаси йўқ, дадаси билан бўлиб ўтган тўқнашув руҳан эзиб турарди. Шу боис ҳам уни хаёл олиб қочар, бир нуқтага тикилиб қолар, Каниза эса ҳайрон бўлаётган эди. У бир-икки "Тинчликми?" деб сўради. Мансур буни иш ташвишларига йўйиб қўя қолди.

Асосий гап ётоқхонада бошланди. Каниза Мансурнинг айтганларига амал қилиб, чироқ ўчмаёқ, халатини устидан тушириб юборди ва атир сепди. Хонани ширин ифор қоплади. Ўринларига киргач, Каниза Мансурни қучди. Мансур негадир суст эди. У бироз қўлини боши остига қўйганча ётди.

Мансур аввал гаплашиб олишни кўзларди, шу боис ҳам ҳаракатсиз ётарди. Шунда унинг хаёлига бир гап келди ва тадбиркор бўлгани учун тактика қўллади:

— Демак, эртага уйга бориб келасиз...

— Рухсат берсангиз... — шивирлади Канизанинг лаблари унинг елкасига намли тегиб.

— Ҳозир, кабинетга кириб чиқай... — Мансур халатини кийди-да, ўша ёққа кетди.

Кабинетга кириб сейфни очди. Даста пуллардан бирини олди, аммо қайта жойига қўйиб, ўйланиб қолди: "Кўкидан берсамикин..." Йўқ, сўм бера қолсин. Яна ўша боғламни олди. Шу пайт ортидан Каниза кирди. Мансур беихтиёр сейфнинг эшигини ёпди, бироқ хижолат чекди.

— Ҳа, мендан яширяпсизми? — деди Каниза худди Мансур кутгандай.

— Нега яшираман?

— Қўрқманг. Мен сизга ҳеч ким эмас-ку, — ўпкалади Каниза. — Кабинетингизни бир кўрай, деб эдим.

— Ие, бу ёққа ҳеч кирмадингизми?

— Бировдан берухсат нега кираман? Ўзимнинг уйим бўлмаса...

— Ўзингизники. Жуда шунчалик бўлса, мана, сейфнинг калитини ҳам бериб қўйишим мумкин.

— Ўзларига буюрсин.

Мансур унинг чинакам хафа бўлганини сезди.

— Жуда кўнглингиз нозик, а, Каниза? — бориб елкаларидан қучди унинг.

Каниза юлқинди. Мансур калитларни унинг халати чўнтакларига солди ва ташқари етаклади. Хонадан чиқишар экан, Каниза калитларни ерга, гиламнинг устига итқитди. Тезлаб ётоқхонага кирди-да, халат-палати билан ўзини каравотга ташлади, бошини ўраб олди. Вазият оғирлашди. Аслида, Мансур пулни илгарироқ тайёрлаб қўйса ҳам бўларкан. Одамзот ҳам нозик-да. Буни-ку, тўғрилаб олади. Аммо у ёқда отаси, Нозима... Нега юраги чопиб турган ишга бировлар тўғаноқ бўлади, а? Ҳозир, ўшалар, айниқса, Нозима бўлмаганда, Мансурдан бахтли одам йўқ эди. Мана бу билан, қанча тўпори, инжиқ бўлмасин, силлиққина яшарди. Иши-ку, тўғри бўлиб кетади, ҳозир ҳамма бирдек қийналяпти — пулдор, мулкдор, гадо ҳам... Бунинг бундай қилиқларига ҳам ўшалар сабаб, бу ҳам ўйлайди-да, кўнгли тинч эмас. Бунинг ўрнида ўзи бўлса ҳам шундай қиларди, мана ўзи, унинг эри ёнига бориб келишига мутлақо кўнгиси йўқ, худди устига тоғ қулайди-ю, унинг эри бир бало қилиб қўяди-ю, Мансур қуруқ қолади. Дунё ўзи шунақа: мулк сеники, унга биров қўл тегизмаслиги керак!

Икков шу алпозда аллақанча ётишди. Мансур Канизанинг бошидан кўрпани тортди, уни бағрига олса, сал ияди, кейин гаплашади. Каниза қўллари билан кўрпани тортганча бўш қўймади.

— Каниза, — деди шунда Мансур, — сал нарсага бундай қилаверсангиз, мени сиқаверсангиз яхшими? Нима бўпти, сейфни ёпиб қўйсам? Ўша иккаламизники. Мен сизга очиқ гапларни айтдим, мақсадимни тушунтирдим. Сиз яна бундай қиляпсиз. Мени ҳам ўйлаш керак-да. Эртага уйга бораман, деганингиз учун кириб эдим. Уйга қуруқ қўл билан бормайсиз-ку.

Мансур яна кўрпани тортиб, Канизани қучди.

— Қўйинг, жоним, — деди.

Каниза бу гал қаршилик кўрсатмади. Мансур уни индамай қучиб ётди. Кейин:

— Каниза, мана бу пулга, — деди у қўлини ёстиқ тагига тиқиб қистириб қўйган пулни олди ва Канизага узатди, — болаларга у-бу олинг. Қолганини уйга қолдиринг...

Каниза бошини даст кўтариб узатилган пулга қаради, шу заҳоти қўлига олди. Жойига ўтириб, кўзига яқин олиб келди. Туриб, чироқни ёқди:

— Шу ҳаммаси менгами? — унинг кўзлари пориллади.

— Ҳа, кимга бўлмаса.

— Раҳмат, ҳозир, — Каниза у ён-бу ён аланглаб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

гўё тез бир жойга қўймаса, Мансур уни қайтариб олиб қўядигандай потиллаб қолди.

— Ёстиғингизни тагида тураверади ёки халатингиз чўнтагига солинг, етадими?

Каниза индамади. Бир пачка минг сўмлик пулни ёстиғи тагига қўйди. Ўзини Мансурнинг устига отди, юз-кўзларидан ўпди, ҳансироқ аралаш:

— Болаларимнинг усти яланғоч эди, раҳмат, асалим, — деди ичига сиғмай.

— Етмаса яна бераман, ўйлаб кўринг, — зўрға гапира олди Мансур юз-кўзи, сочлари, бўйин-елкаларига дўлдай ёғилаётган ўпичлардан зўрға қутулиб.

Каниза ўтли миннатдорчилигини маромига етказиб, сусаяркан, Мансур:

— Мен нимани ўйлаяпман-у, арзимаган нарсаларга ўкиниб ўтирибсиз, — дер экан, унинг хаёли ҳозир асосий гапга ҳозирлик кўришда эди.

— Каниза, — астойдил гап бошлади сўнг, — шундай қилиб, эртага бормоқчимисиз? Мен сизсиз бу ерда қандоқ чидайман? — атай унга ялтоқланди ва бу гапнинг ёқишини билди. — Қачон келасиз?

— Қачон десангиз, — Каниза бориши, болаларини кўриши, бир бало қилиб, гумроҳ эрини тинчитиш зарурлигини билиб турса-да, шундай дейишга мажбурият сезди.

— Борибоқ қайтасиз.

— Майли, рухсат берасизми, ахир? — ноз ила эркаланди Каниза.

— Бермасам-чи?

— Бормай қўяверaман.

Мансур уни бағрига босиб узоқ ўпди.

— Жоним, асалим мени тушунгани ўзи бир дунё. Сиздан ҳеч қачон кечмайман. Қадрингга етаман, азизим, — Мансур шу топда ўзини тутолмас, ўзини қаерга қўйишни билмасди.

— Болалар бўлмаса-ку, умуман бормас эдим... — ўт қўйди Каниза, бу гал у дўл каби бўсалардан зўрға қутулиб.

Маълум вақт ўтгач, Мансур:

— Эртага машина олиб бориб келади, ўзим олиб борардим-у, яна сизнинг қаҳрингиздан қўрқиб турибман... — деди.

— Бораверасиз, қишлоқдагиларнинг оғзини очиб қўяман, қайнонангиз оёғингизга қўй сўяди.

Талтайган Мансурнинг кўзига узоқ ва гўзал қишлоқ, гўл ва содда одамлар, ҳаммасининг ҳавас билан ўзига қарагани, Канизанинг мавқеи ўсиб, виқор билан бошлаб бориши, қайнона ва қайнотасининг боши осмонда, ўзларини қаерга қўйишни билмай, қайта-қайта тўшак, якандоз солганлари, бообрў куёвларидан кўнгли тоғдай ўсганлиги кўриниб кетди. Ўша томонларга учиб боргиси келди.

Шу кайфият ичида юрагини эзиб, олис-олисдан ғимираётган масалани ҳал этишга рағбат сезди.

— Жонгинам, — дея яна гап бошлади у, — сизга бир гапни айтмасам бўлмайди...

Каниза бу гапга ортиқча муносабат билдирмади, ўз ўй-хаёллари билан бандга ўхшади.

— Каниза, — деди яна Мансур томоқ қириб, — Нозима уйга келадиган...

Каниза яна жим.

— Бугун охири дадам билан гаплашдик, — деди Мансур қўлларини Канизадан узиб, боши остига қўяркан. — Дадам шунақа одам, у кишини сиз ҳали билмайсиз... Нозима уйга бориши керак, деяптилар.

Мансур Канизанинг индамаётганидан ташвишланди. У эса ҳамон миқ этмасди. Анчадан сўнг Мансур:

— Сиз кундошчиликка чидармикинсиз? — деди қўрқа-писа.

Каниза яна жим.

— Ҳали мен бирон нима деганим йўқ, — олдини олди Мансур. — Энг ёмони, унинг ҳам борадиган жойи йўқ.

— Келса келаверсин, — ҳеч нарса бўлмагандай, ғам емай деди Каниза.

Мансур уни шартта қучди.

— Асалим, эсликкинам, — деди.

— Келса келиб тураверади-да. Бизга халақит берармиди. Хизматимизни қилади...

Бу гапни Каниза ҳеч иккиланмай, жўн, гўё ўзига алоқаси йўқдай айтди. Энг чигал масала осонлик билан ҳал бўлганидан суюниб кетган Мансурнинг дилига қаёқдандир ғашлик қўланка ташлади. "Бунга барибир шекилли, нима бало, мени севмайдими? Пул керак экан холос-да". Мансур ҳозир тубсиз қудуққа тушиб кетгандай бўлди. Яхшики, уни яна Канизанинг тўри ушлаб қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Менга сиз бўлсангиз бўлди. Ким келади, ким кетади, ким нима дейди — менга барибир. Кўзимнинг оқу қароси ёнимда бўлса бас! — хулоса қилди.

Бу гаплар Мансурнинг ўлик танини тирилтирди, унга ҳаёт суви ато этди. Энди Нозиманинг масаласи ҳам жўн ҳал бўлгани қувонтира бошлади. Ҳозир Мансурнинг қувончи дарҳақиқат чексиз эди. "Дадамнинг ваҳимасини қара-я, — ўйлади у. — Профессор бўлгани билан Канизани билмайди-да. Чин инсон бу, бахт дегани асли шу".

Канизанинг хаёли батамом бошқа нарсаларда эди. "Эртага..."

Мансур уни яна миннатдорчилик рамзи ила ўпиб, хаёлларини бўлиб юборди. Мансур учун бугунги тун ўта хотиржамлик ва шиддатли ишқ лаззати ила йўғрилган адоқсиз кечадан нишона бераётганди. Бағрини тўлдириб, бўлак-бўлак бўлиб билқиллаётган аёл эркатой овозда:

— Эртага қишлоқда бир кун қолсам-чи? — деган эди, у ўша овозни ямлаб ютиб юборди.

IX

— Ҳозир ишга боришим билан Шерзод деган бола келади, — деди Мансур ишга отланиб, охирги нарсаларини оларкан. — Сиз яхши бориб келинг. Каниза, яна қолишни ўйлаб-нетиб юрманг. Мени анча билиб олдингиз, айтганимдан қайтмайман. Машина қуруқ келса, бориб олиб келаман. Эрингиз билан кўришмаганим маъқул, қишлоқчилик... Сизни гап-сўзга қўйишни истамайман. Тушунарли-а?

У икки қўлини қовуштириб, кўзларини милтиллатиб турган Канизани лабларидан енгил ўпди. "Хўп жоним, сиздан ажралишим қанчалик қийин" деди. Уни дарвозагача кузатиб, ортига қайтмоқчи бўлган Канизага машина эшигини очиб яна нимадир деди. Каниза эшитмай, унинг ёнига борди.

— "Калит керакми, ҳали келсангиз" деган экан Мансур. — Манг, менинг калитларимни олиб қолинг. Кичкина эшик ўзи бекилиб қолади, — деди.

Каниза шода калитларни олди. Мансур, энди келиши аниқ, дея кўнгли хотиржамланди.

— Мансур ака, — деди шунда Каниза Салиманинг дарвозасига бир қараб қўйиб, — қолган-кутган мевалларни болаларга...

— Эҳ, буни қаранг, кеча ўзим бозор қилиб қўйсам бўларкан. Нимани хоҳласангиз ўзингиз биласиз. Хўп, мен кетдим.

Каниза Салимага яширган нарсаларни бериб чатоқ қилганини англади ва шу заҳоти унинг дарвозаси қўнғироғини босди. Салима кўрингач:

— Халтамни олай, кетмайдиган бўлдим, — ёлғон сўзлади у.

Салима индамай халтани олиб чиқди. "Туппа-тузук хотин ўзгариб қолди-я, — ўйлади Каниза, — кўролмайди-да. Бозорнинг ажри оғир, ўлиб кет!"

Ичкари кираркан, Каниза яна топган-тутган нарсаларини иккинчи халтага жойлади. Бозорга пул кетади, қуруқ қўл билан боргандан кўра, ит емай ётибди ҳамма нарсани, болалари ейди. Ўшаларнинг устига, оёғига нарса олиши керак. Пачка пулни эса асти бузгиси йўқ. У пулни турган еридан олиб, роса айлантириб томоша қилди. Сўнг Нозиманинг янги сумкачасига жойлади-да, атирупа, майда-чуйдаларни ҳам тиқди. Нозима берган барча уст-бош, матоҳларни қайта тахлаб тугди. Бир қатор энг яхшисини кийди. Эскиларини яна бир халтага жойлади. "Товус"ни ҳам ўшанга қўшди. Бироқ ўйланиб қолди. Шундай кийиниб, анови илиғлик турган чарм плашни кийиб борадими, эскилариними? Бундай борса, Самад ўлгур йиртиб-нетиб ё олиб қўйса-чи? Кейин бермасачи? Унинг устига одамлар гап қилиб... "Гап қилишса....га" деди у. Ечинди, эски кийимларини кийди, йўқ, бундай бормайди. Ечди. Хуллас, минг ечиниб, минг кийинди. Ўйлаб-ўйлаб, янги усти бошларида тўғри онасиникига боришни режалаштирди, чунки ўн икки кун деганда кетяпти, хойнаҳой, Самад гўлаҳи болтасини чархлаган бўлса керак, бирор кор-ҳол бўлиб ўтирмасин. Ўзининг уйига эскиларини кийиб боради, яна аяси билан маслаҳатлашади. Устига-устак, шу бугуноқ қайтиши керак. Самад иш кўрсатиши табиий. Ўн икки кундан бери қўйчининг таёғидек қайраб турган бўлса керак. Онаси бирга бормаса бўлмайди. Олдин қайнона-қайнотасиникига кириб, уларни ҳам ўртага қўяди.

Шу ерга келганда фикри айниди. Яхшиси, бирон баҳона топади, Самад пулга ўзини ҳам сотишини билади. У билан масалани ўзи ҳал қилгани яхши. Канизанинг миясига ажойиб ўйлар кела бошладики, у беихтиёр ҳозир Самад билан келишаётгандай ролга кириб кетди. Кейин

www.ziyouz.com kutubxonasi

онасиникига боради, унга тўғрисини айтади, у билан келишиб олади. Энди, болалари... Уларга роса мева-чева, ширинликлар олди. Ие, музлатгичда шунча гўшт турибди, пиширив олса бўлади-ю, хом олиб борса-чи? Пиширив ейишади. Қачонлардан бери қора буханкадан бошқа нарса кўришмайди. Колбасалар, пишлоқлар, қазилар ётибди. У ошхонага кириб яна бир халтани тўлдирди. Очиқ турган коньякни кўриб, мехмонхонага чопиб кирди-да, новча коньякдан бирини олди, гўшт, колбасалар солинган халтанинг бир четига тиқди. Самад буни кўрса ўлади. Иш битди.

Йўлда болаларига усти-бош харид қилади. Пул етарли. Ярмини ишлатганда, Самадни алдаш учун ўн мингни берганда ҳам қанчаси қолади-ю, майли, онасига ҳам минг сўм беради. Яна сумкачасидаги пулга қаради. Олдинги ўн мингдан ҳам турибди. Сейф эсига тушди. Трюмо устига қўйган шода калитларни эслади. Кабинет, сейф. Миясига келган ўйдан қўрқиб кетди "Одамзод нималарни ўйламайди, — хаёлланди у шу топда ва аниқ хулосага келди, — ҳаммаси бир кун ўзимники бўлади, фақат шошилмаслик керак".

Мансур тўғри идорасига келди. Шошиб кириб келиши билан кўзи ёши улуғроқ, оппоқ сочи ортига силлиқ таралган, ранги ўнган оқ кўйлакнинг титилган ёқаларига галстук таққан ёзувчига кўзи тушди. "Бу ҳам безор қилди келавериб" ўйлади у. Ҳозир ким ҳам китоб ёздиради? "Қилаётган тадбиркорлик ишларингизни, ўзингиз ва оилангизни китоб қилайлик" деб ҳар куни келади. Ҳамма тадбиркор ўзини панага олиб юрган пайтда Мансур ўзини китоб қиладими? Кимга керак? Кўзга кўринган тадбиркорни таппа босишяпти. Ўзи бу ёғи ҳам етиб турибди. Ўзини гўшт қилиб берсинми? Бир марта кетар, деб эллик минг берди, бўлди-да, энди.

Ўтирган еридан шарт турган ёзувчига қўл учини берди-да, тик турган котибага деди:

— Дарров еттинчига телефон қилинг. Шерзод машинада келсин. "Жигули"да. Тез. Амаки, — ёзувчига юзланди сўнг.

— Кўп вақтингизни олмайман, бир китобни кўрсатмоқчиман, — шошилинч гапни бўлди ёзувчи.

Хонага кириб ўтиришлари билан бола-чақа, ишларини суриштира кетди фотиҳадан кейин. Биров ҳақида ёзилган бир китобни кўрсатди, уни шу китоб орқали эл танигани тўғрисида оғиз кўпиртириб гапирди, гапи охири таваллога айланиб кетди. Мансурнинг ичи ғурумланар, хаёлида эса, ҳозир машина келса, Канизани жўнатиш, кечга томон уни яна уйда кўриш, бугун Нозимани олдига бориш-бормаслик, битмаётган ишлари чарх уриб айланарди. Ёзувчини зўрға кузатди. Ҳар хил ишлар билан одамлар кира бошлади. Хаёли келадиган машинада. Яхши, у келди. Ташқари чиқди. "Жигули" ўрнига "Нексия" келибди. Шерзод уни иш билан Қўқонга миниб кетишибди, деди. Яхши бўлди, "Нексия"ни жўнатди. Шерзодга шошилмай, эҳтиёт бўлиб бориб келишни тайинлади.

Шерзод Канизани олиб, қишлоққа жўнади. Янги машинанинг орқасида керилиб ўтирар экан, Каниза йўл-йўлакай бозорга тушди. Ўғли ва қизига керакли нарсаларни олди. Энди, хаёли етиб боргандан кейин бўладиган машмашаларга кўчди.

Ҳадемай, қишлоққа етиб боришди. Бир пайтлар асфалт бўлиб, эндиликда ўйилиб, асфалти кўчиб, ўйдим-чуқурга айланган, бугунги қуёш тафтидан эриган қорда билчиллаган балчиқ кўчада лой кечган машина Канизанинг уйи олдига етиб келди. Атрофи деворсиз янги уй айвонида ўзини офтобга солиб, устун ҳовонида Самад ўтирарди. Каниза қўлида тугунлар билан машинанинг орқа ўриндиғидан тушди. Уни кўрган ҳамоно, Самаднинг кўзлари чақчайди. Ўрнидан турмади. Каниза унинг ёнидан ўтаётиб, ичкари имлади. Оғир кўчиб ичкари кирган Самаднинг елкасидан олиб кўришди, Самад индамади ҳам, унинг тишини тишига қўйиб тургани сезилди.

— Югуринг, машинадаги нарсаларни олинг, — деди Каниза Самадга.

— Яна қанақа нарса? — тўнғиллади Самад.

— Сиз олаверинг...

Самад яна тўртта оғир халтани кўтариб келди. Каниза дарҳол егуликлар ва шиша бор халтани топди. Йиғиштирилмай турган дастурхонга колбаса, пишлоқ, нариги халтадан олма, нокларни ташлади. Кейинги халтадан яна алламбалоларни олди.

— Вой югуринг, нон машинада қолибди, — деди ҳали у, ҳали бу халтага қўл тиқаркан.

Самад деярли иссиқ нонларни кўтариб кирди.

— Энди ўтиринг, қорнингиз ҳам очдир, пичоқ қани? — деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Самад энсаси қотиб индамай турарди.

— Бу ҳам сизга, — дея хорижий коньякни узатди.

Самад уни оларкан:

— Ҳиҳ, бу ёғи ресторан-ку?! — деди.

— Ресторан ҳам гапми?

— Жуда пулдорига учрадингизми, дейман? — пичинг қилди Самад.

— Уни кейин биласиз, ҳозир айтганимни қилинг. Колбасани кесинг. Мана бу пишган гўшт. Уфада булар бепул экан.

— Қаерда? — қошини чимирди Самад тишларини ғижирлатиб.

— Ҳозир ҳаммасини эшитасиз? Сабр қилинг. Болалар қани?

— Ўлди.

— Мен сиз билан ҳазиллашмаяпман. Коньякни очсангиз-чи?

— Ичмайман, — Самад коньякни нари сурди.

— Таъбингиз, сассиқ виноларни ичиб юраверинг.

Шу пайт "Аё-ё!" деб мактабдан келган ўғли кириб келди. Каниза уни зўрға ушлаб пешонасидан ўпди. Ўғли дастурхонга ташланиб, бир зумда қўлини тўлдирди. Оғзига олма тиқди. Ҳали уни, ҳали буни олар, олган нарсалари тушиб кетмоқда эди.

— Шошилма ўғлим. Шу ҳаммаси ўзингники.

Аҳмад оғзи-лунжи тўла гапира олмади.

— Уканг қани?

— Бувамникида, — зўрға жавоб қилди Аҳмад.

— Чоп, олиб ке. Бувангга аям келди, дегин.

Аҳмад дастурхондан кўз уза олмас, ҳозир кетса, келгунича ҳеч нарса қолмайдигандай зўрға кетди.

— Э-э! — деди ўз аразидан сиқилиб кетгандай Самад, шартта коньякни очди, шишаси билан кўтарди, қултиллатиб ичди, оғзини артди-да, нон ва колбаса олди.

— Шакалатдан олинг, дадаси, — деди Каниза.

— Биз шаҳарликка текканимиз йўқ, — писанда қилди Самад ва коньякдан яна ичди.

— Бўлди энди, дадажониси, қўйинг, жанжалли уйдан барака кўтарилади. Худога шукур десангиз-чи. Аёл бошим билан бир қишлоқи қиз Уфага бориб, ишлаб, ўн кунда шунча нарса билан келсам. Уйим, болам-чақам деб юрган бўлсам. Сиз мени тушуниб, яхши гапириб, мана, пул олиб келдим, кам-кўстини қилиб, уйни битказиш ўрнига ҳар гапда пичинг қилиб, кесатиб, бирпасгина келган одамни зада қилиб турсангиз, нима иш бўлди бу? Эру хотин қўш ҳўкиз-ку, ахир? — Каниза Самад кайф бўлиб қолмасидан у билан гапни бир ерга қўйиб, уни яна уч ойга кетишга кўндириш, шу бугуноқ ўша ерда бўлиши кераклигини тушунтириш учун жонини жабборга берарди.

— Мана бу болаларга усти-бош. Қолганлари ҳаммаси егулик. Мен Света деган яхши бир хотиннинг биргадасида ишлаяпман. Уфада салат қилиб сотяпиз. Кечаси-кундузи иш. Ҳозир пишиқчилик, сезон. Баҳорда сал иш тўхтайди, ўшанда келаман.

— Қачон? Баҳорда?

— Эшитганингиз. Бугун поездга ўтираман... — Каниза Самаднинг нима дейишини кутди, унинг кўзлари аллақачон ичкилик таъсиридан сузилаётган эди.

— Қаерга?

— Айтдим-ку, Уфага. Шерикларим кутиб турибди.

— Ўша шериклардан бирортасини бизнинг кўрпага ташлаб кетинг, бўлмаса...

— Бўлди, ҳазилнинг вақти эмас, — Каниза унга ўн минг ёки йигирма минг ташлаб кетмоқчи эди. Ҳозир бу фикридан қайтди. Яхшиси, қайнотасига беради. Бу ичиб битиради. Қайнотаси ҳам тез кўнади. Пенсиядан бошқа нажоти йўқ, битини териб юрибди.

Бу орада Самад тебраниб қолди. Каниза ажратган нарсаларни, болаларнинг кийимларини олди-да:

— Мен бувимникига... — деди.

— Бизникини ташлаб кетинг... — ўқчиди Самад.

Каниза қўлидаги юклар билан ташқари юраркан, "бизникини эмиш, билмайсан-да, аллақачон бировники, чўнтагида тиллоси борники бўлганини" деди ичида. Ортидан Самаднинг "тўхта, ҳой ўлдираман" дегани эшитилди.

Дарҳол машинадан тушган Шерзод унинг қўлидан нарсаларни олди. Машина олдинга интилди. Қайнонасиникига ажратилган нарсаларни кўтариб кириб борганда қайнона-қайнотаси айвондаги билонғи тахталардан қилинган сўрининг офтобгоҳ жойига тўшак солиб ўтиришган экан. Нарсаларни уларнинг олдига олиб бориб қўйди. Қайнонаси яна бир тўшак билан дастурхон кўтариб келди. Фотиҳа тортилгач, дастурхонга ҳар хил емишлар қўйилди. Каниза халталардан олаётган нарсаларга қайнотаси ҳўмрайиб қараб турди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қаердан Худо берди бу нарсаларни? — деди қайнонаси қип-қизил олмалардан бирини енгига артиб.

— Уфадан.

— Упаси қаер?

— Татаристон.

— Ўша ёқдан келяпсизми?

— Ҳа, ишлаяпман ўша ёқда. Салат қилиб сотяпиз.

Каниза ёлғон-яшиқни қўшиб-чатиб ташлади. Шу бугуноқ онасини бир кўриб, кетажагини айтди.

— Имкон бўлиб қолган эди, шерикларимдан биттаси билан келиб кетяпман. Болаларга хавотир бўлдим.

— Э-э, нон топаман деб, аёл бошингиз билан, қизима?..

— Ҳамма шу-ку, ҳозир...

— Тўғри. Бу ердан ҳам кўпчилик пахта тергани яқинроққа кетишди. Ҳалиям ўша ёқда. Ким билан ишлайсиз у ёқда? — хавотир сўради қайнонаси.

— Ҳаммаси шағдан борган қизлар, жувонлар. Бошлиғимиз карис хотин.

— Карислар билмаган иш йўқ, жуда иш билги-да, бу карислар.

— Ўша, битта Света деган қиз биргада қилиб, олиб кетган ҳаммамизни.

— Яхши бўпти-та, мана шунча нарсани топиб келибсиз-ку. Юрсангиз юраверардингиз-да, иккита нон топиб келаман деб бозорга қатнаб...

— Мана бу иккови болага устувош, оёғига... Ё сиз, ё аям қараб турасизлар...

— Ойимхон ичкарида, ухлаяпти. У доим шу ерда, ўзим билан. Аҳмад отаси билан, келиб қорнини тўйғазиб юрибди. Шунақа қилиб юриб, бир кун катта бўлиб қолишади, Худонинг куни кўп...

— Дада, — деди Каниза ҳамон индамай қовоғини уйиб ўтирган қайнотасига, — мана бу йигирма минг сўм пул. Уй-пуйнинг кам-кертига ишлатарсиз. Ановнизга берсам, ўзингиз яхши биласиз...

Абдулла ака шунда келинининг салқиган, ранги қочиб, бўзрайган юзига боқди: "Касал-пасалмикин, ё йўл босиб қийналганми?" деб ўйлади.

— Уйни ҳам ўзим битираман, шекилли, энди, — маъюс деди Каниза худди қайнотасига гапиргандай.

Шунда қайнотаси:

— Худо инсоф бериб қолар, — деган калимани айтди.

— Дада, фотиҳа қилинг, — деди Каниза, — машина такси, пул олади.

— Омин, — деди Абдулла ака, аммо ўрнидан қўзғолмади ҳам.

Келинини кузатиб кирган хотини қошларини чимириб, оғзини буриб:

— "Нексия"да кептилар, — деди, — бирам ширин атирлар сепиб олибди, жувон ўлгур, Ўткир ғарди қизи. Замон айниб кетди ўзи...

Абдулла чол бир ҳўмрайди.

— Замонда нима айб, одамлар айниди, — деди.

— Бихалчанинг тўйига осмондан тушиб қолди, олиб қўяймми? — сўради бурнини енги билан артиб кампири, сўри четида турган пулни оларкан.

Чол индамади.

* * *

Каниза онасиникига кирганда, айвонда дадаси билан олифта бир одам ўтирар, онаси ўчоқ бошида уймалашаётганди. Умрида боши рўмол кўрмаган Ўктамхон-Ўткирби бошига енгил рўмол солиб, бир учини тишлаб олган ҳолда:

— Вой, бўйларингдан-ей, — дея Канизанинг истиқболига юрди, кўришиб бўлибоқ, Канизанг қўлидаги нарсаларни оларкан, меҳмон ўтирган томонга қараб қўйди.

— Камисия, — деди Канизага.

Шерзод қолган халталарни кўтариб кирди.

— Вой, келинг, айланиб кетай, — қарши олди аяси уни.

Шерзод халталарни бериб, аянинг қўймаганига қарамай, чиқиб кетди. Онаси билан Каниза меҳмоннинг ёнгинасидан ўтиб, ичкари кирдилар. Келиши биланоқ, ундан кўз узмаган меҳмон ёнидан ўтаётганда, саломлашаётганида очкўзлик билан қаради. Канизанинг дадасидан ҳам истиҳола қилмади, уйга кириб кетгунча ортидан бурилиб тикилди. Буни Каниза сезди.

— Ким у, анави суюқ? — деди у онасига.

— Унақа дема, дадангни пахтасини текшириб келибди вилоятдан, — деди Ўктамби-Ўткирби. — План чатақ.

— Ўлсин, оғзини суви оқмай, байтал кўрмаган айғирга ўхшайди-я, — деди Каниза.

— Уйига бормай пахта қувиб юрибти-да, шу ерда, ҳиҳ-ҳиҳ... Даданг бугун меҳмонга олиб кепти, овқат қиляпман. Яхши, ошни устига келиб қолдинг. Рисқинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

улуғ-да. Ишларинг яхшими, қизим? Ранги-рўйинг мунча паст. Айғиринг ёмон, шекилли? — гўё ўзи армон қилиб етолмай ўтган салт биядек тишларини кўрсатиб кулди Ўктамхон-Ўткирби. — Сен йўқ, бу ёқда ишқий ҳангомалар қайнаб кетди, ҳиҳ-ҳиҳ... Ошимга қарай...

Ёлғиз қолган Каниза ташқарида дадаси билан ўтирган олифтани, унинг суқ назарини ўйлади. Бу айғир анча-мунча бор. Кейинги пайтларда ҳамма эркаклар унга ана шундай суқланиб қарайдиган бўляпти-да. Каниза белларини ушлади, кўкрак, томоқларини силади: "Ўлиб кет, етолмасдан!" Негадир онасининг олдига чиққиси келди. Тикилса, тикилиб, оғзидан сув келиб ўлсин. У "ўтирибсизларми" деб яна ўшанинг ёнидан ўтди. Атай у ёқ-бу ёғини қимирлатиб юрди. Дадаси қозон бошида эди.

— Ўтиринг, чой ичинг биз билан, — деди ўзини тутолмаган олифта.

— Раҳмат, — деди Каниза, қўлидаги мева ва колбаса, пишлоқни дастурхонга қўяркан. Ошхона олдига борганда дадаси ундан ҳол-аҳвол сўради, сўнг меҳмон томон кетди. У етиб бориши билан меҳмоннинг баланд овози янгради:

— Ўзи, Эшмат ака, пахтани ҳам, ҳамма нарсани ҳам Худо берса, бўлади... — Канизанинг онаси билан гаплашмай эшитиб турганини сезиб, ўзига монанд баланд-парвоз ва ақлли сўзлардан сўзлади у. — Мана бу йил водийда мева бўлмади. Баҳордаги совуқни кўрдингиз.

— Худди шундоқ, — деди сўпи.

— Пахтага келсак, бошида яхши эди. Ҳокимимиз хурсанд, ҳаммамизнинг кўнглимиз тўқ юргандик.

— Худди шундоқ.

— Ана, — тўхталиб олди олифта, — энди, шу роса бўлган ҳосилни капалак деган палакат қурт еди-қўйди. Бу бемазага дори таъсир қилмаса денг.

— Худди шундоқ.

— Мана энди минг уринг, пахта йўқ. Юқори план сўраяпти. Қани, уйда ўтириб кўринг-чи?

— Худди шундоқ.

— Ҳозир далада йилт этган пахта йўқ.

— Худди шундоқ.

— Агар бу катталар ўн беш кун кўсакка дам берса, яна очилади, мени айтди деяверинг.

— Худди шундоқ, — Сўпи томоқ кириб олди.

— Бермайди-да. Шуни ўзлари ҳам билишади. Одамлар ҳам бундоқ кузги ишларини бир ёқлик қилиб олади.

— Худди шундоқ. Мана бизнинг поялар ҳам ўрнида турибди, — зўрға қистирди Сўпи.

— Ҳозир олаётган кўсакнинг ичидаги вишиллаган пахта, тўғриси пахта эмас, сув холос.

— Худди шундоқ.

— Унда тола бор дейсизми?

— Худди шундоқ.

— Хўжайин — ест хўжайин-да, нима дейсиз?

— Худди шундоқ.

— Ая, ошни ейлик, энди, — олифта бирдан бу ёққа мурожаат қилди. Буни Каниза тушунди.

— Худди шундоқ, — деди яна Сўпи, мавзу ўзгарганини сездими, йўқми Худо билади, ҳар ҳолда Каниза шундай деб ўйлади.

Сўпи билан меҳмон пичирлашиб гаплашдилар, сўнг меҳмон:

— Канизахон келинг, биз билан бир пиёла чой ичинг! — деди.

"Ичинг ёнмай ўл-а!" зимдан бир нигоҳ ташлаб ўйлади Каниза.

Ошни суздилар. Сўпи қўярда-қўймай, Шерзодни олиб кирди. Шерзод улар билан ўтиргандан сўнг олифтанинг у билан гаплашганига қулоқ солиб турган Каниза онаси: "Ол, совийди" деганига қарамай, ташқарини аниқ эшитиш учун қулоқ тутди.

— Чиройли йигит экансиз, ўғлим, нима иш қиласиз? — сўради олифта.

— Опамнинг шофёриман.

— Яхши-яхши, опангиз шофёрнинг зўрини топибдида? Поччангиз ҳам зўр бўлса керак?

— Хўжайинимиз-ку, бошлиғимиз.

— Қанақа идора у?

— Фирма.

— Ҳа, шунақами? Замона ҳозир тадбиркорларга чакана йўл очиб бермаяпти...

Шерзод индамади. "Зўр бола экан, жавобни боплади" хурсанд бўлди Каниза, боши осмонларга етди.

Онаси билан ошни тез ейишди. Айниқса, Каниза шошилди. Дастурхон устида борики топган гапларини айтиб улгурди. Кийимларини кўрсатди. Кийиб намойиш этди. Жемпер устидан чарм плашини ҳам кийди. Ўктамби-Ўткирбининг оғзи очилиб, ишшайиб қолди. Шу туришда ҳозир Каниза анави олифтага бир ўзини кўрса-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тиб қўйгиси келарди. У чидамади, охири ташқари чиқиб, унинг ёнидан ўтаётиб, "Чойларингиз борми?" деб сўради. Товоқни қозон бошига ташлаб, дастурхонни атай узоқ қоқди. Саллона юриш қилиб хонага кириб кетди.

Онаси билан ичкарида ҳамма ишларини келишиб олди, гапнинг тўғрисини айтди.

— Ўшандан қолма, — деди онаси.

— Аҳмоқ борми? — деди боласи.

Ташқарида меҳмоннинг туришидан ҳеч дарак бўлмади. Кеч кириб борарди. Каниза кетишга чоғланди.

— Ая, — деди у, — болларни бир-икки ойдан кейин олиб кетаман. Уч-тўрт кундан кейин опкеволинг. Озиқ-овқатингиз бор. Худога шукур, дадам фермер. Уларникида ҳеч вақо йўқ.

— Хўп, — деди онаси, — шошилма, ҳеч бўлмаса бир шингил эшитиб кет, ке!

Каниза кўнмади. У ташқари юрганда, меҳмон ҳам қўзғолди. Машинага ўтириб кетаркан, орқасидан термулиб қолганини кўрди.

X

Эри кўзининг олдида биров билан ётади-ю, Нозима бирга яшаб тураверадими? Шу ақлга сиғадими? Тарихда бор, қайнотаси айтмоқчи, устига-устак зарурат юзасидан бўляпти бу иш. Худо таоло битта тирноққа қисмаганда бундай бўлмас эди. Бу ҳаммаси тўғри. Аммо бошқани билмайди-ю, Нозима бу ишни қилишга қодир эмас. Бошидан тегирмон тошини юргизмайдиларми, Каниза ўша ерда экан, бу эшикка сира ҳам бормайди.

Мана бугун ўнинчи кун. Аввалари дунёни Мансур акасисиз тасаввур эта олмасди. Шу ўн куннинг ичида ўлиб-тирилиб, рашк ўтида қоврилиб, Мансурдан у дунё-бу дунё хафа бўлиб, охири тақдирга тан берди. Ўзи яшаса ҳам бўлар экан. Ажрашаётганлар, нима ўлиб қоляптими? Ҳамма ҳам бир сабаб, бир оқибат орқали ажрашади. Мансур шунча юзсизликка борди, энди ажрашмасликнинг иложи йўқ. Яна, ўн кун ичида бирон марта хабар олиш у ёқда турсин, телефон қилмаган одам бугун келиб гапирган гапини кўр! У яшар эмиш ўша ерда, туғиб бергандан сўнг бир гап бўлармиш... Аввал ўзинг қилдинг, дея, Нозимага осилди. Тўғри, Нозима қилди, аммо ваъдалар қандоқ эди? Ана, нари борса, бир ҳафта дейилган эди-ку. Тамом, бу киши унинг

ноғорасига ўйнаб бўлибди. "У эрли хотин, мен боламни ҳалолу пок туғилишини истайман" эмиш. Унда умрбод яша, яшайвер ўша билан. Қишлоқи бозорчи хонимча юрагингдан ургани шундоққина кўриниб турибди. Энди сенга Нозима керакмас. У энди бузуқ арава. У ёш, янги, эридан ажратиб ол, гумдонинг чиқсин ўша билан.

Нозиманинг яна хуфтон кўнгли тўлиб-тошди, яна дийдасига куч берди. Алам, рашк ўти ичию эти, сўнгагини ёндириб, сўхтага айлантириб юбораётганди. Нотўғри қилган экан, асли ўша биринчи уч йилда гап-сўз кўпайиб, шу масала кўтарилганда этакни йиғиштириши лозим экан. Кўзни чирт юмиб, боши оққан томонга кетганда қутиларди, Мансур ҳам фарзандли, тахтли бўлиб кетар экан. Минг афсус! Ҳозиргидек ёши бир жойга етганда, ҳадемай қирқни уради, тўрт томони қибла, кўчада қолиб турса. Ўшанда ҳам Мансур қўймади-да, раҳматли қайнонаси Ҳимоят опа куйиб-куйиб, йиғлаб-йиғлаб Нозимани бағрига босиб, кўнган чоғда шу Мансур ўзи гапни чўрт кесди. "Менга Нозимадан бошқа ҳеч ким керак эмас" деди. Мана оқибат. Бошқаси керак бўлиб қолар экан-ку? Энди у эмас-бу эмас, тақдир деган, вақт-соат деган кечмиш ҳам бор-да, дунёда. Вақти соати келиб, Нозиманинг ўз қўли билан мундоқ тақдир яратилиб турибди. Энди кўниш-кўникиш керак. Тақдири азал шудир, балки.

Келди, кирди, юраги тапир-тупур, ўлиб қолмасамда, деб турган Нозиманинг ёнига келди. Икки оғиз гап гапирди: "Олиб кетаман, у ҳам, биз ҳам ўша уйимизда яшаймиз", тамом. Ҳа, "Мен боламнинг ҳаром-ҳариш туғилишини хоҳламайман, унинг эри бор". Эри бўлатуриб хотинини биров билан тўққиз-ўн ой яшашга қўяверармикин? Бу келишмаган бўлса шу гапни айтмас эди. Демак, у қанжиқ "буни йўлини қиламан" деган, бу пишиқ бўлмай ер юткур, писмиқ, шу гапни ҳал қилмагунча, бу ёққа келмаган. Энди, нима бўлса бўлгандир. Ҳозирги кунда ҳар қандай қишлоқи аёл бундай шароитга тушгандан кейин ҳамма нарсадан воз кечади. У эридан ажралади-қўяди. Айниқса, бунга ўхшаб, шаҳар кўрган эчкилар...

Ҳамма бўлгуликни Нозиманинг ўзи қилди. Нотўғри иш қилди у. Бундай ишни ҳеч бир аҳмоқ қилмайди. Бунга фақат Нозима қодир, холос. Юраги гупириб, кўнглига келган-келмаган ишни қилишга қанот қоқиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

туради. Шунақа хилидан. Қани нима бўларкин, қизиқ-а, деб ҳам қилаверади бу. Мана, ўйлаб-ўйламай босилган қадамнинг оқибати. Ана энди, оғзингдагини олдирдинг, шўрингга кулни ўзинг тортавер... Ким? Ҳеч ким айтган йўқ, шундай қил, деб. Ўзи қилди. Мансурни ҳам, Салимани ҳам ҳол-жонига қўймади-ку. Салиманикига ҳар соатда юз марта чиқиб, унга пахта қўйиб... Мансурни бозорга томоғидан боғлаб, унамаганига қўймай олиб борган, кўрсатган, авраган, кейин қўйнига солиб қўйган ким? Ўлиб кет, баттар бўл, ер ютиб кетсин сени. Энди, тақдирга тан бер! Мансурда нима айб, анови қўйнидаги қанжиқда нима айб? У бир қийналган қишлоқи эди, Мансур, умуман, ҳамма эркак ҳам ёшига, янгисига жону жаҳонини бераман, деб ўлиб туради, битта Мансур эмас. Хотинини алдамаган эркак борми, ўзи? Ўл, ўлганинг яхши. Бундоқ туғилмай ўл, энди торт касрини.

Тўғри, сенга мол-дунё керак эмас. Сенинг фикринг шунақа, бир қарич ерга кетасан. Ёлғизлик-чи, энди суянадиган одаминг йўқ, ёшинг манзилига бориб қоляпти, аёл киши қирқдан қилтиллаб ўтади, томоқларининг таги осилади, чизиқ тушади. Тиргагич керак бўлади, иссиқ-совуқ кунлар бор...

Биронта уй олиб берар, ахир?! Э-э, ўшаниси ҳам керак эмас. Бори буд-шудини берсин ўша қишлоқига, кўрмаганнинг кўргани қурсинга...

Ҳали кўради, бузоқнинг югургани сомонхонагача...

Хуллас, бормайди. Мансур жуда мажбур қилгани ҳам йўқ. "Борсанг бор" дегандек гап қилди. У ҳам нима қилсин? Қанжиқ осмондан тушган бу бахтга канадек ёпишиши турган гап. Бунинг калласини айлантириб бўлгани шундоққина Мансурдан кўриниб турибди. У жон куйдириб тушунтириб, ҳеч бўлмаганда алдаб-сулдаб, муросаи мадора қиладиган одам эмас. Нозима билади, ораларида билиб-билмай нимадир тўғрисида жанжал қўпган чоғда ҳам, ҳақ бўлатуриб ҳам "ичимдагини топ" қабилида индамай тураверади. Неча марта Нозима ҳақиқатни кейин билиб, кейин пушаймон қилган. Шунақа бу — ичимдан топ.

Қайнотаси, албатта, қўймайди, "Борасан ё менинг ўлигимдан ҳатлайсан", деб туриб олади. Нозима унинг олдига кетаётгани йўқ-ку. Нима деб бориб ўтиради? Ўша қишлоқи инкубассанинг қош-қовоғига қараш учун борадими? Агар у эрта-индин кетса-ку, бошқа гап. Бир йил

юраверса, у билан бирга туришнинг ўзи бўладими? Маҳалла-кўй, кўни-қўшни нима дейди? У ерда чакана обрў-эътиборли одамлар яшайдими? Янги бойларнинг маҳалласи бўлса. Қўшниларининг ичида ўзи қуруқ таёқ, эрининг бурнидан ип ўтказиб, бир томонини ёзга, бир томонини қишга ташлаб, кариллаб, бировга гап бермай юрган хонзодалар бор. Бировнинг устидан кулишга, ўлганнинг устига чиқиб тепишга ҳозиру нозирлар қанча? Уларнинг кўзига қараш бор. Орқа томондаги қўшнисининг наъраси етти чақиримни зирқиратади. Гапчи хотинлар ичига сиғмай, семириб кетмайдими? Асло бориши мумкин эмас. Гап шу, анави манжалақи кетади, Нозима боради. Йўқса, ўлдиришиб жасадини олиб боришади!

Ўзи ишлаган мактаб нима дейди энди? "Бойваччаман, деб кетдинг", дейишмайдими? Ўл дегани одам йўқ. Тоғалари-чи? Уларга барибир. Улар ундан кўра кўпроқ куёвларини суйишади. Келинаясига Худо берди энди.

Эй, Худойим, нима кунларга қолдим? Хўп, борсачи? Бориб, ановини қувиб солса-чи? Йўқ. Бу масала ҳал. Бунга Мансур очиқ айтди, йўл қўймайди. Ўтираверса-чи? Жуда эркак кишига зор қолган жойи йўқ. Кичикроқ бўлса ҳам бериги уйда ўзи билан ўзи, ўз ғамини еб ўтираверади. Нима бўлса ҳам Мансурнинг ёнида. Ановини ҳам йўлга солиб туриши мумкин. Қўни-қўшниларга тушунтиради. Нима бўпти, болани деб одамлар нималар қилмайди. Мансур уни қўйиб юборгани йўқ. Тирноққа зор эдилар, эрини ўзи уйлаб қўйибди, дейишади. Ҳозирги замонда икки хотинлилик кимни ажаблантирибди!

Телефон жиринглади. Гўшакни олгиси келмади. Бўлса-бўлмаса яна қайнотаси. Телефон тўхтовсиз жиринглайверди. Нозима индамай ўтираверди. Бечора, Нозимадан ортиқча куйса-куйяптики, кам куйгани йўқ. Одам ўз боласига шунчалик куймас. Умри узоқ бўлсин, шу одамни. Телефон ҳамон жиринглади. Ҳали телефон қилганда ҳаммасини айтди: "Мансур келди, деди. Кўнмадим, деди". Қайнотаси гапирмаган гап қолмади. Ҳозир яна шу гап бўлади. У гўшакни олмади.

Яхши, акаси келганда Зебо ҳам уйда бўлмади. Эри болалари билан эрталаб онасиникига олиб кетган эди. Эрта-индин келишади. Ёлғиз қолгани яхши бўлди. Аҳволини ҳеч ким кўрмайди.

Бош олиб чўлу саҳроларга кетгиси келди ҳозир Но-

www.ziyouz.com kutubxonasi

зима. Охири телефон тинди. "Хайрият" деди у. Унинг боши оғрир, ўтириб, ётиб аъзои бадани нохуш зирқирар, зирқираган сари, айниқса, кўнгли айниганда, шу кўнгил айниш насиб қилмаганига, ичи уруғ кўрмаганига, шунақа бўлиб туғилганига ўксир, умуман, дунёга келган кунига лаънат ўқирди. "Ҳаҳ, ит ҳам туғади-я, чўчқа ҳам туғади-я. Мен нега мундоқ туғилдим-а? Ўша онам ўзи билан олиб кета қолсаёқ бўлмасмиди-я? Ер ютиб кетса бўлмасмиди-я, бу кунларга қолгунча?"

Телефон яна жиринглади. Чақираверди. Нозима бошини ўраб ётиб олди, қулоқларига бармоқларини тиқди. Телефон тин олгач, дарвозанинг қўнғироғи келди. Нозима инқиллаб, бошига рўмол ташлаб, ташқари чиқди:

— Ким? — деди ва эшикни очди.

Мансурнинг келинаяси экан. Дарвозага яқин тўхтаган машина юриб кетди. Дилоромхон опа ичкари юрди. Кўришдилар.

— Мундоқ ишлар бўпти, ўн кундан бери шу ерда экансиз, наҳот бир марта қўнғироқ қилмасангиз? — ўпкалади у оғир-вазмин овози билан, — акангиз сессияга кетган. Умуман уйга келишга вақти йўқ. Бу ёғи пахта. Кеча дадам айтиб қолди. Келай десам, илгари куни кичик келин жижилаган...

— Қуллуқ бўлсин! — деди Нозима унинг плашини оларкан.

— Қуллуқ, қуллуқ.

— Эсон-омон...

— Шуни айтинг, ёнгинасида ётган келин биринчи туғиши экан, боласиям, ўзиям нобуд бўпти, — диванга ўтирар экан деди Дилором.

— Худо сақласин.

— Э-э, дунёнинг ишларига нима дейди бандаси. Ўзи сақласин.

— Наргизахон яхшими? Ўғилми, қизми?

— Қиз.

— Давлатбоши, умри билан, ризқи билан берган бўлсин.

— Нима бўлди бу? Мансуржоннинг бурни ишиб қолдими, пулини қўйгани жой топмай? Хотин устига хотин олиб, ҳе йўқ, бе йўқ? — Дилором опа борган сари авжига чиқди. — Мансур нима бўлган бўлса акаси туфайли бўлди. Буни унутмасин. Битта гап билан у ёқлиқ, ё бу ёқлик қилиб қўяди, айтиб қўяй. Сизни ҳайдаб, қайси таннозни олиб келиб олди? Дадам шунақа деса оғзим очилиб қолибди. Аталадан суяк чиқди деб, Мансур-а? Ҳовлиқиб қолибдилар-да, жир битиб.

Сиз-чи, сиз? Нима қилиб ўтирибсиз бу ерда? Битта кўчада қолганга уйни бўшатиб бериб, суягингиз сиртилиб бу ерда ўтирибсизми? Кетига тепиб, қувиб солмайсизми икковини ҳам? Ҳамма айб сизда. Сиздан хафа бўлдим. Қаёқда қолган бир мода тўшагига кириб олармиш-у, бу кишим кўзининг сувини оқизиб, лаппайиб ўтирармиш... Тавба қилдим...

У тўхтамас, Нозима нима дейишини билмас, чой қўяй деса, гапларни унга гапираётган эди. Дилором зум нафас ростлаган эди, Нозима:

— Ҳозир, чой қўяй, — деди.

— Чой керакмас, ўтиринг анови ерга. Ҳозир бирга бориб, тити-питисини чиқариб келаман, ўша қоронғида топишган ошиқ-маъшуқ итваччаларни... Тўхтанг, ҳали Дилоромни таёғини еган йўқ бу бола... Ҳассасига таянтириб қўймасам... Муни қаранглар-а? Дадам шунақа деса, тепа сочим тикка бўлди. Аввал сиздан бир сўраб олайчи, жуда эси паст қиз эмас эди бу, дедим. Шундай деб бу ёққа келганим. Туринг, кийининг, кўзингизни сийдигини йиғиштиринг. Ҳозир бўшашиб, қараб ўтирадиган замон эмас. Экиб кетади ҳали бу мочағар, индамай мум тишлаб ўтирсангиз...

— Опа, — деди Нозима ялингансимон, — опа, бир оғиз гапга қулоқ солинг. Раҳмат келганингиз учун. Шундоқ обрўли хотин ўзингиз келиб турибсиз. Мен кимман сизнинг олдингизда? Сизлардан бошқа кимим бор? Фақат, олдин менга яхшилаб қулоқ солинг, бориш бўлса, қочмас.

— Хў-ўп. Нима демоқчисиз? Менга тушунти-ри-иб, латта чайнаб ўтирмоқчимисиз, эрчангизни бериб қўйиб?

— Опа, сиз нима десангиз қиламан. Фақат илтимос, гапимни эшитинг аввал.

— Эшитгани вақтим йўқ. Мен профессор дадам эмасман, шляпани қийшиқ қўндириб, мел қўли билан галстук тортиб, лақиллаб ўтиргани... Дилоромман, эшитяпсизми, обком секретарини, ҳокимни қизи, шахримизда тўртта мендақаси бўлса, биттаси менман. Ким ўзи зумраша эриз? Хотин устига хотин оладиган?

— Опа, жон опа...

— Опаламанг, бўлинг, олинг шара-барангизни. Мени вақтим йўқ, эртак тинглаб ўтиргани...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нозиманинг кўнгли оза бошлади, сал бўлмаса ўтирган ерида ағдарилиб тушай деди. Ҳозир бу хотинни йўлга киргизишнинг ҳеч иложи йўқ эди. Уни совуқ тер босди. Хона гир айлана бошлади, мувозанатини йўқотди.

— Ҳой, мени қўрқитмасангиз-чи, нима қилди? — шошиб қолди Дилором опа. Уни суяб, ўтирган оромкурсисига ёнбошлатди, бошига ёстиқ қўйди. — Вой, шўрим қурсин...

У сумкасини ковлашга тушди, валидол олиб, югургилаб ошхонага чопди. "Қурибгина кетгур Мансур битлиқи" деди, пиёлага сув олди-да, валидол томизди, қайтиб келиб, деярли беҳуш ётган Нозиманинг бошини кўтарди, мажбур ичказди. Аммо сув унинг оғзидан тўкилар, ичиб ололмасди. Дилором қўрқиб кетди. Шошилинч телефон қидирди. Топди-да, "Тез ёрдам" чақирди. Кейин қайнотасига телефон қилди, аҳволни тушунтирди. Наби Мусаевич "Ҳозир етиб бораман", деди.

У келганда дўхтир Нозимага биринчи ёрдамни кўрсатган, Дилором билан гаплашиб ўтирар эди. Ҳамшира яна битта укол қилди. Шундан сўнг кетишга хозирлик кўрган дўхтир:

— Ўтиб кетади, чуқур руҳий чарчаш бор, асаблари дош беролмай, юракка куч келган, — деди, — ўзига келганда, доғ сувга асал қўшиб ичкизинглар. Тинчлик керак, ортиқча ҳаяжонланмасин.

Наби Мусаевич дўхтир билан ҳамширани кузатиб келди. Дилором Нозиманинг оёғини уқалаб ўтирар эди.

— Нариги хонага чиқайлик, тинчлик керак, — дўхтирнинг гапини такрорлади Наби Мусаевич.

Қайнота-келин у хонага ўтдилар, анчагача сўз қотмай ўтиришди. Охири Наби Мусаевич:

— Зокир қачон келади? — деб сўради.

— Эрта ё индин келиб қолар, — жавоб қилди Дилором. — Келгани билан ишини биласиз-ку.

— Ҳокимликка жуда ёпишди-да, шу бола, — деди Наби Мусаевич, — декан бўл деса унамабман-а.

— Пахта буларнинг ҳаммасини бошини оғритяпти. Райони ҳали етмишга ҳам боргани йўқ.

— Тўлмайди, у ҳам, вилоят ҳам. Булар пахтани қаёқдан билсин? Пахтани билган одам бунақа иш тутмайди. Бизнинг ерлар баҳорикор. Унга кузданоқ ишлов бериш керак. Шудгорлаш энг асосий нарса. Ота-боболаримиз ерга ўғит сол, деган. Ерлар кучсиз. Анави қизил тузум даврида дори солавериб, ерни куйдириб юборишган. Бу бабақлар қаердан билсин буни?

Қайнотасининг нутқига, айниқса, "бабақ"ни эшитиб, "бақбақа"га ўхшаш бу тушунарсиз сўздан Дилором кулди: "Ажойиб одам-да, бу Наби Мусаевич, ўзи деҳқончиликни қаёқдан биларкин? Ҳеч нарсани билмайсан, деб юриб бечора қайнонасини ҳам ўлдириб юборди".

— Дада, чой қўяймми?

— Ичмайман.

Нариги хонада Нозима қимирлади. Дилором ўша ёққа ўтди. Бироз вақт ўтгач, қайтиб чиқди.

— Ухлаяпти, — деди ва жойига ўтирди, — хозир, — деди-ю, яна туриб чиқиб кетди.

У уйига телефон қилди, катта келинини чақириб:

— Дўхтирга ўзларинг боринглар, мен бора олмайман, — деди ва қайтиб келди.

— Невара тузукми? — сўради Наби Мусаевич.

— Яхши, — деди Дилором, — улар-ку яхши, буни қаранг энди. Мияси айниб қолганми, бу Мансурнинг?

Наби Мусаевич елка қисди.

— Қаёқдан билай? Буларни тушуниб бўлмайди. Ўзи бу айбдор. Қилар ишни қилиб, мана энди, бу аҳвол.

— Бу қаёқдан қилади? Укам ўзи ўладиган писмиқ, ичидан пишган. Ундан ҳар балони кутса бўлади.

— Йўқ, хотин киши деган ўзи гўл, шошқалоқ бўлади. Бу ҳам ўшаларнинг биттаси, — иягини силади Наби Мусаевич. — Эрталаб телевизор кўрдингизми?

Дилором қайнотасига қаради, "эримни кўрсатдими" деб ўйлади.

— Қаранг, — деди қайнотаси, — эри ўн йилга қамалган бир ёш аёл квартирасини бир қизга ижарага бериб, ота-онасиникига кўчиб ўтибди. Ҳалиги қиз яна иккита аёл-қиз билан тил бириктириб, "пул қилиб берамиз, ижара ҳақини олдиндан тўлаймиз, чет элга бориб ишлаб келинг, катта пул топасиз, вақт ҳам тез ўтади" дейишиб, сотув ҳуқуқи билан нотариус орқали ишончнома қилдиришиб, квартирани ўзлариники қилиб олишибди, сотишибди. Шуни суддаги жанжалини кўрсатди. Ана кўрдингизми, бу аёлларни қилмишини? Бўлмаса, лақиллаб, шунақа ишончнома қилиб берадими, гўл бўлмаса, фаросати етса? Нозима ҳам шуни биттаси-да. Узоққа бориб нима қиласиз...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тушуниб бўлмайдиган замон бўляпти ўзи...

— Замон эмас, одамлар шундай бўлиб кетяпти. Кимни сўрасангиз, замон-замон дейди. Каналга овсинини боласини алдаб олиб бориб, итариб юборган ҳам замонми? Замонда нима айб, одамлар ўзи ёмон. Анови студент бола бир оғиз гапга ўзини осиб ўтирибди. Яна замон-замон бу одамларга... Замон деса бўлди.

Наби Мусаевич Дилоромни бу ишга аралаштиргиси йўқ эди. Қараса Мансур билан гаплашгандан кейин, масала чигал. У ҳам ўз йўлига ҳақ. Тек қўйса, оила бошига бирор кулфат тушиб, ишларининг пачаваси чиқишини ҳисобга олиб, Наби Мусаевич ўзининг муносабатини кучайтиришга, Дилоромни, Зокирни аралаштириб, бу иш газаклаб кетишининг олдини олишга қарор қилди. Тўғри, Дилором каттазанг, оғзи катта, уни назорат қилмаса, билиб-билмай қош қўяман деб, кўз чиқариб қўйиши турган гап. Аммо, нариги "душман" аёл бўлгани учун қариган чоғда қаёқдаги қишлоқи билан ади-бади айтишишни ўзига эп билмади. Шу боис ҳозир Дилоромга қандай муносабатда туришни яхшилаб тушунтириб қўйиш фурсати етилганини ҳис қилди ва шу заҳоти масалага ўтди. Дилоромга ҳамма бўлиб ўтган ишларни ипидан-игнасигача обдон уқтирди, гапни бўлмаслигини, муаммони чуқур англаб, сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган йўл тутиш лозимлигини келишиб олди.

— Дилором, қизим, — деди у гапининг сўнгида, — битта нарсага жуда эҳтиёт бўлиш керак. Ҳар қандай ҳолатда бу иккисининг ўрнига ўзимизни қўйиб кўриб иш тутишимиз лозим. Нозима... Хўп, кўнсин, у ерга борсин, дейлик...

— Ие, нега бормас экан?

— Ана айтдим-ку, бундай тез ҳукм чиқариб бўлмайди, — пешонасини тириштириб, жаҳли чиққандай бўлди профессорнинг. — Бориши мумкин. Гап шу ҳақда кетяпти. Аммо, борган билан икки кундош...

— Дада, бош қотириб нима қиласиз? Нариги бир минут турмайди у ерда.

— Сиз ҳали Мансурнинг фикри билан ҳисоблашмаяпсиз.

— Ҳисоблашмайман ҳам.

— Бу нотўғри, қизим.

— Сиз унақа деб турсангиз...

— Мансур ҳам сўзидан қайтадиган бўлса экан...

— Аллақачон ҳамма ёқни ўзи ҳал қилиб қўйибдими?

— Эҳ, аёллар, аёллар, мен сизга жон куйдириб нималарни тушунтириб ётдим-у?

— Ў-ў! Ўйлайверсангиз, "микин-микин" деяверсангиз, иш битиб қоладими?

Наби Мусаевич "ҳа"сиз узоқ бош ликиллатди ва охири:

— Қўйинг, бу осонликча, сиз айтгандай ҳал бўлмайди, — деди. — Бунинг бир йўлини топиш керак. Сиз аёлларга ҳамма нарса осон, битта жанжал билан ҳар қандай ишни ҳал қилиб қўя қоласизлар...

— Дада, сизга нима? Нима қиласиз, ҳал бўладиган ишга бош қотириб? Ҳали акаси келсин, ўзи ҳал қилади.

"Эсиз, гапирган гапларим" ўйлади Наби Мусаевич. Кейинги ўйлаб қўйган режасини айтмай қўя қолди.

Дилором Нозимадан хабар олди. У кўзини очиб ётарди.

— Ҳай, хайрият-ей, ўзингизга келдингизми? Битта кундошга шунчаликми? Бизга тўзим берсин, кўчада юзта кундош... — ҳазиллашди у.

"Ўзингизни тутинг энди", деб Нозимага анча маслаҳатлар берди, қайнотасининг олдига чиқди-да:

— Шунақа кунда Зебохон ҳам ойилчилаб кетганини? — деди ва уйига телефон қилгани чиқди, қайтиб кириб: — ҳозир Нодир синглисини олиб, бирга келишади. Муҳаббат қараб ётмаса бўлмайди, энди, — деди.

"Мансур келса керак" деб ўйлади Наби Мусаевич ва кетишга чоғланди.

— Дада, ҳозир машина келади, — деди Дилором.

— Йўқ, пиёда кетаман, — жавоб қилди Наби Мусаевич, — Нозима тузукми ахир?

— Ҳа.

Наби Мусаевич кийиниб, беретини бошига қўндириб чиқиб кетди.

Дилором Муҳаббатни қолдириб, ўғли билан кетди.

Мансур келмади.

XI

Мансур Нозиманинг олдига ўзини мажбурлаб, бир марта борди, холос. Синглиси қайнонасиникига кетган, Нозима ёлғиз экан. Жуда ноқулай учрашув бўлди. Нозима бир оғиз ҳам гап гапирмади, юзига қарамади ҳам. Ўтириб-ўтириб ортига қайтишга мажбур бўлди. Йўл-

www.ziyouz.com kutubxonasi

йўлакай роса ўйланди. Нозиманинг ўрнида ҳар қандай хотин ҳам шундай қиларди. Охирги гапи: "Бугун олиб кетаман", деди. Аслида у бундай фикрдан йироқ эди, чунки Каниза билан бу ҳақда гаплашганига қарамай, у домга бориш тўғрисида ўйланаётгани учун бу гап ҳал бўлгани йўқ. Қолаверса, кўчиш унга осонликча сингмаслиги ҳам аниқ, ҳали у билан роса келишиб олмай туриб, бу ишни қила олмайди. Шу боис ҳам "олиб кетаман" дейишга деб қўйиб, қаттиқ ўйланиб қолди. Олиб кетиш ҳеч гап эмас, аммо ўртада муаммо пайдо бўлиши, кейин Мансур нима қилишини билмай, ўртада иш бузилиши мумкин. Бу ишни пухта ўйламаса, бўлмайди. Ҳозир Нозима муаммоси турмаганда, қанчалик бахтиёр бўлган бўларди. Одамнинг истаги бошқа-ю, шарт-шароит бошқа бўлар экан-да.

Ҳар нечук боргани яхши бўлди, барибир шу ишни қилиши керак эди. У елкасини тоғдек эзаётганди. Майли гапирмаса, гапирмасин, шундоқ бўлишини Мансур биларди, албатта. У вазифасини адо этди. Бормади эмас, бориб қўйди. Ҳар ҳолда дадаси борганини билади, қулоғи бироз тинч туради. Нозима масаласини бу чол энг асосий вазифасига айлантириб олди. Мансур нима бўлса бўлаверсин, уларга Нозима керак.

Ҳали Зокир сассиқ ҳам осмондан келади. Калондимоғ, каттазанг Зокирни одам қилиб қўйдим, деб юрган келинаяси шаҳарни бошига кўтариб шанғи солади, ҳали. Бу ҳам эҳтимолдан холи эмас. Мансурга қилган бўлса, акаси яхшилик қилган, аяси дамини олсин. Улардан қарз жойи йўқ.

Мансур бугун Нозимани олиб кетмайди, тўғриси Каниза билан келишмай туриб олиб кета олмайди. Ишқилиб, Каниза қандоқ бориб келаркин? Бемаза эри жўнатмай қўйса-я? Каниза уни бир кўришдаёқ севиб қолди. Акс ҳолда ўн кун қолиб кетмас эди. У келади, Мансурнинг кўнгли ишониб турибди. У энди Мансурсиз чидамайди. Уйда бунақанги шароит, Мансур. Каниза буларни қаёқдан топади. Юз мингни кўриб, кўзлари ёниб кетди. Сейфдаги пачка-пачка йирик кўкларни кўрса нима бўларкин? Ўша куни пул олаётганда бир кўрсатиб қўйса бўлар экан. Майли, бугун кўрсатади.

Шу ўйлар билан ишхонага отланди. Бу ерда ҳам муаммо устига муаммо чиқарди. Бугун текширув ҳал бўлади. Текширув ҳеч нарса эмас. Мансур тайёр. Шу,

Аҳад Валиевич, "Масложир" бошга битган бало бўлди. Нари борса, ўша эллик миллионни уйдаги пулдан бериб юбораверади. Нақд пулни бериб юборишга кўзи қиймай турибди, холос.

Тушга яқин ишхонасига келди. Меҳмон машинани кўрди-ю, пул келганини билди. Уни яхши янгиликлар кутиб турган экан. Дебиторларнинг иккитасидан пул тушибди, анави Аҳад ўрисга етади. Кечаги куни эшитадиганини эшитган бош ҳисобчи "Топшириқнома"ни тайёрлаб турган экан, имзо чекиб берди. Вагонга келган харидорларнинг пулини олди. Энди вагон тезроқ келсаёқ бас. У ёқнинг "доля"сини ҳам юбориш керак. Ё шунга қарашиб турибдими? У пулни ажратди. Ўринбосарини чақириб, бугуноқ жўнашини тайинлади.

Дилтанг кеч тушиб келар, ҳамон Шерзоддан дарак йўқ. Тинчликмикин ишқилиб? Бурнини тортиб ўзи келиб турмасайди? Орада дадаси телефон қилди. У нима деса, хўп деди. Профессор билан олишиб ўтиришнинг фойдаси йўқ. У ҳар қандай одам билан имтиҳон топшираётган талабадай муомала қилади. Мансур кўникиб кетган.

Бугун Чакани олиб кетиш керак. Мана бу пул ҳам келиб қолди, уйда пул кўпайиб кетди. Итни албатта олиб кетади. Кези келганда ўзи одамдан ҳайвон яхши. Муаммоси ҳам йўқ, хоҳлаган жойингда туради, айтганингни қилади. "Нозима...Нозима...Наҳот менинг бахтимга тўғаноқ бўлсанг?.. Бундай эмас эдинг-ку?"

Охири Шерзод келди. Ҳаммаси жойида экан. Каниза уйда, қандай яхши! Бир умрга севса арзийдиган хотин. Шерзод билан гаплашиб ўтирмади. Сабри чидамаса ҳам сўраб-суриштиришни ўзига эп билмади. Фақат юраги ҳовлиқиб, тезроқ уйга боргиси келди. "Барибир итни олиб келиш керак". Машинани ўша томонга учирди. Володяникидан итни олди. Уйига шошилди. Уйга етиб келиши билан, дарвозани очар экан, машина ичида жимгина келган ит бирдан вовуллай бошлади. Уни машинадан туширмай олиб кирди, катагига киритди, у тинмай акиллаб вовуллайверди. "Молчат!" деган сари ит авжига чиқарди. Мансур уй томон қаради, олам чароғон, чироқлар ёниб турибди, унинг дили равшан тортди. Уйга кириб, ўзига кулиб боқиб турган Канизани бағрига босди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Канизада ҳеч ўзгариш сезилмас, ҳаво алмаштириб келганигами, ё болаларини кўриб кўнгли тинчиганигами ранги софланиб, янада кўркамлашганга ўхшарди. Мансур уни анчагача бағридан қўйиб юбормади. Охири диванга ўтиришгач, қўлларидан тутиб:

— Уйлар тинч эканми? — сўради.

— Тинчлик.

— Болалар-чи?

— Яхши.

— Ота-оналарингиз?

— Ҳаммаси салом айтишди.

— Ҳал қилдингизми?

— Ҳа.

— Жанжал қилмадими?

— Йўқ.

— Қанча турадиган бўлдингиз?

— Истаганимизча.

Айниқса, Каниза охирги гапига Мансурни ҳам қўшиб, "миз" деганига у жуда мамнун бўлди, уни яна бағрига босди. Ит ҳамон безовталанар, аккиллашдан тинмасди.

— Итни олиб келдингизми?

— Сизга қоровул.

— Қоровул биттами, ахир? — нозланди у.

— Битта, — Мансур қўзғолди. — Мен ечиниб олай. Тансиқ таом буюриб қўйганман, ҳозир келади. Мен ҳозир.

— Овқат қилмайми? — атай сўради Каниза гўштларни олиб кетганини эслаб.

— Йўқ, — Мансур негадир ташқари чиқиб кетди.

Каниза деразадан қаради, у итга алламбалолар дедида, очиқ турган гаражга юрди. У ердан пакет халта кўтариб чиқди, гараж эшигини беркитди. "Гўштмикин?" ўйлади Каниза. Мансур коридордан чақирди.

— Каниза, мана бу халтани олиб қўйинг.

Каниза коридорда эшик олдида турган тўла халтани кўрди, бориб кўтарди, у оғир эди. Мансур ваннахонада, сув шатирлаб оқарди. Халтани Каниза ушлаб кўрди, пул пачкаларига ўхшарди, тўғри ётоқхонага олиб кирди. Очиб қаради — пул экан. "Шунча ҳам пул бўладими? — ўйлади у. — Мансур акам хўп топаркан-да, топмаса, бундай уйлар қаердан бўлади?" У ҳозир шу пулнинг, шу уйнинг, шу кошонанинг эгасидек сезди ўзини.

Мансур бет-қўлини артиб, энди халатини кийиб чиққан ҳам эдики, дарвозанинг қўнғироғи чалинди.

— Каниза, юринг ошхонада овқатланамиз, — деди у ва ташқарига юрди, дарвоза томон бораркан, ҳамон тиним билмаётган итни сўкиб берди.

Каниза ташқари чиққач, ит авжига минди, ўзини катак панжарасига уриб дод-вой қила бошлади.

Тансиқ таом — ичига қийма тиқиб пиширилган бедана экан. Мансур товоқ устини очиб дастурхонга қўяркан, ҳовури кўтарилиб турган беданаларга қараб Каниза лабини бурди.

— Мен бунақа овқатларга... — деди у.

— Ие, янги келин-куёвларнинг давоси шу-ку, — кулди Мансур.

— Мен еб кўрмаганман.

— Еб кўрасиз, мазза қиласиз, деб буюрдим-да, олинг.

Улар овқатланиб чой ичдилар. Канизанинг тансиқ таомни суйиб емаганини билган Мансур:

— Ёқмадими? — деди.

— Ёқди. Мен ош, шўрвани яхши кўраман...

— Ҳозир ош қиламиз, — деди Мансур.

— Эртага қилайлик.

— Тўғри, эртага пайшанба, — кулди Мансур.

— Ҳалиги халтадаги нима? — атай сўради Каниза.

— Пул.

— Ўзимизгами?

— Кимга бўлмаса?

— Шунча пул-а?

— Қанча эди, шунча бўлиб, ўн миллион пул. Бирор жойга жойлаб қўйинг.

— Менинг пулим қолмади, — яна атай сўз ташлади Каниза.

— Э-э, ўша пул қоладими? Нима пул у? Ана шу халтадаги пул ҳам сизга-да.

Каниза ғалати бўлиб кетди, аммо ишонмади.

Тун жуда мароқли ўтди. Эртаси эрталаб энди чойга ўтиришган ҳам эдики, дарвозанинг қўнғироғи эшитилди. Кечаси билан тиним билмаган безовта ит яна ҳура бошлади. Тўнини елкага ташлаб чиқиб кетган Мансур анчадан кейин шошилиб кирди-да, нимадир олиб чиқиб кетди, яна қайтиб келиб, чой ичишга тутинди.

— Ҳа? — деди Каниза.

— Бир-иккитаси...

— Нима дейди? Тинчликми?

— Ҳар кунги гап-да. Ҳар хил иш билан, — тушун-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тирди Мансур, — фуқаролар йиғини ободончилик масаласида, нариги қўшни "Еру кўкда йўқсиз, нима бўлди?" дейди. "Кечқурун гапга чиқинг" дейди. Маҳалланинг бошида бир камбағал қиз чиқаряпти экан, пул бердим. Шунақа гаплар...

— Сўраса бераверасизми? Ўзимиз-чи?

Мансур кулди.

— Қанча сўрарди, маҳалла-кўйчилик-да.

Мансур ишга жўнади.

— Тез қайтинг, — деди Каниза, дарвозани беркитар экан.

Ит тиним билмасди. Эрталаб Мансур унинг егуликларини берди, барибир тинмай акилларди. Каниза "Ўла!" деганча ичкари юрди. Ичкарига кириб ётоқхонада кеча оқшомдан бери турган пулли халтадан хабар олди. У жойида турарди. "Шу ростдан ҳам менгамикин?" ўйлади у ва халтани кўздан яшириб қўйди. — Мансур акам мендан ҳеч нарсани аямайди, ҳали туғиб берай...".

Соат ўн бирларда бир машина келиб, оламжаҳон егуликлар, мева-чевалар, турли хил сувлар, шарбатлар, гўшт-ёғ ташлаб кетди.

Орадан тўрт кун ўтди. Мансур эндигина тушлик қилиб, келиб ўтирган эди, телефон жиринглаб, акаси чақирди. Юраги бир "шув" этди, бироқ ўзини тез тутиб олди. У бир соатдан кейин шаҳар стадиони ёнидаги кафе олдида учрашишлари кераклигини айтди. Мансур оғир-вазмин тайёргарлик кўрди, орада аччиқ гаплар бўлишини ўйлаб, бир хўрсиниб олди. Нима дерди, шу гап, яна Нозима, яна ақл ўргатиш, яна дағдаға... Ҳамма хўжайин. Битта сен гўлсан. Ҳамма ақлли, битта сен аҳмоқсан, ҳамма яхши, битта сен ёмонсан...

Мансур айтилган жойга борганда акаси кутиб турган экан.

— Кирайлик, — деди акаси.

— Нимага кафега, яхшироқ жой бор, — деди Мансур.

— Иш зарур.

Кафеда деярли одам йўқ эди. Ака-ука четроққа ўтирдилар. Хизматчи қиз келди.

— Шафтоли шарбати олиб келинг, — деди тез Зокир, сўнг: — Мансур, — деди у гапида давом этиб, — хўжайинни кўрдим. Гаплашдим. Ўн иккита жой ким ошдига қўйилган, эшитгандирсан?

— Хўш? — деди Мансур.

— Учтасини оласан. Нархини тўғрилаб беришади.

— Хўп.

— Ҳали олдингга шу масалада одам боради.

— Хўп.

— Энди, ҳалиги пулга одам жўнатаман. Мамат аканг келади, биласан-а?

— Ҳа.

— Ўшандан бериб юборасан.

— Хўп.

— Эшитдингми, Нозима касалхонада экан? — Зокир бир дам киприк қоқмай қараб турди.

— Йў-ў-қ.

— Дадамга учраб тур. Уни биласан-а?

— Ҳа.

— Эҳтиёт бўлиб иш тут. Ўшани уйга олиб келмай, битта квартира обера қолсанг бўларди-ю...

— Кейин гаплашамиз.

Улар қуйилган шафтоли шарбатидан хўплашди. Ҳар ким ўз машинаси томон кетди. Мансур идорасида ўйлаган гапларига пушаймон бўлди. "Акам акам-да, делавой одам. Бекорга районга ҳоким бўладими? Майда гаплар билан унинг нима иши бор? Мен ўзим майдакаш бўлиб кетибман. Касалхонада бўлса нима қипти? Оғригандир. Эрта-перта бориб қўяман. Нега менга на Зебо, на дадам индамади? Бу, дадам биронта фитна тайёрлаяптимикин? "Мен нега балога гирифтор бўлаверараман? Нима бўляпти ўзи?" Сиқилиб кетганидан илкис мияси қалқигандек бўлди. Ҳеч қанча юрмасдан, дафъатан қаёқдан келди бу нидо, ичидан отилиб чиқди, бўғзига тиқилди. Олис-олисдан у шундай сўз эшитди: "Эх, номард Мансур, Нозима етимча сенга ким эди, сенга у нима қилди?" Бечоранинг етимлиги, онасини кўрмай ўсган муштипар Нозима ўзи айтиб берган болалиги, тортган азоб-уқубатлари, йиғлаб турган қизалоқ кўзига кўриниб кетди. Каниза, кеча бино бўлган Каниза узоқлардан миттигина заррадек аҳамиятсиз нуқтага айланди. "Ўзи нималар қиляпти Мансур? Каллангни шунчалар ҳам йўқотасанми, Мансур?".

У машинани шартта бурди, Зебоникига учди. Гўё шу дақиқада Нозиманинг ёнида бўлмаса, у ўладигандай, Мансур уни қайта кўрмайдигандай туюлди. Эшикни очган Зебо акасининг ҳолатидан қўрқиб кеди. "Бетига хам қарамайман" деган сўзидан шу заҳоти қайтди.

— Қаерда? — зўрға сўрай олди Мансур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зебонинг гапини тўлиқ эшитиб-эшитмай, машинага чопди ва ўқдай учди. Шаҳар шифохонасининг "Неврология" бўлимига отилиб чиққанда, эшик тагидаги ҳамширанинг нақ ўтакаси ёрилай деди. Хонага ҳовлиқиб кирди. Эшик томон қараб турган Нозима уни кўриб тескари қараб олди.

"Майли, — деди Мансур, — унинг очиқ кўзларини кўрдим-ку". У каловланиб атрофга қаради. Хонада ётган бошқа учта хотин унга ҳайрон бўлиб, тикилиб қолган эди. Орқасидан кўзлари ола-кула, ранги ўчган ҳамшира кирди.

— Э-э, қанақа одамсиз? Юрак-пурагимни туширдингиз-а, — деди у ва бурилиб чиқиб кетди.

Мансур нима қилишини билмасди. Хотинлардан бири ўзига келиб, унга стул қўйиб берди. Стулга чўккан Мансур шумшайиб қолди. Аёллар Нозиманинг кўзидан юмалаётган ёшни кўриб, аста-секин чиқиб кетдилар. Деворлаги паст қўйилган радиодан келаётган қўшиқнинг сўнгги мисралари янграётган эди:

Ғурур тилиб юборди бахтнинг юзини,
Рашк аямай отди нишли сўзини.
Икки тош сингари қолди икки тан,
Бошқа ёр йўлига тикиб кўзини...

Мансур жим. Нозима қимир этмайди. Бошқа ҳеч ким йўқ. Қанча фурсат кечди, Худо билади, шунда Нозима тилга кирди:

— Ишлариз яхшими, Мансур ака? Соғмисиз?

Мансур бўғзига нимадир тиқилгандай, ҳеч нима деёлмади. Хонадан отилиб чиқиб кетди, одам йўқ томонга юрди. Хотинлар аста хонага қайтдилар.

— Хўжайинингизми? — сўради бири.

— Ҳа, — дея бошини ўраб олди Нозима.

Мансур бурчакда туриб-туриб, ўзини босиб олгач, палата эшиги олдига келди, яна киришни эп билмади, бир-икки соатдан кейин келишга аҳд қилди. У пиллапоядан тушиб келаркан, биринчи қаватга етганда ойнабанд эшикдан эҳтиёт бўлиб кириб келаётган, қўлида тугунча, кўзойнакли дадасини кўрди. Дарров ўзини четга олди. Кексайиб қолган бечора чол атрофга мўлтираб қараб-қараб, пиллапоя тўсиқларини ушлаб, тепага кўтарилди. Мансур шифохонани тарк этаркан, чуқур хўрсиниқ туйди. Ҳозир қаёққа бошини уришни билмасди. Машинага ўтириб, калитни ушлаганча анча ўтирди. Сўнг жўнаб кетди, яна Зебоникига борди.

— Қачон оғриди? — деди у хомуш, кўзларини синглисидан олиб қочиб.

— Мен йўқ эдим.

— Уйда ёлғиз эдими?

— Йўқ, Муҳаббат бирга экан.

— Нима қилиб бундай бўпти?

— Катта келинаямнинг айтишига қараганда, дадам билан у киши бизникига келишганида, мазаси қочган экан, келинаям скорий чақирибди. Дўхтир келиб, укол қилибди, давлениясини ўлчабди. "Оғир руҳий чарчоқ бор" дебди. Сал ўзига келгандан кейин Муҳаббатни қолдириб кетишибди. Ярим кечада Муҳаббат дод деб, аясига телефон қилибди, шу. Бордингизми?

— Ҳа, дўхтирлар нима дейишяпти? — сўради Мансур.

— Гаплашмадингизми?

— Йўқ.

— Кўрдингизми?

— Йўқ.

— Вой ака-ей...

— Сен нега менга айтмадинг?

— Дадам айтмагин, девдилар... — чайналди Зебо.

Мансур чуқур "уф" тортди. Ўрнидан туриб чиқиб кетди.

— Ака, қаёққа? — сўради ортидан чиққан Зебо.

Мансур унга бир дақиқа қараб турди, сўнг машинага ўтирди. Кечгача нима қиларини билмай тентиради. Соат тўртларда шифохонага келиб, ҳакимнинг хонасига кирди.

— Нозимахон масаласида... — деди ҳаким билан саломлашиб.

— Кими бўласиз?

— Турмуш ўртоғи.

— Командировкада эдингизми?

— Ҳа.

— Уч кун бўлди реанимацияга тушганига. Бугун палатага ўтди. Таблеткаларни ичиб юборган. Бундай ҳолат аёл кишида экстремал ҳолатларда бўлади. Юрагида тахикардия аломатлари бор. Сариқ бўлмаганми?

— Йўқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Буйрак, жигар безовта қилмаганми?
— Йўқ, соппа-соғ эди.
— Болалар нечта?
— Йўқ, — ерга қараб жавоб берди Мансур.
— Ҳозир яхши, кириб кўрдингизми?
— Ҳа.
— Барибир, обдон текшириб кўрамиз.
— Албатта.
— Бир отахон эртаю кеч шу ерда, ким у? Дориларни ҳам ўша топиб келди.
— Дадам.
— Сизнинг дадангизми?
— Ҳа.
— Яхши одам экан, бечора. Биринчи куни кечаси коридорда ўтириб чиқди. Кечаси навбатчи эдим. Майли, навбатчи дўхтир шу ерда. Мен қайтмоқчиман.
— Раҳмат, дўхтир, — ўрнидан турди Мансур. — Мана шуни атаб қўйган эдим...
— Йўқ, шошилманг, қочиб кетаётганимиз йўқ, аввал тузалсин, — кўнмади ҳаким.

Мансур қўлидаги ўроғлик нарсани столга қўйиб, тез чиқиб кетди. Палата эшиги олдига келиб, ичкарига мўралади. Аёллар гаплашиб ётишар эди. Бегона одам йўқ. У ичкари юрди. Учала хотин Нозимани имлашди, Нозима сал сурилиб ёнидан жой бўшатди. Мансур каравотга кетини қўйди. Нариги беморлар гўё булар билан мутлақо иши йўқдек тек шипга тикилиб ётишар, Мансурнинг назарида нафас олмай, уларни кузатаётганга, ҳозир Нозима нима қилади-ю, Мансурда қандай ҳолат бўлади, худди шуни кутиб туришганга ўхшарди. Шу кўйи қанча ўтди, билмади. Бир пайт Нозима оҳиста унинг қўлини ушлади, масъум кўзлари ила боқди, унинг нигоҳи Мансурга "нима бўлса бўлди, ўтган ишга саловат, биз биргамиз-ку, энди диққат бўлаверманг" деган маънони уқтираётганди. Мансур Нозиманинг ёнида қанча хоҳласа шунча қолиши мумкин эди. Энг ёмони, асосий масала ҳал бўлмаган, унга нима дейишни, нима ваъда беришни билмасди. На олиб кетаман дейишга, на бошқа фикр билдиришга ожиз эди. Мансур учун куйиб-ёниб юрган Нозиманинг шу даражага тушиб, қийналиб, азобланиб, ўзини ўлдиришгача бориб етиши оддий, шунчаки гап эмас. Бу ўз-ўзидан оилада зуҳур бўлган муаммони тез ҳал этиш,

ҳамма нарсани ўрни-ўрнига қўйишни талаб этаётганди. Шу боис ҳам у Нозиманинг ёнида узоқ қололмасди. Нозима ундан сўраётгани ҳам, бирон нарса деяётгани ҳам йўқ, аммо вазият Мансур истаса-истамаса шуни талаб этаётганди.

У Нозима билан нигоҳда хайрлашди. "Мени кечир... эртага гаплашамиз", дея ғўлдирай олди холос. Қўлини илиқ қисиб қўйди. Бу билан уни хавотир олмасликка чорлади, демак, бугуноқ масалани ҳал этишга киришиши жоиз, акс ҳолда эртага бу ерга келиши бор, келгандан кейин индамай кетиб бўлмайди.

Уй томон турли хаёллар қамровида кетиб бораркан, машина ойнасига урилаётган қор учқунлари, ойна остида тўпланаётган қор, рутубатли қиш оқшомининг қора пардасига бурканган шаҳар гўё ўз файзини йўқотгандек, дилни эзувчи мотамсаро қора либос кийгандек туюлар, илгари ёритилган кўчаларда ҳам чироқ йўқлигига Мансур илк бор эътибор бериб, ҳайрон бўларди. Юрагининг бир парчаси шифохонада қолди. У анча-мунча хотин эмас, курсдоши, дугонаси, ёшлик хотираси, дўсти, умр йўлдоши, хуллас, борлиғи... У шунчаки қўлдаги узук эмаски, шартта олиб ташласа. Ҳатто итини йўқотиб одам қанчалик қийналади. Нозиманинг касалхонага тушиши, бугун бу ҳақда акасидан хабар топиши, бўлиб ўтган ҳамма воқеалар Мансурни ўзлигига қайтишга, анови уйдагига жуда берилиб кетмасликка ундади. Уйга етиб келди, машинани гаражга қўйиб, ичкарига шошилмай кирди.

XII

Кечаси билан қор ёғиб чиқди. Ҳамма ёқ қалин қор, ҳаво совуқлиги учун Салима бугун бозорга бормади. Яхшиси, ён қўшниси, жон қўшниси Нозимани кўриб келади. Кеча телефон қилиб, юз берган ишлардан хабар топди. Зебо бор гапни айтди. Бугун бориб бир эгачисидан хабар олмаса бўлмайди. Бечора бекордан-бекор касалхонага тушгани йўқ, бунда маълум миқдорда Салиманинг ҳам қўли бор, албатта. Бироқ, у ўзини холис қилиб олган, бунақанги ишлар билан одам ҳазиллашмайди. Мана, нари борса тўрт кунда кетиши керак бўлган инкубасса жойлашиб ўтирибди, мушугини биров пишт деяётгани йўқ. Нозима бечора бўладигани-бўлди. Энди, қўни-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшничилик, одам шунақа кунда керак. Бугун бормаса бўлмайди. Шу ўйлар билан шифохонага боришга ҳозирлик кўрар экан, Салиманинг кўнглига бир фикр келиб қолди — қўшниникига кириб, инкубасса билан гаплашиб, вазиятни билиб боргани яхши эмасми? У қўшнининг қўнғироғини босди. Дарвозанинг кичик эшигини Каниза очди.

— Бормисиз, қўшни? — деди Салима .

— Хайрият, сиз ҳам бор экансиз, — ўпкалади Каниза .

— Қорни қаранг, қорни, — деди Салима оёқ уриб, остонага яқинлашаркан.

— Қиш қишлигини қилади-да...

"Вой, ўл-эй, гап-сўзлари ҳам босиқ, бошқача бўлиб қолибдими, ўлгур" дарҳол хаёлдан ўтказди Салима.

Каниза уни меҳмонхонага бошлади. Телевизор ишлаб турар, қандайдир фильм кетаётганди. Каниза ҳолаҳвол сўрашиб, чой келтиргани чиқди. Фурсатдан фойдаланиб, Салима хонага кўз югуртди. Ҳаммаси илгаригидай, ҳеч нарса ўзгармаган, фақат девордаги Мансуржон билан Нозиманинг сурати йўқ эди, балки Мансуржон олиб қўйгандир...

— Совуқ қаттиғ-а? — чой кўтариб кирди Каниза.

— Бу йил қиш қаттиқ келади дейишаётганди, тўғри экан-да.

— Нимасини айтасиз. Қишлоқдагиларим нима қиларкин, денг?

— Шуни айтинг. Шаҳарда-ку, газ яхши.

— Далалардаги тутларни бултур одамлар ёқиб бўлган, бу йил нима қилишади, билмайман, — деди Каниза.

— Ўша куни қишлоққа яхши бориб келдингизми? — сўради Салима. — Ҳаммалари тинч эканми? Болаларингиз қалай?

— Бориб келдим. Қишлоқ ўша қишлоқ, офтоб милт этса пахта билан оввора. Ҳали ҳам вакиллар бор. Биттаси бизникида ўтирган экан. Дадам фермер эмасми, уйга чақирибди.

— Пахтаси тўлибдими?

— Билмадим.

— Эрингизни кўрдингизми?

— Кўриб нима қиламан?

— Кўрмадингизми?

— Уни масаласи ҳал.

— Қандоқ?

— Мансур акам йўқ қилиб келинг дедилар, шундоқ қилдим.

— Ажрашдингизми?

— Менга бир тийин у. Шаҳарга келиб, сизга бир ўзини кўрсатиб кетибди-да.

— Баджаҳлгина экан...

— Э-э, баджаҳл бўлмай тўнғиз қўпсин. Менга ғинг деб кўрсин!

— Ростдан ажрашдингизми?

— Ҳа, шпионликка чиқдингизми? — кўзларини лўқ қилиб сўради Каниза .

— Нимага шпионликка чиқарканман? Энди шпион бўлиб қолдимми? Ўзларини ким олиб келувди бу ерга? — тўсатдан сапчиди Салима.

— Ўпкайзи босинг, — бепарвогина деди Каниза ва яна оғир-вазмин илова қилди: — Яхшилигингизни ҳеч ким билмаса ҳам мен биламан, хавотир олманг, — деди.

Салима босилди. Чой қуйиб, "олинг-олинг" деб ўтирган Канизага зимдан назар солди. У чинакам ўзгарган эди. Ўн-ўн беш кундаёқ осойишта ва сокин, тўкин-сочин ҳаёт ўз тамғасини босган, унга ниҳоятда латофат, жиддият ва улуғворлик бағишлагандики, Салима биринчисини тушунар, аммо иккинчи-учинчиси — Канизада зуҳур бўлган жиддият ва улуғворликка ҳеч ақли бовар қилмасди. "Наҳот ақли шу даражада бунинг? — ўйлаб ўйига етолмасди Салима. — Бу қишлоқи ўлгурнинг кетадиган сиёғи йўқ, майли яна суриштириб қулоқ тутаверайчи?"

— Бозорга чиқяпсизми? — сўради Каниза телевизордан кўз узмай.

— Бугун қор учун чиқмадим.

— Бозорлар тинчми ўзи?

— Анави сўтак сизни сўрагани-сўраган-да.

— Э, ўлсин ўша.

— Нимасини айтасиз, — Салима бозорда қулоғига чалинган гаплардан гапириб ўтирди ва шундай хулоса ясади: — Бозор касод. Анави эски бозорда одамлар ғимрагани-ғимраган, йиртиқ-ямоқ ҳам пул эмиш. Буёғи, қиш қиличини қайраганини кўрмайсизми? Болаларингизни усти-пусти яхшимиди, ишқилиб?

— Ёзда қилиб қўйганман уларнинг устини, — Каниза бепарво жавоб қилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

"Қиласан-а, қиласан... Кечаги борганингда Мансурнинг пулига ланғиллатиб қилиб келгандирсан?" — ичида ўйлади Салима.

Худди унинг фикрларини уқиб тургандай:

— Бир-икки юз минг бердилар, улардан хабар олиб келинг деб, олмадим, — дея қошларини керди Каниза.

— Ҳа, берганда олавермабсиз-да, — бу гапга ишонмаса ҳам қўшимча қилди Салима.

"Ҳаҳ, ило-он... — ўйлади Каниза, — Секин ичимдаги гапларни суғуриб олиб, эгачингга етказмоқчисан-да..."

— Ҳали бу кишини билмасам, — астойдил гапира кетди Каниза, — у ёқда хотинчалари нима ҳозирлик кўряпти, Худо билади. Мундоқ келса, келавермайди. Мен ҳар куни боринг, олиб келинг, дейман. Индамай юрибдилар. Бир борган экан, гаплашмаптилар. Буларни тушуниб бўлмайди. Менга бўлса, "Ажрашиб келинг" деди уч-тўрт марта. Мени шу ерга сиғади, деб ўйлайсизми? Менда ҳам мия бор, ахир. Шу ишни сизлар қилдиларинг, ўша, ҳозир келишга ноз қилиб, ўзини торозуга солаётган хотин мени бу ерга олиб келиб қўйиб, ўзи йўқ. У ёқда қайнотаси, отишга ўқи йўқ. Шунақа жойга сиғаманми, опа? Яна пулини олиш керак эди-да, дейсиз? Олишни бериши бор. Бу одам ҳам очиқ-ёриқ гапирадиган одам эмас экан, ичимдагини топ. Ўзимники урса ҳам, сўкса ҳам очиқ-ойдин иш қилар эди. Шунинг учун шаҳарлик пишиқлар менга ёқмайди. Сизи гапизга кириб, энди бу ёғи нима бўлади, деб ўтирибман.

— Сиз билан яхши гаплашиб, ёқтиряптими, ишқилиб?

Каниза жавобга бироз илжайиб оғиз жуфтлаган эди, телефон жиринглаб қолди. Бориб гўшакни олди ва овозини баландлатиб:

— Қайси пулни? — деди. — Спалнидагини? У кунги? Ҳа. Менга қаранг! Мен у кишини танимасам ахир. Йўқ, Мансур ака, тўғри, сиз тўғри айтяпсиз. Бу озгина пул бўлса экан. Йўқ, ўзингиз келинг. Ҳа, Салима опам чиққан, гаплашиб ўтирибмиз, — у гўшакни қўйди ва Салимага қараб: — Мен жўнатган одамини танимасам, қандай қилиб ўн миллион пулни бериб юбораман? — деди.

— Вой, ўлай, қаерда у пул? — сўради Салима ҳайрон бўлиб.

— Ана спалнида, эшикни тагида турибди.

— Қачон олиб келди?

— Беш кун бўлди.

— Вой, эҳтиёт қилинг!

Каниза Салиманинг юраги ҳовликаётганини сезди ва яна совуққонлик, хушёрликни оширди:

— Эгачингиз билан гаплашиб турибсизми?

— Йўқ, — деди Салима ёлғон гапириб.

Каниза унга эътибор қилмай деди:

— Бу кишидан сўрасам, синглисини телефони ишламас эмиш. Менга аччиқ қилиб келмай ўтирган бўлмаса бўлди. Уйи, эри бошидан ордона қолсин, — Каниза ўрнидан турди, — овқатни хабар олай, сиз телевизор кўриб туринг, — дея чиқиб кетди.

У ошхонада анча йўқолди. Бу орада Мансур келиб кетди. Салима опа билан саломлашиб, фотиҳа тортди-ю: "иш зарур эди" деб Салиманинг кўзи олдида рўпарадаги хонадан халтадаги юкни олиб чиқиб кетди. Шу пайт кириб келаётган Каниза унга коридорда "овқат ичиб кетинг"лаб қолди.

— Бирам иши кўп, кечасию кундузи тинмайди, — деди у Салиманинг олдига кириб.

— Кечаси сиз биланми ахир? — деди Салима ишшайиб.

— Бола унга керак, менга эмас. Қисир кетмасман, ахир! — дангал жавоб берди Каниза.

Унинг ишончли гаплари, ўзини тутиши, хонадонда ўзига ярашиб юриши, айниқса, уйдаги пулга муносабати, хушёрлиги, сермулозаматлиги барчаси унинг соҳибжамоллигига қўшилиб, Салиманинг ҳушини ўғирлар, ўзига муҳаббат уйғотаётган эди. Шунча кундан буён у билан бир марта, уйига кетадиган куни халта қўйганда гаплашди Салима, бошқа кўргани ҳам йўқ, у ҳақда бутунлай бошқача салбий фикрда эди. Ҳозир кўриб турган Каниза унинг ижодидаги Канизага сира ўхшамасди. "Қуриб кетгур-эй, қуйиб қўйгандек шу уйнинг бекаси бўлиб қолибди-я". Бир-икки одоб юзасидан Салима туришга чоғланди, Каниза қўймади, охири овқат пишди, биргалашиб шўрва ичдилар. Бир товоқ гўштни алоҳида сузиб келди. Қип-қизил помидорлар келтирди, улардан алоҳида тарелкага кесиб, гўштнинг ёнига қўйди. Тутаётган тутуми Салимани лол этаётган эди. У бўкиб қолгунча гўшт еди, Каниза тотиниб ўтирди, холос. У арчган мевалар Салимага сиғмаёқ қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Салима яна бир нарсага амин бўлдики, қанча синов ўтказмасин, бу қишлоқи анойи эмас, у шохида юрса, бу баргида юрибди. Демак, Нозиманинг тақдири энди Мансурга боғлиқ, у билан эса гаплашишнинг имкони йўқ. Салима ҳозир шуларни жуда-жуда билгиси келди. Анови эса ҳамма нарсани билиб турибди. Бу масалада унинг устунлиги шунда эди.

— Шўрва бирам ширин бўпти, — деди Салима оғир ҳансираб.

— Шўрвани ўзим яхши кўраман.

— Гўшт мўл бўлса, яхши овқатда, шўрва.

— Гўшт мўл бўлса, ҳамма овқат ҳам яхши, — деди Каниза.

— Тўғри айтасиз.

Негадир, тез-тез мавзу тугаб қолаётган эди. Салиманинг бугунги "илмий таҳлили" кўп натижа бермади. Қишлоқи анди тўғри йўлдан бораётган шахматчидай, ҳозирча хатога йўл қўймаётир. Энди, бу ердаги меҳмондорчилик сафари ҳам қариб, Салима ўзини ўнғайсиз сезишга бошлади, шунинг учун ҳам асл муддаога кўчди, гапни тилёғламаликдан бошлади:

— Бу оилага сизни топиб адашмадим, дейман, шерик? Иннейкийин, яхши одамлар. Энди, сиз ҳам чакана хотин эмассиз. Илгари ҳам неча марта айтганман, бойваччаларни хотини бўлишга арзийсиз ҳам, лойиқсиз ҳам. Агар Нозимахонни кўндира олсак, ҳозир ҳамма Мансуржонга ўхшаганлар икки хотинлик...

— Бу ҳақда гапирманг, Салима опа... Мен бировнинг бахтини... — гапини бўлди Каниза.

— Тўхтаб туринг...

— Йўқ, ўзларига насиб қилсин...

— Хўп. Майли, тўхтанг. Қаёқдан топасиз кейин бунақанги жойни? Ақлли-ҳушли хотинсиз, у-бу демасдан, танага бир ўйлаб иш тутиш керак, бу замонда. Худо ол қулим, деб турибди. Тўхтанг-чи, бир ўйлаб кўрайлик, дейман-да.

"Сен икки дунёда мен томон бўлмассан" дерди ичида Каниза, Салимага мунису маъюс қараб тураркан, у эса юракдан сирлашаётгандай очилиб келарди.

— Энди-и, бир каттани гапига қулоқ тутинг. Мен сизга бегона эмасман. Ўртадаги битта гувоҳ ҳам мен. Иссиғингизга ҳам, совуғингизга ҳам ярайдиган менман. Бу ерда мендан бошқа кимингиз бор? Айтмоқчиманки, иссиқ ўринни совутишни эмас, иситишни ўйлаш керак. Туғиб, шу ерда, шу эр билан яшасангиз ҳам асакаси кетмайди, давлати камайиб қолмайди. Шунинг учун хотин киши деган гапга қулоқ соли-и-б, иш тутиши керак. Сиздан ўнта-йигирмата кўйнакни ортиқ йиртганман. Мен нима десам ҳам ҳақим кетмайди. Раз, ўша эрингизда кўнглингиз йўқми, бу ердан қолманг, дейман, холос. Менга нима, уйимни тиллога тўлдириб берармидингиз? Яхши ошини, ёмон бошини ейди. Эсли-хушли, ақлли хотин бўлсангиз... Кўриб турибман, шунча пулни тўрт кунлик хотинга бериб қўйибди, ишонадики, берибди. Тўрт кунда кетади деган одам, ўламан обло, келмасин, деган одам писиб қолди. Яхшидурсизки, шундай бўлгандур. Аммо, айтиб қўяй, у Нозимадан кечмайди. Гап шунда! Булар ҳаммаси Нозимани бошларига кўтаришади. Ўзиям яхши хотин... — Салима гапини тўхтатиб, Канизани кузатди, қизиқ, унда заррача ўзгариш йўқ эди. — Балки, — давом этди у, — у келса, иккалангиз...

— Мен турмайман, ўзига насиб қилсин, — деди Каниза.

— Ундай деманг-да, сиз индамай туринг, қани, ўзлари ҳал қилишсин. Нимага келишади, нима қилишади, нима қўйишади. Бу ёғи Худодан. Тил топишсангиз, ундан яхши одам йўқ.

"Эй, лақма, кундош қачон яхши бўлган?" Каниза бир нуқтага тикилди.

— Мансуржонни маҳкам ушланг. Бу ерда ўшани гапи гап бўлади. — "Нозима шифохонадан чиксa..." деб юборишига сал қолди. Канизанинг бундан хабари йўқлиги эсида йўқ, тилини тишлаганча бир оз турди, сўнг давом этди: — Мансуржон ўзи бирон нарса деяётгандир?

"Аниқ шпион бу". Каниза гапни айлантирди:

— Мени бу ҳақда гаплашади деяпсизми?

— Вой, шунча кун бирга ётиб, бирга туриб одам гаплашмайдими? — Салима Канизани тушуниб турса ҳам сўради.

— Тўғриси гаплашмаймиз, — қисқа қилди Каниза.

— Секин гапни бураб, ичидагини пайпаслаш керак, сизни ёқтирмаганда аллақачон...

— У кишига бола керак. Мен бечора тўрвамни бўшатиб кетавераман. Шуни билиб туриб, оёғини ўпайми? Ўзимга яраша одамман. Шунинг учун эримга бир нарса деганим йўқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Эри-из сизга арзимайди, тўғрисини айтиб қўя қолай.

— Пешонага битгани шу.

— Бир гапни айтайми? — деди Салима у томон энгашиб, — Хўп десангиз, бошқа уй олдирасиз ўзингизни номингизга...

"Ҳамманг бир гўрсан, бу ер ҳеч қачон сеники бўлмайди, демоқчисан, кўрамиз. Кеча Мансуринг ҳам ўша эски ҳаммом, эски тоғорасини ҳидлаб келди шекилли, ўзгариб қолди, кечаси билан безовта бўлиб чиқди, эрталаб ҳам ўзига келмади" — ўйидан ўтказди Каниза.

— Сизга нима экан-а, Салима опа? — деди у.

— Вой, ўзим олиб келдим сизни...

— Ўзим ҳайдайман денг, — ичидагини ташига чиқарди Каниза.

— Ўлинг, шерик, шундай деб ўйласангиз... — ҳазилга бурди Салима. — Пул беряптими?

— Пулни нима қиламан? Еганим олдимда, емаганим ортимда бўлса...

Шунча ўтириб, ҳеч вақони тузук-қуруқ била олмаган Салима хайрлашиб, уйига кириб кетаркан, "вой, доғули-ей, анча-мунча эмассан, сен қишлоқи" дея хулосаланди, соатга қараб, икки соат ўтирганига ҳайрон бўлди, кейин ул-бул олиб, Нозимани кўргани жўнади.

Учинчи қаватга ҳансираганча кўтарилиб, Нозиманинг палатасини топиб кирганда, у ердаги хотинлардан бири унинг бошқа палатага ўтказилганини айтди ва кўрсатиб берди. Салима кириб келганда Нозимага укол қилишаётган экан. Ҳамшира ишини тамомлаб чиқиб кетгач, икки ён қўшни йиғлаб кўришдилар, ҳол-аҳвол сўрашдилар. Салима роса кўнгил сўрагач, охирида биринчи гапи:

— Мансуржон келдими? — бўлди.

— Кеча икки марта келди, — деди Нозима.

— Хайрият-эй, анавинга айтмабди-да бўлмаса.

— Айтмагандир, айтиб нима қилади?

— Нима деди?

— Нима дерди...

— Шунчаки сўраяпманда...

— Э-э, ҳеч нарсани гаплашмадик. Қўрқиб кетибди, бечора. Рангги ўчиб, титраб-қақшаб келди. Кечқурун яна келди. Дўхтирлар билан гаплашипти шекилли, икки кишили хонага ўтказишди. Эрталаб, биринчи бўлиб бошлиғи ҳол-аҳвол сўради. Бу ёққа ўтишимни айтди. Тинч, яхши хона экан. Ётиппан. Қайнотам кеп кетди. Ҳозироқда катта овсиним келди. Хабар олишиб турибди, Худога шукур.

— Э, соғайиб қолинг. Мунақа қилманг, ўлсангиз ўлиб кетаверасиз-да. Ўзингиздан бошқа ким куяди? — рўмолининг чети билан кўзини артди Салима. — Ўлсангиз нима бўларди, ановининг куни туғади-да. Гурсимосдай бўлиб ўтирибди, уйингизда ғам емай.

— Кирдингизми?

— Кеча кечқурун Зебохонникига телефон қилсам, шунақа деди. Эрталаб қор. Бозорда нима қиламан, Нозимахонни кўриб келаман деб, ўйлаб ўтириб, бир кирайчи, нима қиляпти, деб кирдим. А-анча ўтирдим. Мансуржон пулларигача топшириб, ушлатиб қўйибди. Кенг уйнинг келинчаги бўли-иб ўтирибди. Бирам гаплари бошқача денг. Э-э... — Салима чуқур энтикди, шипга тикилганча миқ этмай ётган Нозимага қараб турди, сўнг давом этди: — Ичидагисини билай деб, ундан-бундан гап очдим. Қани энди, ер юткур, ўладиган айёр, сир бой бермади. Худди эрта-индин кетадиган-у, бу ерда тургилари йўқ, гап-сўзи шунақа. Ўлгурнинг ичи бошқа, билиниб турибди. Уйга олиб борганимиз нотўғри иш бўлди, ўзи. Шуни бошқа жойда гумдон қилса ҳам бўлар эди, Нозимахон?

Нозима индамади, у кўзини юмиб олган эди, юмуқ кўзларидан ёш қалқди.

— Қирилибгина, йўқолибгина кетсин... — қарғанди Салима. — Садқаи кўз ёши кетсин. Ҳамма айб ўша писмиқ эризда, — Салима шу сўзларни айтди-ю, худди Мансур кириб келаётгандай эшикка хавотир қараб олди.

Коридорда оғир оёқ товуши шу томон кела бошлади. Йўқ, эшик орқасидан ўтиб кетди.

— Бу гапларни кўтариб келиб сизни ҳам... — деди Салима Нозиманинг аҳволини кўриб. — Айтсам тилим, айтмасам дилим куяди-да...

— Ўшанга бердим уйни ҳам, Мансурни ҳам... — деди бирдан Нозима.

— Қўйинг-э, суф-суф, туф-е, шунақа деб бўладими? Ўзини бошига етсин-е!

— Рости, тўйдим.

— Ундай деманг. Олиб келган ҳам ўз... — "ўзим"

www.ziyouz.com kutubxonasi

демоқчи эди Салима, аммо чўчиб, тўхтаб қолди. — Ҳали балнисадан чиқинг, ўзимиз биламиз нима қилишни, — деди.

— Майли... — чуқур хўрсинди Нозима.

— Қишлоғига бориб келди, — яна гап қотди Салима. — "Нексия"ларда бориб келдилар... Мансуржон ҳам одам эмас экан. Шу қишлоқининг ноғорасига ўйнаб ўтирибди-я. "Нексия"да жўнатди, ўл, битта ялангоёқни одам қилиб. Бу болагаям тан бермадим. Шундоқ хотини туриб, жиловини бериб қўйиб ўтирибди. Яна денг, "ажрашиб келгин" деганмиш...

Нозима кўзларини катта-катта очиб, Салимага тикилиб қолди. Нима қиларини билмаган Салима кетишга тараддудланди.

— Ў-ўв, Худо олсин ҳаммасини, ташвиш қилманг, — дея рўмолини палтоси ичига қистириб, тугмаларини қадади-да, ташқари юрди.

Нозима ўз ёғига ўзи қоврила бошлади. Кеча Мансур келгандан буён унинг рафторини кўриб, анча кўнгли равшан тортган, бўлари бўлиб ўтиб кетди, у кетади, тузалиб, уйга бораман, деб ўйлаб, анчайин хотиржам бўлган эди. Қўшниси топиб келтирган бу гаплардан сўнг унинг долғали дили яна хуфтон бўлди. Энди, ҳамма нарсани ичга ютиб, куйиб-ўртанишнинг фурсати битган эди. Агар Мансур келса, орани очиқ қилиши, яна галга солиб, ўзини ҳам, уни ҳам қийнамасликни, арқонни чўрт кесиш лозимлигини тушунди. Агар, улар чиндан ҳам келишиб, бирга яшашни азму қарор қилган бўлсалар, анови писмиқ очиғини айтиши керак. Дарднинг ёрилгани маъқул. Очиқ айтса, кифоя. Нозиманинг зори бор, зўри йўқ. Ўзи бу бевафо, бозор дунё бўлса! Яралибдики, у кимга вафо қилибди, Нозимага вафо қилса? Яшаса яшар, агар аёллар бир эр учун ўлиб кетган бўлса, у ҳам ўлиб кетар. Ёки бир кунини кўради. Ана, эрталаб, бир тўп бўлиб коллектив келиб кетди. Мактаб тўла бола. Ўшаларни болам-бўтам қилади. Уй топилмай қолармиди, ижарага бўлса ҳам яшайверади.

Қанча вақт ўтди билмас, жон-жаҳди билан Мансурни кутарди. У келиши керак. Гаплашмаса, дунё тўхтаб қолади. Тиқ этса, эшикка термулар, илинжи шу эдики, ҳозир эшик очилиб, Мансур кириб келади, Салиманинг гаплари асоссиз, Нозиманинг барча ўйлари тескари чиқади, Мансур унга ҳеч қачон бевафолик қилмайди, кираси-ю, шу ҳақда гапиради...

У ёстиққа тиралиб, каравот оёғи узра деразага боқди. Қоронғи тушибди. Мансурдан дарак йўқ. Шамолнинг қисқа-қисқа увиллаган овози эшитилгандек бўлди. Ҳамшира кирди, тегишли муолажаларни қилди. Шу бўйи бошқа одам безовта қилмади. Шамол кучайгандан кучайди. Ҳатто палатанинг ҳамшира ёқиб қўйган чироғи ҳам тебранаётганга ўхшарди. Нозиманинг довулга дош беролмай, хаёлида таг-томири билан ўпирилиб қулаётган дарахтларга раҳми келарди.

XIII

Мансур кечгача ишлар билан шуғулланди. Кеча Нозиманинг олдига, шифохонага боргандан пайдо бўлган ғашлиги юрагини тинимсиз тимдалайверди. Кечаёқ ўйлаб юрган гаплар тўғрисида Канизага оғиз очишга, у билан келишиб олишга аҳд қилган эди, аммо уйга келгач, бу фикридан қайтди. Канизанинг кайфияти яхши, гаплашса ҳам бўлаверар эди-ю, негадир орқага сургани маъқулдек кўринди. Бугун у билан очиқ гаплашиб, Нозиманинг ёнига боришни эртага мўлжаллади. Чунки, Каниза бирон нарса демасдан, шошилиб бўлмасди.

Кеча у ўз ҳолатини Канизага қанчалик сездирмасликка уринмасин, барибир ўзига-ўзи бошқача бўлиб қолгандек туюлаверди. Каниза ё сезмади, ё шунчаки эътибор қилмади. Эслик аёл. Балки иш-пишда диққат бўлгандир, деб ўйлади. Кечаси тунд, у билан унчалик иши йўқдай ётганига ҳам парво қилмади. Эрталаб илгаригидек ишга кузатди. Нозимачалик ялаб-юлқамаса, пойипатак бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда бир уйнинг ўзбек аёличалик тутяпти ўзини. Шаҳарда ўсмагани, институтда ўқимагани, қишлоқи эканига қарамай, шунчалик ўзини маъқул қиляпти, Худога шукр деса бўлаверади. Шундай аёл тўнка бўлса, Мансур нима қиларди? Қўлидан нима келарди? Ҳаракатини қиляпти, раҳмат шунга. Пул масаласида ҳам тўғри экан. Мансур атай кабинетидаги сейфнинг калитини бериб қўйди. У эса, олиб осиб қўйди, калитлар ўша ердан қимирламади. Бирон марта у, Мансур уйда бор-йўқ, кабинетга кирмади ҳам. Керак бўлиб калитларни яна Мансурнинг ўзи олди. Халтадаги ўн миллион пулни қўлига берди, қараб ҳам қўйгани йўқ. Ўҳ-ҳў, баъзи биридан худо сақласин. Пулни кўрса шайтонлаб, не ҳолга тушмайди? Мансурнинг бу томондан ҳам кўнгли тўқ. Умуман, яхши, эсли хотин экан, Каниза.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У одатдагидек уйга келди. Машинани ўрнига қўйди, Каниза билан бирга овқатланди. Каниза эплаб манти қилибди. Жилдини қалин олиб қўйибди-ю, аммо манти ёмон эмас. Боқса одам бўлади. Кеча Нозиманинг аҳволини кўриб, у билан кечирган фараҳли дамлар, яхши-ёмон кунлар ёдига тушиб, Каниза ундан анча олислашиб кетган эди. Бугун у ҳеч кимга ўхшамаган латофати билан яна ўз ўрнини эгалламоқда эди. Мансурнинг кўзига ўтли кўринар, ундан кўз узолмас, шундоқ тўплаб бағрига босиб олгиси келарди. Шу орада Нозима масаласини ҳам ёнма-ён ҳал қилишни режалаштирарди.

Анча вақт телевизор кўриб ўтиришди. Диванда телевизор баҳона анча бир-бирларини суйдилар.

— Атлас мунча силлиқ? — деди Мансур.

— Атлас холосми? — Канизанинг кўзлари ажойиб ширин сузиларди.

— Эгаси бизники эмас-да...

— Бунинг учун ким айбдорийкин?

— Бир нотавон.

— Ўша нотовонни урамиз, — енгил шапатилади Каниза. — Эҳ, нотовон ёмон бола экан... Ёмон болани кимдир ёмон қилаётгандир-да?..

— Ёмон бола етовга юрмайди, жилови ўзининг қўлида...

— Нотавон боланинг шу гаплари ростмикин? — Каниза қорнини икки қўли билан ушлади-да, гўё мурожаат қилди: — Қани, нотавон боланинг ўғилчаси, айтинг-чи?

Мансур уни беихтиёр қучди. Гўё Мансурнинг юрагидаги гапни сезиб тургандай Каниза ўз қорни билан гаплаша бошлади:

— Нотавон болага ёрдам берамизми? Қийналяпти. Ё бизни, ё уни танлай олмаяпти, айнан-ей, қийин масала-а? Биз нотавон бола нима деса, хўп деймиз-а? Биз бечораларга барибир-а?

— Каниза, — деди Мансур тўсатдан, — Нозима...

Каниза кафти билан унинг оғзини тўсди. Мансур унинг қўлларини майин ушлаганча сурди ва:

— Каниза, жоним... — деди.

— Нима дейишингизни биламан.

— Шошманг, Каниза... У касалхонага тушибди.

— Туғарканми?

— Ҳазиллашаётганим йўқ.

— Мен ҳам.

— Унга ҳам қийин... — Мансур хўрсинди.

— Вой, вой, вой... Раҳмдиллигини-ю!

— Ахир, у ҳам инсон-ку?..

— Бирон нарса деяпманми? Ҳайвон демадим, шекилли.

— Тўғри тушунинг.

— Тушунаман, тушунаман, — Канизанинг андак ранги бўзарди. — Ўн уч йилдан бери бағрида ётгансиз. Севиб турмуш қургансиз. Ҳозир ҳам севасиз. Ёлғонми?

—...

— Кеча билганман, ҳайдашга тайёргарлик қилганингизни. Бориб ҳидлаб келгансиз-да?!

— Каниза?! Асалим!

— Мени асалим деманг. Асал билан лойни катта фарқи бор. Келгинди беш кун сиғади деб бекорга айтишадими? Аям айтган эди, бой бойга боқар деб. Ўша ялақингиз билан... — Каниза юлқиниб, даст турди-да, ётоқхонага кириб кетди.

Мансур телевизорни ўчириб, ортидан юрди. Каниза бошини ўраб, бурканиб ётиб олганди. Мансур ёнига бориши билан, шарт бошидан кўрпани очди-да, ёшли кўзлари билан:

— Эртага текширтиринг, илашган бўлса кетаман, пулингиз ҳам керак эмас, битта бошим боқиб оларман... — деди ва яна бошини ўради, кўрпанинг ичидан йиғи аралаш "Бўлмаган бўлса эди, шу зормонда" дегани эшитилди.

Мансур чуқур "уфф" тортди. У бундай бўлишини билар эди. Бошқа иложи қолмади, эшитадими, йўқми ичидагини тўкди:

— Каниза, мен ўғил боламан. Бир минут менга қулоқ солиб туринг. Сиз кўчадаги ўйнаш эмассиз, менинг никоҳдаги хотинимсиз...

— Ҳужжатлиси у? — бўлди Каниза.

— Бир минут эшитиб туринг, кейин нима десангиз деяверасиз.

— Мени гапим йўқ.

— Хўп, эшитинг-чи! Менинг ҳайдайдиган хотиним йўқ!

— Мен сизни хотинингиз эмасман. Ҳужжатлисини хотин дейди.

— У ҳам бўп қолар... Менга қаранг. Нима кераги бор шу бўлмағур ювғани. Олдин эшитинг, гап қаёқда,

www.ziyouz.com kutubxonasi

кейин бир нарса денг. Мен ҳеч қачон сиздан кечмайман...

— Бу кечганингиз эмасми? — яна гапини бўлди Каниза, Мансурга кўзларини чақчайтириб, гапира бошлади: — Эрингни йўқотиб ке, деган ким эди? Мен аҳмоқ, қишлоқи бўлсаям, туппа-тузук эримни хафа қилиб, айтиб келибман-а? Пешонанг шўр бўлмай ўлгур гадо...

— Ҳой Каниза? — чуқур уҳ тортди Мансур. — Менга гап берасизми ё йўқми? Мен нима деяпман? Бир умрга сиз билан бўламан.

— Икковинг билан денг?

Мансур нима дейишини билмай қолди.

— Тилиз тутилдими? Биламан-да, нима дейишингизни?

Дарҳақиқат, Мансур ҳақиқий муаммога дуч келган эди. Ҳозир мундоқ ўйлаб қараса, бу осон масала эмас. Шу кунгача, шу дақиқагача Мансур ҳар иккисини ўзига бегона ҳисобламас, бундан кейин ҳам танлашга тўғри келади, деб ўйлаган эмасди. Иттифоқо, бу масала кўндаланг бўлгач, ҳал этилиши лозим нарса анча-мунча муаммо эмаслигига энди ақли етди. Хўш, нима қилиш ва нима дейиш керак ҳозир? Нозима ҳам, Каниза ҳам масалага бир томонлама ёндошиши, демак, аён. Наҳот биттасини танлашга тўғри келса? Бошқа ҳеч нарсанинг иложи йўқми? Мансур сония ичида умр сарҳадларини кезиб чиқди. Ўзига тенг нусха излади. Кўпчилик бу йўлни ўтган, албатта, бироқ Мансурники бошқача эди. Одатда, шароит тақозосига кўра, хотин устига хотин олинган, иккинчи хотин бу хотиннинг устига келин бўлиб тушиб, икки очиқ кундош кейинги қисматини тан олишган. Бу ерда-чи? Қисқа муддатга, айнан фарзанд масаласинигина ҳал этиш учун бу йўлга кирилган. Бас, шундай экан, келишилган шарт бўйича бу кетиши, у қолиши керак. Хўш, энди-чи? Энди вазият нимани талаб этяпти? Мансур буни ҳам олиб қолади, бундай қарорга биринчи куниёқ келган. Ҳозиргача буни ўз-ўзидан ҳал бўладиган масала деб қараётганди. Энди, боши берк кўчага тўғри келяпти. Роса кўнглининг тарозусига боқса, Каниза босиб кетяпти. Бироқ, Нозима ҳам кераксиз тош эмаски, индамай улоқтириб юбораверса. Нима қилиш керак?

Яхшиям ўша махфий квартираларни вақтида олиб қўйган экан. Бунда, ёмони, Нозимадан умр бўйи ҳеч нарсани яширмаган Мансур, барча қулайликлар ва жиҳозларга эга, қулинг ўргулсин яшайдиган квартираларнинг учтасини олиб қўйганини унга билдирмаган эди. Майли, бу бир гап бўлар. Ҳатто икки кун яшайдиган чивиннинг ҳам ҳеч бўлмаганда битта сири бўлади. Энди гап шундаки, қайси бири бежанжал боради? Бу асосий масала. Шунда ҳал бўлади, иккови ҳам уники бўлади. Бу қандоқ қараркин?

— Каниза, — деди Мансур бир фикрга келиб.

— Ҳа, дамингиз ичингизга тушиб кетдими?

— Каниза?

Каниза бехос ўрнидан турди.

— Мени уйга олиб бориб қўйинг. Сиздан илтимос, — деди у жиддий. — Тагингизда машинангиз, бир соатда бориб келасиз, — у усти-бошларини тахлашга тушди ва йиғлади. — Бировнинг боласини ўйлаб, ўзимникиларни шу совуқда ташлаб келибман-а? Қайси иблис шу ишни қилади? Қаерда, кимникида қолди у бечоралар? — у энди уввос солиб йиғлай бошлади.

Умри бино бўлиб, бундай машмашани кўрмаган Мансур ваҳимага тушиб, шошиб қолди.

— Канизахон, Канизахон? — дерди холос у, Канизани маҳкам қучиб. У эса юлқинар, асов куч билан ундан қутилмоқчи бўлиб:

— Қўйворинг. Қўйворинг деяпман, ҳозир бормасам ўламан, — дерди.

— Хўп, хўп, айтганингизни қиламан, ўзингизни босинг, — ялинарди Мансур.

Бир вақт Каниза шипга тикилганча таққа ўчди, бир оздан кейин "Болаларим!" деди-ю, ҳушидан айрилиб гиламга қулади. Мансурнинг нақ эсхонаси чиқиб кетди. Унинг атрофида гирдикапалак бўлар, нима қилишни билмас, "гўё Каниза ўлди-ю, Мансур балога қолди" қабилида титраб-қақшарди, бironта билган калимаси оғзига келмасди. У Канизанинг юрагига қулоғини қўйди, эшитмади, юраги урмасди. Нохос юзи юзига тўғри келганда, унинг нафаси урилди, Мансур шунда сал ўзига келди. Канизани ўрнига ётқизди, югуриб содали сув келтириб оғзига тутди, у сувни ютмади, оғзи атрофидан тўкилди. Мансур чинакам қайғуда қолди, бошини тутамлаганча, тинимсиз у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Ўзи билмаган ҳолда "скорий" деб, телефонга талпинди. Шунда, Каниза қимирлади, "И-м-м" деди. Мансур уни қучди. "Яхшимисиз?" деган сўзни неча бор такрорлаганини ўзи

www.ziyouz.com kutubxonasi

билмасди. Каниза пишиллаб ором ола бошлади. Кўнгли сал таскин топган Мансур, ёнидан қимир этмай, унга қараб ўтирди. "Ҳаммасини падарига лаънат, — дерди у, — Каниза ўзига келса бўлди".

Каниза ўзига келди, не замон бош чангаллаб ўтирган Мансурга:

— Ётинг, Мансур ака, — деди хаста, — мен туғилмасам, сиз ҳам бу аҳволга тушмасдингиз, — ҳиққилади у.

— Тинчланинг, Каниза, жоним, асалим, ҳаётим. Мен сиз учун ҳамма нарсага тайёрман, азизим.

— Ётинг, ёнимга ётинг, мен сизнинг нафасларингизни эшитиб ўлай.

— Каниза, ундай деманг, мен чидай олмайман, аввал мен ўламан.

— Ётинг, ётинг, жоним, сизни ҳам қийнаб юбордим.

— Йўқ. Ёнингизда эрталабгача ўтириб чиқишга тайёрман. Фақат, мени ўзингиздан ажратманг. Биламан, сизга қийин...

— Ётинг, жоним.

Мансур чўзилди ва ич-ичидан чуқур хўрсиниқ келди.

— Жоним мени, — деди Каниза ва унинг юзу кўзларини силади.

Тонг отганда бехос уйғонган Мансур беихтиёр ёнига қаради. Каниза йўқ эди. Унинг юраги дупирлаб, ҳаприқиб кетди. Ирғиб ўрнидан турди, коридорга чопди. Келиб ташқари эшикни очди. Хайрият, Каниза ошхонада уймалашаётган экан. Шунда у оёқларида мадор йўқлигини сезди, бурилиб ваннахонага юрди. Ваннанинг четига кетини қўйганича, алламаҳал ўтирди, сўнг соқол олди, ювиниб, ўша ердаги халатини кийди-да, ташқари чиқди. Ваннахона эшиги остонасида Каниза илгаригидек табассум қилиб турарди, Мансур уни маҳкам қучди, шу кўйи меҳмонхонага етаклади.

Телевизор томоша қилиб, нонушта қилар эканлар, Мансурнинг кўзи қувнади:

— Қаранг, болаларнинг тили қандай бурро, — деди.

— Мансур ака, кечагига кечиринг... Кечиринг-а? — ерга қаради Каниза.

— Қўйсангиз-чи, ўтган ишга саловат.

— Мен шунақа бўлиб қоламанда баъзан, — ҳамон ерга қараб, давом этди Каниза. — Мен нима десангиз шуни қиламан.

Мансур ҳозир унга жону жаҳонини бериб юборгуси келди. Унинг шу топда ишга боргиси келмас, жону жаҳони билан ўтираверсам дерди. Аммо бориши керак. Кўп ишлар уни кутиб, маҳтал бўлиб туради. У ўрнидан турди, кийиниб, жону жаҳони кузатувида ишга жўнади. У гўё қимматбаҳо хазинасини жойлаб, асраб қўйгандек, хотиржам кетиб борарди. "Мен сени ҳеч қачон ташламайман, ҳеч қачон!"

"Умр бўйи нима десангиз, шуни қиламан", деди, яна бундан ортиқ нима бўлиши мумкин? Демак, унга уч хонали квартирани кўрсатиш керак. Жон деб боради, унга ёқади. Бу ёқда Нозима тураверади. Мансур эса хоҳлаган жойида бўлади. Асосан, Канизаникида. Масала ҳал.

Ишхонада одам кўп эди. Уфф, анови ёзувчи одам яна биринчи бўлиб ўтирибди-я. Нима қилса бўлади-я? Баъзи одамларни у танимади. Котиба ўрнидан турганча:

— Икки жойга срочний телефон қилар экансиз, телефон рақамлари столингиз устида, — деди ва қўшимча қилди: — дадангиз ҳам сўрадилар.

Ёзувчи билан коридорнинг ўзидаёқ масалани ҳал қилди. Хонага кириб, телефон рақамига кўз ташлар экан, ижирғанди: яна Аҳад Валиевич, эллик миллион учун юзини юлиб нималар деди? Мансур унинг телефонини терди.

— Алло, Аҳад Валиевич эшитади. Гапираверинг, қўлимдаги телефон.

— Мансур.

— Ҳа, яхши, ҳозир бораман. Темирйўлнинг олдида бир минутга кўришайлик, ўша эски жойда, жуда зарур, — деди ва телефон узилди.

Иккинчи телефон рақамига қаради, қаради-ю, қўл силкиди. У дадасининг деканати телефони эди.

Машинасида темир йўл биқинидаги майдончага борди. Борган заҳоти Аҳад Валиевич ҳам келди. Кўришдилар.

— Ўша кунги гапга узр, — гап бошлади Аҳад Валиевич. — Зокир Набиевич яхшимилар? Қисқаси юз тоннагача бор... Магазинингиз бугуноқ, ҳозироқ оформит қилсин. Менга срочно пул керак. Яна ёзишибди, бориб келмасам бўлмайди. Устини берсангиз бўлди. Қолганини кейин гаплашамиз.

"Ўзи шу билан...", деб ўйлади-ю, Мансур тоннани

www.ziyouz.com kutubxonasi

эшитгач, рози бўлди. Идорага келгач, зудлик билан Қодирхўжага топшириқ берди.

— Катта юк, — деди унга қўшимча қилиб, — бошқа вилоятлар билан ҳам гаплашишимиз керак.

Қодирхўжа чиққач, иккита меҳмон, уларга қўшилиб бош ҳисобчи топшириқномалар, ишончномалар кўтариб кирди. Мансур аввал ҳисобчининг ишларини битирди, сўнг меҳмонларга қулоқ осди.

Улар гапни ўзларининг таржимаи ҳолидан бошлашди. Қисқаси, ярим соатда шу нарса маълум бўлдики, янги қурилиш корхонаси очишибди, хусусий экан. ГУКС маблағ ташлайдиган бўлибди, шунга маслаҳат қилишга келишган экан.

— Мен нақд пул билан бунақанги иш қилмайман, узр акалар, — деди Мансур охири энсаси қотиб. — Биринчидан, объектларинг паст. Иккинчидан, обноличка қилинглар. Менга... — деди-ю, чўнтаги ёнига қистирилган уяли телефон жиринглаб қолди.

Телефонга қулоқ тутиб, у ўрнидан туриб кетди.

— Алло, ҳозир, — деди у ва ён хонани тез очиб кирди.

Икки меҳмон бир-бирларига гап уқтира бошладилар. Мансур тез чиқди, телефонни ўрнига жойлади. Телефон жонига оро кириб, у меҳмонларга айтмоқчи бўлган гапидан қайтди. Ким билади, бу нусхалар ким? Хавфли бўлмаганда ҳам, майдакашлар, ўшалардан оладиган устамадан кечиб қўя қолди.

— Акалар, энди, мундоқ, — деди, — аввало қонунни бузмаслик керак. Биз шундоқ иш тутамиз. Тем боле, янги иш бошлаяпсизлар. Соликдан қочиб бўлмайди. Обналичка хавфли иш. Тўғрима-тўғри ҳамкорликка тайёрмиз. Пулни ўтказинглар, хоҳлаганча ҳужжатли нарса олинглар. Шу!

Икки меҳмоннинг тарвузи қўлтиғидан тушди. Йўл топишга урина бошладилар. Мансур кўнмади. Улар: "Майли, ўйлаб келамиз", деб хайрлашдилар. Уларнинг ортидан кузатиб чиқди. Хайрлашиб, телефонини олиб рақам терди.

— Ака, — деди у паст овозда, — Сизнинг ишингиз битибди.

— Ух, қойил, — деди Зокир. — Қаердан?

— Билмадим. Яна ҳеч нима дедими?

— Йўқ. Мен бир ҳафтадан кейин хабар олар эканман.

Мансур телефонни ўчирди: "Қандай яхши..." У идорада одамлар билан гаплашиб, соатни зўрға ўн икки қилди. Уйга ошиқарди, холос. Икки кечадан буён кўнглида тинчлик бўлмади, ҳозир эса тинч, уйдаги Канизали кўрпа оҳанрабодек тортаётганди. Бошқа ҳамма иш, иккинчи, учинчи даражали эди, ҳозир. У уйга келиб, овқатланиб, мириқиб Канизахоннинг суҳбатини олди. Соат учдан ўтган, ҳозир ўринда ётиб, ғайрати жўш урар, ҳар қандай ишга қодирдек сезарди ўзини. Шу ётишда бир фикр келди-ю, ўзи ҳайрон бўлди: "Нега шу васли висолни ўша, янги жойда, уч хонали Канизахонга аталган квартирада қилмади, эҳ, хомкалла. Ҳозир кечми? Кеч эмас". У кўксига бош қўйиб ором олиб ётган Канизани уйғотди.

— Туринг, уйда димиқиб кетдингиз, айлантириб, бир жойга олиб бораман, — деди.

Улар йўлга тушдилар. Машинада Канизани бетоқат кутиб турган Мансур унинг кийган кийимида шу қадар очилиб, гўзаллашганини кўриб яйраб кетди, хушкайфият ила машинани янги кошона томон сурди. Ҳамон уйда ўтириб, диққинафас бўлган Канизага шаҳарнинг кечаги табиат тўзони узра омон қолган ҳар бир дарахтию, кўзига илинган катта-кичик нарсалари ғаройиб, сирли, оромбахш кўринарди. Машина ичида кетиб борар эканлар, икковлон бир-бирига нигоҳ ташлар, чексиз бахтиёр эдилар.

— Мана шу уй, — дея тўхтатди машинани Мансур кўп қаватли уй олдида.

Улар иккинчи қаватга кўтарилдилар. Мансур калитни чиқариб, темир эшикни очди. Каниза бунақанги квартирани чет эл киноларида кўрган эди. Бирин-кетин коридор, туалет, ванна, ошхона, меҳмонхоналарни кўришиб, кўзлари қувнаб, ётоқхонага кирдилар. Улар бир-бирига қарадилар.

— Мана шу уй вақтинча ёқадими? — деди Мансур Канизани қучаётиб. Канизанинг гул ғунчадек энди очилган лаблари "ҳа" дейишга улгурмади.

Улар мизғишдан уйғонганда, оқшом чўккан, қоринлар ҳам очиққан эди.

— Кетамизми? — деди Каниза эркаланиб.

— Йўқ, шу ерда қоламиз. Ҳозир телефон қиламан, овқат опкелишиб, машинани олишиб кетади, — деди Мансур қувноқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йў-ўқ, нариги уй ёлғиз, у ернинг қоровули келсин, кейин, — нозланди Каниза.

— Бўлмаса, — деди уни маҳкам ўзига тортиб Мансур, — йўлда сизни бир жойга олиб кираман, шунақанги овқатлар тайёрлайдики...

— Йўқ, аввал сочимни қирқтирай, кейин юрамиз унақа жойларда.

— Ҳозир қирқтирамиз. Энг зўр салонга олиб бораман.

— Йў-ўқ, — бошини ликкиллатди Каниза.

— Биласизми, сочингизни қандай қирқтирамиз?

Каниза Мансурга тикилди.

— Мана бундай, — у қўлини Канизанинг бўйинларидан айлантириб, деди. — Битта сурат кўрсатаман, ана ўшандай қилиб. Хўпми?

Каниза мамнун маъқуллади.

Улар уйга етиб келганларида соат тўққизлардан ошган эди. Телефон жиринглар, аммо олишга улгурмадилар. Мансурнинг эсига Нозима тушди, эртага боришни ўйлади. Бу ёғи энди ҳал. Эртага борса ҳам бўлаверади. Телефон қайта жирингламади. Ким бўлди экан бу? Мансурнинг дили бироз ғаш тортди. Эрталабки дадасининг телефони эсига тушди. "Бу чол қурғур, ҳеч тиниб-тинчимади-я. Унга нима экан? Мансур ёш бола бўлмаса?"

Телефон жирингларди. Гўшакни Каниза олди.

— Алло, — деган заҳоти овоз:

— Кимсан? Ҳой, менга қара, нима қилиб ўтирибсан у ерда?..

Мансур Канизанинг аҳволини кўрди-ю, гўшакни дарҳол қўлидан олди:

— Ким у?

— Мансур? — келинаясининг овози. — Ҳа? Осмонга чиқиб кетдизми? Оёғиздан тортиб тушириб қўядиганлар йўқми?

Мансур гўшакни ташлади. Турган ерида серрайиб турган Канизага қаради.

— Парво қилманг, узангидан тушмаган келинаям бор... Ҳалиям вилоятни хўжайиниман деб, ўйлайди. Вой бечора-ей... — Канизани елкасидан тутиб юпатди. — Шунақа, ғалати бу хотин. Хафа бўлдингизми?

— Йў-ўқ, — деди Каниза афтодаҳол. — Сизга хўжайин кўп экан.

— Қанақасига хўжайин бўлсин?

Телефон яна жирингларди. Мансур телефон вилкасини суғуриб ташлади. Дили ғаш тортди. Ҳамма нарсага зоҳиран ҳақдор, оғзи калон яна қўнғироқ қилишдан тап тортмайди. Нима қилиш керак? Гўшакни қўймаса бўлар экан. Ҳозир ўғлининг машинасига ўтиради-ю, шартта бостириб келиши ҳам мумкин, бу шалава. Эшикни очмайди, вассалом.

Падарига лаънат телефон пировардида мазмунли, кўтаринки, лаззатбахш оқшомга қўланка ташлади. Мансур, Каниза энди ўша квартирага ҳозироқ олиб бориб қўйинг дея, тиқилинч қилади, деб ўйлади. Аммо Каниза ҳеч нарса бўлмагандек ўтираверди, бир вақт:

— Мансур ака, — деди оҳиста, — мен ўша ёққа кетганим маъқул.

— Шундай қиламиз, фақат, Нозима касалхонадан чиқсин.

— Ҳаммасига, майли, мен кўнаман, — деди у бошини қуйи солиб.

У ниманидир айтмоқчилигини Мансур сезди, ўзига тортиб, бошини кўксига қўйди-да, оҳиста силади, "гапиринг" дегандай қучди.

— Фақат, битта шартим бор... — деди Каниза.

— Айтинг! Хўш?

Каниза жим қолди, ичидагини айтмади.

— Каниза? — қистовга олди Мансур.

— Йў-ўқ, ўзим, — деди холос Каниза.

XIV

— Агар мундоқ кайфиятда, ўзингизни қийнаб ётаверсангиз, бари муолажа ҳам, бизнинг уринганимиз ҳам бефойда, — деди ҳаким Нозимани обдон текшириб. — Оёққа туришингиз керак, ҳаракат керак.

— Шундай қиламиз, — сўз берди Нозима.

Ҳаким чиқиб кетди. Ёлғиз қолган Нозима "оёққа турмасам турмасман, — деб ўйлади. — Ўшанда қўрқоқлик қилдим. Дорини ҳаммасини ичиб юборсам бўлар экан. Мен ҳам, улар ҳам қутуларди". Ўйламай деса ҳам, ҳар хил ўйлар тинимсиз ҳужум қиларди. Бир дам омонлик йўқ эди. У ҳозир ўйлайверишдан фойда йўқлигини, энди тақдирга тан бериш лозимлигини минг чандон такрорламасин, ўзига-ўзи юз марта ваъда бермасин, Мансурнинг бир келганича келмагани, у билан бу ишга сўнгги нуқта қўймагани сабаб, ўртаниб ётарди. Бошқа аёл бўлганда

www.ziyouz.com kutubxonasi

шартта-шартта иш қилиб, кўзини сийдигини оқизиб ўтирмасди. Нима қилсин, Нозима шундай бўлса? Одам ҳар хил бўларкан-да. Бор-ей, дейишнинг эса, ҳеч иложи йўқ. Шунинг учун эзилар, кўзига ўлимдан бошқа ҳеч нима кўринмасди. Қанча одам келиб-кетяпти. Кўпчиликка билдирмаса ҳам, ҳол-аҳвол сўровчи яхшиларнинг кети узилмайди. Одамларни ҳали оқибати бор экан. Тоғаси келиб кетди. Тоғасининг қизи келди, таниш-билиш, дугоналари ҳам хабар олишиб турибди. Дўхтирлар ҳеч кимга унчалик парвона эмас. Битта Мансур йўқ. Номард. Ақалли бир марта калла суқса эди, Нозима масалани ҳал қилиб оларди. Йўқ. Ҳеч қандай дарак йўқ.

Одам қийналиб-қийналиб, ҳамма нарсага кўникади, аммо яқин кишинг бундай ишни қилгандан кейин, нима қилишингни билмай қоларкансан. Бир томондан энди келди нима, келмади нима? Масала ойдин — унинг ўша қишлоқи хотинга кўнгли кетиб бўлди. Нозима тақдирга тан бериб, бош олиб кетавериши керак. Ҳеч қачон кундош билан у эшикда туролмайди. Бу аниқ. Мансур келса, гаплашиб олса-ку, ўзини бунчалик кўп қийнаб ўтирмасди. Келмади. Дадасидан юзини юлиб ташлаб, телефон қилган-қилмаганини сўради. Ҳар куни икки мартадан қатнаб, Нозима қолиб, қайнотаси бечора ҳам қийналиб кетди. Нозима чуқур уҳ тортди, девор томон бурилиб, кўзларини юмди.

Эшик очилиб, кимдир кирди. Яна қайнотаси.

— Вой дадажоним-ей, касал бўлмай мен ўлай, қийналиб кетдингиз-ку?! — деди у ўрнидан туриб олиб. Наби Мусаевич индамади. Қўлидаги нарсаларни стол устига қўйди.

— Узумнинг соки, — деди у беркитилган шиша банкага ишора қилиб. — Шуни ичасиз. Сизга энг фойдалиси шу. Ҳар куни икки дона олма ейиш керак. Юракнинг дориси олма. Дўхтирнинг дориси ҳозир туфта. Ҳамма мамлакатда ким бўлса дори чиқаряпти, сотса бўлгани. Илгарги дориларнинг учдан биричалик нафи йўқ бу дориларнинг. Дўхтир, — у стулга жойлашиб ўтирди, — нима деди? Қачон жавоб берар экан? Мансур мендан қочиб юрибди. Ўзим бормаяпман. Сиз билан бирга бораман.

Нозима индамади.

— Анча ўзингизни олдирдингиз-а, қизим? Кўп ўйламанг, соғлиқ биринчи масала, — Наби Мусаевичнинг гап

оҳангидан мақсади Нозимани чалғитиш, бошқа нарсаларга алахситиш эканлиги сезилди. У вақтни бемалол қилиб келганга ўхшарди. — Мен сизга бир китоб олиб келдим. Қайтишда бераман. Ана шуни бир ўқийсиз. Бу дунё ғурбат эканига ишонасиз. Сизнинг ташвишингиз нима бўлиб қолибди, айрим мушкулотларнинг олдида.

Нозима каравотга жойлашиб ўтириб олди.

— Ҳаво ўтган йилгидай келади, шекилли. Ўтган йили ҳам совуқ ноябрнинг охирида тушганди. Декабрни бошида қор ёғди. Кейин дами чиқиб кетди. Бугун кунгай бўлиб турибди. Ҳаво яхши. — Наби Мусаевич ўрнидан турди. Доим кўтариб юрадиган папкасидан бир китоб олди. — Манг, бу китоб таниқли ёзувчининг китоби эмас-у, аммо хўп ёзган экан. Сизга, бир шўх жувоннинг хотиралари. Азамат, хўп Мансурвойдақа ҳожиларни ясабди-да. Нимани хоҳласа, қилаверади кўнглига келган ишни. Ким нима деса, десин. Мен Худодан бошқа ҳеч нарсага ишонмайман. Ҳурфикрлилик позициясида тураман.

Нозима "бошланди" деди, ўзига-ўзи. Энди домла собиқ талабасини яна ўқитади. Бугунги мавзу: ҳурфикрлилик ва дин, охири эса диний экстремизм, айрим таъмагир муллалар... ва ҳоказо. Нозима ҳар ҳолда чалғиди. Хурсанд бўлди. Сабр билан эшитиб ўтирди. Домла ҳам хурсанд. Маърузасига шу қадар берилиб кетдики, Нозима қулоқ тутяптими-йўқми, ўз хотиралари билан бандми, ҳатто одоб учун "ҳа, ҳа" ҳам демай қолдими, ҳаммасини унутди. Хаёлида Нозима тузалиб кетди. Уни зериктирмаслик керак, деган фикр ҳукмрон. Дин хусусида барча мия конспектларини роса варақлаб чиқди. Илк мажусийликдан тортиб, антик илғор даврлар, у пайтдаги динга эркин муносабат, энг қадимий динлар, будда, конфуцизм, оташпарастлик, зардуштлик, эрамизнинг 114-йилида Исо Масиҳнинг туғилиши, Рим цивилизацияси, фараончилик, Понтий Пилат, Синай ярим оролида Исо Масиҳнинг чормих қилиниши, унгача авлиё Павелнинг сотқинлиги — катта жилдли тарих, шунингдек, Омина она эри ўлимидан етти ой кейин сўнгги пайғамбарни дунёга келтиргани, уни Маккага элтишиб, энг яхши исмлардан табаррук Муҳаммад исмини беришгани, авом ва жоҳил Қурайш қабиласига энг нурли ва пок, Аллоҳ севган йўлбошчи юборилганини эълон қилгани, XVII асрда уни ислоҳ қилиш ҳаракати пайдо бўлгани, инглиз разведка маркази Ҳаммер исмли инглизни Туркия орқа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ли Жиддага жўнатгани, у овози ўткир, сўзи таъсирчан Абдулваҳҳоб исмли талаба билан танишиб, ваҳҳобизмга асос солгани, хуллас, ҳеч нарсани қолдирмай чарчагунча гапирди. Ора-сира томоқ қириб, чойнакдаги чойдан қуйиб, ҳўплаб ҳам турди. Охири маъруза маҳаллий муллачиликка тақалди. Жумладан, баъзи муллаларнинг бир ёқлама, саёз фикрлаши, диний саводхонлик даражаси, демократия ҳар қандай замонда устувор эканлиги, диний эркинлик яна бошбошдоқлиқ ва ўзбошимчаликка олиб келиши хусусида талай фикрлар билдирилиб, жонли мисол тариқасида ҳазрати Хизрнинг қабри яқин туманларнинг бирида, қандайдир хонадонда экани, ҳамма ўша хонадонни тавоф қилиб юрса, яқинда у муборак қабр бошқа хонадонга кўчиб қолгани, яъниким, кейинги хонадон соҳибининг хобида ваҳий тушибдики, асли ҳазрати Хизр нариги хонадонда эмас, айнан шу хонадонда Аллоҳ васлига мушарраф бўлгани келтирилди. Энди, аҳли тавоф у хонадонни тавоф этаётган эмиш.

Нозима шу ерга етганда, қизиқиб қулоқ тутди. Домла қаёқдан куч топди, худди мойи тугаб, сўнгги марта лоп этган осиёдек ўчиш ўрнига бирдан жўшиб кетди.

— Бизда, — деди у, — туя ёнғоқ қиляпти деса, югургандек, ҳамма нарсага эргашиб кетилаверади. Муни кўрингки, иккинчи хонадонга одам сиғмаяпти эмиш. Эски ёқдаги хонадоннинг эгалари жиққамушт бўлиб, қийпичоқ. Ё тавба! Бир мундоқ ўрганиб, илмий асослаб гап гапирмаймиз. Муллаю эшонларга баҳо бериш ҳам шунинг ўзгинаси. Римда Ритуаллар консигнацияси деган Рим папасининг бир бўлими мавжуд, у пайғамбарликка, валийликка даъвогарларни ўрганади, илмий-илоҳий мақом беради.

Профессорнинг мойи тугади. У лоп этиб ўчиб қолди. Ҳориб, адойи тамом бўлди, шекилли, ён томонда бўш турган каравотга тикилди. Унга ўзини ташлашга илож йўқлигидан ҳансираб тин олди. Ўзининг ўрнига Нозимани қўйиб:

— Ётиб, бироз дам олинг. Сизни ҳам роса чарчатдим, — деди.

Дарҳақиқат, Нозиманинг кўнгли озаётган эди. Профессор ҳам ҳакиллаб қолди. Хайрлашиб, оёғини судраб чиқиб кетди. Нозима оғриган белини чўзди. Яна ёлғизлик, яна ўша машъум ўйлар ҳамроҳлигида ухлаб қолди. Уйғонганда, тепасида Мансур турарди. Кўзларига ишонмади. Шу заҳоти ҳамма ўйлари, тайёрлаб қўйган, хаёлан машқ қилган аразу гиналари учиб кетди.

— Тинчликми, ишлар кўпайиб кетдими? — деганини ўзи ҳам билмай қолди.

Мансур индамади. Унинг ёнига ўтириб, қўлларини силади. Нозима тескари ўгирилди, бурнини енгил тортди.

— Нега йиғлайсиз, Нозима? — Мансурнинг овози самимий, яқин эди.

— Соғиндим... — энтикиб, яна бурнини енгил тортди Нозима. Мансур хўрсинди.

— Дўхтир билан гаплашдим.

— Раҳмат, — овози узилиб-узилиб сўзлади Нозима. — Ўша куни келиб-кетганингиздан кейин... Мени шу ёққа олиб чиқишди. Яхши қарашди...

— Узр, келолмадим.

— Тинчликмиди?

— Тошкентга боришга тўғри келиб қолди, чақиришди, — ёлғонлади Мансур.

— Ишингиз битдими?

— Битди, — ишончсиз деди Мансур.

— Мен бу ёқда хавотир бўлдим.

— Билдим.

Нозима нимани сўрай олмаётганини Мансур сезди.

— Йўқотдим...

Нозима яна деворга бурилди.

— Уйга олиб кетинг, мени... Уйимизни жуда соғиндим... Бу ерда сиқилиб кетяпман...

— Хўп, фақат тузалиб олишингиз керак.

— Яхшиман, кетаман...

— Дўхтир яна икки кун турсин деяпти, роса сўрадим...

— Яна сўранг...

— Уни...

— Ундан гапирманг... Илтимос...

Мансур икки қоши ўртасини қашийверди.

— Нозима, жуда қийналиб кетдим...

— Биламан... — Нозима унинг елкаларини силади.

— Сизга қанчалик оғир бўлмасин, гаплашиб олишимиз керак... — Мансур ишончсиз гапирди. — Унга уй олиб бердим...

— Қаердан?

— Шаҳардан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қанақа уй?
— Квартира.
— Ўша ерда турибдими?
— Ҳа.
— Қачон ўтди у ерга?
— Сафарга кетишимдан олдин.
— Нима деяпти?
— Нима дерди, хабар олиб турамиз, дедим.
— Мен хабар олавераман... — анча жонланди Нозима.

Мансур қаттиқ ўйланиб қолди.

— Бирга ҳам хабар олаверамиз, — Мансурга боши билан суркалди Нозима. — Уй ёлғизми?
— Салима опа қараб турибди.
— Уй олиб бериб яхши қилибсиз. Ўша билан...

Мансур энтикди.

— Хурсанддир, одамгарчилик шунчалик бўлади?.. — сўради Нозима.
— Ҳозирча ҳеч нарса дегани йўқ.
— Уйдан осон кетдими?
— Ҳа.
— Бошқа ҳеч нарса сўрамадими?
— Йўқ.
— Қишлоғини нима қиларкан?
— Ўзи билади-да...
— Пул сўрамадими?
— Пулга анча кўзи тўқ.
— Наҳотки?
— Рост.

Нозима Салиманинг гапини эслади. "Оладиганини олиб бўлгандир-да", ўйлади у. Нозима чиндан енгил тортди. Чунон қийналиб, азоб чекиб оттирган тонгларининг пуч бўлиб чиққани, бекор-бехуда тортган уқубатларига ачинди. Масала у ўйлаганчалик эмас, тескари, ўзи истаганидек ҳал бўлганига қувонди. Шу тобда у фақат Мансурдан эмас, Канизадан ҳам мамнун бўлди. Бутун олам кўзига гўзал кўринди.

— Дадам бечора кунига икки мартадан келади. Келманг десам ҳам, унамайди. Ўртоқларингиз хотинлари билан келишади. Ҳаммаси сизнинг ҳурматингиздан.
— Уларни ҳам анчадан буён кўрмайман.
— Улар ҳам шундай дейишди. "Ишга шўнғиб кетган, унинг ташвиши бизнес" дейишди. Ишларингиз яхшими, ахир?

— Яхши кетяпти.
— Текширув нима бўлди?
— Тинчиди.
— Хайрият. Жун свитерни киймабсиз?
— Ҳаво иссиқ, қор кунлари совуқ бўлди-ю...
— Кран ёрилмадими?
— Тузатиб қўйдим.
— Ўрайман деб, улгурмадим.
— Темир нарса тузалади-да...
— Итни олиб бордингизми? Яхшими? Дяд Володя нима деди?
— Ҳеч нарса, "нормальний" деди-ю...
— Ўшаям туғади...
— Қўйинг энди, бу гапни.
— Мени олиб кетинг, Мансур ака.
— Эртага. Дўхтир ҳам кетиб қолди...
— Ҳозир кетаверайлик, эртага келиб, подарка-модарка бериб, гаплашиб кетаверамиз.
— Ўзимизча кетсак, хафа бўлади.
— Кета-аман, — эркаланди Нозима.
— Эртага. Бир кун сабр қилинг.

Кўнгли тўлгани учун Нозима бунга, албатта, рози эди. Мансур эса, бугун ё эрта, Канизани хафа қилмай, кўчиришни ўйларди. Шунинг учун, ҳар эҳтимолга қарши, Нозимани бир-икки кунга бу ерда ушлаб туриши керак эди. Учрашувдан Мансурнинг ҳар ҳолда кўнгли тўлди. Энг асосийси, кўнгилқолди иш бўлмади. Нозима аразлаб йиғлаб, уни қон қилмади. Тўғри, Мансур ёлғон гапирди. Буни ҳам Нозиманинг кўнгли учун қилди. Дадаси: "Ёлғон гапириш категоррически имонсизлик", дегани билан ёлғон ҳам ўз ўрнида муросаи-мадора. Мансур кетиш учун қўзғолди. Нозима ўрнидан туриб кузатди. Коридоргача чиқди. Анча қўлини қўйвормай турди. Коридорда, деразаларнинг олдида турган хотин-халажлар ҳавас билан тикилишди. Мансур, кўзларини хотиржам бўлинг дегандек юмиб, хайрлашди. Нозима ортидан қараб қолди. Мансур коридордан тез юриб, бурилиб пастга тушиб кетди.

Нозима тирилиб қолди. Яхши бўлди, унга бир зумда ранг кириб қолгани-чи. Хонага кириб, Мансур олиб келган халтани очди. Мевалару ширинликлар, сувлар, юмшоққина нону ўралган шашлик, пармуда сомсаларни олди. Иштаҳаси қўзғади. Чойнакка чой дамлаб келди. Тузук-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кина овқатланди. Қанақадир куйни ғинғиллаб, деразадан қоп-қора оқшомга тикилганча, томоша қилиб турди. Ташқарида жуфт-жуфт бўлиб, қорайиб кўринаётган бахтли одамларга ҳаваси келди. Ҳаёт қандай фараҳли.

Чироқни ўчириб, ўрнига кириб чўзиларкан, ширин хаёлларга берилди. Эрининг ўзга аёл билан бўлганлиги бироз дилига озор етказса-да, зарурат юзасидан бўлганлиги учунми, бу хаёлни тез қувди. Ундан қутилгач, эри билан ўтган осуда, шавқли онларни энтикиш билан эслади. Эркак кишини аёл учун шунчалар яқин ва азиз қилиб яратган экан.

Оз қолди. Эрта ўтиб, индин эрининг, ўзининг энг яқин одами қучоғида бўлади. Аёл кишига бундан ортиқ саодат борми? Аёллик бахти, Нозимани наздида икки нарсада: бири шу, иккинчиси танасидан чиққан болага кўкрак тутиш. Шуниси насиб қилмади. Майли, бу ҳам пешона. Энди Мансур акасига суяниб қолди. Аллоҳ шундан айирмаса бўлгани. Умрини зиёда қилсин. Нозимага ундан олдин кетиш насиб этсин. Усиз у дунё-бу дунё чидамайди.

Бу ширин хаёллар, тилакларнинг чек-чегараси йўққа ўхшарди. Кўзи юмилмас, юмса ҳам, хаёллар гирдоби уйқудан-да лаззат бағишлар, маъшуғига ошуфта юрак эса тинимсиз энтикарди. Туннинг тоши зилдай оғир, коридор сув қуйгандек жим-жит. Ўзининг масрур хаёллари билан у фақат субҳидамда хайр-хушлашди.

У уйғонганда кун кетиб қолибди. Дўхтирлар оромини бузмабди. Ҳамшира шундай деб, укол қилиб чиқиб кетди. Унга номаълум куч кириб қолганди. Ҳаракатлари илгаригидек қатъий тус олган, бирон нарсани ушласа, қўли титрамас, яна иштаҳаси жойида. Шу боис, бетқўлини ювиб, юмшоқ сочиққа артинди. Сочларини тартибга солиб, каравоти анжомларини текислади. Чой дамлаб, тамадди қилди. Мева-чевалар, ширинликлар, пармудалардан дастурхон тузаб, ҳамширани чақириб, тутқазди. Энди ўтириб, кеча қайнотаси қолдириб кетган китобни ушлаган ҳам эдики, ҳансираганча овсини кириб келди.

— Вой, Худога шукур-эй, ойдеккина бўб қопсиз-у, Нозима тушмагур? — деди у салом-алик қилиб ўпаркан.

— Яхшиман, опа.

— Яхши бўлинг-э, анави кундош ярамасни ўзингиз қувинг-э! Иссиқ мошхўрда олиб келдим, совумасдан ичиб олинг, укажоним, — деди ўроғлиқ идишни кўрсатиб овсини.

— Кундошни Худо олсин, — деди хушчақчақ Нозима. — Йўқолиб кетибди.

— Вой қаёқда, кеча телефон қилсам, ўша пашшахўрда олди. Ўзиниям туғилганига, Мансур суюқни қўшиб икки пул қилдим-та.

Нозима ғалати бўлиб кетди.

— Кеча? Шу ерда эканми? Мансур акам ҳам-а? — унинг ранги оқарди.

— Ҳа, гаплашдим, таъзирини бердим, деяпман-у?

"Наҳот Мансур ёлғон сўзлаган бўлса, кўзимга боқиб туриб алдаган бўлса! Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Балки, кеча уни кеткизиб келгандир? Бўлмаса, йўқолди демасди-ку?! У ҳеч ёлғон гапирмаган. Сафарга бордим дегани ҳам ёлғон экан-да?!"

Нозима ранги ўчиб, каравотга ётиб қолди. Овсини саросимага тушиб:

— Нима, яна приступми? Дўхтирни чақирайми? — деди ва ўрнидан турди.

— Йўқ, — деди Нозима, — ҳозир ўтиб кетади.

Овсини ўрнига ўтирди. Қанақадир гап бошлади. Нозима қийшайиб ётар, қулоғига энди гап кирмасди. "Наҳотки? Бу лаққи каттазанг кеча телефон қилмагандир? Бир ҳафта олдинги гапни гапираётгандир? Яна ким билади? Мансур кўнгил учун алдагандир?"

Овсини каловланиб жўнади. Нозима уни зўрға туриб кузатди.

Бутунлай кўрпа-тўшак қилиб, титраб-қақшаб ётиб олди. Ҳеч ўзини босолмади. Ранги бир ҳолда чиқиб, бош ҳаким хонасидан уйига телефон қилди. Гўшак ушлаган қўли тинимсиз қалтирарди. Телефон узоқ чақирди. Уйда ҳеч ким йўқ. Ярамас овсини ёлғон гапирган. Мансурнинг қўлига телефон қилди:

— Мен.

— Нозима?

— Ҳа, мен.

— Тинчликми? Тушдан кейин бораман.

— Уйга телефон қилган эдим, ҳеч ким олмади.

— Мен ишдаман, уйда ҳеч ким йўқ.

— Хўп, — деди Нозима ва гўшакни қўйди. Кўнгли бироз ёришди. Яна овсинини қарғади. "Хайрият".

www.ziyouz.com kutubxonasi

XV

Мансур шу заҳоти уйга телефон қилди. Телефон сассиз. Анча кутди. Телефон узоқ-узоқ чақирди, аммо ҳеч ким олмади. "Хайрият, — енгил тин олди Мансур, — яхшиям кеча анови телефон қилиб, телефонни узиб қўйганим, энди зудлик билан Канизани кўчирмасам бўлмайди".

У тезроқ идорадаги ишларни бир ёқлик қилиб, анчамунча нарсаларни Қодирхўжага тайинлади. Соат ўн бирдан ошган эди. Эрталабки телефонни ҳисобга олмаса, бугун кайфиятни бузиши мумкин бўлган ҳеч қандай ҳодисот юз бергани йўқ. Бу одамга Мансурнинг нимаси хуш келмай қолган, ҳеч билолмайди. Айтганини қилади, узатиб туради. Яна нима қилиши керак? Мансурга тиш қайрагани-қайраган. Аслида, Мансур бунақанги кимсалардан анча-мунча пулни аямайди. Билади, бу паразитларнинг ҳаёт тарзи шу. Туғилибдики, турмуши бировларнинг елкасида. Дурустроқ амалдор бўлса ҳам майли, нари борса ўзи бир югурдак. Хўжайинига пойи-патак, пилдирагани-пилдираган. Бир куни ҳузурига чақирганда, Мансурнинг олдида хўжайинига телефон қилди. Бир эшилди-ей, телефонда. Иложи бўлса, гўшакни ичига кириб кетса. Яна нима дейди денг: "Мен шу ердаман, ҳеч ташвиш қилманг. Қийналиб қолмадингизми, уларни етаклаб юришнинг ўзи бўладими? Машинангиз озгина офтобда қолган экан, энг салқин жойга олдириб қўйдим. Ҳеч ташвиш чекманг. Майли, уйга ўша ёқдан кетаверсангиз ҳам бўлади. Керак бўлса, кечаси билан ўтираман, йўқ, ўтираман..." Мана шундай югурдак, Мансурга осилади-да. Асли, Мансурга сира алоқаси йўқ. Мансур улар мутасадди давлат идорасида ишламайди, у хусусий тадбиркор, унга бўйсунмайди. Тинч қўймайди-да, Мансурнинг пулдорлигини билади, осилиб олган. Ҳар бир гапида "хўжайин айтди, хўжайин тайинлади". Уларга меҳмон келишидан кўпи йўқ. Мансур балогардон. У, албатта, битта Мансурни топиб олмаган, бошқа бечораларнинг ҳам битини териб турса керак. Ундан дод деган одам кўп. Аммо йўқолмайди, хўжайин ўзгаради, бу ўзгармайди, яна янги хўжайиннинг қўлтиғига совунсиз кириб кетаверади. Пул олса, олиб ўлсин, хабар келиши билан Мансур дарров одам жўнатади, айтганини қилади, қаерга деса, ўша ерга айтган нарсаси етиб боради, жўнатган

ходими ўша ерда "лаббай" деб туради. Барибир, ўзи келмадими, бу каттазанг деб ғингшийди. Тез-тез элчи жўнатади, хотинининг иштонидан тортиб Мансур қилиб беради, яна нимаси ёқмайди, Мансур ҳайрон. Яқинда бир гап эшитган эди — эрталаб, Эркинжон дўсти телефон қилиб: "Ўшандан эҳтиёт бўлинг, балодан ҳазар, садақа бериб қўйинг, менинг олдимда бир органнинг одамига сиз ҳақингизда ёмон гап гапирди, қисқаси шуни қандайдир йўл билан йўқотиш керак деб айтди", деди. Мансур унга нима ёмонлик қилди? Сентябрда хотинбола чақаси дам олишга борди, Мансур қиладиганини қилди. Пойтахтдан тўртта меҳмон бор эди, энг қиммат меҳмонхонага бир ҳафтага жой қилиб берди. Ўша ёқда сиртдан ўқийдиган ўғлининг курсдоши, унинг хотини, боласи, онаси келган экан. Супер хоналарда туришди, бир ҳафта ўша ресторанда еб-ичишди, мармар ҳовузда чўмилишди, ҳаммасини Мансур тўлади... Аслида, "катта меҳмон" — студент онасини қумга туширишга олиб келган экан...

Мансурнинг бўғилгани пулга эмас, пул олса олсин, аммо иззат-нафсига тегиб нима қилади? Энди йўқотмоқчи эмиш-а? Агар мана бундоқ икки хотинли бўлиб, бировнинг оиласини бузиб юрганидан ҳид олса борми, йўқотиши ҳам ҳеч гап эмас. Ўзи бир учраб, чўнтагига тиқади-да энди... Бошқа илож йўқ. Тезроқ Зокир бу ёққа ўтиб қолсайди...

"Йўқотиш керак" эмиш-а? Ўша йўқотадиганинг ҳам зар олади. Шунинг учун дарров ёпишади. Аммо Мансур қутилади, чунки зари бор. Бунақа ишларни кўраверіб пишиб кетди. Тадбиркорми, бошқами сал баданига сув тегиб бойиса, бунақанги маҳкамаларнинг одамлари аридек қувиб юради. Ҳаммасининг дарди зар. Мансур аяйдиганлардан эмас. Уларни ҳам кўчадаги тиланчиларнинг таъмагир тури деб ҳисоблайди, қараб ўтирмайди, халқумига тиқади, қутулади. Мансур саховатпеша. Кўринган тиланчига беради. Закот, хайри Худо. Маҳалланинг ҳар қандай иссиқ-совуғига аралашади, дарров пул ташлайди. Бева-бечора, зориққандан кўпи йўқ, унинг қўли очиқ, қуруқ қайтармайди. Кўча тўла тиланчи, бирортасининг узатилган қўлини қуруқ қўймайди. Шунда ҳам битта ярамас бундоқ деб юрса...

Мана, ёши ҳам қирққа боряпти. Бу тилла бош анчамунча ишларни кўриб қўйди. Ёшлигидан қўли очиқ. Ано-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ви луқмонлик бойларга ўхшаб, уста ишлатиб, иш битганда пул йўқ деб туриб олмайди. Студентлигида Нозимани тўлиқ қўллаб-қувватлаб турди. Ўзига олмаса ҳам, ўшанга ул-бул нарса олиб бериб юрди. Ахир ота-онаси, ака-укаси йўқ, тоғаси тоғаси-да, деди, ўкситмади. Мана Худо берди, ҳеч кимдан кам бўлгани йўқ. Аммо бошидан кўп иссиқ-совуқ кунлар ўтди, пул топаман деб Бишкек, Рига, Минск, Давгаувпилс қолмади, елди, югурди, тижорат қилди. Эшшакдек оғир, лекин ҳалол меҳнат билан пул топди. Иссиқни-иссиқ, совуқни-совуқ демай, бозорларда ўтирди. Қанча-қанча ноҳақликларни кўрди. Мансур кабиларнинг моли неча марталаб конфискация қилинди, олиб қўйилди. Булар шунчаки осон, унутилиб кетадиган заҳмсиз ишлар эмас. Яхши, кейинроқ акаси кўтарилиб, қарғаларнинг қаторига қўшилгандан кейин, иши бароридан келди, зоғлардан сал-пал эса-да, паноҳ топди. Аммо, заҳчалардек сур таъмагирлар, ана шулар чўқиса, ахир ўзи эплаб жавоб қилиб келяпти. Ҳаёт дегани ана шунақа экан-да, қаёққа борасан? Бекорга шоир:

Инсон борки, инсон турфа аралаш,
Амал, бойлик учун хўрлаш, савалаш.
Бир осмон остида ер, сув, мулк талаш,
Тўйдим сендан бир кам, омонат дунё.

дейдими? Ҳақ гап. Бу фақат мана шу замоннинг эмас, кўҳна дунёнинг иллати. Ўша Брехтнинг "акулалари"...

Мансур Эркинжоннинг гапи туфайли бу ўйларни фикр чиғириғидан ўтказиб, кабинетига ҳеч кимни қўймай, талай фурсат ўтирди. Хафа бўлди. Наҳот битта тамагир хоҳлаган гапини гапирса, хоҳлаган ишини қилса, тегмаганга тош отса, луқмасини ютса-ю, сўлагини тупурса? Мансурнинг унга тили-жағи тегмаётган бўлса, хотинини бўлишмаган бўлса, ўз йўлида юрган бўлса...

Мансур стол тортмасидан аёл суратини олди. Унга анча қараб ўтирди. Бугун Канизанинг сочини худди шундай кестиради. Мана шу суратнинг ўзи бўлади у? Унинг шу пайтгача бironта аёллар салонига иши тушмаган эди, бironта донғи чиққан сартарошни ҳам билмаслиги энди билинди. Бу масалада кимдан сўраш мумкин? Ҳеч кимни хотирлай олмади. Топилиб қолар.

Соат ўн иккида у уйига отланди. Каниза унинг эрта келганини тушунди шекилли:

— Кетдикми? — деди.

— Қаёққа? — тушунса ҳам ҳайрон сўради Мансур.

— Мени кўчиргани келдингизми, ахир?

— Ҳа, кўчириш қочадими? Аввал бошқа иш бор, — Мансур эҳтиёткорона иш тутарди.

— Барибир кўчиш керак бўлса, кўча қолай, менинг нима юким борки, тарақа-туруқ қилгани. Мана шу битта халтам...

Каниза жуда самимий гапирарди. У кўчишда ҳар ҳолда ўзгаради, осонликча кўчмаса керак, деб юрган Мансур ҳайрон бўлар, унга яна ҳурмати ошар, яхшилик қилгиси келарди. Каниза машинага юклари билан ўтирди, уйни тўла тартибга келтириб, йиғиштириб қўйганини, ҳамма нарса жойидалигини алоҳида таъкидлади. У хаёлланар, иккита хотин кўрган бўлса, иккаласининг ҳам гўзаллиги-ю, ақллилигидан Худога шукр қилар, айниқса, ҳозир Канизанинг тутумидан ўта бахтиёр эди. Дунёда яхши аёллар кўп. Аёл яхши бўлиши учун эркак яхши бўлиши керак, деган гап бор. Йўқ, шундай итфеъл аёллар ҳам борки, уларга иссиғу совуқ барибир, қандай дунёга келган бўлса, шундай кетади. Мансурга Худо хотиндан айтган, Нозимага гап йўқ эди, энди Каниза ҳар бобда ундан ошиб тушяпти. Ҳали фарзандли бўлиб, тиниб-тинчиб кетишса, Худо хоҳласа, ҳамма иш зўр бўлади.

Мансур йўлда муддаосини баён қилди:

— Мана бундай қилиб кестирамиз сочингизни.

— Қани? Чиройли экан. Менга ярашармикин?

— Одам ўзининг гўзаллигини ўзи тўла билмайди. Уни бошқа, шу гўзалликдан фойдаланган одам, ақлли бўлса, билади... — деди мийиғида кулиб Мансур .

— Шунақами? — деб қўйди Каниза ва: — Мансур ака, бир гап айтайми? — деди.

— Айтинг.

— Сочимни кестириш қочмайди. Мен сизни дедим. Сиз мени қандай хоҳлайсиз, мен ўшандай бўлишга тайёрман. Аммо, менимча, сал эрта. Мен шаҳар ҳаётига ўрганай, гап-сўзим мослашсин, айтганингизни қилиб, битта туғиб берай, ана ундан кейин мени хоҳлаган кўйингизга солиб, олиб юраверасиз.

Мансур бу эътирозни эшитиб, сал диққат бўлди, унингча Канизанинг бунга кўнмаслиги, айниқса, шундай ҳовли-кошонани индамай ташлаб, домга кўчиб ўтаётгани унинг тўлиқ бир фикрга келмагани, уйидан, эридан

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўнгил узолмаётганининг аломати эмасмикин. Бу ёқда, оғизда у-бу дегани билан, ҳали бир қарорга келмаган, демак, у тўлиқ Мансурники бўлмаган. Аёл киши дегани ўзи шунақа, минг юраги ёниб, орзиқиб турса ҳам, улар учун айрим майда-чуйда ўй-хаёллар асосий нарса бўлиб, сен иккинчи даражада тураверасан. Одамнинг сиқилгани, диққат бўлгани билан бу халқнинг унчалик иши бўлмайди. Ўша ўзининг миясидаги нарса ҳукмрон юраверади. Шунақа халқ бу аёллар. Аммо буюм, нарса бўлса, дарров ўзларини ташлашади, орқага суриб ўтиришмайди. Кўнгил ишларига келганда сусткаш, ичимдан топ бўлиб қолишади.

Мансурнинг хаёлига келган иккинчи фикр уни бироз тинчлантирди. Ҳар ҳолда Каниза эсли аёл эмасми, ҳали ўрнашиб-нетиб, қишлоқдагилардан узилиб, кейин бир иш қилай деяётгандир? Бирпасда шаҳарлик бўлиб, элу халқнинг кўзига модница бўлиб кўринишни истамаётгандир? Тўғри қиляпти. Эркак киши ўзи хаёлпараст бўлади, кўпроқ хаёлнинг қули, хотин киши эса хаёлга унчалик зеб бермайди, конкрет ишга мойил бўлади. Тўғри, ҳозир шошилмаслик керак экан.

— Хўп, майли, кейинроқ кестирамиз, унда ҳозир нима қиламиз? — деди Мансур машинасини секинлатиб.

— Ўзингиз биласиз, менга қолса домга бораверайлик... — таклиф қилди Каниза.

— Овқатланишимиз керак, олдин, — деди Мансур.

— Ўзингиз шошилтирдингиз. Шўрва тайёр эди. Кетдик уйга, уйда овқатланиб, кейин домга кетамиз, — астойдил гапирди Каниза.

— Йўқ, ҳозир бир жойга борамиз, — у машинани ўнгга қайирди.

Йўл бўйидаги хонадон-ошхонага келдилар. Ошхона катта, гавжум, дарвозага кираверишда шашлик кўрадан дуд кўтарилмоқда, кириб-чиқаётган хўрандалар кўп, машиналар бири кетиб, бири тўхтайди.

— Бу ерга кирмайлик, — деди Каниза, — одам кўп экан.

"Танишлар ҳам кўп экан", ўйлади Мансур ва машинани қайтарди. Ҳозирча кўча-кўйда Канизани етаклаб юриши тўғри келмас. Йўлдан кабоб олди, иссиқ нон, салат харид қилди ва домга йўл олди. Каниза бу ерда илгари бир бор бўлгани учун ўзини эркин тутар, бу эса

ўз навбатида Мансурга хуш келар, қолган иш энди фақат битта эди, яъни Нозимани шифохонадан чиқариш ва уйга олиб келиш. Ҳозир уни уйга бемалол олиб бориши мумкин. Лекин неча кунлардан буён Нозима уйга энди қадам қўймоқда, орада анча-мунча омади гаплар бўлиб ўтиб кетди, шу боис ҳам ҳозир Канизага қачон келишини Мансур айтиб кетиши зарур, бугун албатта кела олмайди, эртага эрталаб хабар олади.

— Каниза, — деди Мансур шошилиброқ, дастурхон устида жўнаб кетиш кўп ҳолда муаммоли бўлмаслигини билиб, — мен опангизни шифохонадан олиб чиқишим керак, у бугун уйга боради, битта-иккита одамлар келади, шунинг учун ...

— О-опамлар-а? — кўзларини киноялы сузди Каниза. — Бугун чиқалларми? Яхши, чиқсин. Ўзи бораверсин ўша уйига...

Мансур ҳайрон бўлди. Бироз илгари Каниза бошқача эди-ку, унга дарров нима қилди? У буни Нозима ҳақида гапирганига, Нозимани эслатганига йўйди.

— У жиддий ётди. Ҳозир уйга ўзи кела олмайди...

— Унда кўтариб олиб боринг...

Мансур ҳангу манг бўлиб қолди, Каниза унга жуда ажойиб қараш қилиб турарди. Бундай пайтда Мансурнинг хиқ жони чиқиб қоладиган одати бор, негадир бу гал аччиғи чиқмади, буни ўзи билди.

— Ҳали тувагини тозалаб туришингизга тўғри келар?..

Охирги гапни айтаётгандаги Канизанинг туриши Мансурнинг кўз қорачиқларига михланиб қолди. Унинг феъли тутди. Шартта туриб чиқиб кетди. Пастга тушди-да, "гувв" этказиб машинани юргазди ва кетиб юборди. Ҳеч қанча юрмай: "чатоқ қилдим, мундоқ бошқача, юмшоқ йўл билан тушунтирсам бўлар эди-ку, аёл киши, барибир рашк қилади-да, у ёш бўлса, яхши иш қилмадим. Қайтиб бориб, вазиятни тўғрилаб, кейин Нозимани олдига борсаммикин?" — деди ўзига-ўзи. Унинг оёғи аллақачон акселератордан узилган, машина катта йўлда тошбақа юриш қилмоқда эди. Йўқ, яхшиси, тезда Нозимани олиб бориб қўйиш керак, кейин бирон нарсани баҳона қилиб, Канизанинг олдига келиб, ҳаммаёқни жойига қўйиб қайтади. Энг тўғриси шу. Ишқилиб, унгача Каниза бирон иш кўрсатмасмикин? "Шунинг учун доим шошилмай иш қил, дейман ўзимга, ҳаҳ хом сут эмган банда". У

www.ziyouz.com kutubxonasi

машинани тезлатди, тез бориб ишни битказиб, Канизанинг олдига келиши керак. У ҳам бу ёқларда Мансурни деб юрган бир бечора. Ҳамма нарсасидан кечиб, Мансур учун юрибди. Уни ҳеч хафа қилиш керак эмас...

Шифохонага кириб борганда, Нозима ҳам зўрға сабр қилиб турган экан.

— Кетдик, — деди Мансур ва унинг юкларидан бирини кўтарди.

— Яна бироз келмасангиз, ўзим кетавераман, деб турган эдим, — деди зинапоялардан пастлар экан у. — Дўхтирлардан эрталаб жавоб олиб қўйгандим, ўшанда кетаверсам ҳам бўлар экан.

— Ишлар кўпайиб, тушдан кейин олиб кетаман, дедим.

— Майли, ҳали эрта. Дадамга айтдингизми?

— Ҳеч ким билан гаплашмадим.

— Эрталаб келган эдилар, роса суюндилар...

— Телефон қилармиз.

Нозима машинада шаҳар кўчалари бўйлаб борар экан, анчадан буён кўп нарсага бефарқ бўлиб кетганини, майда икир-чикирлар билан ўралашиб қолганини сезди. Шаҳарда анча ўзгаришлар бўлибди. Қурилишлар, янги бинолар, хуллас, шаҳар қиш бўлишига қарамай кўркамлашгани аниқ сезилар, йўллар ниҳоятда текис ва кенгга ўхшар, у ёққа-бу ёққа учиб ўтаётган енгил автомобиллар гўё илгаригидан кўпайиб кетгандек эди. У ер-бу ерда янги бинолар қад ростлабди. Шаҳар аввал бунчалик чиройли эмас эди. Айниқса, қора ойналар, ранглар, замонавий бинолар, хориж уйларини эслатувчи қурилмалар, айвонлар, дўконлар...

Мансур машинани тез ҳайдар, негадир тундга ўхшар, чамаси қаёққадир шошарди. Иши кўп-да, бу бечоранинг ҳам. Охири қадрдон дарвозаси олдига келиб тўхтадилар. Машинанинг эшиги очилиши билан ичкаридан Чаканинг гумбирлаган овози янгради, худди суюнгандек, қисқа-қисқа ангиллади ҳам.

— Дарвозани мен очаман, — деди Нозима.

— Ҳозир, иш бор, сиз тушаверинг, — шошилди Мансур, дарров машинадан тушиб, дарвозани очди, Нозиманинг нарсаларини тез олиб кирди, унинг қўлига тутқазди-да:

— Мен тез қайтаман, сиз уйга кириб, бемалол... — деганча машинага ўтириб жўнаб кетди.

Канизанинг оз-моз рашкига ўзини ўшандай тутганидан жониқиб, уйнинг қўнғироғини босди. Эшик ҳадеганда очилавермади. Мансурнинг хаёли дақиқалар ичида минг кўчага кириб чиқди. Кетиб қолган бўлса-я? Йўқ, охири ичкаридан овоз эшитилди. Каниза эшикни очди.

— Ҳа, бу ёққа олиб келдингизми? — деди у уйқусираб. — Кўзим кетибди. Бетон уйнинг ҳавоси оғир дейишар эди.

— Йўғ-е, — деди Мансур ўзини босиб. — Ҳовлига.

— Кўнгли ўрнига тушдими?

— Гаплашмадим, дарвозани олдига туширдим-у, келавердим.

— Бирпасгина кўнгил сўраб ўтирмабсиз-да?

— Тузукроқ ухлаб олармидингиз? — биринчи бор кесатди Мансур.

— Ухлармидим, қолармидим, нима қилсам қилардим, сиз бўлмаганингиздан кейин...

— Мана мен, энди нима қиласиз? — Мансур ечиниб, уст кийимларини илгакка илди.

— Машина қаерда туради энди? — эснаб сўради Каниза ошхонадан.

— Пастда.

— Биров тегмайдими бу ерда? Қанақа жой, қанақа эмас, Худо билади.

— Ҳали кетаман-ку.

— Кетаман? Қаёққа?

— Уйга.

— Бу ер уйингиз эмасми? Эҳ, билмабмиз. Ўйнашимнинг уйи денг? — Каниза ётоқхонага кириб, қайтиб чиқди. Мансур телевизор қўйди. У оромкурсига, Каниза эса диванга ўтирди. Орада қандайдир ёқимсиз ғашлик ҳукмрон эди. Мансурнинг илк бор Каниза гапирган гапларга ғаши келар, ҳозир унинг ўтириши ҳам ёқмаётган эди. "Ҳаммасига Нозима сабабчи, шу кунгача бирон марта бунақа ҳолат бўлмаган эди", ўйлади Мансур. Шу топда ўзи ҳам кўзига ёмон кўринарди. Бу нохуш ҳолатдан қутилиш чора-тадбирларини ўйларди. Нима бўлганда ҳам ўзини идора қилиши, вазиятни ўнглаши лозим. Асосан Канизани хафа қилмаслик керак. Ахир у, бир оғиз индамай, Мансурнинг кўнглига қараб, уйни Нозимага бўшатиб берди. Жанжал қилиб туриб олганда, нима қиларди? Ялиниб-ёлворишдан ўзга чора йўқ эди. Ҳозир мундоқ гапларни гапираётган эса-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да, бошқа ҳар қандай хотин ҳам гапириши мумкин, ичида бунга алами келиб турибди. Уни ҳам тушуниш керак. Энг ёмони, Мансур бугун қаерда бўлади? Уйга бормаса, яна бир бало. Каниза қолади деб турибди. Эҳтиётлик билан шу масалани ҳал қилиш керак. Гап айтишгандан нима фойда чиқарди? Кетишига Каниза кўнмаса-чи? Унда нима бўлади? Эртага Нозиманинг олдига қандай боради? Унга нима дейди? Асли, ҳозир бориб Тошкентга кетяпман, деб келса-чи? Каниза ювошгунча, бу ерга ўргангунча яхши бўлади. Аммо ҳозир шифохонадан олиб чиқиб, уйга элтиб қўйган хотинига бу гапни қандай айтади? У нима деб ўйлайди? Ундан кўра рост гапириб қўя қолиш керак. Унда-чи? Ростини айтса-чи? Йўқ, сира мумкин эмас.

Мансур ўйлаб-ўйлаб ўйига ета олмади. Худди гезаргандек телевизорга тикилганча ўтирган Канизага қарайди. У қайрилиб қарамади. Мансур унинг ёнига ўтди, елкасидан қучди. Каниза қимир этмади.

— Кетсангиз кетинг, кутаётгандир, — деди у бир фурсат ўтгач.

— Каниза, шундан гаплашмайлик, — деди Мансур, нима дейишини билмай.

— Йўқ, тўғри гапни айтяпман, — Канизанинг овози ўзгарди. — Барибир кетасиз. Билиб турибман. Мен сизга нимага керак? Ойдай хотинчангиз кутяпти...

— Каниза, — хити ошди Мансурнинг.— Каниза, бундай қилаверсангиз қандай гап бўлади? Мени сиқишми, мақсад?

— Нега сиқиласиз? Сиқилманг. Мен сиқилишим керак, мен шўрпешона... — Каниза йиғлай бошлади, ўрнидан туриб ошхонага чиқиб кетди.

Мансур бироз ўтириб, ортидан чиқди. У деразанинг бир қанотини очиб халати ёқаларини ўраб, чироқлари ёниб турган тумонат деразаларга, катта-катта тўртбурчак қорамтир уйларга қараб турганди. Мансур ортидан қучди. Каниза индамади. Қиш ҳавоси бўлса ҳам кўча-кўйни тўлдириб ўйнаётган болаларнинг қий-чуви оламни тутганди. Овозларини баралла қўйиб, уйлар оралиғидаги йўлаклардан маст-аластлар ўтмоқда. Бирин-кетин, шитоб билан кетаётган эр-хотинлар даҳанаки жанг қилишади, эри чидамай ғазабга миниб тўхтаса, хотини ҳам турган ерида тўхтайди. Уларнинг ортидан бир-икки томошаталаб болалар эргашган. Ўтаётган катталар ҳам қараб-қараб қўяди.

Дунё дегани, кундалик турмуш дегани шунақа ғалва экан. Бир уришиб, бир ярашиб яшайсан, киши.

Ташқаридан таъсирландими, Каниза:

— Биз уришмай яшаймиз-а, Мансур ака? — деди ва сочларининг ортини Мансурнинг ияк, томоқларига ишқади.

— Мен ҳеч қачон сиз билан уришмайман, жоним, — деди Мансур ҳам енгил тортиб, ҳам ийиб.

— Нозини йўқотинг, — ёш болаларча беғубор эркаланди Каниза.

— Хўп, асалим. Ўзи вақт келади...

— Унинг олдига бормайсиз-а? У билан...

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, асал. Сиз ҳам ҳеч кимга қиё боқмайсиз-а? — Мансур Канизани астойдил қучди.

— Сизга боғлиқ...

— Мен сизни ҳеч кимга бермайман...

— Жоним, мени бу ерларга ташлаб кетманг. Бу ерларни ёмон, дейишади.

— Хўп.

— Бугун кетмайсиз-а?

— Йўқ.

— Сўз берасизми?

— Ҳа.

— Қандай қилиб?

— Мана бундай...

Мансурнинг кўзи илинганига ҳеч қанча бўлмаган эди. Бир вақт кўзини очса, соат икки бўлибди. Турасолиб деразадан машинага қаради. У ўрнида қорайиб турибди. Шу заҳоти Канизага қулоқ тутди, у чиройли хурракча отиб ухлаб ётарди. Мансур дарҳол кийинди. Юраги гуппиллаб, сиқила бошлади. Уйга бориши керак. Ҳозир кириб борса, Нозима нима деркин? Ухлаб қолгани ёмон бўлди. Бир гап бўлар. Бирон нарсани баҳона қилади. Ғингшаса-ғингшар, Мансур ҳам нима қилсин? Калитни олиб, Канизанинг устидан беркитиб кетади. Саҳарлаб келади. Кўнглини тинчитиб келмаса бўлмайди. Ҳозир кетиш қанчалик малол келмасин, бормаса бўлмайди. Канизани уйғотсинми, йўқми? Уйғотмагани маъқул.

У эшикни ташқаридан аста беркитди. Машинага ўтирди-да, бир эснаб, йўлга тушди. Дарвозаси олдига келиб тўхтади-ю, энди тушай деб эшик очганда, дарвоза устидаги чироқ ёнди. Дарвозанинг зулфи тарақлаб очилди. Мансур машинани олиб кирди, гараж эшигини Нозима

www.ziyouz.com kutubxonasi

очиб улгурганди, нариги ёнга ўтиб парашют ёпқични олди. Машинани олиб кириб ўчирган Мансур:

— Ёпманг, эрта кетаман, — деди қуруққина.

— Тинчликми?

— Вагон келган.

— Ўша ердамидингиз?

— Ўзим қарамасам бўлмайди, ҳозир бировга ишонадиган замон эмас.

— Ювиниб оласизми? Ванна тайёр.

— Йўқ. Чарчадим.

— Овқат...

— Йўқ. Эрталаб.

— Сок-чи?

— Майли. Ўрик.

Нозима ошхонага шошилди. Мансур гараж эшигини беркитди. Ошхонага кириб ярим стакан ўрик шарбатидан ичди.

— Яхши кўрган овқатингизни қилиб эдим...

— Раҳмат, ухламасам бўлмайди.

— Юринг, ётинг. Ўзингизни бунчалик уринтирманг.

Мансур Нозимага анча тикилиб турди. "Бечора, лекин нима қилай? Ўзим ҳам қийналиб кетдим". У ётоқхонага кирди, тез ечинди-ю, ётди. Бир зумда ухлаб қолди. Нозима ухлай олмади. Унинг кўнгли эрида илдиз отиб улгурган, безовта, бегона, ночор, мажбурий ёстиқдошлик туйғусини бирмунча хира англар, бу шу кунгача зуҳур бўлган воқеалар, уларнинг натижаси ўлароқ юзага келган, қийнаган ўй-хаёллар оловига мой пуркаб, усиз ҳам қилтиллаб турган юрагига найзадек санчилар, истиқболдаги уқубатли, нурсиз жудолик кунларини яқинлаштириб, аъзои бадани ва борлиғига ўта мавҳум ва совуқ, эзғиловчи оғриқ киритаётганди. На илож? Дунёнинг бу талхи абадияси бир ёпишдими, энди у оқар сувдек олдинга интилаверади, бу асов тўлқинга ҳеч ким дов солиб, банд бера олмайди, бу нуқта янглиғ ҳақиқат борган сари Нозиманинг кўз қорачиғида катталашиб, тим қоронғиликдан аста-секин бўй кўрсатишга мойиллик билдираётган улкан гурзидек, унинг жигар-бағрини пинҳон эзарди. Бу аниқ. Бироқ инсонга Аллоҳ кўникиш, ҳақиқатга бўйин эгишдек олий хислатни ато этганки, ўша машъум гурзига ҳамоҳанг у ҳам аста бўй чўзади, инсон таскин деб аталмиш тоғни барпо этади, ўзини нималаргадир мажбур этиб, алахсишга, овунишга уринади. Ҳозир

Нозима ўз тафаккури мезонларида ана шу овуниш асноларини тахминлаб ётарди. Эсанкираш, куйиб-ёниш, бировдан, хоҳ яқин бўлсин, хоҳ узоқ хафа бўлиш, пешонасига муштлаш, тақдири азалдан нолиш, ҳамма нарсанинг ўз чеки-чегараси бор. Ўлимга маҳкум одам — маҳкум, уни ҳеч қандай куч ажал панжасидан қутқара олмайди, у энди нариги боқий дунёдан овуниш ва таскин қидиришга мустаҳиқ. Ҳаётнинг қонунияти шу. Бунинг олдида Нозиманинг ёрилган пучаги нима? Нари борса битта малҳам. Дардни берган Аллоҳ малҳамни ҳам беради.

Мансур чўчиди. У алаҳсирар, ким биландир олишар, тишларини ғижирлатиб тинди. Бироз ўтиб, яна шу ҳолга тушди. "Бечора". Нозима унинг устини яхшироқ ўради. Меҳмонхонадан бир парча нон келтириб, сочиққа ўраб, ёстиғи остига қистирди, Аллоҳдан унга омонлик, сокин уйқу, яхши тушлар тилади. Яна ўрнидан туриб, Мансурнинг туморларини топди, уларни ҳам бошига қўйди.

Мансур келгунча безовталанган ит тиниб қолганди, у яна безовта бўла бошлади. Таршердаги соат оҳиста чирқиллаб, тонгги бешга эшитилар-эшитилмас занг урди. Мансур уйғонди, кўзларини ишқалади-да, туриб кийина бошлади. Ит энди ҳуришга ўтди. Нозима тез кийиниб ташқари чиқди, уни кўрган ит катакда пайпаланди. Нозима гаражнинг эшикларини, сўнгра дарвозани очди. Мансур машинани юргизди-ю, дарвозадан чиқариб, елиб кетди. Ортидан қараб қолган Нозима "Аллоҳ ўзи ёр бўлсин", дея юзига фотиҳа тортди.

Эшикни қаттиқ ширқлатмай очиб кирган Мансур ечинди, совуқ қотган тиззаларини ишқалаганча Канизанинг ёнига кирди. Унинг иссиққина ортидан қучди. У тўлғониб "ҳимм" деди...

XVI

Нозима энди ўкинмади. Мана уйига келди. Яна ўша ҳеч ким йўқ уй. Мансур уни шифохонадан келтириб, уйга ҳам кирмай, шошилинч, ит қувгандай жўнаб кетгани, чўчиб, алаҳсираб, ухлаб-ухламай тонг саҳар яна гумдон бўлгани, бари ўша шифохонада сўнгги бор хулоса қилгандай, оилада юз берган бўҳроннинг оқоваси, давоми эканига шубҳаси қолмади. Дунё деган бозор, у сенинг ҳукмингга бўйсунмайди. Унинг ўз қонуниятлари, ўз ички ва ташқи зиддиятлари мавжуд, уни бошқариш,

www.ziyouz.com kutubxonasi

жиловлаш мумкин эмас. Ҳаёт — оқар дарё, унга қўшилиб оқмасликнинг ҳеч иложи йўқ. Ҳаёт бу бозор дунё, унда ким-кимга харидор, ким-кимни алдайди, харидор ҳам, молдор ҳам ҳеч кимга маълум эмас. Униси ҳам одам, буниси ҳам одам. Шунақа. Эр-ку бегона тан. Устингдаги кийиминг, чўнтакдаги пулинг, таққан тиллою зумрад, жавоҳиринг зумда бировники. Қани эгалик қилиб кўр-чи? Ўзинг ҳам, хешу ақрабонг ҳам, молу давлатинг ҳам, ўтирган уйингу кўрпа-тўшагинг ҳам, фарзанду аъмолинг ҳам омонат. Ахир, одамнинг ичида бино бўлиб, тўққиз дақиқа, тўққиз соат, тўққиз кун, тўққиз ой кўтариб юриб, жону мешингдан тўкилган фарзанд бировники-ю, қани эгалик қилиб кўр-чи? Кўриб турибсан-ку, онадан хотин афзал, отадан кўчадаги улфат. Илонбошлар саватбошлардан минг чандон яқин. Шоир ҳазилга олиб, бекорга:

Келса агар илонбошлар,
Дамланади дарров ошлар.
Келса агар саватбошлар,
Чимрилади шу дам қошлар.

Илонбошга уйилади лўла болиш,
Саватбошга эсдан чиқар тўшак солиш.
Илонбошга дамланади "тўқсон беш" ҳам,
Саватбошга дейилади — "у кам, бу кам"...

дейдими? Шунақа. Дарё пастга оқади, бола боласига боқади, дегани ҳам асли шу-ку. Дунё шундай тузилганки, мана шу ҳаётий қонуният. Бундан ҳеч ким ўкинмайди.

Бир куни Нозима телевизор кўриб ўтирган эди, бир кўрсатувни кўриб қолди. Номини ҳам билмайди, чунки у телевизор мурватини бураганда, кўрсатув бошланган экан. Ертўланамо "хата"да жиккак, қариб-чириган чол ётибди. Ертўла одам яшайдиган жойга сира ўхшамайди, гўё молхонанинг ўзгинаси. Чол зўрға нафас олади, кўзи кўр. Эски каравотга михланган. Ундан шу атрофдаги мурувватпеша бир-икки кампир Худонинг йўлида хабар олиб, оғзига луқма солиб, сув ичказиб қўяркан. Тележурналист чолнинг сўнгги аҳволотини кўрсатиб ҳикоя қилди, ҳалиги кампирлар билан суҳбат қурди. Улар елкасини қисиб, журналистнинг қийин-қистов саволига жавоб беришди. Айтишларича, чол ёлғиз, кампири қачонлардир ўлиб кетан, иккита ўғли бор, қаердадир узоқда яшар эканлар. Бир пайтлар катта бўлишиб, учирма бўлганларича, бу томонларга қайтиб келишмабди. Хат-хабар ҳам йўқ. Неча йилдирки, чол шу тариқа ётар экан.

Нозима бир нарсани тушунмади: бирдан экранда чолнинг Толик исмли ўғли бино бўлди. У чолга телефон қиляпти. Айтяптики, ўша чол, яъни отаси турган вилоят марказига хотини билан келибди, қайтиб кетаётган эмиш, бир телефон қилай, деб сим қоқаётган экан. Унинг телефон трубкасига айтганлари ҳамон Нозиманинг қулоғида жаранглаб турибди: "Бать, — дерди у ўрисчалаб, — хотиним билан шу ердан ўтиб кетаётгандик. Қалайсан? Узр, олдингга киролмайман! — У бақирмоқда, чолнинг эшитмаётганини билади. — Ўтиб кетаётгандик, деяпман! Майли, яхши қол. Энди нима ҳам қилардинг. Хайр. Олдингга боролмайман. Хотиним ёнимда. Болалар яхши. Майли, мабодо кўришмасак, алвидо..."

Шу ҳам фарзанд... Тўғри, у ўзбек эмас. Нима, бизда йўқми, ота-онасини ажалидан беш кун бурун гўрга тиқаётган, элу халқ ичида бошини хам қилаётган, туғилганига минг бор пушаймонлар келтираётган фарзандлар ёки озми?

Бир эмас, уч ўғли қамоқхонада бўлган, уларни турмадан кўриб келаётган бир хотиннинг қон йиғлаб Нозимага айтган гапи қулоғи остида турибди: "Бола бер, деяверар эканман-у, инсофи билан бер, демаган эканман, шуларнинг боридан йўғи яхшийди...". Нозима яна бир кишини билади. У жуда пулдор, яхши рўзғор кўрган одам эди. Болаларини ҳамманинг олдида папалаб, кабоб егизиб, еру кўкка ишонмай, елкасида опичлаб катта қилди. Боласи нима бўлди? Қимор ўйнаб, отаси миндириб қўйган машинасини ютқазди. Яна ўйнаб, отасининг молмулкини совурди, онасини тиллоларидан айирди. Уй-жойни ютқазди. Охири, ёшгина келин, хотинини ҳам тикди қиморга. Отасининг ажали етмай ўлди, оила батамом барбод бўлди. Мана, боланинг етган оқибати...

Мол-мулк талаш дунёда ҳатто муштипар онасини, хотинининг гапига кириб, кўчага чиқариб ташлаганлар озми? Мана шу маҳалланинг ўзидан нечта мункиллаган, ҳассага таянган қариялар мурувват уйининг деразасидан йўлга термулиб, паришонхотир ўтирибди. Шуларнинг ҳам бола-чақаси, емай-едириб, киймай-кийдириб ўстир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган қора кўзлари бор. Яқинда, анави районда нима иш бўлди? Машина талашиб, отасига болта кўтариб, бир фарзанд нонкўрлик қилмадими? Бир уйда туриб, ёнмаён яшаб, лоақал бир марта остона ҳатлаб, ота-онасидан хабар олмайдиган, бир парча нонини дариғ тутадиган фарзандлар камми? Хабар олиш у ёқда турсин, умр бўйи гаплашмай, юз кўрмай ўтаётганлар-чи? Эҳ-ҳе, бу арзу додларни кимга айтиб, кимга йиғлайсан? Шоир "Бағритошлик" шеърида ҳаммасини кўрга ҳасса қилиб ёзиб қўйибди:

Хаста отанг ётар ёстиқда боши,
Термулар эшикка кўзларда ёши,
Тураргa, юрарга етмас бардоши,
Бўлсанг сен чин фарзанд, хабар олсанг-чи!

Ўғлим бор, суянган тоғим деганди,
Неки топса емай, сенга берганди,
Фарзандим деб фақат сени суйганди...
Бўлсанг сен чин пайванд, хабар олсанг-чи!

Наҳот, хабар олиш шунчалар малол,
Нон-тузи кўр қилур, топасан завол,
Оқпадар бўларсан, бир кун эҳтимол,
Бўлсанг сен чин дилбанд, хабар олсанг-чи!

Ҳол сўрамас ука, тўрт уй нарида,
Кўримли кек сақлар дилин қаърида,
Бағритошлик ётар юрак-бағрида,
Бир томирдан бир банд, хабар олсанг-чи!

Аканг она юртин азиз деб билди,
Узоқ юртдан укам дея интилди,
Афсус, оқибатинг бағрини тилди,
Эй, ғофил, беписанд, хабар олсанг-чи!

Шунчалар хўрлими отанг, туққанинг,
Шумиди ҳаётдан сенинг уққанинг,
Ош бўлмас, билиб қўй, асло йиққанинг,
Виждонга бермай панд, хабар олсанг-чи!

Кўрқма, сендан асло нон сўрамайди,
Сени соғинади, жон сўрамайди,

Ҳеч кимса сенлардек, бил, хўрламайди,
Келтирма асал-қанд, хабар олсанг-чи!

Ўтгач, тополмассан асло гардини,
Армонлар бефойда қучсанг қабрини,
Борида қил ота-она қадрини,
Лаънат олма тирбанд, хабар олсанг-чи!

Шундай кезларда, энг оғир дамларда ҳам ота-она деган фарзанддан кеча олмайди. Ўғли олтмишга кирганда ҳам, ота барибир болам деб қарар экан. Кўзи юмилгунча, болам-бўтам деяверади. Бегоналашув тўлқинида фарзанд ўз бола-чақаси ғамида олға кетаверади, ҳеч қачон ортини ўйламайди. Орқада қолганлар — қолди энди. Невара-чевараға интилса-интиларки, аммо ота-онага интилиш, ортга қайтиш фақат мажбурият русумида амал қилади, холос.

Нозиманинг бир уй нари қўшниси бор. Қайнотаси сингари завжаси ўтиб, якка-ёлғиз туради. Айрим идораларда ишлаб ўтган бир киши, ҳозир нафақада. Илгарикейин бир тузук кўзга кўриниб, бирор ишни дўндириб ё маҳаллага, ёхуд бировга кўп ҳам нафи теккан одам эмас. Айтишларига қараганда, қайсидир халқ таълими идорасида умр бўйи ном-нишонсиз ишлаб юрган, хўб ичган, уйга кўчадан кам келган, хуллас, шунақа одам.

Ҳозир оёғи оғрийди, қаричилик, бир ўзи шу ерда, уйда. Кўча-кўйга кам чиқади. Унинг учта ўғли, икки қизи бор. Ўғиллари туппа-тузук жиддий йигитлар, уччовининг тагида машина, кечаю кундуз учала келин қайнотасидан уч маҳал хабар олишади. Эрталаб қўлида тугун биттасини дарвоза тагида турганини ё кириб кетаётганини кўрсангиз, туш пайтида иккинчисини, кечга томон учинчисини кўрасиз. Кунига шу, алмашиб-алмашиб, уч маҳал келишаверади. Бечораларнинг мундоқ гаплашиб ўтиришга вақтлари йўқ, қўли-қўлига тегмайди, овқатини дадасининг олдига қўйиб, уйда наинки иш бўлса, уй кўтаришдан тортиб, кир ювишу дазмол қилиш у ёқда турсин, ҳовлигача чиннидай ялтиратиб, дарвозанинг олдига сув сепишиб, супуриб, чиқиб ўтирар деб, скамейкага бир чиройлик тўшакни солишиб кетади, барака топгурлар. Қайси инсоннинг боласи экан-а, бу умринг узоқ бўлгурлар?

Нозима ҳам шуларни кўриб, улардан андоза олиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Наби Мусаевични кўкка кўтарадиган, бошига қўядиган бўлган. Ўрик ўрикни кўриб олаяди-да. Айниқса ўғилларининг яна бир жойига тан берадиган, ўша қўшнининг: Онасининг туғилган кунини, ўтган кунини маҳалладан оқсоқолларни чақириб, ис чиқаришиб, отасининг бешўнта эски улфатларини топиб келишиб, ўғилларию қизлари, қуёвлари, қудалари, қаришдош-уруғлари жамулжам тўпланиб ўтказишади. Уччов ўғлининг ҳам уй-жойи ўзига етарли, ўзларининг, хотинларининг туғилган кунларига биринчи шу дадаларини олиб бориб ўтиргизишади. Бир-бириникида бир маросим, тўй-тўйчиқ бўлса, ўлиб-тирилиб, уннаб юборишади. Қандай Худо ярлақаган зот туққан экан буларни дейсиз, ёқа ушлаб.

Ҳаёт экан-да, бунинг акси ҳам тўлиб-тошиб ётибди. Аммо ота-она фарзандни ёмон демас экан. Боши осмонга етиб суюнганини ҳам, ич-этини еб, ўлиб-тирилганини ҳам сиртига чиқармас экан. Ота-онанинг, айниқса, отанинг қарғиши ёмон дейишади. Буни Нозима ўз бошидан кечирган ҳисоб. Тоғаси Аъзамшонинг отаси бир сўзли, меҳрибон, жиддий одам бўлган экан. Уйланиб, кўз очиб кўрган хотинини ёқтирмай қолиб, бир-икки йил турмуш қилиб, битта қизлик бўлганда ажрашадилар. Хотини шаҳарлик бўлиб, қизини отага ташлаб кетади. Иккови икки томонда турмуш қурадилар. Онаси дом-дараксиз кетади. Азима, яъни Нозиманинг онаси ўгай она қўлида, дадасининг сояи давлатида ўсиб вояга етади. Бу орада ўгай онаси қатор фарзандлар туғиб, Аҳмадшо, Аъзамшо, Меҳринисо деган укалари Азимани опача-опача қилишиб, этагидан тутишиб катта бўлишади. Азима ўн учга кирганда, шаҳарлик, ўзининг онаси томондан элчи келади. Онаси қизини бир кўргиси бор экан, отаси рухсат берса, шу ерга, қишлоққа келиб, бирорта янгасиникида кўриб кетса. Бу гап отага етказилади. Ота ўйлаб кўришини билдиради. Бу ердаги хотини билан маслаҳатлашиб, чунки Азиманинг ҳақиқий тарбия қилган онаси энди шу, уни четлаб ўтиб, бир иш қилиш ҳеч қайси қаричга сиғмайди, шунинг учун кейинроқ жавоб беришини айтади. Хотини: "Берган нон-тузимга розиман, у ҳам она-да, ичидан ўтганини ўзи билади, ичидан сидирилиб тушган, кўрса, кўрсин, менинг ҳеч қаршилигим йўқ" дея розилик беради. Азиманинг онаси ён қўшниникига тушиб, бир хотин билан икки-уч соат ўтириб, Азиманинг дийдорига, оз-моз бўлса-да, қониб кетади. Боласини бағрига босиб йиғлайди-сиқтайди. Энди шунақа-да, ҳаёт қонунига ким нима дея оларди, бозор дунё. Азиманинг ўгай онаси кириб, у хотинни Худони зорини қилиб, уйига олиб чиқа олмайди. "Йўқ, раҳмат, — дейди у хотин, — у ёқдаги дадаси бунисиникига кирганимни эшитса нима дейди?" Хуллас, истиҳола қилиб, шаҳарлик хотин қизи билан икки-уч соат арзи дил қилишиб қайтади.

Бир куни қиз ўгай онасига, онасини кўргиси келаётганини айтиб, кўзи намланди. Ўгай она шу хотин келиб кўриб кетгандан буён қизда қандайдир ўзгариш бўлаётганини сезиб юради. Орада у хотин яна бир-икки келади-ю, бироқ эридан сир тутади. Онаси-ку, ахир. Бу қиз қовоқ-тумшуқ осилтириб, онамни кўргим келяпти, деяверганидан кейин ўгай она ташаббус кўрсатиб, отасини кўндириб, келинаяси — катта ёшдаги кампирни қўшиб, шаҳарга бир кечага юборади. Энди, ана шундай бордикелди бошланади. Аммо навбатдаги боришларнинг бирида қиз уч кун келмай қолади. Отасининг бу ишларга ёмон қарашини билган ўгай она потиллаб қизни олдиртирди. Қиз эса норози. Тунд. Қовоқлари уюлган. Гўё ўзи ўсган, улғайган уй зиндон. Укалари этагини тутиб ўрганган, йўқ бўлса, опа, опа қилиб йиғлашади. Хуллас, боланинг кўнгли далада бўлиб қолади. Шундай боришларнинг бирида қиз умуман келмай қўяди. Шунда ўгай отанинг аҳволини ҳис қилиб, унга билдирмай, катта ўғлини олиб, ўгай она якка ўзи ўғли Аҳмадшо билан шаҳарга боради. Азима улар билан, укаси йиғласа ҳам, аяси яъни ўгай онаси зорланса ҳам кетишга кўнмайди. Онаси эса елка қисиб: "Нима қилай, кўнмаса, урсам катта қиз бўлса?" дейди. Аячаси, Аҳмадшо йиғлаб қуруқ қўл билан қайтиб келишади.

Аҳмадшонинг дадаси пандавоқи одам эмасди, у хотинига: "Ҳаммасини билиб турибман, тек қўй, бу ўша онасининг иши, катта қилиб қўйганимда керак бўлиб қолди, фақат сен боққан эдим, деб хафа бўлма, сенинг олдингда хижолатман" деб, Аҳмадшонинг онасини юпатган бўлади. Азима энди у ёқда. Орадан бир-икки йил ўтиб, у ёқдан яна элчи келади. Бир эр-хотин қўлида тўртта ширмон тугилган қийиқ, отасидан фотиҳа сўраб келади. Отаси уйда йўқлиги учун меҳмон эру хотин узоқ ўтиришди, Азиманинг ўгай онаси топганини жаз-жуз қилиб, уларнинг олдига, дастурхонга қўяди. Иттифоқо, ташқарида меҳмон хотин билан гаплашиб ўтириб, Азиманинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўйига тайёргарлик кўриб қўйилгани, шунга дадасининг оқ фотиҳасига келишгани тўғрисида хабар топади. Ўгай она бечора берган нон-тузию қийналганларини ўйлаш у ёқда турсин, ишқилиб, энди бир қиёмат бўлмасин деб, таҳликага тушиб қолади. Чунки, эрининг феъли унга беш қўлдай аён, ўзи сахий, қўли очиқ, эслик-ҳушлик, меҳрибон одам эса-да, қаҳри қаттиқ, айтган гапидан қайтмайдиган, бир сўзли одам эди. Унинг устига-устак шу нарса маълум бўладики, куёв бўлмиш ҳам чалкаш масала — Азиманинг онаси теккан чолнинг ўғли, Азиманинг ўгай акаси экан. Икки меҳмоннинг ташвишида югуриб-елиб юрган аячаси қиёматдан қўрқиб турган чоғда эри келиб, бу гаплардан хабар топади, узоқ ўйланиб ўтирмай, меҳмонлар олдида қўлини кўтарди-да: "Оқ қилдим" деб юборади. Икки хотин йиғлайди, эркак меҳмоннинг рангги ўчиб, хотинини олиб қайтиб кетади. Аячасининг қувваи ҳофизаси етган жойи шу бўлади-ки, ота ўн уч-ўн тўрт ёшгача боқиб қўйса-ю, уни авраб олиб кетиб, берса ҳам, нега бегонага бермайди, чолининг ўғлига ҳадя қилади, бу қиз ҳамма нарсага ақли етиб қолган экан-да, ўша болани кўрди-ю, ҳузур-ҳаловатини кўзлади, унга ота керак эмас, эр керак, эркак керак, деди, бу заҳри қотил. Бу ёқдаги гапга қарамай, ҳеч қанча вақт ўтмасдан, Азиманинг тўйи бўлгани, ўшанга турмушга чиққани ҳақида хабар келди. Шу билан ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолавергандек бўлди...

Орадан уч-тўрт йил ўтиб, қишлоққа яна хабар келди. Куёв билан келин келишармиш, аячаси билан дадасини йўқлаб кетишармиш. Шу кундан эътиборан аячаси Азиманинг дадасини маҳкам ушлаб олди. Мақсади шу эдики, бу, тупурган тупугини қайта оғзига олмайдиган одам, ишқилиб йўлга юрсин, улар оқ фотиҳа сўраб келишаяпти. Аячасини назарида эри бу ишга кўнгандек, чунки, улар келиши яқинлашгач, ўзи ҳаракатга тушиб қолди. Колхозда актив эди. Обрўсига яраша иш қилди. Қўшни юртдан кўтос олдириб, куёвнинг оёғига сўйдирди, катта тўй қилиб берди. Колхоз активлари, райондан катта-катта меҳмонлар, маҳалла-кўй, қариндош-уруғ, узоқ-яқинлар тўпланди. Тўй бир чиройли ўтди. Куёв-келинга сарполар қўйилди. Кузатиш кези келганда, машинага чиқишиб, катталар томонидан отага "қани, қўлни очинг, фотиҳа беринг" дейилганда, у индамай бурилиб кириб кетди. Мажбур олиб чиқишди. Қўлини очди, аммо: "Рози

эмасман" деди. Барча уввос солиб йиғлаб юборди. Хотини, Азиманинг аячаси: "Вой-дод, қора ўзгаг-а, қора ўзгак" дея нола қилди. Тўй азага айланди. Азима йиғлаб кетди ва шу кўздаги ёши билан умри ўтиб кетди. Узоқ яшамади. Фарзанд доғи сўнгакларини куйдирди. Қаратмаган табиби, дўхтири қолмади. Ундан бошқа бирорта укаси безурёд бўлмади. Отанинг қарғиши урди бу қизни. Минг қийналиб, югуриб-елиб, даволаниб, етмиш жойга ис чиқариб, Худога ялиниб ёлвориб, шу Нозимани туғди, туғди-ю, ўн йиллаб излаган фарзандини на қошини кўрди, на кўзини, киндигини кесиб бўлгунларича жон таслим қилиб бўлди...

Ўй-хаёли шу ерга келганда, Нозима чидамади, овоз чиқариб, йиғлаб юборди, кўзига неча йиллар азоб тортган онасининг пажмурда гавдаси кўриниб кетди. Нозима дунёга ёлғиз келди ва мана энди ҳам ёлғиз қолди. Унга онаси ҳам вафо қилмади. Оға-иниси йўқ одам устунни қучар экан. "Эҳ, дунё! Мени шундоқ қилиб, ўзингизга завол қилиб яратиб нима қилар эдингиз, онажон? Сизнинг ўрнингизда мен бахтиқаро, мурғак гўдак ўлсам бўлмасмиди? Биров онага зор, биров болага..."

Нозиманинг дуди фиғони аста-секин ариди, кўзлари ёшдан қуриб, бир нуқтага тикилиб қолди. Шийпонда, туманда ўлган болалар... Ота-онага зору хор эмасми, шулар? Отаси онангга бор деса, бу ерда ўгай ота сиғдирмаса, онаси отангга бор деса-ю, у ерда ўгай она сиғдирмаса?

Кўчада қолган опа-ука етаклашиб, у қишлоқдан бу қишлоққа қатнайвериб, охири, борганимиз билан барибир ҳайдашади деб, қуюқ туманда дала шийпонига бориб ётишибди. Тунда бир-бирини маҳкам қучоқлаб, кўзларида даҳшат қотиб, совуқда ўлиб қолишибди. Беш яшар, саккиз яшар болалар-а? Ер ютса бўлмайдими, ўша эрни, хотинни деган, ота-онани? Мана шунақа дунё бу.

Бу бозор дунё барибир қизиқ экан. Мана, Мансурнинг ҳам харидори топилди. Фақат сизни дейман, дейдиган, онтлар ичадиган одам учди-кетди. Каниза энди унинг борлиғига айланди. Бу шундоққина сезилиб турибди. У шу яқин ўртада. Уни қаергадир бир жойга жойлади Мансур. Ё уй олиб берди, ё... Ишқилиб иккови бир жойда. Мансурнинг кўзига ҳозир ҳеч нарса кўринмайди. Ўшандан бир қадам жила олмайди, пийпаланиб ўлади энди, бунинг характери шунақа. Энди уни тўсиш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг, қийнашнинг ҳожати йўқ. Роса ўйла, Нозима. Энди ҳеч ўкинма, хафа ҳам бўлма, ўзингни ўзинг қийнама. Пешонангда бор қисматдан қаёққа қочасан? Нима қилсам бўлади? Ахир якка ўзим бу ерда туравермайманку?! У энди келмайди. У шунақа одам. Келса ҳам уялганидан, одамларнинг гап-сўзидан қўрқиб келади. Ўзига қолса, умуман келмайди. Нима қилиши керак? Унинг бу ерда ҳеч қандай илинжи йўқ. У ҳеч қачон уй, мол-мулк учун ўзини пастга урмайди. Нозимага ҳеч нарса керак эмаслигини беш қўлдай билади. Шунинг учун уй-жой, мол-мулк масаласида ҳеч қанақа муаммо чиқмайди. У ҳамма ёқни ташлаб кетаверади ҳам. Ёмғирни тўхтатса бўлади, лекин янги хотинга отланган эркакни тўхтатиб бўлмайди. Майли, охири бахайр бўлсин. Ҳозирча сабртоқат керакка ўхшайди. Шошилиб бўлмайди. Фақат унга эрк бериш керак. Нозима, унинг шунча йил хизматини қилдинг, энди охирида ёмон кўриниб қолма, унга у-бу деб юрма, яна кўзнинг кўзга тушиши бор...

Телефон жиринглади. Нозима қайси хонада экани, нима қилаётганини энди англади. Гўшакда Мансурнинг нафасини сезди.

— Нозима... — деди у тўкилган, худди қалтиragандай овозда. — Қалайсиз?..

— Яхши...

— Мен узоққа командировкага кетяпман... Ташвиш чекиб ўтирманг. Иш чиқиб қолди... Ўзим бормасам бўлмайди...

— Майли, майли, яхши бориб келинг, — деди аъзои бадани титраб Нозима, телефон ёнида турган стулга ўтириб қолди.

У тиришар, қанчалик ўзини босишга уринмасин, ўзига кела олмасди. Яхши, бироз давом этган бу ҳолат кейин даф бўлди. "Дарров ўрганиш, бу ҳолатларга мослашиш қийин, — ўйлади у. — Ҳозиргина айтдим-а, у энди жила олмайди, фақат мендан ташвиш қилади, холос. У ҳеч қаерга бормайди, шундай демаса бўлмайди ҳам..."

Энг ёмони Нозиманинг қўли ҳеч ишга бормаяпти. У йўқ, уйлар анча бетартиб ҳолга келган, ҳар бир нарсани артиш, яъни жой-жойига қўйиш керак, ошхона, ванналарни бир тартибга солиш лозим, ҳаммаси иш, бироқ қўли бормайди. Қаерга қарамасин, Мансурни ёдга соларадиган нарсалар турибди, улар Нозиманинг бахтли, суянчиқли кунларидан ёдгорлик. Улар ҳозир ўз маъносини йўқотган арзимас нарсалардек туюлар, дилга ғашлик соларди.

Кеча шифохонадан келиб, Мансур ташлаб кетгач, ҳаммаёқни бир-бир айланиб, кўздан кечириб чиқди. Уй бегона кўринди кўзига. Ҳамма нарса гўё ифлосдек, уларни тозалаш керакка ўхшарди. Ҳамма жойга исириқ солиб чиқди, баъзи нарсаларни ётган еридан олиб бир четга ташлади.

Эрта-индин ювиб, тозалаш керак. Ошхона ҳам, ванна ҳам бетартиб, илгариги беғуборлик йўқ эди. Бу, кўпайишиб, орзулари ушалмаган уйда учта эдилар — Мансур, Нозима ва Чака. Мана энди иккитаси қолди — Нозима ва Чака. Битта Чака мамнун эди. Нозима у ёқ-бу ёққа ўтса, ингиллаб қувонарди, холос. Тунда энг ёмон ит ҳам энг яхши одамдай гап.

Дарвозанинг қўнғироғи чалинди. Бу Салима. Эрталабдан буён шу учинчи марта чиқиши бўлса керак. Яхши хотин, аммо ҳозир Нозиманинг у билан гаплашишга тоқати йўқ. У ҳам бозорчи хотин-да. Ундан гап олиб бунга, бундан гап олиб унга, машғулоти шу, буларнинг. Ҳеч кимни кўргиси ҳам, гаплашгиси ҳам йўқ Нозиманинг. Шунинг учун тушгача телефонини ҳам узиб қўйган эди. Қайнотаси хавотир бўлади, у билан гаплашиб турмаса, тинчимайди. Эрталаб роса телефон қилган бўлса керак. Улагандан бери телефон қилгани йўқ, битта Мансур қилди, холос.

Майли, Салима кирса-кирар. Ён қўшниси, иссиқ-совуғида бирга. Аммо у ҳам насиҳат қилиб, қонига ташна қилади. Нозима чиқиб кетаётган эди, телефон жиринглади.

— Ассалому-алайкум, дада, ха, ха, уйдаман. Тинчлик. Йўқ, у киши ишда эдилар, телефон қилишди, бир жойга бориб келар эканлар. Ҳа, йўқ, сўраганим йўқ, кеткизган бўлсалар керак. Ҳа, шифохонадан обкелишди, келсам ҳеч ким йўқ экан. Йўқ. Ҳа, ўзим. Бордингизми? Овора бўпсиз. Дўхтирлар айтишгандир? Ҳа, яхшиман энди. Овқат олиб бораман, нимага? Хўп, хўп, эртага бораман бўлмаса. — Нозима гўшакни қўйиб, дарвозага қулоқ тутди, у ёқда тинчлик эди.

Яна телефон жиринглади.

— Алло, мен. Нозимахон?

— Ҳа, мен. Чиқаверинг, шу ердаман, — Нозима

www.ziyouz.com kutubxonasi

дарвоза томон юрди. Кичик эшикни очган эди, уйи томондан Салима чиқди.

— Вой, қўшнижон-ей, эрталабдан бери наҳот неча марта қўнғироқ чалсам... — кўришди у. — Уйдамисиз? Телефон қиламан, ҳеч ким олмайди. Ҳайрон бўламан. Кеча қизим Мансур тоғам аямни олиб келдилар, деди. Энди келганингиз учун кеча безовта қилмай дедим. Тузукмисиз, эгачи? Вой, хайрият-ей, ўзизга насиб қилсин-а, бу ерлар-а. Анови йўқолдими? — сўради у ошхонага киришар экан.

Нозима елкасини қисди.

— Йўқолган йўқ, — астойдиллашди Салима. — Ўша сиз келишингиздан бир соат олдин ҳам шу ерда эди.

— Ҳа, бўпти, Салима опа, қўйинг шу гапни, — Нозима газ ёқди.

Салима ҳайрон бўлди. Нега Нозима бундай деяпти? Ахир Мансур билан Каниза тил бириктириб, уни алдамоқчи бўлишяпти-ю? Бунинг бепарволигини қаранглар...

— Ҳой, Нозимахон? — деди Салима яна кўзларини катта-катта очиб. — Уйларингиз жойида эканми? У ўлгур, ҳеч нарсангизга тегмаптими? Шундай хавотир бўлиб ўлдим.

Нозима индамади, дастурхонга ул-бул қўйиш билан овора бўлди. Салима яна:

— Қаерга олиб бориб қўйди экан бу қишлоқини? — деди.

— Унисини билмайман... Менга буни қизиғи ҳам йўқ...

— Тўғри, асосийси бу ердан кетдиям...

— Ҳали Худо билади.

— Нега ундоқ дейсиз?

— Айтаманда. Дунёни кўряпсиз-у. Баъзи ишларга нима дейишни ҳам билмайсан одам, — деди Нозима ва нон ушатди. — Бозорлар қалай?

— Э-э, нимасини айтасиз, ўша бозор... Ҳамма бир-бирини алдаб ётибди. Пулдорлар маззасини қиляпти. Ҳозир денг, одамлар шунақанги нахал бўлиб кетяптики, тиккасига келиб, ё пул бер дейди, ё нарса сўрайди. Бир грамм уят, андиша қолмаяпти. Ёш болларни айтинг, қўли чўзиқ, пул сўрайди холос.

— Ҳа-а... Денг: анавини излашиб келишибди. Яхшиям мен, қор ёққан куни эди-да, бозорга чиққаним йўқ эди. Биттаси, куёвининг тоғасими, дадасими, излаб кепти. Қишлоққа бориб, ҳаммага Уфада ишлаяпман, салат қилиб сотяпмиз деб, ёлғон гапириб, бошини қотириб келган экан. Энди уч ой келмайман депти. Бу жувонмарг ўлгур шундоққина бўш-баёв эрингизни бошини айлантириб... Сут-қатиқчилар бозорга келиб туришади-да, ўшалар гап топиб келишади, хар хил... Онасиям ғирт ўйноқи экан-да. Нозима "яна бошлади" деб ўйлади ва чой дамлашга тутинди. Салима тушунди, қўшниси бу ҳақда гаплашмоқчи эмас. Шу боис жағи тинмай бошқа гапларга тушиб кетди, тилдан-тилга кўчаётган бозордаги ҳангомалару ўғрилик-тўғрилик, таксимоторга берилган тўққизта "Матиз", автоҳалокатлар, вилоят шифохонасидаги аҳвол, янги йилга сотиш учун олиб келинган "поқ-поқ"лару бозордаги долларчилар, носкашларнинг бозорнинг нариги чеккасидан бу чеккасига кўчирилгани, бозорнинг билчиллаб лой бўлган томонлари қолмади. Охири Салима эҳтиёткорона, бозорнинг ҳали бетонлар билан беркитилмаган эшигидан чиқиб, маҳаллага етиб келди, энди маҳалладаги олди-қочди гаплару қўйди-чиқдилар, боласини онасига қолдириб, эрга тегиб кетаётган эрсираганлар, неча йилдан бери рамақдажон бўлиб ётиб, ўлмасдан фалончиларнинг тик туриб чиқиб кетган жонлари, хуллас, гапирмаган гапи, кирмаган кўчаси қолмади.

Нозима бу гапларнинг айримларини эшитди, қолган вақтда ўзининг ўй-хаёлига берилиб "ҳа" ё "ҳе" деб ўтирди. "Яхшиям, шунақанги одамлар бор, анча-мунча гапни унутасан".

Ва ниҳоят Салима:

— Сизниям қулоғингизни қоқиб қўлингизга бердимми? — деди. — Маҳаллада тузук бир гаплашадиган одам йўқ, қуриб кетгур, ҳамма борган сари ўз инига биқиниб олиб, ўликми, тирикми, нишонаси йўқ. Бир томони шу ҳам яхши, сал одамнинг қулоғи тинч туради...

У ўрнидан қўзғолди. Нозима уни кузатди. Саламанинг охирги сўзини эслаб, шундоқ бўлгани минг марта афзал деди. Ҳеч ким билан бировнинг иши бўлмаса қандай яхши.

Ошхонани тартибга келтириб, бир ёқли қилгач, ҳувиллаб, юракка ғашлик солувчи катта уйни қулфлади. Ўзи, кўпинча яхши кўриб ўтирадиган кичик уйга кириб кетаётиб, Чаканинг емишини берди, у ёқ-бу ёққа қараб ичкари юрди. Ғам-уқубат одамни Аллоҳга яқинлаштиради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳажга кетиш олдидан ўрганган намози ёдига келди. Ичкари кириб, қаердадир турган "Сиз намоз ўқишни биласизми?" деган китобчани қидирди. Негадир, шу топда иши, мактаби ҳам эсига тушаётганди. Китобчани топди, ўзига нақадар ёқадиган каравотига ўтирди, оқ рўмолини ўради, китобчани варақлашга, бошдан-оёқ қоидаларни ўқишга тушди, суратларга тикилар экан, яна хаёли қочди.

Тўхта. Осонликча оғзидагини олдириб қўяверадими? Ҳаётдаги у билган одамлар — аёллар, қанчадан-қанча китоб ўқиган бўлса, ҳамма қаҳрамонлар тақдир-қисматига бўйсуниб қўя қоладиларми? Ахир, одам ўзи учун курашади-ку! Нима иш бўлдики, у дарров чекинса? Ие, шунчалар ожизми у? Одамлар нима дейди? Кетказ ўша бетаъсирни! Қараб турсанг, у нима хоҳласа қилаверади. Унга худди сенинг бўшлигинг керак. У курашяпти. Сенинг эрингга, молу мулкингга, уй-жойингга, қариндош-уруғингга эга бўлмоқчи. Ҳамма сен томонда. Қонуний никохда турибсан. Битта Мансур у томон. Майли, у хафа бўлаверсин. Унинг хафа бўлишга ҳаққи бор-у, сеники йўқми? У сени ўйламагандан кейин, сен уни ўйлаб нима қиласан? Унинг хафа бўлишга ҳаққи ҳам йўқ. Хафа бўлса, бўлаверсин. Бир куни кўзи очилади, ана ўшанда ўзига келиб, ноҳақликни тушунади. Ҳозир уни кўр қилиб қўйди. Дуою афсунларга кўмиб юборгандир? Сен нега қараб ўтирибсан? Нима, сенинг қўлингдан ҳеч нарса келмайдими? Рост-да...

XVII

Ҳай-ҳайлашиб қолмаганда, Самад нақ Ражабни еб қўйган бўлар эди. "Энди қайнонангга уйланиб ол, отангга тўймаган Ўткирби, ҳеч бўлмаса сенга тўйсин" эмиш-а, аблаҳ, ит эмган. Самад тўғрима-тўғри ҳазил-ҳузул қилиб, ўша ердаги бекорхўжалар билан кулишиб, отамлашиб турган эди. Ҳали тузук-қуруқ оғзи винога етмаган, ҳозир ким ҳам қуйиб берай деб турибди, дўконни ҳар оқшом пакка қилиб олган, чўнтагида ҳемири йўқ озурдатомоқ хомтамалар билан ҳангомалашиб кулса, ҳе йўқ, бе йўқ, томдан тараша тушгандай, Ражаб сангин — пештахтага енг тираб турган баччағар шундай деб кесатса-да. Усиз ҳам алами ичига сиғмай, кимнинг гўштини есам экан дея, қонсираб юрган Самад унинг ҳалқумидан олди, пийпаб қўйишига бир баҳя

қолганда, осилишиб, ўртага тушиб қолдилар, бўлмаса, нақ калласини узиб, ўша оғзидан чиққан Ўткирбининг дорига осиб қўйган бўларди.

Ҳозир, совуқдан еб-ютаман деб турган қоп-қоронғи уйига келиб, Самадга алам қилди. Нега уни ҳайдашмай, Самадни кеткизишди? Айб Самаддами? Бу кимсасиз қора катакда нима қилади у кеч пешиндаёқ? Девор билан гаплашиб ўтирадими?

У фуфайкасига қаттиқ ўралиб, қора совуқ ҳукмрон ташқарига чиқди, тўғри Ибодулла амакисиникига йўл олди. Ботир "коляска"да пул бор, аммо бир тийин бермайди. Бошқа одамларга беради, чўлоқ, Самадга ҳеч қачон бермайди. Нариги акаси, Шокир тузукроқ. Доим оғзидан сув келиб, ширилламатиб тортиб тургани билан, биринчидан, уйда хотинининг олдида ўтиради, кўча-пўчада санқимайди. Иккинчидан, чўнтагида пул бўлсаёқ, биров сўраса беради. Ботир песга ўхшаб ҳисобчи эмас. Самад дупур-дупур қилиб, оёқ қоқиб Шокирникига кириб борди. Хотини энди овқат сузган экан. Хотин кишида, овқати устига текин томоқ келиб қолганига бир турилиб олди-ю, чап қовоғини андак кериб, эрига бир қаради, қозон бошига кетиб ўтираверди. Шокир Самад билан яхши кўришди, дастурхонга ўтказди, хотинининг шўрвасини олдига суриб: "Ол, ол, ич, ич" қилди. Овқат вақти эканигами, унинг сўлаги кўпайиб, шир-шири тезлашиб қолганга ўхшарди. Ё Самадга шундай туюлдими, яна билмади. Қорни сурнай чалаётган Самад овқатни паққос туширди, тушираётиб, роса нонни тўғрагач, ўчоқ бошида ўтирган келиндан қалампир сўрагани ҳаммасидан ошиб тушди. Келин зўрға шайтонга ҳай берди. Самаднинг сурбетларча сўрови жавобсиз қолди, на келин, на Шокир бирон белги бермади. Тақдирга тан берган Самад ошқозонининг бир томони қалампир илинжида тўлмай туришига қарамай, бўккан ноннинг устига озгина сувидан қуйса, айни муддао бўлишини ўйлаб, косани бўшатиб, ялаб қўйди. Оғзини кафти билан артди-ю, шу очиқ турган ҳолда нос ҳам ташлаб қўя қолишни кўзлаб, Шокирга:

— Носдан ол, — деди.

— Чўнтагимдан носни опке, — буюрди Шокир ўчоқ бошида тақдирга тан бериб, қолган шўрвани ичиб ўтирган хотинига.

Ўша томондан "дақ" этиб косанинг ерга қўйилган

www.ziyouz.com kutubxonasi

зардали овози келди. Ўрганиб қолган қулоқлар бунга парво қилмади, шунда узоқроқдан учган носқовоқ Шокирнинг кўксида қаршиликка учраб, қучоғига беозор юмалади. Шокир пинак бузмай, носқовоқни Самадга узатди. Самад носқовоқни қулоғига яқин тутиб, қоқиб кўрди, тиқмасини панжаси орасига қистирди-да, сўнг кафтига қоқди, "Қолмапти" деди-ю, охиригача отиб қўя қолди. Шокир шўрлик тамшаниб тинди. Роса нос элтиб, кайф қилгач, Самад носли тилини яримта қилиб:

— Шокир, уч-тўрт сўм бериб тургин, — деди оғзидан нафас олиб.

Шунда келиннинг сабри синди, шартта туриб, эшикка чиқиб кетди. Шокир чўнтак кавлаб, у ён-бу ённи қашиб, қўйни томондан беш юз сўм пул чиқарди. Узата туриб, юз сўмни қайириб қолди.

— Носга, — деди у.

— Тўғри бер, — қўлини узатди Самад, бир кўзини юмиб, очиқ оғзидаги нос сўлагини тўкмасликка уриниб.

Келин айвоннинг муз совуқлигига қарамай, кир ойнали деразадан беш юз сўм Самаднинг қўлига ўтгунча қараб турди, сўнг шаддод юриб, нариги хонага кириб кетди.

Самад қайтди. Қоронғи кўчага кўзи мослашгунча, кундузи чайилган лой кўчанинг берчларига қоқиниб, текисроқ томонига ўтди, дала ёқалаб, келар экан, ўртада бир бойтеват, илиққан итлар галасига учради. Энгашиб, ердан кесак олган бўлди, шарпа қилиб, итлар галасига қуруқ қўлини кўтарди, улар парво қилмай, ўз дарди махрилари ортидан аста эргашганча, дала томон ўтиб кетдилар. Самаднинг эсига Каниза тушди. У ҳам шунча шаҳарликни илиқтириб юргандир, қанжиқ. "Ҳап санимми? Қўлимга ҳам тушасан..." Ўйининг давомига жуда хунук сўкинишни илова қилди. Ҳали ҳам оғзидан сўлак келтираётган носнинг аччиғини қириб, чакса қилиб тупурди.

Дўконга етиб келганда, винохўрларнинг машварати айни авжига чиққан эди. Ражаб кўринмасди. Унинг ўрнида Мақсуд ғурум пештахтага енг тираган, олдида учта шиша бўш, тўртинчиси очиқ турарди.

— Э-э, бормисан, биродар? — зимдан кулиб қарши олди Мақсуд ғурум. — Мана шу шишада ризқинг тўкилиб турган экан, акаси, келақол, от, — деди.

Ёши элликларга борган "Камаз"нинг шофёри Мутал гарангдан ташқари ўнтача улфатлар тебранган, Мутал гаранг афтидан ҳозиргина келганга ўхшарди. Мақсуд бўшаган учуқ пиёлага шу заҳоти винодан қуйди, аввал Мутал гарангга тутди, у иккала қўли билан пиёлани итариб:

— Йўқ, йўқ, ука, эртага рейсга чиқаман, бола-чақага рисқ қиламан деб кетяпман, фақат келиб, ўзим эрийман, — деди.

— Хўб, хўб, шу холосми? — деди Абди фаросат. — Олинг, ичмасез иккита қуясиз...

— Укахоним, кўрдим демай ютади, — деди Мақсуд ғурум, пиёлани Самадга узатиб, — ол ука. Ташвиш қилма, қизидан топиб бераман. Ўткирбиникига меҳмон кеп кетибди, эртага яна дўмбалағидан туғиб беради.

Кулги кўтарилди. Бу сафар ҳазилни Самад тўғри қабул қилди, пиёлани тўнтариб берди.

— Иккита қўй, — буйруқ қилди у магазинчига, прилавкага бармоғини бигиз қилиб ва беш юзни ташлади.

— Оҳ, — деди Мақсуд ғурум. — Ўғил бола мундоқ бўлади. — Ол, — деди магазинчига.

— Давай, кечагиларни ҳам чўзинг, — деди магазинчи бошини қашлаб.

— Бугунги шо-о-дликда... — хиргойи қилди Мақсуд ғурум.

— Буни қарзи кўп... — деди сурбет магазинчи бетини қаттиқ қилиб.

— Шу болани қарзини, — деди дадил Мутал гаранг, — индингга мен тўлаб қўяман.

— Ҳой, сурат! — деди Мақсуд ғурум магазинчига. — Эшитдинг-а, ғурумни биласан-а, бўл тезроқ.

Магазинчи иккита вино қўйди.

— Очиб бер бизга, — писанд қилмай гезарди Мақсуд ғурум.

Магазинчи шишаларни очди.

— Ўғил бола бу-а, Мутал ака? — деди ғурум.

— Зўр бола бу, — бўлди жавоб. — Меникиниям шунга қуй, Мақсуд. Уйни ёпганимда шу иш берган-да, ўғил бола бу. Қишлоқда буни кучига биттаси тўғри келмайди...

— Ма, Самад. Ҳей, Саттор, битта кильки оч. Ичаклар чуриллаб кетди, — деди ғурум.

— Оч, — деди гаранг, — Мендан оласан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бормисиз, акаси паранг. Ҳозир нима юклаяпсиз?

— Қарам.

— Қаерга?

— Қарағандага. Қозоқни чегарасига етказиб берсам бўлди.

— Қандизи уринг. Аммо машинани бопладиз.

— Рўзғор катта, ука.

— Тўғри, укаларингиз ҳаммаси сизнинг қўлингизга қараган-да.

— Ҳе-е, нимасини айтасиз.

Самаднинг боши айланди. У илгари бу аҳволга ҳеч тушмасди. Қулоғи ҳеч нарсани эшитмас, тебранаётганини ҳар ҳолда ҳис қилар, бир-икки одамлардан бошқаси ўз аҳамиятини бутунлай йўқотган, магазинда тургани, ичаётгани деярли тушга ўхшарди. Миясида эса бир фикр айлангани-айланган. Ўктамби-Ўктамби... Қайнонаси. Ўша тараша, қоқ суяк, юзи чўзинчоқ... Қоши қалин ўсма, ўйноқи. "У ким? Битта... Нега ҳамма уни... менга... қани ўша? Сени топаман..."

Самад йўлда кетяпти... Ҳа, ўшанинг олдига... кетяпти... Нега, қизиқ?... Оёғи бўйсунмайди. Бу нима? У деворни итариб юборди, ерга кети тегди... Юмалади... Тураман дейди, уринади... Туролмайди...

Қишлоқ йўқ... Дашту биёбонда қаёққа кетяпти? ... Дам олсин... Биқинидан муз тешяпти... "Ўкт-а-м? Ҳей... Қаердасан? Бу ёққа ке...". Юрди, юраверди... Қаерга келди? Бу ер қаер ўзи? Атрофга тингшаб кўз тикади. "Қаерда турибман?.."

Дарвоза, таниш дарвоза... Тепди, тепаверди...

— О-о-ч!

— Ким, ким у?

— О-о-ч, мен...— бўкирди Самад.

— Самаджон, Самадвой? — чийиллади сўпи.

— О-о-ч! Энангни...

Сўпи эшикни очди. Самад унинг бўғзига ёпишди.

— Вой, до-од!

Айвонга чиқиб турган Ўктамби эрининг додлаб қулаганини кўрди, у томон югурди. Самад сўпини босиб, мушт отаётганди.

— Вой, до-о-д, ўлдириб қўясан, до-о-д! — Ўктамби Самадга ёпишди.

Сўпи Ўктамби Самадни ағдаргандан сўнг ўтирди, у ёқ-бу ёғини қокди. Чийиллаб яна бир "до-од!" деб қўйди.

Буниси оғриқсиз, енгил чиқди. Самад Ўктамбини юмалатди. Ўктамби индамай қолди. Энди сўпи ёрдамга шошилди. Қўшниси бино бўлди. Дупур-дупур кучайди. Қўшни Собирали Самадни юлқиб тортиқлаганча, Ўктамбини қутқариб олди. Самад иккови олишди.

— Сол, сол, — дерди сўпи уларнинг атрофида гирдикапалак.

Собирали Самадни йиқитди, ўзи ҳам ҳансираб қолди. Самад турмоқчи бўлиб тўлғонар, гоҳ у ёғига, гоҳ бу ёғига ағанарди. Сўпи Ўктамбига қаради, у тушган рўмолини олиб бошига танғиётган эди. Сўпи пайт пойлаб турди, хотини унга қараши билан Самадни, тураман деб, ер бурун уринаётган Самадни намойишкорона тепиб қўйди.

— Падарингга лаънат, — деди қаттиқ ҳансираб сўпи.

— Қаёқдан кеп қолди? — сўради Собирали нима қилишини билмай.

Шанғилласа оламни бузадиган Ўктамбининг мум ютиб турганига Собирали ҳайрон бўлди.

— Эшикни тепди, эшикни очсам бўғди, — деди сўпи, ё қўрқувдан, ё совуқдан дағ-дағ титраб.

— Ей-ма-а-н... — ерни муштлади Самад.

— Нима қиламиз буни? — сўради Собирали.

Сўпи елка қисди.

— Манави хонага опкиринг, — деди Ўктамби, — совуқ есин, ўзига келади, ичмейгина ер юткур.

Собирали Ўктамби эшикни очган хонага Самадни судради.

— Қўлингни то-о-рт, — бўкирди Самад, — онангни...

— Сўкишни ўргатиб қўяман, — судрайверди Собирали, охири уни хонага олиб кирди.

Самад ичкарида довдираб йиқилди. Ўктамби ташқаридан эшикни беркитди. Самад бўралаб сўкинарди. "Совқотдим" деганча, Собирали югуриб чиқиб кетди. Сўпи жойига шошилди.

— Куёвдан калтак емай ўл! — жавради Ўктамби унинг ортидан. — Мен қолиб, бир пасда тагига кириб опти...

Самад хонада тўполон қиларди.

— Ўк-там? Ўктам? Бу ёққа ке, Ўк-та-а-м...

Ўктамби жойига кирганда, Самаднинг хона ойнасини синдиргани эшитилди. Самад яна бироз тўполон қилиб, тиниб қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Барча машмаша эрталаб бошланди. Саҳар турган сўпи обдаста кўтариб, хотини ётган хона эшиги ёнидан ўтди. Ўтаётиб:

— Эшигингни бекит, Самад маст, — деди.

— Самадми? Самад қўйнимда... — атай деди ичкаридан Ўктамби.

— Ҳа-ҳа, қўшмозор бўл, — деди сўпи ва қадамини тезлатди.

Ўктамби яна минг хаёллар билан бироз ётди. Кейин ташқарига чиқиб, Самад ётган хонадан хабар олди. Самад ағдарилганча, деразадан нарироқда ётарди.

— Ўл-а, — деди у овоз чиқариб, тиззаларини ушлаганча, тўнқайиб деразанинг синган кўзидан мўраларкан. — Туғиб берганим ташлаб кетиб, куninг ароққа қолибди-да! — кулди Ўктамби.

Самаднинг ҳали-бери уйғонадиган, ўзига келадиган сиёғи йўқ эди. Ҳозир отасини олдига бориб, бўлган гапни айтгудек бўлса, у Самадни нима қилса қилади. Отасини Абдулла Варзанг дейдилар. Ёмон у. Аёлларни чўчита олмаса ҳам анча-мунча эркакларни қўрқитади. Хўп, нима фойдаси бор? Оқибати яна Самад душман. Кимга — Ўктамбига. Э-э, бошингдан ардона қолсин. Бир ками, энди сўпи таёқ еди деб, арзу дод қилиб юриш эди. Варзангнинг олдига бориш, арз-дод қилиш фикридан қайтди. Сўпини эшаги билан кузатиб, хамир қилди, ошхамир олди. Қозонни ёғли латта билан артди, жиз-биз қилиб сув қуйди. Сал туриб сўпини қорни очади, аъзоларга ғўзапоя бўлиб бергани кетди. Ҳали-замон эшакнинг устида йўқдек, беному нишон келиб қолади. Анави жувонмарг ҳам заҳри маҳрига бир нима ютиб кетмаса бўлмайди. У тандирни қизитиб, нонни ёпаман деб турган ҳам эдики, узоқдан чолнинг эшаги ҳангради, демак, туш бўпти, эшак келяпти. Нонларни тез ёпиштирди, югуриб қозонини қаради. Қизараётган нонларга сув беришни бошлаганда, сўпи кириб келди.

Роса нонлар узилиб, угралар сузилганда, ичкаридан Самад чиқди. Ўктамбининг ёрдамида бет-қўлини ювди.

— Кечаси нима бўлди? — деди тўнғиллаб, худди Ўктамби унинг хотини-ю, беписанд сўрашга ҳаққи бордек. — Мен қачон келдим?

Ўктамби жавоб қилмади. Овқатланишди. Самад атрофга олазарак қараб овқат еди. Унинг қизарган кўзлари нима қидирди, ҳеч ким билмади, эътибор ҳам қилмади. Ўктамбининг рўпарасида ўтиришган қайнота-куёвнинг алфози ва суҳбатига қараганда, ҳеч воқеа кечмагандек. Устига устак Самадни талтайтириб сўпи:

— Меҳмон атойи Худо, куёв ундан улуғ, уни пайғамбаримиз ҳурмат қилган, — дея ўн марта такрор-такрор қайтарди.

Қорни тўйган Самад, қайнотасининг носидан отди ва Ўктамбига гўё хотинидек яна савол берди:

— Боллар қани?

— Тоғаси олиб кетган, — жавоб қайтарди Ўктамби.

Ўктамби мундоқ қараса, Самад жувонмаргнинг кўзи сузиляпти. Ухласа борми, замбарак билан уйғотиб бўлмайди. Шу боис, у бор санъатини ишга солиб, алдаб-сулдаб уни жўнатишга муваффақ бўлди.

Самад совуқ хонада ётиб қолгани учун қалтироқ билан турган эди, устига-устак кечаги ичкиликдан кўнгли айнир, ўзини мажбурлаб, гўё овқатни кўп еса, аҳволи ўнгланадигандек, иссиқ нон, уграни кўзни юмиб ичиб олди. Ҳозир кимсасиз, зерикарли, деярли ҳаёт нишонаси йўқ кўчадан кетиб бораркан, оёқлари ишончсиз ҳаракатланар, кўнгли туриб-туриб беҳаловат бўлар, калла гаранг, миясида ёруғлик милт этмас, ўйлари узуқ-юлуқ эди. Унинг ҳамма нарсадан кўнгли совиб, ҳаёт ўзи шу деб, қуриб-қақшаб турган дарахтлар, қуёш кўтарилиб, қирови эриган, қовжираган майсалар сенинг биздан нима фарқинг бор, деяётганга ўхшарди. Эрталабдан ҳеч вақоси йўқ яланғоч далага ҳайдаб юборилган уч-тўрт озғин сигирлар турган ерида қунишиб тош қотган. Кавш ҳам қайтармайди. Ҳаммасининг устида биттадан олақанот, улар ҳам беҳаракат, бу молларнинг бити бўлса терадими? Қачон бўлсин, ишқилиб, юз кўрсатганда, дилга илиқлик бахш этувчи қуёш ҳам ҳозир совуқ нур сочмоқда.

Самаднинг калласига бирон ўй келмасди. Нега у қайнонасиникига келди, мақсади нима эди, буни ҳам билмасди. Тўпори ақли шунга етардики, ҳаммасига... Каниза сабаб, ўша айбдор. Оилали одамнинг қанчиғи эшик очиб, уйда ўтирмайдими, аҳвол шунақа бўлади. Мана, ҳамманинг хотини уйида бинойидек ўтирибди. Шуларнинг эри ҳам Самаддан ортиқ эмас, улар ҳам ичади, кўча-кўйда юради. Улар ҳам Самад сингари пулга қийналади. Нима, ишламаса, қаердан топади? Бойларга борчи, пул берармикин?

Уй гўристон. Бори учта-тўртта кўрпа-тўшак, захдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

сиқса, сув чиқадиган бўлиб кетди. Ҳаммасини бир жойга уйиб, ўраниб яшаб юрибди. Бу ёқда болалар сарсон. Буни билган билади-да, кариллаб, ақл ўргатиш осон.

Анави, Ҳоди шилимшиқ ҳам туппа-тузук битта хотинни иссиққина қучоқлаб ётибди. Ана, уйи бостирмага ўхшайди. Ёнидаги қўшнисиникини қара энди. Бир йилда бу катта уйни ҳам битказди. Ҳамма мўрисидан тутун чиқяпти. Газ ҳам шуникида яхши ёнади, дейишади. Қишин-ёзин қўй сўйиб ейди. Учта машинаси, тўртта трактори бор. Ҳув нариги қўшниси ҳам шу, қандай қилиб пул топишади-я?! Битта-иккита ўғли район марказига магазин қилган эмиш. Анависининг вилоят марказида иккита-учта аптекаси бор экан. Каналнинг бўйини хурмозор қилишяпти. Фермер бўлишиб, бирпасда бойиб кетишди. Анави, ҳаромисиникида нақ икки мингта қирқма қовун турибди. Қачон сотар экан энди?

Дўсматлар сафардан келишдимикин? Роса узум олиб боришнинг ҳавосини олишди, ҳаромилар...

Бу ёқдагиси энди лицейни директори, унда бор энди...

Мана шу, инига сиғмаган шалпангқулоқ хўтиклар ҳам фермер бўлишиб, ерни киндигини узиб оламан деб ишлашиб, туппа-тузук бўлиб қолишди.

Мияси чалғиб, тоза ҳаво еб, Самаднинг кўнгли беҳузур бўлишдан андак ёзилди. Секин чўнтагига солиб қўйган қайнотасининг шиша носқовоғидан оғзига нос ташлади. Сўпига Ўктамби эшагининг тозароқ тезагидан туйиб бераверади. Носнинг кайфини суриб борар экан, пастки гузарда уч-тўрт тракторчилар белбоғига қўл қистириб турганини кўрди.

— Ҳа, Самадбой, — деди Ирисмат булдозерчи. — Қайнонангникидан келяпсанми, дейман? Жуда хурсандсан, иккала юзингга қизил югуриб қопти.

Самад индамади, қўл бериб сўрашди, холос.

— Соқолингни мунча қўйворипсан? — Самаднинг юзига қўл тегизди Абди.

— Мажнун-да, Мажнун...— илжайди Наби. — Ҳей, Самад, тўйга кирмаймизми? Нати тўй қиляпти-ю...

Самад кўзини пирпиратди. Нати. Ҳайдар тракторчини эскитдан шунақа трактор мингани учун Нати деб чақиришарди. Ҳайдар натини тўйи экан-да. Самад билмас эди.

— Нима тўй қиляпти? — секин сўради Самад, кўнглига андак яхши фикрлар қўниб.

— Булдозерини уйлантиряптими? — сўради Ирисмат ҳам.

— Грейдерини чиқаряпти, — кулиб аския қилди Абди. — Кетдик.

Улар юрдилар. Самад орқадан эргашди.

— Бунақа пайтда анави хонани иситиб, қўй ёғи, қўй гўштидан билчиллатиб ош қилсанг, — деди Ирисмат. — Натиникида ҳам нима бор ҳозир, итти қуйруғи ҳам йўқ.

— Тўртта "қизили"ни юмалатиб қўйсанг-а, жиззага? — деди Наби оғзининг таноби қочиб.

— Э, ука, Қўзи пермерни қизини олганингда шундоқ бўларди, — гап қистирди Абди.

— Ё раисни эрдан чиққан пакар синглисини... — қўшилди Ирисмат.

Самаднинг қулоғи динг бўлди, гапларга қулоқ тута бошлади.

— Раис яқинда гектарчиларга қовунга ер сотади, ўшандан тегарди, — деди Наби.

— Ҳай, бир гектар ер бир миллонга чиқиб кетибдими? — сўради Наби.

— Чўл томонда уч миллионга оладиганлар бор, — ғартиллатиб бўйнини қашиди Ирисмат.

— Отасига қойил, — деди ўйчан Наби. — Аммо қовун-тарвуз бўлди-да, бу йил. Миллионига қарамай ер олганлар бўганича бўп қолди...

— Ўшани ҳам эплаган...

— Рост.

— Оливолиб, ҳуштак чалиб қолганлар ҳам бўлди.

— Ҳалол бўлиш керак-да.

— Мана, анови Ҳайитали, қўлидан ҳеч иш келмайди, даласи йўғ-у, ҳаммадан уруғ сўрайди.

— Чўлда саларка қолмай, тўхтаб турган эдим-да, — гап маъқуллади Абди, — битта оқ "Дамас" тўхтамай келаверди. Бу ёқдан раиснинг "31"и келди. Мендан нарироқда учрашишди. Роса жанжал бўлди. Раисга "уч миллион чўз" деб туриб олишди. Ичида битта муттаҳам хотин ҳам бор экан. Нақ раисни бўғзидан олди-да, ўзиям. Раис бечора нима қилишини билмайди.

— Нимага, нима гап бўлган экан?

— Ким билади, пул жанжал қилишди-да. Биттаси "пулни олдинг, ерни кеч бердинг" дейди. Иккинчиси "дори бераман деб, бермадинг" деди, ишқилиб, роса бақир-чақир бўлди. Кейин бир нарса-бир нарса дейишиб, машиналарига ўтириб, учиб кетишди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Раисни пўстагини қоқишибди-да?

— Бўлмасам-чи.

— У ёқда ер кўпиди-ку? Бошқа ёқлардан ҳам келиб ер олишган.

— Ҳозир кўп эмас. Хотинини номига фермер қилиб, у ёқларни ҳам олиб қўйганлар қанча.

— Трактир, дори бепул бўлгандан кейин бутун районни ҳам эгаллаб олаверади-да... Тракторни тиндирмай, кейин ўшаларнинг ерини биринчи ҳайдайверасан. Ёғни раис запас қилади. Пул бермадими, билавер, ўшаларники...

— Пулни камбағал беради. Ёнингга келмай туриб, пулдан гапиради .

— Ўзи, инсоф қолмади. Гараждаги тракторларни ҳам бўлиб олишди-я, аввал бошқа тракторларни ишдан чиқаришиб, ўзлариникини боплаб тўғрилаб олишди. Мана энди, қолган шунча трактор металлом бўлди.

— Раис шунинг учун тумтайиб, ит талаган бузоқдек пўмпайиб юрган экан-да?

— Раисга барибир жин урмайди. Сотиладиган ер кўп...

— Планни тўлдирмаганига молингни сот, уйингни сот, тўлдир деяпти экан-да.

— Яхшиям, фермер бўлмаганим...

— Акаси, тракторингдан қолма. Қишда ҳамма сандалига кириб кетганда, забчас-мабчас ўғирлаб, тракторингни тузатиб ол, ўша боқади.

— Ҳей, анави мол фермани олган нима бўлди?

— Сотиб еди.

— Юз элликтадан ортиқ мол бор эди-я...

— Аммо, ўша маза қилди. Учтами-тўрттами маршрутка олволди.

— Яқинда "Дамас" ҳам олибди, а?

— Олди. Битта қўймай молни сотди.

— Эпчил одам ҳам кўп экан-да...

— Биз холос, биронтаси қуярмикин деб, кўзи ўйнаб юрган...

Тўйхонада деярли одам йўқ эди, лекин қозоннинг бошида уч-тўрт киши уймаланишяпти, ўт ёняпти, саватда арчилган сабзи қизариб, кўриниб турибди. Тўрттовлон ўша ерга боришди.

— Тўйбоши қани?

— Ухлаяпти. Ҳозир хатмини кузатиб, чарчаб қопти.

— Тўй тугадими?

— Эрталабкиси тугади. Ўн иккига куёв келаркан. Ўшанга қовурма қиляпмиз.

— Базмисиям бўларканми?

— Куёв обкелса керак.

— Тўртта бола келаркан ўзи, базмичи обкеладими? Базми куёвникида бўлса керак?!

— Йўғ-е, динғир-динғирсиз қизи унамас?!

— Яна ким билади?

Шу пайт трактор тариллаб, стол олиб келди.

— Ана, бўлади.

— Билмадим...

Трактордаги йигитлар столларни тушириб, таший бошлашди. Тўртта стол. Уларни дарров олиб киришиб, ҳовлининг четига ўрнатишди.

— Самад, — деди ошпаз, — қайнонангни айтиб келдингми, ўйин бўлади, шекилли.

Самад унга ўқрайиб қаради. Ошпаз, хўппа семиз Исмоил қўрқиб кетдими, чўчидими, ҳар қалай, Самадга пахта қўйишга ўтди:

— Саматали эрталаб ҳам ош егани йўқ, бир жойга ўтқазинглар, — деди.

— Самад қуруқ ош емайди, — ишора қилди Абди, ўзини ҳам ўйлаб.

— Тўй бўлгандан кейин ҳўли ҳам бўлади-да, — деди ошпаз Самадга ёқиш учун қараш қилиб, — Нати турсин.

— Натини кутиб ўтирадими? — деди Ирисмат. — Менга анави пиёзни узат, тўғрайман.

— Закускани зўри бор, кўрсатиб қўй, Ҳошим, — деди ошпаз.

Ҳошим қўйнини очиб, сув қоғозга ўроғлиқ тузланган қалампирларни кўрсатди.

— Ҳа, иш пишди. Бу ёғи тайёр экан, — деди Абди.

— Тўплаб қўя қоламиз, — деди Наби.

— Бизда пул йўқ, — дейишди учтаси баробарига.

— Қарзга бериб тураман, аммо қовун пишиғигача беришасан, — деди ошпаз оғир қимирлаб-қимирлаб қозонни кавларкан.

— Ўғил боласан-да, Исмоил дўнг, сен борсан, мен борман, — сўлагини ютди Ирисмат.

Исмоил беш юз чиқарди.

— Иккита вино нима бўлади? — қошларини керди Ирисмат.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳа-а? — деди Наби.

— Яна бор бунда, — деди Абди.

Исмоил бокнинг олдида уймалашаётган қора бахмал тўнли хотинга:

— Келинби, — деди, — хўжайинни уйғотинг, энди, меҳмон кўпайиб кетди.

Хотин парво ҳам қилмади, Исмоилнинг гапи оғзида қолди.

— Ҳув нариги хонада иккита куёв боласи ўтирибди, бор ишга сол, Ҳошим, ошпаз айтяпти дегин, — деди Исмоил, — шундоқ йигитларга қуйиб бермасак бўладими, эрта баҳорга трактор керак бўлади...

Хуллас, уюштиришди. Ҳошим дўконга чопиб келди. Бирини очишди.

— Қалампирни ол энди, — деди Ирисмат ва Исмоилга қараб: — Овқатни савзисидан сол, аянг нонни энди ёпяпти. Қовурмани фақат савзига қилдингми, дейман?

— Шукр қил, — деди Исмоил қўлига коса ушлаб.

Иккинчи шишани энди очишганда, айвонда Ҳайдар бино бўлди, узоқ эснади.

— Куёвлар кеп қолди! — у томонга овоз қилди Исмоил.

Нати шу томонга юрди.

— Бостириб, битта қуйгин энди, — деди Исмоил.

Ирисмат қуйди, етиб келган Натига тутди. У ёқ-бу ёққа қараган Нати пиёлани бўшатди, кафти билан оғзини артди.

— Хотин кўрмасин, — деди у.

— Энди тўйбошиям чиқарсин, — деди Исмоил, — бел узилиб кетди қозон бошида ўтираверіб.

Ҳошим ҳушёрланди, Нати шу заҳоти пул чиқарди-ю, у дўконга учадигандай. Нати ўртадаги косада қолган озгина сабзиларни косаси билан қўлига олди.

— Устига пича ташла, — деди Исмоилга.

— Олдин чиқаринг, — деди Исмоил.

— Бўса чиқарадими?

— Ие, ие, "чи" денг бўлмаса, акаси, эплаган тўй қилади...

— Ҳошим, бор, Сойибга айт, тўртта бериб турсин, пулини эрта-индин бераркан, дегин. Куёвлар кеп қопти, де, — буюрди Нати Ҳошимга.

Ҳошимнинг ўрни бўш қолди. Зум ўтмай, у қуруқ қайтиб келди.

— Бермади, — деди у.

— Лаънати-ей, — деди Нати ва ўзи жўнади.

Бироз вақт ўтиб, учта вино кўтариб келди. У кўриниши билан Ирисмат:

— Лаънати, биттасини урди, — деди. — Ҳали ўзи эплайди...

— Биттасини артисларга яширди, — деди кимдир.

Самад кечга томон кайфда уйига қайтди. Йўл-йўлакай яна ичкилик илинжида у ер-бу ерга калла суқди. Шу алфозда келиб, зах тўшагида ухлаб қолди. Қайси маҳал билмасди, биқинининг қаттиқ оғриғидан ўзига келди. Кимдир бақир-чақир қилиб, уни тепаётган эди. Тепкининг зарбидан ҳушидан айрилишига сал қолиб, қочишга, тепкидан қутулишга уринди, аммо бешафқат тепки, минг чандон ағдарилмасин, топиб олаётган эди. Тепаётганни овозидан таниди:

— Онангни... Ўргатиб қўяман сен ифлосга, сўпини уриб келишни... — У одамлар "ҳароми" дейишадиган урушқоқ қайноғаси эди. Овозидан зўрға таниди-ю, кейин ҳеч нарсани сезмай қолди...

XVIII

Мансурнинг уйга бормаганига беш кун бўлди. Иш ҳам кўпайиб кетди. Ишқилиб, кимошдини телевизорга олишаётган эди, кўрсатмаса бўлди. Нозима нима деб ўйлайди? Хизмат сафарига кетдим, деган. Ўзи бир уйга бориб қўйиши лозим эди. Инсофсизлик қилди. Нозимани шифохонадан келтириб ташлади-ю, уйда бир кун, у ҳам бўлса, икки-уч соат ётди, холос. Нозима нима деб ўйлаётган экан? Шанба, бозор куни бекор ўтирди. Боргиси келди, аммо Канизани ўйлаб бормади. Бу ҳам ажойиб хотин экан. Борай деса, кўз ёши қилади, кўзлари бирам ажойибки, ғам-ғуссага ботиб қолади, раҳминг келиб, нима қилишни билмай қоласан. Ё бўлмаса, "Боринг, боринг... Мен сизни ушлаб турибманми? Боргингиз келиб, бўлмай қоляпсиз. Ўшанингизни бир кўриб келинг" дейди. Ғалати аҳволга тушади. Қандай борасан? Мансур яхши иш қилмаётганини билади, лекин буни ўйлайди. Уни ўйлаб яна азобланади. Боши берк кўчага кириб қолди-да...

Шу ўйлар билан ишхонага келди. Котиба икки марта Нозима телефон қилганини айтди. Юраги ховликди, қалтирай бошлади. Хонасига кириб, Нозимага телефон қилишга тайёргарлик кўрди. Котибани чақирди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мени бу ерда деб...

— Йўқ, йўқ, командировкадан келганлари йўқ, дедим.

— Ҳа, яхши, олдимга ҳеч кимни қўйманг.

— Хўп бўлади, — котиба чиқиб кетди.

Мансур уй телефонининг рақамини терди.

— Алло, ҳа, Нозима, яхшимисиз? Маза қалай? Ҳозир келдим, тўғри ишга тушдим, зарур иш бор эди... Повестка? Прокуратурадан? Шаҳарникими? Ўн тўрт? Ўн тўртинчи хонага эканми? Хўп, хўп, ҳозир хабар оламан. Бўпти, хўп. Ўзим телефон қиламан.

Нима бало бўлди экан? Аблаҳ, анови Эркинжон айтган ишини бошладимикин? Шу, Канизани қош-қовоғига қараб, ўшани кўриб қўймади-да, чўнтагига пича тиқса, беғалва юрарди... Худди ўша бўлса керак. Бўлмаса, етти ойдан бери қулоғи прокуратурадан тинч эди... Уларга телефон қилиб ҳам бўлмайди... Бориш керак.

Котибани чақирди, Қодирхўжани топишни айтди. Қодирхўжа шу ерда экан, кирди.

— Ҳаммаёқ тинчликми? — сўради Мансур.

— Тинчлик, — ҳайрон тикилди Қодирхўжа.

— Бир билиб қўйинг, ҳафта ичида ҳеч қайси жойда "чп" бўлмаганми?

— Ҳа, тинчликми?

— Кейин айтаман.

— Кеча ҳаммани кўрган эдим, тинчлик эди.

— Эҳтиёт бўлганни бўри емайди.

— Хўп.

— Ановилардан нарсалар қайтибди, пулини тайёрлаб қўйишимиз керак.

— Наригилар дарров олади, олмаса, олмасин.

— Майли, кейин гаплашамиз...

Мансур зудлик билан прокуратурага жўнади. Ўн тўртинчи кабинет олдида уч-тўртта одам бор экан, анча кутиб туришга тўғри келди. Энг ёмон кўрган жойи шу ер. Ҳозир юраги гупиллаб, нима гап бўларкин, дея у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Охири навбати келди. Энди кираётганда, новчадан келган ёшгина терговчи йигит қўлида қоғоз ўрнидан турди.

— Чақирган экансиз? — деб улгурди Мансур.

— Фамилянгиз?

— Раҳмонов.

— Ҳмм, — деди терговчи турган кўйи ва қоғозларни

титди. — Ташқарида кутиб туринг, мени тепага чақиришяпти, — у чиқиб, эшикни беркитди.

Мансур яна коридорда уни кутишга мажбур бўлди, юраги сиқилди. Терговчи ҳа деганда келавермади. Бир соат ортиқ кутгандан кейин вестибюлда пайдо бўлди, у ерда биров тўхтатди, узоқ гаплашди. Охири келиб эшикни очди, Мансур кирди.

— Хў-ўп, ака, нима масалада эди? Ҳа, ҳозир. Ўнг томондаги тахлоғлик папкаларни тита бошлади, биттасини олди. — Раҳмонов? Мансур Набиевич, шу, — деди. — Хотинингиз шифохонага тушганмиди?

— Ҳа, тушган.

— Ўз жонига қасд қилганми?

— Йўғ-е!

— Ака, ёлғон гапирманг, биласиз-а?

— Тушганлиги-тушган. Тўғри...

— Таблеткаларни ичиб юборганми?

— Ҳа-а, тушундим.

— Кап-катта одам ёлғон гапирасиз-а?

— Кечирасиз, аввал тушунмовдим...

— Жиноий иш қўзғатилган.

— Қанақа?

Терговчи бақириб берди.

— Хўп, хўп, — деди Мансур.

— Урганмисиз?

— Йўқ.

— Ҳайдаганмисиз?

Мансур нима дейишини билмай қолди.

— Ўтиринг, ёзинг... Мана қоғоз... — деди терговчи.

Мансур чеккаси букланган қоғозга қараб анча ўтирди. Терговчи ўз иши билан машғул бўлди. Охири Мансур терговчининг кўнглига йўл топди. Ўзини, акасини таништирди. Бўлган воқеани, Канизани аралаштирмай, айтиб берди. Терговчи яхши йигит экан. Аввалги дўқпўписаларидан қайтди. Охири ўзи маслаҳат берди:

— Агар опам ўзи ёки опам томон даъвогар бўлмаса, у кишидан ёзма тилхат керак. Сиз командировкада эдим, сиқилиб, боласиз бўлганимиз учун шундай иш бўлди деб ёзиб беринглар. Ишни ёпиб қўяман.

— Раҳмат-е, ука. Қоғозларни тезда тўғрилаб, ўзим келаман.

Мансур хайрлашиб чиқиб, енгил тортиб машинасига ўтирди. Тўғри ишхонасига йўл олди. Кетаётиб Нозимага

www.ziyouz.com kutubxonasi

телефон қилди. Прокуратурага борганини, бўлиб ўтган гапларни айтди.

— Тинчлик, — деди у, — ҳали ишдан кейин бораман, ҳаммасини ҳал қиламиз.

"Тавба, — ўйлади Нозима, — шунга ҳам прокуратура аралашар экан-да". Шифохонага ётган куни эртаси милиционер келган эди, суриштириб ёзиб кетганди. Яхши иш қилмади, аҳмоқчилик қилди-да. Ҳал бўлибди-ку, ахир. Нозимани яна Мансурнинг "ҳаммасини ҳал қиламиз" дегани ўйлантирди. Нимани ҳал қилар экан-а? Демак, бугун бир нарса дейди. Майли, десин. Қани нима дейди? Нозиманинг жонини олмас, ахир?

Беш кундан буён Нозима "ётиб қолгунча..."ни ўйлаб кўрди. Мана шу маҳалладаги бир шилпиқ хотиннинг эри биттасининг орқасидан кетиб қолди. Тек қўймади, бу хотин. Мулламушук қилиб, эрини қайтариб олди. Шуники, қўлидан келди. Бироқ Нозима у эмас-да. У хотин маҳаллада, ишхоналарда шарманда бўлишни ўйламади. Маҳалла фуқаролар йиғинини бўшатмади. Ишқилиб, қайтарди. Аммо, бунақа шармандачилик Нозимага тўғри келадими? Ҳеч қачон?! Ундан кўра, одамларнинг олдида бақир-чақир қилиб, эр талашгандан эрсиз ўтиб кетгани минг марта афзал эмасми? Мана, бир ойга бориб қолди. Мансурсиз ҳам яшаса бўлар экан. Илгари у бўлмаса, ўлиб қоламан дерди. Жуда шунчалик бўлиш керак эмас экан. Қиз бўлиб, эркакка ақли етибдики, шу Мансурни билди. Бошқа ҳеч ким унинг аёллик дунёсига сиғмади.

Тўртинчи курс маҳали пахтага боришган-у, икки қаватли узун бинонинг пастки қаватида туришади. У шунчалик етилганки, ҳамма йигитларнинг эътиборида. Болалар ўламан дейди. Иккита курсдоши уни талашиб, иккинчи қаватдан ўзини ташлаб, шифохонада ётди. Иккаласи бир куни қабристонга боришиб дуэл қилишибди. Қизларнинг ичида дув-дув гап. Уларнинг орқасидан қабристонга бориб, масалани ҳал қилиб келди. Иккала ошиқлар қабристондан бошларини хам қилиб келишди. "Минг талаш, мен Мансурни дейман" деди Нозима. Энди, Мансурни кўрсангиз, оғзи қулоғида, унданда зўр йигит йўқ дунёда... Думбам халақит беради-да, бўлмаса ҳеч ким мендан ўзиб кетолмас эди, деган экан қўй.

Энди бундай қилиб турибди. Канизадан зўри йўқ дунёда, унинг учун. Бозор дунё экан-да. Эҳ, эҳ, эҳ... Эсизгина ёшлик...

Нозима ҳалигача телефон гўшагини ушлаб турган экан, уни жойига қўйди. Ҳали замон Мансур ҳам келиб қолар...

Мансур Нозима билан гаплашгач, янада хотиржам тортди. Шу воқеа боис Нозима билан гаплашиб олди. Беш кун деган фурсат сувга чўккан тошдек сўниб кетди. У кеча акаси айтган масала билан шуғулланиш учун машинани идораси йўлидан катта кўчага қайирди. Кайфияти яхши, шу иш эсига тушиб кетди. Асосий масала, уни биринчи ҳал этиш лозим. Бизнесда эртага деган гап бўлмайди. Зокир қув зўр-да, районда шунча ташвиши бўлатуриб, Мансурнинг бизнесини ёддан чиқармайди, жигар-жигар-да.

Улкан идоранинг иккинчи қаватига кўтарилар экан, "талисман" талмуди идорада қолганини эслади. Майли, ҳадеб рўёга ишонавериш ҳам ярамайди. Қабулхонага кирганда, одам кўп экан, кутиб ўтирди. Қараса, вақт кўп кетадиган, секин котибанинг ёнига борди, мулозамат қилди, мулозаматни қуруқ қилмади, у ёқ-бу ёққа эҳтиёт бўлиб, ими-жимида қилди. Ичкаридан чақирилган кўнғироққа жавобан кириб кетган котиба ўрнига ўтираётиб унга бир табассум ҳадя қилди ва одамларга қараб:

— Раҳмонов ким? — деди. — У кишидан кейин сиз кирар экансиз...

Мансур эшикни тагига бориб тайёр бўлиб турди. Кириб кетган одам чиқиши билан кирди. Бошлиқ уни кўриб ястаниброқ, катта амалий иш қўлидан келадиган одамдек новча суянчиққа суянди ва шошилмай:

— Зокир Набиевич яхшимилар? — деди.

Мансур дуои саломни етказди.

— Ҳа, гаплашган эдик, — деди бошлиқ ва столни чертди. — Янги объект бошлаяпмиз. Пули келган, нима нарсаларинг бор?

— Ҳамма нарса бор, — деди Мансур.

— Темир бор, деяётгандек қилувди...

— Бор.

— Ўшани... Ўтган галгидек...

— Тушунарли.

— Кимга учрашни биласизми?

Мансур бош иргади.

— Келишдик. Ҳужжатни яхшилаб...

— Гап йўқ.

— Шундай бўлсин. Эртага кетяпман... Иложи бўлса бугун кечқурунок...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Гап бўлиши мумкин эмас... — қуллуқ қилди Мансур.

— Келинаянгиз уйда...

— Хўп.

Мансур хонадан чиқар экан ўйлади: "Хўп иш бўлдида, маладес Зокир".

Қўшни вилоятдан қарзи эвазига келган эски темир устунлар икки йилдан бери ўтмай ётган эди. Қаловини топса, қор ёнишини билади-да, Зокирга гап йўқ... Нима бало, бу бошлиқ ҳам Зокирнинг келажагидан ҳид олган бўлса керак-да.

Мансур ишхонага мамнун қайтди. Ҳозир Каниза ва Нозима бирам яхши кўриниб кетди-ки кўзига, у оҳиста бош бармоғини ўпиб қўйди: "Худога шукр, берган ризқингга шукр".

Ишхонага келганда, яна бир хурсандчилик устидан чиқди. Бу хурсандчилик кутилмаган нақд пулнинг кутиб, интизор бўлиб туриши эди. Кутилган хушбахтликнинг кутилмагани ҳам бўлади. Зокир телефон қилди. Сайлов бошланар экан.

Мансур Қодирхўжани чақиртирди. Унга темир устунлар, чирик трубалардан тортиб, азбест қувурларгача, заҳирада борки, эски-туски тахталар, бир фирма қарзи эвазига ўтказган тераклар, бақатераклар, тол ёғочларгача, лицей ва коллежга қилинган ва ўтмай қолган эшикромларгача, ВВГ–4х35, КВВГ–4х15 кабеллари, уч фазали счётчиклар, пускателлар, кнопкалар, автоматлар, киперленталар, проводлар, битта трансформатор, ишқилиб, ҳамма электр ускуналарни қўшиб, фактурасини тўғрилаб, шулардан қутилиш кераклигини уқтирди.

— Ўзингиз биласиз-а, кимга учрашни?

— Ўшангами? — деди Қодирхўжа.

— Ҳа, буёғи ҳал бўлган, бошлиқ билади, — тайинлади Мансур, — бугунок шартнома тузиш керак. Ўзлари билади, ким билан тузишни айтишади.

— Ўзини нархида берамизми? — сўради Қодирхўжа.

— Ўттиз фоиз қўшиб юбораверинг, нима, чўнтагидан тўлашармиди?

— Хўп.

— Омборни тўлиқ бўшатинг. Россиядан ҳам нарса келиб қолади.

— Ҳа, айтмоқчи, — деди Қодирхўжа. — Неъмат телефон қилган эди. Қоғоз бор экан, нима қилай, олайми, деб сўради. Яхши қоғоз деяпти.

— Бошқа ишларни нима қипти? — сўради Мансур.

— Вагонни жўнатибди, яна тахта гаплашаяпти экан.

— Нарх-чи?

— Ўша эски нархда.

— Ҳа, яхши. Сиз тушундингиз-а? Шу бугунок шартнома имзоланиши керак. Эртага пул ўтади.

— Хўп. — Қодирхўжа чиқиб кетди.

Мансур котибани чақириб, бухгалтер билан кассирни сўради. Улар киришди. Сўрашиб бўлгач, бухгалтерга:

— Қанча пул бор? — деди.

— Пул яхши, — жавоб қилди бухгалтер.

— Анавиларнинг пулини қайтарасиз.

— Ҳисобчиси билан гаплашдик, пул туриб туравер-син, деди. Бошқа нарса қилишар экан.

— Тушум қалай?

— Яхши, — деди кассир. — Магазинлар вақтида топширяпти. Битта Эрали ака қолди, холос. У ҳам бугун опкелади. Дамаслар ҳар куни топширяпти.

— Дамасларникидан кассага уриб турибсизми?

— Айтганингиздай уриб турибман. Қолгани аниқ ҳисоб-китобда турибди.

— Пул топшираётганингизда эҳтиёт бўлинг-да.

— Биттадан киритиб, эшикни беркитиб, кейин оляпман.

— Балодан ҳазар.

Кассир кўзини пирпиратди.

— Бошқа гап йўқми? — сўради Мансур бухгалтердан.

— Ойлик-маош?.. Бугун иккинчи...

— Беринг, — Мансур кассирга қаради.

Кассир бош ирғади.

— Ўзи еттита холос, минималний, — деди бухгалтер.

— Бу ёғини кассир билан тўғриланглар.

— Ҳисоблаб қўйганмиз, — деди кассир. — Қолгани-ни?..

— Машинага ташланг.

— Йириклатиш керак эди...

Мансур телефон қилди.

— Нодир, яхшимисан? — деди. — Борми? Ҳа, озгина. Қанча? — сўради кассирдан.

— Элликта.

— Нодир? Элликта. Ҳа, лимон. Хўп. Тўғрилаб қўйгин, ҳозир ўша ердан ўтаман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳисобчи билан кассир ўринларидан турди, Мансур кассирга машинасининг калитини берди.

"Ифлос"га телефон қилди.

— Мен, Мансуралиман, фирма, — деди. — Ўзингизми, ака, саломатлик яхшими? Уйлар тинчми, укалар, неваралар?.. Яхши, Худога шукр. Ҳа, кўришиб турибмиз. Яқинда телефонда гаплашган эдик. У ҳам юрибди, райончилик... Ҳа, ҳа. Биласиз-у, иш кўп. Ака, кўришмай ҳам қолдик... Э-э, сиздаям иш кўп. Бизи ишларам қишда шунақа-да. Йўқ, бизни вақт бемалол. Сизни вақтингиз йўқ, ҳалал бермайлик деб, безовта қилгимиз келмайди-да. Ҳа... Ўзи бир бораман деб юргандим. Бугунми? Майли... Ўша ерда кўришаверамиз. Жуда овқатлари зўр... Бўпти, майли. Ярим соатдан кейин ўша ерда кутавераман бўлмаса... Ҳа, соат ҳам ўн икки бўб қопти... Майли.... Майли....

"Ҳаҳ, падарингга лаънат. Афтини кўрсам... Жоним чиқади. Сен билан ўтиришга орзуманд бўлсам экан..." Мансур турди, чиқиб, кутиб турган кассирдан калитни олди-да, банкка жўнади. У ерда ишни битириб, анави айтган ошхонага йўл олди. Хонани тайёрлатиб қўйди. Шу пайт ёнидаги телефон чақирди.

— Каниза, ҳа, жоним, тинчликми? А? Кўнглим айнияпти? Нега? Нимага? Суюнчи? Э-э, ҳа, жоним, асалим, бахтим мени... Ёмон бўлмаяпсизми? Бораман. Қўрқманг, биласизми, ҳозир ҳеч қаерга сиғмаяпман. Мени шундай хурсанд қилдингиз-ки... Озгина зарур ишларим бор. Бир ёқлик қилиб, тезда бораман, ёнингизда бўламан...

Ҳозир Мансур ҳеч ичига сиғмасди. "Эҳ, Худойим, наҳотки! Художон, ўзингга шукр. Мен ҳам одамман. Мен ҳам ота бўламан. Менинг ҳам жажжигина ўғлим бўлади. Қандай яхши? Айб менда эмас эди ўзи. Эй, Худо, ўзингга шукр..." Шундай кунда энди мана бу "ияк" билан ўтиришни айтинг... Тезроқ келиб кетсайди... Буни тезроқ бир ёқлик қилиш керак... Ва ниҳоят у келди. Ҳозир шу ёқимсиз Ияк ҳам кўзига яхши кўриниб кетди, уни илиқ кутиб олди. Овқатланишар экан, Мансур:

— Ака, эллик грамм коньяк.. — деди.

— Йўқ, йўқ, хўжайин сафарда, ўзимдан бошқа ҳеч ким йўқ ҳозир... Овқат ўзи соз бўпти...

Биринчини еб бўлдилар. Оғзини артиб, қази еб, чой ҳўплар экан, у:

— Ишлар кўп, — дея гап қотди. — Кечаси-ю кундузи иш. Бир иш кўп десангиз, хўжайин у ёқ-бу ёқда. Идорада биз...

— Ҳамма ишни ўзи сиз қиласиз-да... — пахта қўйди Мансур.

— Нима қиласиз энди, туғилибмизки, ўша ерни тупроғини ялаймиз. Хўп хизмат қилдик. Биров билади дейсизми? Уриниб ётибмиз. Ҳамма ўзини ўйлайди. Миёвлаган ҳар мушук ҳам сичқон ушлайвермас экан...

Мансур унинг нохуш овозини, гапларини эшитиб-эшитмас, асли хаёли Канизада эди: "Ишқилиб, бола тушиб-нетиб қолмасмикин? Энди, бирон яхши гинеколог ёллаш керак, доим хабардор бўлиб туради...".

Ияк сомса, кабобларни тинимсиз еб, сўзланарди. Охири, тўйди шекилли, оғзини артди:

— Мансурали, яқинда бир янгилик бўлади, — деди, тишчўп олиб оғзига тиқаркан, — катта хўжайин кўтарилиб кетяпти, сессияга тайёргарлик бўляпти бизда, ҳеч кимга оғиз очманг, Қодир Алиевич бўлади, ўзимизники, ишлар беш бу ёғи...

"Зокир бўлмас экан-да, бу бир нарсани билмаса гапирмайди, Зокир бошқача гап айтаётган эди-ку".

— Сизни ўзим ҳимоя қиламан. Мен бор, сиз ҳеч ташвиш қилманг. Дубровкадан битта лама заказ қилиб қўясиз. Иккимизни номимиздан... Ишлар жойида бўлади. Энди дўстим, менга жавоб. Идорада ҳеч ким йўқ. Бугун кўпчилик тушликка, деб қўймаган эди, сиз телефон қилиб қолдингиз. Ке, яхши бола, хафа бўлмасин, дедим.

— Раҳмат, қанақа хизмат бўлса айтаверинг, — деди Мансур, унинг плашини кийгизаётиб, атаб қўйган бир пачка минг сўмликни намойишкорона чўнтагига солиб қўйди.

У пулни кўрди, бироқ аҳамият қилмади, гўё ўзи шундай бўлиши керакдай. Уни кузатиб Мансур енгил тортди, ошхонани ҳисоб-китоб қилди. Шашлиги жуда юмшоқ, сўлли, ширин экан, Канизага илинди. Уни бу ерга бир олиб келса бўлар экан. Шу пайт Нозимага харажат қилиб бериш эсидан чиқиб кетгани ёдига тушди. Мутлақо хаёлидан фаромуш бўлибди-я. Кассирга телефон қилди.

— Ҳакимжон, пулдан қолганми? — сўради у. — Менга қаранг, машинангизга ўтиринг-да, бизникига илга-

www.ziyouz.com kutubxonasi

риги харажатдан қилиб, дарров олиб бориб беринг, хўпми, пул етадими, бўпти, — деди.

Телефонни ўрнига жойлаб, ҳамма нарсадан хотиржам машинага ўтирди. Энди Нозиманинг олдига бориб, прокурор номига хатларни тайёрлаш керак, соат тўртгача ҳали вақт яхши. Падар лаънат майда-чуйда иш ҳам бир кўпки, ҳозир Канизанинг олдида бўлса яхши бўларди. Шу тушунтириш хати зарур бўлмаганида Нозиманинг ёнига бормас эди, иложсиз ўзини мажбурлади, машинани уйга ҳайдади. Борган сайин машинанинг тезлиги сусаяр, уйга оёғи тортмасди. Нозима қандай кутиб олади, нималар юз беради, қандай гаплар бўлиб ўтади, юраги гупиллар, кўнглида нохушлик ғимирар, шу кўйи келиб, дарвоза олдида тўхтади. У ёқ-бу ёққа қаради, қўни-қўшнилар йўқми ишқилиб, ҳозир ҳеч кимга кўзи тушишни истамас, ҳали келиб уйга кирмасдан туриб кетгиси келарди. Машинадан тушаркан, ичкаридан Чака тўполон қила бошлади. Қўли қалтираб қўнғироқ тугмасини босди. Анча кутишга тўғри келди, кейин оёқ товуши эшитилди, эшикни бошида оқ рўмол Нозима очди. Индамади. У Мансурнинг кўзига жуссаси кичкина бўлиб қолганга ўхшарди. Мансур ўзини қўлга олиб, ичкари кирди. Ҳовли ўша-ўша, бироқ совуқ кўринди кўзига. Итнинг олдига борди. Чака катак панжарасига осилиб, тилини чиқарганча, думини ликиллатиб, қулоқлари динг ҳолда унга қараб турарди. Панжарадан қўлини тиқиб унинг бошини силади. Ит тинчланди. Мансур у ёқ-бу ёққа қараб, Нозиманинг ортидан ошхонага кирди. Дастурхонда биттагина нон турарди холос. Музлатгични очди, ҳеч вақо йўқ. Нозима газни ёқиб, чойнакни қўйди-да, ташқари чиқиб, пастак уйга кириб кетди. Мансур ошхонада анча ўтирди, сўнг Нозиманинг ёнига кирди. Нозима ичкари хонада экан.

— Нозима, — чақирди у.

Нозима индамади.

— Нозима, — деди у яна. — Мана буни ёзишимиз керак экан. — Мансур ёнидан ручка ва қоғоз олди, хон ёнига чўкди.

Нозима чиқиб, бир томонга ўтирди. Мансур унга ёзадиган гапларни тушунтириб, қоғоз ва ручка узатди. Нозима ёзишга тушди. Мансур ҳам ёзди. Икковлон деярли бир пайтда тушунтириш хатини ёзиб бўлдилар. Мансур Нозиманинг ёзганларини ўқиб кўрди, "Бўлади" деди, имзо қўйишини сўради. Иккала қоғозни ёнига жойлади. Нозима ўрнидан қўзғолган эди, Мансур:

— Нозима, — деди, овози бироз қалтироқ чиқди. — Нозима, — тўхтаб бир энтикиб олди. — Нозима, биламан, мен аблаҳлик қиляпман...

Нозиманинг боши осилди, оқ рўмоли бутунлай юзини тўсиб қолди.

— Нима қилсам, болани деб қиляпман. Сиздан уяламан... — у тўхтаб-тўхтаб гапирарди. — Юзингизга қандоқ қарашни билмайман, келай дейман, бетим чидамайди. Нима деб бораман, нима дейман, деб... Сиз мен учун жуда қадрлисиз. Сиздан ҳеч қачон кеча олмайман... Ўртамизда ахир шунча ўтган йиллар бор... Мени кечира олсангиз, кечирарсиз... Йўқса, бўлганим шу энди. Дунёнинг ҳам қизиғи қолмаяпти. Уни ташлаб кетиб бўлмайди... У жуда қийналяпти... Қайт қилиб, ўзини қаерга қўйишни билмайди... Қараб турмасликни яна иложи йўқ... Бу ерга олиб келсам яна бўлмаса... Бошим қотиб, кўча-куйда юрибман... Нима қилишни ҳам билмай қолдим.... Бу ёқда сиз ёлғиз... У ёқда у. Шу ишни қилмасак бўлар экан... Ҳаммасига шу Салима қанчиқ сабабчи бўлди... Кечаси билан ўйланиб ухламай чиқаман. Нозима нима деяётган экан, деб... Қийин савдоларга қолдим...

— Мендан нима истайсиз? — деди йиғлаётган Нозима, Мансурнинг жимиб қолганини кўриб.

Мансур нима дейишини билмасди, охири чуқур уҳ тортиб:

— Тўғри тушунинг, жонимдан тўйдим... — деди.

Бирдан Нозима қатъий оҳангда гапира бошлади:

— Нега? Нимага жонингиздан тўйиб кетасиз? Ҳамма ёқ ҳал бўлиб бўлди. Ўшанга ёпишиб олдингиз. Сизга энди ҳеч ким керак эмас. Нима қиласиз яна бунақанги гапларни гапириб? Бўладиган гапни айтиб қўя қолинг. "Мен энди ўша билан бўламан, сен хафа бўлма" демоқчисиз, билиб турибман. Бўлаверинг. Мен кимманки, битта етимча, нима ҳам қўлимдан келарди. Мени ўлигимга куядиганим йўқ, ҳеч кимга кераксиз одамман. Дарахт куриса, танасини қурт ейди. Сизга энди у бир этак бола туғиб беради. Эл қатори яшаб, ўтиб кетаверасизлар... Мени гўрим тайёр, мени ҳеч ўйламанг... Битта бошим сиғиб қолар бирор жойга...

— Э-э, ким сизни ҳайдаяпти? Дарров ...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Энди мен ўзимга-ўзим хўжайинман... Кўнглим нима хоҳласа, шуни қиламан. Бировникида яшайманми, кўчада қоламанми, менинг ишим.

— Ўтирасиз!!! Шу ерда... — деярли бақирди Мансур.

— Э-э... Энди ўшанга бақиринг...

— Нозима?!

— Ҳа, — Мансурга тик боқди у, Мансур кўзини олиб қочди. — Ҳа, нима? Гапиринг, бор гапингизни гапириб олинг.

— Ҳа, кетяпсизми бирор ёққа? — деди Мансур.

— У менинг ишим. Бу гўристонда якка-ёлғиз нима қилардим? Ютаман дейдиган жойда. Сизга топган Салима менга ҳам топади. Топилибди ҳам, ўша бозорда ўтирган биттасининг хотини ўлган экан, бешта боласи билан хотин ахтаряпти, деди, ўшанинг иштонини ювиб, болаларига қарасам ҳам куним ўтади, — атай ёлғон гапирди Нозима ва жим турди.

— Нима?!

— Эшитганингиз. Яхши ўз оёғингиз билан кеп қолдиз. Мана калитлариз, — у калитларни хонга ташлади.

— Ҳей, Нозима жиннилик қилманг, деяпман, — пешонасини силади Мансур, пешонаси намланган эди.

— Гапиз тугадими? — деди Нозима қимирлаб.

— Бўпти, — деди жаҳл билан Мансур, — рухсат, обкеб олинг ўшаларни бу ерга.

— Ни-мма-а? — тик қаради Нозима. — Ўзингизга буюрсин, ўша итялоқ билан. Тоза бўлса ҳам гўрга эди... Соқовнинг тилини онаси билади...

— Нозима!!!

— Бир тўнғизнинг оғзига икки ёнғоқ сиғмайди...

Нозима чегарадан чиқаётганини билди. У ҳеч бундай қилмайман, деб юрган эди. Нега бу алфозда гаплашганини ўзи билмади. Туриб хонасига кириб кетди. Мансур ўтирган кўйи ўтираверди. Нозима ҳозир шартта кийиниб, Мансурнинг олдида намойишкорона чиқиб кетишни ўйлади. Аммо шаштидан қайтди. Қаерга ҳам боради? Унинг яна дийдасига ёш қуйилди. Дарвозанинг қўнғироғи янгради. Мансур чиқиб Ҳакимжон олиб келган харажатларни олиб кирди, ошхонага жойлади. Сўнг кетишга қарор қилди. Нозиманинг хонасига яқинроқ бориб:

— Мен кетяпман, — деди ва унинг муносабатини кутди.

Нозима индамади, фақат бироздан кейин:

— Дадангизни тинчитиб қўйинг, — деди, яна анча ўтиб, — яна келганингизда, мен бўлмасам калитлар Салимада бўлади, — деди.

— Мен Салима-палимани билмайман, шуни билиб қўйинг, — деди Мансур, пешонаси тиришиб. — Сейфнинг калити жойида, пул-мул керак бўлса... — Мансур шартта бурилиб чиқиб кетди.

Ит яна ҳура бошлади. Дарвозага етганда безовта Чакага бир қаради, кўзи билан "хайр" деди. Машинага ўтириб, тўппа-тўғри прокуратурага ҳайдади. "Шунчалик ҳам қилмасинми?" ўйлади у ҳамон бўлиб ўтган гаплар таъсирида бораркан. "Ирғишга ирғийди-да, вой, нима қилсангиз қилаверинг, дермиди? Қаёққа боради, кетаман деб айтди-қўйди-да".

Аччиқ устида одам нималар демайди. Янаям, эсли хотин бу, бошқа шармандароғи бўлса борми? Нима бўлганда ҳам уйга бир кириб чиқди, кўнгли ҳар ҳолда тинчиди. Бўладиган бўрон бўлиб ўтди. Бу ёғи энди ё раззоқ. Ҳозир қоғозларни ташлаб чиқади. Анови ифлосдан қутилди, энди ҳар ҳолда писиб юради, ҳужум қилмасдан. Зокир нима бўларкин? Қодир Алиевич? Наҳот, шу одам бўлиб кетса. Зокир аниқ гаплашилди, деган эди-ку?! "Энди, Дубровкадан лама шуба олиб келасан Мансур" Машинадаги пуллар эсига тушди. Нозимани ишонтириш учун уйга қўймади-да шу пулларни. Майли, Каниза хурсанд бўлади. Нозима эътибор ҳам қилиб қўймасди Мансурнинг бирон та ишига. Каниза суюнади, аниқ суюнади. Одамдан одамнинг фарқини яшаб кўрсанг биларкансан-да.

У прокуратура биносига етиб келди. Югургилаб кириб қоғозларни ташлаб чиқди. Терговчи йигитни эртага тушликка таклиф қилди. Машинага ўтирди-ю, Канизанинг ёнига учди. Подъезд ёнига машинани қўйди-да, иккинчи қаватга шошилди, эшикни очган Канизага "тузукмисиз?" деди ва қорнига қаради, ушлаб ҳам кўрди.

— Дарров билинмайди, жиннивой, — деди Каниза ва унинг бўйнига осилди.

— Нега? — деди Мансур уни белидан қучиб.

— Бир ой энди бўлади-ю... — нозланди Каниза.

— Қўрқиб кетдим-да, — деди Мансур, — кўнглим айнияпти деганингизга.

Каниза унинг бағридан чиқиб, ўқчиганча ваннахона-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га югурди. Мансур ортидан эргашди, кириб унинг бошини ушлади.

— Чиқиб тураверинг, — кулди Каниза.

Мансур машинага чиқиб, каробкадаги пулларни кўтариб кирганда, Каниза ётоқхонада эди. Каробкани тўғри унинг олдига қўйди.

— Нима бу? — сўради Каниза.

— Пул.

— Ўзимизгами?

— Кимга бўлмаса, сизга-да... — деди Мансур уни ерга қўяркан.

Каниза каробкани очиб кўрди.

— Вой-бу-у! Мунча кўп.

— Худони бергани. Бу ерда сейф йўқ. Бир жойга жойлайсиз энди.

— Ановникидан сейфимизни олиб келинг, — эркаланди Каниза ҳамон пачкали пулларга тикиларкан, қўли билан уларни ушлаб кўриб.

— Хўп, олиб келаман. Ўнта пачка ажратиб қўйинг. Кечқурун бир иш бор.

— Бировга берасизми? Мунча кўп?

— Пулни пул топади-да, асал. У ўтказадиган пул олдида бу пулми?

— Машинани қўйиб келасизми?

— Кеч оқшом ўшаникига бориб келаман, кейин... Нима овқат қиламиз?

— Ёғ кўнгилни айнитади...

— Ўзим қиламан, жоним. Энди совуқ сувга қўл урмайсиз.

— Сиз ҳам қилманг. Ёнимда ўтиринг. Обкелтиринг...

— Хўп жоним...

XIX

Бугун олтинчи декабр. Янги йилга ҳам оз қолди. Мансур янги йилни қаерда кутиш ҳақида ўйларди. Одатда дадасиникида кутишади. Бу сафар энди Каниза бор. Уни қолдириш мумкин эмас. Нозима-чи? У бирга кутишга ҳеч қачон рози бўлмайди. Кўнганда-ку, қани эди, учовлон ҳовлида кутишар эди. Нозима билан бориб, дадасини табриклаб келишарди. Нозима кўнмайди. Бу ёқда Каниза билан маза қилиб кутиши мумкин, аммо Нозима нима қилади? Дадасини тинчитиш осон. Зокир

бор, синглиси бор. Аммо Нозима масаласи чатоқ. Ҳа, майли бир гап бўлар.

Ишхонада ўтирар экан, ановнинг лама шубаси эсига тушди. Ўн бешинчи декабрларга деган эди. Москвага телефон қилиш керак. Виталий Иванович хотини билан жўнатиб юборади. Размерини сўраш керак. У телефон қилди. Салом-алик қилишгач, унинг ўзи сўради.

— Ҳа, обкеляпмиз, размери неччи бўлиши керак? — деди Мансур.

— Ўзи у безразмер бўлади, каттароғини олаверасиз. Ҳали олиб келмадингизми? Эртага сессия бўлиб қолса, нима қиламиз? Бунақа нарса бир минут кечга қолдирилмайди. Фойдаси бор, барибир боласизлар-да...

— Ўзим бориб бўлса ҳам бир кунда ест қиламан. Сира ташвиш чекманг.

— Шу ҳафтанинг охирида у менда бўлиши керак.

— Хўп бўлади.

"Ифлос, — ўйлади Мансур, — даромадни қара-я... Ҳамёнингдан кийгиз". Шу пайт миясига яна бир фикр келиб қолди: шартта Канизани олиб Москвага бориб-келса-чи? Унга ҳам битта олади. У ҳеч қаерни кўрмаган. Сал ўзи ҳам, онги ҳам йил олдидан ҳаво янгилайди. Бу ердаги ювғалардан сал нари.

У дарҳол Қодирхўжани чақирди.

— Кечаги шартнома нима бўлди? — сўради ундан.

— Бўлди, фақат экспедитори гап кўпайтиряпти, эски дейди, нархи баланд дейди...

— У билан ишингиз бўлмасин, гап каттада, Қодирхўжа, — деди у. — Мен шошилинч Москвага бориб келаман. Ишлар сизга қолади энди.

— Тинчликми?

— Тинчлик, биласиз-у, буйруқбардор "ака"лар бор...

— Ҳеч қулоқ тинчимас экан-да...

— Шунақа. Ҳамма ишлар жойида, а?

— Ташвиш қилманг, хўжайин.

— Ҳисобчига ҳушёр бўлиб, а? Бу ёғи янги йил келяпти... Мен йўқ, арқони бўшаб кетмасин... Ҳамма нарсага ҳушёр бўласиз. Энди эртага саҳар "Нексия"лардан бири Тошкентга ташлаб қўяди, ўшани ҳал қилиб қўйинг.

— Хўп бўлади.

— Одамлар билан ўзингиз гаплашарсиз. Мен энди бориб тайёргарлик кўрай.

— Ҳа, айтмоқчи, тез қайтасизми? — чиқиб кетатуриб сўради Қодирхўжа.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тўрт-беш кунда.

— Ҳа, яхши, узоқ эмас экан.

Мансур Москвага телефон қилди:

— Саня, как дела? — ҳол-аҳвол сўради у ва эртаси кечқурунок Шереметовога учиб боришини, ўша ерда кўришишларини, аёл меҳмон олиб кетаётганини, уни қойилмақом қилиб кутиб олиш кераклигини дўстига уқдирди. "Ташвишланма, дўстим, ҳаммаси жойида бўлади", деган жавобни олгач, ташаккур билдириб гўшакни қўйди.

Кечаси Канизани сафарга кўндирди. Аввалига у рўйхушлик бермади:

— У ерда ўрис кўп, мен ўрисча билмайман...

Мансур роса кулди.

— Унинг устига қишлоқилигим билиниб туради. Тошкентга ҳам бормаганман... — деди Каниза.

— Мана энди борасиз, — уни қучди Мансур, — ёнингизда мендек эрингиз туриб, нимадан қўрқасиз?

— Шунақа-ю...

— Йўқ. Бир томоша қилиб, у юртларни кўриб, мазза қилиб келасиз. Яқинда мана бу катта бўлса, — Канизанинг қорнини силади у, — ҳеч қаёққа боролмай қоласиз...

— Майли. Ҳозир, қишда бормайлик.

— Э-э, сиз Россиянинг қишини кўрмагансиз...

— Кейин кўрсатасиз...

— Йўқ, гап битта. У ерда жуда оғайниларим кўп, ҳали кўрасиз. Зўр кутиб олишади. Мазза қиламиз. Ҳозирча бу кийимларингизда бораверасиз. Ўша ёқдан зўрларини олиб бераман. Кичкинтойга ҳам зўр комплектларни олиб келамиз, хўпми?

— Бўпти.

Саҳарлаб йўлга тушдилар. Тошкентда ҳам узоқ бўлишмади. Самолёт кўп экан. Тез орада ҳавога кўтарилиб кетдилар. Фақат қоғоз-поғоз тўлдириш, текшир-текшир, ичкарига ўтиш анча вақт ушлади. Яхшиям уйга борганда Каниза паспортини олиб келган эди. Фақат паспорт ишларкан. Самолёт кўтарилганда Канизанинг анча мазаси қочди. Кўнгли айниди. Пакет беришди, кейин кўзларини юмиб, орқа суянчиқа ётиб олди. Мансур унга парвона бўлар, ҳали сув қуйиб берар, ҳали ҳол-аҳвол сўрар, самолёт эса баъзан-баъзан қаттиқ вариллаб, дукур-дукур қилар, худди синиб кетаётганга ўхшаб, титрар, қасир-қасир қилганча учишда давом этарди. Мансур дераза-

дан қорга ўхшаш оппоқ, ўркач-ўркач оқ булутларни кўрсатар, Каниза қарабоқ, кўзини яна юмиб оларди.

Самолёт узоқ учди. Каниза яна қийналди, охири Мансур:

— Ана Москва, қаранг, қаранг, — деди. — Пастга қаранг-да, юлдуздақа чироқларни кўрасиз.

Каниза деразадан боқди, ташқари қоп-қора эди, яна кўзларини юмиб олди. Самолёт қаттиқ шовуллар, "варр-варр" дерди ўткир овозда, охири қаттиқ "дук" этгани эшитилди. У ўта кучли "вариллай" бошлади. Каниза озгина мункди, чарм қайишлар кўксига ботди.

— Ана, ерга ҳам тушдик, — деди Мансур.

Самолёт узоқ юриб тўхтади. Одамлар қўзғолди. Навбат билан туша бошладилар. Мансур Канизани маҳкам қучганча, самолётдан тушириб, одамлар кираётган автобусга чиқишди. Одам тўлгач, юрган ғалати автобус узун улкан бино қаршисида тўхтади. Ёруғ залга кирдилар. Кираверишда ҳар хил ёзувлар кўтариб олган одамлар ичидан биттаси дарҳол улар томон ошиқди, Мансур билан қучоқлашиб кетишди.

— Ты как, Саня, один что ли? — деди Мансур.

— Как я одинь, целая армада здесь. Пошли, — у нариги залга бошлади. У ерда бир тўп хотину эркаклар турарди. Одам кўп. Атроф тўла буфет.

— О-о! — деди ҳаммалари бирдан. — Вот наш уважаемый господин Мансур!

Тўрт шампан бирданига тўлиб тошди. Ичдилар. Каниза зўрға бир ҳўплади. Эркаклар қучоқлаша кетдилар. Аёллар Мансур билан ўпишиб кўришдилар. Тўпдаги эркагу аёллар ёшлар эмасди. Мансурдан ёши улуғроғи ҳам бор эди, аммо барчаси қимматбаҳо усти-бошлар кийган, ўта қувноқ одамлар эди. Ҳатто битта ёши улуғроқ эркак: "Каниза, твоему приезду" деб бутун шампанскийни ерга тўкди. Мансур ўзида йўқ хурсанд эди. Унинг кўзи ёнар, бир залга, бир дўстларига, бир Канизага боқарди. Улар Мансур билан гапга тушиб кетишди. Каниза бироита гапни уқмади, нима қилишини билмай атрофга аланглади. Бу залда, умуман, нариги катта бинода ҳам ўзбеклар кўп эди. Улар бир-бирига бақиришар, ўзбекчалаб сўкинишар, юклари кўп, у ёқдан-бу ёққа ўтгандан кўпи йўқ эди. Мансурлар чақчақлашганча туравердилар. Ҳалиги Саня йўқолиб қолиб, анчадан сўнг қовунларни кўтариб келди. Ҳеч ким қовунларга қайри-

www.ziyouz.com kutubxonasi

либ ҳам қарамади. Шундан сўнг ҳамма ташқари юрди. Каттакон бинонинг бир томонига ўтдилар. Уч-тўрт қора, узун машиналарга ўтирдилар. Саня деган Канизалар ўтирган машинага жойлашди. Машиналар бирин-кетин силжий бошлади. Бир ёшроқ хотин орқадан югуриб келди-да: "Саня, Сань..." деганча машинага чиқиб олди.

Ҳаво совуқ эди. Ҳамма ёқни қалин қор босгани йўлда билинди. Канизанинг муз қотган оёқлари иссиқ машинада ҳам совқотарди. У Мансурнинг пинжига тиқилди.

— Чо, твоя, да? — деди машинага охирида чиқиб, Мансурнинг ёнига ўтирган ёшроқ аёл.

— Да, — деди Мансур.

— А, где Нозимка? А, поньятно. Правильно. Надо жить! — деди у ва олдинда ўтирган Саняга: — А когда ты заведёшь? — деди.

— Давайте, лучше шампанского, — деди Саня унга парво қилмай, қаердан олди, шампан очди.

— Саня, Сань, — деди Мансур, — куда мы сейчас?

— Куда хочешь. Хочешь Богам?

— Нет, правда, куда?

— Лучше, по моему, на дачу...

— Нет, видишь ли, моя впервые в Москве. Давай лучше...

— Словь нет... Пойдёт, Ясинова?

— Конечно...

— А то, новые есть...

— Нет, лучше там.

— Поверни на Рязанку, через луг, — деди Саня ҳайдовчига. Машина сирғалиб бурилди.

Улар кўп қаватли уйлар олдида тўхташди.

— Вот ключь, — деди Саня. — Ты остальное сам знаешь. И тут все устроено.

— Хорошо.

— До завтра.

— Бывай.

Иккови лифтда ўн бешинчи этажга кўтарилишди. Мансур 219-эшикни очди. Каниза уйни кўриб, оғзи ланг очилиб қолди. Уйда ҳеч ким йўқ эди. Ҳамма ясатиғлиғ хоналарга кириб чиққан Каниза Мансурнинг бўйнига осилди.

— Маза қиламиз, — деди Мансур.

Улар ечиниб, кийим алмаштирдилар. Ҳар бир хонада ажабтовур шиппаклар турарди. Мансур Канизани ошхонага бошлаб кирди, музлатгични очди, унинг ичида егулик нарсалар, эшиги ортида эса қатор ичимликлар терилган.

— Каниза, — деди хушбахт Мансур, — ювиниб оласизми?

— Эрталаб чўмилдим-ку, — деди эриниб Каниза.

— Майли, мен ҳозир сосиска қайнатаман.

Улар телевизор кўриб, маза қилиб ўтирдилар. Мансур озгина коньяк ичди. Каниза ичгани кўнмади. У ҳадеб дераза олдига борар, ташқарига, минглаб-миллионлаб ёниқ деразалар, чироқларга тикиларди. Ҳозир шу туришда бу тушиммми, ўнгимми, дея ишонмасди. Бу бахт қаёқдан, осмондан туша қолди? Мансур қаёқда эди-ю, Москва қаёқда эди? Худо бераман деса, ҳеч гап эмас экан-да? Ортидан Мансур келиб, маҳкам қучди...

Каниза ваннахона, ошхона ва коридорни томоша қиларкан, тозалигию ялтираб турганига тан берарди. Уй ичини бир айланиб келиб, Мансурнинг ёнига чўзилди. Мансур қотиб ухларди. Канизанинг уйқуси келмайди. "Наҳот, Москвада турган бўлса?" Етти ухлаб тушига кирмаган жойлар. "Москва, тўрт хонали жиҳозланган квартира!" Буларнинг ҳаммаси тушга ўхшарди. Ҳаётида кўрмаган меҳрибон одамлар... Мансурни Каниза билан министрдек кутиб олишди. "Шунча одам чиқибди-я, кутиб олишга... Мансурнинг акаси зўр одам экан-да?.. Москва-я, Москва. Ҳалиги Нозима дедими? Демак, у қанчиқ ҳам бу ерларда бўлган экан-да?.."

У ўрнидан турди. Яна дераза олдига борди. Бепоён Москва, чарақлаган чироқлар кўз олдида ястаниб ётарди, уларга беихтиёр тикилиб, кўзлари қамашаётганди. Эртага яна не хушбахт воқеалар кутиб турган бўлса... Мансур акаси эртага магазинларни айлантиради... Нималар олиб бераркин?.. Бегона жойлигигами, Канизанинг негадир уйқуси келмас, кечаси билан юриб чиқди. Эрталаб Мансур уйғонганда, у баробар турди. Танаси беғубор, кучи жойида эди. Мансур ювиниб чиқиб, у тайёрлаган қовурдоқ тухум, қайнатилган сосискага иштаҳа билан интилганда, телефон жиринглади.

— Привет Сань, — деди Мансур. — В три? Видишь ли, моей паре нужно сходить в дамский салон... Да. Сегодня же. Тогда закажи. В час? Хорошо, ладно, — у гўшакни қўйди ва Канизага: — Москвада дамский салонга уч кун олдин навбат олиш керак экан, — деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нимага? — сўради Каниза.

— Сочингизни тўғрилаб, пардоз-андоз қилишга... — тушунтирди у.

Каниза индамади. Бироздан сўнг:

— Магазинлар роса кўпдир-а? — деди.

Мансур қўлини томоғига олиб бориб, "Вот так" деди. Каниза мамнун бўлди. Соат ўнда кийиниб, жўнатилган машинада айлангани йўл олдилар. Мансур Канизани катта савдо марказига олиб кирди. Роса айландилар. Каниза нимани ушласа олгиси келарди. Мансур шошилмасликни, ҳали бундан зўр нарсалар борлигини, анови хотинлар кўриб-билиб, олиб беришларини қанча уқтирмасин, у анча харидлар қилди.

Мансур иккови юкларни олиб кетишди ва тез қайтишди. Келишилган жойда Вера Васильевна Канизани салонга бошлаб кетди. Мансур оёқлари оғрир, ўтиргиси келарди, у чап томонга, ҳар ер-ҳар ерга думалоқ, пастак столлар ва кенг ёйиқ диван, креслолар қўйиб жиҳозланган жойга ўтди. Тезда жойларнинг бирига чўкди. Шу заҳоти етиб келган қиз унинг олдига стаканларда уч хил шарбат қўйди.

— Блогадарью, — деди Мансур.

— Что прикажите?

— Пока спасибо,— жавоб қилди Мансур, шарбатдан қуяркан.

Ўтирган жойида Мансурни шундай уйқу олдики, уч-тўрт қисқа муддат кўзи кетиб қолди. Чамаси бир соат ортиқ вақт ўтди. Рўпарада Вера Васильевна билан Каниза пайдо бўлди. Каниза сира аввалги Канизага ўхшамас, сочи оддий ва шу қадар ёпишиб тушган эдики, киноактрисалардан мутлақо қолишмасди. Энди устидаги кийимлар аниқ ярашмаётган эди. Вера Васильевна уларни кийимлар салонига бошлади. Охири Канизани кийинтириб бўлиб:

— Смотри, Мансур, разве она та? — деди Мансурга кўз қисиб. — Ничтяк твой вкус, — деди ва соатига қараб: — Уже пора, нас в ресторане ждут, — деганча тез юра бошлади.

Мансур унга эргашди, Каниза эса тисариларди.

— Мансур ака, яна магазинга кириб болларга ҳам...— деди у охири.

— Оламиз, оламиз. Фақат бугун эмас. Эртага бўшмиз, ҳамма нарсани оламиз. Ҳозир кутишяпти, бизни меҳмон қилишмоқчи, тез-тез юринг, — тушунтирди Мансур. — Ҳали шуба ҳам олишимиз керак.

Улар ажойиб тилла рангли столлар, суянчиғи новча креслолар терилган жуда кенг ресторанга кирдилар. Кўп жойларда асосан иккитадан жуфтлар ўтиришарди.

— В малый зал, одиночку, — деди Вера Васильевна, истиқболларига пешвоз чиққан ажойиб кийимли йигитга.

— Прошу, — деди йигит бир эшикка етишгач, уни мулозамат билан очиб.

Ичкарида ярим ёй, янада тиллоранг стол атрофида ўн уч-ўн тўрт чамаси эркак ва аёллар ўтиришарди. Улардан баъзиларини Каниза таниди, кеча аэропортда кўрганлари.

— Вот, наконец наши уважаемые госты из Узбекистана, — деди улардан бири ўрнидан шартта туриб.

Ҳамма тура бошлади, яна шампанскийлар очилди. Бошқача кийинган иккита новча йигитларнинг қўли-қўлига тегмасди. Мансур Канизани ёнига олиб, ҳар бир нарсани кўрсатиб, тушунтириб ўтирди. Аввалига у ниҳоятда тортинди, кейин ҳамма ўзи билан ўзи бўлиб кетди. Мансур улар билан баробар қадаҳ кўтарар, суҳбатга қўшилар, Канизани ҳам унутмасди. Каниза сувлардан ичиб, овқатланиб ўтирар экан, аёлларни кузатар, уларнинг эркинлиги, шаддод ва шўхлигига маҳлиё бўларди. Ўзининг кийимига қараб, уларники билан солиштирар, ўзиники зўр эди. Улар ғалати кийинган, шимлари олабула, кофта ўрнига чарм бир балолар кийиб олишганди.

Ўтириш қизигандан-қизиди. Мансур ҳам кайф қилиб қолди. "Ўчиб қолмаса эди, ишқилиб, мен ўрисчани билмайман" ўйлади у ва "озроқ ичинг" дея Мансурни туртди. Шу топда Мансур ҳеч нарсани уқадиган эмасди. Мусиқа янгради, роса ўйинга тушишди, Мансур ҳам ўйин тушавериб терлаб кетди. Ўрислардан бири Канизага тинчлик бермасди, унинг елкасидан ушлар, ўзига қаратиб ўтқазар, ўйинга тортар, у маҳкам креслога ёпишиб олганди. Охири хира бу одам уни тинч қўйди. Ароқ тўла бокални баланд кўтарди ва овози борича:

— Веселитесь, зал куплен до утра! — дея қичқирди, қўлидагини оғзи ёнларидан тўкиб симира бошлади.

Ҳамма ўзи билан ўзи бўлиб, баъзилар кўринмай қолгач, Вера Васильевна Мансур билан Канизани олиб кетди. Машинада боришар экан, Мансур ҳали Канизага

www.ziyouz.com kutubxonasi

осилиб ўпар, ҳали рулдаги Вера Васильевнага осиларди. Каниза нима қилишини билмас, уни тортқиларди, холос. Охири Мансур тинчиди. Машина қор бўронини ёриб борар, ойнасини зўрға артиб улгурар, ундан-бунга сурилиб, тўғриланиб, баъзан йўл четидаги ўркач-ўркач қор уюмларига урилар, Вера эса рулни чаққонлик билан бошқарарди. Жуда узоқ юришди. Кенгликлар, ўрмонлар ортда қолди ва ниҳоят симтўсиқ ортига келиб машина тўхтади. Будкадан қалин кийимли, телпакли, орқасига милтиқ осган киши чиқиб, машинанинг рўпарасига келди, бироз қараб турди, Вера чироқни ўчириб, ёндирган эди, ҳалиги одам машинанинг олдига энгашиб, номерини кўриш учун қўли билан қорларни қоқди, кейин симтўр дарвозани очди. Вера машинани бироз ҳайдаб, ергача қапишган уч бурчак том ёнига олиб келди. Каниза Мансурни зўрға турғизди. Улар Веранинг ортидан ҳалиги том ичига кирдилар. Вера чироқни ёққан эди, уйнинг ичи ниҳоятда шинам, кечаги уйдан қолишмаслиги аён бўлди. Айниқса, ичкари хонанинг иссиқлигини айтмайсизми? Мансурни ечинтириб ётқиздилар. Вера бир муддат у хона-бу хонага кириб, тимирскиланиб юрди. Каниза Мансурнинг ёнига кириб, ўраниб олди. Унинг пишиллаб, бўғилиб отаётган хуррагини анча пайтгача эшитиб ётди, кейин ухлаб қолди.

Мансур эртаси кечгача ўзига келмади, инқиллаб, фақат сув ичиб ётди. Машина ҳам, Вера ҳам кўринмасди. Каниза роса зерикди. Мансур ётгани-ётган, ташқари тизза бўйи қор. Ҳеч ким йўқ. Чор тараф қор қопланган кенглик. Бу ёққа нега келишди, Каниза тушунмасди. Ўша кеча тушган уйлари қандай яхши эди. Ҳаммаёқ уй, одам, телевизор.

Бу ерда ҳам телевизор бор, уни қандоқ қўйишни Каниза билмади. Ётаверадими, энди Мансур? Бир-икки уни тортқилаб уйғотишга ҳаракат қилди, аммо бефойда. У "и-и-и-их" деганича яна у томонига ағдарилади, инқиллаб-инқиллаб тинчиб қолади. Каниза зерикканидан уйнинг хоналарини бир-бир айланиб чиқди, ҳар бир нарсани қўлига олиб кўрди. Қорни очиб музлатгичдан колбаса олди, кесиб еди. Чой қўйгиси ҳам келмади. Гази ҳам ғалати экан. Ивирсиб юрар экан, кечаги магазинлар, нарсалар ҳеч хаёлидан кўчмасди. "Бу ерда сасиб ётгунча ўша ёқларга бориб, айланишганда қандоқ яхши эди".

Девордаги соат 1 дан ўтган, Мансур миқ этмай ётибди. Каниза ҳам ухлаб қолди.

Тарақ-туруқдан уйғонишганда, хоналарда одамлар юришарди, аёл-эркакларнинг овози келарди:

— Мансур, сколько можно спать?

— Голова ломиться, — деди Мансур инграб.

— Вот, держи "Клинское".

— Хорошо, — Мансур халатини кийди.

Каниза кийиниб чиққанда Мансур, яна иккита аёл ва бир эркак пиво ичиб ўтиришарди. Мансур Канизани ёнига чақирди. У келиб ўтирган эди, елкасидан қучди, оғзига пиво шишасини тутди.

— Э-э, боринг-е, — жеркиди Каниза.

— Шундай яхши нарсани билмайди-я, — деди Мансур калласини ликиллатиб.

— Шу ерда ўтираверамизми?

— Ие, нима қиламиз бўлмаса?

— Нима қиламиз эмиш...

— Тўғри-да, нима қиламиз? Дам олгани келган бўлсак...

— Во-ой, бу одамни қаранглар. Ичсангиз безбет бўлиб олар экансиз... Мен шунга кепманми?

"Нимага келдинг бўлмаса? — деб юборай деди Мансур, аммо ўзини тутди. — Ҳе, ўргилдим сендан". Каниза туриб, ичкари кириб кетди.

— Давай в баню! — деди Саня.

Қалин кийинишиб, ташқари чиқдилар. Анчадан кейин тумсайиб ўтирган Каниза ташқаридан бақириқ ва кулгу эшитди. Дераза ёнига борди. "Вой, ўлай" деди у яланғоч қорга юмалаб, ҳовур чиқаётган эшикка қочиб кириб кетаётган Мансур билан Саняни кўриб. "Бетиям йўқ буларни". Бошқа хонадан қовурилаётган гўштнинг ширин ҳиди анқиди.

Беш киши жамулжам дастурхонга ўтирганларида, Мансур қип-қизариб ўзига келиб қолган эди. Яхши, Мансур оз ичди, ҳўплаб-ҳўплаб ўтирди холос. Товада келтирилган гўштни қирқиб-қирқиб, тарелкаларга солиб бердилар. Гўшт шундай мазали эдики, оғизга солиш билан гўё эриб, ширин қайлага айланаётганди.

— Қандай пиширди экан-а, бундай қилиб? — деди Каниза.

— Бу махсус тайёрланган кийикнинг гўшти, — тушунтирди Мансур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мани биринчи ейишим.

Негадир Мансур Канизага илгаригидек муомала қилмас, ўзини Каниза бу ерда йўқдек тутарди. Ё чиндан унинг муносабати ўзгарган, ёки Канизага шундай туюлаётганди. Каниза бир-икки аразлагандек бўлди, у эса мутлақо аҳамият қилмас, бемалол, унга эътиборсиз ёнидаги одам билан гаплашиб ўтирарди.

Улар ичдилар, яна гўшт тамадди қилишди. Икки хотин сумка ва сочиқларини олишиб, ташқари чиқиб кетишди. Суҳбат бироз узилганини сезган Каниза вақтдан фойдаланиб:

— Бугун ҳам шу ерда қоламизми? — дея сўради Мансурдан.

— Ҳа, нима қилайлик? — деди Мансур.

— Мунча? Нима қилдим сизга? — Каниза шартта ўрнидан туриб ичкари кириб кетди ва йиғламсираб, дераза олдига борди, иккала хотин қалин қорни кечиб эркаклар кириб чиққан эшикка кириб кетишди.

Каниза Мансурга ўз таъсирини ўтказиш тўғрисида узоқ ўйлади, роса тайёргарлик кўрди, аммо бахтга қарши яна одам кўпайиб, Мансур саҳар тонг отгунга қадар улардан бўшамади. Каниза учун кейинги пайтдаги энг зерикарли тун шу бўлди. У ўзини овутиш учун кийимбошлари, харид қилган нарсалари, қишлоқдагиларга олинажак совға-саломлар ҳақида ўзини мажбурлаб ўйласа ҳам бўлмади. "Бу эркаклар шу-да" деди у ўзига-ўзи. Ётди, турди. Нариги хонадан гангур-гунгур кулгу овозлари эшитилар, алламбалоларни шарақлатиб ўйнашар эдилар. Баъзан аёллар қийқириб, хандон отиб куларди. Мансурнинг дами ўчиб кетди. Каниза ўзича араз қилиб, лабини чўччайтириб, Мансур билан уришиб ётар, турар, хонада у ёқдан-бу ёққа юрарди. Охири чарчади. Уларнинг ёнига чиққиси келмади. Яхшилаб ўрапиб, яна ётиб олди. Юраги сиқилар экан, бирдан ички овоз: "Ўзингни билсангчи, уни алдаб-сулдаб йўлга сол, роса нарса олдир, тентак, ундан хафа бўлганинг кимга фойда, кимга зарар? Лўли аразласа, халтасига зиён..." деди. Турли режалар тузиб ухлаб қолди.

Уйғонганда ёнида Мансур йўқ эди. Анови ўрисларнинг биронтаси билан ётибдими, деб юраги типирчилаб қолди. Халатини кийиб, улар ўтирган хонага кирди, Мансур шўрлик қийшайганча диванда ухлаб ётибди. Бошқа ҳеч ким йўқ. Нима бало, бу одам араз қиляптими, ё

бирон нарсага аччиғи чиқиб қолдими, ҳар қалай Канизага шундай туюлаётганди. Каниза уни уйғотиб, қўярда-қўймай жойига олиб кириб ётқизди.

Москва сафари ҳам охирлади. Сўнгги тунни биринчи келган кунлари тушган жойларида ўтказдилар. Мансур Дубровкадан Каниза учун ҳам ва ҳалиги буюртма учун ҳам лама шубалар олди. Канизага яна дублёнка ҳам олиб берди. Хуллас, Каниза ўз истак-аъмоли нимани кўтарса олдирди — уйидагиларгача совға-саломлар, болаларига кийимлар жамлади, егулик нарсалар ҳам қолмади, оёғига олган кийимларни кўрмайсизми? Фақат шуба иккита олинганига дили ғаш бўлди-ю, ўзининг ортиқчадан ортиқча ҳашамлари бунга гина-кудурат очишга йўл бермади. "Ўлиб кетсин" деб кўя қолди.

Бунча нарсалар билан оёқларини судрашиб, маконларига кириб келганларида, оқшом чўккан, тунги Москванинг безовта ҳаёти бошланган эди. Мансур озгина егулик тановул қилди-ю, тез ухлаб қолди. Каниза бир пайтгача нарсаларни бирма-бир ёзиб, тахлаб, томоша қилиб ўтирди. Яна нима кераклиги ҳақида роса ўйланди, аммо топа олмади. Бу аёл кишининг ҳаётидаги биринчи ҳайратомуз воқеа бўлса ажаб эмас. Кўзи илиниб қолаётган чоғда ҳам ёзиғлиқ тугуни қаршисида ўтирарди.

Эртаси соат ўнда Шереметево аэропортида бўлдилар. Мансурнинг барча эркагу аёл дўстлари келдилар. Уларнинг кўпчилигида коробка ва чиройли халтачалар бор эди. Булар совға экан, Мансур билан Каниза уларни олишар экан, Мансур барчалари билан қучоқлашиб, ўпишиб хайрлашди, ёзда меҳмонга кутишини айтди, яна шампанларни очишиб ичишгандан сўнг, машиналарига ўтириб кетдилар, фақат Саня билан хотини меҳмонларни охиригача кузатгани қолди.

XX

Мансур машинага ўтириб кетгач, Нозима яна ёлғиз қолди. Худди ўйлаган гаплари юз берди. Мансур бундай қилишни, орани бир мунча очиқ ҳал этишга уринишини у биларди. Ахир, индамай, уйга келмай юравермайди-ку. Ора-сира келиб, бирор кун бу ерда турса керак, деган ўйи ҳам йўқ эмасди. Бугунги гап-сўздан аён бўлдики, энди келмайди, келса ҳам баъзан, ўзини хотиржам этиш учун ров келиб кетади. Агар бирон воқеа-ҳодиса юз бермаса, энди унинг бу ерда турмаслиги аниқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шундай ўйлар билан кеч тушган сайин Нозиманинг юраги сиқилар, ошхонага келтирилган харажат шундоқ турибди, кириб саранжомлашга ҳам ҳуши келмас, тиззасини қучганча каравотида ўтирарди.

Наби Мусаевич ҳам деярли телефон қилмай қўйди. У бу ердаги аҳволни билмас, ҳар ҳолда анави "нахалка" кетиб, тинчиб қолишди-ю, деган ўй билан хотиржам юргандир. Бечорага ҳам қийин. Нозимадек якка-ёлғиз. Аммо унинг шароити бошқа, ўзи кексариб қолди, қолаверса, хотини ўлиб, шароит тақозосига кўра бева қолган, унинг бевалиги муаммоли эмас, ўйланиб сиқиладиган жойи йўқ. Фақат иссиқ-совуқдан қийналади. Нозима ўз бошига шўрва тўкиб, шифохонада ётиб, ундан хабар олиш, уйини йиғиштириш, кўнгли тусаган овқатини етказиб бериш вазифаларини бажара олмай қолди. Бир нави ўзи эплаб яшаётгандир...

Қайнисинглиси ўзи билан ўзи овора. Овсини отдан тушмайди, майда-чуйда гапларга этак ҳам қоқмайди. Шуниси ҳам яхши. Ҳозир Нозима ҳеч кимни кўргиси ҳам, гаплашгиси ҳам йўқ. Яхши, маҳалла ҳам тинч, биров билан бировнинг ҳеч иши йўқ, ўлсанггина аралашади, бошқа пайтда ҳамма ўз уйига биқинган. Бекордан беҳуда кирди-чиқди, висир-висир гап бегона.

Энди фақат ишга қайтиш керак. Уйда намоз ўқиб, кун ўтказиш бир нави, аммо одамлар, мактаб, кўча-кўй ҳам одамнинг тафтини олади, ишдан кейин чарчаб келади, вақт тез ўтади. Мактабда анча ишларни қилиш мумкин. Аввал қила олмаган ишларини амалга ошириши, тарихга қизиқувчи болалар билан қолиб кетган тарих музейини жиҳозлаши, кружок ташкил қилиб, тестлар тузиб, ўзини овутиши мумкин. Фақат ўша талтанг директори бироз муаммо, чиройли-чиройли аёлларни хонасига чақириб олиб, кўп вақт ўтказади. Завуч яхши хотин. Сал пулга ўчроғу, йўлга солса бўлади. Ҳозир мактабда ўқитувчи ҳам ошиб-тошиб ётгани йўқ. Тарихдан дарс бордир, бўлмаса, ўша кружок, музейни юргизиб, репититорлик қилиб туради. Шифохонага кўргани боришганда, мактабга қачон қайтасиз, дейишди-ку, эртага хабар олса бўлар экан...

Ҳозир қўлида бир сўм пул йўқ. Пул, қанча хоҳласа, сейфда турибди, Мансур ҳам ишора қилди, калит жойида осиғлиқ. Кўнглида бу пул ўзиники эмас. Йўқ, у Мансурга аччиқ қилаётгани йўқ. Гап шундаки, бу пулни у

топмаган. Ундан олиб ишлатганда ҳам биров бир нарса демайди, аммо Нозима негадир шу пулга ё теккиси йўқ, ё ҳазар қилади... Кечаги куни бу ердан умуман чиқиб кетишни кўзлаганда ҳам, бир қатор кийимию, ул-бул майда-чуйдасини олишни ўйлади, холос. Нима қилсин, у шундай бўлса?

Туриб, ёзиғлик турган жойнамознинг устига келди, намозга ўтирди. Намоз ичида ҳам хаёли пароканда бўлаверди, ўй-хаёлларни қанча ҳайдашга уринмасин, улар чор-атрофдан хира пашшалардек ёпишар, чақиб қонини сўрарди. Барибир, инсон руҳияти тўфонга учраганда, намоз ҳам таскин бўлолмас экан. Ё Нозима шундайдир. Ахир, қанча-қанча одамлар тарки дунё қилганлар... Улар балки бошқа одамлардир... Улуғ одамлардир... Нозима зўрға намозини тугатди, жойнамоз устида узоқ ўтириб қолди. Номард Мансур! Илгарироқ шу ишни қилганида, бунчалар азоб-уқубат бўлмас эди. Ҳали қирққа кирмай, ўттиз олти ёшда бевалик, ёлғизлик тамғасини босиб кетсанг. Ундан кўра ўлдириб кетсанг, ё ўлиб кетсанг афзал эмасмиди? Энди бу тўрт деворга қараб ўтиравериш... Нақ ёрилиб кетади-ю...

Нозима ўйлаб кўрмаган нарсаси қолмади. На телевизор, на китоб, на биронта дугонасига телефон қилиш, на альбом варақлаш, ҳеч нарса унга бакор келиб, дардига малҳам бўлишга арзимас эди. Икки-уч соат бу фикр, ўй-хаёл олови ичида қоврилиб, охири бир овунчоқ топди — ширин хотиралар. Баъзан дилгир юрган оловли ёшлик чоғида нега Мансурга учради? Ўша нозиккина қизча бўлиб тоғасиникида бўй чўзган дамларда тоғавачасига, оғиркарвон, ёқимсиз жиян-акасига қараб, новча, келишган, кўзлари анавиникидай бузоққўз бўлмай, ақлли олифта йигитга хаёлан ошуфта бўлган онларида, кейинчалик у ер-бу ерига бўжамалар тошиб, хаёлидан турли ўзи ясаган йигитлар жой олганди, биронта ўшанақаси учраганда, ҳаёти бошқача бўлармиди, деб ўйлаб кетди. У ўйлар қайиғида сузаркан, қайиғини янада ширин, лаззатли, ўйноқи шамоллар учирди. У бенаво, бесас, номаълум уфқларга учар, кўнгли аллақандай кўтарилар: "Мен ҳам одамман. Мен ҳам аёлман, дарров менга бир нарса қилибдими?" деяр, яқингинасида халоскор, ҳозирги тушган дўзахидан олиб чиқадиган, унга фарахбахш ҳаёт ваъда қилаётган номаълум, ўзидан тўрт-беш ёш катта йигит мана мен деб қўлини чўзаётганга, уни бағрига тортаётганга ўхшарди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

У уйғонганда, аллақачон тонг отиб қолибди. Бунчалик қотиб ухлаш хаёлига ҳам келмаган эди. Кўрган тушларини эслашга уринди, танасида йиғилган куч эса уни ётишга қўймади. Ҳозир у тетик, ҳамма нарсага қодир, кайфияти кўтаринки. Бет-қўлини ювди, қалин халатини кийиб, ташқари чиқди. Водийнинг қиш ҳавоси мусаффо эди, Нозима тўйиб-тўйиб нафас оларкан, кўнгли яйради. Чамаси уни кўриб, катакда ит ҳам яйраётган эди. Ит олд оёқларига таяниб керишди, соҳибаси билан саломлашган бўлди.

— Биз ёлғиз эмасмиз-а, Чака? — деди Нозима. — Ҳозир овқатингни олиб чиқаман.

Ит миннатдор вингиллади. Нозима шкафдан икки пачка "Pedegree" олди, уларни очиб, ташқари чиқди-да, Чаканинг ялоғига тўкди, ошхонага қайтиб, кечадан буён турган халта ва пакетларни бўшата бошлади. Чой қўйди, нонушта қилди. Ошхонани тартибга келтирди, ғинғиллаб, иш қилаётганига ўзи ҳам ҳайрон. Бу ердаги юмушларни тинчитиб, хонасидан калитни олди, катта уй томон юрди. Чака лабини ялаб ётибди. Кўзларининг ёни ёшланиб, намланганини кўриб:

— Йиғлама, вафодорим, — деди у меҳри товланиб, — сени куёвинг бевафо бўлсаям, сен бориб тураверасан, сени у кутади... Бизда эса, қарагин, бу кенг дунё икки паканага торлик қилибди.

Катта уйни бир айланиб чиққан Нозима хоналарни тозалашга киришиб кетди. Вақтни туш қилди. Телевизорнинг овозини баланд қилиб қўйди. Мансурнинг нарсаларини кўздан нари қилди. У тинмай артиш, қоқиш ишлари билан машғул бўлар, бир хонанинг ўзи қанча вақт олаётганди. Бугун бориб, қайнотасининг уйини ҳам саранжом-саришта қилиб келишни режалаштириб қўйди. Гиламлар устидан, аввал шиплар, хона бурчаклари, диван, креслолар ортидан чангсўргични юргизди, айрим чанг-чунгларни супургида олди. Тимирскиланиб юриб, Мансур икковининг йиртилган суратини гилам тагидан топиб олди. Албатта, қирғийлар кўп жойда каптар бўлмайди. Фақат шунда у яна талвасага тушди. Мансур билан манжалақини роса сўкди, бироқ тез ўзини ўнглаб олди. "Ўзи ҳеч ким билан суратга тушиш керак эмас экан" ўйлади у.

Уй йиғиштириб охири чарчади. "Бўлди, бас" деди у, диванга чўзилиб, телевизор томоша қилди, маза қилиб

"Рамаяна" кўрди. Бу фильмнинг фалсафий гапларига тан берарди. Қачон қўйишса, қолдирмай кўрарди. "Ошин" билан шу фильмга гап йўқ. "Ошин"да қизни зўр танлаб қўйган, бирон та сунъий ҳаракат, саҳна йўғ-а?

Рамаяна тугагач, мактабга, завучга телефон қилди. "Э-э, келинг, эртагаёқ келинг, дарс тўла" деди у. Нозима яна хурсанд бўлди. Салиманикига телефон қилди. У энди бозордан келиб, чой ичиб ўтирган экан, "чиқинг чучвара қиламиз" деди унга. Салима тез чиқди. Ошхонада супра ёзишиб, чучварага уннашди.

— Қиш бўлсаям, қуёш чиқиб турса, кўнглинг яйрайди, — деди Нозима ошхамир оларкан.

— Қуёшга нима етсин. Нозимахон, бирам очилиб, илгаригидан ҳам чиройли бўп кетипсиз, туф-туф, кўз тегмасин, келдими?

— Келди, кетди.

— Бирон кун қолмадими?

— Қолиб нима қилади?

— Вой ўлгур-ей, ўшанга ёпишиб олибди-я. Қорахон, ширин бўлмай ўлсин, — ҳи-ҳилади Салима.

— Нима дейсиз энди, шундай бўлгандан кейин, бу одам.

— Шуни айтаман-да. Мансуржонингиз ҳам одам-подам эмас экан. Шундоқ хотини туриб... Амал қилди-да, у хотин.

— Қилса қилиб ўлсин, менга барибир энди.

— Шу-да. Иккови бир гўр бўлиб ўлмайдими? Кунингиз ўтмай қолармиди? Ҳали ўн гулингиздан бир гулингиз очилгани йўқ. Парво қилманг.

— Нега парво қиламан, эрдан қолганлар ўлиб қоляптими?

— Рост-да. Мана, мен, ўн йилдан ошди. Эрим ўлган кунлари мен ҳам ўламан, деб ўйлаган эдим. Ўзи-чи, эрсиз яхши. Ўрганиб кетганингиздан кейин, биласиз...

Икковлон дарров чучвара тугдилар.

— Жуда пазандасиз-да, Нозимахон, — деди Салима. — Мансурга қорахон қишлоқини овқати татияптимикин?

— Қаёқдан билай? — деди Нозима ва қозонга чучвара ташлади. — Салима опа, мева-чевалардан арчиб енг, янги.

— Мансур опкелдими? — битта нокни олди Салима.

— Менга ҳозирча бошқа ким обкеларди? — деди Нозима ва дастурхондаги нонни ушатди, чой дамлашга тутинди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сиздек гул ерда қолмайди ҳали...

Нозима чучвара сузди.

— Вой, бирам масза бўптики, — тотинди Салима.

— Дадам яхши кўради.

— Оборасизми?

— Ҳа.

— У ҳам шуничун меҳрибонда сизга.

— Анчадан буён у кишидан ҳам хабар ололмадим.

— Майли, савоб бўлади.

Овқатланиб бўлишгач, Нозима Салимага қизи учун чучвара қуйиб, мева-чева билан берди. Дадасига чучварани алоҳида, қайласини алоҳида қуйиб тугди, Салима иккови ташқарига бирга юришди.

Нозима етиб келганда, Наби Мусаевич столда мук тушиб ёзиб ўтирган экан.

— Э-э келинг, келинг, — деди у хурсанд.

Нозима чучварани таёрлади, дастурхон ёзиб, қайнотасини ўтқазди. Наби Мусаевич миннатдор овқатланди. Уй бесаранжом, намату поллар чанг бўлиб кетганди. Нозима енг шимариб ҳаш-паш дегунча ҳамма ишни ўринлатди. Наби Мусаевич гапга тутмасин, яна сўроқ-саволга тутилмай деган Нозима, кетишга чоғланган эди у:

— Нозима, тарихчисиз, бу ёққа келинг-да, — деб қолди.

— Уфф, яна маъруза бўлади шекилли, — пичирлади Нозима ва Наби Мусаевич ёзиб ўтирган хонага кирди.

— Битта мақола ёздим, биласизми нима ҳақида? — деди у кўзойнагини тақиб.

"Оббо, энди мақоласини бошдан оёқ ўқимаса эди" Нозима атай ўтирмади.

— Бизнингча, милоддан олдинги иккинчи минг йиллик бошларида Волга дарёсининг ўнг ва сўл томонларида чорвачилик ва овчилик билан шуғулланган Скиф қабилалари яшаган. Улар кўпинча, очарчилигу табиий офатлар (қурғоқчилик, юқумли касалликлар ва ҳок.)лардан қочиб ўзларини жанубга, иқлими юмшоқ бўлган ҳудудларга урганлар.

— Бизнинг фикримизча, — уқтирди Наби Мусаевич, — Волга дарёсининг ғарбида жойлашган қабилалар эрамиздан олдинги иккинчи минг йилликнинг иккинчи ярмида ғарбга қараб силжиган. Тарихий манбаларда бу қабилалар эрамиздан олдинги XII асрларда қадимги Греция ерларига шимолдан (дорий қабилалар номи билан

маълум) босиб кира бошлаган. Волга дарёсининг қуйи қисми ва шимолий Кавказнинг чўл зоналаридаги бу қабилалар эрамиздан олдинги иккинчи минг йилликнинг ярмида Дарбанд йўли орқали Кавказ ортига ва ундан Эроннинг жануби-ғарбий сарҳадларига юриш қилиб, Элам давлати ҳудудларини босиб олиб ўтроқлаша бошлаганлар. Худди ана шу давраларда Волганинг шарқий соҳилларидан Жанубий Урал билан Каспий денгизи оралиғи бўйлаб, бизнингча, Иртишгача бўлган ҳудудларда Айра (Орий) қабилалар иттифоқи истиқомат қилишган. Бу қабилаларнинг бир қисми ҳам эрамиздан олдин иккинчи минг йилликнинг иккинчи ярмида Орол ва Каспий денгизи оралиғи орқали жанубга қараб силжиган. Уларнинг бир қисми Эрон сарҳадларида қолиб, катта бир бўлаги Шимолий Ҳиндистон ҳудудларига кириб борган.

Ана шу орий қабилаларининг баъзилари, Амударёнинг қуйи қисми Хоразм воҳаси ҳудудларида, Орол денгизининг соҳиллари орқали Сирдарёнинг қуйилиш қисмидан ўтиб ўтроқлаша бошлаган. Хоразм воҳасида ўтроқлашган орий қабилаларининг иттифоқида ўз таъсир доирасига эга бўлган қабилалардан бири Спирама уруғи бошчилик қилган қабила бўлиб, ўз атрофида орийларнинг бошқа қабилаларини тўплай олган бўлса керак.

Зардуштни етиштирган ўлка номи Арианем Войчах деб аталган. Бунинг маъноси — Орийлар яшайдиган маскан. Кейинчалик бу Аҳамонийлар ёки парфияликлар тили — паҳлавийча тилда "Хо-орий-замин" ёки "Хо-орий-зем" шаклида қўлланилган. Яъни Хо — улкан, катта, Орий — орий, зем — замин, ер, тупроқ, ўлка, маскан. Кўрдингизми, Нозимахон, — ўқишдан тўхтаб қўлини кўтариб, кўрсаткич бармоғини ўқ қилиб маъқуллади Наби Мусаевич, Нозима фурсат топиб диванга ўтириб олди. — Мана энди эшитинг, янги илмий фараз, яъни немисларнинг олий ирқи, русчасига "Ариец", ўзбекчасига нима? "Орий". Ана, немис халқи қаердан бино бўлган. Вот, шонли тарих бизга қандоқ сабоқ беради. Авестони кавлаштирса, унда гап кўп.

Энди, Ходаркатда сақланган муқаддас "Авесто" китобининг бир қисмини Искандардан асраб қолган қавм — парсларга келсак, уларнинг аждодлари ҳозир ҳам Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳрида алоҳида маҳаллалар бўлиб яшайдилар. Баъзи манбаларда уларнинг сони 250 мингдан ошиқ дейилади. Улардан энг бадавлат ва маш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳур кишилар чиққан. Масалан, Индра Ганди, ёки биз ўзбеклар жуда севадиган Раж Капур. У Ўзбекистонни ўзининг тарихий ватани деб, қайта-қайта таъкидлаганлиги ва бу ўлкага алоҳида меҳр қўйганлигини шу билан изоҳлаш мумкин. У ҳатто ўлганда ўлигини мусулмонча дафн этишларини васият қилган...

Майли энди, бораверинг, ҳаммаёқ тинчликми, ишқилиб?

— Вой дада-ей, тиниб-тинчимайсиз... — Нозима хайрлашиб йўлга тушди.

XXI

Мансур сафардан келиб бир кун дам олгач, ишга чиқди. Кеча кечқурун Москвадан олиб келган буюртма дахмазасини Иякка топширди. Каниза қишлоққа бориб-келишни маслаҳат қилган эди, бир кун сабр қилишини айтди. Яхши, Мансур нима деса кўнади. Беш кун Москвада юрган бўлса, бу ерда — на уйида, на ишхонада ҳеч қандай ташвишли иш юз бермабди. Қодирхўжа барча топшириқларни адо этган, шартнома тузилиб, пул ўтибди, нарсаларни ташишаётган экан. У юмушларни суриштириб, ҳар хил иш билан келувчиларни қабул қилиб ўтирган эди, акаси телефон қилди, ишхонада туришини тайинлади. Демак, биронта муҳим иш бор. Уйга телефон қилиб, тушликка боролмаслигини, кечгача ишхонада бўлишини айтди. Соат олтигача ишхонада ўтирди, Зокирдан дарак бўлмади. Дадасига телефон қилди, ҳол-аҳвол сўради. Унинг саволларига жавоб қилиб, ҳамма нарса жойида эканини айтиб кўнглини тинчитди.

— Нозима, қишнинг кунида ҳадеб уч маҳал овқат ташимасин, ҳозир ҳаво совуқ, қолган овқатни ҳам иситиб ичавераман, — деди дадаси гапининг охирида.

— Хўп бўлади, дада, — жавоб қилди Мансур ва шундан сўнг уйига кетди.

Каниза уни кутиб ўтирарди. Келган куниёқ уйга ёйиб ташлаган сепларини йиғиштириб қўйибди. Шу кунларда Канизанинг кўнгли тез-тез айнийдиган бўлди. Бу Мансурга икки томонлама қаноат берарди — биринчидан, ҳомиладор бўлгани аниқ, иккинчидан, энди унга ҳушёр бўлиш керак. Ёлғиз қолдириб бўлмайди. Хуллас, ишлар ёмон эмас, кўнгил тинч. У яхши дам олди. Эрталаб ишга жўнашга ҳозирлик кўраётганда, уяли телефони жиринглади. Акаси зудлик билан ўн беш минут ичида институт олдида бўлишини тайинлади. Мансур шошиб етиб борганда, Зокир уни сабрсизлик билан кутиб турарди. Мансур кўришар экан, Зокир қисқа-қисқа гапирди:

— Ўша ерга тайёргарлик қиласан. Бугун соат олтига меҳмонлар келади. Шефи билан ўзинг гаплаш. У ёғини у ўзи дўндиради. Фақат, расходни сен қиласан. Бошқа жойларда ҳам тайёргарлик қилишлари мумкин, мен фақат ўша ерга бораман. Тушундингми?

— Ҳа.

— Савол борми?

— Йўқ.

Зокир жўнаб кетди. Демак, бу ёққа ўтади. Анави Ияк кимнингдир номини айтаётган эди-ку. Аниқ бўлмаганда Зокир бундай демасди. Ҳозир соат саккиз ярим, аввал ўша ёққа боргани маъқул. Бугун ишни йиғиштириш керак. Ўша ерда туради.

Айтилган ерга борди-да, шефни топди, ҳамма гапни гаплашди. Шеф тайёргарликни бошлаб юборди. Мансур кечгача ўша ерда ўтирди. Юз берган янгилик аллақачон етиб келди. Демак, Зокир ҳақ экан. Соат бешда масканнинг атрофини мелисалар тўсди. Йўлда ҳаракатлар тўхтади. Мансурнинг машинасини ҳам олдирдилар. У машинани ичкари олиб кирди, аммо бу ердан ҳам олдиришди, охири узокроққа қўйиб келди. Қайтаётганда уни зўрға ўтказишди. Майорга гапнинг ростини айтишга тўғри келди. Шунда ҳам паспорт талаб қилишди, яхши, ҳайдовчилик гувоҳномаси чўнтагида экан, акс ҳолда уйга бориб, паспортини олиб келишга мажбур бўларди.

Соат беш яримда биринчи бўлиб Ияк етиб келди. У Мансурни кўрган заҳоти қучоқ очиб икки юзидан учтўрт чўпиллатиб ўпди, шу топда "акаси эмас" гўё Мансур амалга мингандек, уни етти осмон тоқига чиқаришга ҳозиру нозир эди.

— Бекорга сизни укам демаганман-да, Мансуржон, — дерди у ҳадеб, — ана кўрдингизми, мен одамларни қандай биламан. Зокир Набиевич бошқа одам-да, ўғил бола бошлиққа энди ёлчидик. Ишлар беш бўлади, Худо хоҳласа...

— Бошқаси деяётган эдингиз, шекилли... — Мансур дилида тугилиб турган гапни иложсиз айтди.

— Қодир Алиевич просто "утка". Қоидаси шунақа бўлади ўзи. Сиз ёшсиз, отахон, бунақанги ўйинларни билмайсиз. Икковимизга Худо берди энди. Умрбод ака-

www.ziyouz.com kutubxonasi

укамиз-а, Мансуржон, олдин ҳам, кейин ҳам? Ҳали сизга шунақанги ёрдам бераманки, айтганингиз отнинг устида бажо бўлади... — у Мансурнинг ёнидан жилмас, жағи эса тинмасди. — Қодир Алиевич ким бўлибди? Нари борса прокурор ёрдамчиси, унга бунақанги лавозим йўл бўлсин...

Соат олтига яқинлашди. Ҳаммаёқ тайёр, зал меҳмонларга мунтазир турарди. Хайрият, анови ташқари чиқиб ғойиб бўлди. Мансурнинг қулоғи бироз тинчиди. Шу пайт қаторасига меҳмонлар кириб кела бошлашди, ҳаммалари ёнида аёллари билан келаётган эдилар. Салон тўлди, фақат, Зокир кўринмасди. Аяси ҳам келармикан? Келмас. Зокир ўзингдан бошқа ҳеч ким бўлмасин деди-ку?! Зал сукут сақлар, салобатли меҳмонлар ҳатто хотини билан ҳам гаплашмай, чурқ этмай ўтиришарди. Эркаклар жиддий, аёллар қаҳрли ўтиргандай туюлди Мансурга. Иккита прокурор кийимидаги одамларгина паст оҳангда сўзлашиб ўтирарди, холос.

Мансур кўздан кечириб турган, сукут сақлаб ўтирган салон аҳли жойидан бирдан қалқди, ҳамма ўрнидан турди ва нигоҳлар эшикка қадалди. Эшик томон бурилган Мансур келинаясини етаклаб кириб келаётган Зокирга кўзи тушди ва анграйиб қолди. Кечаги олиб келган лама шубаси келинаясига қуйиб қўйгандай мос тушган, виқор билан саломлашиб ўтиб бораётган келинаясини янада салобатли кўрсатарди. Мансур ўзини четга олди. Зокир хотини билан энг юқори жойга ўтирди, улардан сўнг меҳмонлар жойларига чўкдилар.

"Воҳ, Зокир, барибир айтганингни қилдинг-а? Қойил. Энди, анови сатанг, каттазанг келинаямга Худо икки қўллаб берди..." кўнглидан ўтказди Мансур.

Мансур бир четда турган эса-да, зал кафтдек кўзга ташланиб турарди. Хиёл вақт ўтмай, Зокир Набиевичнинг ўнг қўлида ўтирган салобатли одам ўрнидан турди.

— Азиз дўстлар, муҳтарам меҳмонлар, — дея ўзига хос ва мос салобат билан сўз бошлади, кечани тантанавор очди.

Зал сув қуйгандек жимиб қолди. Нотиқ сўзни узоқдан бошлади, истиқболлар ҳақида сўзлаб, бугунги вазифалар талқинига ўтганда, асосан, вилоятнинг бугунги иқтисодий ва ижтимоий даражаси, қилинажак ишлар, умуман, вилоятнинг тақдири шу ўтирган қора кўзлар қўлида эканлиги, айниқса, биринчи раҳбарнинг масъулиятига тўхтаб, уни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, у муносиб ва айни шу кун учун зарур шахс эканига, ҳатто, вилоят энди ўз эгасини топганига, бу масъулиятни Зокир Набиевичдек доно, чуқур билимдон, маърифатпарвар, узоқни кўра билувчи, зукко раҳбар, иқтисодчи мутахассис олий даражада бажаришига камоли эҳтиром билан ишонч билдирди.

Зокир Набиевич ўрнидан туриб, тавозе билан ўтирганларга ва нотиққа таъзим қилди. Ҳамма баробар қалқди, биллур қадаҳлар кўтарилди. Бир хил кийинган, хушбичим хизматчилар назокат ила ўтиришга хизмат кўрсата бошладилар. Мусиқа янгради.

Мансур ёнига келиб қолган ошхона шефини фақат сўз қотгандагина сезди.

— Ҳаммаёқ жойида, кўнгилдагидек, Худо хоҳласа, уялиб қолмаймиз, — деди у ва Мансурни четроқдаги махсус жойга бошлади. — Келинг, энди ўзимиз ҳам қиттак-қиттак...

— Раҳмат, — деди Мансур, — ичмайман.

— Умуманми?

— Йўқ.

— Мен ҳам шу, фақат сизнинг кўнглингизга қараб...

— Йўқ, раҳмат.

— Қани, овқатдан олинг бўлмаса, марҳамат. Қачон хоҳласангиз, биз хизматда. Олинг.

Мансур ул-бул нарсадан еб, зални кузатиб ўтирди. Акасидан кўз узмади. Ҳар дақиқада уни сўроқлаб излаб қолиши мумкин. Ўтириш аста-секин жонланиб борар, аммо норасмий эса-да, қандайдир улуғворлик ҳукмрон эди дастурхон атрофида. Қайси тарафдан қараб чиқмасин, бу одамлар бир-биридан салобатли, жиддий, улуғ кишиларга ўхшарди. Аммо шу тобда акаси бутунлай бошқача, уларга сира ўхшамас, энг улуғвор сиймо тарзида Мансурни қувонтираётганди. Қандай улуғвор одамлар... Бутун бир вилоят шуларнинг қўлида. Элу халқнинг тақдири шуларга боғлиқ. Биргина вилоятнинг "катта"лари шунчалик бўлса, улардан "катта"лар қандай экан-а? Одамзод қандай етади бу даражага? Дунёнинг ақл бовар қилмайдиган ҳодисотлари тўлиб-тошиб ётибди.

"Воҳ, Зокир! Сен ҳам шу даражага етдинг-а! Дадамдан сўкиш эшитиб юриб, етган мартабангни қара! Қойил сенга, акам! Қани энди, онамиз шу кунларни кўрганда?!" Мансурнинг кўзи намланди. "Эй Аллоҳ, менга ҳам шундай бир қобил фарзанд ато эт!"

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзининг наздидаги бу оламшумул ҳодисадан Мансур анчагача турли ўй хаёллар таъсирида ўтирди. Шеф овқатлангач, хизматчиларни кузатиш учун ўрнидан туриб, ичкари кириб кетди. Мансур яна даврани кузата бошлади. Рўпарасида ўтирган икки прокурор унинг диққатини тортарди. Айниқса, ингичкароғи ўта ёқимтой, аммо жиддий, прокурор халқига ўхшамаган, одамни ўзига тортгич, келишган кўзларию ҳатти-ҳаракатлари беихтиёр кишида ҳурмат уйғотадиган ёқимтой, тортимли эди. Мансурнинг нигоҳи анча пайт унга қадалиб турди. "Анави айтган Қодир Алиевич шумикан? Ие, унинг ўзи қани? Ҳалигина гаплашиб, шу ерда пилдираб юрган одам қаёққа фаромуш бўлди?" У кўзи билан бутун зални излаб чиқди. Ияк кўринмасди. Бошқа жойда ўтирибдимикан? Балки, иш-пиш буюришган эса кетгандир, ахир, у югурдакку. Мансур беихтиёр илжайди. Ламани ким тахтни эгалласа, ўшанинг хотини кияр эди-да, а? Мана энди, каттазангнинг елкасида турибди. Вой, ияг-ей! Сени биламан, менга ҳам пойпатак бўласан ҳали...

Шу пайт ёнидаги телефон овоз берди.

— Алло, — деди Мансур оҳиста, — ҳа, раҳмат. Шундай бўлди. Худога шукур. Хўп-хўп... Салом айтиб қўйинг, — телефонни энди жойлаган ҳам эдики, яна овоз берди.

— Алло, ҳа, раҳмат. Эркинжон, сизмисиз? Раҳмат, раҳмат. Қуллуқ, сизга ҳам. Ҳа, ҳа... Ҳа, энди... Қани? Бўпти, эртага гаплашамиз.

Энди қопқоғини ёпиб телефонини жойига солган эди, яна чақирди. Бу ерда ҳадеб гаплашаверса бўлмас... Яна табрикдир-да. Аппаратига бир қараб, ўчирди.

Шеф кабоб кўтариб келди, жойига чўкди. "Олинг-олинг" қилди.

— Боя сиз билан қуюқ сўрашган одам қани, кўринмай қолди?

— Ким? — тушунмади шеф.

— Ҳали, биринчи келди-ю?

— Ҳа, уми? У нима қилади бу ерда! Узоқдан "катта"нинг кўзига бир кўриниб жилади унақалар, гўё буёқни ташкиллаб қўйгандек. Уни танийсизми?

— Оз-моз. Ҳув анави, чап томондан иккинчи ўтирган прокурор ким? — сўради Мансур.

— Ҳа, уми? Зампрокурор. Қодир Алиевич, — деди шеф.

— Ҳа-а, — деб қўйди Мансур ва яна унга бир дам тикилиб турди.

Ўтириш қизигандан қизиб борарди. Ора-орада мусиқа тин олиб, сўз берилар, сўзлар "юқорида айтилган гаплар олдида биз нима ҳам дея олардик", деган ибора билан бир хил бошланса-да, асли барчасининг таг-мазмуни бир эса-да, ҳар бир сўзловчи Зокир Набиевичнинг ҳеч ким тилга олмаган хислатини топиб гапиришга ҳаракат қилар, бу сўзлар унга тикилганча айтилар, Зокир Набиевич эса сўз пайтида қимир этмас, Мансурни ҳайрон этиб, ҳатто бош ирғаб, на миннатдорлик, на маъқуллаш нишонасини бермасди. Баъзан сўзловчи ҳисҳаяжонда тўлқинланиб, у томон шиддат-ла юриб келар, уни қучоқлар, юрагидаги бор муҳаббату ҳурмат-эҳтиромини унга ҳадя этмоқчи бўлар, Зокир эса ўзини совуққон тутарди.

Бир одам сўзида: "Шундай буюк одамни дунёга келтирган ота-онага бош эгиб таъзим қиламан" деганда, Мансурнинг эсига ногоҳ дадаси тушди. У четроққа ўтди-да, телефон қилди. Дадаси ажойиб одам-да: "Ҳа, эшитдим, кеча Зокир ўзи ҳам келиб кетганди. Ҳозиргина ректор ҳам келиб кетди", дея гапни қисқа қилди ва бироқ оилавий ишларни суриштириб қолди-ю... Мансур охири, эртага олдига ўтишини, ҳамма иш жойида эканини айтиб зўрға қутулди.

Зиёфат роса чўққисига кўтарилиб, сўнгги маромига яқинлашди. Охирги мумтоз қўшиқ тинглангач, якунловчи сўз Зокир Набиевичга берилди, у мутлақо жимлик ва ёниб тикилиб турган кўзлар қуршовида сўзлади. Мансур яқинроқ бориб эшитди.

— Ҳурматли дўстлар, — деди у. Овози Мансурнинг қулоғига жуда улуғвор эшитилди. — Аввало, менга юксак ишонч билдирган ҳукуматга ва халқимизга минг бора раҳмат. Бу ишонч катта масъулият эканини, ҳаммангиз яхши биласиз. Шунинг учун мен бу масъулиятни ўта ҳаяжон билан қабул қилдим. Шу боис ҳам, мен бу юксак вазифани бўйнимга олишга бир неча бор кўнмадим. Ҳукумат эса ўз сўзида қаттиқ турди ва бу масъулиятли вазифани менинг гарданимга юклади...

Зокир оташин нутқ сўзлади. Мансур унинг бунчалик нотиқ эканини энди кўрди ва қойил қолди. У ҳозир виқор билан бош силкиб акасининг ҳар бир сўзини маъқуллаётганини ўзи сезмас, кўзи эса юзу нигоҳлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

ила ўтли тобелик изҳор этаётган меҳмонларни бирма-бир кузатарди. Дарҳақиқат, бу ерда ҳозир Зокирдан олий, ундан-да мартабаси улуғ одам йўқ эди.

Зокир давом этди:

— Азизлар, мен бир ўзим ушбу масъулиятли вазифани адо этишга, халқимизга хизмат қилишга сизларсиз ожизман, албатта. Биласиз, бу катта юк. Бу ерда ҳозир менинг шарафимга вилоятнинг чинорлари йиғилган. Мен сизларга таянаман, дўстлар...

Илкис янграган гулдурос қарсаклар остида барча Зокир томон оқиб кела бошлади. Бу тўлқин Мансурни анча масофага суриб юборди. Узоқроқдан у вилоят улуғларининг Зокир билан басма-басга қучоқлашаётганини, имкон қадар пинҳон юрак сўзларини айтиб қолаётганини, Зокирни ўраб олаётган оломон тўдасини ёриб киролмай, фиғони фалакка чиқиб, тўдани гир айланаётган жонфидоларни томоша қилиб турди.

Энг сўнгги фидойи тан олишлар, зумда ҳаммадан улуғвор одамга айланган хўжайинни вақтида қучиб қолишлар, турли маънода устма-уст қўл сиқишлар поёнига етгач, шунда ҳам кўздан мосуво бўлишга кўнгли бўлмай ҳамнишин турган кимсалар орасида Зокирнинг Мансурни чақиргани эшитилди. Мансур худди кутиб тургандек, зумда акаси ёнида бўлди. Ўзи келтирган шуба ичида тоғдай ўрнашиб турган келинаяси билан саломлашди. Шунда Зокир овозини баландлатиб:

— Бу ёғи тўғри бўлдими? — деб сўради. — Ҳисоб-китоб қилдингми?

— Бўлди, — жавоб қилди Мансур.

Шунда Зокир уни ўзига яқин тортди ва қулоғига пичирлади:

— Мансур, укажон, энди ҳушёр бўлгин, айниқса, хотин-потин масаласида. Эшитдингми? Бундан буён менинг ҳар бир қадамим ҳисоб-китоб қилинади...

Мансур бош ирғади. Келинаяси Зокирнинг гапини эшитмаган эса-да, намойишкорона бош ирғаб, қошларини чимириб, юз ифодаси ила "Укдингизми?" дегандек ишора қилди ва эрининг қўлтиғидан олди. Эр-хотин қолган-қутган илинжи ҳукмрон кимсалар қуршовида ташқари юрдилар.

Кеч бўлгани учун Мансур уйга шошилди. Канизанинг қийналаётганини эслади, ёнидаги телефонини ёқди. Телефон ўша заҳоти чақирди. Қулоғига тутган Мансур

"яна" деганча, ўчирди. Ҳозир нафақат унга, энг аввало, Зокирникига, Мансурникига, ҳатто Зебоникигача табриклар йўлланаётган эди. Фақат Наби Мусаевичнинг қулоғи тинч эди, холос.

Мансур машинани қўйиб уйга келганда, эшикни очган Каниза:

— Тинчликми? — деб сўради. — Кеч қолиб кетдингиз?

— Ҳозир ҳаммасини айтиб бераман. Ўзингиз қалайсиз?

— Тузук. Кўнглим айниб турибди.

Мансур ечинди, сўнг Канизани қучиб, "ишлар жойида" деди.

Ётоқхонада шошилмай, ҳамма юз берган воқеаларни шавқ-завқ билан сўзлади.

— Ана шунақа, — деди Мансур гапининг охирида, — қайноғангиз катта бўлиб кетди.

— Яхши бўпти, — қувонган бўлди Каниза, аммо у ўз назарида бунинг аҳамиятига унчалик етиб боролмас, яхши бўлганини бироз бўлса-да, ҳис қиларди, холос. Унинг хаёли ҳозир нима қилиб бўлса ҳам қишлоққа боришда эди. Канизанинг бу ҳолатини — роса қувониб, бир нималар демаганини Мансур ўзича тушунди. Чиндан ҳам, бунинг унга нима алоқаси бор. Балки, Мансур ҳам ортиқча тош қўяётгандир. Аммо, Канизадан фарқли ўлароқ, Мансур кўп нарсаларни олдиндан кўриб турар, ҳаёт, турмуш, бизнес йўлидаги тўсиқлар чекинишини, ғаламисларнинг пойи қирқилишини, шароитнинг ўз фойдасига ўзгаришини, пойи-патак одамлар кўпайишини, арзчи-илтимосчи одамларнинг тинчлик бермаслигини: бу ҳам ўз навбатида бизнес бўлиб, даромад келтиришини, дўсту душман кўпайиб, ҳасаду ҳавас ортишини аниқ-тиниқ тасаввур этарди ва ўзининг ҳар бир босқичда қандай позиция тутишини ҳозирдан мўлжалларди. Москвада шунча дўстлар, нима ёрдам сўраса, лаббай деб турибди. Бу ердаги вазият ҳам чексиз уфқларни очмоқда. Демак, Худонинг икки қўллаб бергани — шу. Балки бунинг барчаси мана шу Канизадандир, шунинг оёғи ёқяптими, яна ким билади. Юрган эди, Нозима иккови кундалик майда-чуйда ташвишлар, кейин идораси ишларини юргизиш билан овора бўлиб. Ишлар-ку ёмон эмас эди, лекин бундай кенг миқёс олмаганди. Мана энди, юқори даражадаги имконият пайдо бўлди. Дўстларию атрофидаги одам-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар арзимаган бир ишни уддалай олмай турганда, бундай вазиятнинг туғилиши қандайдир ғайритабиий кучга, азалдан зуваласи улуғ олинадиган кишилар билан боғлиқ ҳодисотга ўхшарди. Балки бу Зокир иккаласининг пешонаси, балки Каниза, балки туғилажак фарзанд хосиятлидир... Ахир, шу бир ой ичида Худо Канизани етказди, мана у ҳомиладор бўлди, Мансурнинг азалий орзуси амалга ошди, фирманинг иши отнинг устида юришди, Зокир бу ёққа ўтди... Хуллас, бу муҳиммотда бир сир бор. Нозима билан юраверганда, эҳтимол бундай бўлмас эди. Ҳар кимда бир хислат бор-да... Бировнинг йўли тўсиқ, бировники очиқ. Буни инкор қилиб бўлмайди.

Мана энди, Ияк, сен узатасан, бундан буён сенинг дилинг сиёҳ, оёғинг эса қалтираб юради. Шубани энди сен олиб келасан... Энди мен тарозибон, сен харидор. Аҳад Валиевич, бундан буён сал пастроқ тушиб гаплашасиз. Оғзингизга нима келса валдирайвермайсиз... Сенлар, ҳов, сен, сен... Мансур сенлар билан эмас, сенлар у билан ҳисоблашасан... Неча марта қўлимиздан у келади, бу келади дегансан, кўрамиз, кимнинг қўлидан нима келади... Ҳамманг тўхтаб тур, энди... Зўрники тегирмон юргизади...

Шу кунларга осонликча етдикми? Мансурни энди биласан, унинг тоши аниқ. Ҳой Маҳмуд, Ҳасан, Ёқуб, хотинларинг талтайиб, ўтиришларда энг юқорига чиқасан, сенлар келсанг, ҳамма ўрнидан туради, мана энди, Мансурдан изн сўраб кирасан, ҳақиқий жойингга ўтирасан, ҳатто мана шу Канизадан пастга ўтиришга маҳкумсан. Сенларнинг асли жойинг шундай эди. Ҳали иш кўп.

Ҳов, Неъмат, Исроил, Аъзам писмиқ, висир-висирчилар, сенларнинг фикрингча, мен ўғри, муттаҳам, товламачи, афирисман. Бўл, сен ҳам шунақа, сенларнинг мараз ўйингча мен акамнинг ёрдамида ҳамма нарсани ҳаром ўзлаштириб олдим. Отнинг ўлими — итнинг байрами дейишдинг. Ким ҳақ, ким ноҳақ экан? Ҳаром қозонга қўл тиққан эмишман, ҳали вақти келармиш, ҳамма ишларнинг, ҳаромхўрларнинг "разборка"сига. Ҳаромхўр бўлсак, Худо бизни эмас, сенларни жазолаяпти-ку? Юрибсан, шимилдиришингни шилдиратиб, ҳалиям давлат кассасидан маош оламан, бола-чақа боқаман деб. Ишлаган тишлайди, акаси, бутун дунё шунақа, ҳамма жойда шунақа иқтисодиёт, каллани ишлатиш керак, тадбиркор

бўлиш керак. Сенлар ухлайвер, шу тушунчанг билан дунёдан ўтиб кетавер...

Бир сўмингни туфлаб, хўллаб чўнтагингга ёпиштириб юрасан. Мансурга жуда осон бўлгани йўқ. Дунёнинг тошу торозиси, ҳисоб-китоби бор эмиш. Бор, тўғри, агар билсанг, ўша ҳисоб-китобни тўғри тушун. Лаққиллаб, гап маъқуллатиб нима қиласан? Эсинг борида этагингни ёпиб қолсанг-чи!

Барибир, мен сизларни яхши кўраман, биродарларим, азизларим. Менинг кўнглим очиқ, бир грамм гард йўқ. Сизларга албатта яхшилик қиламан... Аммо...

Тек ётган Каниза бирдан пиқиллаб йиғлаб юборди.

— Ҳа, жоним, тинчликми? — деди Мансур хаёли бўлиниб.

— Йўқ, ўзим...

— Нима қилди, мазангиз қочдими? — елкасидан қучди Мансур.

— Болларим...

— Эртага, Худо хоҳласа, бориб келасиз...

Каниза ўқчиди, ўрнидан тез туриб, ваннахонага кириб кетди. Мансур ётган ерида ўтириб олди. Каниза ваннахонада қийналарди. Охири, инқиллаб чиқди. Ошхона томон юрди. Сувми, сокми, алланима ичди ва жойига келди. Унинг ҳамон кўзи ёшли эди. Ётгач, Мансур:

— Ҳали ҳаммаси ўтиб кетади, кўрмагандек бўлиб кетасиз, — деди унинг устини ўраб.

— Роса туман тушибди, — деди Каниза сўниқ овозда. — Бечора болларим нима бўлди экан? Кичиги касал эди...

— Уларни олиб келсак бўлмайдими? — сўради Мансур, билагини боши остидан ўтказиб.

Каниза бирдан жонланди.

— Яхшиси, ўзим бориб турсам, деган эдим... — деди.

— Йўқ, эртагаёқ бирга олиб келасиз, уларнинг бизга оғири тушармиди? — астойдил гапирди Мансур. — Ўзимиз нимани деб бу ерда ўтирибмиз, болани дебми? Нега улар у ёқда юриши керак? Ановинингиз жанжал қилмайдими?

— Қилса ҳам, ундан қўрқадиган жойимиз йўқ. Унинг нима иши бор? У билан ажрашган бўлсам... Боллар онамникида.

— Нега шу пайтгача индамайсиз? Бу ерда шунча шароит туриб...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сизга маъқул келадими, йўқми, деб юргандим...

— Эртага эрталаб бориб, оп келасиз... Боллардан биронтаси обборib келади.

— Шерзодни юборинг, жуда яхши бола.

— Хўп.

Каниза Мансурнинг пинжига суқилди.

— Уларни мактабга жойлаб қўямиз... — деди Мансур уни маҳкам қучиб.

Эрталаб Мансур ишга борди-ю, ярим соатда Шерзод етиб келди. Каниза дадаси, онаси, опаси ва болаларига олган нарсаларини сумкага солди, егулик, яхши навли чой, ҳар хил қандлар, мевалардан жойлади. Негадир, Мансур бу сафар пул бермади. Каниза, илгари кўп бергани учун, унинг устига уйига олиб бориладиган совға-саломлар борлиги сабабли, пул бермади шекилли, дея анча ўйланди. Ўзидаги етмиш минг пул шундайича турарди. Яна трюмонинг яшиги ичига қўйилган каттакон халтадаги пул ҳам очиқ турибди, ё шуни унинг ихтиёрига бериб қўйганмикин? Ундай бўлса, пулдан оларсан деб айтарди. "Майли, — деди Каниза ўзига ўзи, — пулим бор-ку?!" Аммо бироз ғалати бўлди.

Шерзод нарсаларни машинага олиб тушди. Каниза эшикни беркитиб, яна чиққан Шерзодга қўлидаги қолган юкларни берди. Лама-шубага ўранган, соч пардозлари бошқача Канизани кўриб, Шерзоднинг оғзи очилиб қолди. Йўлда кетишар экан, бирдан Шерзод машина қути-часидан қоғозга ўроғлик нарса олди-да, Канизага узатди:

— Сизга, хўжайин бериб қўй, деди.

Каниза тушунди ва ўроғлик қоғозни очди, юз минг сўм экан. "Эсидан чиқиб, кетиб қолган..." ўйлади у ва ичига сиғмай суюнди. Сумкасига жойлаб қўйди.

Қишлоққа етишгач, уйга кириб борган Канизани кўриб, Ўктамбининг нақ кўзи чиқиб кетди. Яхши, Аҳмад ҳам, Ойимхон ҳам уйда экан. Мактабга жўнатгани онаси Самаддан хавотир бўлаётганини айтди.

Ҳамма нарса қолиб, Самаднинг достонини бошлади:

— Самад ўлгур кўзига қон тўлиб юрибди. Э, бўлди тўполон дегин. Бир куни ичиб, ўзини билмасдан бу ерга келди, дадангни босиб ураётган эди, додала-дод деб мен чиқдим, у ёқдан Собирали чиқди. Қуриб кетгурни зўрға даҳлиздаги уйчага қамаб қўйдик, кечаси билан ўша ерда қолиб кетди. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолса бўладиган

эди, Собирали, дадангни урди деб ҳароми ўлгур укангга айтиб қўйибди-да. Кеч оқшом бу ўлгур бориб, уни ичиб ётган жойида роса дўппослабди. Эртаси куни улар тўп бўлиб келиб, ҳароми ўлгурни тепишиб, атала ичадиган қилишди, аканглар варзангникига бориб, энди қўявер, бўлгани бўлди, ўлгани ўлиб, қийпичоқ бўлиб, жанжал жаҳон уришига айланиб кетди. Сўпи, директор поччанг, варзанг уччовиси Ибодуллани топишиб, Теҳронда учрашиб, ҳозир иккинчи фронтти очишворган, чўлдаги аканг билан мол талашиб, солишиб юришибди... Ҳай-ҳай Саматти қўлига тушиб ўтирмагин, — Ўктамби эшик, ромлар томонга хавотир қараб қўйди, — нақ гўшингни ейди, ўшанга болларни мактабга юбормаяпман, тағин болта-молта билан чопиб ташламасин деб... Вой қоқиндиқ, ўзинг ҳам бир қошиқ сув билан ютиб юборадиган паризод бўлиб кетибсан, "Минг бир кеча"даги ҳаммоллар кўрса, нақ юкини ташлаб юборади, туф, туф, суф, суф, суф, кўз тегмасин...

— Ая, Москвага бордим...

— Ҳа-а, кўриниб турибди, куёвинг "катта" одамми дейман? Шу Самад ўлгур бўлмаганда...

— Ҳах... — қўлини силтади Каниза, — ундан нега кўрқасиз? Бир оғиз хўжайинимга айтсам, кавушини тўғрилаб қўяди...

Каниза ўрнидан турди.

— Мошинада келдингми? Тўхта, сен чиқма. Тағин, қўй болам, ановлар ҳозир зўрға турибди.

— Э-э, ўша варзангиздан сиз қўрқасиз, холос. Аҳмад қани? Ие, Ойимхон-чи?

Каниза машинага чиқди, Аҳмад билан Ойимхон машинага кириб олишган, қўлларига нима кирса, еб ўтиришарди.

— Қишлағди боллари-да, Шерзоджон... — деди Каниза гўё уялиб.

— Ие, опа, майли, яхши боллар экан...

Нарсаларни, Канизанинг орқасидан етиб келиб, болаларни "Туш-чи, туш" қилаётган Ўктамби, қолганини Шерзод кўтариб, ичкари олиб киришди. Болалар уларга эргашди. Шерзод қўлидаги нарсаларни қўйиб, ортига қайтди.

— Мен ҳозир, — деди Каниза.

Каниза белгилаб қўйган бисот халталарини бирин-кетин оча бошлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мана бу дадамга, мана бунисиям, мана буниси сизга, буниси дадамга...

— Менгаям, — дейишди болалар.

— Мана сизларга... Мана бу опамга, мана бу эрига... Акамларга мана бу пайпоқлардан беринг.

Ўктамби ҳушидан кетиб қолай деди. Канизани қучоқлаб, кўзига ёш олди.

— Вой, Худойим-ей, яхшиям сен боракансан. Сендан кўрдим-а. Туққанларимга розиман, қизим...

— Энди, кетаман, ая.

— Ҳа, тез кет, қизим. Ўша ёқдан қолма...

— Болларни опкетаман.

— Опкет, болам. Самад ўлтириб-нетиб қўймасин.

— Айтиб қўйинг, ҳазиллаша кўрмасин ома. Панжарага тиқтириб қўяман. Буёғиям, катта бўп кетдик, ая, кейин айтаман...

— Бир кечагина гаплашиб ётмадик...

— Яқинда опкетаман...

— Шундоқ қилгин, қизим.

— Бир боринг, аввал, куёвингиз зарга кўмиб юборади...

— Борарман, вой, айланиб кетайин-а, борарман...

— Болларни кийинтиринг энди, ая.

— Ке, боллар...

Каниза сумкасини ушлади. "Бечора аямга уч-тўрт сўм бериб қўйсаммикин?" — ўйлади у. Аммо сумкасига қўл солмади. Бироз туриб яна очди. Беш минг сўм олди ва онасига узатди. Ўктамби дуо қилди. Каниза онасига тез жўнашини билдирди.

— Вой, шошма-я, болаларни кийим-кечагини йиғиштирай, — шошилди Ўктамби, оғзига емиш тиқиб, янги усти бошларини титаётган болаларни "бўл-бўл" қила, кийинтира кетди. Хурсанд, шўх-шодон овозда эса: — Мана энди шаҳарлик бўласанлар, эсли-ҳушли бўлиб юринглар, аянгни куйдирманглар... — дерди тинмай. — Ҳаҳ, ўлсин-а, куртканг қаёқда қолди-я?

— Топилганини кийдиринг, ая, бориб янгисини олиб бераверaман, — деди Каниза.

— Худо ёрлақасин сени, болам-а, — Ўктамби ўпкасини боса олмасди, кўзларидан шашқатор ёш оқарди.

Шу пайт ортларидан шарпа келди. Она-бола баббаробар ўгирилдилар. Опаси Наргиза, директорнинг хотини. Қовоғи солиқ, вазмин ҳаракат ила улар томон яқинлашиб келарди. Каниза уни анчадан буён кўргани

йўқ эди. Ўша туриши, ўша каттазанглик... Ўзи эса нари борса битта ўқитувчи. Каниза бир нарсани юрак-юракдан ҳис қилади, опаси уни бир тийинга олмайди, ҳатто одам ҳисобламайди. Каниза аввалари шуни ўйлаб ўкинарди, директорнинг хотини-да, тракторчи, шофёр билан директорнинг фарқи бор-да, деб ўйларди. Ҳозир эса унинг юзсизларча муносабатини назар-писандга илмади, индамай ўз иши билан машғул бўлди.

— У келтирган ҳамма нарсани олаверманг, эртага эгалари излаб келиши ҳам бор,— деди Наргиза Ўктамбига томдан тараша тушгандай, нарсаларга ишора қилиб.

— Аввал, мундоқ кўриш қизим, қачондан бери энди келди синглинг... — тез гапга аралашди Ўктамби, — бир қориндан талашиб тушган эгачи-сингилсизлар, болларим,— Ўктамбининг кўзлари ҳамон ёш эди.

Наргиза "яхшимисан" дея Канизанинг тирсагини ушлаган бўлди-ю, яна вайсай кетди:

— Бу ердагиларни ерга қаратмагин, дайди. Гумдонинг чиқиб, ўша ердан келма. Сени орқангдан поччангга ҳам осилишмасин. Ака-укаларинг, қўни-қўшнилар қийпичоқ бўлишди. Самадинг жинни бўлиб юрибди, бу юришингда, айтиб қўяй, шўрингга кул тортиб қоласан...

Каниза чурқ этмади, болаларини олганча тез машинага ўтириб, жўнаб кетди. Уччовлон — ўғли, қизи орқа ўриндиқда юмшоққина, иссиққина машинада кетишаркан, опасининг ҳақоратомуз гаплари тани-жонини қийналаётганига қарамай, Ойимхон билан Аҳмаддан кўз узмай борарди. Иккисининг ҳам ақли кириб қолибди, икковлон тортинган кўйи чиройли ўриндиқда оёқларини қўли билан бир ерга тўплашиб, тортиниб, ийманиб ўтиришарди. Жигарбандларининг шу кунгача сарсон-саргардон, иссиқ-совуқ, оч-юпун, хонадонма-хонадон тортган азобларини кўз олдига келтирди-ю, Канизанинг кўзи ёшланди. Болалар буни сезишди, унинг пинжига суқилдилар. Уларни бағрига маҳкам тортаркан, "Бизнинг қадримизга етадиган одамлар бор, болаларим" дейишга жазм этарди-ю, яна ўйланарди. Опаси, унинг аччиқ сўзлари бу яқинлик ва илиқлик олдида рангсизланди, Каниза сокин тин олди...

XXII

Шундай омадли кунлар бўладики, ҳар қандай чигал масала, юрак-бағрингни тилка-пора этиб эзиб, янчиб тур-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган муаммоллар ўз-ўзидан ҳал бўла бошлайди. Инсон шунда Яратганнинг чеварлигига, барча нарсага қодирлигига тан беради. Мансурнинг ҳаётида ҳам ана шундай эпкинлар эсиб қолди. Акасининг янги лавозими кўп нарсани ўзгартди. Оилавий муносабатлар, можаролар бу улкан ўзгариш кўланкасида арзимас муаммога айланди. Зокир Набиевичнинг мансаби, унинг аҳамият даражаси ҳатто тарихчи, феодал, ўз билганидан қолмайдиган ўжар, аксилраҳбар Наби Мусаевични ҳам тўлқинга мослашишга мажбур этди. Боласининг тақдирига у бефарқ қарай олмайди-ку. Эҳтиёт чораларини кўриш, хатога йўл қўймаслик, халқ ишини бажаришда ўғлига мадад бўлиши зарур. Шу мақсадда Наби Мусаевич, энг аввало, катта келини Дилором билан келишиб олди, унинг ҳар битта боласи, яъни невараларига кўпни кўрган профессорларча яққол, аниқ нишон-мақсадга қаратилган дарс ўтди.

Навбат Мансурга етганда, айниқса, унинг оилавий ишлари пачавалашиб турганда профессор кўп тер тўкиш зарурлигини ҳисоб-китоб қилиб, ишга киришмоқчи чоғида, бу салб юришга дабдурустдан Зокир Набиевичнинг ўтинчли қўнғироғи чек қўйди. Ўтинч шундан иборат эдики, Мансур ва унинг оиласи масаласи ҳеч қачон кун тартибига қўйилмаслиги, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича туриши зарур. Наби Мусаевич бунга эътироз билдириши ҳам мумкин эди. Зокирнинг сўнгида "Мансурни менга қўйиб қўйинг" дегани домлани бўлажак тарихий саҳналардан сурди. Ноилож, майли Зокир энди кичкина одам эмас, бир билгани бордир, фикр қилди кекса тарихчи. Қолаверса, иккиси жигар-ку, ахир! Шу боис дунёдаги энг мехрибон, энг эслик келини Нозимага қанча тиргакчилик қилгиси келмасин бу масалани ҳозирча "захиралаб" қўйиш керак экан.

Мансур учун бу нарсалар қоронғи эса-да, теграсидаги ҳаётнинг йўналиши, негадир, сокин мақомга тушиб, ташвишлари ариб, Нозима тимсолида ҳамишалик эзиб турган юк устидан ағдарилгандай таскин бўй кўрсатиб келар, уйи, Чака, Нозима жуда-жуда олисда кўринар, Каниза, уйидаги унинг болалари, ҳозирда номаълум нотаниш қайнона-қайнотаси, хуллас, Канизанинг маънодор ва рангдор қариндош-уруғлари шуурида аниқ-тиниқ акс этиб, ўзига хос ва мос ўрин эгалламоқда эди. Кечагина яқинлашиб келаётган янги йилни қаерда, ким билан,

қандоқ кутиб олиш икки аксил қутблар инкори асосида ташвишга сабаб бўлаётган эса, бугун эслашга арзимайдиган тушунчага бурканди. "Ҳамма ҳам бир кунини кўради-да" деди у ўзига-ўзи ҳозир. Хаёлида хомиладор Чаканинг емиши гавдаланди ва Мансур шу заҳоти ўзига таскин берди. "Нозима бор-ку".

Дарҳақиқат, майда-чуйдалар ҳақида ўйлайвермасликнинг вақти-соати етган эди. Зокир катта бўлгандан кейин ўн беш кун ўтгач, ака-ука ўртасида омади гаплар бўлиб ўтди, пухта режалар тузилди. Аллоҳ берган қисқа имконият давомида эришилиши мумкин бўлган чўққилар хомчўт қилинди. Унда ҳар бирининг ўрни, ҳаракати, ҳолати, тактика ва стратегияси белгилаб қўйилди. Муҳокама давом этиб, мақсад-натижалар ойдинлашиб бораркан шу нарса қатъий ўрганилдики, Зокир қўй оғзидан чўп олмайди, вилоят экономикаси ва қишлоқ хўжалиги билан тамоман банд бўлади, Мансур эса асосий саҳнада қиёфасиз актёр ролини ўйнайди. У асосий қаҳрамон, шуни унутмаслик лозим, қолган роллар эса Зокир Набиевичнинг ишончли одамлари орасида тақсимланади.

— Бундай пайтда, — таъкидлади Зокир укасига қаттиқ тикилиб, — ўларча айёр ва мосов бўлиш энг фойдали усул бўлади. Ер билан тенг бўлишимизга тўғри келади, эсингда бўлсин, бирон марта мақтанма, ўзингни шундай тутки, гўё қўлингдан ҳеч қандай иш келмасин... Камтарликни қурол қил. Одамлар ёмон, ҳаммани ўзингдан кучли бил, Мансур... Менинг ўрнимга мана-ман деганлар ета олмади, улар ҳали ётиб қолмайдилар... Шиор битта: "Ейман, едираман, фақат кўпроқ ейман, озроқ... Тушундинг-а? Ҳамма нарсани пул ҳал қилади, қилган ва бундан кейин ҳам қилади. Бу вилоятда энди даҳананинг тепасида биз турибмиз, эртага бошқа биров туради, буни унутма... Амур Темурга шунча босиб олинган юртлар нега етмади? Нега у Хитойнинг йўлида жон берди. Буни ўйлаб кўр. Шундай жаҳонгирга-я!

Бу акаси ҳоким бўлгандан кейинги биринчи ва асосий суҳбат эди. Мансур ўша куни Зокирнинг салобати ўзгарганини ҳис қилиб чиқди. Кеча иккинчи марта акаси уни махфий жойга таклиф этганди, телефоннинг ўзидаёқ бир чўчиб тушди, олдига кириб борганда эса оёғи енгил қалтираб, юраги дукурлаётганини ҳис этди.

Ҳозир бошқармага кириб чиқиш учун ҳокимият биноси ёнига келиб тўхтаганда, иттифоқо акасининг ишга

www.ziyouz.com kutubxonasi

келиш саҳнасининг гувоҳи бўлди. Зокирнинг машинаси бино олдига келиб тўхташи ҳамоно қаёқдан бино бўлди, биринчи ўринбосар виқор билан югуриб чиқди ва ҳокимни кутиб олди, тирсагидан олиб, ичкари бошлади. У билан Мансур уч кун илгари шудгорлаш ишларига ёнилғи ажратиш масаласида олдига кириб танишган эди. Туманлар қишлоқ хўжалик ишларига ёнилғи тарқатиш Мансурнинг фирмаси орқали амалга оширилиши кутилаётган эди.

У акаси кириб кетгунча ҳокимият томон қараб турди ва комил ишонч билан ўрта ва махсус, коллеж лицейлар бошқармаси томон йўл олди. Бугун Мансурнинг олдида коллежлар қурилиши таъминоти масаласи кўндаланг турибди. Ана шуни ҳал этмоқ керак.

Яхши, бошлиқ эрта келган экан. Масала тез ҳал бўлди.

— Юқори нима деса шу,— деди бошқарма бошлиғи. — Ҳозирча еттита коллежни сметасини тузаверасиз. Қурилиш фақат сиз орқали бўлади...

Бошлиқ шундай деди-ю, Мансурга бироз ўйчан тикилиб қолди. Буни у ўзича тушунди ва очиқ гап қилди:

— Фоизини билиб қўйишим керак.

— Э-э, қизиқмисиз? От билан туя бўлармиди? Ўқитувчидан инсофсиз чиққан эмас, берганингизни оламиз-да,— жавоб қилди бошқарма бошлиғи ранги олакесак бўлиб.

Мансур унинг на кесатаётганини, на қўрқитаётганини тушуна олмади ва хайрлашиб йўлга тушди, бироқ эрталабдан дили ғаш тортди. Нега бу одам бундоқ гап қилди, йўл бўйи ўйланди у.

Ишхонага етиши билан кўзи жағсиз Иякка тушди. Машинадан тушиши билан у шитоб келиб кўришди, Мансурга чексиз муҳаббат ила самимий тикилди, шу билан Мансурдаги дилғашликни ювиб юборди. Аввалларидан пул олиб, пўписа қилиб қийнагани билан шу одам одамшаванда, меҳрибон, қўли очиқ одам экан. Мансурнинг пули етарли, ҳеч кимга ва ҳеч нарсага муҳтож бўлмаса-да, бу одам ўн беш кундан бери шу ерда, яна қуруқ қўл билан келмайди, ҳамиша иссиқ марғилон нони, қаймоқ, қази кўтариб келади. Раҳмат шу одамга. Мансур унга нима яхшилик қилибдики, у шунчалик қилади. Ўзининг одамлари мана Қодирхўжа, Соли ва бошқалар олади, бермайди. Майли, Мансурга Худо бераверади...

Ияк билан мириқиб чой ичишди. Узоқ-яқиндан гаплашиб ўтиришди, режалар тузишди. Шу кунларда Ияк Мансурнинг чинакам ҳамроҳига айланаётган эди. Нафақат у, Мансурнинг атрофида шунақанги яхши одамлар бино бўлаётган эдики, ҳаммаси хизматга шай, Мансурнинг биргина сўзига илҳақ. Уларни кимдир гўё танлаб, Мансурнинг истиқболига жўнатаётганга ўхшарди. Шунақанги таклифлар ёғилардики, ҳаммаси жўн ва кони фойда. Мансур қаёққа қараса, қуёш шу томонга чиқаётганга ўхшарди. Илгариги пулни ўтказ деган пўписалар, пичоқ қинидан чиқишлар, устма-уст телефонлар тамом битди. Мансур баъзан-баъзан хаёлида ақл-эътиборим тўлишди, шекилли, ҳар қандай одамнинг ҳам бир замони келади-да, деган ўйга бораётганди. Ким билсин, балки шундайдир...

Иякка эса гап йўқ. Мансур уни энди "Ияк" дегиси келмас, "ака" дерди. У ниҳоятда фойдали одамга айланиб борар, чинакам доно маслаҳатлар зикр этарди. Ака чойни ҳўплаб, бироз ўйланиб қолди. Мансур ундан ҳозир бир зўр фикр эшитишга тайёр турган эди, алҳол у шундай деди:

— Шаҳарнинг марказидан битта яхши уч қаватли бинони танлаб қўйдим. У ердагиларни осонгина чиқариш мумкин. Ана шу ерни сизга офис қиламиз. Мундоқ офис фақат сентрда бўлиши керак!

Нега Мансур шу пайтгача бу ҳақда ўйламади? Чинданам, пул бўлса? Бу ерда, бир чеккада нима қилиб ўтирибди ўзи?

— Мансурхон, укажоним, — деди Ака яна,— мен бирров ишга бориб келаман. Ҳа, айтмоқчи, 31 куни аянгиз билан янги йилни сизникида кутадиган бўлдик, аянгиз бир хизматларини қилай деяпти. Худо хоҳласа, хизматда бўламиз...

У шунақанги самимий таъзим бажо қилдики, Мансур беихтиёр:

— Албатта бирга кутамиз,— деб юборди, аммо қатиқ ўйланиб қолди.

Ака жўнаб кетди. Бироқ Мансур унинг таклифи юзасидан ташвишли ўйга ботди. Тўхта. Майли, борса, нима бўлади? Биринчидан, хотини иккови хотинимга беш кетади. Бироқ, бироқ... Кейин хотини қувлик қилиб болаларни суриштириб кетса, Канизанинг таг-тугини суриштирса. Йўқ, мумкин эмас. Устига-устак қайнона-қайнотам келмоқчи. Бирдан гап чиқиб... Асло мумкин эмас.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нима қилса бўлади энди? Уни қандай қайтариш мумкин? Қолаверса, Зокирнинг қулоғига тушса!.. Зокирга бу ёқадими-йўқми, билмасди. Ёмон муаммо бўлди-ку, а?

Бу ёқда Нозиманинг муаммоси турибди. Бормай қўяверайми, янги йилни ўзи кутаверсин.

Ўй-фикри шу ерга келганда, Мансур бироз сиқилди ва ўзини чалғитишга уринди. Қайнона-қайнотаси қандай одамлар бўлса экан? Уларнинг келганидан Зокир хабар топса-чи? Топса-топар. Нима қилибди? Бўладиган гап. Эт билан тирноқни ажратиб бўлмайди-ку. Эҳ, Зокирдек одам бундай майда-чуйда, келди-қўйдилар билан шуғулланиб ўтирармиди? Ишқилиб, дадам иш кўрсатмаса бўлгани. Нозимани етаклаб, ҳаммага айюҳаннос солиб, кечаси билан излаб чиқса-я! Зокир уни бирпасда топтиради. Уф! Нима бўлса бўлар. Худони айтгани бўлади. Юраги қисилиб уйга телефон қилди. Гўшакни Аҳмад олди:

— Мактабдан келдингизми, ўғлим? Аяжонингиз қани? — бу гап ҳозир Мансурга шу қадар ёқдики, фарзанд қандай яхши нарса.

— Аяжонингиз қани? — яна юрак-юракдан қайтарди у.

— Мен, мен дадажониси, — деди Каниза.

Қандай илиқ-иссиқ, сурурли, ёқимтой гаплар! Мансур бироз ўзига келди ва деди:

— Асал? Чол-кампирга қачон машина юборамиз?

— Ўзингиз биласиз, — бўлди ақлли жавоб. — Тайёргарликни қачон кўрамиз?

— Сизни уринтириб бўладими? Ҳамма нарсани тайёрлашяпти. 31-куни эрталаб олиб келишади, ўзлари пиширib, ўзлари куйдиришади.

Эшик очилиб, хонага котиба кирди ва деди:

— Одамлар келишяпти, сизни янги йил билан қутлашар экан.

— Қанақа одамлар? — ҳам гўшакка, ҳам котибага деди Мансур.

— Танимадим, — жавоб қилди котиба.

XXIII

Ёш ўтган сайин ёз ҳам ёқмай борадими кишига нима бало, Наби Мусаевичга шу кунларда ҳеч нарса ўрнида қарор топмаётгандай беқарор эди. Ўзининг фикри қаричи билан ўлчаганда, наздида бошқаларга хуш келадиган

теварагидаги бугунги ҳолатлар унга сира ёпишмасди. Ректор орттириб юборяпти. Бир пиёла чойни усиз ичмайди, қаерга борса етаклагиси келади. Ҳеч бундай қилмайдиган одам эрталаб ишга келаётиб унинг уйи олдида тўхтаб сигнал чалдиради. Наби Мусаевич дарғазаб бўлади. Бир умр университетга яёв қатнаган одам, бу илтифотдан ижирғанади, ўзи тенгиларидан истиҳола қилади. Ректор ундан сўрамай бирон иш қилмай қўйди. Илмий кенгашни очади-ю, уни ёнига чақириб олади. Бу нима қилиқ бўлди? Наби Мусаевич эса қаршисида ўтирган каттаю кичик одамлардан бор гапни уқиб туради, энг ёмони ректор ҳаққи-ҳурмати бу масхарабозликка чек қўя олмайди. Ишни ҳам, университетни ҳам йиғиштириб қўя қолай деса, ёлғиз одамга биргина эрмак — шу. Қолаверса, умри шу ерда ўтган, бу ердан узилгиси келмайди. Шу кунларда жуда боши қотди.

Энди кечаги кунги ҳангомани қўринг. Куни кеча собиқ студентларидан бири, қимор-пимор ўйнаб юрадиган бир бетайинни топиб келиб, ялаб-юлқаб нима дейди, денг? Наби Мусаевич оталик қилиб ўртага тушармиш-у, ёғ заводдан катта миқдордаги шелухани ундириб берармиш. Бу ёғи бекор-беҳуда бўлмасмиш, Наби Мусаевичнинг бир оғиз гапи кифоя эмиш. Вой, занғар-ей! Қувиб солди, ўзиям, ўша бемазани. Буларга тек қўйса, эртага анави, боғдаги ҳайкални жилдириб, ўша ерни қиморхона қилиб бер дейишдан ҳам тойишмайди, азамат валломатлар.

Мана, эндиги сиқилишларга нима дейиш мумкин? Кечадан буён уйга падарка деган зормондалар келади. Охири дарвозани тим беркитиб, қулоғига пахта тиқиб ўтирди. Бугун эса саҳармардонда уйдан чиқиб кетиб қутулди. Қаёқда қутулади, невараларни кўриб келай, бугун янги йил кутиладиган кун дея Зебоникига борса, уникида ҳам шу аҳвол. Баъзи одамларга нима бўляпти ўзи? Совғаларни қаердан топишади, бу муттаҳамлар. Булар тарихий ўзбек халқи эмас, бегона одамлар. Мутлақо бегона. Ўзбекда, ҳақиқий ўзбекда орият бўлган, ҳамият бўлган. Ҳа, шундай бўлган.

Наби Мусаевич тишларини ғичирлатди: анов Мансур нима қилиб юрган бўлса. Мана бир ҳафта, ўн кун Нозима келин шифохонадан чиққандан буён ҳах деган хабар йўқ. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин...

Наби Мусаевич ана шундай ўй-хаёллар билан кунни

www.ziyouz.com kutubxonasi

кеч қилди. Қорни очиққанини сезди. Аста йўл босиб, Зебоникига ўтди. Мақсади Мансурни, Нозимани суриштириб кўриш эди. Нозиманинг келмай қўйганига ҳам анчалар бўлди. Ҳозир унинг ширин таомлари, айниқса, ўликни тирилтирувчи чучварасини эслади. Боши тошдан бўлсин дея алқаган бўлди-ю, тентак деб сўкиб ҳам қўйди. Нега сўкканини фақат ўзи тушунди. Рости уларнинг ҳаммасига аралашишдан чарчади. Нозима қилар ишни қилиб, энди, кўз ёшига чўмилиб ўтирибди. Мансур, чамаси, истаган каптарини топиб олди... Аввалига роса куйдики, аралашди, тинимсиз шифохонага қатнади, охири чарчади. Устига-устак бугунги Зокир атрофидаги воқеа-ҳодисалар, кўнглига сира хуш келмаётган янгиликлар уни бироз Нозималардан узоқлаштирди.

Илгари, узоққа бормайлик, ўтган йилги шу бугун, яъни янги йилни кутиш ўз йўсинида, оилавий йўқловлар, ҳамнишинлик, ўзаро табриклар асносида рисоладагидек ўтган эди. Бу йил энди чамаси, Зокирга қўл етмайдиган бўлди. Мансур номаълум бўлиб турибди. Зебо майда-чуйдалари билан янги йилни уйида кутади. Наби Мусаевичнинг ўзига келсак, ҳамма ўз уйида ўтиргани маъқул кўринади.

У ғира-ширада Зебоникига кириб борди. Дастурхонига ўтириб, оғзига бир тишлам нон солди, ул-бул тотинди ва кетатуриб:

— Нозимадан хабаринг борми? — дея сўради Зебодан.

— Мен ҳам ўзим билан ўзим бўлиб... — хижолат жавоб қилди Зебо.

— Ҳм-м... — хўрсинди Наби Мусаевич ва телефон қилишга тутинди.

Мансурникидан телефон сас бермади. Наҳот бола деган, янги йил куни ҳам отага бир телефон қоқиб қўймаса! Ҳали Наби Мусаевичнинг қадри хўп ҳам билинар, ўзича куйинди у ва қозонда ёғ доғлаётган Зебо билан хайрлашиб ташқари йўналди. Уйи томон оҳиста тебраниб кетиб бораркан, ёдига келган барча янги йилларни хотирлади ва шундай хулосага келди: ҳеч қайсиниси бунақанги бўлмаган...

Яна нега Нозима масаласига бефарқ бўлиб қолгани ҳақида ўйлай кетди. Хаёллари гирдобида аниқ бир жавоб топа олмади. Балки Зокир сабаб бўлдими? Ёки Мансур шифохонадан чиқариб уйга олиб келдим, ҳаммаёқ

жойида дея телефон қилгани сабаб бўлдими, ишқилиб нима бўлса, бўлди. Уйга безовта кириб келган Наби Мусаевич яна телефон гўшагини кўтарди. Телефон эса сассиз...

Наби Мусаевич, дарҳақиқат, безовта эди, бир жойда мутлақо қўним топа олмасди. Ташқари чиқди, уйга кирди, хоналарни айланди, диванга чўзилди, соат ўнга яқинлашибди, будилникни 12 га бураб қўйди. Жиринглаб тинмаётган телефонни узди. Кўнгли сезиб турибди, илинжли қўнғироқлар... Балки Мансур телефон қилаётгандир. Йўқ, у қилмайди. Бу аниқ. Мансур безори ҳозир ҳаммани унутган.

Кеч бўлгани сайин юраги сиқила бошлади. Зокир телефон қилмайди, у бугун меҳмонда. Наби Мусаевич шартта ўрнидан турди, пальтосини кийди, бўйнини қалин шарф билан ўраб, бошига кубанкасини қўндирди. Сабри чидамади, Нозимадан хабар олиш учун Мансурникига жўнади. Соат ўн бирга яқинлашиб қолган, янги йил хавоси тунд, совуқ қор учқунлайди, катта йўлларни эҳтиётлик билан кесиб ўтиб, улкан чинорлар остида ишончсиз одимлаганча, шаҳарнинг бир мўйсафиди кўнглида адоқсиз ташвиш билан кетиб борарди. Бир пайтлар алифдек тик қомати анчайин эгилган, торроқ елкаси туртиб чиққан, азбароий озғинлигидан қиш зулматини ёритиб турган чироқлар остида икки кураги дўмпайган, иккала қўли пальтоси чўнтакларида, оёғида эски, бироқ енгил ботинкаси шилп-шилп овоз беради...

Кўча-кўй бўм-бўш. Онда-сонда машина кўриниб қолади. Ҳозир Наби Мусаевични кўрган хар қандай йўловчи уни бечора деб ўйлаши табиий эди. У эса ўз ғамида кетиб борар, йўл бўйи қатор тизилган уйлар деразаси чароғон, янги йил дақиқаларини интизорлик ила кутаётган хонадон соҳиблари бола-чақа, қариндош-уруғ, қудаанда жамулжам иссиқ хонадонларда, файзли дастурхонларда кайф-сафо оғушида сармаст. Ҳозир Наби Мусаевич уларга бефарқ. Кўнглида биргина ғам, у ҳам бўлса, ҳозир ўзи аниқ тусмоллаб ололмаётган Инсон ғами, Инсон қадри, ўзиникига қайғуриб боряптими, ёки бегона бўлса-да, Нозимагами, аниқ-тиниқ тасаввур этолмайди. Бироқ уни ана шу нимадир етаклаб кетмоқда.

Мансурнинг дарвозаси қаршисида тўхтаганда негадир юраги бир хаприкди. Дарвоза тамоман беркка ўхшар, устида хира лампочка ёниб турибди. Дарвозанинг кичик

www.ziyouz.com kutubxonasi

эшиги ҳам беркдек, анчадан буён остонадан биров хатлаганга ўхшамас, негадир хонадон совуқ кўринарди. Наби Мусаевич чўнтакларини пайпаслаб, рўмолчасини топди, бурни ва ёшланган кўзларини яхшилаб артди, сўнг таваккал дея эшик қўнғироғини босди. Илгари қўнғироқ чалинар-чалинмас, Чаканинг бақувват овози янграрди. Негадир у жим? Наби Мусаевич қўнғироқни чалишда давом этди. Ҳеч қандай шарпа йўқ. Эшитмаяпманми дея қулоқларини кавлади. Яна қўнғироқни чалаверди. Жавоб йўқ. Кўнгил қурғур сабр-тоқатдан мосуво бўлиб борар, баданида енгил титроқ уймалашар, уй ичидаги тилсимот ечилмай ваҳимаси ортарди.

Яхши, охири аёл кишининг йўталгани ва шалоп-шалоп юргани эшитилди. "Хайрият" деди Наби Мусаевич ва ўзини учрашувга тайёрлай бошлади. Эшик ҳалқасига интиқ тикилди. Эшикнинг очилган овози келди, аммо Наби Мусаевич тикилиб турган эшик қилт этмади. Қўшнининг эшиги очилган экан. Наби Мусаевич ёнида Салима бино бўлди, домлани тез таниди.

— Вой, келинг, келинг, домла, қани бу ёққа, булар йўқ эди, — деди у бироз ғалати, гўё хижолат тортгандай бўлиб.

— Қаёқда улар? — совуқ қотган овозда сўради Наби Мусаевич.

Салима ўнғайсизланди. Елка қисгандай ҳаракат ила:

— Калит менда эди, олиб чиқа қолай, — деди.

— Улар қани? — деди домла кескин.

— Мансуржон Нозима банисадан чиққач бир келди, холос. Қаёққадир, Москвагами, узоқроққа кетган эмиш... Нозимахон... У киши...

— Қаерда? — Наби Мусаевич ё ғазабдан, ё совуқдан титрай бошлади.

— Домла, ҳозир... Ичкарига кирайлик, оғриб қолманг тағин, — у қалтираётган Наби Мусаевични мажбуран ичкари бошлади.

Иссиқ хонага кирган Наби Мусаевич бироз ўзига келди. Пальтосининг тугмаларини ечди, бир четга стул қўйдириб ўшанга чўкди.

— Нима гап ўзи? — деди у яна сабри тугаб.

— Шу бало-қазо келди-ю, бу қутлуғ хонадон адои тамом бўлди, домла, — узоқдан гап бошлади Салима. — Мансуржон умуман келмай қолди. Банисадан келиб Нозимахон шу ерда ўтирди. Охири бўлмади. Бир ҳафта

илгари калитларни қўярда-қўймай менга топшириб, бир сира қишки уст-бошларини кийганча кетиб қолди.

— Қаерга кетди? — кўзлари ола-кула бўлди Наби Мусаевичнинг.

— Худонинг зорини қилдим, айтмади, — Салима кўзига ёш олди.

–Нега бизга хабар бермадингиз?

–Ҳеч кимга айтмаслигимни роса ўтинди, менга қасам ичирди... Етимгина шўрлик, бу қахратонларда қаерларда юрган бўлса? Бўйнигинаси узилсин бу қишлоқини... — Салима чинакам айтиб йиғлай бошлади.

Наби Мусаевич нима қиларини билмас, юрагини чангаллар, нафас олишга тиришарди. Чўнтагидан таблетка олиб оғзига ташлади. Осмонга қараб кўзларини юмди. Стул суянчиғига суянди. Шу кўйи анча вақт ўтди. Наби Мусаевич сал ўзига келиб, кўзларини очганда, Салима столга тўшалган дастурхон теграсини ўйнаганча ўтирар, газдаги чойнак қайноққа яқинлашиб ширriллар, уйда бошқа овоз йўқ, афтидан Салима ёлғиз эди.

— Ёлғиз қизим янги йилни ўртоқлари билан кутармиш, ўзимга дастурхон ҳам тузамадим, — дея гап қўшди уялиброқ. — Домла, пальтони ечинг, бирон овқат қилиб берай...

— Йўқ, йўқ, раҳмат, –деди Наби Мусаевич ва бироз туриб хўрсиниқ ила қўшимча қилди: — Нозима қаерга кетган бўлса? Нима деган одам бўлдик энди?

— Тоғалариникига бормайди,— деди Салима қатъий.

Наби Мусаевич бошини чангаллади ва:

— Бу чинакам кўргулик... — деди.

— Нимасини айтасиз, — гапни улаб кетди Салима ва аста-секин авжга чиқа бошлади.

— Мансуржон ҳам... Шундай қилади деб ҳеч ким ўйламайди. Одам эди-да, одам, вой бу Нозимахон. Бунақасини топиб бўлибди. Ҳали қишлоқи бурнидан ип ўтказганда билади... — Салима шундай дейишга деди-ю, Наби Мусаевични ўзига тикилиб турганини кўриб қўрқиб кетди.

Наби Мусаевич бунда сенинг айбинг йўқми, дея истеҳзоли саволга тутадигандай кўриниб кетди кўзига.

— Ҳа, айтмоқчи, ит ҳам йўқолиб қолди, — бу гап эсига тушганидан хурсанд бўлиб гапни бурди Салима. — Нозима кетгандан кейин Чака ўзини катагига ураверди, уч кеча-кундуз ҳеч нарса емади. Нозимахон унга

www.ziyouz.com kutubxonasi

қараб туришни менга тайинлаб кетган эди. Егуликларини бердим, қайрилиб қарамади, панжарага ўзини ураверди, озиб кетди. Ташқарига чиқарайми деб эшигини очганимни биламан, кичкина эшикдан отилиб чиқиб кетди. Шу кетганча қайтмади. Эгаларини излаб кетдими, бу бечораям! Ҳеч кимни шунақа кунларга қолдирмасин. Қариганингизда сизга ҳам дардисар булар!

Домла эгилиб пешонасини тутамлаганча анча ўтирди, сўнг ўрнидан қўзғолди. Кийим бошига ўраниб, ташқари юрди. Эшиккача чиққан Салима қўлида шода калит:

— Уйга бир кириб чиқасизми, домла? — деди, аммо саволи жавобсиз қолди.

Домла тентираклаб кетиб борарди. Салиманинг ҳозир Нозимадан ҳам унга кўпроқ раҳми келди. "Бечора" деди кўзига ёш олиб. Дилидан эса бошқа гап кечди: "Менинг қизим бундай қилмайди..." Шу ўй билан яхшиям кириб кетмагани анча узоқлашиб қолган домла тўхтади ва ортига бурилди. Салима ҳам унинг истиқболига юрди. Овоз бемалол эшитилар масофага келганда домла:

— Чинакам қаерга боришини айтмадими? — дея қайта сўради.

— Ёлғон менга нега керак, домла, Худодан қўрқаман, — жавоб қилди Салима ва домла кўздан йўқолгунча ортидан қараб турди.

Наби Мусаевич ўйлай-ўйлай охири, ҳар ҳолда Нозима ўзини-ўзи ўлдирмагандир деган хулосага келди. Унда у қаерда бўлиши мумкин деган саволга сира ҳам жавоб топа олмади. Одам бирор нарсасини йўқотса, не кўйларга тушмайди. Уйдан битта товуқ йўқолса, одам ачинади. Нозима ахир одам-ку! Наҳот инсонлик қадри, шаъни шу бўлди. Наби Мусаевич оиласидан шу кунгача бирон кимса хафа бўлиб кетган эмас эди-ку! Эҳ, Мансур...

Наби Мусаевич ортиқча совуқ еди, узоқ юрди, чамаси мўлжални тўғри олаётган эди, бироқ кўчалар, бурилаётган томонлар, дўмпайган томлар танишдек эди-ю, ўзиникига сира ўхшамасди. Наҳот Наби Мусаевич ақлидрокини йўқотган бўлса? Деярли етмиш йил юрган шаҳар кўчаларида адашиб тентираса? Уйини топа олмаса? Умр поёнига етаётибдимикин? Ўтаётган йиллар ҳеч қачон ўлимни узоқлаштирмайди, фақат яқинлаштиради. Балки, бу янги йил энди сўнгисидир? У ёкда кампири чақираётгандир?..

У бир уй рўпарасида тўхтади, яна унинг уйи эмас.

Ие, нималар бўляпти ўзи? Совуқдан даф-даф титраганча атрофга роса разм солди. Худди ўзининг кўчасию, унда шунча йил кириб-чиққан уйи қани? Балки, Нозима, Чака шу каби адашиб, тентираб юришгандир? Балки, ўзининг бу кўйга тушиши, тентираб адашиб совуқда ўлиши Худодандир? Наби Мусаевичдек одам илк бор чин дилдан Худони тилга олди. Рўпарасидаги хонадон эшигига яқинроқ келиб, тингшаброқ қаради. Не кўз билан кўрсинки, ўзининг уйи. Тавба, шу эшик қаршисига келиб кетди-я... Шу заҳоти яна асли-наслига қайтди шекилли, бу дунёда ўзи ҳеч нарсага ишониб бўлмайди, деган фикр ўтди миясидан.

Уйига кирасолиб, жойига чўзилиб, ўраниб олди. Совуқдан ич-эти даф-даф титрар, тишлари таккилларди. Туйқус қадрдон уйида ўзи ёлғиз ётганини ҳис қилди-ю, бирдан кўзларига иссиқ ёш қуйилди. Кампирини шунақанги қўмсадики, энди елкалари титраб йиғларди. Одамзод дунёга ёлғиз келиб, ёлғиз кетади. Туғилишда қўшалоқ туғилиши мумкин, бироқ ҳеч қачон эш-қўш ўлмайди. Дахшатли нарсага инсон фақат якка ёлғиз тўқнаш келади. Шунда бу ширин ва ёруғ дунёдан фақат ўзи кетаётганига иймон келтиради, ўзини ниҳоятда ёлғиз ва кучсиз ҳис этади. Минг, миллион йилда ҳам қайтиб келмайди. Ўлим қандай дахшат! Наҳот ана шу дахшат билан Наби Мусаевич бугун тўқнашса! Шунга ўхшаб турибди. Шундай дахшат ҳақиқат баъзан саодатга ҳам айланиб қолади. Тўғри-да, якка ёлғиз, бу дунёда тентираб, бугунгидай сарсон кезинишларнинг нима қизиғи бор? Яна бебош фарзандларни деб. Бу фарзанд дегани ўзиям...

Наби Мусаевич сира ўзини тута олмай қолди. Ҳозир у ўкириб йиғлашга тайёр эди. Нега у ёлғиз қолди? Ҳеч кими йўқ. Зокир ўзи билан ўзи овора. Мансур эшшакнинг бўлгани шу. Шу бугун уни деб шу аҳволга тушди. Қани, биттаси келиб қоронғи уйини ёритсин-чи? Келмайди. Келиб нима қилади? Уларга Наби Мусаевич керакмиди? Яна одамзод фарзанд-фарзанд деб ўлиб тирилади. Мана сенга фарзанд ва фарзандлар... Умрини узайтираман деб қанчалар уриниб юрган Наби Мусаевич бугун адойи тамом бўлиб, ўлимларига рози бўлди...

XXIV

Канизанинг уйида янги йилга тайёргарлик барвақт бошланиб кетди. Эрталабдан эру хотин татарлар келиш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Хоналарни тозалаш, қоқиб силташ, ошхона ярақлагунча, боринғки, идишлар бирма-бир олиниб терилгунча давом этди. Улар уйнинг подъездигача тозалаб қайтишди. Эртаси куни эрталабдан тайёрланган егулик, ичкилик, салат, ширинликлар қалаштириб ташланди. Яна иккита эркагу аёл пазандалик ва дастурхон тузаш илмини амалиётга тадбиқ этишди. Меҳмонхона ўртасига тузалган улкан дастурхон даҳшатли тус олди. Каниза бунақасини сира кўрмаган эди. Токи тушгача нарса келтирувчиларнинг кети узилмади. Барча юмушлар тегишли кишилар томонидан ўз вақтида бажарилди. Ўзи айтганидек, Мансур севимли хотинининг қўлини совуқ сувга урдирмади. Мансур тушга қадар ул-бул юмушларини бажариб келди. Келибоқ, Шерзоднинг келган-келмаганини сўради. У қайнона-қайнотасини олиб келиш учун қишлоққа жўнатилганди. Мансур Канизага уларга солинадиган поёндозгача тайёрлатиб қўйди. Уларни биринчи бор келишлари. Куёвларини илк бор кўришлари. Шундай қизни туғиб берган, вояга етказиб, Мансурнинг бахту тахтига айлантирган ота-онани ҳурмат этмай бўладими? Неча кундан буён, айтиш мумкинки, Каниза Мансурники бўлган кундан эътиборан Мансурнинг уларга меҳри товланади. Мана бугун келишади. Келишиб қизларининг ҳаёти, уйи, турмуш зайли ва куёвини кўриб бошлари осмонга етади. Мансурнинг хаёли шу даражаларда парвоз этардики, Канизага алоқадор ҳар қандай одам ёхуд қариндош Мансурдан меҳр кўрмоғи керак. Мана, Каниза болаларини олиб келди. Уларни нима оғирлиги тушяпти. Бир яхши болалар экан. Мансур уларни сира иккиланмай ўғлим, қизим деб суйяпти. Улар келиб хонадон тўлди, Мансурнинг ҳаёти яна мазмундор бўлди. Бугун қайнона-қайнотаси келмоқда. Ҳадемай келиб қолишади. Шерзод эрта кетган эди. Ҳар ҳолда қишлоқчилик, уйдан узилиб чиқиб кетиш осон эмас. Ҳаш-паш дегунча келиб қолишади.

Мансур тўрт хона, ошхона, ваннахонагача айланиб тартибни ўз кўзи билан кўриб қаноат ҳосил қилди. Болалар ўз хоналарида ўйнаб ўтиришибди.

— Канизам, — чақирди Мансур ётоқхонада уймалашаётган хотинини, — болаларни янада чиройли кийинтириб қўйинг, ўзингизни тартибга келтиринг, жоним, меҳмонлар кела бошлайдиган вақт бўлди.

Каниза унинг айтганини бажо қилди. Маликалардай

очилиб-сочилиб кетган Каниза Мансур билан Шерзодни кутишди.

Ва ниҳоят Шерзод келди. Меҳмонларни уйга бошлаб кира бошлади. Каниза қимматбаҳо поёндозни ушлади, Мансурнинг танасига енгилгина титроқ югургандай бўлди. Эшик очилиб, биринчи Сўпи кўринди, ортидан дастурхон қучоқлаган Ўктамби, ортларидан эса Шерзод. Каниза эгилиб салом берган кўйи поёндозни ёзди.

— Келинглар, келинглар, — деди Мансур юз кўзи ловуллаб қизариб, — қани киринглар, киринглар.

— Э-э, ҳай-ҳай, қизим, бўлди, бўлди, поёндоз кир бўлмасин, биз рози, биз рози, — дерди Сўпи поёндоз хатларкан.

Улар ичкари киришди. Поёндоз ёзиғлигича қолди. Мансур қуюқ саломлашди. Каниза уларни ўзлари учун тайёрлаб қўйган хонасига олди. Улар билан кўришиш учун хонага бирин-кетин набиралари кириб келишди. Ўктамби уларни бағрига босиб йиғлаб кўришди. Аҳмад бобосига, Ойимхон энасига тайёрлаб қўйилган янги йил совғаларини топширдилар.

— Бироз нафас олинглар, кейин дастурхонга чиқамиз, — деди Каниза Ўктамби ва отасининг уст-бошларини олиб шифонерга иларкан.

Улар асосан Каниза Масквадан келтирган кийимбошларда келишган эди. Каниза уларни авайлаб илгакларга илди. Омонат жойлашган Сўпи, қизига бахту саодат тилаб фотиҳа қилди. Фотиҳа чоғи кўнгли бироз суст кетди, овозида ўзгариш сезилди. Буни Ўктамби ҳам, Каниза ҳам сезди, фақат бобоси ва момоси пинжиларига суқилган болаларгина сезмади.

— Меҳмонлар кўп келар? — деди сўпи.

— Йўқ, меҳмон сизлар, холос. Бу кишининг жини кўпчиликни суявермайди –жавоб қилди Каниза.

— Хайрият, яхши, яхши... — деди Сўпи ногоҳ босиб турган юк елкасидан қулагандай.

— Аҳмад, — деди Ўктамби, — қалай болам, яхшимисан? Шаҳар яхши эканми, тойчоқ? Биз билан қишлоққа кетасанми энди?

Аҳмад билан Ойимхон иккови “йўқ” дея баробар бош ликиллатишди. Сўпи ҳам, Ўктамби ҳам болаларга қараб, уларнинг бир чиройлик бўлиб, тўлишиб, ялтирашиб, чиройлари очилиб қолганига анграйиб ўтирардилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Шаҳар, шаҳарда, — деди Сўпи хўрсиниб.

— Худо берса ҳеч гап эмас, –қўшди Ўктамби.

Каниза онасидан қишлоқдаги хешу ақраболарини сўраб суриштира бошлади. Хонанинг эшиги қимирлагандай бўлди, Аҳмад дарҳол ўрнидан туриб, ўша ёққа юрди ва тез қайтиб:

— Аё, дадам, — деди.

Каниза хонани тарк этди. Бироздан сўнг қайтиб кирди-да, меҳмонларни дастурхонга таклиф этди. Меҳмонхонага ўтишаркан, Сўпининг ҳам, Ўктамбининг ҳам нақ оғзи очилиб қолди. Бундай шоҳона тузалган дастурхонни умрларида кўрмаган эдилар. Сўпи шошилинч юзига фотиҳа тортиб, тик турган кўйи аллақандай калималар келтириб юборди. Иккови ҳам ўзларини дастурхондан олиб қочса қочардиларки, яқин бормасдилар. Мансур уларни қўярда-қўймай юқорига ўтказди, нон ушатди, чой қуйди. Пиёлалар нақ тиллодан эди.

— Э, э, кам бўлманг! — деди Сўпи, яна юзига шошилинч фотиҳа тортиб.

Каниза билан онаси бу гал маъноли кўз уриштириб олишди. "Сўпи бечора", афтидан, она-боладан ҳозир шу фикр ўтаётганди. Сўпи қанча ҳаяжонга тушиб ўзини йўқотаркан, Ўктамби аста-секин ўзини ўнглаётганди ва азалий қитмирлиги тутаётганди. Сўпи дастурхонда тузоқлиқ ажойиб ва ғаройиб неъматларга — меваларни қўйинг-ку, помидорлар, Сўпи умрида кўрмаган хорижий мевалар, йирик-йирик писталар, бодомлар, турли салатлар, ҳар турда пиширилган гўштлар, антиқа идишларга бирин-кетин назар соларкан, яна қалтираб олгандай ҳаракат ифшо этди ва энди Ўктамби ўзини тута олмади, пиқ этиб кулишга ва ўрнидан туриб кетишга мажбурият сезди.

Қитмирлиги қурсин, унинг хаёлидан нималар кечди, денг? Умр бўйи эшагидан тушмаган Сўпи бугун антиқа, юмшоққина машинада ҳурмат ила шаҳарга келди. Куёвлигида насиб этмаган поёндозни босди, умрида кўрмаган ноз-неъмат қаршисида улуғ меҳмон бўлиб ўтирибди. Ростда, умр бўйи Ўктам пиширган, куйдирган ва оғзига тиққан нарсалардан бошқа бедананинг тухумини ебдими? Шу боис бот-бот сесканиб қўяётганди у. Ўктамбини Каниза тушунди. Дарҳол ўрнидан туриб уни ўз хонасига бошлади. Бу билан Мансурнинг ҳайронлигу хижолатлигига барҳам берди.

Бошқа хонага кириб олган Ўктамби қиқир-қиқир кулар, кулги мешини бўшатарди. Каниза унинг ўхшамаган қилиғига бу гал самимий қаради, жеркимади, ҳатто, қўшилишиб кулди ҳам. Бирда юз товланадиган Ўктамби туйқус йиғлаб юборди, Канизани маҳкам қучди, бахтингни топганинг рост бўлсин деди. Куёвтўрани чунонам мақтаб кетдики, Каниза нақ онасининг оғзидан суви келаётганини сезди.

— Бахтинг бор экан болам, — дерди онаси бир йиғлаб, бир хушчақчақ — Жаннатга кирганинг шу. Самаднинг таёғини еб юргандинг. Сабр қилдинг, мана Худо берди. Ҳеч кимга Худо таоло бу бахтни бермаган. Йўқ, йўқ, бу фақат Худонинг иши. Бандаси бунга қодир эмас. Опанг, ўша сени ёмон кўрадиган опанг ҳам юрибди-да қишлоқдаги ҳурматли одамлардан бирининг хотиниман деб, кариллаб. Директор бўлмай садқаи одам кетсин, хотинбоз. Қанчиқ кўрса кетидан тушади, ер ютгур. Бу ёғи директорликдан ҳам бўшайман деб турибди. Тагига сув қуйишяпти...

— Юринг, энди, ая, дастурхонга чиқайлик...

— Қўй-э, болам, биз ўзимиз, улар бемалол ўтирсин, ишқилиб, Сўпи кўп ичиб куёвнинг олдида шарманда қилмаса бўлгани, ярим пиёлага паймонаси тўлади...

— Тек қўйинг, ая, бир яйрасин...

— Ҳай, ҳай, ҳай, асло. Шайтонга ҳай бер-а, қизим...

— Юринг, ая, анов киши нима деб ўйлайди.

— Қўй, болам, менга сен бўлсанг бўлди. Сен билан бир гаплашиб тўяй...

— Ҳали тун узоқ.

— Ичимда гап қайнаяпти. Ўша куни сен кетганингда опанг нима деди, дегин?

— Э, э, юринг, — Каниза қўярда-қўймай, онасини дастурхонга олиб чиқди.

Эркаклар янги йилни бошлаб юборишибди. Сўпи аллақачон кичкинагина бўлиб, бир тўп ўтирибди. Юзи анордай қизарган. Кўзлари сузилган. Канизанинг ташаббуси билан тез орада чучвара тортилди. Бирам суви тиниқ эдики чучваранинг. Ўктамби хамирга қайноқ сув қуйиб қўйишганми, нима бало, деб ўйлади. Тотиб кўрган эдики, азбаройи хушхўрлигидан оғзи лиққа сувга тўлди, сўлаги оқиб кетай деди. Каниза узатган мурчдан анча солиб, мазза қилиб ичди, сувидан чучвараси ширин тотиди, қойил қолди, оғзи ўзгача лаззат туярди. Кам бўлма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

син-а, пиширган ошпази-я, ўйлади у. Бунақа нарсалар фақат менинг қизимникида бўлади, дея ҳеч кимга сездирмай ўзича керилган ҳам бўлди. Хуллас, антиқа пиширилган чучварани пешонаси терлаб ичиб олди, икки бетига қизил югуриб, рўмолини пешонасига бошқатдан танғиди. Энди, қизи билан қурилажак дилкушо суҳбатни тезлатиш тараддудини кўрди.

Илкис чолига кўзи тушди. У сал қийшаяётганга ўхшарди. Канизани имлаб ташқари олди ва энди Сўпи дам олиши кераклигини уқтирди. Куёвининг ҳар бир сўзига юз марталаб "худди шундай" дея тасдиқлаётган Сўпини, балодан ҳазар, илк бор киришган хонасига тўшалган тўшакларга ётқиздилар, Мансур ётоқхона томон йўл олди, Ўктамбининг оғзи қулоғида, Каниза билан ёлғиз қолди.

— Ошхонадагилар яна гўшт қовуришяптими? — деди Ўктамби.

— Янги йилни кутиш ҳали олдинда-ю, ая, — жавоб қилди Каниза.

— Мана бу ерга ўтир энди, қизим, гапларимни эшит, бир мириқайлик, қоқиндиқ, қишлоқда гаплар ғовлаб кетди... Ҳа, аввали опанг... Ўзи товоннинг тақаси, яна сенга кулади. Ўқигани — башорат. Бир тўп газетани кўтариб олади, башорат титади холос. Ўша куни сен кетганингда сени сўккан эди, ўзиям, оғзига қурбақа салла солиб қўйдим, ҳалиям юта олмай юрибди. Эрининг ҳам, ўзининг ҳам ишлари пачава. Анави тухумбош зовуч бор-у, ҳах, ўлсин-а, Ғопуров, ўша гуруҳвозликни бошлаб, поччангни пайтавасига қурт тушган...

— Э, ая, қўйинг ўша олифталарни...

— Тўғри айтасан, қизим, ўлиб кетмайдими... Гидирлигини айтаман-да, икковисиниям...

— Ая, анови кичкина келинини тинчитиб олдими?

— Ҳах, у-у опангни товони тош тешади-ю, тинчитмай қўяди дейсанми? Охири бир ёқлик қилди. Энди тинчиб ўтиришибди.

— Ўзи нима бўлган экан? Ҳеч тинчишмаган эди?

— Гапнинг пўсткалласи ғажир куёви билан ётишни хоҳламаган экан.

— Ая, ўзиям ёш келинни ургани-урган эди-да...

— Ҳа-да, эр ҳам эркалатса, эрийсан-да...

— Самад нима қилиб юрибди, сизларни қийнамаяптими, ишқилиб? — дилидаги охири тилига кўчди Канизанинг, шу билан бир қаторда эшик томонга бир аланглаб қараб қўйди.

Худди шу чоқ Ойимхон мўралади ва:

— Бува, — деди момосига талпиниб.

— Хонангизга боринг, а, эслигим, — буюрди Каниза.

— Хўп бўлади, ойижон, — деганча Ойимхон эшикни ёпди.

— Бирпасда шаҳарлик бўпти-қопти-я, қизи тушмагур, — аралашди Ўктамби.

— Дадажонлари шунақа таълим беряпти... — меҳри товланиб тушунтирди Каниза.

— Умри зиёда бўлсин. Боллар ҳам Худо деган экан, — дарров кўзига ёш олди Ўктамби, — чакана қийналишмади-я, шўрликлар... Бир чиройлик одам бўп қолишибди, бечоралар... Мансуржонни умрини зиёда қилсин! Ҳа, айтгандай, Самад ўлгур... Ҳозир битта қўрқувим Маллани келинидан. Ўғли лапашанг. Келини Ёрқувонда ишлайди. Бети тўла ёғупа, оёғини тарсиллатиб сизларни кўчаларингдан ўтгани-ўтган. Шундан хавотирман...

Онасининг гапидан Каниза анча ўйланиб қолди, аммо ҳеч вақо демади. Унинг ҳолатини Ўктамби ўзича аллам-балоларга йўйди. Улар бир-бирларини сўзсиз уқишди.

Ўктамби сира Канизага тўймасди. У қаёққа юрса, шу ёққа борар, юракдан сўзлашгиси келар, ҳеч ажралгуси йўқ. Каниза унга энди "бу ёққа кирманг" ишорасини қилиб, Мансур дам олаётган хонага кирди. Мансур ўрнидан қимирлади. Каниза унинг ёнига чўкди, елкасига қўлини қўйди. У томон ағдарилган Мансур Канизани маҳкам қучди ва юзларига юзини ишқаб оҳиста деди:

— Қалай, меҳмонларимиз хурсандми, ишқилиб?

— Хурсанд. Айниқса, аям сизга тан берди, бахтинг бор экан, қизим, деди. Сизга раҳмат...

— Дадангиз-чи?

— У киши ичкиликни кўтара олмайди, ухлаб ётибди. Энди ичкизманг.

Мансур ҳозир жуда масрур эди. Янги оила, янги қариндош-уруғ. Хотинига тенг келадиган паризод дунёда йўқ. Дўст ҳам, душман ҳам бирдек оғзи очилади. Ҳар икки томондан Худо бериб турибди. Зокир катта амалга миниб, Мансурнинг иши яна беш бўлди. Ўн беш кундаёқ катта амал нима экани дарҳол билинди. Бу кетиш бўлса, Мансур яқинда ярим ҳоким даражасига етади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳозир ич-ичидан шунақанги ғурур туйдики, ўзини қўярга жой топа олмай қолди. Бу ҳаммаси — Канизадан, унинг оёғи қутлуғ келганидан. Уч йил аввал юрган эди сур чалиб, носқовоққа нос борми деб. Чинакам калласи бор одамларнинг замони келди. Буни Мансур ўзи ва акаси тимсолида аниқ-тиниқ кўрди. Гап йўқ. Ҳали бундан-да яхши бўлади.

Тотли ўй-хаёллар шу ерга етганда, кўз ўнгида уйи, ити ва албатта, Нозима бино бўлди. "Ўтиришгандир..." — деди у ва тез у ёқ, бу ёққа қаради, улар хаёлидан қочишга уринди. Бу ўй аниқки, бахтиёр дамларга яраш-маган ямоқ... "Хўш?!" деди Мансур ўз-ўзига ва ташқари юрди. Кун ҳам кечлабди. Хоналарда ҳаёт қайнайди. Ҳавони ширин пиширикдар ҳиди тутган.

Янги йилни қиёмига етказиб кутиб олдилар. Соат тўққизларда Ака келди. Семизгина бақалоқ хотини бор экан. Ўктамби у билан қучоқлашиб кўришаркан, лабини бургандек бўлди. Нима бало, деб ўйлади Ўктамби, қўлимнинг суяклари қаттиқроқ ботдими? Эру хотин ортидан халта-халта, яшик-яшик совға-саломлар кирди. Бақалоқ хотин кираверишдаёқ Канизанинг юз-кўзларидан ўпди, тўйиб-тўйиб ўпти, ёнидан қутича чиқариб, ундаги тилло занжирни Канизанинг бўйнига солди, яхшилик кунларига буюришини тилади, беихтиёр илинжда турган Ўктамбига ёвқараш қилди, холос. Нарироқдан бепарво тикилган Мансурга Канизани осмонларга учириб, қўлидан келганича, иқтидори етганча мақтади. Ака кулиб туришдан бошқа, ҳозирча илтифот кўрсатмади. Унинг бор илтифоти дастурхон атрофида тўкилди, ўзлари йўқ эса-да, Зокир Набиевич сира тилидан тушмади, Мансурни-ку қўяверинг, баъзи ўринларда Мансурнинг таърифи акасиникидан ошиб тушди. Ўктамби кўп нарса англамаса ҳам бир нарсани, яъни Зокир ва Мансур шубҳасиз жуда катта одамлар эканини туйди.

Шу пайт Сўпининг йўталгани ва ҳаракатга келгани эшитилди. Каниза билан Ўктамби баробар қўзғалдилар. Мансур ҳам ўрнидан турди, бироқ меҳмонлар ҳаққи-ҳурмати уларни ёлғиз қолдиргиси келмади. Анча вақт йўқолган Каниза ва Ўктамби хонага қайтиб кирдилар. Мансур ҳайрон бўлди, Канизани имлаб ташқари юрди. Икковлон қўярда-қўймай Сўпини бошлаб киришди.

Сўпи нотаниш кимсалар орасига ноўрин тушиб қолган бегонадай эди. Атроф-муҳитга ҳам қовушиб кета олмади. Ўтириш ўрта маромларга етганда, болаларнинг олдига кириб, дастурхонга қайтган Ўктамби чатоқ иш қилганини сезди. Қимирламай ўтирса бўлар экан. У шу ердалигида Сўпи ўлгур туппа-тузук ўтирган эди. Ўктамби кирса, боши осилиб қолибди. Уни секин ётқизгани олиб чиқиб кетди...

Ўктамби ва Каниза учун янги йил умрларида биринчи марта шундай ажойиб ўтди. Сўпи кечаси яхши ухлади. Она-бола мириқиб гаплашиб чиқдилар. Меҳмон кузагач, Мансур ҳам уйқуга ётди. Соат 12 дан ёппасига бошланган қасура-қусур отишма, паққилоқлар эрталабга қадар тинмади.

— Шаҳар шу-да, ая, — деди Каниза қорнини силаркан.

— Э-э, қишлоқ бундан кам эмас, — деди Ўктамби эснаб.

Каниза чироқни ўчирди, аммо иккисининг ҳам ҳадеганда кўзи илинмади. Ҳар ким ўз ўйи билан банд эди. Бир вақт Сўпининг йўталгани эшитилди. Ўктамби хабар олишга кирса, у аллақачон маҳсисини кийиб, белбоғини боғлаган, кетишга шай.

— Ҳой, Сўпиқуш, мунча саҳармардон потирламасангиз? — деди Ўктамби, ҳали дамингни ол дегандай қилиб.

— Ёмон туш кўрдим, эшак ўлди, эшак... — деди Сўпи кўзлари олазарак.

— Эшак ўлган бўлса, кундоши тирик-ку, Бойсўпи. Ҳе-е, ўргулдим, ёт-е, бўлмаса бундоқ ўтир, бу ер сени қишлоғингми?

Шундан сўнг муштипар Сўпи эрта турган боладай бир эснади ва ечинмаёқ ғужанак ётиб олди.

Улар эрта жўнаб кетдилар. Ҳеч Сўпини кўндириб бўлмади. Ташқарида турган навбатчи машиналардан бири уларни олиб кетди.

Кечга қадар Мансур ҳам, Каниза ҳам дам ололмади. Келаётган меҳмонларнинг оёғи узилай демасди. Бундай келишлар кечаси ҳам давом этиб, Мансур эрталаб ишга чарчаган ҳолатда жўнади. Канизага тезда ишларни бир ёқлик қилиб қайтиб келишини, бирга дам олишларини тайинлади. Аммо ишхонадаги гапни эшитиб, нақ тепа сочи тикка бўлди. Қодирхўжанинг бу гапидан оёқлари қалтираб, ўтирган ерида музлаб қолди.

— Балки, бу уй сизники эмасдир, сизга индамаёқ югуриб бориб, билиб келай дедим-у, яна тағин ўйланиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

қолдим, — деди Қодирхўжа. — Мен ҳам ҳозир, машинадан тушиб эшитдим бу гапни, қоровулхонада гаплашиб туришган экан.

"Наҳот менинг уйим бўлса у? Наҳот Нозимани ўлдириб кетишди? Янги йил куни юз берса-ю, менга бу хабар етиб бормаса. Бой битта менми? Бизникига тушмагандир, бу ўғрилар? Эй Худо! Яна ким билади. Наҳот Нозимани ўлдириб кетишган бўлса!" Мансурнинг миясида шу ўйлар нотекис ўйнар, у рулга қапишганча ҳовлиси томон машинани учириб борарди. "Уйининг олдида тўла мелиса бўлса керак! Энг ёмони энди Зокирга гап тегади".

Ва ниҳоят Мансур сўнгги бурилишдан ўтди. Йўқ. Уйининг олдида ҳеч вақо кўринмайди! "Эй Худо, хайрият-ей...! Мансур ҳозир калитларнинг қаердалигини эслай олмас, машинадан тушасолиб, дарвоза қўнғироғини чала бошлади. Дарвоза ҳам, кичик эшик ҳам берк, ичкаридан фақат қўнғироқ овози эшитилар, гуё Чака ўлгандай жимжитлик... Мансур югургилаб ўтди-да, машинанинг очиқ турган эшигидан сигнал чала бошлади. Яна чопиб бориб дарвоза қўнғироғини босди.

Фақат шунда Салиманинг эшиги очилиб, қизи кўринди.

— Нозима аям йўқлар, — деди у ва бурилиб кета бошлади.

— Қани Нозима аянг?

— Билмадим.

— Ўзингни аянг қани?

— Бозорга кетган.

— Бизникида тинчликми?

Қиз елка қисди.

— Нозима аянг шу ердами ўзи?

Қиз яна елка қисди. Мансур уни ҳозир сўкиб юборгиси келди. Намунча бефаросат бу қиз? Мансур нима бўляпти-ю, пинагини бузмайди-я...

— Калитимиз сизлардами? — қатъий сўради Мансур.

— Эди...

Энди Мансурнинг тоқати тоқ бўлди:

— Ҳой, зумраша, менга қара, нима деганинг бу? — ўдағайлади у.

Қизча елкасидаги пальтосини тўғрилаганча индамай ичкари чекинди.

— Тўхта деяпман, сенга...

Мансур нима қиларини билмай қолди. Бироқ қиз тез қайтиб чиқди ва:

— Мана калитларингиз, бундан кейин менга ўшқирманг! Падумаеш... — деганча шартта бурилиб, эшигини қарсиллатиб беркитди.

Мансур калитларни шошилинч танларкан, уларга анчадан буён қўл тегмай чанглаганининг гувоҳи бўлди. Латта бандлар чанг эди. У зудлик билан эшикчани очди, ичкари отилди, биринчи бўлиб Чаканинг катагига қаради. У бўш. Ҳамма эшиклар берк. Ҳатто ҳовлида оёқ излари ҳам йўқ эди. Мансурнинг янада юраги гупиллар, гўё нафаси қисаётгандай бўйинбоғи бандини пастга тортди, деярли чопгандай ташқари чиқди, хоналарнинг деразаларидан ичкари боқди. Қайтиб ҳовлига кириб, катта уй эшигига калит тиқди. Шунда у қўллари қалтираётганини сезди. Шунча очиб юрган эшиги тезда очила қолмасди. У ёқ-бу ёққа бурай-бурай эшикни очди, уйнинг ҳавоси деярли бор гапни айтиб турарди. Нозима кетган. Қаёққа? Дадаси, ҳа, Мансурнинг дадаси олиб кетган. Уйга олиб бориб олдимикин, суюкли келинини? Ё Нозима араз қилиб тоғаларининикига кетдимикин?

Ҳамёнидан тезлик билан телефонини олди. Олдин дадасига... Йўқ. Шунча кундан буён телефон қилмаган одам, нима дейди? Вой, бемаза Нозима-ей, шундай уйда ўтиравермайдими? Шошилинч бориб, Нозиманинг шифонердаги устбошларини кўрди. Хайрият, ҳаммаси жойида, у кетмабди... Ишхонадаги гап эсига тушиб, тезда сейф турган хонага кирди, сейфни очди, ҳаммаси жойида. Афтидан Нозима сейфни очмабди ҳам... Балки Нозима дадасиникидадир? Чака-чи? Уни ҳам олиб кетдимикин?

Ҳар ҳолда уйда ёмон воқеа юз бермагани ойдинлашди, айрим жумбоқли саволлар қийнаётган эса-да, Нозиманинг тириклиги англашилди. Бугун бўлмаса Мансур уни эртага топади. Ҳозир ишдан қолмаслиги керак. Барибир, бу масала бир тўпалон билан барҳам ейиши бор... Шуни сал эса-да, ортга сурган маъқул. Бугун Зокир айтган ишлар билан шуғулланиш керак. Бу масалаларни кечиктириб бўлмайди.

Мансур уй эшикларини беркитиб, ташқи эшикчани қулфлади, калитларни қолдириш учун Салиманинг қўнғироғини босди. Қизча зумраша чиқмади. Қўнғироқ тугма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сини қанча босмасин, тиқ этган садо бўлмади. Мансур жаҳл билан калитлар шодасини девор оша ирғитди ва пичирлаб сўкинганча машинага ўтирди. Ишхонада одамлар қатор кутиб турарди. Қанча ишларни битирмасин, қанча одамлар билан гаплашмасин, барибир кечгача гарангсиб юрди, негадир борган сари ич-ичига қоронғилик жойлашиб, дили хира тортмоқда эди. Охири чидамади, шартта Зебоникига телефон қилди.

— Мен, — деди у, Зебо гўшакни олган заҳоти зардаси қайнаб турган одамдай ва кейин ўзини ўнглади.

— Вой, ака-ей, бормисиз? — йиғламсиради Зебо, буни Мансур олдиндан ҳис этиб турганди, "Ҳозир Нозимадан чўзилади" ўйлади у.

— Дадам банисада, аҳволи оғир, — узиб-узиб гапирарди Зебо.

— Нима бўлди? — сўради Мансур, овозига гўё узоқдан гапираётгандай тус бериб.

— Янги йил оқшомида Нозима келинаямни излаб, оғриб қолдилар...

— Нозима келинаянг қаерда? — муддаога ўтди Мансур.

— Ўзингиз қаердасиз? — энди астойдил сўради Зебо.

— Узоқдаман, узоқда... Борганимда биласан, дадамга салом айт, — гапни қисқа қила бошлади Мансур, — тезроқ боришга ҳаракат қиламан. Бирор ҳафтада бориб қолсам керак... — Мансур телефонни ўчирди.

Энди Мансур ўзини ҳар ҳолда енгил сезди. Зебо билан гаплашди. Баҳонаси яхши чиқди. Дадаси барибир тузалади. Зокир учун дўхтирлар ўзларини фидо қилиб юборишади. Ҳозир ҳаммаси устиларида бўлса керак. "Ёлғиз эмассиз, профессор, энди бутун вилоят сизнинг ўғилларингиз..."

Зебонинг "Янги йил оқшомида Нозима келинаямни излаб..." дегани Мансурни ўйлантирди. Бироқ, профессорнинг келинига бўлган муносабати маълум, Мансур узоқ бош қотириб ўтирмади. Демак, Нозима тоғаларникида, Чака-чи? Ҳозирча бу муаммо. У ит-ку, ахир!...

XXV

Нозима учун уй зиндон эди. Ҳеч ўзини овута олмасди. Мактаб директори янги йилдан кейин чиқарсиз дейишига қарамай, ишга мажбуран чиқди. Шундай қилмаса, бу кимсасиз уйда ўлиб қоладигандай эди. Уч-тўрт кун деганда дарс бермаса ҳам тўгаракни йўлга қўйиб олди. Болалар билан бир дам овунгандай бўлди. Бир ҳафтача уйга қатнаб турди, келасолиб уйга разм солар, ҳеч қандай ўзгариш йўқ, зимистон уйга сира-сира қайтгиси келмасди. Кейин-кейин умуман оёғи тортмай қолди. Буни сезган ҳамкасби Комила уни уйида олиб қолишга уринарди. Улар уч-тўрт кун ичида анчайин сирдошга айланишди. Нозиманинг кунларини у ҳам бошидан кечирган, эри ташлаб кетиб, қизи билан бева қолган экан.

— Иккимиз ҳам ҳуввиллабгина якка-ёлғиз ўтирсак яхшими, эгачи? — дерди Комила. — Энди бугун қоласиз, — деб уни чандон мажбурлади.

Нозима роса ўйлаб кўрди. Қайнотаси минг тилло одам бўлмасин, уникига бормайди. Тоғаларникига мутлақо сиғмайди. У ерга бош уриб бориб, нима деган одам бўлади. Мансурнинг тамом қораси ўчди. Нозима шифохонадан чиққандан сўнг бир мартагина келди, холос. Шу кўйи даф бўлди. Анавининг этагига чўк тушиб олди. Нозима мактабда ҳардамхаёл, уйга келиб-кетиб юрган кезлари, ҳар он-ҳар онда кўзи аланг-жаланг худди Мансур излаб келаётгандай бўлаверади. Аста-секин бунинг сароблигига имон келтирди. Модомики, шундай экан, энди Комиланинг илтимосини қондирса ҳам, эркин ҳаёт қуришга, бир боши-ю қорнини ўзи эплашга уриниб кўрса чакки бўлмайди. Ўйлаб-ўйлаб охири шу қарорга келди. Уй билан хайрлашди, Чакани, уйни Салима қўшнига топширди. Уни кўндириш осон кечмади. Энди Салима қўшни бу ғайриоддий ҳаёт машмашасида ўрни борлигини очиқ тан олиб, ўзини қарғаблар йиғлади. Нозимани ҳеч қаерга қўймасликка онтлар ичди, ўлигимни хатлаб кетасан деб туриб олди. Нозима эса айтганидан қолмади. Битта гапи: "Агар шу ерда юраверсам, яқинда ўлсам керак" дегандан сўнг Салима даҳшатга тушди ва тақдирга тан берди. Нозима уни уйга бошлаб кириб, уй ичига неки тегиш бўлса, уларни обдон кўрсатди, сейфни очиб, тўла пулнинг бир сўмига тегилмаганини қайта-қайта уқтирди. Кейин Чакани додлатганча, кўзида ёш Салима билан хайр-хўшлашиб кетди. Қаерда эканини ҳеч кимга айтмасликка Салимага онт ичказди. Нозима кетгач, Салима қош қорайгунга қадар унинг ортидан қараб серрайганча тураверди. "Одам жинни бўлиб қолиши ҳеч гап эмас" дея ўзига-ўзи хулоса берди. Мансурни қарғади, бўралаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

қарғади. Қишлоқи ялангоёқнинг туға олмай ўлишини тилади, охири чорасиз юпанди... Аммо лекин, барибир, Нозима икковининг ижоди — "инкубасса" юрагида каттагина доғ бўлиб қолди.

Фақат уйдан ихтиёрий қувғин бўлгандагина Нозима анча нарсаларни англаб етди. Дунёда эркинлик деган нарса бор экан. Мансурга намунча осилиб олмаса?! Дарду кудурат, куйит ичида ўзининг қадрини бир пул қилибди. Шу кунгача нега у ҳаётни Мансурсиз тасаввур эта олмади? Мансурсиз ўлиб қолмас экан-ку. Дунёда бошқа одамлар ҳам бор экан-ку. Тўгарагидаги болаларга гап йўқ. Бирам тилло, бирам меҳрибон қизлар... Опойларининг ойлик-маошсиз ишлаб юрганини билган қизчалар навбатма-навбат "чаепитса" уюштиришади. Бу ўрисчасига чой деганлари, уйларидан нимаики топишса, кўтариб келишади, қолганини олмайдилар. Дарҳақиқат, пулсиз, усти юпун, оч-наҳор Нозима буни Аллоҳнинг иноятидея қабул қилиб юрди ва пулсизликнинг охири войлигини ҳам тушуниб етди. Комила маошига иккиси тирикчилик тадоригини кўрарди. Шунда сейфдаги пуллар Нозиманинг кўзига кўринар, аммо у бурун жийиришдан нарига ўтмасди.

Бундан ташқари таянчсиз, кимсасиз, ташландиқ, ёлғиз Нозиманинг суврати ҳам, сийрати ҳам таъсирланаётганди: сочларига оқ оралади, аввал бўйин, оғиз четларига тириш тушди. Тушганда ҳам унинг назарида бир кунда тушди, ойнага қарадиу, сезди. Бу табиий ҳол эди, инчунун хафа бўлиб ўтирмади.

Мактабда нима кўп йиғилиш кўп, тадбир кўп: артистлар, циркчилар, қизиқчилар, ашулачилар, ёзувчилар, шоирлар, журналистлар, фотографлар, албомчилар, милиционерлар, прокурорлар, солиқчилар, хуллас, келмаган одам йўқ. Ҳамма тадбир белгилайди, тадбир ўтказади. Аста-секин мадори қуриб бораётган Нозима одамови бўлиб борар, тўгаракдан ташқари ҳеч нарсага қатнашгиси келмасди. Бугун ўсмирлар масаласида вилоят прокурорининг муовини келар экан, деган эълон тарқалди, директорнинг буйруғига асосан унда ҳамма қатнашиши шарт экан.

Нозима мажбуран кирди. Бир жиҳатдан яхши қилган экан, йиғилишдан енгил тортиб чиқди. Прокурор муовини ўзини Қодир Алиевич Муртазоев деб таништирди. У тафаккури кенг, тўғриликка ўч, нуктадон одам

эканки, ҳар бир сўзи жон озиғи, эрталик кунга ишонч уйғотарди. Ўзи ҳам келишгангина, оқ-сариқдан келган одам бўлиб, кўзлари тийрак, ўзи хушёр, юзи хушбичим, ёқимтой одам эди. Нозима унинг бу томонларини шунчаки эътироф этди, аммо жамиятда қонун устуворлиги, қонуний демократия, қонунни билиш ва ҳурмат қилиш нима эканлиги тўғрисида ёниб сўзлаганда, беэътибор ўтира олмади. Унинг дил оғриғига худди малҳамдай туюларди бу сўзлар. Майли, Мансур бўлмаса бўлмасин, ёлғиз ўтса ўтсин, лекин ҳаёт анови прокурор айтаётган тамойилларга асосланса, турмуш оқими, атрофингдаги одамлар у киши айтгандек бўлса, яшашингда маъно бўлади, ҳар қандай даҳшатга бас келасан киши...

Йиғилишдан кейин ҳам Нозима эшитган нарсалари ҳақида кўп ўйлади. Инсон, демак, нафақат ўз ҳаётига, балки жамият ҳаётига ҳам бефарқ бўла олмас экан. Дунёда илмдон, яхши одамлар ҳам кўп. Худо хоҳласа, тўғрилар ҳам кўп. Битта-иккита Зокирга, Мансурга ўхшаганларни кўриб, хулоса чиқариб бўлмайди. Негадир, Нозима ҳозир анави гапларни эшитганигами, ё бошқа сабабми ака-укаларни ёмон кўриб кетди.

Қодир Алиевич ўша мажлисдаёқ анча-мунча енгилтак аёлларнинг кўнглига ғулғула ташлаб кетгани аён бўла бошлади. У кетгач, мактабда деярли шу суҳбат кечди:

— Қандай бахтли хотиннинг эри бўлса экан-а?

— Эркакмисан эркак экан.

— Гап йўқ.

— Нутқини равонлигини қаранглар-а?!

— У ҳам порахўр.

— Бэ-э! Бекорчи гап, бундайлардан порахўр чиқмайди.

Баъзи аёллар жанжаллашиб ҳам олишди.

Комила аёллар билан ташлашиб бўлиб, Нозиманинг олдига кирганда, у ҳолсизланиб столга бош қўйиб ётарди.

— Кетдик, — деди Комила.

Йўл бўйи Қодир Алиевич ҳақида оғзидан сел келиб гапириб кетди.

— Шундай кишининг хотини йўқ экан, — деди бир вақт.

Нозима парво қилмади.

— Нозима, сизга айтяпман!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йўқ бўлса, йўқдир, нима қилибди? — деди Нозима.

— Мен тегиб олсамми? — ҳиҳилади Комила, — юрамизми, менинг хатамда яшаб, прокурорнинг данғиллама уйларида ялло қилиб яшайман.

— Тега қолинг, — самимий жавоб қилди Нозима, — агар олса...

— Сиз-чи? — деди ғалати оҳангда Комила, — гап шундаки, ундайлар биздақа қурбақаларга эмас, сиздақанги нозанинларга ишқибоз бўлади.

Бу гап кесатиб айтилдими, юракдан айтилдими, Нозима англай олмади. Комила барибир, яхши, кўнгли очиқ аёл. Айби у ҳам бева. Ҳозир бевадан кўпи йўқ. Битта қизлик бўлгандаёқ ажраб кетишган. Қизчаси лицейда бешинчи синфда ўқийди.

Комиланинг уйи мактабдан узоқ эмас, ҳар куни деярли шу маҳалда улар пиёда қайтадилар. Ёлғизлик уларни боғлаб қўйди. Комила учун Нозима ҳар ҳолда шерик, Комила эса Нозимага бошпана. Кеч тушгани сайин юракларга ваҳима солгич тунни бирга-бирга кечирадилар, топганларини ҳозирча баҳам кўришиб турибди. Нозима уйни чиннидай тоза тутади, Комиланинг қизи Майна шанба, якшанба уйга келганда ювинтиради, тарайди, овқатга уннайди, эплаб-сеплаб ул-бул пиширади. Ёғ бўлсаёқ кифоя, йўқни йўндириб оғизларига етказади. Бироқ бу ҳаёт иккисини ҳам қониқтирмай борар, бирбирларига индашмаса-да, кўнгилларида қандайдир йўл, чора излаётганлари аниқ. Комилани билмайди-ю, аммо Нозима ҳаётида нимадир юз беришини сезади. Ҳеч бўлмаганда шундай туюлади. Бундоқ ҳаёт узоққа бормаса керак деб ўйлайди. Нотавон кўнгил экан-да. Бир томондан энди ҳеч нарса ўзгармаслигини, умрбод ёлғиз ўтишини ўксик кўнгли ҳис этади. Комилага гап йўқ. Бечора уриниб-суриниб егани нон, майда-чуйда топиб-тутиб турибди. Нозима эса бу масалада ҳам гунгу лол, бир бечоранинг ўзи. Берса ейди, бермаса ўлади. Ишқилиб, эртами-индин, бир куни Комилага малол келиб қолмаса бўлгани. Шундай кунлар ҳам бўладики, уйда ондан бошқа нарса қолмайди, шунисига ҳам шукр қилишади, бояқишлар. Ана шундай ҳаёт кўришаётган эса-да, Комила хушчақчақ, шаддод, ҳазил-ҳузулни канда қилмайди.

— Жуда оч қолсак, сизни сотамиз, — дейди у кулиб.

Нозима индамай жилмаяди.

Бир куни кечга томон қизиқ воқеа юз берди. Турар жойлари тўрт қаватли бетон уйнинг иккинчи қаватида эмасми, уйга эшиттириб бир ит вангиллайди, холос. Аввалига Комила ҳам, Нозима ҳам унга эътибор қилишмади, итнинг овози энди эшик остонасидан келаётганди. Нозима тушунди, ташқарига отилди. Остонада қовурғалари саналиб, очликдан ич-эти қапишиб кетган, юнглари тўзғиган Чака йиқилай-йиқилай деб турарди. Унинг кўзлари хира ёшли эди. Нозима Чакани қучоқлаб роса йиғлади. Ўша кундан эътиборан Чака подъезд бурчагига тўшалган эски адёл устида кун кўра бошлади. Берилган қолган-қутган нарсаларга тўймас, судралиб чиқиб ахлат титар, ахлатчилардан қалтак еб келарди.

Кунлар шу зайлда ўтаверди. Энди икки қорин ташвиши ит билан учта бўлди. Нозима ўқувчилари келтирган емишларнинг қолдиқларини сувқоғоз халтага тўплар, ишқилиб қаерда, қайси хонада ўтириш бўлса, кўз-қулоқ бўлиб турар, жилла қурса Чаканинг ғамини еб кетарди. Чака ҳомиладор, унга парвариш лозимлигини билар, аммо қўлидан ҳеч вақо келмасди. Ит ниҳоятда озиб тўзиган, зўрға иланг-биланг юрар, ҳамиша икки кўзи ёшланиб тумшуғи томон қора ариқча ҳосил этиб турар, илгарги Чакадан асар қолмаган, Нозима ўзини эмас кўпроқ уни ўйларди. Шундай кезларда яна бир одам — қайнотаси Наби Мусаевич ёдига тушар, унинг ёлғиз тақдирини, иссиқ-совуғини ўйлар, уй юмушлари ҳақида хаёлланиб кетарди. "У киши ҳам оч-наҳор қолаётгандир. Нозимани хабар олишлари, чучвараларининг хумори тутаётгандир бечорани. Кексайганда шўрликка қийин бўлди. Унинг меҳрибон сўзларини ўйлаб Нозиманинг кўзига ёш инди.

Бугун сумалак учун ундиргани мактабга буғдой келтиришган экан. Тозалашиб анча қисмини тўкиб юборишибди, Нозима ўшани тўплаб, халтачага йиғиб олди, сувда бўлса ҳам қайнатиб Чакага едиради.

Илк баҳор келиб, илик узилди кунлар яқинлашар, яхши, тарихдан Нозима бир болага репититорлик қилар, ўша ойига беш минг сўм бериб турар, ҳозирча шунга тирикчилик қилишаётганди. Бугун у ҳам тугаб нонга пул қолмади. Комила ойлик-маошини эски қарзига берган, тирикчиликнинг йўлини қилиш учун таниш-билишлариникига бориб келди, нажот йўқ. Ота-онаси бойроқ ўқувчиларникига телефон қилди яна эплай олмади. Ча-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кага газ устида буғдой қайнар, ўзлари учун егулик ҳеч нарса йўқ. Айвончадаги яшикда икки-уч дона кўкара бошлаган пиёз қолибди. Соат тўққизгача ҳам Комила ҳеч нарсанинг уддасидан чиқа олмади.

— Падарига лаънат, — деди у, — эртадан мактабга бормайман, яхшиси қўшниларга ўхшаб майда-чуйда сотаман. Шундан фойда. Учаламизга нон бемалол бўлиб қолади-ку.

Комила лицейдан фақат шанба, якшанба кунлари келадиган қизи Майнани кўзда тутаётган эди. Нозима ёрма овқатидан итга қуйди, ҳар эҳтимолга қарши ярмини қолдирди. Қуйган ёрмасини совутиб Чакага берди. Қўшниларникига чиқиб яна нон топа олмай қайтган Комила айвончадаги пиёзни олди-да, тозалаб шартта чайнади ва сўкинганча ётиб олди.

Ўша куни икковлон ухлай олмади. Нозима чидаб ётди, Комила эса ҳали ўрнидан турар, хоналарни кезинар, сўкинар, кимларнидир қарғар, узоқроқдан эшитилаётган мусиқа, бақир-чақирларни бўралаб сўкарди.

— Туринг, Нозима, — деди у бирвақт камоли ишонч билан, — туринг, нима турмуш бу, ўлиб қолиш ҳеч гап эмас, ўзимизни сотамиз...

— Нима?! — дея олди Нозима.

— Ҳа, танимизни сотамиз. Энди соат 11 бўлди. Аёл излаган дайди эркаклар кўчада. Пул ўшаларда, қорнимизни боқади, пулимизни тўлайди. Э-э, Худо олсин, эримиз борми, хўжайинимиз борми бизни қўрққани... Кўчага чиқдик битта мосов хотинбоз топилади. Қизлардан нима камимиз бор, айниқса сиз...

— Ҳеч қачон, — деди Нозима, — ўлсак ўламизки, бу пасткашликни қилмаймиз.

Ўша кеча ялиниб ёлвориб Комилани зўрға тинчитди. Эрталабдан Комила негадир бошқача бўлиб қолди, ўзини ўта эркин тута бошлади, ҳеч нарсадан тап тортмай қўйди.

— Бугун ўқувчиларимдан пора оламан, — деди у, — бу ёғи чорак, юраманми, инсоф, иймон деб.

Шу куни яна прокурор муовини келди, бир вақт Нозима синф хонасида ўтирса, Комила уни бошлаб кириб келяпти.

— Мана шу синф хонамиз, — деди у Муртазоевга, Нозимага ғалати қараш қилиб.

Муртазоев синф хонасига осилган барча кўргазма, доска ва плакатларни обдон ўқиб чиқди, айланиб Нозиманинг яқинига келганда Комила:

— Мана бу Нозимахон, менга ўхшаган ёлғиз, бева, иккимиз бирга ишлаймиз, у кружок олиб боради, директоримиз ҳали унга иш бергани йўқ, — намойишкорона ғалати гапирди Комила.

Нозима ўзини ўнғайсиз сезди ва нима дейишини билмай, индамай тураверди.

— Комилахон рус тили ўқитувчиси экан, сиз-чи? — сўради Муртазоев, овозида эркак кишида зоҳир, аёл кишига ёқадиган ғалати майинлик, яқинлик билан. Нозима буни дарҳол сезди ва кўнглида Комилани айблай бошлади.

— Тарих, — деди Нозима.

— Яхши фан, — ўйга чўмиброқ қўшимча қилди Қодир Алиевич.

— Қодир Алиевич... — деди қийшанглаб Комила.

Чиндан ҳам у бугун ғалати бўлиб қолди-я, яна кўнглидан кечирди Нозима.

— Қодир Алиевич, — яна такрорлади Комила, — Нозимахоннинг тарихи ҳам қизиқ, сизга мос...

Аввало Нозима, қолаверса Муртазоев қаттиқ ўнғайсизландилар. Устига-устак, Комила уларни ёлғиз қолдириб, тез хонадан чиқиб кетди. Нозимага яна қийин бўлди, буни Қодир Алиевич сезди ва дарҳол шунга яраша шароит яратди.

— Ҳеч хижолат тортманг, Нозимахон, — юпатди у, — Комила Арзиевна табиатан шўхроқ кўринади, майли. Сиз билан бошқа гаплашамиз.

Муртазоев Нозимани ўнғайсизликдан халос этиб, Комиланинг ортидан кетди.

Энг ёмони, эртаси куни Муртазоев ва Нозима ҳақида бутун мактабга гап тарқалди. Шунда ҳам Комила хатосини тан олмади, Нозимага бас келаверди, уникида яшаб тургани учун Нозима ҳам қаттиқ ҳужумдан ўзини сақлади. Агар Комила:

— Сизни унга сотдим, — демаганда, Нозима индамай, ўтган ишга саловат деб ҳам қўяверарди.

— Нега сотасиз? — деди Нозима қошларини чимириб. — Нима, мен товарманми сотгани?

— Отличный товарсиз, — жавоб қилди Комила тосрайиб.

Нозима сезди, олишиб ўтиришнинг фойдаси йўқ. Ко-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мила борган сари безбетлашиб борарди. У чиндан ҳам ўзгарган эди. Ўша куни кечқурун у йўқолиб қолди, кечроқ ширакайф келди. Бу даргоҳ энди Нозимага тор бўлиб қолаётганди. Эртаси Комила ишга бормади. Нозима ишга кетди, кружогини ўтказди, болаларга тарихдан тест ечказди, дарс охирида болакай Нозимага беш минг сўм пул берди. Пулни олгач, Нозима бира тўла пастдаги катта бозорга тушишни, уйга ул-бул харид қилишни режалаштирди, бозорга пиёда жўнади. Йўл бўйи ҳардамхаёллик билан борар, у ён-бу ён аланглар, иштибоҳида гўё уни кимдир кузатиб келаётганга ўхшарди. Бозорга етиб келди, яна у ён-бу ён аланглади ва ичкари кирди. Нега у бу куйга тушмоқда? Кимнидир кутяптими? Ўзини койиганча, бир кило гуруч харид қилди. Энди картошка, пиёз олиш керак, айтмоқчи, чой қолмаган. Камчиликдан кўпи йўқ-ку, фақат энг зарурини олиш керак. Энг арзон нарса турп бўларди, турп егиси келиб, оғзига сув тўпланди.

Яқинроқ бориб турпларни ушлаб кўрди, панг бўлиб қолибди, олмади. Олмаларнинг нархи осмонда, картошкага қараб юрди. Аввал энг кераклиси — ёғ, ярим кило пахта мойи олмаса бўлмайди... Ярим килолик идиш йўқ, сотувчи Нозиманинг сўровига хижолат бўлди. "Ўзимда идиш бор, ҳозир..." деди Нозима, шу пайт қулоғи тагида таниш овоз янгради:

— Катта идишдагисини беринг.

Нозима овоз томон шартта бурилди, қараса, Қодир Алиевич соддагина фуқаролик кийимида.

— Йўғ-е, — деб юборди Нозима ўнғайсиз қизариб.

— Хўжайинингиз айтгандан кейин йўқ деманг, — деди тапалоқ юзли сотувчи хотин. — Жон десангиз-чи...

Қодир Алиевич шу заҳоти пул узатди ва ёғли идишни ўзи олди. Нозима нима қиларини билмай қолди. Қодир Алиевич ул-бул нарсалардан харид қила бошлади, Нозима эса нима дейишни, нима қилишни билмай меровланар, ўзига кела олмасди.

— Юринг, — деди Қодир Алиевич анграйиб турган Нозимага.

Улар нари кетишди, сотувчи хотин тушуниб-тушунмай, икковлон хўп бир-бирига мос эканми, дегандай ортларидан ҳавас-ла қараб қолди.

Қодир Алиевич Нозима кўнмаса-да, анчагина зарур нарсаларни харид қилди ва охирида:

— Бу Комила Арзиевнага қилган ваъдаларим, сизга бирон тузукроқ нарса совға қилишим керак, — деди Нозимага мехрибон тикилиб. — Юринг, кийим растасига ўтайлик...

— Йўқ, йўқ, йўқ, — оёғини тираб туриб олди Нозима. — Шуниси ҳам етади...

Қодир Алиевич ёнгинасида Нозима бозорни тарк этаркан, бозорчиларнинг уларга ҳавас билан тикилиб турганини ҳис қилар, кўнгли шу даражада кўтарилаётган эдики, қоқилиб кетишига, бировга урилишига бир бахя қолар, ўзга бўлса-да, яқин одам қанчалар одамга, айниқса, аёл одамга тиргак-таянч эканини дилидан ўтказарди. Бироқ шуурида хижолат тортаётганидан "нима қилибди, яхши одам экан, Комила тайинлаган экан-да" дея ўзига тасалли берарди.

Юк анчагина бўлгани учунми, ҳар ҳолда Қодир Алиевич уларни машинасига юклади. Нозима мажбуран ўтирди, Қодир Алиевич худди билгандай тўппа-тўғри Комиланинг уйи томон ҳайдади. Нозима тушунди, Қодир Алиевич анчадан буён кузатиб юрган экан. Уйга яқин қолганда, у бирдан машинани тўхтатди.

— Кўнглингизга келмасин, — гап бошлади у, ярқ этиб орқа ўриндиқда ўтирган Нозимага ўта очиққўнгиллик билан қараб. — Ҳеч ким ҳеч қачон бировга хўжайин эмас, ҳар ким ўз майлига қараб иш тутиши табиий. Мен сизни тўлиқ ўрганиб бўлдим. Тўғри тушунинг, сизга ялинаётганим йўқ. Кўнгил дегани ҳеч ким тушунмайдиган нарса. Мен сизни ҳеч нарсага мажбур этмоқчи ҳам эмасман ва ҳаққим ҳам йўқ. Менга келсак, нима деб ўйласангиз ўйлайверинг, бир бахтсиз одамман, иккита қизим бор, улар мендан-да бахтсиз. Учаламиз энг севимли одамимизни йўқотиб қўйганмиз... — Қодир Алиевич ўта самимий, чин дилдан гапираётганди: — Мен ҳамма нарсани енгишим мумкин, фақат ҳали ўн ёшга тўлмаган қизларимнинг онасизлигини, қаровсизлигини енга олмайман... Чиндан ҳам шу кунларда жуда кўп нарсани енгишга тўғри келяпти, — Негадир у тўхтади, анча ўйланиб қолди, Нозимага тик қараб, шундай деди: — Ишдан кетсам керак, шунга ўхшаб турибди. Агар мени узоқроққа жўнатишса, қизчаларни олиб кета олмайман. Олиб кетишим мумкин, аммо уларга мен эмас, аёл киши керак... Шуни тушунсангиз бўлгани. Мен сизни ҳеч қачон мажбурламайман, рости, уйланмоқчи ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

эмасман... — шу жойда Қодир Алиевичнинг овози қалтирагандай бўлди...

Икковлон анчагина ўйланиб қолдилар. Нозима енгил тортди. Ҳар ҳолда, Қодир Алиевич унга турмуш қуришни таклиф этаётгани йўқ. Қизларига шароит, аёл тафти кераклигини рой-рўст куйиниб билдиряпти. Демак, қизларига оналик қиладиган аёл эмас, қарайдиган оқсоч керак. Бу савоб иш, албатта. Энг асосийси, у алдаётгани, тузоққа илинтираётгани йўқ. Уйланмоқчи эмаслигини айтди. Бу одам ёлғон гапирадиганлар тоифасидан эмас, яққол кўриниб турибди. Бу ёғи энди маълум. Нозиманинг ўзига келганда, энди у эркак кишини, ким бўлганда ҳам қабул қила олмайди, ҳар қандай эркак шу Мансурнинг ўзи-да. Хўш? Нима қилиш керак? Бу киши тўғри ва ақлли одам. Нозима барибир Комиланикида энди узоқ қола олмайди. У айний бошлади, мактабга ҳам бормай қўйди. Нима қилиш керак?

Шунда Қодир Алиевич чуқур хўрсиниб:

— Мени вилоятдан йўқотишади, — деди.

Нозима бу гапни унчалик уқмади. Нега? Шундоқ ақлли прокурорни қандоқ йўқотишлари мумкин? Нозима барибир тушунмади, шунда Қодир Алиевич яна:

— Шунинг учун сиз керак бўлиб қолдингиз, — деди.

Нега фақат Нозима? Бошқа аёл қуриб кетибдими? Дунёнинг қизиқ ишлари кўп. Чиндан ҳам нега Нозима? Ҳозир ўзини эплай олмай, битта боласини боқа олмай, бундай бахт қидириб юрганлар камми? Неча-нечаси капкатта болалари билан қишлоқлардан кўчиб келмоқда. Эрсиз аёлдан кўпи йўқ. Нега бу кишига Нозима керак бўлиб қолди? Қизиқ. Балки қисмат, тақдирдир? Яна ким билсин? Нозима Қодир Алиевичнинг сукут сақлаб кутаётганини ҳисобга олиб деди:

— Ҳозирча бир нарса дейишим қийин, ўйлашим керак...— яна шошилинч қўшимча қилди: — Яна кўришиб қолармиз...

Унинг бу гапини Қодир Алиевич қандай қабул қилди, ўзи билади, аммо шундай дейишга деб, айниқса, охирги жумлани кўнгил учун айтиб, Нозима ичидан зил кетди: "олиб берган нарсаларим учун айтди, деб ўйласа-я"

— Албатта, албатта, ҳали кўришамиз, сиз яхшилаб ўйлаб кўринг, — гапга нуқта қўйди Қодир Алиевич.

— Бошқа аёллар кўп-ку, — охири кўнглидагини қистирди Нозима.

— Бу гап ҳаммага ҳам айтилмайди, фақат кўнгил чопсагина...

Нозима индамади. Қодир Алиевич ҳеч иккиланмай машинасини Комиланинг подъездигача ҳайдаб борди. Нозима ҳам иккиланиш, ҳайиқиш сезмади. Биргалашиб нарса, халталарни таший бошладилар. Ташқарида ўтирганлар, кезинаётганлар бироз ҳайрон қараб туришди.

— Мана бу нима қилиб ётибди? — сўради Қодир Алиевич ўлакса итга тикилганча.

Чака зўрға ўрнидан туриб, Қодир Алиевичнинг оёғига суйкалди.

— Бу менинг яхши-ёмон кунлардаги биргина ҳамроҳим, — тушунтирди Нозима.

Қодир Алиевич нарсаларни ташишиб бўлгач, тез қайтиб кетди. Комила уйда йўқ экан. Нозима нарсаларни жойлай бошлади. Эшик қўнғироғи янгради. Комила шу яқин ўртада экан-у, келди деб ўйлаган Нозима бориб эшикни очди. Остонада яна Қодир Алиевич турар эди. Эшикни очиш билан у Нозимага қўлидаги ўроғлиқ нарсани узатди ва қайтиб кетди. Нима дейишни билмай ортидан бир-икки қадам қўйган Нозима Чака иштаҳа билан майда суякли гўштларни еяётганини кўрди. Шунда у қўлидаги гўшт эканлигини билди.

Пули ишлатилмай қолгани эсига тушгач, Нозима пастга — магазинга чопди. Ҳамма нарса бор, Комила келгунча, у-бу келтириб, чучвара тугади. Чучварани ўзи ҳам жуда соғинган. Кўзининг олдига мункиллаган Наби Мусаевич келди. Нозима ўзи билмайди-ю, негадир шу одамга меҳри бошқача товланади. Ёки ўқитгани, таълим бергани учунми, яна ким билсин.

Нозима ун келтириб, чучвара тугди, қийма тайёрлагани чопқи, тахта топа олмай қийналди. Пичоқ ҳам ўтмас, яшшамагур. Уни чиннининг кетига ишқай-ишқай, амаллаб қийма тайёрлади, тузу намагини келтириб, сичқоннинг қулоғидай-қулоғидай тугди, сувга солиб меҳр билан пиширди. Ҳамон Комиладан дарак йўқ эди. Бир пайт эшик қўнғироғи янгради, чиқса, ҳеч калла суқмайдиган қўшниси, майда-чуйда сотиб ўтирадиган Холниса ая:

— Бирам ширин, мазали ҳид тарқалдики, нима пиширяпсиз, қўшни? — деди у ва таклиф этилмаганига қарамай, кириб келаверди.

— Ҳалиги сизни олиб келган киши кимингиз бўлади,

www.ziyouz.com kutubxonasi

айланай? — сўради у яна. — Эркакмисан эркак экан-да, ўзиям, сиз ҳам чакана эмассиз... — хихилади у.

Чақирилмаган меҳмон овқат ичиб, масза қилиб ўтириб, одамларни ёмонлай кетди. Нозима бундай гапларни хушламас, ўз ғами ўзига етиб ошарди. Уни зўрға кузатди. Унга "ҳа, ҳа деб гапини маъқуллайвериб, атай пиширган чучварасини ҳузур қилиб ея олмади ҳам. Холнисо ёймачи лабини ялаб чиқиб кетди.

Соат 11 дан ошса ҳам Комиладан дарак йўқ. Нозима энди хавотирга тушди. Ошхона деразасига суяниб, ташқари мўралади. Кеч бўлаётганига қарамай, ташқари тўла ҳар хил одам эди. Болакайлар ўйнаб тинмайдилар. Ташвиши бироз аригандек бўлди. Илк бор баҳор осмонига боқди: осмон беғубор, юлдузлар чарақлар, атрофдан турли туман дарахт гулларининг ҳиди уфурарди. Қандай гўзал фасл бу-я, баҳор. Бугун Нозиманинг кўнгли баҳорни ҳис этди.

Бир пайт подъездда тарақа-туруқ қилиб Комила келди. Афтидан жавраниб, Чакага алламбало берди. Эшикни очаёган Нозимага шундай туюлди. Яна Комила: "Вой, Чака, қорнинг тўқми дейман, — дегани эшитилди. — Ну, молодец" деди у яна ва Нозиманинг истиқболига юрди.

— Мана бу сенга, — деди Нозиманинг қўлига ўроғлик нарса тутқазиб, — шашлик, но, только один, — дея уни хиқичоқ тутди.

Комила бу гал чинакам маст эди. Уйга кириб, ошхонадаги ўзгаришни ё сезди, ё сезмади. Ечинмай ўзини каравотга ташлади, зумда хурраги чиқди. Энг ёмони, бироз ўтиб, юз берди. Нозима энди чироқни ўчириб, жойига кирган эди, подъездда ит увиллади. Чаканинг овози анчайин тирилиб қолган эди. Сўкиш, сўкинишга ўхшаш овозлар эшитилди. Уйнинг эшигини кимдир тепиб, тарақлата бошлади, қўнғироқни ҳам босди. Нозима даҳшатга тушди. Ким бўлди бу ярамаслар? Эшикни бузиб юборишса-я?! Шу вақт аёл кишининг уларни шанғиллаб ҳайдаётгани эшитилди. Холнисо эди у. Яхши, шундан сўнг ташқари тинчланди. Нозима устига кўрпани тортиб, ўйга толди. Комилани ўйлаб ғамга ботса, бугунги Қодир Алиевич билан кечган воқеа қачонлардан бери дарз кетган, чўккан кўнгилни кўтарар, ўзининг кимгадир, нима учундир кераклиги қувонтирар, бунинг учун ич-ичидан Худога шукроналар келтирар, уйқу элитмасди. Кўзи илингандек бўлди, аммо Комиланинг уйғонганини билди, бироқ уйқу, айниқса, баҳорги уйқу ширинлик қилиб, тўлиқ уйғона олмади.

Комила эснаб керишди. "Ух, блин" ва яна алламбало деди, ўрнидан тургандек бўлди. Қайтиб кириб, Нозимани турткилай бошлади.

— Назимка, ану ка вставайка! — дерди у, — ким келди, бунча нарсани ким келтирди?

— Эрим, — деди Нозима кўзини очмай, юзини адёлдан чиқариб, аслида "Сенинг ўйнашларинг" деб юборишига сал қолди, Қодир Алиевичнинг яхшилигига ношукурлик қилаётгандай хижолат чекди.

— Буни қара-я, — Комиланинг гап оҳангидан суюнаётгани билинаётган эди: –Барибир, барака эркакларда, қанчалик улар мададига зормиз-а?

Нозима унинг кейинги гапларига қулоқ солмади, фақат сўнгги гапини узоқ ўйлаб ётди. Комила яна тортқилади:

— Туринг, Нозима, чой ичамиз, тонг отди. Мақтаб юрган чучварангиздан қилибсиз-да.

Кутилмаганда Комила ўзини Нозиманинг устига ташлади, уни пайпаслаб қучди, "Ёлғизлик, бевалик қанчалик ёмон" деди у, юзларини типирчилаётган Нозиманинг кўксига босишга уриниб.

— Хватить! — деди Нозима ҳам ўрисчалаб, у Комиланинг эркаланаётганини сезиб турса ҳам, кейин ҳазиллашди: — Мен "улфатлар"инг эмасман...

Нозима ўзини Комиланинг қучоғидан халос этиб ўрнидан турди, Комила бирдан йиғлаб юборди, бироқ Нозима ҳеч нарса деб улгурмай юпанди, бурнини тортиб "ну, ладно" деб қўйди. Кейин "я никогда больше... — деди, — ҳеч қачон...

Шунда Нозима кечаси орқасидан келишганини айтди, Комила эса қўл силтади.

— Битта "Нексия"ли шляпа, — деди у, — сал оқсоқроқ, чўлоқ шекилли, битта шериги ҳам бор... Суллоҳларни боплаб алдадим...

— Шу яхшими? — ўпкаланди Нозима.

— Последний раз... — қизариб гапга қатъий нуқта қўйди Комила.

Ювиниб тараниб, масза қилиб овқатланишиб, икковлон мактабга жўнашди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

XXVI

Ўктамби неварасининг шошилинч ташқари чақирганига ҳайрон бўлди. Дарҳақиқат, Нодир, Наргизанинг ўртанча ўғли, машинасини ўчирмаган, ҳалпиллаб чиққан Ўктамбини машинага тез ўтиришга ундарди. Ўктамби шошилинч жойлашиши биланоқ, "Жигули" қўзғаларкан, Нодир ҳовликиб деди:

— Аям чатоқ, юраги ушлаб қолди!

— Вой ўлмасам, энди нима қилдим?! — сонларини чимдилай бошлади Ўктамби: — Нима бўлди ўзи, мундоқ гапирсанг-чи?

— Дадам инфаркт бўпти, ишдан бўшатишибди, дўхтирда экан, аям ўша ёқдан расво бўп келди!

— Иши қуриб кетсин, дадангни. Уни деб, аянг ўлиб-нетиб қолмасин, ё олло! — Ўктамби машинадан бир алфозда тушиб, қизи ётган хонага кирганда, Наргиза чўзилиб олган, ёнида ҳамшира, икки келини оёқ-қўлини уқалар, қизи пиқиллаб йиғлаб турарди.

— Наргиза, вой шўрим, сенга нима қилди, қизим? — унга ташланди Ўктамби ва қизининг йиғлайвериб, қовоқлари шишиб кетганини кўрди.

— Вой, директорлигиям ўлақосин! — деди у ҳам Наргизанинг уёқ-буёғини уқалашга тутиниб.

— Ўлди, ўлди, — деди Наргиза пичирлаб ва яна йиғлашга тушди, икки қўлини кўтариб каравотга ура бошлади.

— Тинчланинг, — деди ҳамшира.

— Ўзингни бос!.. — деди Ўктамби.

Ўктамби тўнғич қизини ҳеч қачон бу аҳволда кўрмаган эди. Ахир Наргиза бировга гапини бермас, тарсиллатиб гапирар, анча-мунча ўқитувчиларни оёғининг учида кўрсатарди. Мактабда ҳам, уйда ҳам эрини "Ўртоқ директор Муллаев" деб чақирар, бу билан ҳам ўзини бошқалардан ажратиб турар, нафақат қишлоқда, Ёркувонда ўзидек юксак "маданиятли" олий тоифали ўқитувчи йўқ деб ҳисобларди. Унинг, албатта, ўзгалардан фарқи ҳам бор эди, у ҳам бўлса шуки, тест деган нарса одат бўлиб, туманда биринчи биология фанидан тестларни у тузган ва нашр эттирган, оғизга тушган эди. Шу боис у ҳеч кимга гап бермас эди. Қаловини топиб, туман газетасида анча-мунча мақолалар чиқариб турарди. Гапни керилиб гапирар, полни тешаман дегандай тарсиллаб қадам ташларди. Мактабда эри Муллаев директор, биолог Эшматованинг гапи гап, ўқитувчилар соясига салом беришарди. Унинг сумкасини кўтариб юрадиганлардан кўпи йўқ, ўтиришларда энг тўридан жой олар, ҳамма жойда эридан кейин, сўз олий тоифали биолог, тест бўйича билимдон Наргиза Эшматовага бериларди. Вақт ўтгани сайин бу обрўни тутиб туриш, ҳамиша биринчи бўлиш маълум қийинчиликларни туғдирар, жамоа ичида аблаҳлар, сотқинлар кўпайиб борар, шу боис гуруҳбозликнинг олдини олиш, бош кўтарганни ёхуд ўзини билимдон кўрсатганни эзғилаб ташлаш унинг бош одатига айланганди. Бунга эса Муллаевнинг амали ва ҳушёрлик талаб этиларди. Ана шу аснода у мактабда йигирма йилча ишлаб қўйди, эри узоқ давр сурган директорлардан бирига айланди.

Яхши жойлардан келин олди, қиз чиқарди. Шунда бир хатога йўл қўйган экан, суянчиқ бўлгич қуда-анда топмабди. Мана энди ёлғизланиб ўтирибди, "итларга таланиб" ўтирибди. Отасида эса обрўнинг "о" ҳарфи йўқ. Онаси, мана шу Ўктамби. Синглиси, биргина синглиси, мана, бировнинг этагини тутиб кетди, афирис ўлгур. Эрига келинса, обрўни бош пойчаси билан еган шу. Баттар бўл, бу кунинг ҳам оз, бўшасанг бўшаб ўл! Лекин мани ер қаратганингга чидолмайман!

Ўктамби келишидан ҳеч қанча вақт ўтмай, Наргиза тинчланди. У қизининг феълини Сўпиникидан кам билмайди. Бу ҳушдан кетиб ётгани йўқ, бир балоларни ўйлаб ётибди, хаёл сурди Ўктамби. Ҳозир шартта ўрнидан туради-да, бир ишни бошлайди. Ўктамби адашмаган эди, шу пайт Наргиза туйқус ўрнидан турди ва ҳаммани қува солди. Ўктамбини этагидан тортди:

— Анави таги пастнинг кўчадан топган ўйнаши катта одам дейишяпти, чиндан ҳам шунақами?

— Вой, вой, вой... Бойлигини айт...

— Бойлигини сўрамаяпман! — қичқирди Наргиза. — Оғзидан бойлик тушмайди-я, бу хотинни. Бу ёқда нималар бўляпти-ю, бу кишим бойлик, бойлик... Ўшани бойлиги билан қўшмозор бўлларинг-а!..

Наргиза чинакам уввос солиб йиғлашга тушди:

— Ўларим ўлиб бўлди, бўларим бўлди. Энди ҳамма мани оёғини учида кўрсатади. Муллаев бўлмай ўл-а, латтачайнар. Аризани ёз деса, ёзиб ўтирибди, лапашанг. Бу мудирга Худо бордир, бир мартага ўзинг ҳам бўшайсан, мана кўрасан, ёзишми, ёзишни ўргатиб қўяман ҳали...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Анави қўшнини дудуқ келини иш-пиш борми, деб ҳозиргача ўн марта кирарди, мана кечадан бери қадам босмай қўйди, дудуқ математик... Вой до-о-о-од! Мен чидолмайман, ўлама-а-ан...

Ўктамби нима қиларини билмас, қизини тинчитишга уринар, у эса аламдан ич-эти тирналиб, илондек тўлғонарди. Ўктамби камзули чўнтагини кавлаб, Каниза берган қоғозчанинг турганига ишонч ҳосил қилди ва ўзини чор тарафга ураётган қизига деди:

— Эрингни ўрнига қўйдирайми?

— Нима-а?! — кўзлари олайганча онасига тикилди, Наргиза не кўз билан кўрсинки, Ўктамби икки қўлини белига тираганча, шунақанги важоҳатда турардики, айтган гапи шу заҳоти амалга ошадигандай эди.

Ўктамби Наргизани яна бир ҳайратда қолдириб, шартта ташқари юрди ва Нодирни чақирди.

— Қани машинанг? — деди у ва тезда кўздан ғойиб бўлишди.

Нодир бувисининг буйруғи билан машинани тўғри туман марказига ҳайдади. Ўктамби чўнтагидаги парча қоғозни ушлаб олган, ундаги рақамларга тикиларди. Янги йилни кутиб, эрта саҳар қайтар чоғларида Каниза роса совға-саломлар тортиқ қилгач, охирида кўзи ёшланиб, онасига телефон рақамини тутқазган қоғозча эди чўнтагидаги.

— Олиб қўйинг, ая, нима бўлсаям бегона жойларда ёлғизман, — деган эди у. — Кўнглимга ҳар хил нарсалар келаверади, эсон-омон туғиб олсам бўлди...

Ўктамби уни бағрига босиб, юпатиб қайтганди. Яхшиям телефонини бергани. Чиқмаган жондан умид. Бир оғиз айтсин-чи, қўлидан келса қилар, келмаса, девор ағанармиди.

Туман марказига бурилар экан, Нодирга:

— Мана шунга телефон қилиб берасан! — дея буюрди. — Уйдаги телефонларинг ҳалиям ишламайдими?

— Туширганда бир ишлаган, шу бўйи ишламайди, — жавоб қилди набираси.

Навбатчи қиз рақамни жуда тез улаб берди. Ўктамби Каниза билан ҳол-аҳвол сўрашиб, муддаосини айтди.

— Билмадим ая, қандай айтаркинман... — аввалига иккиланди Каниза, кейин эса "хўп" деди.

Нодир бувисини ҳеч бундай алфозда кўрмаган эди. Ўктамби гўшакни илгач, қаддини ғоз тутганча, озғин командирлардай қадам ташлади, гўё у "бир, икки, уч" деб санаб кетаётганга ўхшарди. Нодир ҳам, телефончи қиз ҳам ҳайратда қотиб қолишди. Нодир телефончи қизга пулни узатди-ю, "командир"нинг ортидан шошилди. Орқа эшикнинг очишини ғоз кутиб турган Ўктамби машинага намойишкорона ўтирди. Қизининг дарвозасига етиб келишганда, салобатли сукут сақлаб келаётган командир:

— Тўғри меникига ҳайда, аянгни вовайлосига тоқатим йўқ, — деди.

Уйга етганда эса, машинадан ғоз тушиб, солдатча юриш қилиб кириб кетди. Нега буваси бундоқ бўлиб қолди, ҳеч Нодирнинг ақли етмасди.

Орадан уч кун ўтди. Наргиза кўрпа-тўшак қилиб ётиб олган, ҳеч ким билан гаплашмас, кўчага ҳам чиқмас, йиғлаганидан қовоқ-лунжлари осилиб шишинқираган, юрагига қил сиғмасди. Ҳатто, шифохонага бориб эридан хабар олмади. Наҳот бу гардун тескари айланса, наҳот сувлар тескари оқса! Айниқса, Матмусаевлар билан Азизовлар сулоласининг боши осмонга етди. Муллаевни Ҳикматов еди-ю, аммо шуларга байрам бўлди. Неча йилдан бери тиш қайраб келишарди, гуруҳвозлик қилишарди. Мана охири шуларнинг айтгани бўлди. Шулар ким бўлмаса, ўшаларни айтгани бўлиб турибди-я. Вой мундоқ дардларга Наргиза қандоқ чидайди! Қандоқ!? Ўлибгина қолса бўлмасмиди! Ҳикматов-ку директор бўлмади. Уни қўйишмасди ҳам. Бироқ, асосан шу етди Муллаевни тагига. Мудир Баротовни шу кўндирди, шу ишга солди. Буниси аниқ. Ҳали Баротов қараб турсин. Худо битта бўлса, Наргиза албатта унинг бошига етади, итялоқ, бароқ кўппак, қораялоқ. Баҳорда қорайиб, ялтирамай ўл, мойсапол...

Наргиза бир дам бу ўйлардан халос бўлолмас, ётган ерида тинмай думалар, мияси пармаланаётган эди. "Э-э, бўшаса, бўшапти-да, Худо олсин ўша директорлигини деса, шу заҳоти кўнгли озиб, ҳушидан айрилаётганга ўхшарди.

"Дўст-душманнинг ичида нима бўлдик, а, нима бўлдик, ким деган одам бўлдик?" дерди холос, пешонасига шапатилаб. Қани энди ҳақиқат бўлса, Баротовни бўшатиб қўймайдими, қани ўша мард, Баротовни бўшатиб Муллаевни ўрнига қўйиб қўядиган? Шунақанги номард дунё бу! Яхши одамлар риёзатга қолиб, итларнинг тумшуғи дастурхонга чиқадиган. Бўлмаса шу Роҳила

www.ziyouz.com kutubxonasi

мактабга директор бўладиган хотинми? Шу Роҳила-я?! Баротов қораялоқ билан ҳид олишиб юрган бўлса керакда... Ҳе йўқ, бе йўқ, шуни директор қилиб қўядими бўлмаса! "Бу қандай бедодлик, до-о-од!

Канизага телефон қилишганининг тўртинчи куни Нодир аяси ётган уйга ҳовлиқиб кириб келди.

— Ая, ая, эшитдингизми?— деди у негадир, овози қалтираб.

— Ҳа-а? — бақирди бошини ўраб ётган Наргиза,— даданг ўлибдими?

— Ая, менга қаранг, Баротов машинасида дадам билан мактаб томонга ўтишиб кетди.

— Нима???

— Кўзим билан кўрдим. Район томондан келишди.

— Нима-а?!!

— Рост ая, ўзим кўрдим...

Наргиза ўрнидан ирғиб туриб кетди. Тўзғиган сочларини пайпаслаб тўғрилай бошлади. Ойнанинг олдига бориб улгурмаган ҳам эдики, ташқаридан дудуқ математик қўшни келин отилиб кирди, Наргизага осилиб, кўришиб янгиликни айтишга оғиз жуфтлади-ю, тили қурғур тутиб қолди. Наргизанинг тоқати тоқ бўлиб, ҳушидан айрилай деган-да, яхши, тўрт-бешта ўқитувчи опойлар ҳаллослаб келиб қолишди, Наргизани тортқилаб, ўпишиб табриклай кетишди.

— Баротов домлани ўзи машинада олиб келди, — деди биттаси.

— Домлани ўрнига қўйишаркан, — деди иккинчиси.

— Ҳозир Баротов тўполончи гуруҳвозлар билан гаплашяпти, — деди яна биринчиси.

— Ўшаларни адабини беряпти, — деди тўртинчиси.

— Пўстагини қоқяпти, — деди бешинчиси.

— Олдинги Баротов эмас, мулла мушук бўлиб қопти, — деди яна биринчиси.

— Роҳила опейни кўрсез... — деди иккинчиси.

— Бир қ-қоп шолғом, — деди учинчиси, бу дудуқ келин эди.

— Баттар бўлсин, — деди яна бошқаси.

— Б, б, ба-ттар, — яна орага суқулди дудуқ қўшни, математик келин.

— Ҳокимни кутишяпти, — деди яна бири.

— Ҳоким ўзиям келаркан, — деди яна биттаси.

— Вилоят ҳокимлигидан ҳам одам боракан... — деди яна қайсидир бири.

Наргизанинг қулоғига бу гаплар мойдек ёқаётганди. Олтовлон муаллимага ҳозир Наргиза бошқача меҳр билан бирма-бир қараб чиқди.

Мактабдаги энг зўр ўқитувчилар ўзи шулар, дея ўйлади ва шундай меҳри товландики, уларни навбатма-навбат қучиб, бағрига боса бошлади.

Чиндан ҳам "тавба" деб ёқа ушлайдиган воқеалар содир бўлаётганди. Наҳот бу рўё эмас, ҳақиқат бўлса! Наҳотки, Каниза ўлгур, шу даражага етган бўлса! Ҳеч ишониб бўлмайди. Ўктамбининг Канизага сим қоққанини, айтганини Нодир гапирган эди. Аммо бунчалар тез ва соз ўзгаришлар юз бериши Наргизанинг етти ухлаб тушига кирмаганди. Бундай ҳодисалар афсоналарда бўлиши мумкин. Наргиза ҳеч ўзига келаолмасди. Наҳот шу ишлар ҳақиқат бўлса! Худо бор экан-ку! Худога шукурей. Бир дам аввал бундай бўлиши амримаҳол бўлиб турганди. Худо бераман деса, ҳеч гап эмас экан-а.

Наргиза ҳозир нима қилиши керак? Кийиниб мактабга борсинми, анавиларни кўзи билан есинми, турқинг қургурларни. Нима қилсин? Ё уйда ўтирсинми? Йўқ, боради, борганда ҳам, тарсиллатиб кириб боради. Душманларнинг юраклари орқасига тортиб, кучала еган сигирлардай ирғишлаганларни ўз кўзи билан кўради. Мана, ҳақиқат бор, билиб қўйишсин, Муллаевлар осонликча жон берадиган нотавонлардан эмас. Ҳали кунингни кўрасан, ҳамманг, мижғов мажлисвозлар!...

Суюнчилаб келган хотинлар ҳеч қўйишмади, усиз ҳам боришга шайланган Наргиза ўзини тартибга солиб, кийинди, оладиган нарсаларини олди, ёнидаги хотинлар жон деб нарсаларига ёпишдилар ва кўтариб олдилар. Мактаб бир қадам бўлишига қарамай, Нодирнинг машинасига ўтирдилар. Мактаб ташқарисида ҳеч ким кўринмас, енгил машиналар кўп эди, холос. Ҳокимликнинг машиналари ҳам шу ерда, мажлис бошланган экан. Наргизалар мажлиснинг орқа томонидан кириб жой олдилар. Ҳоким нутқ ирод этаётган экан. У нутқини тугатиб, сўзни мудир Баротовга берди. Мудир сўзни узоқроқдан бошлаб, муддаога яқинлашди, Муллаев илгаритдан билим ва тарбия борасида илғор экани, унинг жамоаси танланган асл ўқитувчилардан иборатлиги, ўқувчи ёшларнинг билимга чанқоқлиги, хуллас, гап келиб, кейинги пайтларда икки кишининг ўзаро жанжали асосида гуруҳвозлик кайфияти вужудга келганлиги, унинг натижа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

си ўлароқ мактабнинг таълим сифатига зарар етганлиги, ночор Муллаевга вақтинча дам берилганлиги хусусида сўзлади.

— Ўйлаб-ўйлаб маслаҳатлашиб, охир-оқибатда шундай хулосага келдикки, — деди у, вилоят ҳокимлигидан келган ияксиз пакана одамга ва ҳокимга бироз таъзим билан қараб, — ўртоқ Муллаевга бироз фахрий дам бермоқчи эдик, қарасак, иш бузилар экан. Ҳолбуки, мактабни мактаб қилган, уни туманда шу даражага кўтарган одам фақат Муллаев эканини оз-моз унутган эканмиз...

Залда қарсак янгради. Айниқса, залнинг орқа қисми қаттиқроқ ва узоқроқ қарсак чалди. Мудир Муллаев домлани кўкларга кўтариб, осмонга учириб юборди. Наргиза хусусида ҳам мақтовли гапларни айтди. "Кечагина бошқача қўшиқ куйлаётган эдинг, кўрдингми қандай қилиб қўйдим" кўнглидан ўтказди Наргиза, Баротовга тиш қайраб.

— Роҳилахон зукко, камтар ва ҳурматли ўқитувчимиз, у киши ўз устозига ҳурмат маъносида ўрнини дарҳол бўшатиб берди, — деди мудир, навбат унга етганда. — Роҳилахон энди директор ўринбосари бўлиб, домланинг ўнг қўлига айланади.

"Нима, Роҳилахон-а? Бекорларни бештасини айтибсан, ҳой, мудир Баротов, — деди ичида Наргиза ғижиниб. — Ҳали ўзингни ҳам ўйлаб кўрамиз, мудирлигингда қоласанми, йўқми?"

Навбатдаги сўз Муллевга берилди, у тантанали ваъда берди. Бошқа ҳеч кимга сўз берилмади. Вилоятдан келган вакилга им қоқишган эди, у ҳаммаси жойида дегандай ишора билан сўз олмади.

Наргиза энди ичкаридаги аҳволни томоша қилиб, масза қилишга аҳдланиб турган эди, ўқитувчилардан бири келиб, уни Баротов чақираётганини шипшиди. Чиқса, ташқарида Баротов уни вилоятдан келган вакил билан кутиб турган экан. Баротов қуюқ саломлашиш асносида "қуллуқ бўлсин" қилди ва уни меҳмон билан таништирди. Вакил Наргизанинг қўлтиғидан олиб, бироз четлатди ва паст оҳангда соғлик-саломатлигини сўраб-суриштирди, Сўпи отани сўради ва орада шундай деди:

— Келинимизнинг опаси бўлар экансиз, бундай пайтларда биз бехабар қолмайлик. Вилоят қўлимизда, жон синглим, Канизахоннинг яримта гапи кифоя. Бизнинг оила билан тутинган опа-сингил улар. Илгари куни келинингиз айтиб қолди, Канизахоннинг поччасини шундай қилишибди деб... Бир оғиз гапимиз, синглим...

XXVII

Нозиманинг кунлари бирдек Комиланикида кечмоқда эди. Ёз бўйи Қодир Алиевич уч-тўрт марта хабар олди, ҳар ҳолда ёрдам бериб турди. Борган сари унинг ҳам оёғи узила бошлади. Ўзининг айтишича, жуда иши пасайиб кетибди, узоқ туманларнинг бирида терговчилик қилиб юрибди экан. Қизчалари аввал лагерда кейин Қодир Алиевичнинг аммаси қўлида қолибди. Сентябр охирига келганда, катта қизининг мактаби бошланиб, турган жойи узоқлик қилаётгани, қизчаси қийналаётгани ҳақида гапирди. Қодир Алиевич илгариги Қодир Алиевичга ўхшамас, ранглари сўлғин, афтодаҳол, кайфияти тушкун эди. Нозима эса ҳар ҳолда янги ўқув йилидан озроқ бўлса-да, тарих фанидан соат олган, дарс бера бошлаган, илгаридан оз-моз дурустроқ яшаётган эса-да ғам, алам, куйит ботқоғидан тамоман чиқиб кета олмаган, ҳаёти ва турмуш тарзини ўзгартириш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмасди. Қодир Алиевичнинг уни қизларига қўшиб қўйишни қанчалик истаётгани шундоққина англашилиб турган эса-да, Нозима бирон қарор айтишга ожиз эди.

Негадир, бу йил эрта куз рутубатли келмоқда эди, кунлар аллақачонлар совуган, осмонда қарғалар қанот қоқар, афтидан қанотли жониворлар иссиқ ўлкаларни кўзлаб қолишганди. Бу кайфият Нозимага дилғашлик солар, наздида "милт" этган ёруғлик йўқдек атроф рангсиз, нурсиз, гўё табиат емирилиб, нураб, тугаб бораётганга ўхшар, яшаш ҳам аслида нечоғлик мақсадсиз туюларди. Чинакам, Нозима ҳозир жонсиз ҳайкалга ўхшар, кўзи нигоҳлаб турган шу сарҳадларда беҳуда кезинаётгандек кўринарди ўзига.

Шаҳар кўчаларида одам қайнайди. Нозиманинг йўли катта бозор томон тушмаган эса-да, у ерда — марказда одам бундан-да кўплигини билади. Балки кўча кезиб юрган бу одамларнинг ҳам Нозимадагидек бир ғами, бир дарди бордир, бу дардли дунёда.

Ҳозир мактабдан чиқиб катта йўл бўйлаб кетиб бораркан, оёқларига совуқ шабада урилар, елкалари совуқ еб жунжикарди. Бундай совуққа қарши курашиш иштиёқи ҳам сўнган эди. Шундайин йўл босган кезлари

www.ziyouz.com kutubxonasi

хаёлланар, бот-бот бутун умрини сарҳисоб этарди. Хира ўйлар, хира кунлар эди бу кунлар... Нозима осмонга бир қараб, чуқур хўрсинди. Осмонда булутлар сузар, ҳадемай ёмғир ёғадиганга ўхшарди. Шу пайт унга яқин, шундоққина ёнида "Нексия" тўхтади. "Қодир Алиевич" деб ўйлади у, ва ялт этиб машина ичига қаради. Йўқ, у эмас, бошқа — қора пиджакли, галстук тақиб, қора шляпа кийган, кўзлари ялтираб, ўйнаб турган нотаниш киши машинадан тушди ва йўлида кетаётган Нозимага мурожаат этиб:

— Кечирасиз, хоним, — деди. У ғалати илжайиб, тез юрди-да, Нозиманинг йўлини тўсди, юришидан оқсоқланарди. — Вақт борми? — яна безбетлик қилди у. Бу ҳам етмай Нозиманинг қўлидан тутишга уринди.

Нозима унга ўқрайиб қаради ва зудлик билан ўзини четга олди.

— Ўҳ-ҳў, охудек сакрайди-я, — деди суллох сурбетларча.

Нозима тез кетиб юборди, орқасидан икки-уч сигнал чалингани эшитилди, юраги ҳовлиқиб қадамини тезлатди. Ёлғиз қўйнинг думбаси кўриниб туради-да. Аблаҳ ҳам кўп ҳозир дунёда. Нега атроф бундоқ бўлиб кетяпти? Нозима илгари бу ҳақда ўйламас экан. Негадир, ҳозир кун сайин эркагу аёл ўртасидаги муносабатлар ялангғочланиб бораётгандек туюларди. Нозиманинг ўз давридаги, ёшлиги ўтган онлардаги шарм-ҳаё, одоб, андиша панд еганми, у пайтдаги муносабатлар, пардали гаплардан ном-нишон йўқ.

Нозима тезлик билан уйга кириб кетишни, яхшиси кўчада камроқ юришни ўйлади ва иккинчи қаватга кўтарилди. Уйга кириб ечинди. Комила бугун ота-оналар мажлиси борлиги учун мактабда. Катта ойна олдига келиб ўзини ойнага солди. Соч оқарса, одам эски кийимдай бўлиб қолади, шекилли. У сочларини қўли билан тўсиб, юзларига разм солди. Йўқ, ҳали юзининг нури кетгани йўқ, қош-кўзлар жойида. Бақбақасининг тагига тириш тушган. Бу ҳаммада ҳам бўлади. Мансурга бир пайтлар "Мана бу еримга тириш тушибди" деса, у илжайиб "Унинг давоси менинг қўлим, ёзиб юборамиз" дерди. Бу сўз Нозимага жуда ёқарди. Ҳозир бошқанинг тиришини ёзиб юрибди. "Аблаҳ" деди-ю, ўзи ҳайрон бўлди, Мансур чиндан ҳам аблаҳмикин? Энди бу ўйларга чек қўймаса бўлмасди, бироқ ойна олдидан кетгиси келмас, ўзиги ўзи маҳлиё, барча жойларини бирма-бир қараб чиқаётганди. Чап оёғини ойнага солиб, анча силаб турди... Дилида, дилидами ёки кўнглининг қаеридадир қат-қатида ғалати хуш истак куртакланди, анчадан буён у бундай ҳиссиётлардан мосуво эди. Туйқус бир сескандию, нохос бугунига қайтди, ҳаёт яна нурсизланиб қолгандай бўлди...

Негадир, Салима қўшнига сим қоққиси келди, нималарнидир билишни истар, бироқ, ўша нималар ўзи нотайин, номаълум туман эди. Гўшакни олган чоғда ўрнига қайта қўйди. Нотавон кўнгил нимадир истарди, Нозиманинг юраги сиқилди. Ўзи билмаган ҳолда ким биландир узоқ-узоқларга, кенг қир-адирларга чиққиси келди. Кимдир олиб чиқиши керакка ўхшарди. Кўнгил кўчаси қурсин. Лолақизғалдоқлар гиламдек товланган, дарёдек тўлқинланган баҳор онлари ҳам ортда қолди-я... Ўша ғанимат дамларни одамзот билмай, қадрига етмай ўткариб юборади. Одам дегани шунақа, кейин афсус-надомат чекиб юраверади.

Нозиманинг ҳаётида ҳам афсусли дамлар кўп бўлди, дунё ишлари шунақа. Одамзод шу куннинг хаёли билан, шу куннинг шуури билан тўғри-нотўғри яшайди, эртага ё афсусланади ё қониқади, баъзан эса на афсус чекади, на қониқади. Ҳайвонлар-чи? Улар бундай эмасдир, балки... Чаканинг бола ташлагани эсига келди. Бир кун эрталаб Чакадан хабар олгани чиқса, чала туғиб қўйибди, етилмаган норасидалар у ер-бу ерда чўзилишиб ўлиб ётибди. Чаканинг кўзлари ёш, тумшуғини олдинги оёқларига қўйганча маъюс ётибди. Нозиманинг роса кўнгли бузилди...

Ана шундай... Ўйлар, ўйлар... сўнгсиз ўйлар. Охири Нозима ўзини тутиб, овқатга уннади. Комила келгач, овқатланишди, овқат пайтида у ота-оналар йиғилиши таассуротлари билан ўртоқлашиб ўтирди.

Нозима хаёли паришон ўтирарди.

— Нозима, — деди бир вақт Комила, — негадир бугун ғалатисиз?

— Нега ундай деяпсиз? — ҳайрон бўлди Нозима, бироқ маълум маънода Комиланинг ҳақлигини ҳам ҳис қилди. — Йўқ, ўзим... Мен сизга айтсам, эски бузуқ арава кимга ҳам керак...

— Битта одамга керак эмишсиз, фақат айтсам, сўкасиз-да... — кулди Комила.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мени ўйнатмоқчимисиз? Калака қилмоқчисиз...

— Ўлай агар, рост, Нозима.

— Бўлиши мумкин, ахир тешик мунчоқ ерда қолмайди...

Комила Нозиманинг сўнгги иборасига мириқиб кулди:

— Гапниям қийиб қўясиз, — кула-кула деди у, — тешик мунчоқ ерда қолмас эмиш.

— Тўғри-да...

— Бўлса бордир. Буёғидан келсак, ўзимизнинг домиздан ишқибоз чиқиб қолибди,— илжайди яна Комила.

— Секинроқ, хўжайин бор-а! Яна Чака эшитиб қолмасин...

Комила яна мазза қилиб кулди ва деди:

— Чинакам, Нози, бугун бошқачасиз ёки келдиларми, очилиб кетибсиз...

— Тўғри айтасиз, келди, катта кўчада бир имонсиз шартта йўлимни тўсди.

— Тўсишга арзийсиз, Нози... Сиз чиндан гў... — Комиланинг гапи оғзида қолди, унинг ўрнига гапни Нозима тугаллади: — гўлсиз...

— Айтяпман-ку, бугун бошқача, гапга чечан бўп қопсиз... Нариги подъезддаги...

Яна Нозима гап бермади:

— Йўқ, йўқ, бас қилинг. Сафсата эшитмайман...

— Одамзод жуфт яралган, Нозима хоним...

— Иккитамиз, нима, ёмон жуфтмизми?

Бу гапга ҳам Комила кулди, бироқ ўйланиб қолди, охири:

— Иккимиздан жуфт чиққанда-ку, дунё бошқача бўларди... — деди сўзларини урғулаб.

Иккови ҳам анчагача ўй сурдилар. Комила тезроқ ўзига келди ва чинми ёки ҳазиллашгиси келдими, яна қўшнисидан гап очди. Шу заҳоти Нозима илгаригидек илиб кетди:

— Айтинг, ўша хотини ўлган қўшнингизга, "Танишув" газетасига эълон берсин...

— Вой, газета ўқимайдиган Нози-ей!

— Ўша ерини ўқияпман, "Сиз унда зор, биз бунда зор"ларни кузатяпман...

— Бир гап бо-о-р...

— Айнан шундай эмас, — Нозима дастурхонни йиғиштиришга тутинди.

— Шунақа денг, — Комиланинг оҳангидан гаплашгиси келаётганди.

Нозима унинг бу мақсадини тунни қисқартириш ҳаракатига йўйди.

— Нози, — деди шунда Комила, — Нози, сиз эрдан ажраб, қаттиқ қийналганингизни кўриб турибман. Фақат яна гап қўзғаяпти деманг, эслатганим учун узр. Ярангизни янгиламоқчи эмасман, фақат бир нарсани сўрамоқчиман... Мансурни чинданам севганмисиз?

Нозима елка қисди.

— Ана, билдингизми, Нози, севги йўқ нарса. "Севаман", "муҳаббат" деган сўзлар саркаш ёзувчиларнинг асарларида бўлади. Улар ҳаммаси ёлғон.

— Мексика телесериалларидаги-чи?

— У кино, — жавоб қилди Комила ва бир дақиқа ўйланиб қолди, сўнгра: — демак, севги, муҳаббат бадиий талқинда бор холос.

Комила намойишкорона кеккайди, калласини ликиллатди. У "кўрдингизми Нози, менинг илмий фаразимни" демоқчи бўлаётганини Нозима тушунди.

— Ҳаётда севги, муҳаббат бўлмайди, фақат табиий интилиш, эҳтирос, ўрганиш бўлади, холос, — давом этди Комила.

— Бир-бирига мос кўнгиллар, албатта, — уни тўлдирди Нозима.

— Ҳа, тўғри, бу ҳам бор, — тасдиқлади Комила. — Қалай Нози, зўр фикрлаяпмизми? Бизнинг олдимизда сўқир файласуфлар ким бўп қопти?

— Софоклга тегиб кетманг тағин, Комила Арзиевна, — ҳазиллашди Нозима, аслида Эзопга демоқчи эди, Комила Эзопни билса, кўнгли оғримасин деди.

— Сиз эса, дугонагинам, Қодир Алиевични қўлдан чиқар...

Нозима гапни чўрт кесди:

— Тўхтанг, тўхтанг... Қодир Алиевичнинг севги тўғрисидаги гапини айтиб берайми, жуда қизиқ...

— Ў-ў... Ҳали у билан севги ҳақида ҳам гаплашасизларми, ёмонсизлар, Нози.

— Комила, эшитинг, қизиқ гап, — берилиб гапира кетди Нозима: — Ҳалиги сизнинг гапингизда интилиш дедингиз-ку, одамзот-чи, аслида икки жинсли бир шахс бўлган экан, бу билан — жуда мукаммал хилқат бўлган экан-да...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳа, бўлди, олмами? — Нозимани тўхтатди Комила.

— Эшитганмидингиз, биласизми? — сўради қизиқсиниб Нозима.

— Ўқиганман, ҳа-а, бир "ақлли"нинг "Аёл бир бало... нима, кимми?" деган мақоласида, қайсидир газетада, ҳа, гапираверинг, гапингизни бўлиб қўйдим.

— Хуллас, икки жинс бир танада бўлса, ўзгага эҳтиёж йўқ, одамзот мукаммал, –давом этди Нозима, — яратгувчи бундан хавфсираб уни иккига бўлиб юборибди. Ўшандан бери одамзот ўзининг бўлиниб кетган жуфтини қидирар экан, унга интилар экан. Олмани ўртасидан бўлгандай бўлиб ташланган экан. Бўлинган олмаларнинг юлдузини бир-бирига мослаб кўринг-чи...

— Қодир Алиевич кўп нарсани билади, — мақтади Комила.

— Сиз ҳам биларкансиз-ку, — тасдиқлади Нозима. — Барибир, ҳали "севги" бадиий талқинда бор холос дедингиз-ку, йўқ, у ҳаётда ҳам бор. Ўша бўлинган олманинг юлдузи бир-бирига мос келганда, ҳақиқий севги бўлади, мен бунга ишонаман. Ана шундайлар бор...

— Бўлиши мумкин, ҳар ҳолда, — Комила тасдиқлади, аммо қўшимча қилди — ҳаммаси вақтинча...

"Ҳаммаси вақтинча..." Нозима ғалати бўлиб кетди, шарт бурилиб, идиш-товоқ ювишга киришди. Шу биргина ибора уни яна одамови қилиб қўйди, туни билан ўйлатди. Эртаси куни мактабда ҳам ўйлаб юрди. Негадир кейинги пайтларда Нозима миясига нимаики ўрнаб қолса, ўшани узоқ ўйлаб юрадиган бўлди. Ўйлайди, ўйлайверади, бир нарсаларга таққослайди, кўрган билганлари, кечирганлари асосида хулосалар чиқаради, фаразлар қилади, маълум ўлчовларга солади. Ўша нарсанинг истиқболлари ҳақида тахминлар қилади. Энг қизиғи, ҳамма нарсанинг охири вой бўлиб чиқади, ҳеч қандай хулосаси, тахминининг тугами порлоқ бўлмайди... Шунинг учунми, бу дунё ўзи беҳуда нарса, бу дунёга келишнинг ўзи бефойда, бирон нарсага уриниб, барибир чўкадиган хасга ёпишишишнинг нима кераги бор, деб ўйлайди.

Сентябрнинг охиридаги воқеалар энди уни бутунлай издан чиқариб ташлади. Бу аслида воқеа ҳам эмас, шунчаки Мансурнинг ўғил тўйи ҳақидаги тафсилотларга тўла хабар эди. Бу хабарни Мансур ва Нозима яшаган маҳалладан келиб ишлайдиган Башорат келтирди. У тил-адабиётдан дарс беради, гапни чертиб, оҳангини ўрнига қўйиб, шунақанги ишонарли гапирадики, гаплар ифода этаётган саҳналарни киши беихтиёр кўриб тураверади. У атай Нозиманинг синфини топиб келди. "Эртага туғилган куним" дея, дафтар-китобларини йиғиштириб, кетишга чоғланаётган Нозима аввалига ҳайрон бўлди. Башоратга у умуман эътибор қилмас, бир-икки Наврўз байрами кунларда ёниб, турсунойчасига сўзлагани, шеърлар ўқиганини эшитганди, холос.

— Кетаётибмидингиз? — деди у омонатгина, худди бир нозик иши бор одамдай.

— Нима қилди, нима ёрдамим керак?.. — деди Нозима сал хавотирга тушиб.

— Йўқ, шунчаки ўзим... Менда уч-тўртта болалар кириш имтиҳонига тайёрланадилар. Шуларга тарихдан репититор керак эди, ота-оналари ўзига тўқ одамлар...

У киройи маслаҳат қилаётгандай гапирарди-ю, астойдил айтадиган гапини яшираётганга ўхшар, ҳар ҳолда, Нозимага унинг оҳангги шундан далолат бераётганди, шу боис у Башоратга тикилиб қаради.

— Юринг, кетдик, — деди Башорат, — йўл-йўлакай гаплашамиз...

Улар мактаб ҳовлисидан чиқиб, катта йўл томон бурилдилар. "Майли, шунақаси кетақолайлик..." ўйлади Нозима. Унинг кўнгли борган сари ғашланар, Башорат ҳеч қачон йўқламаган, бирон иш билан унга яқин йўламаган, ҳатто бир маҳаллада туришганда бир-бирига эътибор қилишмаган, мактабда ишлашиб юриб, кўчалари кесишмаган Башоратга тўйқус у нега керак бўлиб қолди. Яхши, Башорат узоқ куттирмади:

— Маҳаллага бормаяпсиз, шекилли, а? — дея сўради.

— Ажрашганман, — шартта жавоб қилди Нозима.

— Ўзим ҳам билган эдим... — чайналди Башорат, — уйларингизда тўй.

Нозима бир дақиқа серрайиб қолди: Каниза туғибди. Ўғил. Мансур катта тўй бошлаб юборган... Ахир шундай бўлиши керак эди-ку... Нозиманинг юриши ўзгарди, оёқ тиззалари қалтирай бошлади, бироз совуқ тер тепчигандай бўлди, кутганидай Башорат астойдил гапира кетди:

— Мансур ака шунақанги ўғил тўй қиляптики, ма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳаллада эмас, бутун юртда бунақанги бўлмаган бўлса керак. Ўзиям бутун мамлакат келяптими, дейман. Узоқ-узоқ вилоятларнинг ҳокимлари "Колхида", "Камаз"ларда тўёналар жўнатишяпти. Неча кундан бери тўй. Дарвозанинг олдида шунақанги ҳурматли одамлар қўл қовуштириб туришибдики, ёнларидан титрамай ўтиб бўлмайди. Вой, вой, вой, артистларни айтинг, Алла Пугачёва кеп кетганмиш, "Битлз" ҳам келармиш... Мансур ака жуда ҳурмат топган одам экан-а, маҳалла-кўй энди билди-я... Туғиб берган хотинини ҳам роса мақташяпти... Мансур ака тахт ясаттириб, шоҳона тахтга ўтқазиб қўйганмиш, олдига кирганлар шоҳойимни ўзи дейишяпти... Вой, ўлмасам, сизга нима қилди? — Башорат Нозиманинг елкасидан тутди.

Нозима мувозанатни йўқотган эди. Башорат уни йўлка четидаги иккитагина калтаги қолган ўтиргичга ўтказди, юзига сув сепай деса, яқин ўртада сув йўқ, атрофда ҳеч ким кўринмайди, Нозимани қўйиб юборай деса, ағдарилади...

— Вой, ўлақолай, айтмасам ҳам бўлар экан, таассуротларим билан ўртоқлашай дебман-да, қурибгина кетсин тўйи ҳам...

У йўловчи машинани тўхтатди, ҳайдовчининг ёрдами билан Нозимани машинага ўтказди, Нозима зўрға манзилини айтди. Ҳайдовчи бу жойларни яхши билар экан, тез орада улар Нозиманинг уйи олдида тўхтадилар.

— Яхшиман, ташвиш қилманг, Башорат, — деди Нозима, машинадан тушганда, шунчаки уйга олиб кириб қўймоқчи бўлаётган Башоратни уйга киришини хоҳламади, яхшиси у Мансурнинг тўйига кираверсин, нима қилади бу ерда, Комила Арзиевнаникида. Нима қиларди, яна гапни кўпайтиради-да. Бўлмаса ундан Нозима тўй ҳақида сўрадими? Илтимос қилдими? Қирқ йилда қатиқ ялашмаган одам, нега суйкалиб, Нозимани бу аҳволга солди? Нима истайди у ўзи? Ранги докадай оқариб кетган Нозима зўрға хайрлашди-ю, гандираклаганча подъездга кириб кетди.

Уйда Комила йўқ экан, Нозима ўзини каравотга отди, додлаб йиғлаб юборди. Туйқус мияси ғалати ишлай бошлади: дақиқанинг қайсидир сонияларида мияси "ярқ" этиб, кўзи катта очилади, фикри тиниқлашади ва яна шундай қиёмат қўпадики, дунё остин-устун бўлиб, нафаси етмай, ҳаёт билан охирги марта олишаётгандай кўнгли айнийди, ўқчийди, пешонасидан совуқ тер чиқади. Наҳот ўлим шу бўлса! Одамзот шундай ўлар экан-да. Фикри тиниқлашганда бошига тушган мусибат бор залвори билан елкасига тоғдай қулайди. Ана шунда бу юкни кўтара олмаслиги аён кечади, яна ҳушидан айрилади. Бу мушкул жараён қанча давом этди у билмади, фақат бир нарсани аниқ-тиниқ сезди, бахтсизликнинг давоси йўқ. У яна бир шундайин ҳақиқатга имон келтирди, сенинг бахтсизлигинг — ўзгаларнинг бахтлилигида. Каниза сенга ҳеч нарса қилгани йўқ-ку, жанг қилиб, бахтингни-тахтингни тортиб олмади-ку. У фақат бошқа нарса билан ғалаба қилди: гўзаллиги ва оналикка мавжуд лаёқати. Сени бундан қисган, уни эса қисмаган. Нега энди бунга чидамайсан? Чидамасанг ўлдир ўзингни! Баъзи одамларнинг эҳтиёж ва истагининг чеки-чегараси бўлмайди, жилла қурса, сен ўзингни чегарала! Нима истайсан ўзи? Пулми? Йўқ. Шуҳратми? Йўқ. Бахтми? Ҳа! Фарзандми? Ҳа! Мансурми? Йўқ... Нозима тушунди, у асли ўзи бенасиб нарсага интилаётганди. Яна бир нарсани ҳам уқдики, дунёда иложсиз нарса ҳам бор экан... Ана шу, худди шу иложсизлик туйғуси уни ҳозир ўртантириб юборди...

У елкалари титраб, ҳиқиллаб йиғлай бошлади, йиғи унинг ич-ичидан вулқондай отилиб чиқиб, эшилиб, туғёнланаётганди. Бу — улкан ҳақиқатни тан олиш, тақдирга тан бериш ҳукми ила йўғрилган йиғи эди. Бир инсон учун дунёнинг тугаганлиги, тубсиз жар устида турганлиги, икки дунё бир бўлиб, қиёмат-қойим қўпганлиги, энди фақат бир қарорга келишгина қолганлигининг фарёди эди бу йиғи. Нозима тўхтаб, ҳушсиздек, гўё тушида ҳаракатланаётгандек, оёқлари зил-замбил кезинди. У ҳали хонанинг шипига, ҳали атрофга галмагал бемаъно нигоҳ ташлар, бир қарорга келган-у, бироқ нима қилаётганини, ёхуд нима қилиш кераклигини билмайдигандек кўринарди. Нариги хоналарга чиқди, кирди, ошхона, айвончадан алланима қидирди, охири яна ошхонага қайтди, шкафда қатор турган шиша ва шишачаларни қўлига олиб кўрди, охири излаётган нарсасини топди, шекилли, унга термулиб ютинди, ютоқа бошлади, энди бир нафасгина унинг оғзи, томоғи, ичи ёнади, тамом-вассалом. Мевасиз дарахтни кесиб ташлайдилар, унинг соясидан нима фойда. У кимга керак? Унинг икки пуллик қадри борми? Йўқ, албатта. "Алвидо".

www.ziyouz.com kutubxonasi

Туйқус унинг кўзлари ярқ этиб очилди. Иккала кафти орасида ош сиркасининг шишаси қалтираётганди.

— Қанисиз, қаердасиз, Қодир Алиевич? Мени олиб кетинг! Мен ахир сизга керакман-ку. Қизчаларингизни боқиб бераман... — деган сўзлар учди, шишани ташлаб юбориб, югургилаб, телефон дафтарчасини титкилаётган Нозиманинг лабларидан.

XXVIII

Муллаевнинг ўз ўрнига тиклангани зумда бутун Ёрқувонга тарқалди. Яна аллақанча гумондор гаплар шамолдек учди. Баротов ишдан кетармиш, ўрнига шу Муллаев ўтирармиш, хотини мактабга директор бўлармиш. Ерга чигит қадаладиган кунда чўлга ҳокимнинг машинаси Сўпини олиб борибди. Токи Эшмат сўпи келмагунча, экинга фотиҳа берилмабди. Ўша ерда ҳозир бўлган имомхатиб Мингболаев хафа бўлганмиш. Фотиҳани бу йил туманга Эшмат сўпи берибди. Буниси қандай бўлди? Ким ўзи Сўпи? "Кучукнинг тумшуғи мистовоққа чиққани шу эмасми?" дейишибди қуйқанак висир-висир ғийбатчилар.

Хуллас, ўша куни хафа бўлган Мингболаев кечаги кунги маъракада Эшмат сўпини қўярда-қўймай ёнига ўтқазибди. Фотиҳани сиз ўқинг, мен дуо қилай дебди. Ғалати ишлар... Сўпини ўйноқи урғочиси, ғийбатчиларнинг гапига қараганда, маҳалланинг боши бўлиб қолганмиш. Ҳамма хотинлар ўшандан маслаҳат сўрашаётганмиш. Яна тағин, Эшмат сўпининг фермер хўжалигидаги ишлари роса юришиб кетибди. Шийпонига борадиган ўйдим-чуқур, биланги йўлни асфальтчилар бир кечада текислаб ташлашибди, атрофига шунақанги гулларни экишибдики, бунақа гуллар Ёрқувон марказида ҳам йўқ. Сўпининг шийпонига мухбирлар ҳар куни келаётган эмиш.

Яна бир гап. Ҳокимнинг хотини Саодат Сўпининг катта қизи Наргиза билан дугона экан-да, қалин, "борди-келди" қилишар экан. Демак, аниқ, Муллаев туманга таълим мудири бўлади. Унинг хотини чакана хотин эмас-да, ахир. Эрини зумда ўрнига тиклаб қўйди-ю!

Бундай қанотли гапларнинг кўпи, дарҳақиқат чинга ўхшарди. Одамларнинг кўз ўнгида Сўпининг кўчаси асфалтланди. Туман тарафдан ўша томонга газ қувури улаб кела бошланди. Ҳайратомуз ишлар...

Устига-устак эл-халқ ичида Эшматовларнинг юришturиши ўзгарди. Айниқса, обрўли-обрўли кийинадиган бўлишди. Юрар эди анави ўғиллари бир четда, бир чеккада, ҳозир бирида мотоцикл, бирида велосипед, ёқаси оқариб қолди.

Чинакам, Муллаевнинг директорликка тикланганига икки ой бўлди деганда, Баротов ишдан кетди. Аммо узун-қулоқ гаплар бўлганчалик, Муллаев мудир бўлмади, ўз ўрнида қолди. Мудирликка ёшроқ, тожик йигит қўйилди. Кутилмаганда, Наргиза Муллаева унга ўринбосар этиб тайинланди. Мудир ёш, тажрибасизроқ, унинг ёнида албатта, катта тажрибага эга, шаддод, тест илмининг қалдирғочи, китоб ва бир неча мақолалар муаллифи турмаса бўлмайди.

Шундан сўнг Ёрқувонга яна янги гаплар тарқалди. Муллаева Баротовни таъқиб этаётганмиш, чекка қишлоқ Учтеракдаги мактаб директорлигига ҳам қўйдирмабди. Умуман таълим соҳасида ишламасин дебди. Бу гаплар ҳам ҳақиқатга яқинроқми, тез орада "Баротов ишлагани узоққа кетиб қолибди", деган овоза тарқалди. "Тўғри қилибди, эркак киши юрадими хотин кишига тенг бўлиб", дейишди ўзини ақлли ҳисобловчи ҳамюртлар.

Шундай қилиб, Эшматовлар, Муллаевлар тилдан-тилга кўчадиган бўлди. Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Ҳалиги ақллилар ўзларича ҳар балони чамалашиб кўришар, Ўктамбидан гап олишни кўзлашар, у эса шундай гапчил, бир гапириб, ўн куладиган хотин оғзига талқон солгандай жим. У гапирмаган сайин оғир синоатли гапларнинг тоши ортиб, ақллилар гуруҳи юк остида қолаётган эдилар. Уларнинг баъзилари бу сафсаталар сабабини Наргиза ва Саодатга менгзашар, ҳаммасига шу сабаб дейишарди. Баъзилари эса туман ҳокими бугун ҳоким бўлгани йўқ, илгари ҳам ҳоким эди, нега улар энди дўстлашиб қолишди, деб бош қотиришар, бу ерда бутунлай бошқа гап борлигига ишора этишарди. Бир кунмас-бир кун бу чигал масаланинг ечилишига умид боғлашарди.

Ақл даражаси жуда ўсиб кетган айримларгина бир ҳақиқатни топиб олдилар, яъниким, Наргиза Муллаева ўғли Нодир билан вилоят марказига серқатнов бўлиб қолибди. Бунда бир гап бор... Қолаверса, кейинроқ, у ҳокимнинг машинасида Саодат билан кетаётганмиш...

Тўғриси, бир гал, яна бир янги гап ҳам чиқди, аммо у тез назардан қолди. Эмишки, Наргизанинг синглиси,

www.ziyouz.com kutubxonasi

анов Самад вангнинг хотини зўр бир амалдорга тегиб олганмиш... Самад лаққиллаб юрганмиш... Мана шу гап ҳақ бўлса керак, деб туришганда, ақли ғовлаганлардан бири бошқаларни — бу гапнинг муаллифларини, нақ ўзи кўрганини пеш қилиб, Каниза Уфада юрибди, татарлар билан салат сотиб, пул қиляпти, деб ҳамманинг бетини тупукка тўлдирди. Ўзининг тўғри гапига артистона ишонтириб ташлаганига ўзи ҳайрон бу кимса юқоридаги фикрнинг қазо қилишига ҳам ўзи сабабчи бўлди.

Кунлардан бир кун яна бир шош-шув тарқалди: бозор қатновчи одамлар кўришибди, Наргиза билан Саодат ҳокимнинг машинасида каналнинг бўйида қанақадир "катта"нинг хотинини кутиб олишганмиш. Кўрганларнинг гувоҳлик беришича, ўзлариям катта хонимни роса тушгача кутишибди. Хоним қора "3110" да келганмиш. Машинадан тушмай сўрашибди. Саодат потиллаб қолганмиш. Кейин қаёққа боришди, нималар қилишди, ернинг тагига сингишдими ёки осмонга учдими — ҳеч ким билмайди... Оғзини эплолмаган баъзи ҳоббонилар ҳокимнинг "бункерида" бўлишган, деган янгиликни тарқатишди. Ўша баҳайбат қора машина одамларнинг кўзига Ёрқувон кўчаларида кўрингандек бўлди-ю, буни ҳеч ким тагига ета олмади. Кимдир ўша қора "Волга"ни Эшмат сўпининг уйи олдида тўхтаганини айтгандек бўлди, бироқ, бу гапга ҳеч ким ишонмади. Одамлар ўша қора "Волга"ни яна кўрмасликлари мумкин эди. Ёзнинг нақ ўртасида ёмон бир ҳодиса юз берди-ю, ўша машина яна Сўпининг уйи олдида сирли пайдо бўлди, бу гал Сўпининг ёнган уйи ёнига келди. Энди, тўпланиб турган одамлар қора "Волга" ичидаги кимсани аниқ-тиниқ кўришди. У Каниза экан. Оғироёқ Каниза машинадан тушмади, ёниб кул бўлган уйни кўрди-ю, лом-мим демай, онасини ёнига олиб, жўнаб кетди. Ўктамби унга бор гапни оқизмай-томизмай етказди, бир йиғлади-бир кулди, бир Самадни қарғади, чакаги толгунча, токи, Канизанинг шаҳардаги уйига, ҳовлисига етгунча гапириб келди. Бу пайт Мансур Канизани бўшаб қолган ҳовлига кўчириб ўтказганди. Нозима дом-дараксиз йўқолиб кетди. Мансур уни излаб кўрди, у сувга чўккан тошдек ном-нишонсиз эди. Қараса, қаровсиз уй нурай бошлади, шу сабаб Канизани кўярда-қўймай ҳовлига кўчирди. Аҳмад билан Ойимхонни яқинроқдаги мактаб ва боғчага жойлади.

— Тушунарли, — деди Каниза ҳовлига кириб бораркан, — майли, энди қамоқда чирисин. У қишлоқда юраркан, сизларга тинчлик йўқ...

— Олдинги сафар маҳалла-кўй қамоқдан олиб қолганди, бу гал энди тамом кетди... — деди ҳовли-жой, уйларни кўриб оғзи очилаётган Ўктамби.

— Ташвиш қилманг, аяжон, куёвингиз бир зумда тиклаб беради уйни, ҳеч ташвиш чекманг. Ифлос, гугурт чақишга борди, денг...

— Маст, аламзада шундай қилди-да.

— Қилсин, майли, тўғрилаб оламиз.

— Сен ўзингни ўйла, қизим, ой-кунинг яқин қолибди. Самад қулоғини ушлаб қамалиб кетади ҳали.

Ўктамби бир кун тунаб, қишлоққа қайтиб кетди.

Ҳа, Ўктамби айтгандай, Самад қамалиб кетди. Шу кунларда ёрқувонликларни ҳайратга солган яна бир-икки воқеа юз берди. Сўпининг уйи янгитдан қурила бошланди. Уни ким қуряпти — ҳеч ким тагига ета олмасди. Қурилиш шу даражада қулоч ёйган эдики, гўё давлатнинг каттакон бир объекти қурилаётгандай эди. Сонсаноқсиз машиналар қатнар, автокранлар, бульдозерлар, малакали муҳандислар, қурувчилар ишлар, келаётган қурилиш материалларига одамларнинг ақли бовар қилмасди. Туман ҳокими қурилишдан тўхтовсиз хабардор бўлиб турди. Ҳаш-паш дегунча, Сўпининг ҳашаматли уйи битди, унинг олдида Мингболаевнинг уйи ип эша олмай қолди.

Бир куни бир неча енгил машиналар қуршовида яна қора "Волга" ташриф буюрди. Унинг ичида икки эркак ва икки аёл бор эди. Улар тўхтамадилар, машинада қурилишни бир айландилар-да, нариги йўл томон бурилиб кетдилар. Йўлда кетаётиб Канизанинг битмаган уйи олдида машиналарнинг бир тормоз берганини анча-мунча кўзи очиқ одамлар сездилар. Сўнг ҳаммалари қатор тизилишиб, канал томон йўлга равона бўлдилар. Ортларидан етиб келган югурдаклар, уларни кўра олмай, доғда қолди.

Эртаси куни юз берган воқеага ақли пастларнинг раҳми келди, юқориларнинг эса ҳасадли ҳаваси. Тариллаган булдозер Самаднинг уйини суриб, бузиб юборганда, воқеа жойига тез етиб келган Самаднинг онаси Хосиятби ҳушидан ажраган, нафаси оғзига тиқилган Абдулла варзанг эса бўралаб сўкканча, булдозерчига кесак отарди. Томошабинларнинг сон-саноғи йўқ. Варзанг кесак ота-ота терга

www.ziyouz.com kutubxonasi

пишганда, булдозерчи тўхтади. Варзанг зўрға қурган уч хонали олди айвон уй ичидаги борки лаш-лушлари билан хонавайрон бўлди. Томошабинларнинг ичидаги хуноби тез ошадиганлар "бировнинг меҳнатини сал ҳурмат қилишса бўларди, уволгина кўрпа-тўшаклар-а?" деганча ҳасрат-надомат қилишди. Варзанг булдозерчини энди бўғиб, тагига босмоқчи бўлаётганда, бошлиқлар етиб келишди. Варзангни тўхтатишиб:

— Ҳозир калла-почангни йиғиштирмасанг, милиция келади, — дейишди.

Яхшиям, Ибодулла бу ҳангоманинг устига келиб қолди ва акасини маломатдан қутқазди.

— Эҳ, ака-я, марҳаматидан бериб турибди-ю, жоҳилликка бало борми? — деди у.

Бу гапни Варзанг анча кейин, Самаднинг гувала уйи пишиқ ғиштдан, данғиллама бўлиб битганда тушунди.

Ёрқувон, жумладан, Хўжаховуз бу гапларни, бу воқеаларни қандай қабул қилса, қандай ҳазм қилса қилаверсин, бироқ, Наргиза энди бутунлай бошқа одам. Ташқаридан кўрган одамларга "бу ишлар ҳаммаси менинг карометимдан" демоқчи бўлар, бундай онларда кечагина "чўзсанг — узиламан" деб турганини унутарди. Каниза — барча бахтиёр онлар сабабчиси Каниза, кўзига илгаригидек саёқ, қатиқчи, бозорчи бўлиб кўринар, ўзи эса ҳар ишга қодир, Аллоҳнинг энг суюк бандаси бўлиб туюлар, ўзида куч-ғайрат, шижоат топарди. Имкон қадар бундай фараҳли дақиқаларни узайтиришга тиришар, аблаҳ вақт эса унга яна синглисидан кам эканини, фақат ўша туфайли бундайин Наргизага айланганини ёдга соларди. Нега Канизани бунчалик хушламайди, баъзан ўзи ҳам билмасди. Бир қориндан талашиб тушган бўлса... Улар кўп эмас, бор-йўғи иккитагина қиз. Нимаси ёқмайди сира билолмайди. Эсга келадигани фақат унинг ўқимагани, таги паст ҳайдовчи Самад ванга теккани эди, холос. У билган Канизанинг айби шу.

Ҳозир у бу кунларга Каниза туфайли эришганини билади. Шунда ҳам тан олгиси йўқ. Нега ахир? Ё у ўта худбинмикин? Дарҳол "йўқ" деб жавоб қилди ўзига-ўзи. У худбин эмас. Фақат дунёнинг ҳангомаларига тан бергиси йўқ. Хўш, ким бўлибди ўша Каниза? Зўр эрга теккан бўлса, ҳали у унинг қонуний эри эмас. Эртаиндин ҳайдаб юбориши ҳам мумкин. Устига-устак, ойдеккина хотини ҳам бор экан. Кейинги борганда, қўшни хотин оғзидан бол томиб гапирди. Бироқ, қанжиқ ўлгур Каниза бўлмаганда, Муллаев қаёқда ўз ўрнига қайтарди-ю, Баратов кетарди-ю, Наргиза муовин бўларди-ю, отасининг данғиллама уйи битарди-ю, Наргизанинг уйичи? Бу ишлар ҳар қандай одамнинг ақлини шоширади. Саодат гирдикапалак бўлиб қолди-ю... Мансуржон катта ҳокимнинг ҳақиқий укаси экан. Каниза ўлгур-эй... Ишқилиб, маҳкам ушласин-да.

Наргиза эрининг ипини тортиб қўйди. Ингичка овоз, занчалиш директорни бир умрга ғийқилламайдиган эшик қанотига ўхшатиб қўйди, энди индамай очилиб-ёпилиб тураверади.

— Вой сингилжоним-ей, — деди у илк бор ўзини Канизага яқин олиб. — Сен бўлмасанг нима қилардим-а? Шу бизнинг уйни ҳам қурилишга қўшиб юбормадинг-да, — у шундай дея, кўнглидан бошқа фикрлар кечирди: — Бу мўлтони ўзига пишиқ. Менга яхшиси анави ияги йўқ... Ўшанда иш кўп... Қачон Канизаникига борсам, ўша ерда ҳозиру нозир. Хотини ҳам ажойиб, тўрпоқдеккина бир қучоқ, айтгани-айтган аёл экан. Каниза уларнинг олдида тумтаймай ўлсин.

Дарҳақиқат, ияксиз ака Наргизанинг ёдида халоскор тимсолида ўрнашиб қолганди. Ахир, ўша энг қалтис кунларда вазиятни шу ака тўғриламадими? У ўша куни осмондан тушган фариштадек кўринганди, Наргизанинг миясига ана шундай мухрланганди. Мана, энди улар билан қалинлашиб, қадрдон бўлиб олди. Бундан буён ошиғи олчи бўлади. Нега Наргиза яшашнинг олтин қоидаларини бунчалик кеч англади, ўзи ҳайрон. Эрининг директорлигига олимсиниб юраверган экан. Мудир ўринбосари лавозимига минди-ю, руҳияти тамоман ўзгарди. У янгиланди, атроф-муҳитга, ҳаётга ошуфталиги ошди, биологик ҳодисалар янада ўзгачароқ тароват касб этди. Шу кунларда умумий биологиядан дарслик ёзишни чамалаб қўйди. Ҳали ҳамманинг оғзини бирдек очиб қўяди. Ҳозир ҳам туманда анча-мунча оғзи қийшиқлар писиб қолди, меҳр билан тикилувчилар кўпайди, уйга дастурхон, совға-саломлар келиши авж олди. Амал яхши нарса, у энг аввало, инсон қадрини кўтаради, бошқаларга керак бўласан, одамлар эса ҳамиша кимларгадир муҳтож. Энди, оёғида маҳкам турса бўлгани, бу ёғи ишлар беш. Халқ таълимининг машинаси иккита бўлди.

Каниза, Каниза... Яша сингилжон. Омадинг бор экан,

www.ziyouz.com kutubxonasi

фақат эҳтиёт бўл, қўлдан бой берма. Куёв бола ажойиб, тортинчоқ йигит экан. Наргизадан жуда тортинади, бирам одобли. Хушрўйлигини айтмасизми? Ўлгур Канизаей...

Наргизанинг таъбини хира қилаётган бир нарса бор эди, у ҳам бўлса, Эшмат сўпининг уйи "гумбирлаб" кетди, Хўжаҳовузда эмас, Ёрқувонда биттагина. Канизанинг уйига ҳам гап йўқ. Мингболаевнинг уйи уларнинг чангида қолди. Шу юришига Наргиза энди уйидан уялаётган эди. Каниза ўлгур уникини қўштириб юбормади. Ияксиз акага ўзи айтишга Наргизанинг бети чидамади. Бир-икки Саодатга ишора қилди, у ўзини гўлликка солди. Ўзида нажот йўқ. Болалари ҳам мундоқ ишбилармон чиқишмади. Ҳозир ич-этини ўйиб, уй масаласи фикрини хира этаётган чоғда Хўжаҳовузга яна бир янгилик қанот боғлаб келди. Энди буниси ҳаммасидан ошиб тушди, Наргиза учун албатта. Унга чинакам алам қиларди. Нега у йўқ буларнинг ичида? Қарангки, Сўпи билан Ўктамби зудлик билан ҳажга кетишаётганмиш. Бугун бир бола келиб паспортларини олиб кетибди. Кечагина уй тўйи қилган ота-онаси бугун ҳожи... Бу нарсаларнинг чеки борми ўзи? Бу янгилик Наргизага ана шундай таъсир қилди, холос. Хўжаҳовуз, шунингдек, Ёрқувон аҳли бундай янгиликларга кўникиб қолганди.

XXIX

Мансур учун энг ҳаяжонли кунлар келган эди. Канизанинг илк тўлғоқ ҳуружи бошланди. Телефон қоқилиши билан Мансур барча ишини ташлаб етиб келди. Канизани тинчлантириб, юпатиб, машинасига оҳиста ўтқазиб, туғруқхонага ўзи олиб борди. Шу кунларда қанчалик банд бўлмасин, одамлар қанчалик ортидан югуришмасин, бир кўнгли доимо Канизада бўлди. Уни хурсанд бўлсин деб, болаларига қатор-қатор кийимлар олиб берди, Сўпи билан Ўктамбини қўярда-қўймай, ҳаж сафарига жўнатяпти. Қишлоқдаги уларнинг уйини, Канизаникини хаш-паш дегунча ҳашаматли қилиб битириб ташлади. Пул бўлгандан кейин чангалда шўрва. Худо бераман деса, ҳеч гап эмас-да, бир сўм пули кетмади. Уйлар битиб, гал тўловга келганда, қурганлар пул олишмади. "Э-э ака, ҳали бизга кераксиз, иккита кичкинагина уйнинг харажати от билан туяча бўлармиди... Бизга ёрдамингиз — иккита коллежимиз бор, шуни топширишда

суяб юборсангиз бўлгани..." дейишди. Ҳа, суяса суяб қўяверади, шуям муаммоми?

Каниза истамаса ҳам, Мансур ҳар куни қилаётган ишларидан ҳисобот берарди, анча-мунча сиқилишларини ундан яширарди. Мана, ҳозир туғруқхонада ўтириб ўзининг пушти камаридан бўлган зурриёдини — келажаги ва бахтини кутмоқда. Жажжи чақалоқни қувонтириб, боши узра осмонларга кўтариб эркалатади, бундан ўзи шундайин завқли бахт туядики, уни фақат ўн тўрт йил фарзанд кутганлар билади, ўн тўрт йил зор бўлганлар билади, шунча йил ўзига ишонмаганлар билади ва Худо ёр бўлиб, бировнинг арзанда қизини қорнини дўмпайтириб қўйганлар билади...

Худога минг қатла шукр, Мансурнинг ишлари беш. Катта пулларни кўравергандан, ишлар ўз-ўзидан юришавергандан кейин одам ҳамма нарсага бефарқ бўлиб қоларкансан. Ҳозир Мансурнинг кўзига туғилажак ўғлидан бошқа нарса арзигулик туюлмасди. Пул изма-из қувиб юрибди. Қурилишлар кетмоқда. Хоҳлаган идора бошлиғини ишдан олиш, ўрнига бошқасини қўйиш қўлидан келади. Бунинг ҳаммаси пул. Анов акахон бу ишларни қойилмақом адо этмоқда. Ҳаммаси хамирдан қил суғургандек, "катта" Зокирнинг талабидан ҳам аъло бажарилмоқда. Зокир гоҳо-гоҳо телефон қилади, у укасидан мамнун. Зарурат туғилганда Мансур унга телефон қоқади. Жуда зарур бўлса, олдига боради. Зокир асосан кунини ҳукумат дачасида икки улфати билан билярд ўйнаб ўтказади, фақат ҳукумат одамлари келса, ё укаси борсагина қабул қилади, холос. Ака-укаларнинг муносабатлари яхшилигигами, керик келинаяси Дилором ҳам Мансурнинг ишларига бурун суқмай қўйди. Дадаси ўзи билан ўзи овора. Ўша янги йилда бетобланганча, ўзига келолмай юрибди. Нима қилсин энди, қаричилик. Мансур дадаси билан кўришишнинг ҳам "ҳадисини" олган. Доимо иккиуч киши бўлиб кўргани боради, кекса ота ўкраяди-ю, сўз қила олмайди.

Шунча ишлар юришгани билан назаркарда, ғовғали ишлар ҳам бўлиб турибди. Шаҳарнинг марказига Мансур қураётган ёнилғи қуйиш шохобчаси халитдан шовшув, жанжал-ғавғога айланган. Усиз ҳам ҳавоси бузуқ маҳалла дод деяпти. Нимаси ҳавоси бузуқ!? Шаҳарнинг ҳамма жойи шу-ку! Одамлар ёмон бўлиб кетди, ўзи қилолмайди, қилганни кўролмайди. Нега Зокир шу жойни

www.ziyouz.com kutubxonasi

танлади, Мансур ҳайрон. Бир кун чақириб, шу ерга замонавий ёнилғи қуйиш шохобчаси қурасан, деди. "Ўзимизга қарашли одам бўлмасин, ҳеч кими йўқ, аввали-охири нотайин одам топ, ўшани номига расмийлаштир" деб тайинлади. Иккита ҳовли ер юзидан супуриб ташланди, катта ва замонавий жиҳозланган шаҳобча қуриб битказилди. Ҳаммаси Зокир айтгандай бўлди. Мана, энди битиб ишга тушгани ҳамон атрофида жанжал қўпди. Экологияни бузаётган эмиш. "Ёз-ёз" авж олди. Ахир, экология рухсатнома бераётганда қаёққа қараган эди? Одамлар шундай бачкана, серғавғо бўлиб кетганки ҳозир.

Мансурнинг ёдига туйқус эрталабки тожик йигит тушди. Ишхонада унга унчалик эътибор қилмади-ю, ҳозир унинг гапларини эслаб раҳми келди, таянчга зор одамлар ҳам кўп-да. Бу йигит йўналишдаги таксилар тўхташ жойининг эгаси экан. Кимдир йўл кўрсатиб, Мансурни топиб келди, дардини айтди. Гапига қараганда, йўл-патрул ходимлари ҳар куни эрталаб келиб "доля" олишар экан.

— Олишмасинми? — деди негадир Мансур унинг гапини эшита туриб.

Тожик йигит хижолат тортиб кетди, нима дейишини билмай қолди.

— Олишади-да, — деди яна тағин Мансур. — Сиз ҳам "олинг", етмаса кўпроқ олинг. Уларниям тирикчилиги, бола-чақаси, кўча харажатлари бор-ку, ахир. Улардан катталари олмайдими?

Тожик, чамаси келганига пушаймон қилди шекилли, тезгина даф бўлди. Ҳозир Мансурнинг унга ичи оғриди. "Йўлда бола боқувчилар..." деб қўйди у ичида, қизиқчини кўз олдига келтириб. Бекорчиликданми, ҳаяжонданми, яна нимадир деб жовранди, ҳа чамаси бундай: "Ўзи берса ол-да, нотавонлар..." деди, шекилли.

Шу пайт машинаси ёнида акахон кўринди. Мансур машинадан тушиб улгурмай, қучоқлаб олди, "қуллуқ бўлсин"га тушди.

— Аянгиз кириб кетган, — деди у анча хотиржам, — биз аллақачон келган эдик, ичкарида бўлдик. Ҳаммаси яхши. Энг зўр дўхтирлар гирдикапалак. Старший дояси бугун дам олаётган экан, дарҳол чақиртирдик, у ҳам шу ерда. Худо хоҳласа, ярим ёки бир соатда қўчқордек жиянли бўламиз.

Акахон сўзланаркан, кўзи билан орқа томонга имо қилди. "Ана шу машиналардаги қоракўзлар бизнинг гумашталар, ҳамма нарсани шай қилиб туришибди, ҳали дўхтирларни ҳам зарга кўмиб қўйишади", деди.

Бу гаплар фарзанд завқини туяётган Мансурга мойдек ёқаётганди, у акахонини янада маҳкам қучди, қучганда ҳам миннатдор қучди, қайноқ меҳр ила қучди. Бундан тўлқинланиб кетган акахоннинг оғзига шу калима келди:

— Ҳеч ташвиш қилманг, аянгизда тажриба катта, ўзи туғаётгандай потирлаб қолди ичкарида, — деди.

Кейин фурсат пойлади-да, Мансурни енгидан тортиб четга олди. Бу гапни нега орага суқди, ўзи ҳайрон бўлдида, ҳарқалай ўринсиз бўлса-да, уйда ҳам қора қўчқорларни тайёрлаб туришганини айтди.

— Овора бўлипсиз-да, раҳмат, — миннатдорчилик билдирди Мансур акахоннинг зарур гапи борлигини олдиндан сезиб.

Кеч тушган сайин, негадир ҳаво айниди, осмондан бир-икки томчи узилиб тушди. Куз ҳам бошланиб қолди. Мансур хурсанд бўлди, чақалоқ ёзнинг дам жазирамасида қийналмайди. Ёмғир бироз тезлашди.

— Кўряпсизми, — деди акахон мамнун, — осмондан мурувват ёмғири тушяпти, ёз бўйи ёғмаган ёмғир шу дамларда ёғишини кўринг, Худонинг бергани бу, жиянимиз ризқи улуғ туғиляпти, Худо хоҳласа!

Мансур мамнун бош тебратди. Акахон у ёқ-бу ёққа қараб, оҳиста сўз қотди:

— Ҳалиги спирт масаласи...

— Шу масалани яхши тушунмадим, унинг устига спирт қандай шов-шув бўлганини, йигирмата одам қамалганини биласиз-у... — ишончсиз оҳангда гапирди Мансур.

— Суриштирдим, ҳаммаси аён, — гапига имкон қадар ишонч ва хотиржамлик илиб, мулоҳазакорона вазмин гап бошлади акахон: — Тўғри, бу ўша спирт. У жамоа хўжалик омборига ички ишлар томонидан топширилган экан. Ўша ерда ҳозиргача сақланиб ётибди. Аллақачон унутилиб кетган.

— Ким уни олмоқчи, шунчаки "учарлар" эмасми?

— Йўқ, у спиртнинг асл эгаси — ҳозир сўраётган одам. "Бобур" фирмасининг эгаси... Қўлида фактура билан юрибди.

— Ҳужжати бўлса, олаверсин, ким тўсқинлик қилади? Қанча спирт ўзи?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Яқин олти тонна.

— Арзийдиган экан-да... Хўш, нима тўсиқ бор экан? — сўради Мансур қатъий.

— Спирт сақланиб турган жамоа хўжалиги раиси "Буни ички ишлар ҳужжат билан топширган, шулар рухсат берса олиб кетаверинг", деяпти экан. Фирманинг ички ишларда одами йўқ.

— Хоҳлаган мелисани қўшиб беринг, олиб кетаверсин.

— Доля катта, укажоним...

— Керак эмас.

— Ундай деманг, ишни пишитиб қўйганман...

Мансур индамай уяли телефонини олди, рақам терди ва четроққа юриб, сўзлаша бошлади. Акахон атай узоқланди ва чидам билан кутиб турди. Мансур қайтиб, яқинроқ келди-да:

— Эртага олиб беришади, — деди.

Акахон мамнун илжайди.

Шу пайт тўполон бўлиб кетди. Ҳамма у ён-бу ён возилларди. Ичкаридан отилиб чиққан оқ халатли чақкон қизлар кираверишда гул кўтариб бостириб кираётган гуруҳ билан тўқнашди. Мансур ва ниҳоят ўғил кўрган эди. У акахон билан узоқ қучоқлашиб турди. Акахон уни қўйиб юборса, гўё бахтидан бутунлай ажраб қоладигандай қаттиқ бағрига босарди. Катта доя ҳамма ёқни бошига кўтариб қичқираётганди:

— Бугун ўн еттита қиз туғилди, фақат битта ўғил бола!..

Туғруқхонадаги барча расмиятчиликни акахон ўринлатиб ташлади, ҳамма Мансурнинг хонадонига қайтди. У ерда қора қўчқор сўйилади, акахон ҳамма нарсага ўзи бош-қош бўлади.

Мансурнинг ўғли шарафига ғира-ширани яшин кесар, момақалдироқ дунёни ларзага соларди. Ёмғир пақирлаб қуярди. Мансурнинг машинаси йўлда тўпланган сувларни кемадек кесиб борар, ойна тозалагичлар ёмғирни зўрға артиб улгурмоқда эди. Йўлларда аллақачон бўтаналар сузарди.

Мансурнинг хаёлида ҳозир битта гап — ўша синфдоши Абдулланинг гапи айланарди. Уйланганининг тўртинчи йили, Мансур носковоққа нос борми, деб шилдир юрган маҳали синфдошлари тўпланишиб, гап ейишарди. Гаштакларнинг бирида арзимаган нарса устида Абдулла билан гап талашиб қолишди, шунда ҳе йўқ, бе йўқ, шунча одам ичида Абдулла: "Ниманга кериласан, ҳеббим?! Белингда уруғинг бўлса, аввал биттани туғдириб қўй" деди тиккасига. Мансур шу-шу синфдошлари орасида қорасини кўрсатмайдиган бўлди. Ҳозир ана шу Абдулланинг уйига кетмоқда. Мажбурлаб бўлса-да, уни уйидан олади, қора қўчқорга ўшанга фотиҳа бергизади. Ҳозир Мансурнинг кўзига шундан бошқа нарса кўринмасди. У тез елиб борар, бошқа машиналарни ортда қолдириб кетмоқда эди.

Бир пайт қандайдир машина чап томондан шитоб билан ўтди-да, Мансурни қисиб тўхташга мажбурлади. Мансур иложсиз тўхтади. Нариги машинадан югургилаб тушган ҳайдовчи Мансурнинг эшигини очди-ю, лунжига мушт тортиб юборди ва сўкина кетди:

— Ифлос, кўзингга қараб юрсанг ўласанми? Машинани лойга булаб ташладинг-ку!

Мансур аввалига ҳеч нарса уқмай, гаранг қотиб қолди. Пастки тиши билан лунжи ораси ачишди, оғзига иссиқ суюқлик тўлди, унинг оғзи қонаётган эди, қон тупириб машинасидан чиқди. Рўпарасидаги хўрозча уни четга тортқилаб мушт солишга шайланарди. Шунда унинг машинасидан иккита йигит чиқишди.

— Икром, бўлди! — қичқирди биттаси.

— Оғайни, сал ўпкани босиб олиш керак, машинани қаранг, бошдан-оёқ лой чаплаб ташладингиз, олд ойна бутунлай тўсилиб қолди, — деди иккинчиси.

Дарҳақиқат, уларнинг машинаси лойга чайилган, таниб бўлмас эски машинага ўхшарди.

— Кечирасизлар, акалар, — деди Мансур ва шартта ўз машинасининг багажнигини очди.

Наргилар "монтировка" оляпти деб ўйлашди шекилли, ҳушёр тортишди. Мансур иккита олма билан, шиша олган эди. Коньякни шартта очди-да, машина ичидан ғаройиб стаканчалар чиқарди. Наригилар ҳангу-манг.

— Шаҳрингизга меҳмонмиз, оғайни, — деди улардан бири нима дейишини билмай.

— Жуда соз, энди менинг меҳмонимсизлар, — самимий гапирди Мансур лаби ачишиб товуши ўзгарган ҳолда.

Ҳайдовчидан ташқари иккаловига коньяк қуйиб узатди, ўзига ҳам қуйди.

— Кечирасизлар, меҳмонлар, — деди у ҳам хушнуд, ҳам сўниқ овозда, — ўн тўрт йилда, бугун ўғил кўрган

www.ziyouz.com kutubxonasi

эдим, туғруқхонадан ўзимда йўқ келаётиб, билмай лой сачратиб юборибман...

Йигитлар бир-бирларига қараб қолишди, хижолат тортишди. Ҳайдовчи дарҳол:

— Кечиринг оғайни, ўзимни тута олмай қолдим, — деди Мансурнинг елкасидан қучиб.

— Шунақаси ҳам бўларкан, — узрнамо қўшиб қўйди йигитлардан бири.

Мансур қўярда-қўймай уларни уйига, қўй сўйилиш маросимига олиб кетди. Абдулла ёдидан кўтарилди.

XXX

Мансур тўйни ўтказибоқ, санаторийда дам олишни режалаштирган эди. Қаёқда? Икки кун дам олиб, бугун ишга чиқди, кутаётган одамларни кўриб, ишларни ҳисобкитоб қилиб, дам олишнинг мавриди эмаслигини тушунди. Янги офисининг олди ва ён-вери каттакон майдон эканига қарамай, машина сиғмас, келиб-кетаётган одамларнинг кети узилмасди. Худо ишларни бир юриштирса, омад берса, ҳеч гап эмас экан. Мана, Мансур ўғиллик бўлди, бирам ширин, бирам катта, яқин тўрт кило туғилди. Қоши кўзи нақ Мансурдан узилган-у, ёпиштирилган. Хотиндан Худо берди. Канизанинг бироз қишлоқилик, тўпорилиги бор-у, аммо гўзаллик ва одамгарчилилига, тўғрилигига гап йўқ. Бир сўмга хиёнат қилмайди. Мансурга ҳеч ақл ўргатмайди, унга овозини кўтармайди ҳам, нима деса хўп дейди. Хотин бўлса, шунчалик бўлади-да. Туйқус Нозима эсига тушди. У ҳам ажойиб хотин эди. Ўзи хотиндан айтган экан. Баъзилар нечталаб хотин олади, қани биттаси яхши чиқса, чиқмайди. Мансур иккита хотин кўрди, бир-биридан аъло. Аммо Нозима чатоқ бўлди. Умуман, Нозима эсидан чиқиб кетган экан. Мансур шунча тўйларни қилиб масза қилди. Мана ўғиллик бўлди, янги офис, янги "мерс", янги дўстлар, шунча обрў-эътибор, у бечора қайларда юрган бўлса? Қийналаётгандир... Эҳ, Мансур, шу ҳам инсофдан бўлдими?

Дарҳақиқат, ҳозир Мансур ҳайрон бўлди. Нозима, негадир туман ичра қолгандай, хаёлида хира кўриниш бериб, эсида юради, эсидан бутунлай чиқиб кетгани йўқ. Аммо шу кунгача нега унга эътибор қилмади? Ҳеч бўлмаса, бирон марта изламади. Тўғри, ҳар замон-ҳар замонда бугун албатта қидираман деб юрди. Нега қидирмади?

Аммо Мансур аниқ жавобдан ўзини олиб қочар, ўзини азобга маҳкум этишдан чўчирди. Шуур қургур, истасанг-истамасанг, ўша нуқтага олиб боради. Мансур жавобга қулоқ тутди: энг аввало, Каниза билан орага совуқчилик тушишини истамаганди, кейин-чи? Бу ёғини ўйлашни хоҳламасди. Аммо изламагани, хабар олмагани учун жавобгарликдан тона олмади, ҳозир айни шу фикр изтиробга солаётганди. Бунинг давоси ҳам топила бошлади: бугун албатта боради, топади, узрини айтади. Ахир Канизани кўзи ёриб, энди кўнгли тинчиди, бошида шунча ташвиш, шунча иш, бу ёғи дадаси янги йил арафасида бир ётганча ўнгланиб кета олмаётир. Зокир барча юмушларни унга юклаб қўйган, уларнинг ҳаммаси ўзича бўлавермас... Ичкарида аланга олаётган бу олов унга анча тасалли берди. Нозимани аёл тарзида, ўзининг хотини сифатида кўз олдига келтирди, илжайди, топса, ҳозир бағрига боса олармикин? У Мансурни кечирармикин? Нега кечириши керак? Мансур кечирим сўрагудек иш қилдими? Борса, Нозимани сўроқлаб тоғаларинникига борса, нима деркин? Тоғасининг хотини роса сасиса керак... Нозима у ерда бўлмаса-чи? Гўрга борармиди, шу ерга бормай. У бечоранинг кими бор, ўшалардан бошқа? Э-э... Қарзим бормиди улардан? Ҳозир кимнинг ким билан иши бор, шунақанги замон ҳозир, пулинг ва таянчинг бўлса бас! Хўш, Нозима ўлган бўлса, ёки умуман йўқолса, биров мендан сўраяптими? Чака-ю, ит!

Ўзи билан ўзи бўлиб ўтирар экан, котиба кирди.

— Одам кўпми? — сўради у котибадан.

— Кўп. Тўйингиз бошлангандан бери кутишади, — жавоб қилди котиба.

— Бошқа ишлар йўқми?

Котиба индамади, ўз гапини гапирди:

— Бир одам... Менга қарашли эди, сизда озгина иши бор...

— Кирсин, — деди Мансур.

Котиба мамнун, тез чиқиб кетди. Қишлоқлик, аммо олифтанамо ўрта ёшлардаги одам кирди. У Мансур билан кўришиб, рўпарасига ўтирди.

— Ёркувондан келгандим... — деди ҳаяжони борган сари ортиб.

Канизалар томонидан эканини билган Мансур дарҳол ўзгарди.

— Келинг, ака. Хўш, хизмат?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Салом-алик, ҳол-аҳвол сўраш илиқ ўтди. Анча ўзига келган меҳмон аста-секин мақсадга кўчди:

— Мансур ака, Мингболаевлардан бўламиз, ота-бобомиз кўрган одамлар, яхшилигингиз ерда қолмайди. Мен, шу, электр тармоғида бошлиқман, вилоятдаги бошлиғимиз ўзгарганидан кейин, сал ўгай бўлиб қолдик, ҳеч сиғдирмаяпти... Шунга, энди, сиз ўзимизники деб...

— Бемалол, бемалол, — деди Мансур, — ҳеч иккиланмай, ишингизни қилаверинг, бошлиғингиз сиз билан яхши муносабатда бўлади...

— Раҳмат, биздан қайтмаса, Худодан қайтсин.

Мансур ёрқувонлик Толиббойни ташқаригача кузатиб қўйди. Меҳмон котиба ёнидан ўтаётиб, унга миннатдорчилик билдиришни унутмади, котиба бош қимирлатаркан, сал қизаргандай бўлди.

Дарҳақиқат, қабулда одам кўп эди. Мансур иложсиз хонага қайтди. Тушга қадар қанча-қанча муаммоларни ҳал қилди. Эҳ, одамлар, одамларнинг хаёлига нелар келмайди, ҳаммаси келиб, пул қилишга, осонлик билан ўз мақсадига эришиш йўлидаги уринишга тақалади. Одамлар қанча бўлса, муаммоси ҳам шунча бўлади. "Буни ҳаёт деб қўйибди" ўйлади Мансур.

Баъзи таклифларга, илтимосларга Мансур аввалига ҳайрон бўлади, кейин иложсиз кўнади. Кўнмаганига қўймайдилар ҳам. Кечасию кундузи уйига кетмай, шу ерда ўтираверадиганларнинг кўплигини айтмайсизми.

Мансур пулларни ўзи олмайди, аслида олгиси ҳам йўқ, олмаганига қўймайдилар, шу боис пулни оладиган гумаштлари бор. Пул деган шундай нарсаки, яхши таомни еяверса, еяверса, одам ёрилиб ўлади, бироқ пул қанча бўлса, ўрни бор. Сарфлаш фақат Зокирнинг кўрсатмасига мувофиқ бўлади. Аслида, пулнинг келишидан кетиши осон, дейдилар. Ҳозирча Мансур учун бу борада жараён кўнглидагидек кечяпти. Зокирнинг амалини ҳам боғлаб қўйган эмас. Бир тери ичида қўй неча озиб, неча семиради. Шу боис ҳам акасининг фикри ўлик мол, яъни кўчмас мулкни кўпайтириш ва буни бошқаларга сездирмаслик. Ўзингга ҳушёр бўл, ўзгани ўғри тутма. Ҳаммаси пухта, бинойидек, керагидан ортиқчаси қилиб қўйилди. Зокирнинг зиёфатида ҳалиги келишган прокурор бир гапни айтганида, Мансур уларнинг ёнида турган эди, ўша гап қулоғига ўрнашиб қолган: "Бу даврда нотўғри йўл билан бойлик тўплаётганлар, ундан ортиқроқ душман ҳам тўплаётганини ўзлари билмайдилар". Қандай ақлли гап. Шунинг учун ҳар бир нарсанинг меъёрини билиш керак. Бунга эса Мансурнинг калласидек калла керак...

Мансур тўйиб нафас олди. Калла ишлатиб яшалса, одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Барибир, ҳамманинг айтганини бажариб бўлмайди. Имкон борича қиласан, йўғининг эса иложи йўқ. Дастлаб бунақанги ишларнинг чекичегараси бўлмади. Кредит олиб беринг... Қурилиш материалларини-ку, қўяверинг: шелухадан комбикорму кепаккача... Олиб беринг... Олиб беринг... Ҳажга юборинг, ўқишга киритиб қўйинг, ишга жойлаб қўйинг... Қараса, ишлар ўта тубанлашиб, пастлашиб боряпти. Ундоқ одамларни ёнидан қувиб солди. Мансур ўзини эҳтиёт қилмоғи лозим. Бир гап эшитган эди. Бир бола эшакда кетаётса, мўйсафид нуроний одам уни тўхтатибди ва жуда чарчаганини, эшакка мингаштириб, бирга олиб кетишини ўтиниб сўрабди. Бир жойга етишгач, нуроний мўйсафид шу ерда қолишини айтибди, эшакдан тушиб, болага қараб: "Раҳмат болам, узоғимни яқин қилдинг, бир сўм берайми ёки дуо қилайми?" деб сўрабди. Бола эса нима дермиш: "Бобо, дуо ҳам қилинг, дуоингиз қуруқ бўлмасин, бир сўмни ҳам беринг" дебди. Бундоқ қараганда, боланинг гапида ҳикмат яширин. Ҳа, унисиниям-бунисиниям олган маъқул. Мансур ёшлигида эшитган буни, тез-тез эслаб туради.

Ҳаёт қонунлари мураккаб, каллани ишлатиб, ўйлаб иш қилиш керак. Акс ҳолда анави синфдош ҳамда курсдошларига ўхшаб, бор қиймати галстук таққани-ю, ўзи икки пуллик одам бўлиб юраверади. Галстук таққан билан обрў ошиб қолаверса-ю, обрўлидан кўпи бўлмасди. Худо берсагина бўласан. Обрўни, амални ҳаракат билан топиб бўлмайди. Мана, Зокир ким бўлиб кетди? Орқа томонларида бир қўшниси бор. Амалдор бўлиш учун қилмаган қилиғи, бормаган нафаси ўткир домласию фолбини қолмади, ҳеч бало бўлгани йўқ. Ҳаммага таъзим қилавериб букилди, катталарнинг орқасидан юравериб, оёқдан қолди, оғриб, ёзда сандалда ўтирибди. Амални ҳам берганга беради... "Кў-ўп файласуф бўлиб кетяпсан" деб қўйди ўзига-ўзи Мансур. Борки ишлари юришиб турган бўлса, у файласуф бўлмай, ким бўлсин? Гоҳо ўзи ҳайрон қолади. Ҳоким уми ёки Зокир? Мансур ундан кам эмас. Соясига салом беришади. "Вой одамлар-ей!"

www.ziyouz.com kutubxonasi

Антиқа-антиқа одамлар, антиқа гаплар... Хуллас, бачкана ишлар билан шуғулланишни бас қилиши керак. Акахоннинг палаги узайиб боряпти, унга ҳам чек қўйиш керак. Ўта нафси ҳакалак отиб кетмасин. Фақат энг катта ва арзигулик ишларни қилиши керак!

Тўй билан бўлиб қурилишилардан ҳам хабар ололмади. Ишлар ишончли қўлларда, ҳарқалай, жойида бўлса керак. Зокир тўйдан ранжимади, бу ҳам асосий масала. Дилором керикнинг Канизага сал кини келди, билинди. Хотин киши дегани шундай бўлади.

Бугун ишларни эртароқ якунлаб, нима қилса экан? Дадаси бетоб. Энди туриб кета олмайди, шекилли. Энг зўр дўхтирлар қараяпти, бир неча бор дўхтирга ётқизилди, марказдан келишиб консилиум қилишди, фойдаси бўлмаяпти. Наби Мусаевичнинг эскича ўқитишларга тобтоқати йўқ. Бир ўтиб, кўриб қўйиши керак. Дадасининг касали Нозиманинг чучварасидан бўлмасин тағин?.. Мансур миясига дафъатан келган бу ўйдан ҳайронланди. Энди, Нозима уни тарк этмай қўйди, қизиғи, кун бўйи такрор-такрор ёдига келаверди. "Ишқилиб, эсон-омон юрибдимикин? Пулсиз қийналмаяптимикин?" Бу ўйи ўзига эриш туюлди. "Тентак Мансур, ажойиб одамсан. Уни эслаганинг, куйганинг — бошқа масала! Тўғри, у ёлғиз, уни бутунлай ташлаб юбориш номарднинг иши. Шу жиҳатдан бир йўқлашинг, кўнглини кўтаришинг зарур!

Бирдан ташвишга тушди. Эр-перга тегиб кетган бўлсачи? Уни топиши шарт. Ўзи қидириб юрадими, ички ишлар бошлиғига телефон қилади. Йўқ, унда ваҳима бўлиб кетади. Акахонни ишга солса-чи? Йўқ, хотини билгудек бўлса, Канизага етказади. Салима қўшни-чи? Йўқ, бирда эмас, бирда Канизага айтиши мумкин. Яна ким бор? Ўзи холосми? Нима бўлса бўлди, деб Нозимани тоғасининг телефон рақамини қидирди. Эски дафтарда экан. Ишлаётибдимикин? Балки ўзининг мактабидадир? Нечанчи мактаб эди? Бориб бўлса ҳам топиши керак. Орқамдан хабар олмадинг деб, эртага хафа бўлиб юрмасин, тағин? Бориб "Мана, айтганингиз бўлди, ўғиллик ҳам бўлдик" дея суюнчилайди. Тўйни эшитганмикин? Тентак, энди нима деб борасан? Ҳозирча юрган йўлингда юриб туравер. Ёпиғлик қозон ёпиғлигича, жим ётган илон инида тура турсин. Ҳамма нарсанинг ўз вақти-соати етади, ўшанда изламасанг ҳам ўзи қошингга келади...

Навбатдаги одам кирди. Ўттиз ёшларни қоралаган бу йигитнинг кўзлари ажойиб, унда қувноқлик, ҳам ғамгинлик зоҳир эди. Мансур унинг ғалати кўзларига анча тикилиб қолди ва ўтиришга таклиф этди.

— Менинг исмим Абдуваҳоб, — дея таништирди у ўзини. — Ўзим қурувчиман. Қадрдонингиз Мутал Соҳибнинг жияни бўламан. Бир иш бошлаган эдим. Тўғриси, аввал машина тузатиб юрдик, укам билан. Кейин уйга буличка цехи қилгандик, ўзингиз биласиз, ҳозирги замонда бир "поддержка" бўлмаса, иш юрмас экан. Шуни ўйлаб-ўйлаб...

— Нега иш юрмайди? — деди Мансур тоқати тоқ бўлаётганини сездириб.

Абдуваҳоб шошилинч жавоб қилди ва муддаога ўтди:

— Даромаддан дарак йўқ...

— Неча киши ишлайсизлар? — сўради Мансур.

— Уч-тўрт...

— Аниғи?

— Бир-иккита ёрдамчи ҳам бор...

— Аввал ҳамма нарсани аниқлаштиринг. Менга қаранг, — туйқус қизиқиш билдирди Мансур, — аниқ ҳисобингиз борми?

— Қанақа?

— Яна қанақа дейсиз-а? Сарф, харажат, фойда дегандек.

— Ҳе, йў-ў-қ.

— Шуларни ҳисобини чиқариб, кейин олдимга келинг, Мутал Соҳибнинг укаси бўлсангиз...

— Жияни, жияни... — деди тили тутилиб Абдуваҳоб ва бир нарсани айтиш керакдай тиралди.

— Тушунмадингизми? — сўради Мансур.

— Тушундим-ку... Нима...

— Гапиринг.

— Шуни кенгайтиришга озгина пул...

— Нима дедим сизга? — гапни чўрт кесди Мансур.

Абдуваҳоб чиқиб кетди.

"Бунақалар сон-саноқсиз... — дилидан ўтказди Мансур. — Одамларга ҳайрон қоласан, ҳисоб юргизишни билмайди, бировга чопади, ланғиллатиб пулни ушлаб турибди, биров бериб қўяқолади худди. Нега фақат бошимни оғритасан, бор ўша Мутал-путал, Соҳиб-Моҳибингга... Бу ёқдан кредит олиб беринг, у ёқдан қарз

www.ziyouz.com kutubxonasi

беринг... Одамларга нима бўлган ўзи?.. Тавба... Яна пул сўрашга ясан-тусан хотинларини киргизганига ўласанми?..

XXXI

Нозима бир дам ҳам ўзини Қодир Алиевичсиз, болаларисиз тасаввур эта олмай қолди. Уникига устма-уст телефон қилар, телефон қуриб кетгур, сассиз, соқов эди. Нозиманинг ғашига тегиб, узоқ-узоқ эринмай "ту-ту"ларди. Ҳар гал рақам терганда Нозима шу сафар унинг "алло" дегани эшитилади, дея юраги хапирқар, яна гўшакни ҳеч ким олмаса, адойи тамом бўладигандай безовталанарди. Шу аснода орадан уч кун ўтди. Комила Нозимани мутлақо тушунмай қолди. У телефон қоққани-қоққан, аммо гўшак ғинг демайди. Аслида уни Мансур шу кўйга солаётганди. Нозима бечора жуфтидан ажраган мусичадай эди, энди эса калхатдай қанот қоқяпти, нима бўлди ўзи? Комила бир неча бор ундан очиқчасига сўради, ҳеч нарса била олмади, охири тинч қўйди. Эртага душанба. Балки мактабга кетаётиб ёзилар. Якшанбада ҳеч қандай янгилик бўлмади, душанба куни ато этган янгилик Нозиманинг бир оғизгина сўзи бўлди: "Ишга бормайман". Энди Комила хавотирга тушди. Чиндан Нозима ёмон нарса юз берадигандай безовта, бесаранжом. Бир кор-ҳол бўлиб ўтирмасин тағин. Шу кунгача бундай эмас эди-ку, унга бир бало бўлган. Кўзлари киртайиб бежо аланглайди, тунлари ухламайди, юзлари сарғайиб, салқи бўлиб кетди. Одамга ўхшаб гапирмайди, Комила унинг дардини олай деса, Нозиманинг мутлақо гаплашгиси йўқ. Комила нима қиларини билмас, ишга кетишга ҳайрон эди. Буни сезган Нозима уни лаққиллатиб, қўярда-қўйма ишга жўнатишга уринди.

— Арзиевна, — деди у, — ҳеч хавотир чекманг, шунча тузингизни ичдим, сизга билдирмай ҳеч иш қилмайман, сўз бераман, ишонаверинг...

Комила ишга жўнади, Нозима телефонга ташланди. Телефон яна ўша аҳвол, бировники бўлмаганда, уни ташқарига отиб юборган бўларди. Бечора Нозиманинг ҳозирги аҳволи ўлими яқин, тушкунликка тушиб қолган одамнинг ҳолатини эслатарди. На юриб, на ўтириб, на туриб тин олмасди. У яна телефонга ёпишди. Ва ниҳоят, телефон гўшагини Қодир Алиевич кўтарди, Нозима хушидан айрилай деди.

— Қодир, Қодир Алиевич, — дея олди холос.

— Алло, алло, — деди гўшак, — алло, ким керак?

— Қодир Алиевич, Қодир Алиевич... — дерди Нозима гўё сувга чўкаётгандай.

— Алло, алло, ман қўшнисиман, у киши йўқ эдилар, қизлари бизникида, ҳадеб телефон жиринглайди, шунга кирган эдим.

Нозима ерга ўтириб қолди ва шошилинч тутила-тутила:

— Қодир... Қодир Алиевич қанилар? — деди.

— Сирдарёга кетганлар, ўша ёққа ишга ўтармиш...

— Қачон келади? Қачон?

— Сиз кимсиз?

Нозима нима дейишни билмай гўшакни қўйди. Нима қилиб қўйдим деди-ю, қўли қалтираб яна рақам тера бошлади. Азбароий шошилганидан телефонни нотўғри териб юбораётганди, гоҳ тера олмай қолаётганди. Яхши телефон чақирди, Нозима нафас ютди, орадан минг йил ўтганга ўхшади. Хайрият, ҳалиги одам шу ерда экан, гўшакни олди ва:

— Алло, — деди бу сафар осойишта.

— Яна мен, — деди Нозима, — Қодир Алиевичнинг бир танишлари. У киши мени излаётган эдилар...

Нозима фикрини жамлай олмасди:

— У киши менга... Йўқ, мен у кишига жуда зарур эдим...

— Исмингиз нима, кечирасиз?

— Нозима...

— У киши Учариқда терговчи бўлиб ишлаётган эдилар, у ердан ҳам бўшатишган экан, иш қидириб Сирдарёга кетгандилар, телефон қилайми?

— Йўқ, йўқ,... Майли...

— Нима деб айтай?

— Тезда келинг, денг... Нозима айтди денг...

Телефон узилди. Нозима титраб-қақшаганча, ҳолсиз, каравотига зўрға етиб олди. Қанча ётди билмади. Эшик очилди. Чўчиб тушди, нақ Қодир Алиевич келди, деб ўйлади. Йўқ, у Комила эди.

— Хавотир бўлиб, дарсларни ташлаб келавердим, — деди у Нозиманинг олдига келаркан. — Тузукмисиз? Сизга нима бўляпти, Нозима? Наҳот менга айтмасангиз?

— Ҳеч нарса, ҳеч хавотир олманг...

— Ойликларни беришди, сизникиниям олдим, мана...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нозима қайрилиб ҳам қарамади, афтидан Комила билан гаплашишни истамаётгандек эди. На илож, Комила индамади, аммо кўнглида қандайдир ўзгариш бўлишини сезди.

Кеч соат тўққизларда телефон тез-тез жиринглай бошлади. Нозима улгурмади, гўшакни Комила кўтарди ва Нозимани чақирди. Нозима гўшакни қалтираётган қўллари билан тутиб турар, фақат "ҳа, ҳа..." дерди, холос. Гўшакни қўйиб, эсанкираб каравотга қайтди. Ортидан кирган Комила унинг тиззаларини қучиб ўтирганини кўрди ва индамай ортига бурилди.

Нозима шу кўйи узоқ ўтирди, узоқ ўйланди. Телефон қоққан Қодир Алиевич эди, у Нозиманинг ҳолаҳволини сўради, неча бор нималар бўлганини, бўлаётганини, нега телефон қилганини, қай қарорга келганини суриштирди. "Сиз касалсиз, шекилли, — деди охири, — ҳозироқ йўлга чиқаман, етиб бораман" деди у. Хўш, келади. Нозима уникига бирга кетадими? Қандай қилиб? Қандоқ боради: Қодир Алиевич билан ҳеч қачон турмуш қуриша олмайди. Бегона эркак билан қандай қилиб яшасин, ахир! Йўқ, йўқ... Қодир Алиевич барча ишини ташлаб, қанот қоқиб келмоқда. У Нозима рози деб келмоқда. Йўқ...йўқ, Нозима ҳеч қандай эркак билан бир гўшангага кира олмайди. Бу мумкин эмас, мутлақо мумкин эмас...

Эркак зотининг энг яхшисини кўрди, жону жаҳоним деди, ишонди, бирга ўлиб бирга кўмиламан деб ўйлади, у-чи, у нима қилди? Мансурдек одам шу ишни қилди. Нозиманинг сира ақли бовар қилмайди. Нозима учун эр, эркак тушунчаси ўлган. Унга ҳеч қандай эр ёки эркак зоти керак эмас. Унда нега уч кундан буён Қодир Алиевични излаб жони ҳалак. Нега? У ахир Сирдарёдан келяпти. Энди Нозима нима қилади? Унга нима дейди? Шунчаки ўзим дейдими? Нима қилиб қўйдинг, Нозима? Бадбахт бу дунёга келмасанг бўлмасмиди? Нима қилиб юрибсан ўзи бу дунёда? Нега ўйламай-нетмай иш қилаверасан? Шунча адашганинг етмайдими?

Воқеалар силсиласидаги янги изтироблар Мансурнинг ўғил кўриб, тўй қилгани аламини нари сурса-да, бир ғурбат комидан қутуламан деб, иккинчи аждарҳо комига тушгани Нозимани икки ўт орасига солиб, тамоман гангитиб қўйди. Сўнги чора – ўлими билан қутилиб қўя қолсачи? У теварак-атрофга аланглади, Комилани

уйда экани ўзини англатиб турарди. Нима қилса бўлади? Нозиманинг бунча маломатларга қолган боши яна қотди. Чўкаётган одам хасга ёпишар деганларидай, Нозима ҳозир ўша хасни қидираётган эди, яъни Қодир Алиевич унга қулоқ тутади, сурбет одам эмас, маданиятли одам, балки Нозимани тушунар...

Комила Нозиманинг кайфиятига мослашиб қолдими, икковлон тунд, ғамга чўмган кўйи бесамар тонг оттирдилар. Тонг саҳарда эшик қўнғироғи чалинди. Остонада қўлида ҳар хил нарсалар кўтарган Қодир Алиевич турарди. У кириши билан уйни иссиқ ноннинг анвойи иси тутди, уйга қанақадир ғалати файз кирди.

— Нонни Марғилондан, шундоққина тандирдан олдим, мана энди чой ичсак бўлади, — деди у Комилага ва шу заҳоти сўради: — Нозима қани, у тузукми, нима бўлди унга?

— Сизга айтмаса, менга ҳеч ёрилмаяпти, — Комиланинг овози эшитилди. Нозиманинг қулоғи шу ёқда эди. Энди шундоқ одамни овора қилиб, узоқ жойдан чақирганига хижолат чекарди, бироқ дилининг қаеридир бироз ёришган, борган сари тетиклашаётганга, ҳар ҳолда ул-бул нарсани истаётганга ўхшарди. Комила хонага тез кирди.

— Нозимка, бўлди қилгин, — деди у. — Қани, ўрнингиздан турворинг-чи!

Нозима туриши кераклигини биларди, турди, уялиб ваннахонага ўтиб кетди. У ёғ-бу ёғини тўғрилаб, сочини тараб, ошхонага кирганда, ошхонада ҳаёт туси уфурарди. Хонадондаги кечаги афгорликдан нишона сезилмасди. Қодир Алиевич ҳамон дастурхон тузаш билан овора, келтирган калла гўшт, нўхат ва бошқа майда-чуйдаларни жой-жойига қўяр, қўлида пичоқ хизмат кўрсатарди. У Нозима билан қўл чўзиб самимий кўришди.

— Ие, — деди у кўришаётиб, — опамизни ким хафа қилди ё оғриб нетиб қолдингизми? Ҳар қандай кулфатни аритиш қўлимиздан келади...

У шундай самимий эдики, беихтиёр Нозиманинг кўнгли кўтарилди. Айниқса, унинг, шундай одамнинг уни деб, бир оғиз телефонига Сирдарёдек жойдан учиб келгани Нозиманинг ўзи билмаган, тушунмаган, тўғрироғи, англаёлмаган қадрини белгиларди. Англолмаса ҳам кўнгли ўсди, яралари бироз малҳамланди, нафис ва нозик қадрини тиклаб олишга кўмак берди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бева аёллар эркак қўлидан чой ичиб, эрк ҳавоси тўла хонада ўтириб, хушчақчақ гаплар эшитиб, меҳр кўришиб ўзларига келдилар, айниқса, Нозима яна ҳаёт исини ҳис қила бошлади. Унда шу қадар ўзгариш содир бўлишига қарамай, Қодир Алиевич билан сўнгги юз беражак гапга тайёргарлик ҳам эш кетмоқда эди, у фақат "йўқ, мен бу ишни қила олмайман" деган тўхтамга келиб бўлган эди. Худди шу қийин нуқтани уларга вақт ҳадя этди. Комила ўз-ўзидан "мен, ҳозир..." деганича уларни холи қолдирди, ортидан ошхона эшигини зичлаб ёпди.

Қодир Алиевич Нозимага қаради, титраб кетган Нозима:

— Йўқ, — деди.

— Мен сизни қўлингизни сўраётганим йўқ, — деди уни дарҳол тушунган Қодир Алиевич. — Нима бўлди, ўзи?

Нозима сал ўзига келди ва аста:

— Ҳеч нарса, — деди.

— Мендан яширманг, Нозима, — астойдил сўзлади Қодир Алиевич, — ахир акангиздай бўлиб қолдим, сизни ҳурмат қиламан, сизни ҳеч кимга койитиб қўймайман...

Қодир Алиевичнинг самимий сўзлари, ҳатто "акангиздай бўп қолдим" дегани Нозиманинг ҳуркак кўнглини тинчлантирди, у энди чап қўли устига қўйилган Қодир Алиевичнинг қўлини ҳам силтаб ташламади, у кутгандай Қодир Алиевич қўлини ўз вақтида тортди. Самимий сўз ва ҳаракат уларни анча яқинлаштирди.

— Сиз нимадандир қийналяпсиз, — деди Қодир Алиевич

— Гоҳида шундай бўп туради, — деди Нозима. — Майли, инсон учун шароит ҳар доим бир хил бўлмайди, — давом этди Қодир Алиевич — телефон қилган чоғингизда балки бир нимани ўйлагансиз, кейин эса қайтгансиз. Бу ҳам табиий, бўлиши мумкин. Қўшним ажойиб инсон, менга телефон қилиб, телефоннинг тинимсиз уч кун жиринглаганини, охири эшикни очиб кириб, сиз билан гаплашганини айтди. Аввало, эслаб, телефон қилганингиз учун раҳмат. Кейин менинг сизга жуда зарурлигимни етказди. Менинг эса бошим осмонга етди ҳамда ташвишландим. Иш билан борган бўлишимга қарамай, у ерда тура олмай қолдим. Мана, ҳамма ишларингиз жойига тушибди, шекилли. Майли, ҳамиша шундай бўлсин. Фақат мен бир гапимда қоламан. Айниқса, ҳозир менга жуда ёрдамингиз керак, мен бу яхшилигингизни ҳеч қачон унутмайман. Ўзим хушчақчақ кўринганим билан ишларим пачава. Уни гапириб сизга оғирлик келтиришнинг ҳожати йўқ. Аёл кишини билмадим-у, эркак киши дод-фарёд қилиб юргандан кўра, вазиятни тўғрилашга уринса, эркак кишига хос иш қилган бўлади. Шунинг учун арзу дод қилишга менинг маънан ҳаққим йўқ. Ҳозирча қўли баланд душманнинг бир куни қўли пасаяди ҳам...

Энди сизга дохил гап. Икки қизча ҳозир қўшникида. Каттаси мактабга боряпти. Қўшнимнинг хотини оқила аёл. Ўша қараб турибти. Опамники узоқ, қизчалар кўнишмаяпти, шароитга мослаша олмаяптилар. Мен Сирдарёга ишга жойлашмоқчиман. Энди бу вилоятда менга ўрин йўқ. Вазият шунақа. Онасиз қизларимга вақтинча бўлса ҳам қараб турсангиз, мендан қайтмаса, Худодан қайтади. Илтимосим шу, эски илтимос. Қўшним сизлардан хабардор бўлиб туради. Балки мен бир йилда бир келарман. Фикрим шундай, режаларимни амалга оширмай, юртимга қайтиб келмайман, майли ҳозирча ҳаромхўрларнинг ошиғи олчи бўлиб турсин. Қизларимни оғир кунларда бошини силаганингиз учун, Худо берса, қўлимдан келса сизга бир умр акалик қиламан, бошқа нима ҳам келарди инсон боласи қўлидан... Сиздан бошқа ҳеч нарса талаб қилмайман, мени тушунинг, илтимос, Нозима. Ҳозир "хўп" десангиз, бошимга тушган катта муаммони ҳал қилган бўласиз, ўзим учун курашишимда мадад бўласиз. Мен эса сизга умр бўйи таъзимда ўтаман.

Нозима индамай ўрнидан турди, ошхонада Қодир Алиевични қолдириб, хонасига кирди, нарсаларини йиғиштира бошлади. Комила тушунди, миқ этмай қараб ўтирди. Нозима унга хижолат боқди-да, нима дейишини билмай туриб қолди, шунда Комила:

— Тўғри қиляпсиз, — деди.

— Сизни ёлғиз қолдириб... — деди Нозима ўпкаси тўлиб.

— Мен ҳам кетавераман, — ҳазиллашди Комила.

Нозиманинг бўғчаси дарров тайёр бўлди. Уни қўлига олди-ю, эшикка бир қадам ташлаб, тўхтади, Комиланинг бўйнига осилиб, йиғлаб юборди. Кўзлари намланган Комила "Мен ҳам бораман" дея юпатди уни. Икков-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лон ошхона эшигини очганда, Қодир Алиевич тик турган ҳолда кутиб турарди. Кийинган Нозимани кўриб кўзлари ялтираб, қувониб кетди.

— Мен синглимни ёлғиз олиб кетмайман, — деди хурсанд, — қани Комилахон тез кийининг-чи!..

Комила кўнмади, Қодир Алиевич эса кўнмаганига қўймади. Учовлон ташқари чиқишганда, ҳушёрланган Чака ғалати қараш қилиб, мунғайиб турарди.

— Буни ҳам оламиз, — деди Қодир Алиевич ва Чакани бўйнига румолчасини боғлаб етаклади.

Тўртовлон Қодир Алиевичникига келишганда, ташқари кираверишга сувлар сепилган, камтаргина ҳовлининг айвонида бир киши уймалашар, ичкаридан унинг аёли бўлса керак, келишимликкина истараси иссиқ аёл "келинглар, келинглар" қилганча чиқиб келди.

— Якшанбада кўчиш яхши дейишади, — деди ўша аёл яна Нозимани гўё танигандай кўришиб.

Меҳмонларни иссиқина шинам хонага олдилар.

— Ерга жой қилиб қўя қолдим, ўзбекча қилиб, — деди қўл-оёғи чаққонгина ҳалиги аёл. Ҳамма якандозларга ўтириб, фотиҳага қўл очишди, яхши истак, дуолар айтилди. Қўшни аёл чаққон дастурхон ёзди, тайёрлаб улгурган нарсаларни бирин-кетин олиб чиқиб, дастурхонга қўя бошлади.

— Келинимиз, қўшнимиз Рисолатхон, — деди Қодир Алиевич уни таништирар экан, — бу киши эса хўжайинлари Расулжон, булар ён қўшни, жон қўшнилар. Дадамиз, ойимизни кўрган одамлар. Рисолатхон сизларни ҳеч қачон зериктирмайди. Энди ёнингиздаги Комилахон Арзиевна, мен бориб юрган мактабнинг ҳурматли ўқитувчиларидан. Бу киши менинг синглим Нозимахон, тарих ўқитувчиси...

Шу пайт ташқаридан уйқусираброқ икки қиз чопиб киришди. Остонада тўхташди, барчага бир-бир қараб чиқишди ва оғизларига бармоқчаларини солиб туриб қолишди.

— Ие, кўришмайсизларми? — деди уларга қўл чўзиб Қодир Алиевич.

Қизчалар уялишиб орқа бурилдилар, кичиги бироздан сўнг дадаси томон юрди. Каттаси тураверди.

— Қани, сиз ҳам келинг-чи, қизим, — деди Қодир Алиевич.

Қизча дадаси олдига келди, кичигидек дадаси қучоғига ўтирмади, дадасининг елкасини тутганча Нозимага тикилди.

— Келинг менга! — деди Нозима қўл узатиб.

Қизча дарҳол кўнди, Нозимага ёпишди-ю, опичлаб олди. Ундан кейин кичиги ҳам ташланди. Ҳамма ғалати бўлиб кетди. Эркаклар дарҳол ташқари чиқа бошладилар.

Қодир Алиевич ўзини тутиб олиб ичкарига қайтганда, иккала қизи Нозиманинг икки томондан қучган, конфет ейишиб, апоқ-чапоқ ўтиришар, аёллар гапга тушишганди. Қодир Алиевич беозоргина "ўтирибсизларми?" дея, ён хонага ўтиб кетди. Уйдалигида унинг изидан қолмайдиган қизчалар бугун тарки одат қилишди. Қодир Алиевич анчагина хотиржам тортди. "Барибир болаларга она керак" ўйлади у ва рўпарада турган ойнали суратни қўлига олди. Бу хотини, болаларининг онаси Ойдинанинг расми эди. Хотиралар оғушида уни артди, авайлаб жойига илди...

Ҳеч гап йўқ эди, бир куни прокурор чақириб:

— Мен сизни оқил ва билимдон юрист сифатида жуда ҳурмат қилар эдим, шу гапни чакки гапирибсиз, энди шўрингизга кул тортасиз, шекилли, — деди.

— Қайси гапни? Тушунмадим, муҳтарам прокурор, — эътироз билдирди Қодир Алиевич.

— Бу вилоят ўзи "катта"лар ичида гап болалайдиган жой экан, — деди прокурор бир пайтлар ўзи тўғрисида ҳам иғво тарқаганига ишора этиб, — мени ҳам келгинди, деб шундай қилишганди, сиз шу юртнинг фарзанди бўлсангиз, эҳ афсус...

— Нима гап ўзи? — токати тоқ бўлди Қодир Алиевичнинг.

— Яқинларингизга "ҳоким бўлсам, жўмракларни бураб қўяман" деган эмишсиз...

— Ё тавба! Буниси қандоқ бўлди? Майли, Ражаб Ниёзметович, ҳечқиси йўқ, гап эгасини топади, айтмоқчиманки, ҳақиқат қарор топади, бу гапнинг миси албатта чиқади... — Қодир Алиевич ўрнидан қўзғолди.

— Йўқ, тўхтанг! Ҳақиқат қарор топгунча, ингичка узилади... Дўстим, — деди бирдан Қодир Алиевич томон энгашиб, оғзини кафти билан беркитганча прокурор, — бир четда туриб турмасангиз бўлмайди, бу "катта" қанотли гапларга ишонадиган одам кўринади. Бундай одам билан ишлаш қийин... Аллақачон масалангиз

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳал бўлган, узоқ туманга жўнашингиз сўралган, яна ким бўлиб, биласизми, оддий терговчи... Мен эса афсусдаман, гали галанда, бир фойдам тегар деб ўйлайман...

Асли хоразмлик Ражаб Ниёзметович қўполроқ, тўпорироқ эса-да, тўғрисўз одам эди. Охирги сўзини у қатиқ изтиробда ва хаяжонда айтди, шу боис ҳам ўзи яшириб юрган шевасига ўтиб кетди.

Ёмон касалга учраб қолиб, икки йил аввал ўтиб кетган хотинининг дарди устига бу чипқон бўлди. Қодир Алиевич узоқ туманлардан бирига йўл олди. Аммо олти ой ўтиб, у ердан ҳам қувилди, яъни бўшатилди. Энди тўрт томони қибла эди. Ражаб Ниёзметовичнинг олдига боришга ҳам ўрин қолмади. Ариза ёзиб бериб, ишдан кетди.

Уйда бекор ётган эди, бир кун уйига Ражаб Ниёзметович ташриф буюрди. Ёз бўлгани учун у пижамада эди, йўловчи машинада келди ва шундай деди:

— Сиз, оғай, маним гапимни олинг-да, бу ердан кетинг...

Қодир Алиевич сарсон-саргардон. Бундай чоғларда яқин дўстлар ҳам юзига дастрўмол ёпинишади, кўриб кўрмасликка олишади. Ҳаёт дегани шу — курашиш керак. Нима қилиб бўлса ҳам марказдаги, вилоятлардаги дўстлар таянчига суяниш керак. Бир бало қилиб, марказга силжиши лозим. Балки институтга, домлалари олдига бориши керакдир? Уни институтда олиб қолишмоқчи эди. Ўзи кўнмаган, ўша ерда дарс бериб туриб, ўсишнинг бир эвини қилар. Ҳозир ана шу ташвишлар, иш ва ҳаётини йўлга қўйиш сўқмоғида изғимоқда эди. Қизчалари елкасида юк бўлиб турганди, улар ишончли одам қўлида бўлмас эканлар, бир дам жон қизалоқларидан кўнгли тинчирмиди. Бугун Худо ишини ўнглади. Бу хайрли ишларнинг ибтидоси, Худо хоҳласа, ғалаба ҳали олдинда...

Кечаси билан машинасида йўл юриб келганигами, ҳозир иссиққина уйда уйқу олаётганди. Аммо уни шундай ширин ўйлар босиб келмоқда эдики, хаёлини уйқудан қизғонарди. Яхшиям, кеча телефонда Расулжонга харажат қилиш, эшикни тозалатиб, тартибга солишни илтимос қилган экан, ҳамма иш жойида, ҳозир Чаканинг катагини тузатсин, уни жойлаб, Расулжон ташқарига қозон осади, кўлбола палов қилади, бу хонадонда хотини ўлгандан буён биринчи бор хурсандчилик куни.

Қодир Алиевич яна "ўтирибсизларми?" деганча ташқари юрди. Қизчалар ҳамон Нозимани қучишиб ўтиришибди. Аёллар роса гапга тушишган. Ташқарида Расулжон қўлини юваётибди.

— Бўлдими? — сўради Қодир Алиевич.

— Эпладик, — деди Расулжон ҳамон қўлини ишқаб ювганча.

Қодир Алиевич Чаканинг катагини бориб кўрди.

— Боплабсиз, миннатдор бўлди у Расулжондан, — ана энди иссиқина ётаверади. Яхши бўпти. Раҳмат, Расулжон, энди ошга уннаб юборамиз. Қозонга ёғ солганда Қуръон ўқишни ёддан чиқармайлик.

Ош роса етилиб, вақтида ейилди. Ундан сўнг аёллар яна алламаҳалгача гаплашиб ўтирдилар. Кечга томон Комила уйга қайтишни билдирди. Нозима ундан қолишни, ҳеч бўлмаса бир кун ётиб кетишини ўтинди, аммо уни кўндириб бўлмади. Қодир Алиевич уни ташлаб келишга отланди. Нозима у билан хайрлашаётганда қизчалар Нозимага маҳкам ёпишиб олишган, уни қўйиб юборишмас, Нозима кичкинасини кўтариб олди, Комилани кўнгли бузилиб зўрға кузатди.

Улар кетишгач, Нозима қизчалар билан ёлғиз қолди. Учовлон дарвоза томондаги итнинг катагини, Чакани томоша қилишди. Чака қорни тўқ, лабини осилтириб олганча, тез-тез нафас олиб, хушёр ётарди.

— Бизи итимиз, — деди кичкина қизалоқ, уларнинг исмини Нозима ўзларидан сўраб билиб олди — Гулноза, каттаси Шаҳноза экан.

Қизчалар Нозимадан сира ажралишмасди. Нозима улар билан ҳовлини томоша қилди. Одмигина ҳовли. Ўртада ҳовузча. Ҳозир қуруқ, хазон босиб қолган. Дарвозанинг кираверишида айвон остида машина учун жой, айвон ойнаванд этиб тўсилган. Уйнинг қиёфасидан одам муқим яшамагани билиниб турарди. Шундай бўлса-да, ҳовли ва уйнинг истараси иссиқ. Болалар совқотиб қолишмасин деб, Нозима уларни ичкари бошлади, шунда кичиги:

— Ая, ая, қўғирчоғим қани? — деди.

Нозиманинг аъзои бадани ёқимли ва сархуш титраб, ғалати бўлиб кетди. Гулноза сира иккиланмай уни "ая" деб атаганди. Нозиманинг хаяжондан бироз ҳоли қуриди ҳам.

— Жон қизим, ҳозир топамиз, — деди у.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу пайт ичкариларни йиғиштириб бўлган Рисолатхон пайдо бўлди.

— Ие, аяжонига инжиқлик қиладими, а, Гули? — деди у.

— Ҳозир қўғирчоғини топамиз, — меҳрибончилик ила бошини силади Нозима.

— Қўғирчоғими, қўғирчоғи бизникида-ю, ҳозир олиб чиқамиз-да, — деди Рисолатхон. — Нозимахон, юринг бизни уйни кўриб чиқасиз.

— Раҳмат, эрта кирарман, фақат ўзингиз тез чиқинг, — деди Нозима ёлғиз қолишни истамай.

Рисолатхон ҳадеганда чиқавермади, бу орада Қодир Алиевич қайтиб келди. Машинани айвон тагига киритди, демак у бугун қолади, ўйлади Нозима, бироқ ортиқча ташвиш чекмади. Қодир Алиевич хонага кириб келаркан:

— Нозима! — дея чақирди.

— Ҳов, — деди Нозима.

— Келинг, мен сизга хоналарни, зарур нарсаларни кўрсатиб қўяй, менинг сафарим ҳар дақиқада қариб қолиши мумкин...

У Нозимага уйнинг хоналари, зарур нарсаларни кўрсатди, ўзининг хонасига олиб кирди, қизчалар ҳам Нозиманинг оёғи остида ўралашар, сира ундан қолишмасди. Нозима иккисининг қўлидан тутиб, етаклаб юрарди. Рисолатхон анча-мунча жойларни қоқиб-силтаб тозалаганига қарамай, хонадон аёлнинг улуғ мулки — қўл парваришига муҳтож, ўзидан таратмиш нур ва саховатдан бир қадар мосуво эди. Кабинетда Қодир Алиевич ўзи учун азиз бўлган анча-мунча нарсаларни кўрсатди, яна авайлаб жойига қўйди. Нозиманинг наздида Қодир Алиевич у билан шу ерда бироз суҳбатлашгиси, айтиши зарур бўлган фикр-мулоҳазаларни билдиргиси бор эди. Бироқ болалар Нозимани тортқилашиб олиб чиқиб кетди, у болалар хонасида узоқ қолиб кетди. Бир вақт Рисолатхон чиқди, қўшилишиб, қизчаларнинг нарсаларини тартибга солишди, Шаҳнозани эрталаб мактабга тайёрлашди, чўмилтиришди, кийим бошларини ҳозирлаб қўйишди. Рисолатхон чиқиб кетишга ҳозирлик кўрганда, вақт алламаҳал бўлиб қолганди.

— Раҳмат сизга, — деди Нозима, — сиз ёрдам бермасангиз, бу ерда ҳали ҳеч нарсани билмайман. Хавотир олманг, мен шу ерда қизларим билан ётаман.

Рисолатхон хайр-хўшлашиб, чиқиб кетди. Нозимани қайта ҳеч ким безовта қилмади.

XXXII

Қизчалар тез ухлаб қолишди, улар қанчалар Нозимадан кўнгил уза олмай тикилишмасин, кўзлари юмила-юмила охири тиниб қолдилар. Бирам ширин ётишардики, Нозима илк бор маъсум гўдак тароватини туйди, сиқилиб-тиқилиблар кетган юраги ёзилди, секин пишиллаш ила ором олаётган болаларга шунақанги меҳри товландики, кўзига сира уйқу қўнмади. Уларни уйғотиб юбормаслик учун ечинмади, ўрнидан қимирламади ҳам. Фақат тонгга яқин кўзи илинди, шунда бироз пинакка кетибди. Уйғонганида тонг отган, ташқаридаги ҳаёт ҳаракатга келган эди. У оҳиста Шаҳнозани уйғотди. Бир-икки кўз очиб-юмган қизча уйқусираб унга анча тикилиб турди, кейин қўлларини узатиб, талпинди. "Қизалоғим, Шаҳнозойим" дея эркалатганча боши ва орқаларини силаб ётди. Шаҳноза унинг бўйнидан маҳкам қучиб олган эди. Бир вақт, барибир туришини сезган болакай:

— Аяжон, мактабга бормай, сиз билан ўтираман... — деди.

— Ойим қизим, асал қизим, — уни яна эркалатди Нозима, — мактабга бормаса, баҳоси икки бўп қолади, кейин дадаси иккимизни уришадилар...

— Урушмайдилар, жон аяжон, бир кун, холос...

Нозима мундоқ қараса, Шаҳнозанинг лаблари учяпти, йиғлаб юборишга сал қолган.

— Майли, майли, асали, фақат бугун бормайди, а? Эртага ўзи мактабга чопади, шундайми? — деди.

Шаҳноза Нозимани маҳкам қучоқлаганча қўйиб юбормади. Улар анчагина шу ҳолатда ётдилар. Сўнгра Нозима ташқари чиқди. "Ташқарини эшиги очиқ қолган экан-да" ўйлади у ва шунда у беихтиёр машина турган айвонга қаради. Машина йўқ эди. Эгни юпқа бўлгани учун эти жунжикди, тез ўзини ичкари олди, оҳиста бориб, Қодир Алиевичнинг кабинети эшигини очди. Ҳеч ким йўқлигини билгач, ичкари кирди, дарҳақиқат, Қодир Алиевич жойида йўқ эди. Аста ётоқхонага мўралади, ҳеч ким йўқ. Демак, Қодир Алиевич қаёққадир кетибди.

Болаларнинг хонасидан йиғи эшитилди. "Гулноза уй-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғонди" ўйлади Нозима ва унинг ёнига шошилди. Болалар билан яна анча ётишга тўғри келди. Сўнг уларни турғазиб, қоринларини тўқлади, ўзи ҳам нонушта қилди. Энди олдида мактабга бориш муаммоси турарди. Бугун душанба, уч соат дарси бор. Бу ҳақда ўйларди-ю, аммо дилида бормайман дерди. Айниқса, Башоратни кўргиси йўқ. Шундоқ ёмон кўриб қолдики, шу хотинни. Хуллас, бормасликка қарор қилди. Бироқ бутунлай эмас, фақат бугун бормайди, аввал бу ерга сал мослашсин, бундан ташқари Гулноза бор, у нима қилади, у ким билан қолади, буни ҳал этиш керак. Рисолатхон билан қолса керакда... Рисолатхон ишлармикин? Шуни сўрамабди. Ҳали билади. У ҳам хабар олиб чиқса керак...

Худди айтгандай, бир вақт Рисолатхон чиқди.

— Ширгурунч қилган эдим, озгина олиб чиқдим... — деди у кўп ва хўп мулозамат билан.

— Овора бўлиб... — деди Нозима.

— Ovораси борми? Ҳа, айтгандай, Қодир ака саҳар жўнаб кетибдилар. Сизларни безовта қилишмабди. Хўжайин айтдилар...

Нозима индамади. Янги қўшнилар анча лаққиллаб ўтиришди. Гап орасида Рисолатхон хўжайини билан хабардор бўлиб туришларини, харажат-паражатдан Расул акаси хабар олишини, Нозиманинг ҳеч ташвиш чекмаслигини эслатиб ўтди. Кейин яқин атроф қўшниларни таништирди, ажойиб яхши қўшнилари борлигидан мақтанди.

— Зўр жойга келдингиз, Нозима опа, — у атай ҳурмат учун "опалар"ди, аслида Нозимадан унчалик ёш эмасди. Ҳали ишдан келишиб, қўшнилар йўқлаб киришади, энди ман ҳам турай... — ташрифини якунлади охири у.

— Вой ўтирибсиз-да... — деди Нозима ўрнидан қўзғоларкан, Рисолатхонни ташқарига кузатиб қуйди.

У қаёққа юрса, қизлар унга эргашарди.

— Бечоралар она меҳрига тўймади-да... — Рисолатхоннинг бироз кўзи ёшланди.

— Менинг қизларим-да булар, — юрак-юракдан айтди Нозима.

У енгини шимариб ишга киришди, уй кўтарди. Тозалаш ва тартибга солишни кабинетдан бошлади. У ерда кўп ўзгариш қилмади, фақат ҳар бир нарсани — китобдан тортиб майда-чуйдагача артиб чиқди, ўрни-ўрнига

қўйди. Китобларни рангига қараб чиройли қилиб терди. Кабинетни шундай қулай ва шинам ҳолга келтирдики, анчагача ўзи чиққиси келмай ўтирди. Кабинетнинг ёни ётоқхона эди, негадир унга киргиси келмади, майли, кейинроқ йиғиштирар, балки у ерни йиғиштиришнинг ҳожати ҳам йўқдир. Катта уй — меҳмонхонани тубдан ўзгартирди, мебел-жиҳозларнинг ўрнини алмаштирди, ўзи хоҳлагандай жойлаштирди. Бир пайт ҳайрон бўлди, нега у хоналарни ўз уйидек, умрбод шу ерда қоладигандек ўз дидига мосламоқда, нима бу ерда яшаб қолмоқчими? Ёки Қодир акага... Илгари бу фикрдан чўчиб тушарди, ҳозир у аҳамиятсиз бўлиб қолганга ўхшарди. "Э-э!" дедида, келажак, бўлиб-бўлмайдиган номаълум ишларга бош қотиришга бало борми, дегандай машғулотида давом этди. Катта уйни тартибга солиб бўларкан, чарчаганини ва очиққанини ҳис этди. Қизчалар қаёқда қолди? Оёғи остида ўралашиб, охири зерикишди чоғи, йўқолиб қолишди. Нозима уларнинг хоналарига кирганда, кичиги ухлар, каттаси эса дадасининг кабинетидан топилган расмли китобни варақлаб, оёғини ўйнатиб ётарди.

— Аё, — деди у, — мана бу айиқни боласини қаранг.

— Қани, қани? Вой-бу, зўр-ку... — деди Нозима ва тез тушлик ҳозирлагани чиқиб кетди. Кичкинани ҳам уйғотишиб, овқатланишди, учовлон ачом қилиб дам олдилар. Нозиманинг кўзи илинибди, қанча ухлади билмади, ухлаётган қизларини ёнидан сидирилиб турди-да, қолган ишларга уннаш учун ҳозирланди. Хуллас, бугун ичкарини кўнглидагидек қилиб олиши керак. Ҳовлида ҳам унга ёқмайдиган ҳолат мавжуд, уни эртанги кунга қолдиради.

Кеч кирди, бугун уни ҳеч ким безовта этмади, Рисолатхон айтганидек, ҳамсоя аёллар киришмади, чарчаган Нозима қизларини тез ётқизди, ўзи ҳам дам олишга ётди. Иккинчи оқшом, мана Нозима бошқа жойда. Қиз бола деган чиндан-да палахмон тоши. Киприкларига ўйқу элас-элас қўнаётган эса-да, хаёл қурғур шу онларда фикрланиши лозим бўлган хулоса ва мулоҳазалардан қутила олмасди, юмилган кўзлари яна очилиб кетаётганди. Пешона деганлари шу бўлса керак-да, бир йил аввал Мансур билан шўх-шодон яшаётган Нозиманинг бу кунлар, бу жойлар етти ухлаб тушига кирмаган эди. Дунёнинг ишлари шунақа қизиқ... Турли томонга сотилиб кетаверасан...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эртаси куни яна ўз ташвишлари ила кечди. Эрталаб Шаҳнозани мактабга жўнатди. Нозима ўзи яна ишга боргиси келмади. Рисолатхонга бу ҳақда гапирган эди: "ўтиринг энди, бу қизларга қараб, мактабда нима қиласиз" деди. Аллақачон қиш ҳавоси бўлишига қарамай, қуёш юз кўрсатиб турар, совуқ билан иссиқ гўё бекинмачоқ ўйнаётгандай ҳаво на совуқ, на илиқ, бироқ қишнинг узундан-узоқ беҳаловат кунларида илиқлик ташна дилларга хушҳоллик солаётганди. Нозима қиш кунларида камдан-кам очиқ ва беғубор осмонга — улкан мовий қозонга тикилиб, тўла-тўла нафас олди, дили яйради. Бир пайт кўзи четда турган супургига тушди-ю, дарҳол ишга киришиб кетди. Кечгача супуриб, сидириб, ҳовлини тозалади, тартибга солди. Ҳовли энди чинакам одам яшаётган маскан тусига кирди. Шаҳноза мактабдан келиб, гўё ойижонисига ёрдам бераётгандай атрофида пийпаланиб юрди. Нозима уни кўпроқ укасига қарашга мажбур этди. Эндигина ҳовли юмушларини тугаллаб турган ҳам эдики, дастурхонча кўтариб, қўшни аёллардан бўлса керак, тўлагина аёл кириб келди ва қуюқ сўрашди.

— Вой, қўшнижон-ей, кечадан бери кираман дейман, ташвишлар ўлсин — деди у, дастурхонини Нозимага тутқазиб.

— Келинг, келинг, — деди Нозима қўлини қоқиб, дастурхонни ушларкан, шу заҳоти меҳмонни ичкарига бошлаб кирди. Энди ўтқазиб, дастурхон ёзган ҳам эдики, худди келишиб олишгандай яна учта аёл кириб келишди. Зумда уй аёллар вақур-вуқурига тўлди. Улар ён қўшнилар бўлиб, ҳар бири кечадан буён кира олмаётганидан ўкинишар, бир Нозимага, бир тартибли жиҳозларга тикилишарди. Ҳар ким ўз ҳолича алланималар олиб киришганди. Нозима чой қўйиб юборди, дарҳол қозонга уннади. Қўшнилар уни қайтаришиб, фақат гаплашиб ўтиришга, танишишга чиққанларини, Нозиманинг уринмаслигини илтимос қилишарди. Нозима барибир кўнмади, қозонга ёғ қуйди.

Ҳеч қанча вақт ўтмай, Нозимага шу англашилдики, бу ердаги қўшнилар бутунлай бошқача, соддадил, меҳрибон, ширинсухан, энг асосийси, оддий аёллар эди. Улар самимий сўзлашар, Нозиманинг етим қизларга она бўлиб келганидан қувонишар, Қодир Алиевич, унинг ота-онаси, хешу ақраболари тўғрисида билганларича яхши

сўз айтишар, бири қолиб, иккинчиси гапни гапга улаб кетарди. Навбат охири Нозима кутган Қодир Алиевичнинг марҳум хотинига тақалди:

— Шундоққина Худо раҳмати хотин эди, раҳматли. Шўринг қургур, — дея чўчиб-чўчиб гап бошлаб берди Каромат ая. — Овозини баландлатиш, бировга тик қараш мутлақо ёт эди, раҳматликкина...

— Қўйнинг оғзидан чўп олмасди... — илиб кетди Холниса деганлари.

— Камтар инсон эди... — ўйланиброқ ғамгин гапирди Тўтихон опа, афтидан ўқитувчи бўлса керак, — болаларини кўзи қиймай кетди, шўрлик...

— Ёш эди-да, ёш...

— Одамнинг жону дили эди...

— Нимасини айтасиз, а?..

— Қодир Алиевичга ярашган хотин эди, эрим прокурор, деган эмас...

Сўнгги гап Нозимага ўнғайсиз бўлди, деб ўйлашди чоғи, Тўтихон гапни бурди:

— Қодир Алиевич ўзи бу масалада Худо деган... Нозимахонни қаранглар.

— Эркак, қуриб кетгурлар, чиройга ўчда ўзи... — ҳаммага бир-бир қараб ишва билан деди семизгина Холисхон.

— Сизники шунинг учун бошиздан сув айлантириб ичаркан-да, — истеҳзоли кулди Тўтихон.

Холисхон хафа лаб бурди.

— Ўлинглар, тағин уришиб ҳам кетманглар, — уларни ажратди гўё ўқитувчи ҳушёр.

Қўшнилар вақир-вуқур гап қайнашаркан, Нозима жон қулоғи билан уларни эшитиб турар, оғзиларидан бол томиб сифатлашаётган Қодир Алиевичга ўзини чиндан ҳам дахлдор сезар, кўнгли кўтаринки кайфият ишфо этар, кечагина тегирмон тошидек эзғилаб турган ғаму андуҳлар тумандек тарқаб кетганга ўхшарди. Шунда бирдан у аслига қайтди, қўрқиб кетгандек сесканди, "йўқ-йўқ" деди ўзига-ўзи ва шу заҳоти сўз қотди:

— Вой, қўшнилар, а, сизлар билан қўшни бўлиш қандай яхши, аммо мен бу ерда вақтинча Қодир Алиевичнинг илтимосига кўра қизчаларига қараб туришга келдим. Вазифам шунақа...

— Во-ой, яширмай қўя қолинг, Қодиржон ака энди

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўйвориб бўпти, чучварани хом санабсиз, — шартта кесди Тўтихон.

— Қодиржон ака никоҳ ўқитмадими ҳали? — кўзларини катта-катта очди бақалоқ Холисхон.

— Вой шўў-рим, — деди яна бир қўшни.

— Қизиқсизлар, а, — овозини баралла қўйди ўқитувчи, — ош дамламай никоҳ ўқитадими? Ҳали катта ошини еймиз...

Суҳбат алламаҳалгача давом этди. Аячалари ёнида уймалашган қизчаларни ҳар бир қўшни ўзича эркалатди. Баъзилари кўзларига ёш олдилар. Рисолатхон чиқди. Ош ейилди, қўшнилар бирин-кетин тарқалдилар. Улар шунчаки чиқиб кетмадилар, Нозима улардан маҳалла-кўй, бу ернинг одамлари, айниқса, Қодир Алиевич, унинг марҳума хотини, қариндош уруғлари, қўни-қўшнилар ҳақида талайгина маълумотлар олди. Маҳаллани "Лабкўл" маҳалла дейишаркан, асосан оддий меҳнаткаш одамлар яшар экан. Бугунги ташриф буюрган аёлларга қараганда, оқибатли маҳалла экани сезилиб турарди. Чиндан Нозима илгари яшаган маҳаллада — ҳар бир улкан темир дарвозаси чиппа берк, ҳашаматли, йирик, баланд уйлар, қўни-қўшничилик у ёқда турсин, йиллаб бир-бириникига калла суқмайдиган саодатманд одамлар яшовчи "Боймаҳалла"дан фарқи катта эди. Йўқ, Нозима "Боймаҳалла"ни ёмонлаётгани йўқ, у ердан қувилгани, қаёқда қувилади, ўзи кетди-ку, кетгани учун ёмон кўраётгани йўқ, фақат икки маҳалланинг фарқини ўйлаяпти. Яна ким билади...

Бугунги учрашувдан яна бир топган янгилиги қайнотаси Наби Мусаевичнинг уйи бу ерга яқин экан. Қайнотасиникига келиб кетаверган экан-у, бу ерларга йўли тушмаган. Эрта-пертага қайнотасини йўқлашни ўйлади. Ўйлади-ю, баданига титроқ кирди. Борса, нима гаплар эшитаркин? Бироқ анави Мансур шу ерда бўлса-чи? Бирдан Нозиманинг юраги гуппиллай бошлади. Барибир, бориши керак...

Шунда у қизчаларни ётқизгани чоғланди. Ётқизди ҳамки, болалар ширингина ухлаб қолдилар. Аммо Нозиманинг кайфияти ҳеч ўнгланмади. Охирги ўйи уни ҳамон эзаётганди. Мансур... Мансур... Нималар қилиб қуйдинг Мансур?.. Кўзлари жиққа ёшга тўлди. Шу иккала қизалоқни ҳам аёл киши туққан. Ит ҳам туғади. Дунёга

келмай ўлгур Нозимага шу насиб этмади-я! Яна туғилганига лаънатлар ўқий бошлади. Қизларнинг ёнида ёнбошлаб ётган жойидан беихтиёр туриб кетди. Ҳозир нима қилишини мутлақо билмасди, бу дунёга сиғмасди. Қандай қилиб Қодир Алиевичнинг кабинети эшигига бориб қолганини билмади. Нима қилмоқ-чи? Бирон та китоб ўқисинмикин? Бу ҳам юрагига сиғмади, ортига қайтди. Телефон жиринглади, бориб гўшакни олди. Қодир Алиевичнинг овозини дарҳол таниди. Қодир Алиевич дарҳол ҳол-аҳвол сўради, индамай жўнаб кетганига узр айтди.

— Нозимахон — деди у, — нега кайфиятингиз чатоқ, нима, бирон таси?..

— Йўқ, йўқ, ҳеч нарса бўлгани йўқ.

— Тўғрисини айтинг, нима қилди?

— Ҳеч нарса, ишонаверинг, ҳаммаси яхши. Қизчалар яхши, ўйнаб-қувнаб юришибди.

— Раҳмат сизга, мендан қайтмаса, Худодан қайтсин.

— Ҳеч ташвиш қилманг... Ишларингиз яхшими?

— Сизнинг фикрингиз ўзгариб қолмаса бўлгани. Мен барибир мақсадимга етаман. Бу ерда ҳам ишим юришмай турибди. Тошкентга бораман чоғи... Фақат илтимос, қизларимизни сизга, сизни Худога топширдим...

Қодир Алиевичнинг руҳи тушкун экани шундоқгина овозидан билиниб турарди. Гўшакдан ўта маҳзун, умидсизланган овоз эшитиларди.

— Нозима, — бирдан овоз кескин ўзгарди, — Нозима, — деди у яна, — ҳар эҳтимолга қарши столим тортмасида озгина пул қолдирганман, озгина холос. Расулжонга тайинлаганман, ҳозирча сизлардан хабар олиб туради, у билан келишганмиз, кейин ўзим рози қиламан. Тортмадаги пул ҳар эҳтимолга қарши... Ҳали пулимиз ҳам кўпайиб қолар... — овоз анча жимиб қолди, Нозима нима дейишини билмасди.

Қодир Алиевич яна давом этди:

— Нозима... ҳали-бери бора олмасам керак... Сизга раҳмат... — гўшак "ту-ту"лаб қолди.

— Бечора, — деди Нозима ва яна кўзига ёш келди. — Ишлаб туришим керак, эртагаёқ ишга чиқаман.

"Бу дунё ўзи шу экан... — ўйлади у телефон ёнида тош қотганча. — Нега бундай? Ҳамма ҳам шундаймикин? Ёки фақат ўзи-ю, Қодир Алиевич иккови қарғиш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га қолганмикин? Учратган одамини қара, бу ҳам бир иши юришмаган нотавон... Нозима ўз уйига бегона, қочқин... Қодир Алиевич ишидан кетган, қизчалари етим. Нозима бева. Бу бозор дунёда омадсиз, бахтсиз одамлар учрашар экан-да... Ўзининг-ку, фожеаси аниқ — мевасиз таёқ. Қодир Алиевич нега бу ҳолга тушган? Қўшниларнинг гапи, прокурор чоғидаги мактабга бориб юришлари қаёқда-ю, бирпасда бу аҳволга тушиб турса... Иккаламиз ҳам Худо олдида гуноҳкор бўлсак керакки, шундаймиз. Менинг ўрнимни, суюкли иссиқ кўрпамни, энг яқин одамимни..."

Ўй-хаёли шу ерга етганда ўксик кўнгли гумириб кетди: "Мен етимчанинг Мансурдан бошқа яқиним, суянчиғим бор бўлса экан?!" деган сўзлар томоғидан фиғон янглиғ отилиб чиқди ва ўкирикка айланди. Иккала қўли билан тўғри келган нарсани уриб додларди у. Мундоқ қараса, узала тушганча полда ётиб, наматни ураётган экан. Хиққиллаганича ёш ювган юзларини билакларига қўйди ва чуқур хўрсинди. Шу кўйи ётаверди, хаёл деган азалий неъмат эса ўкирик сабаб узилган фикрларнинг интиҳосини излаётганди: "Бир қишлоқи, санқи, бозорчи, фақат битта шапалоқни туғиб берган учун Мансурнинг, ўша ер ютгур, отабезори, Нозимани билмай кўргина бўлгур, итвачча ўша искиртнинг оёғини ўпиб, бошига кўтариб юрса... Мен-ку, мен бир осий банда бўлай, Қодир Алиевични нега Худо урди? Шундай одамни-я! Душманлари ишдан кетказибди, ишдан кетган одам битта у эмас-ку, ахир. Хотини ўлибди, хотини ўлган битта у эмас-ку, ахир!"

Нозима анча вақт карахт бўлиб қолди. Буни ўзи сезди, яна ақли бу дунёга қайтганда, шуурида Қодир Алиевичнинг сўзлари такрорланди. У уч марта "Нозима" деди, ғалати қилиб айтди, илгари доимо "Нозимахон" derди. Чиндан ғалати қилиб айтди. Кейин "пулимиз" деди... Нега пулимиз? Майли, деса дегандир. Аммо... Шартта унга тегиб олса-чи? Номард Мансур бошқани индамай хотин қилиб олди-ю... Йўқ, у одам эмас. Нозима ундай қила олмайди. Эр деган шу бўлса, энди эрни елкасини чуқури кўрсин.

У аъзои бадани зирқираб оғриб, ўрнидан турди ва қизчалар томон юрди. Ўрнига кириб хўрсина-хўрсина анча фурсат ухлай олмай ётди. Кундузги чарчоқ ўз ишини қилди, ухлаб қолди. Алақ-чалақ тушлар кўриб, чўчиб ухлади, хаёлида тез тонг отгандай бўлди. Уйғонганда таъби тирриқ, руҳи сўниқ эди. Тушларини хаёллаб, анчагина ётди. Тушида ер шарининг чўққисида якка ёлғиз ўзи турганмиш, қимирласа оёғи остидаги замин қалқийди-ю, тубсиз жарликка қулаб кетармиш. Жаҳаннамда жизғанак ёнаётган онаси кўринибди, бутунлай абгор эмиш, яллиғланаётган олов тилида қовурилаётганмиш, танаси ёғ бўлиб эриб оқаётганмиш. Энди узоқроқда Қодир Алиевич бино бўлибди. Эски, жулдур кийимда эмиш, ёнгинасида ясатиғлиқ, тилло эгар жабдуғда от турганмиш, унга минаман деса, мина олмаётганмиш. Нозимага қарамасмиш. Охири Нозимага бир қарабди, Нозима қаёққа деса, қовоқ тумшуғуни осилтириб: "Шу отни миниб олсам, хотинимни топаман" дермиш. Овози олис-олисдан эшитилаётганмиш. Худди шундай отда Мансур келганмиш, Нозимага яқин келиб, афтини буриштириб ўтиб кетганмиш. Зарбоф тўнлар кийганмиш, қўлидаги қамчиси ялтирармиш. Отининг туёқлари тиллоданмиш...

"Аёл кишининг туши тескари келади" — ўзини-ўзи овутди Нозима ва анча вақт пишиллаб ухлаётган қизчаларга термулиб ётди. "Ҳали булар ҳам катта бўлар, дўзахнинг қайси ўтлари уларни кутиб турибди экан, илойим уларни Худо асрасин, пешонасини очсин, бечоралар узилиб тушган этларидан жудо бўлганлари етар..."

Нозима инқиллаб-синқиллаб ўрнидан турди, каравот четида кафтлари билан юзини беркитганча анча ўтирди. Қизларни уйғотди, ювинтириб кийинтирди, овқатлантирди. Ўзининг туз тотгуси йўқ эди. Чаканинг овқатини берди. Кийиниб, таранаётиб, салқи кўз қопларига бефарқ тикилди, китоб-дафтарлари солинган сумкасини олди. Катмончасида юз сўмгина пул турарди. Ноилож Қодир Алиевичнинг столи тортмасини ковлаштирди, қоғозлар орасидаги пулни олиб санади, беш минг сўм пул. Минг сўмини катмончасига солди, қизчаларни етаклаб, эшикни беркитди, дарвозани қулфлади, Рисолатхонни чақириб Гулнозани қолдирди, у йиғлади. Рисолатхон уни олиб кириб кетгач, Шаҳнозани олиб бекатга жўнади. Кўчада машиналар қатнаётганди, "Дамас"лардан кўпи йўқ. Улар кўринган одамга тақалиб тўхташар, эшигини очардилар. Йўналишларни яхши билмаган Нозима адаша-адаша, йўлда Шаҳнозани мактабда қолди-

www.ziyouz.com kutubxonasi

риб, ишга етиб келди. Индамай синфи томон юрди. Синфида бошқа ўқитувчи аёл ўтирар, алланималар ёзаётганди. Бу аёлни у кўриб юрарди-ю, исми шарифини билмасди.

— Э-э, келинг, Нозимахон, келдингизми, нима бўлди, мазангиз қочдими? — деди у салом-хушлашиб.

— Ҳа, шунақа бўп қолди, — деди Нозима.

— Устоз, завучга учрар экансиз, — деди аёл ва яна ўз ишига тутинди.

Бироз серрайиб тургач, Нозима ўқув ишлари бўйича мудир аёл ёнига кетди.

Бир елкаси туртиброқ чиққан, бўйи пастак, кўримсизгина бу аёл Нозимани совуқ қабул қилди.

— Дарсга қўя олмайман, бугун директор бўлмайди, эртага хабар олинг, — деди у Нозимага, сўнг ташқарида кутиб турган ўқитувчига: — Киринг! — деди.

Нозиманинг тани музлагандай бўлди, пешонасини совуқ тер қоплади. Тентираб ташқари чиқди. Ўқувчилар, улар орасида устозлар, мактаб эшиги томон оқиб келмоқда эдилар. Нозима ўзини тез четга олди, назарида ҳамма уни уят қилаётганга ўхшарди. Чаққон юриб, Комила Арзиевнанинг синфи томон чекинди. Синфдан берироқ, деразадан ташқари боққанча уни кутиб турди. Комила Арзиевна узоқ куттирмади. "Вой Нозимка" деганча қучоқ очиб келди.

— Келдингизми, бормисиз? — деди у ва шу заҳоти ўпкалади. — Ты что Назимка, меня забыла совсем, да?

Нозима имо-ишора ифшо этарди-ю, тили калимага келмасди. Комила Арзиевна унга қўлини арра-арра қилиб:

— Ну смотри, — деди, — Қодир Алиевични деб...

— Ҳечам-да.

— Нозима, завуч дарсга қўймадими? — сўради Комила Арзиевна худди хабари бордай.

Нозима унга тикилиб қолди.

— Қўймадими? — яна сўради Арзиевна.

— Қўймади, — жавоб қилди Нозима.

— Билгандим, — фикр юритди Арзиевна, — қўймайди конечно, кўнглини топишинг керак...

— Майли бир гап бўлар, — деди Нозима. — Ўзингиз қалайсиз?

— Яхши, ўлмагудек.

— Айтмоқчи, Қодир Алиевич қалай? Хурсандмисан? — Шундай деди-ю, Нозиманинг белидан ушлаб қиқирлаб кулди.

— Қўйсангиз-чи, — деди Нозима, — уни сиз билан кўрганимча кўрганим йўқ...

— Йўғ-э!

Нозима бош ирғади. Қўнғироқ чалинди. Улар анчагача гаплашдилар. Синф тўполон қиларди. Бир вақт узоқдан букри аёл пайдо бўлди. Ажрашдилар, Арзиевна синфига, Нозима коридорнинг охирига йўл олди.

Нозима иложсиз уйга қайтди. Мактабдан чиқиб кетгунча, ишқилиб, эски қўшним Башорат-ҳашорат учраб қолмасин, дея у ёқ-бу ёққа аланглаб кетди. "Менга нима бўляпти ўзи, — яна ўйланди у, — ҳеч кимни ёмон кўрмас эдим..."

Йўлда бораётиб, яна йўналишларда адашди, эрталабкидан кўпроқ адашди. Мана энди қисматнинг кажлиги бутун борлиғи билан аён бўлди. Мактаб ҳам ўлди. Энди ҳар сўзлашганда, минг марта раҳмат айтаётган Қодир Алиевичнинг хонадонига суянишдан бошқа илож қолмади. Майли, бошга тушганини кўз тортади... Ана шундай ўйлар билан тақдирга тан берган Нозима энди дарвозани очиб кирганча, уй эшигини очаётган ҳам эди-ки, қаёқдан бино бўлди, халталар кўтарган лўли аёл овоз берди. Пешанаси танғилган, мункайган қорамўнди лўли хотин ортидан тез етиб келди-да, Нозиманинг чарм плаши пешига игна урди ва валдирай кетди:

— Ҳай айланайин, ўргилайин дерман-а, бўйу бастингизни садоғаси кетойин, бойгина, сойгина чўнтогингизга етойин. Аламдан қилдим, чаламдан қилдим. Бувомдан сўродим, кувомдан сўродим. Ойни ой дедим, кунни кун дедим, эгачимнинг барини кўрдим, хўжасининг нарини кўрдим. Очдим сочдим, сирини очдим. Бахтингизни кўройми, тахтингизни кўройми? Бойлик, бадавлатлик эшик қоқиб турибди, паризотгина қиз қошин қоқиб турибди. Вой эгачи бекам-ей, зурриётсизгина экансиз, этак-этак болалар эшик очиб турибди. Эрингиз бўлоди, еганингиз ош бўлоди, душманингиз қош бўлоди, дўстингиз Шош бўлоди. Ёмонлиқ кўрманг, ҳайдаб-да, солманг. Берганингизга очдим, бермасингиздан қочдим... Вой до-о-од! Игналар занг урибди, илму амаллар чанг урибди. Ҳаммасини суғирдим, амалини буюрдим... Топганингиз тилло бўлсин, дилингизда илло бўлсин, омин...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нозиманинг негадир кўнгли тўлди, катмончасини очиб, майдалаган пулини борича бериб юборганини ўзи билмай қолди, хаёлидан эса: "Ҳеч бўлмаса, шу лўли яхши гап айтди-ю" деган фикр ўтди.

XXXIII

Бунча бойлик, бунча ҳурмат, бундайин тақдир Канизанинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди. Дунё бир айланса, гадонинг шоҳ бўлиши ҳеч гап эмас экан. Канизанинг кўп ўйланиб, мулоҳаза юритишга тоқати йўқ. Шундай эса-да, қисматига битилган икки хил тақдир, атрофтеварагида юз бераётган воқеа-ҳодисалар хоҳласа-хоҳламаса мушоҳада этишга мажбур этаётганди. Баъзи нарсаларга ўзи ҳам ишонгиси келмайди. Мана, иккинчи йил кетяпти, ҳаётида шунча ўзгаришлар...

Москвани кўриб келди, вилоят йигитларининг сардори, гапи гап, кўланкаси майдон одамнинг севимли хотинига айланди. Қўчқордек ўғил туғиб бергандан кейин Мансур акаси уни қўйгани жой топа олмайди, кўнглини олиш учун неки бўлса тайёр. Бир оғиз нордон гапи йўқ: "Канизахон, Канизахон". Битмаган елвизакли уй, Самад турқи совуқдан қутулди, у қамалиб кетди. Ўша битмаган уйи ўрнига Мансур акаси ҳашаматли сарой тиклаб қўйди. Қайнонаси Хосият пучуқ, трактор солиниб, уй бузилган кун, додала-дод деб ўзини таппа ерга ташлаган бўлса, уй битгандан сўнг ҳеч кимга гап бермай юрибди. Майли, шод бўлса, умрида шунга шод бўлгандир. Канизага энди у уй керак эмас, Мансур акасининг сўзларига қараганда, Каниза бўлмаса, ҳаёт унинг учун қоронғи. Демак, ҳамиша у Канизани дейди, уни ҳеч қачон қувиб солмайди. Анави хотини дом-даракси йўқолиб кетди. Мансур акаси иккови ундан қутулишди. Мансур акаси фақат итига ачинади. "Чаканинг йўқолгани ёмон бўлди" дейди. Тавба, одам итиниям шунчалик ҳурмат қиладими? Шундай қилиб, Каниза кенг уйнинг келинчагига айланди. Қорни тўйди, усти ялтиллади, ҳозирда унга кўз тикиб умидвор ялинган, суйкалганларнинг сон-саноғи йўқ. Опаси, ўша уни назар писанд қилмайдиган опаси етти кунда етти марта йўқлаб келади, пой-патак. Яна Саодатни етаклаб олади, селкиллатиб. Шунақа. Биринчи, каналнинг бўйида кутамиз, деб келишганида, Каниза ҳомиладор эди. Каниза атайин кеч борди. Иккови хоним, опаси-ку

майли, Саодат нақ соат учгача каналнинг бўйида кўзлари тўрт ўтиришди. Борган сари соясига қуйиқроқ салом беришяпти. Шаҳарликларни-ку қўйсин, ёрқувонликлар ҳаммаси Канизага осилиб олишган. Ҳаммасининг яловбардори — Каниза. Ака-укалари бойиб кетишди. Бир йилда ўзларига келиб олдилар. Ҳар ким ҳам туққанига қайишади-да, Канизанинг бир оғиз телефондаги гапи экан, анави қиёматли Ака ҳар қандай ишни дўндириб ташлайди. Укаси ширин сўз бўлгани учун Канизадан пул олиб машинали бўлиб олди. Каниза уйдаги пулнинг ҳисоб-китобига ета олмайди. Мансур акасининг умуман пул билан иши йўқ. Шунақа бағри кенг инсон у киши. Яқинда Канизанинг шумтираган акасининг туғилган куни, ўшанга машина совға қилмоқчи. Битта шунда машина йўқ ҳозир. Энг кенжа укасига Мансур акаси ўнта "Дамас"ини бериб юборди. Ижара қилиб ётибди. Яна уларга нима қилсин, ҳозир Ёрқувонда Сўпининг оиласидек ҳурматли оила йўқ. Сояларига салом беришади. Битта ўзиникиларга қилаётгани йўқ, ахир, келганки ҳамқишлоғини қуруқ қўл қайтармайди. Яқинда ўқитган ўқитувчиси келиб, ишини битириб, нима дейди денг: "Қаердан улуғ одам чиқса, нафини элу халқи кўради" деди қувониб. Ана шунақа гаплар...

Ҳозир шаҳарликлар ҳам Канизанинг товони остида, кўйлаги барини ўпишади. Айниқса, катталарнинг хотини телефон қилавериб, ҳоли-жонига қўймайди. Энг ёмони — турли хил тайини йўқ манжалақиларнинг Мансур акасига телефон қилиши. Дунёда нима кўп, ғар кўп ҳозир. Каниза бериб қўярмиди Мансур акасини? Сендақанги қош қовоқларга, айниқса. Мансур акаси неча бор телефон рақамини ўзгартирди, фойдаси йўқ, қаёқдан билиб олади бу модалар, Каниза ҳайрон. Шунақа гаплар...

Биргина Аҳмад диққат қиляпти. Анови бурчакдаги майда-чуйда сотиб ўтирадиган одам "Ўғилларинг болалар билан танга, ошиқ отяпти" деб атай келибди. Синф раҳбари телефон қилиб: "Ёш боланинг қўлида шунча доллар нима қилади, ҳозир шундай бўлса, эртага нима бўлади, бутун синфни бузяпти" деб ваҳима қилиб келибди. Каниза шунга диққат. Мансур акасига айтса, "Ўғил бола бўлгандан кейин чўнтагида пули бўлади-да" дейди, бу беғам, ишқилиб, охири бахайр бўлсин...

Жасурбекни энага боқади, у Канизага тегмайди. Қо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаверса, Мансур акаси уйдалигида уни қўлидан қўймайди. Уйда хизматкор бисёр. Каниза у ёқдан бу ёққа юради, қўлига тушган китобни ўқийди, бошқа иши йўқ. Кеча "Дайди қизнинг дафтари" китобини тугатди, зўр китоб экан. Телевизорда ҳозир "Муҳаббат можароси" бор. У чўзилиб ётган дивандан туриб телевизор тугмасини босди. Шу пайт хизматкор аёл оҳиста кирди ва:

— Сизни қишлоғингиздан бир синфдошингиз йўқлаб келибди, — деди.

— Синфдошим? — ҳайрон бўлди Каниза.

— Исми Насиба экан.

— Киритинг, шу ёққа бошлаб келаверинг, — деди Каниза ва уст-бошларини алмаштириш учун ётоқхонага шошилди.

Қишлоқи синфдоши, ўша жаққи Насиба, бир пайтлар аълочиман деб назарига илмаган Насига ўзини кўрсатиб қўйишнинг айни пайти келганини англаб, нимани, қай уст-бошини кийишни билмасди. Наси уйни кўрибоқ юраги тушиб қолиши аниқ. Канизанинг кўриниши ундан ошиб тушиши керак. Охири энг қиммат, энг чиройли кўйлагини танлади, кийди ва оҳиста тебраниб, ранги бир ҳол, эгнида аллақачон охори кетган товус, қўлида хўжалик халтаси, рўмолини қишлоқча танғиган ҳолда, стулнинг бир четида омонат ўтирган синфдоши истиқболига чиқди. Канизага кўзлари аланг-жаланг тикилган Наси беихтиёр ўрнидан туриб кетди.

— Вой, қандай шамол учирди, келсинлар Насихон, келсинлар, хайрият келар экансиз, синфдошингизни эслаб, — деб қучоқлашиб кўришди.

— Вой, Каниза, шу сенмисан, ўзингмисан? — хижолат тортди Насиба.

— Ўзим бўлмай кимман, ўл-а, уялтирмай... — деди Каниза Насибанинг бу аҳволи олдида беҳуда кийинганини англаб.

— Ўтир, ўтир, юқорига ўт, диванга ўтир, — мажбурлади уни Каниза.

— Йўқ, йўқ, бир гапим бор, сен энди катта бўлиб кетдинг, қишлоқда ҳаммасининг оғзида сенсан. Ҳаммага ҳам Худо берсин, ўртоқжон. Иқболинг бор экан, мана энди кўзим билан кўриб ишондим. Худо бергани рост бўлсин, мен шошиб турибман, жонимдан тўйиб кетиб

сени олдингга жўнавордим. Э-э, қишлоқда нималар бўляпти, билмайсан...

— Тўхта, ҳай-ҳай, фотиҳа-мотиҳа қилайлик, ҳалиям тўхтамай гапиришинг қолмабди-я, — уни тўхтатди Каниза.

Юзларига фотиҳа тортдилар. Насиба яна муддаосига ўтмоқчи эди, Каниза гап бошлаб юборди:

— Болаларинг, хўжайининг, ота-оналаринг яхшими?

— Яхши, яхши бўлиб қаерга борарди, ўша қишлоқ, ўша қишлоқилармиз. Хўжайиним ҳам юрибди, подачининг таёғидек серрайиб, на иш қилади, на пул топади. Қишлоқда қийин бўлиб кетди, Каниза, бу ёғини сўрасанг...

— Тўхта, тўхта, сўрамайман. Фақат жавоб бер, Фанини севиб ўлганидинг-а, бир вақтлар... Энди ёмон бўп қолдими?

— Уни қўй энди, Каниза, сени Самадингдан тузук, ҳарқалай.

— Ҳалиям севаман дегин?

— Ёшлик бир аҳмоқчилик экан-да...

Бир аёл чой олиб кирди. У ортига қайтиши билан, нон ушатаётган Канизага интилиб, Насиба овозини пастлатган кўйи:

— Хизматкорларинг ҳам кўп шекилли, а? — деб сўради.

— Оқсочларинг, дегин, — керилганнамо ҳазиломуз жавоб қилди Каниза. — Ол-ол, Наси, бир келдинг-да, ўртоқжон, келиб яхши қилибсан.

— Чидамай кетиб, қишлоқда бўлаётган ишлардан куйиб келдим. Ўртоқжон, аралашмасанг бўлмайди, сени қўлинг ҳозир ҳамма ерга етади. Хўжайининг министр-пинистрми?

Каниза кулди ва:

— Ким айтди сенга, тентак, вилоятда министр бўладими? Аммо лекин министрдан кам эмас, вилоятнинг энг мўътабар одамларидан бири.

— Тилинг ҳам ўсиб, адабий бўп кетипти. "Мў-ўътабар"

Икковлон хандон кулишди. Каниза уни ейишга, ҳали ундан, ҳали бундан олишга ундар, Насиба эса тортинарди. Икки синфдош ёшлик тафсилотларига тушиб кетишди. Ичаклари узилгудай кулишди, кимларнидир ғийбат

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилишди, эрмаклашди, кула-кула роса талтайдилар. Орада икки-уч бор овқат кирди. Хизмат қилаётган аёл идишларни алмаштирар, қолдиқларни тозалар, мева арчар, ҳар иккаласининг олдига ликопчаларда қўйиб қўярди. Гаплашгани гаплари қолмади. Насининг тарихи Канизанинг тарихига, туриб-туриб Канизанинг тарихи Насининг тарихига алмашарди. Орада бironта синфдош, ўша пайтда ўқиган каттаю кичик мактабдошлар, йигит ва қизларнинг чиройли келишганию кўр, букрисигача эсланди. Насибанинг "Тез кетамани" батамом унут бўлди. Бир вақт эсига тушди чоғи Канизага:

— Ўл, Каниз, кун кечкириб қолгандир, икки лақма қоронғида топишмай ўлайлик, — деди ва давом этди: — Каниз, сенга арз қилгани келдим, арзимни айтиб олай, кейин шаҳарлик жужуғингни кўрсатасан, эшит.

— Гапир.

— Эшит. Аммо лекин ваъда бер. Айтганингни қиламан де.

— Хўп, гапир энди, тарозуга солмай.

— Вой, ўлақол-ей, кеч бўп кетяпти.

— Машина обориб қўяди, ўйланма.

— Қўй-е, кетволаман. Мана, эшит. Менга чин, сенга ёлғон, қишлоқда шунақанги ишлар бўляптики, ёқангни ушлайсан. Ёқа ушлаш ҳам гапми? Айтганимни қиласан, а? Сени гапингни қилишар экан. Билиб келдим. Хўп де!

— Хўп, хўп, гапир.

— Энди яхшилаб қулоқ сол, — Насиба томоғини қириб гапира кетди, гапирганда ҳам куйиб-ёниб гапирди: — Болларимга нафақа пули оламан. Учтасига 9142 сўм, кичигимга 14000 сўм. Вой, бу пул ўлгурни олишни десанг ҳозир, шундоққина ўлиб қоламан дейман. Пулни ҳар душанба, сешанба беришади, холос. Келин-кертик, ёш-яланг, болалик аёллар дегин, шанбадан бошлаб очередга туриб олишади. Очередга паспортлар туради. Паспортларини тахлашиб, навбат шу деб ташлаб кетишаверади. Фуқаролар йиғинининг ёнидаги хонани касса қилиб қўйишган, ўшанинг кираверишидан то хонанинг бурчакларигача паспортга тўлиб кетади. Ҳеч ким йўғида кимдир келиб, паспортларни сочиб юборади. Ана томоша, ана ур-калтак эртасига. Пул берадиган кунги томошани кўр. Тагимда қолди, ўлади демайди, хотинлар бир-бирининг устига чиқиб кетаверишади, тагида қолиб ўлиб кетиш ҳеч гап эмас. Кассир қуриб кетгур, без Патти олакўз тарақ этиб дарчасини ёпганда, хотинлар тарқашга тушади. Хонага кирсанг, еркуюн узилган тугма, лаш-луш. Вой ўртоқжон, рост гап, оғзинг очилмасин...

— Жуда оширвординг.

— Ўлай агар, тил тортмай ўлай, — чинакам қасам ича бошлади Насиба, — эртаси... сешанба куни яна шу тўполон.

— Ўзим ҳам олганман-у, жуда бунчалик эмас эди...

— Сен олган пайтинг қолибдими, ҳозир.

— Қўй-е!

— Во-о-ой, ишонмайсан-а...

— Хўп ишондим, менга қара, нима, фақат душанба, сешанба, бошқа кунлари бериб бўлмас эканми?

— Билмадим, Патти безбет олакўз, фақат шу кунларда беради, холос. Қолган кунларда, отчет қилармиш.

— Навбат билан тартибда туриб олса бўлмайдими? — ўзини билмаганга солди, худди умр бўйи шаҳарда яшаётгандай Каниза.

— Навбат бир йилда ҳам етмайди. Шунинг учун касса очилди дегунча ҳамма ёпирилади. Ур-калтак, сур-калтак бўлиб кетади. Мозоргинада чиригур Патти олакўзнинг хиллосини сўра энди. Пул бермай, кассани қанча очмаса, пул ишлайди. Шанба, бозор кунлари одамлар уйига бориб, келишиб оларкан, шунчаси қолаверсин деса, пулни уйидан ҳам бериб юборавераркан. Одамлар 14 мингнинг 4 мингини ташлаб, 10 мингини олганига хурсанд. Яна тағин дегин кечаси боришаркан. Бу ёқда ур-тўполон. Шундан кейин пулни кечаси олвоганлар бизга кулиб ўтишади, "Йўлини билмайди-да булар, гумроҳлар" деб.

— Ҳа-а, фақат икки кун беришининг ҳам сабаби бор эканда, — хулоса чиқарди Каниза.

— Бор-да, борки, ҳар куни бермайди-да, — яна куйинди Насиба. — Ҳукумат халққа ёрдам бўлсин деб чиқарган бўлса бу нафақа пулини, булар бундай қилиб турса, қандай чидаш мумкин? Ўт қўйворгинг келади кассасига.

— Шунақа, дегин, вой, Патти олакўз-ей. Хатча чеварнинг келинимиди ўша? — билиб туриб сўради Каниза.

— Ўша-да. Наби натини келини.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тўғри, тўғри, энди эсимга тушди, — уни эслаган бўлди Каниза борган сари жиддий, раҳбарона тус олиб.

— Шуни айтгани келдим, нима десанг деявер, арз қилиб келдим қасрингизга шоҳойим, — гап учирди Насиба лаб буриб.

— Кўрамиз, ҳал қиламиз, — деди Каниза Насибанинг киноясидан ёйилиб.

— Кўрамиз эмас, бажарасан, шу Патти олакўзни бўшаттириб, нафақа олишни тартибга солдириб берасан, — буюрди Насиба гўё гапи аллақачон амалга ошгандай ўзини яқин олиб.

— Хўп, хўжайин, — энди Каниза киноя қилди.

— Опчиқ, шаҳарлик "заказной"ингни бир кўрайин. Бўлақол, кечкириб кетди.

— Қишнинг кечаси узоқ, бир қопсан — қопсан-да, гаплашиб ётамиз, — беғам гапирди Каниза ва ҳар доим улардан хабардор бўлиб турган оқсочни имлади.

Энага Канизанинг ўғилчасини шунақангги чиройли кийимларда олиб кирдики, болакай ҳам шундай ёқимтой эдики, Насиба қўлига олатуриб:

— Туф, туф, ёмон кўздан асрасин-ей, — деб юборди, боланинг икки пўмпоқ билакчаларидаги кўзмўнчоқларни кўриб, кўнгли ўрнига тушди.

— Ёмон кўзлардан эҳтиёт қил, ҳеч кимга кўрсатма, Каниз. Вой, вой, вой, кап-катта йигит бўп қопти-ю...

Насиба уни роса эркалаб суйди. Ичкари кириб, Каниза ловуллаган атлас олиб чиқди ва Насибага тутди:

— Суюнчисига, — деди.

— Вой, овора бўлиб, — кўзи ёнди Насибанинг, — тўйларга буюрсин. Омин, бой-бақувват катта йигит бўсин.

Энага болани олиб ортига қайтди, Каниза қаергадир телефон қилди ва "Келинг" деди.

— Турдик энди, ўртоқжон, раҳмат, аммо айтганимни қиласан, қишлоқдагиларни савобига қоласан. Айтмоқчи, ўзингни болларинг қани?

— Шу ерда, уларниям ўз хоналари, тарбиячилари бор.

Насиба қош чимириб, юз ифодаси билан "зўр" деди. Ташқарига чиққанларида, уларни "Матиз" кутиб турарди, рулда аёл киши.

— Менинг личний шопирим, дарров ташлаб келади, — деди Каниза ва машинага ийманиб ўтираётган Насибага юз доллар узатди.

— Ие, бу нимаси? — хайратга тушди Насиба.

— Йўлда болларинга у-бу оласан, — деди Каниза ва илиқ хайрлашди.

Насиба яна дуо қилди ва жўнаб кетди. Долларни у ёқ-бу ёғини айлантирар, ичида: "Биз ҳам доллар ушлар эканмиз-а" дерди.

Каниза ичкарига мамнун қайтди, дилида: "Энди қишлоққа тилингдан бол томиб гапириб берасан" деб ўйлади. Борган сари Канизанинг кўкси ҳапиргудек даражада ифтихорга тўлар, истаса қўли осмонга етгудек юксак ҳис мавж урар, қайга қараса, кўз қувонгуси ҳашаматли хоналарга сиғмасди. Ётоқхонага кириб, қўлларини шаҳд ёйганча, ўзини ранго ранг товланаётган матоҳ ёпилган каравотга ташлади. Тўйиб-тўйиб нафас олди. Ич-ичидан қанақадир бахтдан сармастликка ўхшаш завқу шавқ тошиқиб, гупириб келмоқда эди. Бундайин аламазон ҳаёт шавқига бардош бера олмай, нафаси қисилди, беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Хоналарда маъносиз кезина бошлади, кўзи қаерга ва қай нарсага тушмасин, улар тўлиб-тошаётган завқига оловга мой пуркагандек шиддат қўшарди, холос.

XXXIV

Ўлмаган жон мана февралнинг ўрталарига ҳам етди. Ўша-ўша мактабга қадам изи қилмади Нозима. Комила Арзиевнадан бошқа ҳеч ким сўрамади ҳам, Нозиманинг ҳолига йиғламади ҳам. Комила Арзиевна телефон қилиб турибди, гоҳи-гоҳида келиб кетади. Мактабдаги яқинларидан гапиради, қизи ҳақида сўзлайди, бори гап шу. Башорат ўша-ўша оғзидан бол томиб, гоҳ ҳасад ўтида ёниб, энг бой-бадавлат қўшниси тўғрисида оғиз гупиртириб юрибди экан. Янги йилда, эмиш, қўшнисиникига келган совғалар тоғ бўлиб кетганмиш, юкласа юзта "Камаз"га юк бўлармиш. Қўшниси Амриқода президентлар юрадиган қора "Форд" олганмиш. Бутун маҳалла, ёшу қари чиқиб томоша қилишибди.

Арзиевнанинг бу гапларидан Нозиманинг энсаси қотадиган бўлди. У борган сари ичи тор, кўп гапни ёқтирмайдиган, ҳамишалик ўйчан, асаблари эса таранглашиб бораётганди. Рўзғор кун сайин қуриб борар, бировнинг қўлига қараб, соддадил, мехрибон қўшнилардан чиқадиган мурувватларга кўз тикиб ўтириб бўлмасди. Қодир

www.ziyouz.com kutubxonasi

Алиевич фақат телефон қиларди, холос. Аҳволи танглиги шундоққина маълум эди. Жўнатмаётгани йўқ, нари борса у уч-тўрт сўм бировлардан бўлса-да, жўнатиб турибди. Янги йилга келса керак, деб ўйлаганди Нозима, келмади. Телефонда ўзи ўқиган институтида дарс бераётганини айтди. "Умидсизликка тушганим йўқ, Нозима, — деди у, — фақат пешонамдагини кўряпман. Сизга раҳмат, яхшиям сиз бор экансиз, яқинда одам юбораман..." Доимо мана шу гап, бечора, гапининг охирини дадил айта олмайди. Бир куни: "Агар қийналсаларинг, қўшнига айтинг, уйда қўлга киradиган нарсалардан сотсин" деди. Нозима оч қолиб ўлса ўладики, бировнинг нарсасини соттирмайди.

Бу ёқда аҳвол танг, яна келиб Қодир Алиевичга ачинади. Бешафқат ҳаёт исканжасига тушиб қолди у бечора ҳозир. Унинг нега мундоқ бўлиб юрганини Нозима Рисолатхон билан гаплашиб ўтириб билди. Гапларни эшитиб, ўша амалпараст қайноғаси Зокирдан кўнгли совуди, "сенга ҳам Худо бордур" дейишга мажбур бўлди. Қодир Алиевичнинг пасайтирилиши, вилоятдан қувғин қилиниши унинг ҳақгўйлигидан, тўғрисўзлигидан, иллатларга бешафқатлигидан экан. Хуллас, улар Зокир билан тескари бўлишган. Ўжар ва биркесар Қодир Алиевич эса ўз билганидан қолмабди. Одамлар қанча йўлга солишибди, кўнмабди.

— Бир укаси бор экан, — деди бир вақт Рисолатхон, Нозима уйқудан уйғонгандек чўчиб, фаромуш хаёлини йиғди, — бой-бадавлат ишбилармон, тадбиркор экан. Хотиниям жуда гўзалмиш. Кўчанинг нариги ёғидаги Потма банка ўша бойвучча билан ош-қатиқ эмиш, ана шу Потма банка ўша билан гаплашиб берайми, ўрнингизда қоласиз, деса кўнмади-да, қайсар Қодир ака. Хўжайиним ҳам кўндира олмади, ўша укасиям яхши одам дейишади, Қодир ака мундоқ ўзи бориб гаплашса бўлармиди...

Рисолатхоннинг қолган гаплари Нозиманинг қулоғига кирмади. "Эй, дунёи бевафо, нима қилмоқчисан ўзи, нима?" ич-ичидан фарёд чекарди у. Қаёққа қарамасин, нимага тикилмасин, нимани ўйламасин, нени кўрмасин, бари уни ўша ўзининг қора қисматига битилган одам сари етаклаётганди. Ундан ҳеч қочиб қутулишнинг иложи йўқ эди. Энди бу ерга келса, Қодир Алиевичнинг қисмати ҳам ўшаларга боғлиқ бўлиб турибди.

Нозиманинг кўнгли озди, қўллари титрай бошлади, уни кўриб, Рисолатхоннинг эсхонаси чиқиб кетди. Ҳашпаш дегунча, Нозима ўтирган ерида тўшакка ағдарилиб қолди. Рисолатхон уни нақ ўлди, деб ўйлади, додлаганча кўчага югурди. Уч-тўрт қўшни биргалашиб чопиб киришганда, Нозима ўша аҳволда ётар, икки қизалоқ устида бармоқчаларини оғзига тиқиб туришарди. Аёллар уни чалқанча ётқизишди, оёқ қўлларини уқалай бошлашди. Шунда "Тез ёрдам"га телефон қилиш эсларига келди. Каромат ая эски ҳамшира эмасми, дарҳол Нозиманинг билагини ушлаб, томир уришини кўрди. Нозима текис нафас оларди.

— Чақираверинг "Тез ёрдам"ни, қўрқманглар, хушидан кетган холос, — деди у Рисолатхонга, — эпилепсия бўлса керак.

У чаққон ўрнидан туриб, этагини пешини кўтарганча ошхонага югурди. "Вой, ўлай" деди-да, ошхонани титкилай бошлади. "Наҳотки-я" деганча ташқари чопқиллади.

"Тез ёрдам" келди, дўхтир эпчилгина экан. Бундай чоғда нима ёрдам зарур бўлса кўрсатди, қон босимини ўлчади, юрак уришини текширди, ўпкасини эшитиб кўрди ва ниҳоят қулоғидаги фенандоскопни олиб, ҳамширага:

— Қон босимини оширувчи, тинчлантирувчи укол тайёрланг, — деди у ҳамширага ва бемалол ўтирди, тикилишиб турган аёлларга қараб: — Ташвиш чекманглар, асаблар зўриққан, қон босими тушиб кетган, қуввати паст, калорияли овқатлар ейиши керак...

Ҳамшира вазифасини бажаргач, улар жўнаб кетдилар. Қўни-қўшнилар секин гаплашиб, Нозиманинг ўзига келишини кутдилар, охири Нозима инқиллаб қимирлади.

— Нозимахон, Нозимахон, — дейишди баб-баробарига унинг устига энгашган қўшнилар.

Нозима оҳиста кўзини очиб, у ён-бу ён қаради ва яна кўзини юмиб олди. Худди шу пайт қўлида идиш Каромат ая пайдо бўлди.

— Бунақа пайтда дарҳол суюқ бирон нарса ичказиш керак. Озгинагина қўй ёғим бор эди, атала қилиб чиқдим, тургизинглар энди, — деди.

Нозима қимирлаб, туришга чоғланди, Рисолатхон елкасидан кўтарди, уни ўтқаздилар.

— Хайрият-эй, қўшнижон, сизга нима қилди, қўрқитиб юбордингиз-а, — деди Мастура келиная.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аталани Нозиманинг кўнмаганига қўймай, ичкиздилар. Алламаҳалгача гаплашиб ўтирдилар, сўнгида Нозимани ҳол-жонига қўймай ётқизишиб, уйларига равона бўлдилар.

Нозима шипга тикилганча ётаверди. Ёшлигида кўп ичган суюмли овқати унга бироз жон киргизди ёки юборилган дори таъсир этдими, ҳойнаҳой аҳволи ҳар қалай ўнгланди. Уйда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга ҳеч ишонгиси келмасди. Наҳот шу замонда ҳам одам оч қолса! Илгари куни уйдаги озиқ-овқат тамом тугаган эди. На ёғ, на бир дона картошка, на пиёз, на сабзи қолмади. Бир кунни эҳтиётлаб қўйган охирги пулига нон олиб ўтказишди. Юз сўмгина пул қолди холос. Ўша куниёқ қизчаларнинг кўзлари киртайиб, очлик рангги-рўйларига урди. Нозима нима қилишини билмасди. Шу аснода бир кун ўтди. Эртаси кечга томон тамоман оч қолдилар. Чакага беришга ҳам ҳеч вақо йўқ. Кеча у ҳам тунни безовта улиб-улиб ўтказди. Энди қизлар чидамади, Нозима кўчадаги дўконга чиқиб, юз сўмлик печенье келтириб берди. Ўшани еб ухлаб қолдилар. Ўзи эса туз тотмади. Бировга айтишга, ҳеч бўлмаса Рисолатхонга мурожаат этишга уялди. Ахир шунчадан буён ўшалар корига яраб келишяпти. У ҳам негадир кейинги кунлар чиқмай қолди. Эри Расулжон Бишкекка кетганча, мана 10-15 кундан буён хабар йўқ. 3-4 кун Рисолатхон борини баҳам кўриб турди. Кейин тортилиб қолди. Демак, унинг рўзғори ҳам шу аҳволда. Энди нима қилиш керак? Худойим ўзи меҳрибон, бир атагани бордир, дея кутди, ҳеч нарсанинг дараги йўқ. Қизчалар печеньени еб барибир тўйинқирамай чала ухладилар. Нозима бир амаллаб тонг оттираман, деб ўйлади. Соат ўнларгача ўзини у-бу ишлар билан алахситди. Кейин жойига кириб ётди. Қорин қурғур ҳуштак чалар, ошқозони ачишар, борган сайин кўнгли озиб, очлик деб аталмиш даҳшатнинг якуний қисми яқинлашарди. Шунда ҳам Нозима очлик деган тушунчага ишонмасди. Илгари қорни очмаганми? Очган, бироз қийналиб ўтиб кетган, қорни тўққа ўхшаб қолаверган. Йўқ, бу галгиси негадир бошқача эди, энди у тўлғониб қийнала бошлади. Ёта олмади, оёғига турди, у ён-бу ён юрди, ҳеч иложи йўқ, очлик уни қамсаб ҳалак қила бошлади, чидашнинг имкони қолмаётган эди. Кўзига илгари-кейин еган овқатлари

кўринар, уйидаги ноз-неъмат тўла музлатгичлар, гоҳо учта, гоҳо тўртта газ устида вақир-вуқур қайнаган қозонлар, назар солгиси келмаган гўшт, колбаса, ёғ, тухум, торт, қандолатлар, ширидан шакар мевалар кўзига кўринар, унинг сайин қорнини сиқимлаганча тоқати тоқ бўлиб борарди. Одам очликдан ўлиши мумкинми? Мумкин, демак, очлик даҳшат экан. У ошхонага қандай кирганини билмай қолди. Қора қозон бўм-бўш турарди. Наҳот одамнинг ҳаёти шу қора қозонга боғлиқ бўлса! Наҳот ўлим билан ҳаёт ўртасида шу қозон турса! У капгирни қозонга урди. Шу топда ўзининг эмас, анави мурғак қизчаларнинг ўлими кўриниб кетди кўзига. Асли ҳаётнинг манбаи шу қора қозоннинг қайнаши экан-да, аслида. Шунинг учун одам ишлаб, елиб югурар эканда. Нозима ҳеч қачон очлик бу қадар ўлим билан тенг эканлигини ҳис этмаган эди. Бекорга анави китобда ўлимтик, чўлоқ мусичани шартта бошини узиб, еб юбормаган эканда. Нозима тинмай у ёқ-бу ёққа юраверди. Юрган сари баттар кўнгли озар, дармони қуриб борарди. Тун. Ҳозир қичқирса ҳам биров эшитмайди, нима қилиш мумкин? Охири тўйиб сув ичиб юборди ва гандираклаб ўрни томон юрди. Тонгни мижжа қоқмай, бежон кутиб олди. Қизчалар ҳам тонг саҳарда уйғонишди, уйғонибоқ "нон" дейишди. "Эй, Худойим-ей, энди нима қилдим?" таҳликага тушди Нозима. Шунда уйидаги сейфда сақланган боғлам-боғлам сўмлар, кўк қоғозлар эсига тушди. Ташқарида ит ангиллади. У ҳам оч инграётган эди. Ҳозир бир сиқим гуруч ёки макарон бўлганда ҳам қайнатиб болаларга берган бўларди. Уннинг-ку, урпоғи йўқ.

Телефон жиринглади. Гўшакда Рисолатхон эди.

— Нозима опа, нон опкирмоқчиман, газда нон билан чалпак қилдим, — деди.

Нозима гандираклаб бориб юзини чайди, дарвоза томон йўналди. Чаканинг ёнидан ўтаркан, унинг ҳам қорни қапишиб, оғзидан сўлаклар оқаётганини кўрди. Дарвозани очиши билан димоғига нон ҳиди урилди. Кўнгли беҳаловат озди.

— Кечқурун қуруқ макарон қайнатган эдим, олиб киргани уялдим, — деди остона ҳатлаган Рисолатхон. — Эрта саҳар газда нон қилдим, мана бу чалпак.

У ортига қайтди. Нозиманинг раҳмат айтишига ҳам мажоли келмади. Чалпак тўртта эди. Бирини Чаканинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

идишига ташлади, яримта нон ҳам қўшди. Чака бир ҳамлада иккисини ямлаб ютиб юборди, вингиллаганича тишлари ялтиллаб, лабини ялади. Нозима қаттиққўнгиллик ила ичкари юрди. Болалар чалпакка ташландилар. Нозима улар тўйгунча тотинмай турди, улар "сув" дегандагина оғзига нон солди. Шаҳнозани мактабга жўнатмади. Ташқарида қора совуқ, изғирин бўлаётганди, бола бечоранинг энгил-боши юпун, шу кунларда мактабга бормаса бормас.

Ана шундан кейин Рисолатхон чиқди-ю, лақиллашиб ўтиришди, бир пайт Нозима ҳушидан кетиб қолди. Қанча фурсат ўтди билмади. Бирдан ётган ерида қулоғига ҳар хил овозлар кирди. Сўзланаётган Рисолатхон эди:

— Вой Нозима опа-ей, шунчалик ҳам бўладими, наҳотакан уйда ҳеч вақо қолмаса-ю, опа-ука бўлатуриб бир оғиз айтмасангиз, — ўпкаларди у, — ахир Қодиржон ака бизга ишониб кетган, а... Ўлсин, бизнинг "доцент"имизга нима қилди, шу пайтгача келмайди. Уйда ҳам аҳвол чатоқ...

— Кўриб, билиб турибман-у, қандоқ айтай, — сўниқ гапирди Нозима.

— Бир тўрғам нон бўлса, бўлиб еймиз, опажон, мундоғ қилманг. Каромат ая ҳам ошхонангизга кириб, аҳволдан хабар топибди, қўшнилар ҳозир анча нарсалар олиб чиқишди.

— Вой ўлмасам, — ўрнидан туришга уринди Нозима ва яна деди, — ким деган одам бўлдик, буни ҳамма билиб ўтирса...

— Бизнинг қўшнилар ундайлардан эмас, гап-сўз қилишмайди, битта майизни қирқ бўлиб ейишади. Қодиржон ака ҳам чакана ёрдам қилмаган қўни-қўшниларга. Эҳ-э, бизга қилган яхшиликларини бир умр унутиб бўладими. Тилла одам Қодир ака. Расулжон акам декан бўлганларида чакана ишлар бўлмаган. Душманчилик устига душманчилик. Ён қўшнимиз, жон қўшнимиз бўлмаганида, шўримизга шўрва тўкилиши ҳеч гап эмас эди. Қодиржон ака ҳамманинг ғамини ердилар. Ҳамманинг ҳам иши ҳар доим бир текис бўлмас экан. У кишининг бошқаларга иши тушганда, бизнинг қўлимиздан ҳеч вақо келмай ўтирибди. Шуни ҳам қилмайликми, емасак-емаймизки, унинг болларидан жонимизни аямаймиз. Сиз мутлақо ўйланманг. Бизнинг қарзимиз бор. Тўғри гап. Очиқ айтамиз эру хотин. Биз ҳеч қачон у кишининг яхшиликларини қайтара олмасак керак. Битта бизнинг эмас, ҳамманинг иссиқ-совуғидан хабар оларди. Қараб турасиз, бу одам ҳар қандай шароитда ёриб чиқади, тошни ёриб, гул ундиради. Ҳали, душманлари тил тишлаб қолишади!

— Илоё айтганингиз келсин, — деб юборди беихтиёр Нозима. — Рисолатхон, — илова қилди у яна: — Чака...

— Бердим, бердим, — уни тушунди қўшни аёл, — Кечаги макарондан озгина қолувди, ўшани олиб чиқиб бердим.

— Раҳмат, биздан қайтмаса, Худодан қайтсин, — миннатдор бўлди Нозима ва ёнида ўтирган Гулнозани бағрига тортди.

Иккала қиз овоз чиқармай, гўё катталардай гапни тинглаб ўтиришарди. Шаҳноза жажжи қўллари билан Нозиманинг бошини уқалай бошлади.

— Бўлди, бўлди, қизим, энди опош бўп қолдим, — унинг бошини силади Нозима.

Рисолатхон уйига отланди. Нозима яна бироз ётиб, сўнг ўрнидан қўзғалди, аста юриб ошхонага кирди. Нега кирганини ўзи билмади, қўшнилар нарса-парсалар олиб чиқишган бўлса, қозонга бирон нарса солай, деб ўйладими, ишқилиб, ошхонага юрди. Дарҳақиқат, қўшнилар егулик ул-бул чиқаришганди: сабзи-пиёз, картошка, макарон, гуруч. Хон устида бир-икки килоча гўштёғ ҳам бор эди. Дастурхонга ўроғлиқ нон... "Яхшилар ҳам кўп дунёда" ўйлади Нозима ва картошка арчишга киришди.

Орадан икки кун ўтди. Кутилмаганда телефон жиринглади, Нозима қолган-қутган нарсалардан тушлик пишираётганди, бориб гўшакни олди.

— Алло, Қодир Алиевич? — самимий овоз эшитилди.

— У киши йўқ эдилар-ку...

— Қаердалар?

— Узоққа кетувдилар.

— Қаергалигини билсам бўладими?

— Кечирасиз, аниқ айтолмийман.

— Узр, сиз кимлари бўласиз? Синглим, мен Политехника институтининг ректориман. Қодир Алиевич

www.ziyouz.com kutubxonasi

дўстим бўладилар. Агар иложи бўлса, менга қаерга кетганини айта қолсангиз.

— Узр, рости гап, билмайман.

— Кечирасиз, сиз кимлари бўласиз ўзи?

— Қизларига энагаман, — охири қизариб шу гапни топди Нозима.

— Ҳеч бўлмаса, қачон келишларини айта оласизми?

— Йўқ.

— Қачон кетишган ўзи?

— Уч-тўрт ой бўлди.

— Болалари омонми, қийналмаяпсизларми?

— Раҳмат, ҳаммаси жойида...

— Бўпти. Келиши биланоқ менга учрасин.

— Хўп бўлади, — Нозима гўшакни ўрнига қўйди.

У овқатни пиширib, болаларни овқатлантирди, аммо яна ташвишда қолди, харажатларнинг таги кўриниб қолганди. "Қачонгача мундоқ яшаш мумкин? — ўйга толди у. — Майли, Худо яна бир томонга бошлар".

Эртасига эрталаб, кутилмаганда дарвоза қўнғироғи чалинди, ит вовиллади. Нозима етиб боргунча яна уста-уст қўнғироқ янгради. "Ким бўлса экан?" — ўйлади у ва бориб, кичик эшикни очди. Рўпарада икки йигит, ёнларида "Нексия" турарди.

— Дарвозани очса бўладими? — сўради йигитлардан бири, — домла нарса жўнатган эдилар.

Нозима аввалига ҳайрон бўлди, сўнг "ҳа, ҳа" дедию, дарвозани очишга тутинди. "Қайси домла бўлди экан?" Йигитлар машинани чаққон ичкарига олиб киришди. Орқасини очишганда, Нозима тушунди. Телефон қилган одам бўлиши керак. Йигитлар машинадан ҳар хил халталар ва қопларни туширишиб, айвонга ташидилар ва тез жўнаб кетишди. Кетишаётиб, "Хўжайинингиз келса, домлага қўнғироқ қилсин эканлар, ҳа, айтмоқчи, қийналсангиз мана шу рақамга телефон қилар экансиз, домла айтди" дейишди ва анграйиб турган Нозиманинг қўлига қоғоз тутқазишди. Нозима дарвозани беркитиб, айвонга кирди, нарсаларга бироз тикилиб турди, ёнида ирғишлаётган қизчалар "Бу нима?" "Бу нима?" дейишарди. "Бизга Худонинг каромати" деди Нозима ва халталарни ошхонага таший бошлади. Домласи тушмагур бир қоп ун, бир қоп гуруч, бир қоп картошка, пиёз, сабзи, 10 кило ёғ, анчагина гўшт жўнатибди. Нарсаларни жойлаб улгурмаган ҳам эдики, Рисолатхон кириб келди. Озиқ-овқатларни кўриб:

— Вой бў-ў! Қодиржон ака келдиларми? — деб сўради.

— Бир оғайниси жўнатибди, — деди Нозима.

— Вой, ким?

— Танимайман, институтнинг ректори экан.

— Ана кўрдингизми, Қодир ака ҳаммага яхшилик қилган.

— Шояд шундандир. Худои таолонинг етимчалар ғамини егани, бу... — деди Нозима ва қўшиб қўйди:

— Энди кечга қўшни аёлларни чақирасиз, — ош дамлаймиз. Худо бергандан кейин қилиш керак...

Бозор дунё тор келса торайиб, кенг келса кенгайиб кетади. Уч кун ўтиб, Қодир Алиевич телефон қилди, ҳол-аҳвол сўради, жимиб кетганидан хижолатомуз сўзланди:

— Биламан, ҳозир сизга осон эмас, аммо тишни тишга қўйинг, Нозима, — деди у сўзининг охирида, — бу кунлар ўтиб кетади, ёруғ кунлар ҳам келади...

— Ўзингиз-чи, ўзингиз қийналмаяпсизми? — юракдан меҳрибонлик билан сўради Нозима, — биздан ташвиш чекманг, қизлар яхши, амаллаб бир кунимизни кўряпмиз. Яхшилар кўп дунёда, бизни унутишгани йўқ. Худо ёрлақаган қўшниларингиз бор экан, ҳолимиздан хабар олиб туришибди. Айтмоқчи, анави, ректор анча озиқ-овқат юборибди, дўстингиз экан. У кишимга зудлик билан телефон қиларкансиз.

— Раҳмат, унутмайман, унгаям Худо берсин, яхши одам, — деди Қодир Алиевич ва Нозима билан хайрхўшлашаркан, "яқин орада бориб қоламан" деди энтикиб.

Яна эртаси куни чошгоҳда бир сипо одам келиб, "Қодир Алиевич бериб юборди" дея, 50000 сўм ташлаб кетди. Кечга томон яна кимдир эшик қоқди. Жавобга чиққан Нозимага паст овозда: "Мен Ражаб Ниёзматовман" дея юз минг берди. Бугун Нозима илк бор пул ҳаёт манбаи ва белга қувват эканини ҳис этди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

XXXV

— МЕН, МЕН, МЕН, МЕН, МЕН... мен, мен, мен, мен, мен, мен, мен, мен... Бир, икки, уч, тўрт, беш... Ҳали кеч ким эмас эканман...

— Тўғри.

— Нима қилиш керак?

–...

— Рост-да, чин гап... Фордлар қандай Форд бўлган экан?

— Ҳеч нарсани билмайсан.

— Шуларни билиш керакми?

— Бўлмаса-чи?

— Бекорчи гап.

— Нима?

— Ўша.

— Худо берса бўласан...

— Аблаҳ!

— Ким?

— Сен.

— Сен?

— Сен. Сен?

— Биздаям шунақалар борми?

— Бор.

— Йўғ-е?

— Бор,

— Бўлмаса энди бўлади.

— Сен-чи?

— Мен бўлмасам керак.

— Нега?

–...

— Нега банким йўқ? Нега заводим йўқ? Қизиқ...

— Шунча нарсанг, пулинг бор-ку!

— Э-э... Чигирткасан, чигиртка...

— Сиқилма, пастроқ туш.

— Йўқ, ҳар ҳолда энди чигиртка эмассан...

— Пастроқ туш.

— Тўғри, пастга тушиш керак. Нима, баландлаб кетибманми?

–...

— Нимам борки, баландлаб кетсам?! Менда бор нарса ҳаммада бор.

— Кечирасан азизим, йўқ. Ҳаммадаям йўқ.

— Йўқ бўлса, қилсин, топсин, қандини урсин.

— Ҳаммага осон деб ўйлайсанми?

— Калласи бўлса осон...

— Хи, хи, хи, аҳмоқ... Аҳмоқ бўлма!

— Ҳеч қачон.

— Нимангга қувонасан? Машиналаринггами?

— Ҳа, нима қипти? Машинам элликдан ошди...

— Одамларники ҳали миллионта бўлади.

— Бўлса бўлар, менинг ишим нима?

— Ишинг бор, бўлмаса нега буларни ўйлаб ўтирибсан?

— Шунчаки...

— Шунчаки эмас. Яна нимадан қуруқ қолдим деяпсан?

— Нимадан қуруқ қоламан?

— Бошқа нарсалардан.

— Ия, тўртта заправкам бор.

— Яна?

— Ўн олтита магазиним бор.

— Яна, яна?

— Пулинг-чи?

–...

— Хўп, майли, пулни айтма, бошқа нарсаларинг-чи?

— Майда-чуйдаларми?

— Йўқ. Йириклари?

— Ҳмм. Сарой. Бир гектарлик омборхона.

— Яна?

— Янами?

— Офис!!!

— Хи, хи, хи...

— Янами?

— Яна.

— Хў-ўп... Меҳмонхона, ҳа меҳмонхона...

— Унчалик зўр эмас.

— Зўр қилиб юборамиз. Ёнидагисини ҳам оламан. Ҳа, учта ресторан. Ўн иккита ошхона...

— Яна-чи?

— Янами?

— Битта ҳовли?

— Бу кам.

— Тўғри.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Саккизта квартира-чи?
— Хиҳ, шуям мулкми? Уялсанг-чи?
— Ҳали ҳеч ким эмас экансан.
— Нега?
— Заводинг қани? Фабриканг қани? Концернинг қани? Компанияларинг қани?
— Вой бў-ў... Тўғри, ҳеч вақом йўқ экан.
— Ҳалиги бир кунги мижғов нима деди?
— Кўпиклар. Сенлар ҳали кўпиксанлар, деди.
— Нимангга кериласан? Партнёрларинг борми? Биронта сармоядор дўстинг борми? Ёнингдаги чурвақаларга ишониб юрганинг йўқми?
— Лаънат ўшаларга.
— Акангга-чи?
— Унгаям лаънат.
— Каниза-чи?
— Ифлос, қишлоқи.
— Ўғлинг-чи?
— Унга...
— Қайнотангга уй қуриб бердинг?
— Лаънат!
— Кимларга ёрдам қилмадинг-у?
— Уларгаям лаънат.
— Ҳамма орқангдан югуриб юрибди?
— Лаънат.
— Ияк акангга-чи?
— Минг лаънат.
— Яҳё-чи?
— Зўр бола эди! Топиб гапирарди... Кетворди-я...
— Янги "Нексия"ни калитини берган эдинг-ку?
— Олмади.
— Нега?
— Билмадим, яхши бола деб юргандим, жинни-пинни бўлса керак, тентак, тайёр машинани олмаса-я... Овсар, тентак ҳам кўп дунёда...
— Хў-ўш, Мансурвой, яна нималарга эгасиз, нималарга қодирсиз?
— Ҳеч нарса!!! Ҳеч нарса-а-ага!!! — Мансур деярли бақириб юборди, ўтирган кабинети, атрофига аланг-жаланг қаради. Яхши, ҳеч ким йўқ. Шартта ўрнидан турди. — Ана шунақа, Мансурвой, ҳеч вақога эга бўлганингиз йўқ. Нимангизга кериласиз?

У кейинги пайтларда ўзи билан ўзи ана шундай сўзлашадиган одат чиқарди. Бундай кезларда гоҳо ичига сиғмай кетади, баъзан эса фиғони фалакка кўтарилади, жиғибийрон бўлади. Кўзига ҳамма тўнғиз кўринади. Бугал ҳам ана шундай бўлди. Ҳозир хонадан отилиб чиқади. Ишигаям, офисигаям, барча-барчасига тупуради. Бугун ичади, энди ичмаса бўлмайди. Тўппа-тўғри чет элликлар кирадиган янги ресторанга боради. Нима эди номи? "Элит"миди, шунақа эди шекилли. "Элитиниям, пелитиниям..."
Эшикни очма, деганига қарамай, котиба кирди. Ресторанга шайланган Мансурнинг ғазаби қайнади. "Ҳалиги Маъбудахон..." деб улгурган котибага: "Йўқот!" дея ўшқирди. Котиба шу заҳоти даф бўлди.
Мансур ташқарига отилиб чиқди, Маъбудани эласэлас кўрди, эшигини очиб кутиб турган машинасига шунақанги важоҳат билан ўтирдики, ҳайдовчи боланинг нақ эсхонаси чиққудай зўрға:
— Қаёққа? — деб улгурган эди, Мансур айниб сўкинди, анчадан кейин "Элит"га деди. Комилбекнинг анчагача боши қотди. Охири анҳор бўйидаги тез фурсатда қуриб битказилган ҳашаматли меҳмонхонага ҳайдади.
Мансур ресторанга шиддат билан кирди, ресторан деярли хўрандаларга тўла эди. У кирган заҳоти хўрандаларнинг безовта бўлишини, унга эътибор қаратишларини кутган эди. Пешвоз чиққан лакейдан ўзга ҳеч ким қиё ҳам боқмади. Ғарб ва Шарқ меҳмоннавозлигининг сўнгги ютуқлари ила безатилган меҳмонхона заллари Мансурнинг қоронғи дилига заррача шуъла ташлай олмади. Таклиф этилган жойга бориб ўтирди. У албатта ишхонасидагидек эътибор кутган эди. Мундоқ қараса, чинакам ҳеч ким эмас экан. Атроф-теваракдагиларга ўзини тенглашга ожиз сезди. Юраги баттар сиқилди, ҳолсизланди, наздида арзимас одамга ўхшаб қолди.
Зудлик билан ичкилик келтиришни буюрди.
— Қанақасидан? — сўради официант.
— Инглиз "Бренди"сидан, — деди-ю, атрофга назар ташлади.
Официант ҳайрон бўлди:
— Қанча?
— Шишаси билан...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Яна?
— Нима яхши бўлса, олиб келавер.
— Хўп бўлади, сэр.

Охирги сўзни эшитиб, бироз кўнгли кўтарилди, аммо ичидан "ҳали сэр бўлганим йўқ" деган фикр ўтди.

Официант ғарбона одоб ва назокат билан буюртмаларни келтира бошлади. "Бренди"ни очаётган ҳам эдики, Мансур шартта қўлидан олди, ўзи очиб рюмкага эмас, фужерга қуйди. Шаҳд билан бўшатди. Тайёр газакка назар ҳам солмади. Оғзидан ҳаво пуфларкан, "ҳаммасини падарига лаънат" деди ўзига ўзи. Яна устма-уст ичди. Кўзи кириб келаётган жуфтга тушди. Қиз ниҳоятда гўзал эди. Унга бошдан оёқ назар солди. Ичкиликдан сархушланган миясида Маъбуда гавдаланди. Афсус, бирга олиб келса бўларкан. Ўз оёғи билан офисга келиб турганди.

Маъбуда чиндан ҳам гўзал. Мана бу унинг олдида ип эша олмайди. Сўнгги пайтлар, айниқса бу йилги ёз гўзал қизларни кўпайтириб юборди. Ял-ял ёнади... Кийимлари ҳам бошқача. Эҳ, ҳаёт! Мансур, ҳар хил беъмани ўйхаёлларга берилгунча ризқингни териб есанг-чи? Қиз, аёл дегани эркакнинг ризқи-ку. Маъбудани нега хафа қилаётибсан? Канизани дебми? Ким ўзи у қишлоқи? Маъбуданинг олдида бир тийинга қиммат-ку. Эҳ, афсус, ҳозиргина офисда эди-я! Комилбекни жўнатсинми, топиб келсинми? Қаёқдан топади энди? Эҳ, Маъбуда, Маъбуда, менга бойлик керак эмас, сен кераксан, сен! Ҳозир қаердасан? Нега бу ерда эмассан? Эртагаёқ сени бир қошиқ сув билан ичиб юбораман. Қадрингга етаман. Орқамдан югурганинг югурган... Энди билдим, менга сен керак экансан. Пул, бойликка тупурдим. Керак эмас улар менга. Эртага сендан бошқа ҳамма-ҳаммани тирқиратиб қуваман, ҳа тирқиратиб... Ҳамма ишчиларни, ҳамма лаганларни, ялақиларни, ўша Иякни ҳам...

Бот-бот хабар олаётган официант бу гал Мансурнинг ёнида узоқроқ турди, неча бор артган қошиқ, пичоқ, санчқиларни такрор артди, Мансурни ейишга ундади. Шундагина Мансур идрок-иродасига буйруқ берди, қизаринқираб атрофга разм солди. Унинг негадир кулгиси келаётганди, ўзи сезиб-сезмай калла ликкиллатиб, салом берар ва табассум қилаётганди. Буни сезиб ўзини қўлга олишга тиришди. Қоши, қабоғи, юзларини силади, тирсаги пастга тушиб кетиб мункиди, теваракка қараб хижолат чекди. Ҳеч ким эътибор қилмаётганига ишонч ҳосил қилгач, "Бренди"га қўл чўзди. Шиша деярли бўш эди. Ҳаммангни падарингга лаънат, деди у пичирлаб, Зокирни ҳам, деб қўшиб қўйди, қолган ичкиликни сипқорди. Тебрана-тебрана кўзи гўштга тушди, бир бўлакчани оғзига солди ва ўрнидан қўзғолди. Дарҳол етиб келган официантга айтган пулини берди ва ўзини маҳкам тутганча, оёқларига куч бериб ташқари юрди. Хизматкор уни кузатиб чиқди, вазиятни сезиб, ҳушёр турган Комилбек дарҳол хўжайиннинг қўлтиғидан олди.

Уч-тўрт ой бурун хайдовчиликка ишга кирган Комилбек Мансурни аввал бундай аҳволда кўрмаганди. Етаклаб келди-да, машинага ўтқазди, тўппа-тўғри уйга ҳайдади. Мансур алланима дегандек бўлди, Комилбек машинани секинлатиб унга қулоқ тутди, аммо лукмасини уқиб ололмади. Мансур сўкинишга тушди, машинани бутунлай тўхтатган Комилбек хўжайинининг авзои бузуқлигини сезди:

— Тушунмадим, хўжайин, қаёққа ҳайдай? — дея сўради.

— Хоҳлаган ерингга... — алжиради хўжайин.

Комилбек нима қилишини билмай қолди.

— Туш машинадан! — ўшқирди хўжайин.

Комилбек машинадан тушди, рулга Мансурнинг ўзи ўтирди ва шундай қаттиқ газ бердики, ғилдираклари чийиллаб олдинга учган машина кўздан зумда ғойиб бўлди. "Мен унга нима қилдим" дея ўйланган Комилбек анча вақт туриб қолди, сўнг воқеани тоғасига етказиш учун уникига йўл олди.

XXXVI

— Мана, бир яхши ўтирибмиз, қўшни, Қодир аканинг ишлари яхшига ўхшайди, а?

— Яхши шекилли, тез-тез телефон қилиб турибди, яқинда келиб қолар экан. Ўтган сафар келганларида, "Ишларим ўнгланяпти, вилоятларга текширишга чиқяпман, маҳкамадан жиддий бир иш таклиф қилишяпти, қани..." дедилар, ажаб эмас, ишлари юришиб кетса...

— Ишқилиб, яхши бўлсин, чакана қийналдими, бечора. Худо сизни етказиб, қизчаларини эплаб турибсиз. Роса қийинчиликларни ҳам кўрдингиз, айниқса, бизнинг хўжайин, ўчашиб, тижоратга кетган кунлар...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳаммаси ўтди, Рисолатхон. Худога шукр, яхшилар кўп экан дунёда. Қўни-қўшнилар, айниқса, сизлар...

— Э-э, биз ҳали ўндан бириниям қайтарганимиз йўқ, Нозимахон опа...

— Ака-укачилик шунчалик бўлади-да, Расул акага кўп раҳмат.

— Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади...

— Айтганингиз келсин. Ҳа, айтмоқчи, бугун касал кўргани бормоқчийдим, ярим соатгина қизчаларга қараб турсангиз.

— Вой бемалол, бемалол...

— Чойдан, нондан олинг, Рисолатхон, мен ҳозир овқатимга қараб қўяй.

— Чойни ичдим, раҳмат, энди мен турай...

Соат ўнларда лақиллашгани чиққан Рисолатхон ўрнидан қўзғолди, Нозима уни кузатиб, чучварасидан хабар олди. Бугун собиқ қайнотаси Наби Мусаевични кўриб келмоқчи. Ойлар ўтди, йил ўтди, ҳар куни шу савобли ишни бажармоқчи бўлади-ю, фақат бир қарорга кела олмайди. Нозима маҳалла-қўйни, бу атрофни обдон билиб олди, Наби Мусаевичнинг уйи узоқ эмас, фақат боришга юраги бетламайди холос.

Эски яраларнинг тирналишидан қўрқмайди, энг аввал Наби Мусаевичнинг юзига қандоқ қарайди. Унинг енгилтаклик билан қилган ишига чакана куйдими қайнотаси. Шуларни ўйлаб бормай деса, Нозимага дунёда биттаю битта мехрибон одам шу эди. Буни асло унутиб бўлмайди. Қолаверса, бечора қачонлардан бери касал экан, қўни-қўшнилардан суриштириб турибди. Қанчалар яхши кўрарди у Нозимани. Шифохонага тушиб қолганда тинимсиз, мунқиллаб қатнади. Нега бормайди, одамгарчилик қаёқда қолди?

Ва ниҳоят бугун боришга аҳд қилди, Наби Мусаевич севган таомини тайёрлашга киришди. Киришди-ю, оёқ-қўли қалтирай бошлади, сира ўзини тута олмайди. Борса, нималар юз бераркин? Мансур билан тўқнаш келиб қолса-я! Бу ўй калласига келиши билан юраги қаттиқ дукурлади, кўнгли озгандек бўлди.У ён-бу ён юриб, ўзини зўрға босди. Зебо ўша ердамикин? Унга нима дейди? Айниқса, Наби Мусаевичга... Ўзининг қадрдон устози, собиқ қайнотасининг юзига қандоқ қарайди? У кўп нарсани ипидан игнасигача суриштиради энди. Ишқилиб, ўзи тузукмикин?

Чучварани тугунча қилиб, йўлга тушди-ю, яна юраги дукурлаб, беҳаловат бўла бошлади. Йўл бўйи талвасада кетди. Ана ўша қадрдон уй. Бахтиёр онларида ҳар куни қатнарди.

Уй анчайин бошқача бўлибди, таши чиройли ясатилган, томигача рангга бўялган, дарвоза янги. Нозима дарвозага яқинлашганда ёшроқ аёл чиқди, Нозимага бироз тикилиб турди.

— Домлани кўрганими? — мулойим сўради.

Нозима бош ирғади.

— Дўхтирлар қўярмикин? — деди у ортига қайтиб юраркан, Нозимани ичкари бошлади...

Ҳовли тартибланган, гўё тўйга тайёргарлик кўрилгандай сариштa эди. Юраги тапир-тупур ураётган Нозима: "Нима, домланинг куни яқинмикин?" деб ўйлади. Ичкаридан чиққан нотаниш аёл:

— Келинг, ким бўласиз? — дея сўради, у афтидан каттароқ лавозим эгасидек гапирарди.

— Мен... домланинг шогирдлариданман, — дея олди Нозима.

— Унда тўхтанг, — деди аёл янада овозига жиддийроқ тус бериб. — Ҳозир, кутиб туринг... — қўли билан ҳам "тўхтанг" ишорасини қилди-ю, ичкари кириб кетди.

Остонада Зебо кўринди, Нозима титраб кетди.

— Опажон! — чопқиллади Зебо, Нозиманинг бўйнидан маҳкам қучиб олди. –Опажоним, опажоним...

Нозима ҳам ўзини тута олмади. Юраклари бўшагач, Зебо ичкари бошлади.

— Дадам тузукмилар? Яхшими ишқилиб?... — сабрсизлик билан сўради Нозима.

— Тузук, — афтини бужмайтириб, ташвишлардан ҳоригандай жавоб қилди Зебо.

Зебонинг ён хонага бошлаганини кўриб Нозима :

— Тезроқ кўрай дегандим, — деди илтижо билан.

— Ҳозир Тошкентдан бир профессор келиб кўряпти, — шаштидан қайтарди Зебо. — Бу ёққа ўтиринг, тугунни менга беринг.

— Вой, опажоним-ей, қаёқларда юрибсиз? — ўтиришаркан суриштира кетди. — Бизни хуноблар қилиб, ном-нишонсиз кетдиз, а, опажон...

Нозима ерга қаради, Зебо давом этди:

— Акам билан гаплашмай қўйганмиз, дадам умуман гаплашмайди, ўзи ҳам кам келиш...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Орага жимлик чўкди. Анчадан сўнг сукунатни Нозима бузди:

— Дадам бардамми, ишқилиб, нима қилган ўзи?

— Янги йилда бир шамоллаганча қайта ўрнидан турмади, бошқача, ҳар ким ҳар бало дейди, ҳамма дўхтирларнинг гапи бўлакча. Жуда озиб кетганлар, юз хил дори қуйиб ётишибди, аниқ диагноз йўқ. Юраги бутун, шу ушлаб турибди, шекилли.

— Гаплашадими? — ташвишда сўради Нозима.

— Гаплашади, тез чарчайди, деярли уйқусиям йўқ. Ухлаб-уйғониб ётаверади. Қуввати йўқ, тура олмайди. Ёнида битта дўхтир, битта ҳамшира қўйиб қўйишган, ўшалар олишиб ётишибди.

— Худо умрини берсин, ишқилиб.

— Ҳамма нарсадан норози, иккала акамни сўкади, кўзимга кўринма дейди. Жуда узоқ ётди, ўзиям қийналиб кетди.

— Қайси янги йилда оғриди, бу йилми?

— Йўқ, ўтган йили. Янги йил кечаси сизларникига борган экан. Салима опа айтди. Соат ўн иккида ўша ерда тентираб юрган экан. Сизни эшигингизни қоқиб турганда Салима опа чиқибди. "Ҳеч ким йўқ" дегандан кейин қайтиб кетибди. Ўша келганча ётиб қолди.

Нозиманинг кўзларидан иссиқ ёш қуйилди.

— Ҳалигача сизни сўрайди.

Энди Нозима елкалари титраб йиғлай бошлади, Зебо кўзига ёш олиб давом этди:

— Акамга икки дунё барибир. Сизам бизни ташлаб кетдиз. Шу ишлар бўлмаганда, дадам оғримас эди... Сиздан кейин бу хонадонлардан файз кетди. Ҳеч ким бировни йўқламайди. Мансур кўр ўша қишлоқиларга қўшилиб кетди.

Дўхтирлар ташқари юрди чоғи, Зебо:

— Ҳозир, мен хабар олай-чи, — дея хонадан чиқди ва коридордан туриб унинг "Юринг, келиная" деган овози эшитилди.

Нозиманинг юраги яна ҳовлиқа бошлади. Наби Мусаевич эски ўрнида, янги, чиройли каравотда ётарди. Хона мисоли палата — шифохона анжомларига тўла эди. Нозима Наби Мусаевичга тикилди, унга арвоҳ туси кириб қолибди, ияк суяклари нақ ажраб турар, оғзи очиқ ухламоқда эди. Нариги томонда семизроқ дўхтир аёл, оёқ томонида эса ҳамшира толиқиб зериккандай, суст ҳаракатланарди. Нозима Наби Мусаевичга яқинлашар экан, хонадан гупиллаётган дорилар ҳидини энди сезди. Титраб-қақшаб илгари юрди, шунда Зебо:

— Дада, Нозима аям, — деди, беморнинг бошига энгашиброқ.

Наби Мусаевичнинг хириллаши тинди, кўзи очилди, мадорсиз у ёқ-бу ёққа қаради, Нозимани кўрди-ю, яна кўзларини юмди, юзларида ёш юмалади.

— Дада! — деди Нозима пиқиллаб, Наби Мусаевичнинг қўлини ушлади, қўл совуқ эди.

Нозима иккинчи қўлини Наби Мусаевичнинг пешонасига қўйди ва "Дадажон" деганча кўзларидан ёш қуйилди. Бошқа гапира олмади. Бу ҳолат анчагача давом этди, охири Наби Мусаевичнинг қонсиз лаблари ҳаракатга келди:

— Раҳмат қизим, қайтиб келдингми? Мансур тавбасига таяндими?...

Нозима жавоб қилмади, Наби Мусаевич эса гўё Нозиманинг ушлаб турган қўллари унинг кўнгли билан сўзлашаётганидек, дам олиб-дам олиб давом этди:

— Яхши қипсан қизим, Худо умрингни берсин, у аҳмоқни маҳкам ушла, йўлга сол...

Бу гапларни Наби Мусаевич худди видолашаётгандай гапирар, ҳаёт нишонаси ўчган қоқ сўнгак юзлари ҳеч нарсани ифода этмасди.

— Дада, сизга чучвара пиширив келдим, — дея пешона, елкаларини силади Нозима.

Наби Мусаевичнинг кўзлари катта очилди, танаси бир титрагандай бўлди.

— Қани? — деди у бор кучини тўплаб.

— Мана шу ерда, — Зебо ҳаракатга келди.

— Ана энди тузалиб кетамиз, тургизинглар, тураман... — интилиш ифшо этди бемор.

— Йўқ, йўқ, мумкин эмас, — қатъий буюрди четроқда турган дўхтир яқинлашиб.

Наби Мусаевич чап қўлини аранг кўтариб, "бас, ишингни қил" дегандай ишорат этди. Дўхтир ва ҳамшира унинг боши ва елкасига ёстиқ тираб кўтардилар. Наби Мусаевич хонани илк бор кўраётгандай кўз соққасини у ён-бу ён айлантирди.

Зебо чучвара келтирди. Қошиқни ушлаган эди, дада-

www.ziyouz.com kutubxonasi

си, Нозимага бер дегандай ишоратда, калла бурди. Шу заҳоти Нозима унга чучвара тутди. Наби Мусаевич тамшаниб чучвара ея бошлади. Буни ҳеч ким кутмаган, хонадагилар бир-бирларига қараб олдилар. Чарчади шекилли, Наби Мусаевич бошини ёстиққа ташлади, Нозима унинг лабларини артди.

— Мана энди тузалдик, — деди Наби Мусаевич. Худонинг қудрати билан у анча тетиклашди.

— Чой, — деди у яна, чой тутишди. — Мансур келмадими? — сўради у.

Нозима нима дейишини билмай қолди, шунда Зебо ёлғон сўзлади:

— Келади, келинаямни ташлаб кетди.

— Қизим, тез-тез кеп тур, — пичирлади Наби Мусаевичнинг лаблари, ўзи эса енгил тин олгандай ухлаб қолди.

Нозима унга анча тикилиб турди-да, сўнг Зебонинг ортидан ташқари юрди. Афтидан Зебо келинаяси билан гаплашгиси бор эди. Нозима буни сезиб турса-да, узоқ қолгиси келмади. Кўчага чиқишгач Зебо:

— Ҳозир қаердасиз, турмуш-пурмуш қилдизми? — дея қизиқсинди.

— Уйим бор, аҳволим ёмон эмас. Зебо, яқинда... — Нозима дудуқланди ва бирдан: — Яқинда тегяпман... — деб юборди.

Туйқус Нозиманинг эгик боши мағрур кўтарилди, кўзлари чақнаб, олисларга тикилди. Дадил қадамлар билан юриб кетди. Йўл-йўлакай қулоғига ҳеч қандай товуш кирмас, миясида ўзи айтган ана шу сўнгги ибора айланар, буни Зебога айтишга айтиб, ҳозир ўзи билан ўзи курашарди:

— Нега тегмас эканман?

— Кимга?

— Бунинг аҳамияти йўқ...

— Нега бу фикрга келиб қолдинг?

— Нима бўпти? Мен песманми, кўрманми ё шолманми?

— Тегиб нима қилмоқчисан?

— Ҳеч нарса...

— Унда нега тегасан?

—...

— Мансурга ўчашибми?

— Ҳеч ҳам.

— Унда нега?

— ...

— Ўзингни алдама?

— Нега алдайман?

— Туғмоқчисан.

— Туғмоқчисан?

— Ҳа, туғмоқчиман.

— Ҳеч ҳам.

— Ёлғон. Ўзингни кўрсатмоқчисан.

— Нега кўрсатай?

— Чунки аламзадасан, шунинг учун туғмоқчисан.

— Туғаман, бир мартага туғаман, ўламан...

Нозима қандай уйга етганини билмай қолди. Фақат уйга кириб, қизчаларни кўргандагина ўзига келди, ўзлигини топди. Истиқболига югурган икки қизалоқни бағрига тортди-да, ўкириб йиғлаб юборди.

XXXVII

Энди бу ҳаммасидан ошиб тушди. Ҳа, Каниза тушунди. Гумонлари ҳаммаси тўғри. Кейинги пайтларда бу одам ўзгарди, қолди. Отаси билан онасини ҳажга юборган кезларида бундай эмас эди, уларни чакана шодиёналар билан кутиб олдими? Яқиндан бери тубдан ўзгарди. Туриб-туриб тунд бўлиб қолади. Тили бийрон, югуриб юрган Жасурбекка ҳам бепарво. Демак тушунарли...

Буниси энди карга ҳам кўрга ҳам аён. Ўша қанжиғини қўмсаяпти. Кўп ичадиган одат чиқарди. Жасурбекка бошлаган болахонадор уй билан ҳам иши бўлмай қолди. "Европача қиламан, немисларни лифтини ўрнатаман, бино депарада битта бўлади", деб юрганди.

Бугун ғирт маст келиб, худди бурга чаққандай хотинчасининг хонасига кириб кетди. Каниза илк бор бу хонадонга келганда ўша қанжиқ шу хонага кўчиб олганди. Канизанинг никоҳи ҳам ўша ерда ўқилганди. Кейин у ерда ўша турганди. Ҳид-пиди қолгандир-да.

Ичмай тешиб чиққур машинани зўрға олиб кирди, тўхтатди, ҳа деганда ичидан тушмайди. Каниза бориб қараса, рулга бошини қўйиб ётибди. Каниза яхши гапирди, машинадан туширмоқчи бўлди, у эса чап қўли билан итариб, силтаб юборди. Кейин гандираклаб ўшанинг хонасига кириб кетди. Мана ҳозир ҳам ётибди, сасиб ўша ерда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тун алламаҳал бўлган, Каниза ўй-фикрлар тўзонида бир қарорга кела олмасди. Нима қилсин? Ҳозир уни қарама-қарши хаёллар қийнамоқда эди. Биринчиси, энг кучлиси, гина-кудурат, аразга бурканган ғурур. Иккинчиси, уни Мансурнинг олдига етаклаётган, ҳозирда ўзи англаб ололмаётган ундов, қанақадир тушунарсиз интилиш, асов куч. Аввалига биринчиси устунлик қилди. Вақт ўтган сайин энди иккинчиси ҳужумга ўтар, қандайдир тўлқин ўрнидан қўзғотар, ҳаловат топмасди. Охири бўлмади, шартта чироқни ёқиб, соатга қаради, соат бирга яқинлашибди. Ташқари йўналди. Кўзи Нозиманинг хонасига тушди-ю, таққа тўхтаб қолди. Нимадир унинг кўксидан ортга итарди. Йўқ, йўқ... Миясида ҳамма нарса айқашиб-уйқашиб кетди. Шу Нозима, дунёда умуман бўлмаганда эди! Нега у бор, нега? Каниза худди Мансур акасини йўқотиб қўяётгандай ўртанди, чуқур уҳ тортди, нима қиларини билмай, ортга қайтди. Кўкси оловланиб ёнаётганди.

Тўхта, деди ўзига ўзи бир вақт, нималар деяпсан? Нима қиляпсан? Нозима сенга бирон нарса қилдими? Йўқ одамга намунча куйиб қовурилмасанг? Эркак киши дегани ичади, маст бўлади, ҳамма эркак шу-ку, ахир? Мансур сенга нима қилди? Юрибди ўзини йўлида. Мушугингни пишт деяётгани йўқ. Жуда илгаригидек бўлмаса, шунчалик бўлар. Ҳў-ў, Каниза, ўзингдан кетма. Эркак ўз йўлида, хотин эса ўз йўлида яшайди. Ҳаёт кино эмас. Ундан яна нима истайсан? Эр бўлар бўлса, Мансурчалик бўлади-да. Еганинг олдингда, емаганинг ортингда, қўлингни совуқ сувга урмасанг, болаларингга хизматкорлар қарашса, овқатинг пиширилса, қиладиган ишинг ўзингга оро бериш, телевизор олдида ўтириш бўлса. Тагингда машина, ёнингда ҳайдовчинг, хоҳлаган ерингга борсанг, мундоқ танангга ўйлаб кўр, ҳаддингдан ошма... Қишлоқдагиларинг Ёрқувонда битта бўлишди. Айтганинг айтган, деганинг деган. Яна нима керак? Чиқ унинг олдига, яхши гапир, сила, сийпала. Қул бўл. Бунақасини топиб бўпсан. Сенга ким қўйибди ўпкалашни? Кимсан ўзи, Каниза? Кеча, икки йил бурун ким эдинг? Рост. Ким эдинг? Бахт бўлса шунчалик бўлар...

Хў-ў-ўп, ана кет. Болаларни ол-да, қишлоққа кет. Хў-ўш, нима бўлади, нимага эга бўласан? Бу яна биттасини олади. Ақлингни йиғ, бола! Хато қиляпсан, хато... Бор, ундан хабар ол, бу сенинг вазифанг...

Дарҳақиқат, Каниза ўйлаб қараса, Мансур улуғ одам экан. Ундан гина қилиб нима қилади. Уни Самадга солиштиришга сира ақли бовар қилмайди. Самад қаёқда, Мансур қаёқда. Шубҳа-гумонлар аралаш юрагининг тубида яна алламбалолар юради. Дейлик, дунёдаги ҳеч нарса боқий эмас. Хонадонга келиб, Жасурбекни туғиб бериб, бекага айлангандан буён, худди қиш ёз билан тўсатдан алмашгандек, ақл бовар қилмас даражада ўзгаришлар юз берди. Бу фақат эртакда ёхуд кинода бўлиши мумкин, холос. Аввалига Каниза ҳўл чориғидан қутилганига шукр қилди, бирдан елкасидаги хуржун тиллога тўлди, олтин балиқчадан тилагандек елвизакли, зах, битмаган уйи қасрга айланди, ерга солинадиган ҳўл кўрпаси пару болга энди, осмондан тушган шаҳзода қучоғига олди...

Зумда Жасурбек туғилди. Каниза пошшоойим. Ундан бекорчи одам йўқ. Жасурбекни эмизгани олиб киралилар холос. Илгари хаёлпараст эди. Бугунги кўраётган кунларини орзу қилиб юрар, аммо ўзи ишонмасди. Энди рўё ҳақиқатга айлангач, бекорчилик азоб берарди. Негадир хаёл сургиси келмасди, ўзини мажбур этса-да, кўзи ялтираб турган қимматбаҳо нарсага тушар, хаёли шу заҳоти пароканда бўлар, унинг ўрнини ҳаёт завқи эгаллардди. Янги шароит, янги уй, янги ҳаёт тарзи, бойлик, сайру саёҳатлар, ресторан боришлар, янги одамлар, янги танишлар, кундан-кун вазминлашаётган тилло хуржуни уни сармаст этар, бахту саодатдан кўкси ҳаприқарди. Кейин-кейин бундай жўшқин ва тошқин сой ўз ўзанига тушиб олар экан. Барчаси оддий ҳолга эниб бораркан.

Каниза гоҳида ўзининг ўрнида бошқа аёл бўлса, қанот чиқариб учиб юборса керак, деб ўйларди. Ўзини ақлли ҳисоблар, ҳар қандай шароитда эски чориғини унутмасликни тан оларди. Шундай кезларда Мансурга бирон иш қилиш ҳақида маслаҳат солар, у эса кулиб қўяқолар, бу билан гўё эсингизни едингизми, демоқчи бўларди. Бундай пайтда "Сизнинг каллангиз яхши, сизни ўқитиш керак" дерди. Кейин эсидан чиқиб кетаверарди. Каниза шунга ҳам хурсанд бўлар, мени биладиган, тушунадиган одам бор, дея кўтаринкиланар, жавондаги китобларни титкилар, ёққанини ўқий бошларди. Китоблар асосан

www.ziyouz.com kutubxonasi

тарихга оид, адабий китоблар ҳам кўп, бироқ рус тилида, унга Канизанинг тиши ўтмасди. Барибир, у кўп китоб ўқиди. Уйда китоб қолмаса, топтириб ўқийдиган бўлди. Ёшликдан китобга қизиқмаган Каниза китоб жинсисига айланди. Таржима қилинганки, чет эл китобларини топтириб ўқиди. Уларда чакана аёлларнинг тақдирини кўрмади, ҳар бирининг ўрнига ўзини қўйиб кўрди. "Бовари хоним"ни ҳеч тушунмади, мана ҳозир уни учинчи марта синчиклаб ўқимоқда. Гап нимадалигига энди-энди ақли етяпти... Ўзбекча китоблар ҳам, чет эл китоблари ҳам ҳаммаси ҳаёт ҳақида, севги ҳақида... Аммо ўзбекча китоблар сунъийроқ, ғалати... Ё ҳаётни ўзи билгани учун шунақами, яна ким билади. Бироқ китоб бошқа, ҳаёт бошқа экан.

Мана, шу кунларни олсин. Ҳамма нарсаси бўла туриб, кўнглида ҳадик. То абад бу кунлар шундай қоладими? Ёки ҳаммаси асфаласофилинга учадими. Ҳеч нарса абадий эмас. Буни Каниза билади. Ана шундай ўй босган кезларда, хўп, учса нима дейди. Соғ бўлишса, тинч бўлишса бўлди-да. Бойлик кимга вафо қилибдики, уларга вафо қилса. Шуларни ўйлаб туриб, вахимага тушади. Лекин кўнглининг чет-четида у бундан қўрқмайди. Аммо Худо сақласин. Болалар бор ахир. Уларни ризқини улуғ қилган бўлсин, илойим.

Мансур улардан, яъни Канизадан кечадими? Мураккаб муаммо. Бу кишининг характери қизиқ. Ўта камгап. Гапни суғуриб оласан. Аммо ўзи самимий, боқишлари ишончли. Одамга мехрибон. Тўғри, гоҳи-гоҳида тунд бўлиб олади. Бирон нарсага диққат бўлса керак, деб ўйлайди Каниза, унинг ҳолатини диққатпазликка йўяди. Кўнглини кўтаришга уринади. Фақат кейинги пайтларда кўп айнияпти. Илгари уйга ошиқиб-тошиқиб келарди. Канизани кўрибоқ кўнгли тинчирди-ю, ўғли билан машғул бўларди, икковлон чарчагунча қувнаб ўтиришарди. Жасурбекни бошига кўтаргани-кўтарган эди. Энди эса тунд келганча, ўғли эсига келмайди. Унга нима бўляпти ўзи? Каниза ҳайрон. Ахир Канизани шундай суярдики, қўйгани жой топа олмасди. Индамай келиб ётиб олади-ми-ей, қовоғини уядими-ей, бирам вазмин ҳаракат бўлиб олади, ер ютгур, тепса тебранмайди. Ўзига келганда эса... Э-э. Ўшанда ҳам аввалги Мансур эмас. Шундай бўлгандан кейин хотин киши, ахир, ўйлайди-да... Ё бирон-тасини топиб олдими? Ё бирончисини қўмсаб қолдими? Каниза шартта кетиб юборай деса, энди қишлоққа нима деб боради? Шунинг учун доимо бир фикрни ўйлаб юради. Ўзининг номига ҳеч бўлмаса битта дўкон қурдириб қўйиши керак. Қани энди битта чордевор бўлса ҳам уйча олиб берса? Шундай деса кулади, холос. Ё бу одам ҳамма нарса абадий деб ўйлайдими, ким билади тағин. Энди маҳкам ушламаса бўлмайди, шекилли.

Кундан-кун ўзгариб боряпти — бир. Каниза чинакам хотини бўлса, бирон-та қариндош-уруғи билан таништирмайди, гўё ўйнаш. Бу иккинчиси. Эр деганнинг на акаси, на укаси, ҳеч кимини танимайди, билмайди. Кўргани-билгани шу тўртта девор. Қайнота бўлмиш — дадаси иккинчи йил касал ётибди, Каниза, кўриб қўйиш керакмиди, деб қийналади, бунинг туриш-турмушидан бир нарса дегиси келмайди. Бу ерга келибдики, энди-энди сал маҳаллага аралашадиган бўлди. Яқиндан бери. Қизиқ, бу одам ўз отасини — касал ётган одамни бориб кўрмайди, ҳеч гапирмайди ҳам. Акаси, синглиси бор, борди-келди йўқ. Бемеҳр. Шундай бемеҳрки, асти қўясан. Туғишганларига муносабати шу бўлса. Каниза ким, етти ёт бегона-ку! Бир кун кўчага ҳайдаб солиши турган гап. Демак, Каниза чуқурроқ ўйлаб кўриб, бирон нима қилиши лозим шекилли. Темирни қизиғида бос. Лапшайиб юриб, кунингни кўриб қолишинг ҳеч гап эмас.

Қўшни хотинлардан бири айтгандай, болани кўпайтирса бўлар экан-у, лақиллаб Мансурнинг бир-икки йил ўйнаб-кулайлик деганига бекор кўнибди. Иккита-учта бола қилиб қўйса, ўралашарди-қоларди, қочиб қаёққа борарди. Бу хатони тўғрилаш керак. Эртага шахсий дўхтири келади, шундай қилмаса бўлмайди.

Энг асосийси, ўзига келгандан кейин қаттиқ гаплашиши керак. Шу пайтгача Мансур нима деса, хўп деб юрди. Мана оқибати, сувлар тескари оқишга бошлади. Хотин деган эркакни бўйни, у қаёққа бурса, эр ўша ёққа бурилади, деб бежиз айтишмаган. Нега бўшашади Каниза? Эпли-сепли, шудли-будли бўлиб, тизгинни қўлга олмаса, эркак киши асовлигича юраверади. Эркак деган ўзи ғалати нарса. "Дуп" этиб пешонаси урилмагунча телба-тескари босиб, ҳовлиқиверади. Эркинман, зўрман, мени айтганим бўлади, деб танасига сиғмайди. Аммо бош эга-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дигани, ялинадигани хотин эканини ҳар доим ҳам ўзи англамайди. Онаси айтар эди: "Ер ютгур эркакларни шундай яратиб қўйганки, жонингни фидо қилиб юборгинг келади. Шунинг учун мана шу Сўпига кўниб ўтяпман-да, шундан ажратмасин".

Ташқаридан шарпа эшитилди. Каниза мундоқ қараса, ҳали ҳам ортга қайтганча коридорда турибди. Мансурнинг уфлагани, томоқ қириб йўталгани ва "вой-ей" дегани эшитилди. У қийналяти. Каниза ташқари юрган ҳам эдики, остонада афти-ангори бир ҳол Мансур пайдо бўлди. Уялинқираб Канизага саросимада тикилди, нигоҳларида ўкиниш, сўраниш бор эдики, барча беъмани ўйлари пароканда бўлиб, юрагига тўлган бахтдан энтиккан Каниза ўзини қандоқ ташлаб, Мансурнинг оёқларини қучганини билмай қолди...

XXXVIII

Нозима қизчаларини ювинтириб, овқатлантириб, ухлагани ётқазди, чироқларни ўчириб ўрнига кирган ҳам эдики, Чаканинг қаттиқ безовталангани ва эшик қўнғироғининг чалингани эшитилди. Куз ҳавоси, совуқ тушиб қолаётир, жужунчасини елкасига ташлаган Нозима дарвоза эшикчасини очишга шошилди. Очаркан, ташқаридан Қодир Алиевичнинг ҳаяжонли овози эшитилди:

— Нозима? Мен, мен...

— Вой, ҳозир, — деди Нозима шошиб.

Қоп-қора узун машина дарвозага тўғриланганча турарди. Қодир Аливич эшикча очилиши билан ўзини ичкарига олиб, Нозима билан саломлашди-да, дарвозани очишга киришди. Ичкари кирган машинадан олифтанамо яна икки киши тушди.

— Қани меҳмонлар, ичкарига, — деди Қодир Алиевич.

Ичкари шошилган Нозима тезда меҳмонхона чироқларини ёқиб юборди. Меҳмонларни бошлаб кираётган Қодир Алиевич: "Мана шу бизнинг кулбаи ахзонимиз", дея уларни ичкари олди. Меҳмонлар жойланар эканлар, Нозима ошхонага чопди, дарҳол газни ёқди, чой қўйди, миясидан уйдаги бор шуд-буди ўта бошлади. Хашпаш дегунча орқасидан кириб келган Қодир Алиевич стол устига қўлидаги пакетларни қўйди ва:

— Нозима, улар мен билан ишлашади, қўшни вилоятга кетаётгандик, ров тушдик, бироз сизни уринтирамиз, — деди.

— Ҳечқиси йўқ... — каловланди Нозима.

— Ўзингиз яхшимисиз, сизга минг раҳмат, Нозима, — деди Қодир Алиевич ўта самимий. — Қизчалар қалай, қийнаб қўйишмаяптими?

— Бир яхши юришибди, сизни жуда соғинишган...

— Мен ҳам, — деди Қодир Алиевич ва Нозимага қандайдир тикилиб қолгандай бўлди.

Нозима ўнғайсизланганини билдирмай тезда:

— Афсус, ухлаб қолишганди, — деди.

— Майли, майли, бироздан кейин уйғотамиз. Ҳозир меҳмонларни бирёқлик қилиб олайлик. Мана бу ерда ҳамма нарса бор, пиширилган гўшт ҳам, ҳеч нарсага овора бўлмайсиз...

— Уйдаям ҳамма нарса бор, — қўшимча қилди Нозима.

Икковлон қўли-қўлига тегмай, дастурхон тузашга киришиб кетдилар. Охирги тақсимчани олиб кириб кетаётиб Қодир Алиевич:

— Нозима, улар мени сафдошларим, сиз ҳам бирга ўтирасиз, — деди.

— Йўғ-э, Қодиржон ака, бемалол... — жавоб қилди Нозима. "Қодиржон ака" деб юборгани ўзига ғалати туюлди, қандайдир уялиш ҳиссими, шундай бир нарса туйди, Қодир Алиевич ҳам кетаётган жойида бир тўхтаб қолгандай бўлди.

Нозима ўзига ҳайрон қолаётганди: нега у бугун Қодир Алиевич олдида ғалати бўлмоқда? Нега унинг ортиқча эътиборини кутмоқда? Нега Қодир Алиевич меҳмонлар олдига кирди, қайтиб чиқишини, ошхонада бўлишини истамоқда? Ана у, меҳмонларни олинглар, олинглар қилиб қайтиб чиқди. Бироқ, Нозима кутгандек, бу томон келмади. Қизларининг олдига кирди, шекилли. Дарҳақиқат, узоқ йўқолди. Нозима нима қилишини билмасди. Ва ниҳоят Қодир Алиевич қизчалар хонаси томондан чиқди, яна меҳмонлар олдига кириб кетди. Энди Нозиманинг тоқати тоқ бўла бошлади. Яхшиям ёдига сабзи тўрғаш келди, кеч бўлса ҳам ош қилиш зарур. Ахир меҳмонлар узоқдан келишган, қолаверса, уятли одамлар. Сабзи тозалаш Нозиманинг жонига оро кирди. Аммо қулоғи меҳмонхонада эди. Меҳмонхонанинг эшиги

www.ziyouz.com kutubxonasi

очиқ турар, у ердаги гап-сўз, хатти-ҳаракатлар баралла эшитилар, меҳмонлар одоб билан сўзлашиб ўтиришарди.

— Ҳалиги гапни давоми, Қодир Алиевич, — деди улардан бири.

— Ҳозир, ҳозир, мана шуни ҳам олайлик, — Қодир Алиевичнинг меҳмоннавоз, ёқимли овози келди, қадаҳлар жиринглади. — Хўш, энди айтаверинг...

— Ўша айтганимиз, ҳар қандай жамият ўз ўрнини янгисига осонгина бўшатиб бермайди. Янгиликни, янги турмуш тарзини ҳар ким ўз қаричи ила ҳазм қилади.

— Айрим одамлар ўзини ҳамиша замондошидан орқада қолиб кетаётгандай, бугун улгурмаса, эртага кеч бўладигандай ҳис қилаверади, пойга юзага келади. Чунки эҳтиёж ўралари улкан бўшлиқдан иборат бўлиб, ҳадсиз-ҳудудсиздир. Буни атроф-муҳит билиб туради, пойга жамият ривожига қаттиқ таъсир этади. Бу ўз навбатида ҳукумат олиб бораётган сиёсатга тўсиқ бўлади. — Бу Қодир Алиевичнинг овози, қандай ёқимтой... Нозима гапларни жон қулоғи билан тинглаётганди.

— Эҳтиёж ўраси ҳақида гапирдингиз, — гапни олди янада салобатлироқ овоз, — Бу жуда муҳим масала, у янги иқтисодий шароитда миллий хусусиятлар билан айқашиб кетади. Айниқса, ўлик мол тўплаш характерига эга бўлган шахсда тамоман салбий тус олади. Хусусийлаштириш жараёнида бу панд беради. Хусусийлаштиришнинг моҳияти аслида мулкка эгалик ҳиссини шакллантириш, корхона эгасининг маблағи орқали уни ривожлантириш, янгилаш, янги иш ўринлари ташкил этиш, мамлакат ривожига ҳисса қўшиш. Ана шу йўл билан корхона мулкдорларнинг кўчмас мулкига айланиши керак.

— Тўғри айтасиз, хусусийлаштириш тайёр мулкни сандиққа босиб ўтириш эмас, албатта.

— Ҳақ гап, — деди иккинчи меҳмон, — яъни тўғри йўлдан бориш яратувчанлик ва тўғриликка қўланка туширмайди.

— Ҳолбуки, бизда ҳозирча шундай.

— Бироқ, — унинг гапини бўлди Қодир Алиевич, — бу ҳам вақтинчалик ҳодиса, бугун бўлмаса эртага у барҳам ейди...

— Ёшлар масаласига келсак — бу энг соғлом, кучли ва ҳар қандай шароитда келажакка ишонувчан, шароитга мослашувчан қатлам, бўғин десак ҳам бўлаверади. Улар учун бугунги муаммолар муаммо эмас, юрак сиқилиши бегона. Замон худди уларникидай мослашаверадилар, ҳаёт учун оқилона курашаверадилар ва тўғри қиладилар. Куни келиб, улар ўрта бўғин ўрнига келадилар, ана шунда том маънодаги тозариш, жамиятнинг соғломлашуви юз беради.

— Тўғри, тўғри, уларнинг вақти келади, кўп муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлади.

— Биласизми, яқин ўртада шундай пайт келадики, иллати йўлларга юришдан жамият чарчайди. Ҳақиқат, тўғрилик истаб қоладилар. Ана шунда чин маънода қонунлар ишлай бошлайди. Қонунлар шу даражада устуворлашадики, жамият уларни муқаддас деб билади. Ҳақиқий демократия шаклланади.

— Сиз ҳақсиз, Қодир Алиевич, — деди салобатли овоз, — ана шундай бўлади.

Олим одамлар, шекилли, ўйлади Нозима, қулоғи бу томонга динг, ошга уннай бошлади. У бўлаётган суҳбатдан маза топаётганди. Суҳбат асносида ўзи билган-кўрган одамлар кўз олдида гавдаланар, уларга эш мактаби, завод-фабрикалар, сою сайхонликлар, ҳад-ҳудудсиз далалар, меҳнаткашлар, шаҳар тўла одамлар нигохидан кино лентасидай ўтарди. Букри ўқув бўлим мудири хаёлини тарк этмасди. Мактабни бошқариш шу букрига қолганда. Ўша нима деса, шу...

Ичкарида эса суҳбат қизигандан-қизиб борарди.

— Инсонга қандайдир соҳани бошқариш имконияти берилганда, у фақат ўзини ўйламай, элига хизмат қилиб, яхши ном қолдирса, қандай яхши.

— Ана шу нарса қизиқ.

— Манфаат деган нарса ёмон. Нафс деган нарса ёмон.

— Ахир ундан ўзини тийса бўлади-ю?

— Бунинг учун катта тафаккур керак, дўстим. Ўша даражага бориб қолаётганларнинг барчаси бирдай деб ўйлайсизми?

— Афсус. Афсус...

— Кадр деб шуни айтади-да... Бу масаланинг оқсаётгани ҳеч кимга сир эмас-ку. Бу — асли қийин масала. Ахир кадр тайёрлаш махсус университети йўқ. Кадрни ҳаёт етиштиради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳозирча барча кадр ўша ўрта бўғиндан. Ўша гап, уларнинг психологияси ва тарбияси ойдек равшан.

— Беш панжани баробар деб бўлмайди, ўша ўрта бўғин ичида ҳам пок, иймон-диёнатли, билимдон, омилкор одамлар сероб. Бундай одамлар ўзларини ҳурмат қиладилар, ҳамма жойга бош суқавермайдилар, шаънини эҳтиётлайдилар, хуллас, улар "ол, олдирма, от тизгинини қўйма" тоифасидаги фавқулодда одамлар эмас.

— Ҳа, ҳаёт жуда мураккаб ва сержабҳа.

— Бунинг учун қатъий ва аниқ статистика йўлга қўйилиши керак. Илмий институтлар тинимсиз ишлаб туриши талаб этилади.

— Кўряпсизми, умумий тараққиётимиз асослари ва белгиланмиш тамойиллар, танланган йўл тўғри. Чиқарилаётган қарор, фармойишлар ўз ўрнида, айниқса, қонунчиликни айтинг. Бундан келиб чиқадики, тараққиётга тўсқин бўлаётган фақат ўзимиз. Ҳа, бунда, именна, ўрта бўғин — бизнинг айбимиз катта. Агар матбуот ўз ўрнида ишлаганида эди, хаспўшлаш, хато-камчиликларни яшириш ўрнига ижтимоий сиёсат билан шуғулланилиб, кескин тушунтириш ишлари олиб борилиши фойдадан холи бўлмас эди.

— Қаранг-а, адабиётимиз ана шу ўрта бўғин иллат ва конфликтларини очиб берса, одамларни инсофга чақирса, тўғри йўл кўрсатса, бўлмасмиди?!

— Ҳаммасини баробарига ёмонотлиқ қилмаслигимиз керак.

— Яхшилари ҳам бор, албатта. Аммо бармоқ билан санарли. Ана шуларгина ўз юзи ва традициясини сақлаб келяпти.

— Мен айтаётган майда вақтли матбуот киоскаларни ранго-ранг тўлдириб ётибди. Фойдаси йўқ газеталар, ҳаммасида телепрограмма, сканворд, бало-баттарлар.

— Ёзувчиларимиз бутунлай четга чиқиб олишган. Ҳаёт эса, мана, мени ёз деб турибди.

— Замонни тез англаш қийин масала, бу ҳақда Чингиз оға пойтахтга келганда гапирган эди...

— Бир хитойлик танишим гапириб берганди: эллигинчи йилларда Хитой бўйича наша чекиш тақиқланган. Ҳукумат шундай қонун чиқаришга мажбур бўлган. Чунки еттидан етмиш ёшгача хитойликлар наша чекволиб, пичан ғарамлари устида кайф, ағанаб ётаверган. Иш билан, ҳеч нарса билан иши бўлмаган. Шунда ана шу қонун қабул қилинган. Ҳар бир провинция кўчаларига, чорраҳаларга хумор тутишини кетказувчи дори-дармонлар, таблеткалар бепул қўйилган. Барча баробар ушбу қонун талабини бажаришга киришган. Ўша танишимнинг айтишига қараганда, уларнинг бир қўшниси яширинча чекаверган. Қандай қилиб денг? Хотинидан яшириб, қудуқ ичига тушволиб, қудуқ устига шох-шабба ташлаб чеккан. Ўз хотини эрининг қонунни бузаётгани ҳақида бир неча бор айтган. Қулоқ солмагач, ҳукуматга ўз оёғи билан бориб етказган, эрини қаматиб юборган...

— Қизиқ, ибратли мисол... Қонуннинг хотин учун муқаддаслигини қаранг!

— Қонун ҳалолликка чақиради.

— Ҳалол, ҳалоллик улуғ нарса. Биласизми, "ҳалол" ўзи хислатли сўз экан, ҳарфларнинг тартиби ўзгартирилса "Аллоҳ" бўлади. Ишонмасангиз, ана ёзинг, алмаштириб кўринг. Мана бундоқ:

ҳ	*а*	*л*	*о*	*л*
1	2	3	4	5
А	*л*	*л*	*о*	*ҳ*
2	3	5	4	1.

— Чиндан ҳам қизиқ. Қаранг, а? Худди ўзи...

— Ё, тавба!

— Энди айтинг-чи, бу тасодифми?

— Билмадим, бир нарса дейишим қийин.

— Шунақа, мўъжиза кўп дунёда.

— Энди...

Нозима эшикни оҳиста тақиллатишга мажбур бўлди, эшикнинг очиқ турган қанотини аста чертди, шу заҳоти Қодир Алиевич оғзидаги гап билан чиқиб келди. Нозима унга товоқдаги ошни узатди. Қодир Алиевич Нозимага миннатдор боқди, холос. Ошни олди-да, ичкари кириб кетди. Нозима унда ўзига нисбатан эътибор сезмади. Илгариги сафар келганда, бошқача эди. Нозимага кўп термулганди, бечора қарашларига Нозиманинг раҳми келганди. Ҳозир Қодир Алиевичнинг кайфияти баланд, демак, ишлари яхши, кўнгилдагидек бўлса керак. Унга анча виқор кирган, одимлари ҳам шахдам, кийимбоши ҳавас қилгудек. Шерикларининг катта одамлар экани сезилиб турибди.

Нозиманинг нафаси ичига тушди. Демак, у қандай

www.ziyouz.com kutubxonasi

келган бўлса, шундайлигича қолади. Унинг бу ердаги ажри шундан бошқа нарса эмас. Нозима нега буларни ўйлаяпти? Кечагина ўзи нима деб юрган эди, энди ҳам юраверши керак. Қодир Алиевичдан илтимоси фақат шу эди-ку. Ҳой, Нозима, деди у ўзига-ўзи, сенга нима бўлди, эр деса, минг метрга қочмаётибмидинг? Юрагинг энди нега эзиляпти? Йўқ, ўзингга ўзинг номардлик қилма. Эс-ҳушингни йиғиб ол. Қодир Алиевич нима деб ўйлайди? Буёғидан қўрқма, у сени ҳеч қачон кўчага ҳайдамайди. Уйланмаганда ҳам оқсочлигингча юраверасан. Бир кунинг ўтади, тамом-вассалом.

Энди Нозима ўзини ҳар хил ўй-фикрлар билан овутишга тушди, ўйлаган сари ўйлари айқаш-уйқаш бўлиб, карахтланиб бораётганди. Ошхонада бир нуқтага тикилганча ўтириб қолди. Қанча ўтирди, билмади. Кийинган ҳолда Қодир Алиевич кирмаганда, Худо билади, қачон ўзига келарди.

— Биз жўнаяпмиз, — деди Қодир Алиевич ўта жиддий, ишчан кайфиятда. — Қизчалар билан гаплаша олмадим, сиз борсиз-ку, менинг йўқлигимни билдирмайсиз. Қўшни вилоятда бирор ой ишлаймиз, яқин, тез-тез хабар олиб тураман. Бахтимга учалангиз омон бўлинглар, менинг сизлардан бошқа кимим бор?!

Субҳидамда меҳмонлар билан Қодир Алиевич жўнаб кетди. Дарвозани беркитиб ортга йўналган Нозима, совуқ еган елкаларини ўраркан, уни ва иккала қизчани ўйлаб: "Учалангиз омон бўлинглар, менинг сизлардан бошқа кимим бор?!" деган жумлани пичирлади.

XXXIX

Мансур уйига кириб, истиқболига чиққан Канизани кўрди-ю, ҳайратда қотиб қолди. Аёл киши шунчалик ҳам кўҳлик, дилга яқин, латофатли бўладими? Қолаверса, ўз хотининг, кўзинг аллақандай ўрганган, деярли уч йил битта кўрпа-тўшакда, ҳамиша ёнингда, ё тавба! Ҳозир Мансурнинг кўзи олдида, ҳа, ўрганган, кўниккан кўзи ўнгида беназир соҳибжамол малика турарди. Ё қудратингдан! Нима бало, у махсус косметика қиларми-кин? Йўқ, ўзига оро берган, холос. Бу табиий гўзаллик. Мансур, сенинг иқболинг бор, ишонавер. Ҳамма нарсанг етарли, бу соҳибжамол сеники, сенга уни Худо етказган. Бундай гўзаллик олдида ишхонадаги анча-мунча хитлик-

лар, орқангдан чопиб безор қилаётган одамлар, битмаётган бемаъни ишларга йўл бўлсин. Мансурнинг кўнглидан, бугун ресторан-пестораига олиб борсамми, деган ўй кечди.

— Яхши эрта кепсиз, — деди Каниза эркаланиб.

— Сиз билан ўғлимни соғиндим, — каловланиб турган Мансур оғзига келган калимадан ўзи ҳайрон бўлди.

— Сиздай одамга етказганига шукр, — деди Каниза ва Мансурга суйкалди. — Юринг, ечининг.

Каниза Мансурни ўзи ечинтирди, унга шундай хизмат кўрсата бошладики, Мансур юрагида фақат фараҳ туйди, холос.

— Бирон жойга олиб борайми? — сўради Мансур ёғдай эриб.

— Йўқ, йўқ, ёнимда бўлсангиз бас.

Мансур бироз ўғилчаси билан ўйнади, сўнг овқатландилар. Каниза бугун чиндан ҳам бошқача эди. Бундай қадди-қомат, ҳаракатлардаги гўзаллик, юз-кўзидаги бахтиёрлик белгилари Мансурни жунбушга солар, қараб тўймас, қувончи ичига сиғмасди. Телевизор кўришиб ўтиришар экан, Мансур очиқ турган коньяк шишасини ушлади. Шу заҳоти шишани Каниза тортқилади, ўзи илтифот кўргазди. Мансур фақат ҳайрон эди, холос. Шу билан бирга бир гап борга ўхшайди, деган фикр ҳам айланаётганди унда. Мансур коньякни ҳўплаб, қадаҳни қўйган заҳоти Каниза унга шоколад тутди.

— Тинчликми, асал?

— Сизга гапим бор, — деди Каниза ва Мансурнинг қулоғига яқинлашди, эркаланиб: — сўкмайсизми? — деди.

— Ҳеч қачон.

— Унда эшитинг...

—...

— Рости сўкмайсиз, а?

Мансурнинг қулоғига урилаётган ширин нафас шуурига лаззат юбораётганди.

— Айтинг, асалим.

— Яна туғаман... — шивирлаган лаблар ҳам, тўлғонаётган тана ҳам сукут ифшо этди.

Интиқлик тезгина, бир сўз билангина якун топди: "Бўлмаса-чи". Энди сўзлар кўпайиб кетди, ўтли бўсалар ҳам. Барча сўзлару ўтли бўсалар кутилганидай розилик ифодаси эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Каниза юлқиниб Мансурнинг қучоғидан қутулди ва диванда унга яқин жойлашди.

— Шу холосми? — деди Мансур бироз энтикиб.

— Буни айтиш осон, деб билманг, — эркаланди тағин Каниза сочларини тўғрилаб, ўзига оро бераркан.

Мансур ётоқхонани кўзлади, Каниза эса негадир жиддий тортди. Бу ҳолат Мансурга ҳам ўтиб, фикрида чекинишга мажбур бўлди.

— Ҳали тун узоқ, — гап бошлади Каниза, — чироқда бироз бир-биримизга тўйиб ўтирайлик, майлими?

Мансур унинг эркаланаётганини, гаплашиб ўтиргиси борлигини сезди. Канизанинг қўли устига қўлини қўйди.

— Мансур ака, — деди шунда Каниза, — Худо мени сиздан айирмаса бўлди.

Каниза нигоҳларини ерга қадади. Мансур ҳушёр тортди.

— Нега бундай деяпсиз, бирон гап борми?

— Йўқ, ўзим шундай.

— Никоҳимизни, ЗАГСни ўйлаяпсизми?

— Йўқ.

— Омонатман, деяётгандирсиз-да?

— Йўқ.

— Унда нима бўлмаса, бирортаси бир нарса дедими?

— Йўқ, кўпинча ўзим ўйлаб қоламан... — юрагидаги гапларни тилига кўчира бошлади Каниза: — фақат кўнглингизга олманг, Мансур ака. Менга сиздан бошқа, болаларингиздан бошқа ҳеч ким ва ҳеч нарса керак эмас. Худога шукр, сизнинг қўлингизда жаннатда яшаётгандай яшаб юрибмиз. Ота-оналарим, ака-укаларим Худони дейишса, сизнинг яхшиликларингизни унутишмайди. Аҳмад эси кириб, йўлга тушиб қолди, Ойимхон яхши ўқияпти. Жас...

— Мен бир нарса деяётганим йўқ-ку, — унинг гапини бўлди Мансур, сабри чидамай.

— Йўқ, йўқ, гапимни охиригача эшитганингиз йўқ. Ҳаммаси яхши.

Нима бало, Маъбуда таъқиб қилиб юрганини, ишхонага келаверишини бирортаси етказдимикан, тахминлади Мансур. Ёки Нозима келдимикин, телефон-пелефон қилган, шекилли...

— Тўхтанг, — деди Мансур яна Канизанинг гапини

бўлиб, — Аҳмад юрист бўлади, уни ўқитамиз, Ойимхон ҳам ўқийди. Жасурбекка ҳали бор, ҳаммасини келажагини таъминлаймиз, учаласи ҳам менинг болаларим. Мана, Худо хоҳласа, Худо берса, яна фарзандли бўламиз...

— Тўғри, гапларингизни ҳаммаси тўғри...

— Унда нима бўлмаса? Зерикяпсизми, уйда ўтираверіб, чет эл-пет эл...

— Йўқ, йўқ. Фақат мени охиригача эшитинг, Мансур ака, битта илтимосим шу.

— Хўп, жуда муҳимми?

— Шунчаки гаплар-ку, гаплашиб ўтирибмиз-да. Қишлоқи хотинингизнинг фикрларини бир эшитиб қўясиз, холос. Сизни ҳеч нарсага мажбур қилмайман, фақат дилимдан ўтаётган нарсаларни сиз билан гаплашгим келди. Шу, холос.

— Сиз аллақачон қишлоқи эмассиз. Қани, қаерингиз қишлоқи? Ақл бўлса сизда, ҳуснни-ку энди...

— Мансур ака, тўғрисини айтинг, — мақсадга кўчди Каниза мақтовдан хижолат тортиб, — ўзи сизнинг ишингиз қанақа иш?

— Ие, бу нега қизиқтириб қолди?

— Менам ишламоқчиман...

— Ишламоқчиман? Сиз?.. Менинг хотиним, а? Сизга нима етмаяпти?

— Ҳаммаси етарли, кам-кўстим йўқ, аммо ишлашим керакми, деб ўйлайман...

— Вой тентагим-ей, нималар деяпсиз? Менинг топганим етмаяптими? Уйда шунча пул туриб, шунча молу мулк...

— Тўғри, пулимиз кўп, бир сандиқ... — Каниза "сейф"ни сандиқ деганидан уялди ва тез гап қўшди. — Опкеляпсиз, ҳар куни опкеляпсиз, бошқалар ҳам ташлаб кетяпти, ҳамиша шундай бўлаверади, деб ўйлайсизми?

— Вой тентаг-ей, шундай бўлмай, қандай бўлади? Нима учун ишлаяпман, пул учунми? Ишимни сўраяпсиз, хўп, қизиқсангиз айта қолай, фирмам бор, шу, ҳозирги замонда иш шу-да, бошқа яна нима бўлиши керак? Ана шу фирмани юргизиб ётибман. Хусусий фирма, кўп тармоқли. Ўзимники. Ҳозир ҳамма — шу.

— Магазинларингиз ҳам бор, а?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бор. Фақат, магазинлар эмас, кўп нарсалар бор. Нега уларга бош қотириб ётибсиз? Сизнинг вазифангиз менинг ёнимда мана шундай очилиб-сочилиб юриш, вассалом.

— Бу тўғри-куя, лекин...

— Нима, лекин?

— Бекор юриш...

— Ие, уят бўлади. Кимсан — Мансурнинг хотини...

— Майли, ишламасам ишламай, фақат...

— Нима фақат?

Каниза бироз жим қолди, Мансур қайта сўради:

— Нима фақат?

— Тўғрисини айтсам, гоҳида ўй босиб келаверади, ҳар доим ҳам шундай бўлаверамизми, йўқми...

— Яна қандай бўлиши керак? — Мансур асабийлашгандек гапирди. Икковлон жим қолишди. Ҳар ким, чамаси, ўз ўйи билан банд эди. Мансур Канизанинг ўзгарганини бировдан кўрарди. Кимдир ўргатган. Чамаси, Каниза Мансурнинг ҳар эҳтимолга қарши мол-мулк ажратиб, хатлаб беришини сўрамоқчи, аммо айта олмаяпти. Бунга нима сабаб бўлиши мумкин? Биринчидан, ЗАГСдан ўтмаган, Мансурнинг қонуний хотини эмас. Яна уйланиб олса, ҳеч вақосиз қолмайин деб ўйлаяпти. Мансурнинг бояги фикри ҳақ — бу ерда Нозима бирон иш қилган. Нозима ҳозир қаерларда юрган бўлса. Уни тузукроқ изламади ҳам. Бечора, унга ёмон бўлди. Мансур нима ҳам қилсин? Туғмади, бу — ҳақиқат. Айб унда экан. Айбига иқрор бўлиб, чиқиб кетди. Ўтираверса ҳам бўларди. Биров уни ҳайдагани йўқ. Мансур уни ҳурмат қилди, Канизани бошқа жойда яшатди, Нозиманинг пешонасида хотин қилиб ўтиргани йўқ. Каниза ҳам эсли-ақлли хотин экан. Унга кундошлик қилгани йўқ, уни йўқот деб туриб олмади. Биров мушугини пишт дегани йўқ, ўз-ўзидан ғойиб бўлди-қолди. Уни биров ҳайдабдими? Шунақа сиркаси сув кўтармайдиган хотин у. Мансур ҳам нима қилсин, одамгарчилик бўлса шунчалик бўлади. Бу ёқда дадаси касал. Дунёнинг ғавғоси ҳам кўп экан. Мундоқ рўшнолик йўқ. Энди нега бу нағма бошлаб қолди? Жуда шунчалик бўлса, бу ҳам билганини қилади-да...

Ёки кимдир келиб, эринг қалтис ишлар қиляпти, ҳушёр бўл, бир нима бўлиб кетса, сен нима қиласан,

темирни қизиғида босиб қол, ундирадиганингни ундир, дедимикин? Ким бундай дейиши мумкин? Ким билади, одамнинг душмани — одам. Биринчидан, Мансур ҳеч қанақанги қалтис иш қилаётгани йўқ. Баъзи ўйинлар бўлаётган бўлса, ҳозир ҳамма шу. Ҳеч ким тўғрилик билан пул топаётгани йўқ. Қолаверса, Мансур супермиллионер бўлиб кетгани ҳам йўқ. Ҳамма ишларини хамирдан қил суғургандай, чокини бостириб қиляпти. Ғиринг деганни пул билан ҳам, акаси билан ҳам оғзига уради. Пул ҳар қандай тешикни, тешикни эмас, ғорнида беркитади. Келаётган пулларни қўли билан олаётгани йўқ, гумашталари бисёр, қолаверса, ҳеч қанақанги ҳужжатга имзо чекаётгани йўқ, тайинланган одамлар бор, яна тағин нима қилиш керак? Хусусий ўзлаштиришлар бор, тўғри. Таксилар, ёнилғи шохобчалари дори-дармон, ёғоч-тахта, ўғит, мой, озиқ-овқат — ҳаммаси у орқали бўлса-да, бошқаларнинг номида, ўзгаларга расмийлаштирилган, жавоб берадиган шахсларни қўйиб қўйган. Яна нима қилсин?.. Бу нозаниннинг кўнгли нима тусайди ўзи?

Каниза буёқда ўз ўйи билан банд: фикрича, гапни нотўғри бошлади, шекилли. Мансур уни тўғри қабул қилмаяпти. Нега бу гаплар юрагига тугилиб қолди, ўзи ҳам ҳайрон. Бойлар ўзи шундай бўлса керак-да. Нега у қўрқоқлик қиляпти? Худди хаёлида бир нарса бўлади-ю, тақдирларига бир қаролик дўнади, ана шунинг олдини олмоқчи. Илгарилари бундай бўлмас эди. Бўлаётган воқеаларни ҳайратига сиғдира олмас, ҳамма нарса эртакка ўхшарди. Яқиндан бери хаёлот осмонига қора булут оралаб, туриб-туриб хаёл ботқоғига ботаверади, қанақадир ғурбатга ўхшаш хотима бостириб келаётгандек бўлади. Кўриб турган бахт-саодати омонатдек туюладими-ей, ишқилиб гоҳида юраги ғаш тортадиган бўлиб қолган. Ҳозир Мансур билан қурган, атай тайёргарлик кўрган суҳбати чамасида ана шу ғам булутини тарқатишга қилинган уриниш эди. Мансур акасини хафа қилиб қўйди. Бу шундоққина кўриниб турибди. Ўзи бу учрашувга кун бўйи ҳозирлик кўрди, уйига пардозчи чақирди. Китобларда ўқиб, ўзлаштира олмай юргани: хотиннинг ҳамиша эрга бирдек маъқул бўлиши, бунинг учун меҳнат қилиш лозимлиги, кўп нарсага ақли етиши кераклиги, акс ҳолда эрдан ажраб қолиши, бу ҳақиқатни кўпчи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лик аёллар англаб етмасликлари ҳақидаги шахсий дўхтирининг зўр бериб тушунтиришлари ўз ишини қилган эди. Кўриб турибди, дилхиралигидан очган гапи бу тайёргарликни тамом ювиб юборди. Натижада у Мансурнинг кўнглини олиш ўрнига уни хафа қилиб қўйди. Унга нима керак эди, ҳозир шундан гап очиб. Ёки, ақллилигини намойиш этмоқчими? Шунча бойлик топган Мансур акасининг ҳам ақли бордир, ахир? У бир тўнкамидики, сен ўйлаган нарсаларга ақли етмаса. Вой қишлоқи-ей, ақллигина-ей! Сенга ким қўйибди ўргатишни? Энди бу одам сени ким деб ўйлаётган бўлса?

Тўхта, тўғри айтади-да. Нима Мансурнинг, болаларининг тақдирига бефарқ бўлиши керакми? Канизага бунчалик бойлик керак ҳам эмас. Мансур акасидан айрилиб қолса, агар ўлади. Энди у дунё-бу дунё ўзини усиз тасаввур эта олмайди. Ҳа, тасаввур эта олмайди. Мана гап нимада. Мансур акасига шуни етказа олмай овора. Айтмоқчики, ўзингизни ўтга-чўққа урманг, ўртачароқ, камбағалроқ яшасак ҳам, сизнинг бошингиз омон бўлса бас... Нима, Мансур акасига бирон нарса хавф соляптими? Ие, Каниза қаёқдан оляпти бу гапларни?..

Мансур қимирлаганига Каниза чўчиб, унга қаради. Мансурнинг аниқ-равшан кайфияти бузилган, савол назари билан боқиб турарди. Каниза ўнғайсизланди ва тилига келган калима билан узр сўради:

— Мени кечиринг, Мансур ака, билмасдан сизни...

— Йўқ, менга гапингизни айтинг.

— Шунчаки ташвиш чекаман...

— Нимадан?

— Ўзим ҳам билмайман, хотин кишининг туши тескари бўлади-ю, ёмон тушлар кўраман...

— Шу холосми?

— Бахтимга сиз омон бўлинг дейман-да.

— Сиқилиб қопсиз азизим... Айб ўзимда, иш билан бўлиб сизни унутиб ҳам қўйдим.

— Йўқ, йўқ, ундай эмас.

Орага чўмган нохушликдан икковлон ҳам халос бўла олмаётганди. Каниза бошини Мансурнинг елкасига қўйди, Мансур қимир этмади. Бир лаҳза ўтар-ўтмас шартта ўрнидан турди-да, рўпарасида турган рюмкага коньякдан тўлатиб қуйди ва ичиб юборди, газак қилиш ўрнига

кафтининг орти билан лабларини артди-да, букланган чап оёғи тиззасини диванга ўрнаштирганча, Канизага астойдил бурилиб ўтирди.

— Мени эзманг, Каниза хоним, — деди бир вақт, — ўзим жуда эзилган одамман.

Каниза ерга қарашдан бошқа чора топмади, эри энди уни нима қилса қилади. Мансур бироз маъюсликдан сўнг кулди, бироқ кулгуси самимий эмас эди. Яна туриб, коньяк ичди, яна илгаригидай ўтирди ва:

— Каниза, — деди, — мен эркаклигимни, одамлигимни сиз туфайли билдим. Тўғри, сизга ҳали ҳеч яхшилик қилганим йўқ. Ташвиш чекманг, ҳамма нарса сизники бўлади...

— Ундай деманг, Мансур ака, мен...

— Ҳеч нарса гапирманг, ҳаммасини тушундим... Мен сизни ҳеч қачон алдамайман...

— Ие, нималар деяпсиз, Мансур ака? — Каниза йиғлаб юборишдан ўзини аранг тийди.

Мансурнинг бироз кайф бўлгани сезилди.

— Мен анча-мунчага енгилиб қолмайман... Тўғри, нотўғри ишларим бор... Бу ер бўлмаса, бошқа ёққа кетамиз. Чет элгами... Шу кунларда Туркиядан, денгиз бўйидан битта меҳмонхона олиб қўйсам бўлар экан, деб юрибман. Бу ердан ҳайдалсак, ўшанинг ўзи ҳам бизни боқаверади. Олти қаватли янги уйни эртагаёқ сизнинг номингизга расмийлаштириб қўяман...

Канизанинг ўлари ўлиб бўлди, ўрнидан турди-да, ётоқхонага кириб кетди. Мансур ортидан нимадир деди, эшитмади. Бўлган гаплардан ўзини шунчалар ноқулай сезардики, ич-ичидан хўрлиги тутиб келар, томоғига йиғи қадаларди. Шунда у шахсий дўхтирининг битта гапини эслади: Эркак киши аёл кишидан кўра яхши гапнинг гадоси бўлади. Эридан ажраб қолмай деган хотин унга пой-патак бўлиши керак. Афсуски, бизнинг кўпчилик аёллар буни билавермайди.

Каниза дарҳол ўзига келди ва даст ўрнидан турди. Хаёлида наминқираган кўзларини қўлларида ишқаб, Мансур ўтирган хонага чиқди. Эри қандай ўтирган бўлса, шу кўйи қилт этмай, хаёлга чўмганди. Каниза унга яқинлашганда ҳам қимир этмади.

— Кечиринг мени, дадажониси, менинг ақлим нимагаям етарди, — деди у Мансурнинг қўли ва елкаларидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

торткилаб, — билиб-билмай гапириб қўяманда, кечиринг, жоним...

Мансур ийди, икковлон ётоқхонага кирдилар, ўринларига ётдилар. Мансур билагини пешонасига қўйиб, тепага қараб ётди, Каниза бироз унга суйкалишга уринди, натижа чиқмагач, чуқур хўрсинганича сукут сақлади. Ўй сурганча анча ётдилар. Қай бири олдин ухлади ёки ухламади, икковлон ҳам билмади...

Канизада: "Мансур ака жуда нозик экан, қайта бундай гап очиб бўлмайди", деган хулоса шаклланди. Мансур қилмиш-қидирмиш ҳақида ўйлаб кетди. Тунда миясига шунақанги ваҳимали ўйлар келдики, Канизанинг ҳақлигига бир неча бор имон келтирди, бироқ сиртига чиқармади. Акасига ишонмасдан, барча ишларини тарозилаб кўриши керак экан. Аллоҳ ҳам эҳтиёт бўлганни асрайди. Минг бора ушбу ҳақиқатга суянмасин, ўзини чалғитишга уринмасин, миясида барибир даҳшатли кўланкалар кезинмоқда эди. Эртагаёқ кўп ишларга чек қўйиш керак, акс ҳолда кеч бўлади. Бу даҳшатли ўйларнинг асли изи йўқ эмас эди, улар гоҳи-гоҳида аёвсиз ҳужум қилиб турарди, бироқ бугунгичалик авжга минмаганди. У миясида ғужғон ўйнаётган фикрларни ҳеч тизгинлаб ололмай қийналди, фақат тонггина, атроф оламга ёйилиб кетган нурафшон ёруғликкина барча хом хаёлларини тарқатиб юборди. Ана шунда у хотиржамланди...

XL

— Дадам яхшими?

— Эшак... Э-э, отдек, отдек, — илжайди Ўктамби. — Эшагини парвариш қилиб юрибди-да, ишқилиб.

— Ая, ҳеч масхара қилишингиз...

— Масхара эмас, бори гап-да...

— Ёшмассиз-ку ахир.

— Қаримасман, париман...— хи-хилади Ўктамби.

— Мундоқ тўғри гапиринг.

— Хўп-хўп, сени кўрсам, яйраб кетавераман-да, қизим. Тўғриси, отанг яхши. Аканг, уканглар машинада юринг энди, деб мажбур қилишсаям, эшагида юрибди. Эшагининг тўқимларини тиллодан қилиб олган. Шум ўлгур, Парпи бор-у, ўртанча акангни ўғли, ўша дегин, бир куни эшакни эгарини қошига пуфак сигнал ўрнатиб қўйибди. Сўпи ўлгур кўчада болларди тўплаб, эргаштирволиб, сигнал чалиб, кулдириб кетяпти. Ўлганим ўлиб бўлди, бу сўпи масхаранинг дастидан...

— Во-ей, қаёқдаги гапларни топасиз?..

— Рост, ишонмасанг, Абдулла варзангдан сўра, уям кўрди...

— Ҳеч Абдулла варзанг оғзиздан тушмади, тушмади...

— Нима десам, ўша оғзимга келаверади-да, хи-хи-хи...

— Вой, ая-ей...

— Кейин дегин, қўни-қўшнилар, Абдулла варзанг...

— Яна Абдулла варзанг...

— Ҳа, Абдулла варзанг, кейин қўни-қўшнилар менга шундоқ ҳашаматли уйларга эшак ярашадими, деб қулоғимга қуйишди. Отангни ўтирғизиб, қўйинг шу эшакни, йўқ қилинг, десам, эшагини авлод-аждодини гапириб кетса дегин... Ҳозирги минган эшагини ўзи туғдирганмиш, унинг энасини бувисини бувиси туғдирганмиш. Энди, буёғини қара, шуний-чун ўша эшакни оти Бувишакмиш, уни онасини ачаси туғдиргани учун Ачашакмиш, уни бувосини бувоси туғдиргани чун Бувошакмиш... Шунақа деганиди, менам бопладим: Сўпи, дедим, бўлмаса, сиз туғдирганийиз Сўпишак бўларкан-да...

Ўзининг гапига Ўктамби хохолаб кулиб юборди. Каниза ҳам кулди. Кула-кула Ўктамби кўзларини рўмолининг учи билан артди. Кейин сал жиддий тортиб:

— Шунақа қилиб юрибмиз-да қизим, кулиб, кулдириб, ўлиб, ўлдириб, шунақа яшамасангам бўлмайди, қизим... Акаларийни ишлари яхши, юришибди. Уканг кира қилишни хўп ҳадисини олган. Сизлар берган ўнта машинани сира тиндирмайди. Опангга гап йўқ. Бутун районди бошқаряпти. Қамчисидан қон томади.

— Айтганини қипти-та...

— У бўлади-ю, қимай қўядими-я... Айтяпман-ку, районди оёққа турғизяпти деб... Сеники билан бизикига етказаман деб уй ҳам бошлаворган.

— Поччам-чи?

— Поччангам юрибти, тез-тез касал, минғиллайди...

— Ҳалиям директорми?

— Ҳа-а, ўлсаям бўшармиди у. Айтмоқчи, Насиба салом айтворди. У ҳам сени ўртага қўйиб, почта-мочта, пенсия-менсия, ҳаммасини эгаллаб олди. Бировга гап бер-

www.ziyouz.com kutubxonasi

май қўйган. Бу ёғда Набини келини, кўзи шокосасидан чиқиб, унга тиш қайраб юрибди. Бир куни менга эшиттириб, ҳали ўша Каниза пошшоликдан тушиб ҳам қолар, дейди. Орқасидан бориб, бир юлишиб келай таги паст билан деб кетятувдим, олдимдан Абдулла варзанг чиқиб қолди, шайтонга ҳай бердим.

— Оғзизи Абдулла варзанг билан эмлаган...

— Шунақа бўп қоган қизим...

— Абдулла варзанг, Абдулла варзанг... Оғзизи суви келади...

— Ҳамманиям битта армони бўсин.

— Ўлинг-а, ўлинг-а...

— Абдулла варзанг ўлмаса, ўлмайман, — яна хохолади Ўктамби. Кейин бироз хаёл сурди ва:

— Самадинг, қамоқхонада уйланиб опти...

— А?

— Ҳа. Ўшатта битта фаррош хотин боракан, ўзидан катта, ўшанга уйланиб олганмиш.

— Хайрият, — деди Каниза.

— Энг ёмони, — деди Ўктамби жиддий тортиб, — Варзанг...

— Яна Варзангми? — энди Каниза ўзини тийиб тура олмади, олди-қочди гаплардан тўйди.

— Тўхта, тўхта, муҳим гап, — тўхтатди уни Ўктамби, — уйингга кичкина ўғлини уйлаяпти...

— Нима-а? — қошлари чимирилди Канизанинг, бироқ тез аслига қайтди. — Уйласа уйлар, менга нима, — деди.

— Қўй-е, сени уйинг-ку, ахир, нимага бунақа дейсан? Ўзим шу масалада келдим олдингга.

— Тек қўйинг, бош-пути билан бердим Хосият пучуққа ўша уйни.

— Ундай дема-я, бир қора кунингда ўшаям керак.

— Кераксас.

— Унақа дема қизим.

— Яхши ният қилинг.

— Энди айтаман-да...

— Буюрганга буюради.

— Тўғрику-я, ҳозир қишлоғдаям ҳамма ушаганини узаман деяпти-да. Уйди ҳужжати ўзингди номингдами, ишқилиб?

— Ерди Самад олган. Ўшани номида.

— Уйди сен солдинг-ку, ахир?

— ...

— Эрингдан сўраб боқ-чи?

— Керакмас. Гўримга опкетармидим...

— Аҳмад бор, ахир.

— Ҳамма, итам-битам Худо берган кунини кўради.

— Тўғри айтасан, — охири таслим бўлди Ўктамби. — Мана биз ким эдик, юрганидик ҳемири йўқ, ҳамёнимизни шалдиратиб. Сенга берди, ҳаммамизга татиди. Ҳаммаси Худодан. Бугун берганди эртага оп қўяпти.

— Опам ҳовлиқяптикан-да, бундан чиқди.

— Намаги шунақа-да, нимаям дейсан?

— Намагиям қуриб кетсин, одамлар нима дейди? Ҳовлиқмай ўлгур... Поччамга нима бор, қаридинг, уйингда ўтир, битингни териб, директорликка бало борми шу ёшда? Наси ўлгур-ей, мени бир пул қилиб юрибдийканда?!

— Э-э, ҳаммасини ўйласанг, қизим...

— Ўйлайман-да, нега ўйламай?..

— Нимага ўйлайсан, сенга Худо бериб турибди, ҳамиша берсин... Қишлоққа бормасангам номинг улуғ. Ҳамма соянгга салом беради. Мени айтгин, мени... Маҳаллада товоқбоши бўп кетганман. Ҳамма менга маслаҳат солади. Сўпи-ку сигнали "биип" деса, эшаги "и-и-и" деб юргани билан, боши мистовоқда. Илгариги райком, ҳозирги имом-хатиб Мингболаев эшагини тушовига илашиб, "Сўпи, Сўпи" қилиб юрибди. Нимага бунақанги тажанг, чўрткесар бўп қолдинг, нима, бирон гап бўлдими, Худо сақласин-ей, туф, туф, туф...

— Менга осон деб ўйлайсизми?

— Ҳа, нима қилди қизим, мундоқ тушунтириб гапир? — Ўктамби қизига бу гапни тегмайдиган, юмшоқ оҳангда айтди-да, худди жавобини эшитишни хоҳламагандай гапни яна Сўпининг ҳангомасига бурди. — Эшаги ўлгур ҳанг бўп қолди, белини букиб ҳанграйди, холос. "Ана, эшак оладиган пайт келди", деб даданг типирчилаб қолди. Бир куни дегин, ҳалиги Мингболаев ўлгур давангир кириб келяпти: "Ҳой Сўпи, эшак топилмаяпти-ю, эркак эшак қуриб кетганми, дейман, изламаган ерим қолмади" дейди менга олакўзларини лўқ қилиб. Ўша куни Тегирмонбошидан битта хўтик топиб келишди, қани энди уни Сўпининг эшагига бўйи етса. Бўлди

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳангома, бўлди томоша. Иккови ўлгур, Сўпи билан Мингболаев тиззасига уриб, ётиб қолгунча кулади. Кула-кула Мингболаев ўлгур:

— Сўпи, эшагиз нечта туққан? — деди.

— Эшакни иккита туққанини кераги йўқ. Биринчиси эшак бўлади, холос, — дейди Сўпи ўлгур, — буниям энаси битта туққан...

— Э-э, ҳали эшагиз туғмаганми?

— Туғмаган, туғмаган...

— Битта туққан бўлганда удли-шудли бўлар эди, — ётиб қогунча кулди Мингболев ўлгур.

Ҳеч аччиғи чиқмайдиган дадангни бир аччиғи чиқдими, Мингболевга қараб: "Сизга ўхшаган битта эшак керак ўзи бунга" деса бўладими. Яхши, Мингболаев индамади. Ҳазилга йўйиб қўяверди. Уни бир аччиғи чиқса, дунёни тўнтаради-я. Оёғи оғримайдими, тиззасига уриб-уриб, лапанглаб: "Отга қўямиз энди буни, Сўпи, ҳа отга қўямиз Сўпи", деб ҳазиллашиб чиқиб кетди. Уни тагдор гапига Сўпи тушунармиди, ишшайганча кузатиб келди...

— Ая, сизга Сўпи бўлса, устидан кулсайиз бўлди, варзанг билан оғзийзи эмласайиз бўлди, бошқа ишийиз йўқ, — деди Каниза жаҳли қўзиб.

— Қўй ундоқ дема, қизим. Бу дунёнинг ғам-ташвишидан Сўпини ҳангомаси ширин, ўлсанг ҳам, кулиб ўл, қизим, ғамни падарига лаънат, — ўзига юқтирмади Ўктамби. — Сени кўрмаганимга ҳам қанчалар бўп кетти, бир ҳангомалашай деб келдим-да, болам, аччиғинг чиқмасин...

— Бўпти, хўп. Тўғри қиласиз, — юмшади Каниза.

— Кўнглингда бир гап борми, дейман-да, қизим? — хавотир сўради Ўктамби.

— Йўқ, — чўрт кесди Каниза, — менда нима гап бўларди. Шаҳарда сиқилиб қоляпман, шекилли. Шу, холос.

— Сира, сира мундоқ дема-я, қизим. Қишлоғди юзи қурсин. Биз ўрганган эканмиз юриппиз-да, тупроқ билан битта бўлиб. Сен шукр қил, ношукр бўлма, Худо шукрли бандасини севади. Туф, туф, туф! Кўз тегмасин, қизим, ували-жували бўгин... Шаҳарда юрсанг ҳам у ёқда ҳаммани тилидасан. Вой бў, сен бўламан деганлар озми, нечтаси шаҳарга қочиб кетяпти.

— Ая, мениям ўзимга яраша ғамим бор, — деди Каниза.

— Вой, бу деганинг нимаси? — анграйди Ўктамби.

— Эй, қўйинг, сиз эшитманг, мен айтмай.

— Нима, тинчликми, ишқилиб, қизим?

Каниза кўзига ёш олди ва:

— Шаҳарликлар жуда ғалати, — деди кўзларини артган бўлиб, — тўрт деворни ичида ўтиришаверади. Маҳалла-кўй бир-бирига аралашмайди. Тўйгаям номига кириб чиқилади. Келин бўлганимга шунча бўлди, бўйимда яна ҳомилам бор. Бу одамнинг на акасини танийман, на укасини. Дадалари оғир ётибти, "миқ" этиб, бориб кўрайлик демайди. Мен истиҳола қиламан. Буларда қариндош-уруғ, борди-келди деган нарса бўлмас экан. Ё мени шунақа чеккалатишадими, билмайман. Тўрт девор, тўртта хизматкор, битта сал гаплашадиганим дўхтирим, холос. Бу кишини оғизларида толқон. Ишга боради, келади, шу.

Ўктамбининг қувлиги тутди.

— Болам, тур, йиғиштир нарсаларингни, эсимиз борида этагимизни ёпайлик, опкетаман, — деди.

Канизанинг кўзлари катта-катта очилди. Бу гапга чинакам ишондими, бирдан қўрқиб кетди.

— Ҳеч қачон, — жавоб қилди у. — Ўлсам ўламанки, Мансур акамдан ажраб, ҳеч қаёққа кетмайман.

Ўктамби индамаса-да, аниқ нишонга урганини сезди.

— Ундоқ бўлса нимага валдираяпсан? — сўради у.

— Ўзим шундоқ. Сиқилиб кетяпман, — мақсадсиз сўзланди Каниза. — Қўрқиб кетяпман, ая. Худди Мансур акамдан ажраб қоладиганга ўхшайвераман.

— Юрагингдан роса урипти, болам. Ана шу-да, шунақа бўлади, — ўзининг донолигидан қувониб кетган Ўктамби борки ҳаётий тажрибасини кўрсатиб қўйишга азм қилди. — Ишқ дегани шунақа бўлади, варзанг-парзанг деб мени устимдан кулма. Биз севги деганди билмаганмиз, аммо ишқни биламиз. Ишқ ўлгур бизниям хўп қийнаган. Сен ҳозир ана шунақа ёшдасан. Бир пайт опанг ўлгур бир севганиди. Кимни дегин, ана шу директор мишиқини. Кўзи кўр, қулоғи кар, соқов бўлволиб, деразадан йўлга термулиб, кўзини сийдигини оқизганиоқизган эди. Битта-яримта болакай хат опкириб қўлига тутқазарди, иннайкейин ўзига келарди, қанчик ўлгур. Мана севдиям, тегдиям, етиб борган ери шу бўлди. Бирбирини кўргани, ҳозир, кўзи йўқ. Опанг мудир бўп қолиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

поччангни ўйнаган кўзи энди кўр бўлди. Миниб юрадиган машинасиниям опанг катта ўғлига обберган, шумтираб пиёда юрипти. Зўрдики тегирмон юргизади, қизим. Сен ҳам зўр бўлиб ол, бўйнига бўйинтуруқ сол, йиғлабсиқтаб юргунча...

— Вой, ая-ей, сиз нималарни биларкинсиз, а?

— Нима бўлмаса оҳ-воҳ қиласан? Хотин оламан деяптими?

— Йўқ.

— Биринчисини опкеламан деяптими?

— Йўқ.

— Нима бўлмаса?

— Ўзим ҳам билмайман.

— Тентак. Пошшойим бўлиб, атирни сепиб ўтирсангчи. Пул бўса, сенда бўлса. Зериксанг, бозор айлан, кўнглинг нимани кўтарса ол. Эринг бойвачча, шундаям сариқ чақанг кетиб, давлатинг камайиб қолмайди.

— Менга ҳеч бало керакмас. Шу киши соғ юрса бас.

— Нима, касал-пасалми?

— Йўқ, қўрқаман, холос.

— Нимадан қўрқасан, тентак.

— Худди ажраб қоладиганга ўхшайман.

— Туф, туф, дегин. Оғзингга келганини гапирма-я. Ниятни тўғри қил.

— Ниятим тўғри. Ўлгунимча шу кишини дейман. Менга мол-мулки керакмас, ўзи керак. Шунинг учун қўрқаман. Кўча-кўйда, бозорда, қишлоқларда қанча-қанча оч-юпун юрипти. Пул топишнинг қийинчилигини ўзим кўрдим-ку. Бу кишига пул ҳазилакамига келади. Шундан қўрқаман. Ишқилиб, яхшилик билан, тўғрилик билан топяптимикин, деб.

— Жинни бўп қопсан, Каниз. Худо бировга қўшқўллаб беради, бировга мисқоллаб. Худо севган банда экансан, беряпти. Худо беришидан сиқмасин. Шукр қил. Дуо қил. Номоз ўқи, қизим. Худога яқин бўлай дегин. Ёмонларга инсоф тила. Эримга Худо ёр бўлсин де. Садақаи Худо, садақа бер. Мушкулкушот ўқит. Атаб, хатми-патми қип тургин. Ёмон кўзлардан Худонинг ўзи асрасин. Уйда ўтириб, сиқилиб қолсанг, қишлоқди кўргинг келаётган бўлса, тагингда машина.

— Бормайман.

— Бормасанг ҳам тузук. Яна ҳамма ташвиши билан

сенга осилишиб олади. Биздан ташвиш қилма. Пермеримиз яна катталашиб кетти. Дадангни ёнидаги пермерлар синиб, ташлаб қочишди. Ҳоким уларниям дадангга қўшиб берди. Ўзи қаралашиб турибти. Акаларингни чўлдаги тарвузлариям зўр бўлди. Олдини сотишиб, пул қилишиб олди. Қишкисини ўраб қўйишди. Катта аканг бу йил қизи Потмани чиқаради. Келинаянг кўйнагига сиғмай пишиллаб бозордан буёққа келмайди, тўй қилиб, бутун Хўжаҳовузни оғзини очиб қўяман деб юрибди. Худога минг қатла шукр, қизим. Энди кун ҳам кеч бўлди, мен қайта қолай.

— Ие, йўқ, бугун қоласиз.

— Вой, қаёққа қоламан. Сўпини эшаги туғадиган, кетига чироқ боғлаб ўтирибди. Мени қайтта туғиб қўйганимни билмаган даданг эшагига гул тақяпти-ю, ҳозир, нима деяпсан?

— Ошни опкелинглар, — буюрди Каниза узоқроқдан қараб турган оқсочга.

Ош келди. Ошни кўрган Ўктамби:

— Вой Каниз, шунча ошни қайтимга ейман, — деди кўйлаги енгини шимариб, — келганимдан бери еявериб, тухум ютган илонга ўхшаб қолдим, а.

— Тугунлар тайёрми? — сўради Каниза ошни қўйиб чиқаётган оқсочдан.

— Тайёр.

Она-бола ошни кўп ея олмадилар. Қўлининг ёғларини артаркан Ўктамби:

— Худога шукр, мана ошниям едик. Етқизганига шукр. Невараларимни кўрдим, сени соғлигингни билдим, энди қани бир дуо қилайлик, — деб қўл кўтарди, Канизани, хонадонни узоқ дуо қилди.

Каниза онасига берадиганини бериб, тугунларни машинага жойлаб, ҳайдовчиси билан жўнатиб юборди. Уйга энди кирган ҳам эдики, телефон жиринглади. Гўшакни олди, ундан Мансурнинг вазмин овози эшитилди:

— Дадам оғирлашиб қопти, ўша ёққа кетяпман, ўзим телефон қиларман...

XLI

Нозиманинг энг сўнгги таянчи ҳам кетди. Наби Мусаевич куни кеча жойига қўйилди. Хабарни қўни-қўшниларидан эшитган Нозима анчагача ўзига келолмади. Ман-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сурдан ажраб кетганига шунча вақт бўлган эса-да, Нозима Наби Мусаевични бир таянч ўрнида кўриб, унга ишониб юрган экан. Совуқ хабарни эшитган заҳоти дунёда ёлғиз қолганини англаб етди, йиғидан ўзини тўхтата олмади. Охири кўз ёшлари қуриб, бир нуқтага паришон тикилди. Наҳот одам тиргаксиз яшай олмаса! Инсонга одамнинг тафти, меҳр-мурувват шунчалик даркор экан да! Мундоқ ўйлаб қараса, Нозима ҳақиқатдан ҳам ёлғиз экан. Негадир шу тобда Қодир Алиевич ҳам хира тортиб, жуда олислашиб кетди. Демак, Нозима унга ҳали суянмапти. Ҳали-ҳамон ўша қадрдон эски чинорларга суяниб юрган экан. Улардан бири, Нозима энди билди, жуда қадрдони, меҳрибони йўқ энди. Хабарни эшитиб ўтирган ерида бу адоқсиз мусибатни дақиқалар сайин чуқур туяётганди. У битта шу одамга керак эди. Ёнига шунча бормай, яқинда охирги борганда ҳам ўлим тўшагида ётган Наби Мусаевич буни очиқ-ойдин намойиш этганди, келинини кўриб, энди тузалиб кетаман деганди... Содда Нозима шунга ишонган экан, кўнгли тинч юрган экан...Мана энди у йўқ...

У қўшни хотин-халаж билан таъзияга бориб келди. Таъзиядан сўнг ҳеч ўзига келмади. Бугун учинчи кун на кўнгли ёрийди, на томоғидан намак ўтади. Паришон, ҳаминқадар ғамдор... Унинг бу ҳолатини қизчалар ҳам сезишиб, жиддий тортишган, айланиб-ўргилиб, унга термуладилар, кўнглига боқадилар, миқ этмайдилар.

Туш маҳал товоқчада ўралган иссиқ сомса кўтариб чиққан Рисолатхон ҳам узоқ ўтирмади. Нозиманинг ҳиссиёти унга ўтди чоғи, шарақлабгина кирган қўшни ғам тортиб чиқиб кетди. Нозима тузукроқ ўтиринг ҳам демади. Бироз кейинроқ Арзиевна телефон қилди. У анчадан буён сим қоқмаганди. Турмушидан зорланди, арздод қилди. Кейин ҳазил-ҳузулга ўтди. Нозиманинг кайфияти унинг суҳбатини тиламасди. Ҳозир кўнглига чироқ ёқса, ёримасди. Тўғри келган нуқтага тикилганча дунёнинг ишларини хомчўт қилишдан ўзга ҳеч нарсага азму тоқати етмаётганди. Нега дунёга келди-ю, нени кўрди-ю, мундоқ ишлар нега юз беряпти, аслида нима учун яшаб юрибди каби ўйларнинг адоғи йўқдек...Наби Мусаевичнинг ҳар битта гапи, берган дарслари, меҳру оқибатлари, куйикиш, жониқишлари кўз ўнгидан ўтар, шундай одам ўлганига ишонгиси келмасди. Қанча истамасин, Мансур гавдаланар, ота-бола ўртасидаги туяча фарқлар, отанинг жонфиғонлигию боланинг боқибеғамлиги қайта-қайта жонланарди. Мана энди ота йўқ, ҳали тирноқларига зор бўларсан...

Эсида... Бир гал Мансур икковлон Наби Мусаевични ҳажга боришга кўндирмоқчи бўлишганди. Мансур янги бой бўлган, Зокир кўтарила бошлаган пайт. Мансур билан Нозима профессорни кўндиришга роса уринишди, бироқ уни енгиша олмади, охирида профессор гапни чўрт кесди: "Икковингни ҳам ёдингда бўлсин, — деган эди у ўшанда, — ҳажга фақат ҳалол одам боради, мен етмиш йил ҳалол яшадим дея олмайман. Замонга боқ, кейин ноғора қоқ, чулдирвақа бойваччалар" деганди биркесар домла. Шунда Нозима билмай: "Ҳаммаям боряпти-ю, дада" деб юборди. Жавоб эса: "Улар уёқдан ҳам уриб қолай дейишяпти, шунга шошилишяпти" бўлди. Вой домлажон-ей! "Жойингизда тинч ётинг, отажоним, биргина меҳрибоним...". Нозима пичирлаб йиғлай бошлади. Йиғи аралаш миясида турли фикрлар ғужғон ўйнарди. Нега яхши одамлар ўлиб кетаверади? Яхшилар абадий яшаганда, ёмонлар яхшиланарди, дунё яхшиларга тўла бўларди... Домла: "Одам бўлиш — яхши бўлиш" дерди, бу унинг ҳар бир дарсида айтадиган кундалик шиори эди! "Яхши ўқимаган ёмон бўлади" дерди. "Билмасанг, Худони олиб келсанг ҳам баҳо олмайсан" деган талаб қўярди. Студентлар ичида: "Наби Мусаевичдан ўтсанг, институтни битирасан" деган гап юрарди. Шунақа одам эди, раҳматлик... Мансур ҳам ўлиб-толиб, ўзини мажбур қилиб, домланинг дарсларини ўқир эди, холос, шунга тайёрланарди, холос. Ўшанда домла ўғлига "3"дан бошқа баҳони раво кўрмади. Нозимадан сўраб-сўрамай "5" қўярди, мақтарди, бу қиз одам бўлади, дерди. Шўрлик домла... Нозима келин бўлишини билганида бирам қувонган эди-ки..! "Мана, бизнинг оиладан энди издошим чиқади, йиққан бор бисотим — китобларимни қолдирадиган шогирдим бор" дея қувонганди. Бечора...- Мана, Нозима нима қилди? На одам бўлмади, на олима...Мансурнинг йўриғига юрди, уйда пул санаб ўтирди. Ўтирдингми? Ўтирдинг... Мана, етган оқибатинг. Сарсон-саргардон. Бойлик бахт келтирмас эканми? Бойлик бугун сеники, эртага бировники. Домла айтган йўлдан юрганингда, балки бундай бўлмасмиди? Мана, энди чор

www.ziyouz.com kutubxonasi

тарафинг қибла, бахтиқаросан. Минг йиғла, қани, фойдаси чиқармикин? Ўшанда Мансурга қўшилишиб, пул ҳамма нарсани ҳал қилади, деб ўйладинг? Нотўғрими? Ўзингни алдаб нима қиласан?

Бир куни одамшавандалигинг тутиб, Мансурга: "Ота ҳам ғанимат, пулимиз бор, саёҳат-паёҳат қилдирайлик, яхши жойларда дам олсин" дединг. У: "Шу одам гапга кирадими?" дея тирхишлик қилди. Сен: "Кексариб қоляпти, касал-пасалга чалинмай..." дейишинг билан у: "Пул ҳар қандай касални тузатади, ташвиш қилма" деди. Сен ишондинг, қани, пул энди у кишини гўрдан қайтарсинчи?.. Зебонинг айтишига қараганда, ўша пулдор тузук-қуруқ хабар ҳам олмапти-ю?..

Нозима ўзини сўкишга тайёр эди, чунки азага бориб ҳам азадор хотинлар ичида Канизани қидирди, дарвозадан кириб-чиқиб кетаётиб Мансурга кўзим тушармикан деб жовдиради. Нега, ҳозир ўзи жавоб тополмайди. Ич-этини ўйишдан бошқа чораси йўқ.

Нечун ахир бундайсан дунё? Одамни бошига нечун ғавғо соласан, холос? Нега бой ҳам ғамдор, камбағал ҳам? Кейинги пайтларда Нозима бironта шўх-шодон одамни кўрмади? Маҳалладошлари, қўни-қўшниси фақат ғам-ташвишдан гапиради. Ҳаммага пул етмайди. Бойларга-ку умуман пул етмайди, нега? Ёки дунё ўзи шундоқ тузилганми? Ҳамма жойда тортиш, узиш...Мундоқ ғамсиз одамнинг ўзи йўқ. Нега? Барибир, яшаб, ўлиб кетаркансан, дунёнинг ғамини орқалаб нима қиласан? Бир тўрғам нонга, ярим коса ёвғонга қорин тўяди-ку!

Нозиманинг хаёли бўлинди, ташқарида Чака вовуллади. Кимдир келганга ўхшарди. У ўрнидан туриб улгурмай айвон эшиги очилди — Қодир Алиевич. Қўлида сумка-халталар кўтарган:

— Ассалому алайкум, азизларим, — деди у ва қўлидагиларни сўрига қўйди, интилган қизчасини қучди.

Ичкаридан катта қизчаси чиқди, эшик олдида унга яқин келмай туриб қолди.

— Аллақачон бегона бўп қопмиз-ку, — дадасининг овози эшитилди ичкари шошилган Нозиманинг ортидан.

У ўзини тузатиб, Қодир Алиевичнинг истиқболига чиққанда, курткасини ечмаган ота ҳамон қизчалари билан дийдорлашарди. Нозима билан жуда илиқ, миннатдорона кўришди.

— Яхшиям сизлар борсизлар, азизларим, — деди у яна.

— Совқотибсиз, — деди бўйнига осилиб олган Гулноза.

— Ташқари бирам совуққи, ҳавонинг қовоғи солиқ.

Нозима Қодир Алиевичнинг курткасини олди, илгичга илди-да, халталарга кўз ташлаб:

— Ҳамма нарса бор эди...— деди негадир гап тополмай.

— Борига шукр, — жавоб қилди Қодир Алиевич, — бор бўлса ҳам, сизларга бугун ўз қўлим билан бир ош қилиб бермоқчиман, қани, олдинги ошдан ўтказа оламанми, йўқми? — ҳазиллашди у.

Ҳаммалари ичкари юришаркан, яна Қодир Алиевич:

— Сизни ҳеч ким хафа қилмадими, Нозимахоним? — дея мурожаат этди.

— Йўқ, нега? — Нозима унинг ҳушёрлигини билгани учун ўнғайсизланди.

— Биз ҳозир учовлон сизни хурсанд қилиб юборамиз, шундайми қизалоқлар?

— Аям йиғлаяптилар, — деди Гулноза.

— Нега йиғлайдилар, сиз хафа қилдизми, қизим?

— Йўқ, ўзлари, — жавоб берди Гулноза.

Қодир Алиевичнинг кайфияти кўтаринки, ҳушчақчақ эди. У дарҳол ошга уннаб юборди. Нозима ёрдамлашди. Ошхонада ғаройиб сўлим, одамни хушнуд этгувчи вазият деймизми, ҳолат деймизми, ишқилиб, шунақанги хушҳаволик юз берди. Қозондан қўй ёғининг жизиллаган, иштаҳани қитиқловчи ҳиди таралди. Оёқлар остида уймалашаётган қизчалар тетикланиб, чуғур-чуғур бўлиб қолишди. Қодир Алиевичнинг қўли-қўлига тегмай масаллиқни қовурар экан:

— Наби Мусаевичнинг фотиҳасига келган эдим, хўп ҳалол одам эди домла, — деди, — тоза одам эди, эшитиб, келмай туролмадим. Нозима, жуда иш кўп, бошдан ошиб ётибди. Ўтган сафар ҳам сиз билан тузук-қуруқ гаплаша олмадим. Қўшни вилоятни текширяпмиз. Раҳбарлик, у ерда ишларнинг кетиши ҳукуматни қониқтирмаяпти. Одамларгаям хайронсан, сенга ишонгандан кейин ишонган вазифани қойиллатиб бажармайсанми? Ҳамма ўзини ўйлайдиган бўлиб қолган. Шундан ҳукумат ташвишда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Наби Мусаевични танийсизми? — деди Нозима ўйчан.

— Нега танимай, бир маҳалладанмиз, — жавоб қилди Қодир Алиевич, — ўғиллари билан бирга катта бўлганмиз. Дадам раҳматлик у киши билан тез-тез суҳбатдошлик қилар эдилар. У киши ҳақида кўп яхши гапирардилар. Институтнинг ҳалол домлаларидан бири эди.

Нозима негадир ҳаяжонли талвасага тушди. Демак, Мансурни танир экан-да. Сабри чидамай талмовсиради:

— Ҳозирги ҳокимимизнинг дадалари шу киши дейишади...

— Худди шу киши, лекин... — Қодир Алиевич негадир тўхтаб қолди ва капгирни айлантириб сўради: — Қалампирнинг бутуни бор эди-я?

Нозима икки дона қалампир ювиб келди. Қодир Алиевич унинг гапни охирини кутаётганини ҳис қилдими:

— Зокир Набиевич бошқа мактабда ўқиган, лекин бирга чўмилиб юрардик, — дея луқма қилди: — Мен мактабни битирибоқ, Тошкентга ўқишга кетганман. Чамамда, у шу ерда ўқиди. Йўлимиз ҳеч кесишмаган... — бироз ўйланиб қолган Қодир Алиевич гапига нуқта қўйди: — Яхши одам дейишади...

Нозима Қодир Алиевичнинг тақдири ҳақида Рисолатхондан эшитган, унинг бошига тушган ғам-ғуссалардан хабардор эса-да, бу гапдан кўра уни кўпроқ Қодир Алиевичнинг Мансурни билиш-билмаслиги қизиқтираётганди. Бу ҳақда нима деб оғиз очишни тополмаётган чоғда ўзи тўсатдан:

— Қандайдир укаси ҳам бор эди... — деди дудмал қилиб. — Мана, сувни ҳам қуйдик, азизларим, озгина қайнасин энди, мен бир бет-қўлимни ювиб олай, — дея ваннахонага кириб кетди.

Нозима тўғрими, нотўғрими, ишқилиб, Қодир Алиевич ҳамма нарсадан хабардор экан деган фикрга келди. Нима қилсин, ахир, бу — тақдир.

Қозон устида бўлиб ўтган суҳбат Нозимани анча талвасага солган, ўйлантирган эса-да, бироз хушнуд ҳам этди. Чунки Қодир Алиевич келди-ю, юрак-бағрини эзаётган Наби Мусаевич, Мансур билан боғлиқ хотиротлар чекингандек бўлди, Қодир Алиевичнинг дилкашлиги, кўтаринки кайфияти, айниқса унинг бугун шу ердалиги, борлиги, мавжудлиги, ёнидалиги шунақанги далда бўлдики, Нозима ахири тасалли топди.

Туйқус Қодир Алиевичга тоза кийимлар бериш лозимлиги эсига тушди, юраги ғалати бўлиб энтикди. Кийим-бош олиш учун ётоқхонага кирди. Ечилган шим, кўйлак, майкаларни кўриб, юраги ҳовлиқди. Кийимларни тегишли жойга қўйиб, Шаҳнозанинг ёнига борди. У пакетни кавлаштираётган экан, "Помидор!" деди.

— Ҳозир, ҳозир, қизим, ювиб, кесиб бераман, — деди Нозима.

У ошга салат тайёрлашга киришди. Хаёл оти эса турли томонларга олиб қочаётганди. Наби Мусаевич юрагининг қаеринидир ачиштириб турар, у билан боғлиқ хотиралар, Мансур тўғрисидаги ўйлар хиралашди. Негадир дунёда ёлғизлиги барҳам еди. Битта том остида биргина эркак билан ёлғизлиги, умуман, эркакдан ҳуркиши чекинди. Хаёлида порлоқ ўйлар кеча бошлади. Ҳозир ўзига қандайдир яқин одам тоза ювиниб, кийиниб чиқади ва у томонга келади... Кечагина ҳар қандай эркакнинг юзи қурсин деб юрган Нозимага нима бўлди? Ўзича бунга сабаб излаб қийналар, кўнглининг йўриғига дош беролмасди. Айниқса, туғиш истаги устун келар, Мансурга ана шу нарсани исбот этмай, оламдан ўтиб кетгуси йўқ, одамлигига кушанда бўлаётган бу тамғани улоқтириб ташлаб, ҳақиқий аёллигини намойиш этиш истаги алангадек ёнаётганди. Шу боисми, хаёллари ҳозир аёлликнинг ҳарир пардасига ўроғлиқ шарму ҳаёни тепалаб, депсаб, ғурурига нисбатан нописандлик келтириб чиқараётганди. Бир яхши эркак, бу ҳам Нозимага Аллоҳ берган иноят эмасми, аммо у-чи? У қандай фикрда бўлса? Ахир эркак киши, яна қирчиллама маҳали, шунча вақт аёлсиз, якка-ёлғиз юрмагандир? Эркак зотига ишониб бўлмайди, ахир. Мана, қўйнинг оғзидан чўп олмайдиган Мансур ўзга аёлнинг қучоғини кўрганда нима бўлди? Имон, эътиқодидан кечди-қўйди-ю! Балки бу ҳам шундай мансурларнинг биридир? Бу масканга келибдики, Қодир Алиевич неча марта келиб-кетган бўлса, фақат яхши гапиради, холос. Бирорта бошқа белги бермайди. Энди, сен ўзинг суйкаласанми, уятсиз? Унда одамлигинг қайларда қолади? Ким деган одам бўласан? Йўқ, кечирасиз, деса-я!..

Нозима кулимсиради, ўл-а, дарров ўзингни инъом қилдинг-у, у рад қила қолди? Нималар деяпсан, Нозима? Бу осон бўлса экан? Икки кишининг юлдузи дарров

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўғри кела қолса экан? Хотин тўла дунёда битта аёл топа олмай юрган қанча? Эркак тўла дунёда муносиб эр топа олмай юрган нечта? Хомтама бўлманг, Нозимахон. Азизим, дунёнинг ишлари шунақа...

У ҳозир негадир ёлғиз қолгиси, хаёлларига қониб, ёлғиз ётгиси келди ва шакаробни ҳозирлади-да, унга туз сепмай, қизчаларни ошхонада қолдириб, хонасига йўл олди. Қизчалар, яхши, эргашмади, улар қандайдир бе-ғам, шодон эдилар букун. Кирасолиб жойига чўзилди, нимқоронғи хонада яна хаёлларига эрк берди. Хаёллар, хаёллар, уларнинг адоғи йўқ... У минг ўйланмасин, бир тўхтамга кела олмади, уёқ-буёққа ағдарилди, ёнбошлари оғриб кетди.

Бу орада Қодир Алиевич ошни аллақачон пиширди чоғи, Шаҳноза уни чақиргани кирди. Йўлакка чиқиши билан димоғига ошнинг ширин ҳиди урилди. Қодир Алиевич ошни сузаётганди. Шунда у:

— Нозимахон, негадир ғалати бўлаяпсиз, менга ўнғайсизланяпсизми? — деб сўради.

Қизчалар қошиқ ушлашиб, мамнун ўтирардилар.

— Менга аҳамият қилманг, мен ўзим шунақароқ... — деган жавобни қилди Нозима.

— Келинг, ошни ейман-у, мен ҳам жўнашим керак, — дея қайноқ товоқни ўртага қўйди Қодир Алиевич.

Нозима бояги ўйларидан уялиб кетди. Қизарди ҳам чоғи. Ош пайтида Қодир Алиевични кузатди. У бирон марта Нозимага қарамади, қизчалар билан имлашиб, уларнинг кўнглини олиб ўтирди. Юзига қарамай, индамай ош ейишга мажбурлаб турди, холос. Нозиманинг иштаҳаси йўқлигини Қодир Алиевич сезди, бироқ индамади. Ош ейилиб бўлгач, қўлини артаркан:

— Мана энди чой ичамиз, — деди.

— Хонамизга кирамизми? — сўради Нозима қизчалардан.

— Йўқ, йўқ, дадам билан ўтирамиз, — бўлди жавоб.

— Аяжониси айтган гапни қилиш керак, — деди Қодир Алиевич қизчаларга табассум билан.

Қизчалар қовоғини уюшди.

— Мана, мақсадга ҳам етдик, — гап бошлади Қодир Алиевич чой хўпларкан, — қачондан буён бир вақт топиб, сизларга ош қилиб бераман деб юрган эдим.

— Худога шукр, — деди Нозима.

Қизчалар унинг гапини такрорлади.

— Менинг қизларим жуда эслида, — уларни мақтади Қодир Алиевич, — аяжонларини ҳеч хафа қилишмайди. Аяжонларига минг раҳмат. Қани, баробар айтайликчи?!

— Раҳмат, раҳмат, раҳмат...

— Бу ерга келиб, жуда раҳматни кўп олдим... — Нозима нега бундоқ деди ўзи ҳам билмади, фақат қизарди, холос.

Қодир Алиевичга бу гап ғалати туюлди, Нозима нимадандир норозига ўхшарди. Хавотирга тушиб, унинг кўнглини топишга уринди:

— Сиз энди бизнинг онажонимиз, жонажонимиз, меҳрибонимиз, бизнинг сиздан бошқа кимимиз бор, а, қизларим? — деди.

Нозима кўзини олиб қочиб, Гулнозанинг бошини силади ва ўнғайсиз ҳолатда гапни бошқа ёққа буриш учун:

— Ишларингиз яхшими, ишқилиб, мақсадларингиз амалга ошадиганми? — сўради ийманиброқ, худди гуноҳкор одамдек.

— Яхши, — Қодир Алиевичнинг кўзлари маъноли чақнаб, жисмига жон киргандек бўлди: — Мақсадларим ҳақида қаёқдан биласиз?

— Сиздақанги одамлар улуғ мақсад, ният билан яшайди. Яна билмадим-у, менга шундай туюлади.

— Сиз жуда ақлли ва оқила аёлсиз, ичимдагини худди кўриб турибсиз, — Қодир Алиевич хўрсингандек чуқур нафас олди ва иштиёқ билан гапира кетди: — Биласизми, мана сиз ҳам тарихчисиз, шу замоннинг одамисиз, шу заминда туғилгансиз. Ким ўз юртига, ўз эртасига бефарқ бўлиши мумкин? Бу ҳақда ўйламайдиган одам борми? Эртани ким яратади? Бугунги одамлар, яъни сиз ва биз. Биз ҳозир нима қилаётибмиз? Атрофга боқинг, ҳамма ўзини ўйлайверса, бурнининг остини кўрса, саодат бойликда деб ўйласа, қинғир йўлларга эниб кетаверса, уларни бошқарадиган раҳбарларнинг ўзи бош бўлса, жамиятимиз эртага нима бўлади? Ҳозир ҳукумат ана шу муаммо ҳақида қаттиқ бош қотирмоқда. Ходимларни ўрни-ўрнига қўйиш ҳали-ҳануз жиддий масала бўлиб турибди. Бугун эл яхши деган одам бир жойга қўйилади, қарабсизки, эртасига миси чиқади. Шундай

www.ziyouz.com kutubxonasi

тарихга эга, кўнгли дарёдек кенг, миллион-миллион халқимиз орасида ҳалол одамлар кўп, талатўп ичида уларни топиб, ўрнига қўйиш каттакон муаммо. Олғирлар, сурбетлар армияси орага парда ташлайди, ҳамманинг бошини айлантиради, тиниқ сувни лойқалайди, қарабсизки, яна нопок одамлар хирмон тепасида. Ўшаларнинг айтгани-айтган, дегани-деган. Ҳолбуки, буни халқ кўриб турибди. Умид қилиб турибди, халқнинг эртанги кунга ишонгиси келади. Бутун бошли корхонада битта тирраки ҳамманинг қўлини ишдан совутади. Токи унинг ўрнига ҳалолу пок одам келгунга қадар, қанча сувлар оқиб ўтиб кетяпти, устига-устак ўша тирраки курмакларнинг сони оз эмас. Буни биргина фармон ёки қарор билан йўқотиб бўлмас экан-да. Улар катта армия. Ўтган сафар дўстлар билан бу ҳақда узоқ гаплашдик, эшитиб ҳам турдингиз...

— Эшитдим, — тасдиқлади Нозима.

Унинг жон-жон деб тинглаётганини билган Қодир Алиевич янада тўлиқиб гап бошлаган эди, Нозима "узр" ишорасини қилиб, эснаётган қизчаларни хонасига бошлаб кетди. Қайтиб келганида, Қодир Алиевич ўрнидан туриб олган, жағини тутамлаганича ошхонада уёқдан-буёққа юраётганди. Нозима кириши билан у шу қадар қизишиб гапириб кетдики, ўзи билган барча тарихий шахслар, мамлакатлар, элатлар, уларнинг турли-туман ривожланиш тарихи тўғрисида чакана рақам ва фактларни айтиб ташламади. Ўзбекистоннинг давлатчилик тарихига тўхталди, юртнинг асл фарзандлари ҳақида ёниб гапирди ва хулоса ясай бошлади:

— Қисқа муддатда, қаранг, қанча ўзгаришлар юз берди. Юртимиз чирой очди. Худо хоҳласа, эртага бундан-да яхшироқ бўлади. Шунақа, Нозимахон...

Гаплардан Нозима маза қилиб таскин топаётганди. Қани энди, ҳамма Қодир Алиевичга ўхшаса, дерди у ичида ғурур ва самимият билан. Юрагида ана шу самимият яна қандайдир ўткирроқ, алангалироқ ҳиссиётларни ҳаракатлантирмоқда эдики, Нозима шу одам билан ҳамнишин, унга алоқадор яшаётганидан ажиб бир ҳис туяётганди. Қалбининг қат-қатида, қаеридадир қандайдир сеҳрли қарор бўй кўрсатиб келар — у уники, шундайин ақлли, ҳалол, пок, билимдон, жонкуяр, халқпарвар, кучли одам уники... Фақат у қаршилик қилмаса

бўлгани. Йўқ, энди қарори қатъий. Қаршилик қилганда ҳам у Нозиманики бўлиши керак. Бўшашганни дунё суймайди.

Мундоқ ўзига келса, Қодир Алиевичга тикилиб, қотиб қолибди. У ҳам оғзи ним очиғлигича тикилиб қолган. Нозима шайдолик билан тикилиб, қотиб қолганимни у киши сезди, деб ўйлади, нохос ўрнидан турди, нима қиларини билмай, Чака ҳақида ўйлади ва ул-бул кўтариб ташқарига йўналди. Қайтиб кирганида Қодир Алиевич кийинаётганди. Нозима остонада тўхтаб қолди. Курткасини ҳам кийиб бўлган Қодир Алиевич:

— Шунақа гаплар, шунақа ишлар, — дея Нозимага яқинлашди. — Энди Ноз...

Нозима унинг лабларига бармоғини босди:

— Кетманг, илтимос... — деди-ю, титраб кетди, шу заҳоти бу ҳаяжон Қодир Алиевичга ҳам кўчди, Нозимани титраётган кўксига тортди:

— Ҳайдамайсизми энди? — шивирлади эркак овоз.

Ҳароратли юзлар бир-бирига тега бошлаганда аёлнинг қуруқшаган лаблари: "Ҳеч қачон" дейишга зўрға улгурди.

XLII

Инсон меҳрга зор экан...
Қўша қарисин, дегани ҳикмат экан...
Жуфтлик саодат экан...
Ёлғизга дунё тор экан...
Меҳрдан ўлик тирилса керак...
Инсоннинг тириклиги тиргакликдан...
Эй Худо, инсонни ҳеч-ҳеч ёлғиз қолдирма, ёлғизликдан ўзинг асра...
Бойлик берма, майли, меҳр бер...
Ҳар кимнинг битта ишонгани бўлсин...
Дунёни фақат меҳр асрайди, холос...
Фақат сиздан олдин кетай...Ўлдирса жуфт ўлдирсин...
Бағрингизга кириб кетсам...
Сизни ҳеч кимга бермайман...
Қаерда эдингиз?..
Сиз-чи?..
Онангиз менга туққан экан...
Сизни...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳозир у лочиндай учиб келади... Ҳа, ҳа, у лочиним менинг, тунги лочиним... Минг чарчасин, минг қийналсин, у барибир учиб келади...

Бу гаплар, бу сўзлар юз бора, минг бора учади жуфт лаблардан, ўтли дудоқлардан, тотли нафаслардан. Бу тот дунёда йўқ. У фақат жаннатда бўлиши эҳтимол...

Намунча вақт имиллайди? Дарвоза очила қолса-чи?

Нега ҳаммаёқ гўзал? Бунча тароват, бунча нафосат қайда эди?

Бунча ғам-андуҳлар қани?

Нозима аниқ туғади!

Бундайин пайваста мехрнинг шаксиз меваси бўлади...

Нозима тез-тез қорнини ушлаб-ушлаб қўяди...

Аниқ!

Орзиқиш — хотиржамликдан;

— қувонишдан;

— масрурликдан;

— ишқдан...

— бўлғувси оналикдан...

Ҳиссиёт алангаси — янги пайвасталикдан...

Ошкоралик, бўйин қисмаслик, эгалик — никоҳдан...

Ўртаниш — туташишнинг вақтинчалигидан...

Икки марта севиш мумкинми?

Демак, мумкин...

Қайси бири чин?

Охиргиси...

Энди буниси абадийми?

Абадий...

Шарпа. Рўё. Йўқ, чин. Чин экан — Рисолатхон. Нозима хаёлот дунёсидан сузиб чиқди.

Ўйлар, ўйлар, ўйлар... Хаёллар...Ширин хаёллар... Ўшандан бери шунақа. Ўша куни... Эрта саҳар Қодир Алиевич шошилинч никоҳ ўқитиб кетди. Расулжонни чақирди. Қўшни муллани олиб киришди. Бирпасда никоҳ ўқилди. Домла чиқиб кетгандан сўнг Расулжон иккови бир дақиқа гаплашишди. Кейин, ош бўлди. Расулжон ўзи истаганларни, Рисолатхон ўзи хоҳлаганларни чақирдилар. Кузашаётганда Расулжон: "Бу ҳали хамир учидан патир" деди.

— Ўтираверасизми, вой, хотинлар қараб турипти-я...

— Рисолатхон яқинроқ келди, — оғирлашиб қолдизми? — деди, кулди. Кейин: — Туринг, бўлинг, бўлинг, азага кириб чиқамиз, — деди.

Нозима бошига рўмол ташлади.

Етти хотин азага кириб боришди. Рўмолларининг учини тишлаб олишди. Аза маҳалланинг пастроғида экан. Янги. Соат учга чиқариларкан. Нозиманинг қўллари чўзинган кўп қўлларга тегди. Ҳамма ўз ҳолича йиғлайди. Маййит ўртада ётибди. Ияги боғлиқ. Бошида дўппи. Ёнида адойи тамом бўлган бир хотин, сочлари оппоқ. Қисқа нафас олиб, хиқиллаган. Кўз ёши қуриган. Битта томчи чап яноғида қотган. Кўзи бир нуқтага тикилган, ҳаракатсиз...

Маййит. Лаби қаттиқ қимтилган. Юзи буришган. Сарғимтил.

Фарёдлар бирдан кучайди. Сўнди. Яна...

Нозимага йиғи келмасди.

Маййит бирдан Наби Мусаевичга айланди.

Кейин онасига айланиб қолди.

Кейин, отасига...

Бир аёлнинг етовидан ўзига келди.

Битта ўзи додлаб йиғлаётган экан.

Олти аёл қайтишди. Аёллар йўл бўйи нималарнидир гапириб келишди.

Нозиманинг қулоғига ҳеч нима кирмади.

Уйига кирди. Ўзини каравотга ташлади. Роса йиғлади. Кейин ҳамма нарса йўқ бўлиб қолди. Қараса, нариги дунёда юрибди. Онасини излаяпти. Ана онаси... Ясаниб олибди. Фақат менинг ёнимга келма деяпти. Нега?.. Бир вақт Қодир Алиевич унинг бармоғига узук тақяпти. Узоқдан, жуда узоқдан Наби Мусаевич у томон келяпти...

Уйғониб кетди. Совқотибди. Совуқда келгани учун бўлса керак. Тушини эслашга уринди. Яна уйқу олди.

Турса, қизчалар мактабдан келишиб, ёнида ухлаб қолишибди. Уйқусираб, анча бўшашиб ўтирди. Азадан илашган кўнгил яримлиги ёзилиб кетибди. Хаёлот дунёсидан ҳам қутулибди. Шунақа дунё экан-да, биров туғилади, биров ўлади...

Овқатга уннасамикин? Бироз турсин-чи, балки Қодир ака кечагидек...Ҳа, бугун пиширилган балиқ олиб келаман деганди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

XLIII

Аза билан тўй ёнма-ён. Кечагина Мансурнинг отасини қирқи ўтди. Ўтганда ҳам Канизага умуман алоқасиздек ўтди. Унинг бу ерда кечаётган ҳаёти қизиқ. Агар Мансур эри бўлса, у унинг оиласи, қариндош-уруғининг иссиқ-совуғига аралашиши керак. Йўқ, аралашмайди. Каниза ҳатто оиланинг бошқа аозоларини танимайди. Қайнотасини, қайноға, қайнисинглисини кўрган ҳам эмас. Билгани шу битта Мансур. Умуман, улар ўзлари бир-бирларини биладими, борди-келди қиладими, Канизани бундан ҳам хабари йўқ. Эри билан ҳатто улар ҳақида гаплашмайдилар. Қизиқ ҳаёт. Мана, қайнотаси ўлди, Мансур уни боргизмади. Бир оғиз айтганда "Кераги йўқ" деган жавоб қилди. Нечта издиҳоми ўтди, биттасига қадам ранжида қилгани йўқ. Мансур ўзи боряптими, буни ҳам билмайди. Бу қанақа ҳаёт бўлди? Чинакам хафа бўлай деса, бир нарса бордирки, Мансур шундай қилаётгандир, майли, шунинг кўнглига боқа қолай, деб ўйлайди. Ўзининг ёғига ўзи қовурилаверади. Мансурга тез-тез бунақа нарсаларни эслатиб туради, у миқ этмай қараб тураверади, на ҳа демайди, на йўқ. Мўлтайиб туриб-туриб жавоб қилмайди, вассалом. Тўғри, Каниза бу нарсаларга ҳам кўникиб қолди. Шундай бўлса шунақада, деб юрибди. Барибир, инсонда, ўйлайди...

Мансурдан бирон нарсани тузук-қуруқ суриштира олмайди ҳам. Ийманади. Тўғрироғи, қўрқади. Ғалати, индамас, сирли одам. Аммо Канизага тик боқиб, қовоқ-тумшуқ ёки пўписа қилмайди. Каниза ўзи шунақа деб ўйласа керак, яна ким билади. Эркалатганда, суйган-да хўп очилади, бошқа пайт кўпинча шунақа. Характер. Бироқ Канизанинг кўнгли тўқ. Унинг кўнглига боқиб, бирон марта олдинги турмушидан оғиз очмайди. Номини ҳам атамайди. У ҳам ўзига ишонган, ғурурини эҳтиёт қиладиган хотин экан, йўқ бўлиб кетди. Агар муттаҳам бўлганидами, шунча бойликни, пулни, уйни кўрган хотин тек қараб ўтирмас эди. Сувга чўккан тошдек йўқ. Мансур узоққа кетмаса, бир кун ҳам уйдан бошқа жойда тунамайди. Аёл-паёлга илакишгани мутлақо сезилмайди. Индамаслиги индамас. Аммо Каниза нима деса, йўқ демайди. Эркак кишининг шунақа сирли бўлгани ҳам тузук. Ҳар нарсага аралашаверадиган мажмаясидан Худо сақласин. Ёки Самадга ўхшаб эркаклигидан бошқа ҳеч вақо қўлидан келмайдиганидан асрасин.

Кеча қишлоқда жиянига тўй бўлаётганини айтди. "Яхши тўёна қилиб, бориб келинг, нима камлари бор экан, айтинг" деди Мансур. Ўзи ҳам бормасмикин деб кўнглига қўл солиб кўрди. "Борардим-ку, жуда иш кўп, бошқа бир йўқлаб борармиз" деган жавоб бўлди. Мана бугун Каниза жўнаб кетяпти. Қишлоққа бормаганига ҳам қанчалар бўлди. Бориб, нима ҳам қиларди, ҳамма бир дардини айтади, ҳар балони Мансур акасига айтаверса ҳам тўғри келмайди. Қариндош-уруғига, одамларга қўлидан келганича ёрдам қилди, яна нима қилсин? Тўёна, совға-саломларни яхшилаб тайёрлаб олди, одми кийимларини кийди, биронта ҳам тақинчоқ тақмади. Негадир кўнгли шундай деяётганди. Бойликни шунча кўрди, тақинчоқлари тўлиб ётибди, қишлоқбоп бораколай деди. Аҳмадни, қизини юр деса ўқишим бор, деб унашмади. Кенжани бунақа совуқда олиб юрмагани маъқул. Бу йил куз негадир жуда совуқ келди. Совуқдаги тўйда болалар нима қилади... Тугунларини олиб, якка ўзи машинага чиқди. Аслида "Матиз"да ҳам боргиси йўқ эди. "Жигули"-пигули бўлса ҳам бўлаверарди, майли энди...

Ҳайдовчиси эпчилгина аёл, эҳтиётлаб йўл топиб, машинани бошқариб борди. Яхши, йўлнинг ярми, қишлоққа кираверишдан бошлаб янги асфальтланган экан. Каниза аввал отасиникига тўхтади, ҳеч ким йўқ, ҳамма тўйда. Сўнг тўйга йўл олди.

Тўйхонанинг олди гавжум эди. Каниза етиб келиб, тўхташи билан "Матиз"ни болалар ўраб олишди. Бири "Во-о, зўру" деса, иккинчиси тортинмай-нетмай "Шопири хотин киши-и!" деб бақирарди. Каниза машинадан тушиб улгурмай, болаларни "Нари тур, нари тур" қилиб "Матиз"ни катталар ўрай бошлашди. Тараддудланиб турган Канизанинг жонига ичкаридан худди пойлаб тургандай югуриб чиққан Ўктамби оро кирди, гўё жони-жаҳони келгандай ҳовлиқиб, машинадан тугунларни олишиб, Каниза билан ҳайдовчи аёлни ичкари бошлади. Тўйхона тўполон эди. Ўктамби бошлаган томонга юришди. Канизанинг кўзи тўйбоши келинаясига тушди. У Канизага ялт этиб бир қаради-ю, атай кўзини олиб қочгандай ўз йўналишида давом этди ва рўпарасидаги хонага кириб кетди. Майли, тўйчилик деб ўйлади Каниза ва онаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

ортидан қолмади. Тугунлар билан дастурхончи ўтирган хонага кирдилар. Уларни шу ерда қолдириб, Ўктамби ғойиб бўлди, бир оздан сўнг Тўхта билан гўё айтишаётгандай олишиб яна пайдо бўлди. Келинаясининг авзойи унчалик яхши эмаслигини Каниза сезди. Пишиллаб етиб келган Тўхта Каниза ва хайдовчиси билан салом-алик қилиб, чап томондаги эски уйга бошлади. У ерда хотинлар кўп, Каниза дадил киришга ийманиб, остонада тўхтаб қолди. Тўхта: "ўзимизникилар" дея уни киришга мажбурлар, Канизанинг эса негадир юраги орзиқар, ичкари киргиси келмасди. Шунда, яна Ўктамби жонига оро кириб "Мана бу жойга кираколайлик" деганча даҳлизга бошлади. Каниза хайдовчисининг қўлидан тутганча даҳлиз томон интилди. Даҳлиз бўш, аммо бесаранжом, йиғилмаган дастурхон, идиш-товоқ, қолдиқ овқатлар, думалаб ётган шишалар ҳар томонга сочилиб ётарди. Каниза хайдовчисидан уялди-ю, бироқ кўпчиликнинг олдига киришдан шу ер маъқул деб топди. Ўктамби икковлон тезда хонани бироз тартибга келтиришди, ана шундагина мистовоқда нон кўтарган келинаяси кирди. Қайтадан салом-алик қилди.

— Қишлоқчилик қурсин, — деди у, — одамдан кўпи йўқ, мундоқ хизмат қиладиган топа олмайсан.

— Болам, сиз ишизи қилинг, буёғини менга қўйинг, — дея енгини шимарди Ўктамби ва Тўхтани бошлаб чиқиб кетди.

Ҳаш-паш дегунча дастурхонни тузатди, чой олиб кирди, ора-орада кўнгил кўтарувчи лукмалар топиб гапирди, хуллас, меҳмонларнинг кўнглини олишга уринди. Бир пиёладан чой ичилганда:

— Сарполарни оп келай, — деганча дастурхончининг ёнига кетди, қайтиб келди-ю, — нарзинг оч бўлмай ўл, аллақачон Тўхта оп чиқиб кетипти, — деди.

— Тек қўйинг, ая, ўшангга опкеганман... — жавоб қилди Каниза қўл силтаб. — Ичида сизга бир кийимлик, дадамга кўйлак, дўппи бор эди, берар... — деди.

— Ўртоқларинг олдингга кирамиз дейишяпти — сўради Ўктамби.

— Тўхтаб туришсин, хали сиз билан тузук-қуруқ гаплаша олганимиз йўқ. Уларга кўзим учиб тургани ҳам йўқ.

Ўктамби қизининг кайфиятини тушунди, ҳазил-мутойиба қилиб вазиятни ўнгламоқчи эди, аҳдидан қайтди, эътиборсиз гап қотди:

— Тўхтаям...

— Тўхтейзи қўйинг, тўйини қилсин... — гапни бўлди Каниза.

Шу пайт дадаси, акаси, укаси тўпланишиб Каниза билан кўришгани киришди. Гап-сўзлар, салом-алик унчалик қовушавермади. Акаси ҳам, укаси ҳам аллақачон ичиб олишибди. Улар чиқиб кетишди, Сўпи бироз ўтирди, хайдовчидан хижолат чекдими, ерга қараб ўтирганча, бир пиёла чой ичди, сўнг у ҳам қўзғалди.

Каниза аввалига ҳайрон бўлди. Нега келдим шу тўйга, деб ҳам ўйлади. Тўйчилар фақат ўзлари билан овора эдилар. Тўғри, Канизага улар пой-патак бўлмасинлар, бироқ, негадир, муносабатлар бошқачароққа ўхшарди. Балки, Каниза ўзига оғирроқ тош қўяётгандир, ҳурматталаблик қилаётгандир? Йўқ, барибир, илгаригидан, негадир, вазият бошқача. Илгари-кейин, асли Каниза Тўхтаникига келмасди. Биринчидан, жини суймасди, харсиллаб овқат ейдиган, хадеганда пиёз тўғраб еяверадиган, очофат говмушдек пишиллаб юрадиган бу семиз хотинни у суймасди. Буни сезармиди, келинаяси ҳам тузук-қуруқ "келинг-кетинг" қилмасди. Акаси камбағал, болалари кўп, ўзлари ўлиб-тирилиб аравасини зўрға тортишар, йиллаб қора кўрсатишмай гумдон яшашарди. Ўктамбининг пичир-пичир, висир-висири таъсир этиб, Каниза суяб юборди. Тўхта Ўктамбининг ёнига қатнайвериб товони йиртилди-ю, аммо туппа-тузук бўлишиб олди! Ўктамби келтириб берган пулларга мол олишди, қўй олишди, ишқилиб, бирни икки қилишди. Сўпилар оиласини Мансур қўллаб юборгандан кейин таянчга эга бўлдилар. Ҳаш-паш дегунча, Тўхта одам бўлиб қолди. Нарса ундириш илинжида яна Ўктамбини шаҳарга, қизингизнинг олдига олиб боринг деб безор қилаётганини билган Каниза бунга рўйхушлик бермади, онасининг гапларига парво қилмади, ҳамма тўпланиб бу ерга келавермасин, деб ўйлади. Ё шуни қасдини оляптими ҳозир Тўхта, яна ким билсин...

Ташқарида мусиқа бир тўхтар, бир авж олар, бақириқ-чақириқлар ундан-да, ошиб тушаётир. Каниза деразадан ташқарига қаради. Мусиқа бошланиши билан тўпланиб олган оломон ҳаракатга келар, ҳамма ўйинга тушар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

тавба, ўйин ҳам ўлсин, мундоқ илгариги ўйинларга ўхшамас, Канизанинг наздида маймунлар базмига ўхшар, ҳар ким ўз муқоми билан йўрғалар, қийшанглар, мусиқа тўхтагудек бўлса, ҳушёрлари "Бўл, бўл, чо-о-о-л" дея бақирар, кайфи тароқлари эса ҳамон ўзича мусиқа оҳангида ўйинни давом эттирарди. Ҳангома, ғирт ҳангома. Ҳангома дейиш ҳам қийин бу кўринишни. Икки-уч йилда наҳот қишлоқ шундай бўлиб кетган бўлса!

— Ҳозир ҳамма жипир-жипир бўлиб кетган, — деди Ўктамби, — номи тўй бўлсаёқ бўлди, чойхоначи билан ошпаз ҳам қўлида чойнак, капгир, ўрнида ирғийверади... Э-э, Каниз, сен кетганингдан бери қишлоқдагиларнинг барини раққос қилиб юборганман. Ташқарига чиқсанг, ҳозир Варзангни қандай ўйинчи қип қўйганимни кўрасан...— Ўктамби хи-хилади. Канизанинг ранги ўзгарди.

— Улар ҳам келишганми? — безовта сўради у.

Ўктамби қалтис гап қилганини сезди, дарҳол:

— Уларга бало борми бу ерда, — деди, — ҳазил, биласан-у, Варзанг тилимнинг учида туради. Улар билан қиёматлик юз кўрмас бўлиб кетдик, қизим...

— Сизга қийин бўпти-да, — келганидан буён илк бор ҳазилга ўтди Каниза, бироқ тез жим бўлди.

— Қаёққа қийин бўлади, Каниз, у бўлмаса, мен кўчасини чангитиб турибман.

— Ая, Наргизиз кўринмайди? — опасини сўради Каниза.

— Э-э, бошлиқ бўлгандан бери ушаб бўпсан уни. Эрталаб келиб эди, кейин ҳокимнинг хотинини опкегани кетипти.

— Саодатними? Қаерга?

— Шу ерга-да, тўйга.

— У нима қилади бу ерда, акамникида?

— Ў-ў, ҳозир аканг кичкина одам эмас. Бойваччалардан биттаси. Тўхта Саодатни кутяпти-да, ҳеч нарса кўнглига сиғмай... Опанг опкелармиш...

— Ҳм-м, — деди Каниза.

— Сени янги уйга киргизмагани, келса, бирга ўтиришади деяётганидир-да. Янги уйнинг битта хонасини роса ясатиб, паркуларни қўйиб, дастурхон тузатган. Тилларанг обдастларда қўлига иссиқ сув ушлаб, Тўхта кутиб ўтирипти. Ўлгур, сенга поёндоз солмади, унга поёндозларгача тайёрлаб қўйган... — Ўктамби бироз дудиланди-ю, кейин давом этди: — Ҳозир улар ҳам кеп қолишади, опанг сени менга тайинлади, биз келгунча кетиб қолмасин деди.

Каниза онаси ёлғон гапирганини сезди. Юз бераётган воқеа-ҳодисаларга ҳайрон эди у ҳозир. Опаси-ку, ўзи шунақа.

Борган сари Канизанинг юраги сиқилар, бу ердан тезроқ жўнаб қолгиси келарди. Синфдошлари олдига кириш учун бир-икки изн сўрашди, аммо Каниза хоҳламади.

— Ая, — деди бирвақт Каниза, — уйга бориб, бирпас гаплашиб ўтирсак, кейин мен кетсам...

— Вой, одамлар нима дейди? Қизим, тўй бизники ахир...— қаршилик кўрсатди Ўктамби. — Ҳамма сени келганингни билиб турипти.

— Тўй бўлса, мана, тўйни ҳам кўрдик... Барибир, кетишим керак.

— Уканг кўргани йўқ сени хали...

— У қаёқларда юрибти?

— ЗАГСда. Келинларим кириб кўришгани йўқ...

— Шу ердами улар?

— Қудаликка кетишган.

Ўктамби нимадандир хижолат қўзғолди. Ташқари чиққанидан хиёл ўтди-ю, хонага Канизани кўришга қаторқатор ташрифлар бошланди. Кираётганлар асосан хотин-халаж, қизлар, келинлар, синфдошлар эди. Ҳар бири айтган гап-сўзлар Канизанинг қулоғига кирар-кирмас, аммо Каниза улар билан иштиёқсиз кўришар, тағин олифтагарчилик қиляпти деб ўйлашмасин деб ҳаракат қиларди. Кирувчиларнинг ёши ўтгани ўпкалар, синфдошлар ҳазил-ҳузул қилишар, ёшлар негадир Канизага анграйиб тикилишарди. Охири аёлларнинг бири:

— Мунчаям чиройли бўп кетипсиз-а, Каниза, бойбадавлатлилик кампирни қиз қилади-да, — деди кулиб.

Иккинчиси:

— Бахтиз боракан, қўшганиз билан қўша қаринг, — дея юзига фотиҳа тортди.

Учинчиси:

— Ўғилчалар қуллуғ бўлсин...

Кейингиси:

— Нечта бўлди?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бошқаси:

— Эриз министр эмиш, а?

Яна биттаси:

— Бизгаям қарашворинг...

Яна бири:

— Бизи унутиб қўйманг, синфдош...

Наригиси:

— Бизиям Насидақа кучайтирвор энди...

Каниза гангиб қолаёзди. Назарида ҳамқишлоқлари, қариндош-уруғларининг бу эътирофлари кўнглини кўтаргандек, анови ҳайдовчиси ёнида нуфузини оширгандек эса-да, юрагига ўрнашиб олган дилғашлик ҳадеганда уни тарк этмаётганди. Кўришгани кирганларнинг кўпчилиги чиқиб, уйга сиққулик оз-моз одам қолди, бунинг ичида шўрва келтиришди, чойнаклар кўпайди, дастурхонга яна ул-бул тўкилди. Канизанинг кўнгли бироз ёришгандек ҳам бўлди, кўнглига ўрнашиб турган бегоналик, қандайдир уялиш ҳисси бир оз барҳам еди, оз муддат эса-да, майда-чуйда гаплар билан андармон ўтирди.

Ташқарида оламга шовқин солаётган талатўп мусиқа бирдан тинди. Ўтирганлардан иккитаси ирғиб турдилар ва "Келди" дея ташқари отилдилар. Дарҳақиқат, кутилган меҳмонлар келган эди.

Ҳамманинг нигоҳи уларга қадалган. Айвонга етар-етмасларидан Тўхта ловуллаган поёндозни ёзиб юборди. Наргиза билан Саодат ичкарига ўтдилар.

— Ая, мен кетаман, — деди Каниза хонага қайтиб кирган Ўктамбига тараддудланаркан.

— Хафа бўлдингми?

— Нимага хафа бўламан, мана, тўйга келдим, кўрдим, сизни кўрдим, дадамни... Энди мен борай, куёвингизни биласиз-у...

— Мен ҳозир, — деди янада шошиб қолган Ўктамби, — тугунинг...

— Э,э, қўйинг ая, тугунимни сиз олиб қўяверасиз.

— Қизим, бир нимани... — Ўктамби чайналгандай бўлди, бир гапни сўрагиси келди, шекилли, ўйлади Каниза.

Бу вақтда у пальтосини кийиб, ташқари юрган эди. Майли ташқарида онасидан сўрай қолади. Машинага ўтираётиб онасининг оғзини пойлади, Ўктамби ўксингандай ғалати қараб турди-ю, бироқ қайта гап очмади.

Йўл-йўлакай Каниза туғёнли ва тўзонли, номаълум ўйлар гирдобида қолди. Биринчидан, нега унинг кўнгли кир? Уйидан чиқиб келаётиб, қишлоқ, у ердаги қариндош-уруғ, қўни-қўшни, маҳалладош, синфдошлари ҳақида ўйлаган эди. Хаёли давомида бирон дилхиралик кўзга ташлангани йўқ. Фақат Самаднинг уруғ-аймоғини кўрмасам бўлди, деб ўйларди. Улар тўйда йўқ экан. Бироқ тўйхонага келди-ю, келди эмас, яқинлашаётгандаёқ тизаларидан мадор кетгандек бўлди, нега? Нега у тўйхонага етиши ҳамоно ҳаммадан, ҳар бир нарсадан уялиш ҳиссини туйди? Нега? Ҳатто тўйга киргуси келмай қолди. Қаергадир биқиниб олгуси, ҳеч ким бўлмаса-ю, якка-ёлғиз ўтиргиси келди. Бу одамовилик нимадан бино бўлди? Тўхтанинг муносабатиданми? Йўқ, Тўхта ўша Тўхта. У билан ҳисоблашиб, ундан хафа бўлиб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Туйқус Канизанинг хаёлига даҳшатли фикр келди: Мансур ёки қайноғасими... "Туф, туф, — деди Каниза бирдан кўксига туфлаб, — Худонинг ўзи асрасин..."

Ҳайдовчи аёл бир томоқ қириб қўйди. Унинг пешойнадан бир қараганини Каниза сезмади, ўй-хаёли билан тамоман банд эди. "Аям бир нарса демоқчи бўлди..." Бу ўй ҳам бошига яна гурзидек урилди. Хавотир юраги тарс ёрилиб кетаман деётганди. Унинг дукурлаётгани аниқ эшитилар, нафаси қисиб келар, пешонаси совуқ намчиларди...

— Орқага қайтамиз, орқага, — деб юборди у гўё бир фалокат юз бергандай.

Ҳайдовчи Бабат чўчиб тушди. Каниза ҳайдовчиси Муҳаббатни эркалаб шундоқ атарди. У "Матиз"ни чийиллатиб ортга қайтарди. Ва шу заҳоти Канизага ўгирилди:

— Тинчликми? Сизга нима бўлди? — сўради у машинани секинлатиб.

— Ҳеч бало бўлгани йўқ. Фақат бир нарса эсимдан чиқибди... — ҳансираб жавоб қилди Каниза ва ўқчиди.

— Тўхтайми? — ташвишли сўради ҳайдовчи.

— Йўқ, йўқ, қайтдик, уйга ҳайданг, — бўлди жавоб.

Машина ортига яна қайтди. Нега мундоқ қилдим, яна ўйлай бошлади Каниза бошини тўлалигича суянчиққа ташлаб. Менга нима бўляпти ўзи? Хўш, аямдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

нимани сўрамоқчи эдим? Бу саволига Каниза жавоб топа олмади. Беихтиёр қорнини ушлади "Ишқилиб, бахтинг билан туғилгин..." дея пичирлади унинг қуруқшаган лаблари.

XLIV

— У киши бунақанги йўлга юрмайди...

— Шу гапни сен айтяпсанми, тирранча? Менинг қудратимни унутибсан, шекилли. Билиб қўй, ҳамма ишларинг тўхтайди, эринг устига яна срок олади. Қизингдан айрилиб қолишинг ҳеч гап эмас...

Маъбуда боши эгилган кўйи мик этмади. Акахон овозини ростлаб, ўзи жавоб қилди:

— Вақтини билдинг, ҳозирлигингни кўр, унутма, сен ҳам шериксан. Темирни қизиғида бос, тайсалласанг, аяб ўтирмайман... Ҳозир айни пайти. Икки кундан кейин эса кеч бўлади. Аллақачон гап айланяпти. Бугун-эрта комиссиянинг катта гуруҳи иш бошлайди. Унда кеч бўлади. Катта хўжайиннинг тўни бичиғлиқ. Вилоятга комиссия тушди дегунча, укаси ҳушёр тортади. Ҳаммадан эхтиёт бўлади, соясидан чўчийди, укдинг-а? Спектакль худди илгаригидек ўйналади, ўша жой, ўша хотин, ўша спортчи... Асосий иш сенга боғлиқлигини унутма!.. Энди чиқавер, спектаклдан кейин учрашамиз.

Юсуф Сайрамович Маъбудага "гап тамом, энди бу ёғи ишга" дегандек қаради. Маъбуда бошини хам қилганча, ташқари йўналди. Унинг бепарво қомати, бақувватгина, келишган оёқларига сўнгги бор назар соларкан, Юсуфхон беихтиёр бир тамшанди. У ҳеч қачон ўз шериклари ва шотирларига ўзгача кўз билан қарашга одатланмаган. Бу ўзи яратган ва узоқ йиллардан бери амал қиладиган қоидалардан бири. Шу боис мажбуран хаёлларини бўлиб, дарҳол ўзини тутди, хаёли яна тотли режа томон оғаётганини сезиб, илкис жағини силади. Худо ишининг бароридан берса, бу гал тўрга энг катта лаққалардан бири илинади. Бу биринчи тажриба эмас, сценарий пухта ишланган, ташланган тўр мустаҳкам, Худо хоҳласа, ўлжа улгуржи. Бу ўлжанинг яратилишида ўзи ҳам чакана тер тўкмаган. Энди эса тўрни кўтарадиган пайт келди. Толе эшик қоқиб турибди. Аблаҳ ака-укалар етти пуштига етадиганини йиғишди. Юсуфхон ҳамма ишни кўриб-билиб юрди, сездирмади, ташланган

суякка эга бўлди, холос. Аммо эгасини қопмади, сабр қилди. Сабрнинг таги олтин. Мана, югурганнинг эмас, буюрганнинг вақти келди. Кичкинагина спектакль амалга оширилади, бас. Худо тилагини беради. Тўғриси, бу ҳаром ўлжа эмас. Фақат ўғрини қароқчи уряпти. Нега деганда, ака-ука молу дунёни ҳалол тўплагани йўқ. Бу йўлда неча одам қақшади, қанча-қанчалар бадном бўлди, қанча итнинг боши мистовоққа чиқди, қанча мулкдор, ишбилармон синди, қанча корхоналар банкрот бўлди, ариқлар тескари оқди, қанча ташкилотлар ёпилди, эҳҳе... Бу тадбирлар бекорга белгиланиб, беҳуда амалга оширилгани йўқ.

Сейфларда ётибди бизнинг ҳалол лукмамиз. Уни албатта, олишимиз керак. Ҳозирча озроқ белгиладик, яна ҳали кўрамиз. Команда ишонарли, синалган. Ҳаммаси билан келишилди. Бажаришади, бажармай қаёққа боришади. Сени бекорга Акахон дейишмайди. Зир титрашади. Буйруғингни бажармаганларни жони нечта экан...

Хотини Мансурникига бориб келди. Уйидагиларнинг ҳеч нарсадан хабари йўқ. Қишлоқи хотинчаси яна иккиқатмиш! Туғ-а, тиллою зарнинг ичига кирволиб, қишлоқи! Туғиб, ўраб-чирмаб ташла. Қолган-кутган бойлигига эга бўлволасан!

Уйга қайтсак ҳам яхши энди. Кеч тушиб, алламаҳал бўлиб қолди. Бориб, Мунисхоннинг асабини арралаб ўтирамиз. Ош-пош қилган бўлса, ажабмас. Борайлик-чи, кечагининг пули ҳам келдимикин? Келиб турса, қандай соз. Тўғри гап, шунча яшаб кўрдик, дунёда пул келишидан тотлироқ, лаззатлироқ, хушвақтроқ дам йўқ экан. Пул келиш хаёлининг ўзи қанчалик тотли! Кўнглинг тоғдек кўтарилади, ҳар қандай ишга қодирдек ҳис қиласан киши. Чамаси, одамнинг қадри пулда бўлса керак. У-бу дейишади-ю, пул бошқа нарса. Хуллас, пул ҳамма нарса... Ким нима деса деяверсин, пул улуғ нарса. Дунёда ҳамма шуни деб юрибди-да! Пул ёмон, деганлар сени, бошқаларни алдаш учун айтишади. Оломон қип-қизил лақма-да, бундай лақиллатишларга ишонади, оғзидагини олдириб тураверади. Бахт бошқа нарсада эмиш. Вой, шу гапни ўйлаб топган тасқаралар-ей, қандай лақиллатасиз-а, гумроҳ бандаларни?

Не-не лақмаларни кўрмадик бу оламда: бири мутлақо пул ололмайман, билмадим, тарбиям шунақами, деса,

www.ziyouz.com kutubxonasi

иккинчиси ҳаром тешиб чиқади дейди, тавба, сен, бир оддий чумоли банда, ҳаром-ҳалолни қаёқдан биласан? Мундоқ кўрпангга қараб оёқ узатсанг-чи...

Падари бузрукворимиз мелиса, тўғри одам эди. Бир гапни кўп такрорларди: "Биров пул берса ол, олмасанг, Худони дарғазаб қиласан. Асли Худо суймаса, бераётган одам ўз пулини ўз қўли билан берадими, номард?!"

Бугун ишда кечикиб кетдик, эртадан тезроқ қайтиб, Худо бераман деб турган шу кунларда намоз-памозга йиқилиб турмасак бўлмайди. Мундоқ пайтда Худога яқинроқ бўлиш лозим.

Юсуфхон Сайрамович одатига кўра, энг аввал деразадан хўжайиннинг машинасига қаради. Машина йўқ. Энди, қабулхонасидан хабар олиши керак. Хўжайин хўжайин-да. Соясига салом бериб қўйилмаса, бўлмайди. Аммо, бу олифтанинг ҳам вақти-соати етиб қолди. Янги хўжайин келса, думи тугилади. Ҳозирча қуллуқ қилмоқликдан ўзга чора йўқ.

Қабулхонада озғингина ёрдамчи йигит хўжайиннинг узоқроққа кетганини билдирди.

— Сиздек катта ўринбосари бор ҳар қандай хўжайиннинг кўнгли тўқ, хоҳлаган ерига кетаверади-да, — "ёрдамчи" ўрнига "ўринбосар" сўзини ишлатиб хушомад қилди Юсуфхон Сайрамович ва кўнгил учун анчагина гаплашиб ўтирди, охирида: — Мен хонамдаман, хўжайин сўраб қолсалар, — деб кабинетига қайтди.

Хонада яна бироз бемақсад ўтирди, сўнг хўжайинга телефон қилди. Телефон уланиши ҳамоно ҳол-аҳвол сўради, ҳатто "чарчамадингизми?" деган луқманиям қўшишни унутмади.

— Ҳаммаёқ тинчликми? — сўради хўжайин.

— Жойида, сира ташвиш чекманг, кечаси билан бўлса ҳам йўқлигингизни билдирмаймиз.

— Раҳмат, — деди гўшак ва "ту-ту"лаб қолди.

Кўнгли тўлган Юсуфхон уйига энди астойдил отланди. Тик турганча телефон рақамини терди. Телефон узоқ чақирди, аммо жавоб бўлмади. Яна терди, бу гал ҳам телефон жавоб қилмади. "Паразитлар-ей, дарров идораларини ёпиб, қуён бўлишибди, чоғи" деди ва яна бир рақамни терди. У ҳам сас бермади. Ниҳоят, тўртинчиси олди.

— Ўзингизмисиз? — деярли ғазабкор сўради у. —

Ишлар қалай? Шунча ишлаганингиз етар энди, тулпорни ғириллатинг, кеч бўлди, кетайлик, энди.

— Майли, шундай қила қолайлик, отахон.

— Тез келинг, чиқяпман.

Телпаги, пальтосини кийди, шарфи билан яхшилаб кўксини тўсиб, тугмаларини қадади, дўмбалоқ бўлганча хона эшигини қулфлаб, пастга йўл олди.

Кутиб турган оқ "Жигули"га ўтиргач, ўпка қилди.

— Сизларга ҳайронман, Шаропжон, эшак лойдан ўтгандан кейин ўзгариб қоласизлар... Бизни яна керак бўп қолишимиз унутиладида, а?

— Йўғ-э, хўжайин, сизни унутиб бўладими? — гапи унча ўхшамади Шаропжоннинг.

— Хўп деяверинг, биз билмасак гапирмаймиз, энди, мана бу ёққа юринг, ҳа, баракалло, чап томонга қайрилиб, кейин ўнгга.

— Бирортасини олволамизми? — сўради Шаропжон.

— Сиз ернинг тагида нима қимирлаяпти — билмайсиз. Отахонингиз сизларнинг ғамингизни еб, энди шуёқдан юрмаса бўлмайди. Мана, маҳаллага келдик. Ана шу дарвозанинг ёнидан секинроқ ўтинг. Эгаси ҳозир марказда, эрта-индин...

Юсуфхон Сайрамович қолганини ичига ютди-ю, ўрнига томоқ қириб қўйди.

XLV

— Вой, Салима опа, қандай қилиб... — Нозима остонада турган собиқ қўшнисини бор-буди билан қучоқлаб олди.

Салиманинг қўлидаги тугуни тушиб кетай деди. Икковлон қучоқлашиб обдон йиғлаб олишди. Бир-бирини ҳамон қўйиб юбормас эканлар, аста-секин тилга кирдилар.

— Охири топдимми, қўшнижоним? — дерди Салима кўз ёшларини рўмоли учига артиб.

— Қандай шамоллар учирди, Салима опа, қизингиз яхшими?

— Яхши, қўшнижон, яхши. Ўқишни ҳам битириб олди. Коллежда ўқияпти. Вой, куйдириб ўлмагур Нозимахон-ей, шу ерларда экансиз, наҳот уч йил ўтса ҳам, қорангизни кўрсатмасангиз? Одам бўлмай кетинг-а...

— Қандай топдингиз, Салима опа?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Топишим ҳам қизиқ бўлди, шундоқ бозорда, ёнимда ўтирадиган шеригим шу маҳалланглзидан экан. Сиздан нарироқ, пастроқда ўтирар экан. Гапдан гап чиқиб, худди сизни айтиб ўтирибди-да. Юрагим ҳовлиқиб келавердим.

— Келинг, келинг, ўзимни опажоним, жон қўшним.

— Нега рангларнз бунақа, тобингиз қочганми? — сўради Салима шошилиб.

— Шунчаки ўзим, шундай бўп турибман. Шамолладим, шекилли. Вой, нега турибмиз бу ерда? Қани ичкарига... Юринг, юринг, тез юринг...

Ичкари юришар экан, Чака бир "вов" деди-ю, думини ликиллатди.

— Вой, бу Чаками, Нозимахон? Чака ҳам шу ердами? — Салима яна йиғлаб юборди: — Айланиб кетай сизлардан...

— Чака ҳам шу ерда. Мен ҳам...

— Одам эмас экансиз, Нозимахон. Шу ўрталарда яшаб туриб, наҳотакан, одам мундоқ ўзини билдирмаса? Мен сизга ёмонлик қилганманда, а? Адашмай сиз ўлинг, адашмай мен ўлай. Пешона экан-да, ҳеч айтмаган ишлар бўлиб турибди...

— Майли, ўтган ишга саловот, энди эсга олманг. Бўлган ишлар бўлди. Худога шукр, мен ҳам ўлиб қолганим йўқ.

Улар айвонга кирганларида, қизалоқлар пешвоз чиқишди.

— Вой кимнинг қизлари бу, ширин-шакар қизчалар?

— Менинг қизларим, мана буниси Шаҳнозабону, буниси Гулнозабону...

— Вой, холанг ўргилсин, қўшалоқ қизларим-а? Мунча ширин экан, онанг ўргилсинлар... Буларни билмабман-да, шакалад-конфетлар опкелардим-а...

— Ўзиз келганизга раҳмат, қизларимни шоколадлари тўла.

— Айланиб кетай, бўйига қоқиндиқлар.

Нозима Салимани қўярда-қўймай ичкари меҳмонхонага олиб кирди, тайёр жойга ўтқазди, тузоғлиқ дастурхон устини очди. Салима тугунини ечиб, тўртта нон олиб қўйди. Қоғозга ўроғлиқ мағизни ликопчага тўкди.

— Камбағални топгани, қўшнижон, айбга буюрмайсиз. Эшитибоқ, ўпкамни қўлтиқлаб чопиб келавердим...

— Нарса кўтариб юрганингизни?

— Қўлимдан келса, қани қоплаб кўтарсам, чакана яхшилигингизни кўрганманми, ахир.

— Ҳозир чой қўяман, — Нозима ошхонага шошилди.

Салима фурсатдан фойдаланиб, у ён-бу ён сарасоб солди. Тузук, ўзига яраша бадавлатгина хонадон экан, ўйлади у. Ишқилиб, бахтини топсин, қийин бўлди, шу шўрликка. Кўзига яна ёш келди. Йўл-йўлакай ўйлаб келган, бўлиб ўтган воқеалар бир-бир яна жонланди. "Мазаси йўқ, шекилли, бояқишнинг, етимгина нарса эди, бўлари бўлди. Бойвачча бўлмай ергина ютгур, шундай хотинни унутиб юборди-я... Чака қандоқ топишиб олди экан? "

Чойнакда чой кўтариб, Нозима кирди. Салима тусмоллаб сўз қотди:

— Яхшигина ерга тушибсиз, қўшнижон. Жонингиз соғми, ишқилиб?

— Ёмонмасман. Яқиндан бери сал тобим йўқ, — жавоб қилди Нозима чойни қайтариб, сўнг қуяркан.

— Худо сақласин, энди фақат яхшилик кунларни кўринг...

— Айтганингиз келсин, олинг, Салима опа, нондан олинг, ҳозир ош қиламиз, дастурхонга қараб ўтиринг, — мажбурлади Нозима севинаётгани аниқ билиниб, чой узатаркан.

— Ҳўжайинингиз ҳам яхши юрибдиларми? У киши ҳақида анча-мунча суриштириб билдим. Умри узоқ бўлсин, сизни бошингизни силабди, боши омон бўлсин. Маҳалладошингиз роса оғзидан бол томиб мақтади. Хотини ўлган экан-да. Пешона-тақдир шунақа-да. Бири бўлмаса бошқаси. Мана, чевар Аллоҳ буни сизга тўғрилаб турган экан. Бахти бор экан, деди анов менга топиб берган қўшнингиз сизни, зўр одамга тушди, роса пар бўлишди, бунақаси бўлмайди, дейди.

— Рост, чинакам яхши одам. Очиқ-ёриқ, меҳрибон. Жудаям ақлли, Салима опа... — ер чизиб деди Нозима.

— Ўзизга ёқиб, хурсандмисиз, ишқилиб? — қувлик билан сўради Салима.

— Бўлмаса-чи? Сизнинг қўшнингиздан бўлак яхши эркак йўқ деб юрган эканман... — Нозима уялинқираб кулди. — Эркак дегани, эр дегани шу бўлса, деб қўйган-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дим. Билмадим, шу одам қўймади, қўймади. Тақдир экан, кўчада қолмадим.

— Во-ой, нималар деяпсиз, Нозимахон, тешик мунчоқ ерда қолармиди, янаям сиздақаси... — эски шўхлигини қилди Салима ҳи-ҳилаб.

— Ўлманг-а, сираям ўзгармабсиз, Салима опа.

— Бизни энди гўр тўғрилайди, эгачи. Хўжайинимни аллақачон тўғрилаб қўйган бўлса керак, ўша ёғдаям орқасини силатиб юрибдими? — энди хохолаб кулди Салима.

— Сизни пиёзпўсти қўлингизни соғинаётгандир? — Нозимахон кулди.

— Бораймикин...

— Ҳали улгурасиз. Унинг устига поччам бевафо эмас. Қани, олинг, олинг, ҳеч нарса олмаяпсиз...

— Ўзингиз-чи?

— Томоғимдан ҳеч нима ўтмаяпти. Бир қултум сув ичсам кўнглим айнийди.

— Ҳалигидақа бўлмасин тағин? — Салима Нозимага, унинг кўкси ва қорнига қаради ва сирли илжайди.

— Шунақагаям ўхшайди, — чуқур хўрсинди Нозима. — Бировга эрта, бировга кеч. Тўй ўтгандан кейин...

— Ростданми? Чиндан айтяпсизми? Ундай деманг, Худо бергани рост бўлсин.

— Ўзим ҳам ишонмаган эдим. Мени ёшимда қийин бўларкан, шекилли. Аввалига ишонмай юрдим. Томоғимдан нарса ўтмайди. Юрагим ғаш. Қувватим йўқ. Ётаман холос. Емаган нарсамга кўнглим айнийди. Кейин дўхтирга борсам шунақа экан...

— Вой қўшнижон-ей, юрак-пурагиз ёрилиб кетмадими?

— Нега? Аввал кўрайлик-чи. Олдиндан ноғора қоқса бўлмас, ҳеч кимга индаганим йўқ. Аввал мундоқ аниқ бўлсин, кейин...

— Вой, Худо берипти. Шунча қийналдиз. Худо охирини бахайр қипти. Худо денг, Нозима.

— Худо демай, нима ҳам дейман, Салима опа. Худога минг қатла шукр... Ишқилиб, рост бўлсин.

— Бир анавинга кўрсатиб қўясиз...

— Қўйинг ўшани, у кунларни эслатманг.

— Бахти курсин ўшаларни...

— Ҳамма ўз йўлига, Салима опа...

Аста-секин эҳтиросlар бироз сўнди, гап-сўзлар ўз маромига тушиб олди. Кўринишидан Салима Нозиманинг бошига тушган кўргуликларни ипидан-игнасигача билгиси бор эди. Нозимани эҳтиётлаб, ўзи қизиққан нарсаларни сўрар, ҳушёрлик билан суҳбатдоши туйғуларини эҳтиётлар, кўпроқ унинг гапиришини, қисматидаги ҳозиргача бўлган воқеа-ҳодисаларни сўзлаб беришини истарди. Билъакс, Нозима унинг саволларига қисқача жавоб қайтарар, бу ҳақда гапиргиси йўқлиги аниқ-тиниқ сезилиб турарди. Шу боисми, у:

— Тақдир-пешона экан, шу ерга келиб қолдим, ҳаётимиз ёмон эмас, тўғрисини айтсам, данғиллама қасрда топмаган бахтни шу ердан, мана шу икки қизчага оналик қилишдан топдим, — дея мавзуга якун ясади.

Салима ўша йилги янги йил оқшомида Наби Мусаевичнинг уларни, аслида Нозимани излаб, кекса бечоранинг саргардон кезинганларини, уриниб-суринганини, шу баҳона оғир бетобланиб ётиб қолганларини сўзлаб берди. Нозима кўз ёшини тия олмади.

Орада Шаҳноза Рисолатхонни чақириб чиқди. У киргач, орадаги суҳбат узилди, ҳол-аҳвол сўрашилди, бир пиёладан чой ичилди. Рисолатхон худди ўзи билгандай, ошга уннаб юборди. Ёлғиз қолган собиқ қўшнилар бир-бирларининг пинжига кириб, узилиб қолган суҳбатни давом эттирдилар. Гап айланиб келиб, яна қўни-қўшничиликнинг қачон ва қандай бошланганлиги, ўша замонлар тафсилоти, азизу қадрдон хотиралар аро ширин дамларга раҳна солган томонга кўчди. Аввалида у томон ҳақида эшитишни мутлақо истамаётган Нозима Салима қўшнининг ҳозирги гапларидан қулоғи динг бўлди. Гап Канизага тақалган эди:

— Ўлибгина кетгур, қишлоқи, ақлли-ҳушлигина жувон экан, — деди шунда Салима, — чурқ этмай, ҳовликмай-нетмай яшади, жувон ўлгур. Сиз чиқиб кетганиздан сўнг уч-тўрт ой уйда кўринишмади. Баҳорни ўрталарида кўчиб келишди. Мансур уларни бош-пойчаси билан кўчириб келди. Ўғли, қизи, ўзи. Кўчиб келгандан кейин ичимдагини топ деб яшади, ҳеч кимга аралашмайди, кирдичиқди қилмайди, жим-жим. Мансур эрта кетади, кеч келади, уйларидан садо чиқмайди. Бир онаси бор экан, шу келади-кетади. У ҳам ҳар замонда. Туққунига қадар ҳам остонасидан биров йўламади. Мен, десангиз, ўз ёғимга

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзим қовриламан. Нима бўлсаям, бозордаги шеригим эдида, ўртада турган мен эдим. Сизни ўйлайман, уни ёмон кўраман, уйига кириш қаёқда, туққунича, токи, тўй қилгунича қорасини ҳам кўрсатмади. Мен опкеганман сени, деб кириб кетига тепиб, ҳайдаб солгим келади, шайтонга ҳай бераман.

Йўқ. Тўйдан бир кун аввал оғиз солди, одам чиқарди. Дарров кира қолмадим, кейин бир кўрай-чи, деб кирдим. Кутганимнинг тескариси, ўлгур. Димоқ-пимоқ йўқ, осмонда бўлса керак, деб ўйловдим, рўмолини танғиб, одми кийиниб, эл қатори хизмат қилиб юрибди. Гап келса, найзамни бир санчиб оламан, деб пайт пойладим. Йўқ, бунга опкемади. Тўйни қишлоқилар босиб кетса керак, деб ўйлагандим. Онасидан бошқа ҳеч ким келмади. Онасиям бир жаққи, енгилтак хотинга ўхшади, аммо жувон ўлгур, бу ҳушёр, ўнгариб турди.

Мансур ўлгурни ҳамтовоқлари, лаганбардорлар унга тахти равон ясашиб, ўғил туғиб берган киши қилиб ўтиргизишмоқчи бўлишди, мажбурлаб, Мансур устида туриб олсаям ўтирмади. Аммо-лекин бир тўй бўлди, бир тўй бўлди...

— Ақлли бўлмаса, анавинга ёқмасдиям-да, — ўйчан гап қўшди Нозима.

— Униззи-ку қўйоврinг. Талтайибоқ кетди.

— Нимаям қилардим, мендан чиройли, мендан ақлли экан, қандини урсин,— хўрсинди Нозима.

— Э-э, сиздан нимаси чиройли бўлсин, ўша қишлоқи қорамўндини, нималар деяпсиз? — Салима атай жирраклик қилаётганини ўзи ҳам, Нозима ҳам сезди.

Нозима ҳозир бахт-саодатдан сарафроз бўлмаганда, балки бу гапларга чидамаган бўларди, шундай эса-да, яна бир бор хўрсинди. Хўрсинди-ю, ўзидан ранжиди. Ахир, Каниза унга нима ёмонлик қилди? Унинг Канизадан хафа бўлишга ҳаққи йўқ. Ўзидан ва Мансурдан хафа бўлса арзийди. Канизада нима айб? Каниза унинг эрини эгаллаб олиб, уйини бузгани йўқ. Нима қилса, Нозиманинг ўзи қилди. Бир томондан яхши ҳам бўлган экан... Агар Худо бериб, эсон-омон кўзи ёрса, дунёдан армонсиз ўтади. Асосийси, шу холос. Ундан зурёд қолади, чироғи ўчмайди. Нозиманинг кўзи яна ёшланди. Буни тушунган Салима ўпкалай бошлади:

— Ўшани нега гапирдим-а, сайрамайгина мен ўлай...

— Йўқ-йўқ, — уни тинчлантирди Нозима, — бошқа нарса эсимга тушиб кетди...

— Мен бозорчи ўлгур келиб, сиззиям...

— Қўйинг, ўзи сиззи жудаям кўргим келарди, Салима опа. Келганингиз бирам яхши бўлдики. Келмасангиз, яқинда ўзим излаб борардим...

— Ростданми, айланай, тилингизга шакар.

— Мансурнинг ишлари яхшими, соғлиғи-чи?

Салима анграйиб қолди. Шу саволни Нозима бердими, қулоғига ишонмади у. Шунча гаплардан кейин уни яна сўраяптими? Қанақа хотин ўзи бу, Нозима? Ё тавба!

Нозима унинг ҳолатини тушунди ва:

— Майли, уни қўйинг, Худо умрини берсин, келинг, бошқа гаплардан гаплашайлик,— деди.

— Ё қудратингдан, кўнглингизнинг кенглигини қаранг-а, Нозимахон, — барибир ҳаяжон ва ҳайратини тия олмади Салима, — сизга шунча ёмонликни раво кўрган одамни сўраб ўтирибсиз-а?..

— Нега сўрамай, қўшнижоним, курсдошим ахир, шунча йил бир ёстиққа бош қўйганмиз... — негадир қолганига Нозиманинг тили айланмади.

— Балли, отайизга раҳмат, барака топинг, — гапни илиб кетди Салима, — у одам эмас, сиз одам экансиз, умриздан барака топинг. Одамни моли йўқолса, излайди-я, у қуриб кетгур...

— Қўйинг, Салима опа, бўлди, куйинманг. У изламайди, у шунақа тоифадан... Майли, ҳар бандага Худо берсин...

— Юрибди, унга жин ҳам ургани йўқ. Мол-дунёси беҳисоб. Одамларнинг гапига қараганда, акасининг панасида хоҳлаган ишини қилиб юрганмиш. Буларга ҳам бир куни Худо бор, деяпти элу халқ...

— Ундай деманг, асло ундай деманг, Салима опа...

— Мени гапиммас, одамларди гапи...

— Майли, одамлар гапирса гапираверишсин....

— Ҳалиям ўша номардга куясиз, а?

— Гап мундамас... Тўрт кунлик дунёда бировга ёмонлик тиламайлик...

— Қандоқ тиламай бўлади, эгачим?

— Униям, буниям Худога айтгани бор экан, шундай деб қўяқолинг...

— Вой, мен сизга айтсам, ўлим тўшагида ётган ота-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сини хабар олмаган одам қайнона-қайнотасини тўқимини тиллодан қилиб юборди-я, ҳажларга жўнатди, гувалак уйларини қаср қиворганмиш... Каниза ўлгур ғирт ичидан пишган экан-да...

— Қўйинг, қўйинг, бўлди, Салима опа.

— Тўхтаб туринг, мен чидамайман-да буларга! Укасига денг, элликта "Дамас" олдирганмиш...

Нозима кулиб юборди. Оширворганини ҳам сезди, шекилли, Салима у ёқ-бу ёққа маъноли қараб қўйди. Ўзўзидан яна куйина бошлади:

— Қишлоқи ўлгур бурнидан сим ўтказиб олди-да, ахир. Мана шу Чака, итчалик вафо қилмади-ю, сизга, буёғига нима дейсиз? Орқездан излаб, йўқлаб турса, дунёси кетармиди ҳаром пултопарнинг... Уйига киринг, унитази тиллодан... Одам бўлмай ўлсин у...

Нозима қараса, у энди Мансурни қарғашга тушади, шу боис мажбуран ўрнидан қўзғолди.

— Рисолатхондан бир хабар олай, — деди у тураётиб.

— Мен ҳам уйларингизни бир кўрай, — унга эргашди Салима.

— Юринг, кўринг, оддийгина уй. Бизга шу уй етади. Ана кўрдизми, Салима опа, ўша бойлик, данғиллама уйлар менга насиб этдими?

— У нарсаларни топгунча чакана қийналибмидингиз? Энди бўлса, битта ҳаромхўрга насиб этиб кетаверса, одамнинг ичи ачишар экан-да.

— Бойлик ҳеч кимга насиб этган эмас. Ҳамма нарса Аллоҳники, ўзи беради, ўзи олади. Бандаси "шукр" дейишдан ўзгага қодир эмас. Мана бу хона — хўжайинники.

— Прокурор бўлган эканлар, а?

— Помпрокурор бўлганлар.

— Вой, анови суратдагими? Бирам келишган одам эканки, бахтингиз бор-да, эгачи.

— Мансур икковимизга Худо сухсуридан айтган-да, — кулди Нозима Салиманинг ғалати гапларидан эшитгиси келиб.

— Бизгаям мировойидан айтганди-ю, тинкасини қуритвордик-да, куёв тўрани...

— Қуриб кетинг, сиз, ҳазиллашмай.

— Эрта кетти-та... — кўзига ёш олди Салима.

— Мана энди, йиғлабам беради, ўзимми Салима опам.

— Йиғласам, гўридан туриб келса-ю, майли эди.

— Жойида тинч ётсин, яхши одам эди, — деди Нозима.

— Ҳозир қайда бу киши? — сўради Салима.

— Тошкентда. Ишда. Келиб-кетиб туриптилар.

— Қош-кўзи бирам чиройли экан.

— Ёқдими?

— Ёққан-да қандоқ.

— Шунақасини топиб оламиз-да, эгачи.

— Ёмонсиз, ёмон.

Хоналарни томоша қилиб, охири ошхонага ўтдилар. Рисолатхон ошни дамлаётган экан.

— Сизларни роса оввора қилиб...

— Ова вораси борми, — самимий жавоб қилди Рисолатхон.

Нозима Рисолатхонни таништирди:

— Менга сизлардақанги яхши қўшнилардан айтган, — деди у мамнун.

Салима Рисолатхоннинг оиласи, уйини суриштириб ўтирди. Нозима қайнаб турган сувдан чой дамлади. Уларнинг суҳбати узилганда Салимадан:

— Қизингиз яхши юрибдими? — дея қайта сўради.

— Э-э, ҳозирги қизлар ўлсин, юрибди шим кийиб, — жавоб қилди Салима яна куйиниб. — Ҳамма ёшяланг шу эмиш. Коллежга бориб, келяпти. Ўқишиям яхшимас, шекилли...

— Ундай деманг, яхши ўқитинг, — гап қўшди Рисолатхон, — ёшлик ўтади-кетади, ўқиб олгани қолади.

— Шундайликка шундайку-я, бироқ нимасини айтасиз, ҳозирги ёшларди...

— Ҳали ҳаммасини ақли кириб қолади, — деди Нозима.

Ниҳоят, ош сузилди. Ошни ичкарида едилар. Кеч тушиб қолгани учун Салима туришга чоғланди.

— Телефонингизни ёзиб олай, — деди у кўзғолаётиб. — Энди йўқотган жон қўшнимни топиб олдим, кўнглим чопганда кеп тураман, Худо хоҳласа.

— Ёзиб олақолинг, ҳар куни келаверинг, ҳеч тортинманг, — унга рақамларни айтди Нозима ва Рисолатхон иккови уни кузатгани отланишди.

Меҳмоннинг олдида Нозима ўлганини кунидан ўзини тутди. Ҳоли мажоли қуригандан қуриб борар, фақат ётгиси келар, кўзига дунё қоронғи эди. Биллоҳ, Салимани

www.ziyouz.com kutubxonasi

кузатди-ю, Рисолатхон билан хайр-хўшлашиб, хонага кирди ва ўзини жойига ташлади. Шу кўйи нес бўлиб ётаверди. Дунё қизиқ бир тилсим экан-да, ўйларди у. Инсон на иссиққа, на совуққа қаноат қилади. Кечагина шу кунларнинг орзуманди эмасмиди? Туғруқ дарди насиб этмаганига оламнинг тескари айланишини хоҳларди. Мана энди, Худо Худолигини қилиб, йўқдан бор этиб турибди. "Чида, энди, қанжиқ" ўзини сўкарди у ҳозир. Сулаймон тахтига чиққанинг шу эмасми? Шусиз ўлимларингга рози эдинг-ку...

Ана шундай ҳолатдаги қарғишлар, чидамай доду вовайлолар орасида хотирасига порлоқ ўйлар оқиб кирар, хаёлоти тўқсон газга ўзгарарди. У ҳам одам. У ҳам она. У ҳам яратади. Кимдан кам бор унинг? Қани, кимдан кам бор? Пуштсизсан, дея ҳайдаган ўша Мансурмиди? Дарров илаштирволиб, кеккайган ўша қишлоқи Канизамиди? Нозима бир марта саломлашади ҳали. Бир мартага. Сабр қилганимда бу ҳам туғаркан, дея чекади ҳали азобни, Мансур кўр! Доим шундоқ юрмассан, сен ҳам қоқинарсан ҳали, кўрамиз!

Ўзининг сўнгги ўйидан даҳшатга тушган Нозима калима келтира бошлади. Вужудининг борки ҳиссиёти "ҳеч кимга тикан кирмасин" деяётганди...

XLVI

Каниза тўйдан ўша аҳволда қайтиб, йўлдаги ҳолатидан уялганнамо хаёллар оғушида юрди. Чинакам, унинг ўйлари тутуруқсиз, бир-бири билан боғланмаган, чалкаш, узуқ-юлуқ, тушунарсиз эди. Нега бу кўйга тушаётганини ўзи англолмас, ўйлаб ўйига ета олмасди.

Буларнинг бари Мансурдан, унинг тутмиш-юрмишидан деса, унда ортиқча ўзгариш кўзга ташланмайди. Юрган йўлида юрибди. Бироз ўзгарган, албатта. Ҳар қандай одам бир хил, бир кепатади юравермайди. Айниқса, эркак киши. У кўчанинг одами бўлади. Доимо аёлининг кўз-қовоғига қараб ўтиравермайди. Ҳалиям, Худога шукур, ўша-ўша, ҳар куни уйда, димм йўқолиб кетаётгани йўқ. Кўп ичмайди, уришмайди, сўкмайди. Каниза нима деса, хўп дейди. Ишлари ёмон эмас, шекилли, ҳеч нолимайди. Бировлар ҳақида гапирмайди. Пул аввалгидек келиб турибди, чоғи. Иши оғирлашган ёки ёмонлашган бўлса, сезиларди. Ўша Мансур, ўшандек юрибди. Яна тағин нима қилсин? Ҳар доим оёғини ўпавермас, ахир.

Каниза янги ўйнаши эмас, уч йиллик хотини, эр бўлса, шунчалик бўлади-да... Демак, рўзғоридан кўнгли тўқ. Унда Канизанинг кўнглидан кечаётган номаълум шарпалар нимадан?

Қишлоқ тинч. Ота-онаси ўлакса-қари эмас. Ака-укаларининг ишлари ҳам жойида. Ўғил-қизларини ўқитишяпти, узатишяпти, келин олишяпти, эл-халқ ичида ўзига яраша ҳурматлари бор. Икки боласи қаноти остида, одам бўп қолишди. Аҳмад коллежда ўқияпти. Ойимхоннинг баҳолари беш, шаҳардаги энг уста чеварга шогирдликка беришган. Бичиш-тикишга туппа-тузук қўли келиб қолди.

Яна нима истайсан, Каниза? Сенга яна нима керак? Нега ўз ёғингга ўзинг қовриласан? Ё юрагинг бирор хавфни сезяптими? Ёки кимдир иссиқ-совуқ қилиб, қоракўнгил, юрагинг сиқиладиган қилиб қўйганмикин? Шунақалар бор-да, ахир. Бугуноқ чорасини кўради. Йўқ, эртага. Бугун кеч бўлди. Ҳадемай ётадиган пайт ҳам бўлади. Хўжайин қаерда қолди экан? Бунча кеч қолмас эди. Балки, бир кунгидек иш-пиши чиқиб қолгандир?

Каниза ўзини алахситиш учун телевизор кўриб ётар, кўзи унда бўлса-да, ўй-фикри ўзга тўлқинларда кезинарди. Наргиза... Шу ҳам хотин бўлиб, ўша директор билан яшади. Шулар ҳам эру хотин? Сен, Каниза, Мансурнинг бошидан сув айлантириб ич. Ўша поччанг, Рўзига бир солиштир. Самад-чи? Самад, Самад... У ҳозир хаёлида қачонлардир билган, сал таниган одамга ўхшарди. Ўша, соқоли ҳамиша олиқсиз, қўланса мойнинг ҳиди анқийдиган Самад... Кўпинча кўзи қизил, оғзи ичкилик аралаш нохуш ҳид... Э, ўл-а! Турқинг қурсин.

Миясида чақин чаққандай бўлди. Шубҳа ва гумонлари емирила бошлади. Дилига нур кираётгандай, мубҳам нарса сочароқ бўй кўрсатаётгандай. Тўппа-тўғри, шундан шубҳаланаётган экан, шундан қўрқаётган экан... Ҳаётида ҳеч кўрмаган Зокир аллақандай қиёфада намоён бўлди. Шу киши экан-да, у. Бўшаса, нима қилибди? Бўшашини бизга нима алоқаси бор? Унинг бўшашидан Наргиза нима манфаатдор? Қизиқ.

Кечаги келганда онаси Ўктамби тўй тафсилотларига хотима ясади. Тўхта Канизанинг дастурхонини қайтармабди. Ҳозирча кучим етмайди, дебди. Бой, қўйнидан тўкилса қўнжига. Давлати камайиб қолмайди. Кўзим тирик бўлса, бир кун қайтарарман деганмиш... Ҳе, ўлиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

кетсин, ўша тугунқайтти! Сени латта-путтанга зорманми, зормонда!..

Во-о, Наргиза-ей... Нега тўйда ўзини бундоқ тутди деса, аясининг гапига қараганда, Наргизанинг оғзидан эшитибди: қайноғаси, яъни Мансурнинг акаси Зокир ишдан кетармиш... Ҳа-а, демак, туманнинг ҳокими, арзанда хотини, Наргиза учун энди бу ёқдан фойда йўқ...

Каниза энди чидамади, чўзилиб ётган дивандан шартта турди-ю, у ён-бу ён кезинди. Тўй пайтидаги ҳамма ҳолатлар айнан кўз ўнгида тикланиб, унга алам тиғини санчди. Опасининг андилигига неча бор имон келтирганига қарамай, бўралаб сўкканча, охирги нуқтани қўйди. Алҳол, шу кунга қадар, бундайин куйиниб, олиниб, ўпкалаётган, ёхуд хафа бўлаётгани йўқ эди. Бор ҳақиқатни, чамаси, бугун англаб етди. Бай, бай, бай, бай, мунчалик олчоқ бўлмаса-я, булар? Ўз опанг-а, ўзингни опанг! Ҳамма жирканч кўриниб кетди кўзига. Бир вақт "Нега куйинасан? — деди ўзига ўзи. — Қайноғанг ишдан бўшаб кетса, осмон узилиб тушадими? Хўп, Мансур ҳаром йиққан бўлса, ана олишсин ўша нарсаю пулларни, жонни оладими? Ҳаром аралашган бўлса, ҳаммаси ҳаром эмасдир, ахир?" Каниза келганда, манави ую мол-давлати ўрнида эди. Мунча топмаса, ярмини топар, ярмини бўлмаса, ўндан бирини. Нима, турмушлари тўхтаб қоладими?

Тун яримга оғди. Мансурдан ҳамон дарак йўқ. Тинчликмикин, ишқилиб? Шу одам бахтларига соғ юрса бўлгани. Қолгани ҳеч гап эмас. Ишини Худо ўнгласин, душманларнинг кўзи кўр, қулоғи кар бўлсин.

Канизанинг яна юраги сиқилди. Миясини кўпдан буён пармалаётган саволларга жавоб топиб, дарди бир дам енгиллади, деганда бугун Мансурнинг ғайриодатий кеч қолаётгани таъсир этаётганди. Шуурининг ич-ичи, қатқатидан қандайдир дилғашлик бўй кўрсатар, ёмон ўйларга бошларди. Худо асрасин, ишқилиб, бир бало бўлмасинда, дея ўзини қўярга жой топмасди.

Соат бир, иккига занг урди. Йўқ, Мансурдан дарак йўқ. Кечқурунлари жиринглаб тургич телефон ҳам мунгли жим. Мансурсиз уй ҳувиллаган вахимахона. Каниза қўрқув-ла хона эшикларига назар ташлайди, худди эшик очилади-ю, кимдир югуриб чиқади.

Сукунат. Тирқ этган товуш йўқ. Гўё қулоғи битгандай, шаҳар ҳам жим. Хизматкорлару болалар донг қотиб

ухлаб ётибди. Бир, хизматчиси Севарани уйғотгиси келди, унинг қаттиқ ухлашини ҳисобга олиб, аҳдидан қайтди. Ётади, ичидан асаби гумириб қўзғаб келади, ўрнидан шартта туриб кетади. Юрса, ўтирса, уйқу босади, қовоғи қўрғошиндай оғирлашиб, кўзи ёпишади, ачишади, эснайди, ёшланади. Ётса, қани уйқу элтса!

Бир вақт телефон жиринглаб юборган эди, нақ ақлдан озаёзди. Ҳушидан кетиб йиқилишига бир баҳя қолди. Ипакдай жонсиз қўллари билан гўшакни туртиб-суртиб кўтарди.

— Каниза!!!

Мансур! Хайрият, Мансур акаси... Аммо овоз роса ўзиники эмас.

— Каниза! — Мансурнинг овози гўё томоғи қуригандай хира эшитилди. — Каниза!

— Ҳа, ҳа, гапиринг, — деди қўрқувдан эсхонаси чиққан Каниза.

— Каниза, — яна қайтарди Мансур, энди овози сал ўзиникига ўхшади. — Ҳозир Комилбек боради, сейфдан эллик бериб юборинг. Ўзи тушунтиради. Мендан хавотир олманг, иш битказяпман. Ҳозир пул беришимиз керак. Сейфда. Юзталик кўкидан эллик пачка санаб оласиз... Бир пасдан кейин бораман, хўп?

Телефон узилди. Канизанинг ҳамон титроғи босилмаган эди. Тирик юрган экансан, ишинг бошингдан қолгур, эртароқ телефон қилиб қўйсанг бўлмасмиди — ўзини босиш учун қайта-қайта ўйлай бошлади у. Кийиб-кийиниб улгурмасдан, ташқарида машинанинг сигнали эшитилди — Комилбек.

Каниза дарвозадан машинани кўриб, ишонч ҳосил қилгач, уйга қайтиб кирди-да, сейфни очди. Боғлами "100" ёзувли пачкалардан элликта санаб, халтага жойлади, сейфни беркитиб, халтани Комилбекка олиб чиқиб берди.

— Акангиз қаерда ўзи? — сўрашга зўрға улгурди у.

— Мени ҳам ҳозир чақирди, уйда эдим, — Комилбек шошилинч жавоб қилди-ю, тез жўнаб кетди.

Уйга қайтиб кирган Каниза соатга қаради. Соат 4. Шундай пайтда ҳам пул иши бўладими, ўйланди Каниза. Яна тағин ким билади, катта ишларга аралашмагани маъқул. Ҳозир бораман, дегани учун Каниза уни кутишга қарор қилди. Бир вақт машина келиб тўхтагани эшитилди. Каниза дарвозага югургилади. Эшикни очиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мансурни кўрди-ю, донг қотиб қолди. Ёқавайрон, галстуги деярли ечиқ, сочлари тўзиқ, хайкалдек унга аянчли боқиб турарди.

Аввалига, Каниза турган ерида қотиб қолди. Сўнг уни суяб, уйга етаклади.

XLVII

— Бу бир хатолик бўлди. Ростакам шундай бўлди...
— Билиб туриб, а?
— Билганим йўқ?
— Унга нега илакишдинг ўзинг?
— Қайдам.
— Мансур, эшакмия Мансур, билмасмидинг аёл кишининг юки қирқта эшакка юк бўлишини?
— ...
— Шундай хотининг туриб, а?
— ...
— Нега миянг ишламай қолди?
— Невлай...
— Хотинларнинг макри ҳақида чакана тарихий нарсалар ўқиганмидинг?
— Нима фойдаси бор...
— Нега бу ҳолга тушдинг?
— Қайдан билай.
— Пешонангда бормиди?
— Билмадим...
— Маъбуда дегани қачон пайдо бўлди ўзи?
— Қайдан билай.
— Шунча нарсага ақлинг етган, қўлинг узатсанг, не жойларга етган одам анов учови олдида қандай уятга қолдинг, а...
— Уфф!
— Кечаю кундуз ёнингдан жилмаётган хотинингни кўзига энди қандоқ қарайсан?
— Пул-ку топилади. Обрў-чи?
— Бир пул бўлди.
— Видеога тушдинг? Нима деган одам бўлдинг?
— ...
— Зокир билса, нима бўлади?
— ...
— Асли йўқ бўлсанг бўлмасмиди?
— ...

— Қай кунларга қолдинг, Мансур, шундоқ одам, а?
— ...
— Аблаҳлар...
— Туришларини, безбетлигини, яна ширинсуханлигини кўр, а!
— Ифлослар...
— Ярамаслар...
— Қадримга йиғлайман, холос. Шу аҳволга тушганимга... Ўйинчоқ бўлганимга...
— Ҳар нарсага қодирман, деб юрардинг, а? Қани энди ўша топда акахонларинг, укахонларинг, орқангдан чувалашиб юрган қўзиқоринларинг? Бир кўмак беришвордими?
— Мулзам бўлдинг-а, мулзам.
— О, аблаҳ, аблаҳсан, Мансур. Қани ишонган органинг сенга ёрдам бергани?
— Аканг сени қутқариб ола олармиди?
— Ўлганинг яхши эмасми?
— Пул-ку, майли, бешта "Нексия"нинг пули сенга чўт эмас, лекин хўрланганинг-чи? Ўлгудек хўрландинг, а? Бундан кўра ўлганинг яхши эмасмиди?
— Сен энди ўлдинг, Мансур. Энди тирилишинг амри маҳол.
— Сени ўлдиришди, ер билан баробар қилишди. Балки ўзингникилар қилгандир? Бу ишни сени билганлар қилади-да. Бошқа ким қилади?
— Маъбуда, Маъбуда... Сени атай яқинлаштиришган экан-да... Сенга раҳмим келиб юрибди... Қийналган, ёлғиз аёл, ёрдам қилай дебман... Қилар ишни қилиб, нега йиғладинг? Ичинг ачишдими? Сенинг, а? Нима қилиб қўйдинг, Маъбуда?
— Ичкилик қилди дейсанми?
— Икковинг қилдинг. Икковинг бошимни айлантирдинг...
— Майли, пешонада бор бўлсин. Аммо ёмон бўлди. Шармандалик! Бунга чидай олмайман... Қандоқ бардош берай, Художон?
— Ҳаром юргандирман, ҳаром топгандирман, балки шу чиқиб кетиши керакдир? Буни тан оламан. Бироқ, нега мундоқ чиқиб кетиши керак? Бошқа йўли йўқмиди? Шармандачиликдан ўзга йўли йўқмиди?
— Эҳ Худойим, нега дунёга келтирдинг? Кимнинг боласи эдим, ким бўлдим?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мансур ётган ерида ингранб ҳали у ён, ҳали буён ағдарилар, дардига дармон топилмас, турли саволлар ёғилар, ўртанар, ўз ёғига ўзи қовриларди. Икки кундан бери кўз юммай парвона бўлаётган Канизанинг кўзига қарай олмас, фақат ўзини ўзи лаънатларди, холос.

Каниза ёмон воқеа юз берганини билиб турар, чурқ этмас, ўзини ўзи унга бағишлагани-бағишлаган эди. Билиб туриб йўл қўйган хатосидан сачраган ўтнинг тафтидан икки дил баробар ёнаётганди. Ҳаммадан ҳам ҳозир икки ўт ўртасидаги Мансурга қийин эди. Наздида, бу шармандачиликка одам боласининг чидаши маҳол эди. Тўлғона-тўлғона қийналиб, жисму жонидан мадор қочганда, бир нуқтага тикилиб қолар, содир бўлган воқеа эса адоқсиз тикланаверарди. Алҳол, Мансур ўзига ҳисобот беришдан чарчамаётганди.

Канизадан тинч қўйишни, ўз ҳолига ташлаб қўйишни илтижо қилар, унинг саволларидан ўзини олиб қочар, дўхтир чақиришга сира-сира розилик бермасди. Бир қултум на сув ичар, на бир луқма овқат ўтарди унинг томоғидан. Борган сари Канизанинг ваҳимаси ошиб борар, Мансур эса ундан қутулишга чоғланарди. Ўзи билан ўзи ёзғириб, бўлиб ўтган воқеанинг сир-синоатини топишга уринарди. Каниза бир дамга уни тарк этди. "Хўш, — дерди Мансур, — кейин нима бўлди? Ўша куни... Йўқ, бир кун олдин мана бу машмашалар бўлиб ўтди. Ҳаммаларига лаънат! Хўп, ўша ишлардан сиқилди. Кейин, кейин... Марказдан лойиҳадаги ишни кечиктиргани учун ўдағайлашди. Кейин... Кейин катта елка ваъда қилди... Ундан кейин ишдан ҳайдаб юборган прораби келиб, дағдаға қилди. Кейин-чи? Ҳа, анови ифлос курсдоши келиб, Нозима учун кайфиятини бузди. Хуллас, жонидан тўйиб турган пайтда Маъбуда бино бўлди. Тамом. Ресторанга боришди, ичишди, унга "Матиз" ваъда қилиб, алламбалолар деб алжиради. Ўх, ўх, ўх... Ўша ерда ўтирганларга ҳам бир бало гапларни гапирди. Мақтанди, чегарадан чиқиб тўққиз қўйиб юборди! Уят, а, уят... Эҳ шарманда!" Аввали кейин ҳеч мундоқ кайфи ошмасди. Нима қилаётганини, нима деяётганини ўзи билмади. Маъбудани пинжига олиб, машинага ўтиришаётгани элас-элас эсида. Кейин ҳеч нарса ёдида йўқ. Бир вақт кўзини очса... Ўша ўзи билган аҳвол. Қанақадир жойда ётибди. Ҳеч нарсани англай олмайди. Кимдир туртяпти. Мундоқ қараса, бегона эркак. Чап томонига

қаради — қизил халатда сочлари тўзғиган Маъбуда ётибди. Шундагина нима бўлганини тушунди. Бошида сирқираган оғриқ. Томоғи қуриб-қақшаган. Рўпарада бир думалоққалла катта хотин. Ёнида бир йигит. Ҳалиги туртаётган одам "давай, туринг" деяпти. "Нега тураман?" деди, шекилли уйқусираб, ўзини ёстиққа ташларкан. "Без шутки, — деди ҳалиги одам, — давай встань!" У шундай силтаб тортдики, Мансур жойида ўтириб қолди. Кўксидан кўрпа сидирилиб тушди. Майкаси йўқ. Оёғини қимирлатиб, яланғоч эканини шунда сезди. У ёқ-бу ёққа аланглаб "кийимим?" деди, ёнидаги қўрс билан кўрпа талашди, чироқ ёниқ, устига тортмоқчи эди. Нариги кўрпани силтаб ерга отди. Мансур мундоқ қараса, семиз хотиннинг ёнида турган бола чинакамига видеога олаяпти... Шунда ўзига келди. Уфф, ўлгани яхши эмасми? Типирчилаб юзи ва авратини тўсишга уринди. Чойшабни тортқилади. Елкасидан туртиб турган одам уни маҳкамроқ ушлаб, қимирлашга қўймайди. Видео эса ҳар ён сурилиб, ўз ишини қиляпти. "Кийимим!" дея ўшқирди у яна. Ҳеч ким қулоқ солмади.

Кейин, салдан кейин видео ўчди. Сўнг музокаралар бошланди. Қисқаси, талаблар қўйилди. Кўнмаса, тасвирни керакли жойларга тарқатиб, шармандаю шармисор қилишларини айтишди. Кўнди. Кўнмасликнинг иложи йўқ. Пулни ким келтиришини сўрашди. Мансур "ҳайдовчим" дегач, телефонда Комилбек билан Мансурни улашди. Комилбек телефонни тайёр тургандек олди. Мансур ўша пайтда соат неча бўлганини кейинроқ билди. Соат тўртда Комилбек ухламай кутиб турган экан-да. Унинг устига жуда тез келди. Балки, Мансурга шундоқ туюлгандир. Йўқ, биринчидан гўшакни ўша заҳоти олди, иккинчидан тез етиб келди. Демак... Аблаҳ, ўзининг ҳайдовчиси-я, анови акахоннинг жияни. Ё бу ўшанинг ишимикан? Йўғ-е, ҳали ҳаммасини билади. Бир мартага тагига етади. Ифлослар...

Комилбекка топшириқни берди. Сўнг Мансурни уйи билан улашди. Пулга бориб келаётиб, Комилбек яна телефон қилди, Мансур турган хонадонни тез топиб, пулни киритиб берди... Мансурни тортқилаган ҳалиги нусха пулни текшириб олди-ю, кўнгли тинчиди ва шунақанги ҳурматсизлик билан Мансурга қараб "Пошел!" дедики, бундан ер ёрилмади, кириб кетмади. Чиқиб кетаётиб, Мансур нигоҳи билан дераза ёнида турган қизил халат-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ли Маъбудани топди. У орқа ўгириб турар, елкалари титраб, йиғлаётганди. Мансур гандираклаб, титраб-қақшаб пасга тушганда, Комилбек шундоққина подъезд рўпарасида кутиб турарди, миқ этмай, уни уйга ташлаб кетди... Бўлгани шу.

Ўйлай-ўйлай ҳолдан тойган Мансурнинг кўзларини ҳозир оқ туман қоплади. Кўнгли айнаб, ичак-чавоғи ташқарига чиқиб кетгудак ўқчиди, пешонасини совуқ тер қоплади. Беҳаловат силкина бошлади.

— Мансур ака, ёмон бўляпсизми? Энди дўхтир чақираман, — деди ёнига тез қайтган Каниза.

— Йўқ, йўқ. Керак эмас. Мен касалмасман...

Каниза унинг елкалари, бошини уқалай бошлади.

— Мана бу суюқ овқатдан бир қултум ичинг, Мансур ака, икки кун бўлди, туз тотганингиз йўқ, ахир! — куйинди у.

— Майли, майли, оп кел, — биринчи бор рўйхушлик билдирди Мансур, ярим туришга чоғланиб.

Ортига ёстиқ қўйиб, овқат ҳўплатаркан Каниза:

— Ўзингизни мажбурланг, қувватиз қолмади, — деди.

Мансур озгина овқат ичди-ю, безовталаниб, ихранганча яна ўзини ортга ташлади, кўзларини юмиб олди.

Канизанинг жону жаҳони ёримасди. Мансурнинг азоби, дарди унга ҳам кўчар, дили сирқирарди. Юраги ачир, ўз кўнгил кўчасига кўра яратиб олган душманларнинг ишини қарғар, кўнглим сезиб юрганди, дея бу кечмишни ўз дилқораликларига менгзар, ишқилиб, шу охиргиси бўлсин, фалокат аригани рост бўлсин, дея дуои фотиҳа ўқир, Худога илтижо этарди, вақт эса озурда кўнглига хиёнат қилгандай имилларди. Иложсиз, уни энди вақт тузатади, деган хулосага келган эди у.

Алҳол, шундай бўлди ҳам. Мансур бешинчи кун деганда оёққа турди. Унинг Канизадан мамнунлиги кўзидан маълум бўлиб турарди. "Ҳақиқатда, хотиндан айтган", ўйларди у. Мансур чуқур руҳий ситамларни бошидан кечирар экан, Каниза баробар азоб чекди. Туну кун ухламади. Мансурни ҳеч кимга ишонмади ҳам. Унинг кўнглини кўтаришга, қамсаб олган дард-андуҳни бирга енгишга имкон қадар уринди, лоақал, бирон марта нима бўлганини сўрамади. Бунинг ўрнига унга соғлиқ тилаб, тинимсиз Худога илтижо қилди, кўнглини кўтарадиган гаплар топиб гапирди. Барибир, хотиндан яхши ва яқин дўст бўлмас экан. Оғир кунларда ёнингда шу асқотаркан, холос.

— Ҳадеб пулни, бизни ўйлайверманг. Ўзингизни ўйланг, — дерди Каниза. — Бизга пул эмас ўзингиз кераксиз. Мен энди сизсиз бир кун ҳам яшай олмайман, — кўзига ёш олди у, — қорнимиз тўйса бас, бир-биримизни ҳурмат қилсак бўлгани. Сиз ҳеч нарса бўлмайсиз, ҳамма қилган ишларингизга Аллоҳнинг ўзи гувоҳ, қанча-қанча бева-бечораларга ёрдам бердингиз, менинг уруғ-аймоғимга кўрсатган меҳр-мурувватингиз учун сиздан умрбод қарздорман, Мансур ака. Бахтимизга соғ бўлсангиз бўлди.

Яна бир гал шундай гапларни айтди:

— Мени, битта ялангоёқ қишлоқини бошингизга кўтардингиз. Менинг кўнглим учун туппа-тузук хотинингиз билан тамоман алоқани уздингиз. Буни билмайди, деб ўйлайсизми? Унга қийин бўлди, сиз буни билардингиз. Бундай қилиш сизга ҳам осон бўлмади, биламан...

Бугун эса охирги гапини айтди, бу пайт Мансур ҳар ҳолда ўзига келиб, ишга жўнаётган эди, Каниза:

— Худога минг қатла шукр, ҳамма фалокат ариди, аригани рост бўлсин. Энди ўзингизни эҳтиёт қилинг, кўп бўлмаса оз бўлар. Одамлар ёмон, эҳтиёт бўлинг, уйга эртароқ келинг, ҳаммамиз кутиб ўтирамиз. Телефон қилиб туринг, Мансур ака...

Мансур унга "хўп" дегандай мамнун боқиб турарди. У телефон томон бир қадам ташлади-ю, беихтиёр тўхтаб қолди, ортига қайтиб, диванга омонат ўтирди.

— Шофёрга телефон қилинг, — деди у Канизага, негадир Комилбекка ўзи телефон қилгиси келмади, кўнглида қандайдир уялиш ҳисси кезинаётганди.

— Комилбек шу ерда, кутяпти, — жавоб қилди Каниза. — Ҳар куни эрталаб кеп туради.

Бироз саросималанган Мансур ўрнидан турди. Ташқари чиқиб, индамай машинага ўтирди. Комилбекнинг ҳам ўнғайсизланаётгани билиниб турарди. Офисга оз қолганда, Комилбек хижолатомуз:

— Мансур ака, — деди, — Кореяга ишга боришга ҳужжат топширгандим, ўтибди, агар рухсат берсейиз...

— Тоғангиз яхшими? — шунда садо чиқди Мансурдан.

— Яхшилар. У киши ҳам анчадан буён касал, уйда укол оляптилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Салом айтиб қўйинг.

Комилбек бошини ликиллатди. Машина офисга юзланадиган кўчага бурилди.

— Тўхта, — деди бирдан Мансур.

Уни ҳозир бошдан охир ўзи англаб ололмаётган туманли туғёнлар ўраб олганди: офисда иш тўлиб ётибди, уларнинг бош-учини топиб бўлмайди. Каниза минг бора ҳақ экан. Унга шунча иш, шунча ташвиш не керак? Биттагина жонига. Ҳозир биронта одам, биронта ташкилот тўғриликча алоқа қилаётган бўлса экан. Ҳаммасида жиноятнинг изи бор. Барча ишлар пулни ўмариш, қўшиб ёзиш, ўзлаштириш, ясама ҳисоботлар, "елка", пора билан битяпти.

Мансур кўзини маҳкам юмиб олди. Пешонасига совуқ тер тепчиди. Куни кеча, анов воқеа тафсилотлари бироз чекингач, илгаритдан ўйлаб, ташвиш чекиб юрган мана бу гумонлари балқиб чиқди, биргина нотўғри босган қадами боис бошига турган хўрланиш, тўрттагина шантажчига бас кела олмай, дағ-дағ титрагани буларнинг олдида нима деган гап? Аввалига ҳеч нарса бўлмайди, ҳозир ҳамма шу, деб ўзини алдаб юрди, бироқ, минг алдасин, минг ўзига таскин изласин, улар ҳамнишин эди. Аҳмоқ ҳам нима қилиб юрганини ўзи билади. Жуда чуқур кетдинг, Мансур, жуда чуқур... Томга чиқиб бўлдинг, энди нарвон йўқ...

Иблис, ахир ўзингга неча бор айтдинг, ҳой, ҳисобкитоб қил, одимингни билиб бос, қилдингми ўз айтганингни? Қилмадинг. Жиллақурса, изингни босиб, этагингни ёпиб юришинг керакмиди? Текширса, ҳаммаёқ чиқади. Фош бўласан, мисинг чиқади. Ана шу алкаш ҳисобчинг неча бор огоҳлантирди-я. Қулоқ солдингми? Йўқ. Энди, энангни кўрасан...

Алҳосил, Мансур кўрғошин янглиғ булутлардек босиб келаётган ваҳималарни ҳайдашга уринар, шу онда у чорасиз эди. Аввалига бунга сабаб кечагина юз берган воқеа, деб ўйлашга ҳаракат қилди. Домига тортаётган ўпқондан чиқишга ҳарчанд уринмасин, тобора ғарқ бўлаётгандики, ундан қутулишнинг чораси йўқ эди. Ҳар нарсанинг охири бор, Мансур, охири! Қуёш ҳам чўққига чиқиб, сўнг ботади. Кундан кейин тун келади. Бу ҳақиқатларни билардинг-ку, Мансур...

Туйқус ғазабкор қараш қилиб, Наби Мусаевич пайдо бўлди. "Нотўғри йўлдан кўра тўғриси кўпроқ, шунда ҳам бемалол яхши яшаса бўлади". Неча марта қулоғингга қуярди у бу гапларни. Сен-чи, аблаҳ? Сен уқмаганмидинг буларни? Фалокат якка одамнинг бошига ёғади, дегани эсингдами? Сенинг фалокатинг шерикларингга керак эмас, дегани-чи? Худо кўрсатмасин, текшириш бўлмасин! Бўлди, бўлди, биринчи сен энангни кўрасан. Хўп деявер...

— Дортуққа, — бўғилган куйи хирқиради Мансур.

Рул дастасини ушлаб, олдинга қараганча миқ этмай ўтирган Комилбек, уни уқмай аланглади.

— Қабристонга, Дортуққа! Ҳайда! — қайтарди Мансур, ҳозир миясига фақат отасининг қабрига бориш ўрнашиб олганди, фикрига ундан ортиқ ҳеч нарса инмасди.

Ҳайрон Комилбек қабристон дарвозаси ёнида тўхтади. Мансур тушди-да, дарвозадан шошилинч кирди. Наби Мусаевичнинг қабрига етди, етгани ҳамон елкалари титраб, фиғони фалакка ўрлади, бўғиқ йиғи томоғини йиртиб чиқа бошлади, қабрнинг мармар тошларию панжараларини силаб-сийпалаганча:

— Кечиринг, отажон, кечиринг аблаҳ ўғлингизни, ўшандан буён олдингизга кела олмадим, кела олмадим... — дея нола чекди.

У мук тушган кўйи қанча йиғлади билмади. Фақат елкасига оҳиста қўйилган қўлдангина ўзига келди:

— Ўғлим, ортиқча йиғламанг, ҳаммамиз ҳам Аллоҳнинг бандасимиз, шу ерга келамиз... — дея, қабристон шайхи бўлса керак, одмигина киши тиловат қила бошлади.

Мансур йиғидан тийилди, фотиҳага қўл очдилар. Шайх ўрнидан тураркан, "Худо раҳмати, яхши одам эдилар, домла" деганча изига қайтди. Мансур бир маҳалгача турган ерида қолди. Чуқур хўрсиниб, атрофтевараккa назар солди. Тик турган қабртошлар остида ётганларнинг хешу акраболари уларни қай даражада улуғлашлари ўрнатилган ёдгорликлардан билиниб турарди. Наби Мусаевичнинг ёнидаги янги қабрлар ҳали безатилмаган.

Мансурнинг нигоҳи яна дадасининг ёдгорлигига қўчди. Энди, ёзувларни ўқиди:

РАҲМОНОВ НАБИ МУСАЕВИЧ
1929—2001
Падари бузрукворига
Раҳмонов Зокир Набиевичдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

"Зокир қилдирибди-да, нега индамади?" Боши хам Мансурнинг анча пайт энсаси қотди. Лекин жавоб топа олмади. Ҳамёнидаги телефонга қўли югурди. Аммо эсҳуши унга қаерда турганини эслатди.

Нима бўлганда ҳам Мансур қабристондан енгил тортиб қайтди. Бироқ қабртошдаги битик унга тинчлик бермаётганди. Йўлда телефон қилишдан ўзини тия олмади. Улангач:

— Ака, бу мен, — деди.

— Қаердасан? — Зокир оҳиста гапирди.

— Қабристонда.

— Нима қиляпсан?

— Келган эдим...

— Ёдгорлик ўрнатишибдими, йўқми?

...Мансур телефонни ўчирди.

XLVIII

Кабинет остонасига борган Мунисхон ҳайрон қолди. Ичкаридан аниқ оҳанг билан "Мелкиадес ҳо, Мелкиадес" деган овоз эшитилар, чамаси, эри Юсуфхон шундай қўшиқ айтиб, ўйнаётганга ўхшади. Шарпани сезди, шекилли тўхтади. Бирдан эшик очилиб:

— Шпионҳасига келинмасин дейилганми, дейилганди, товуқмиялар,— жавраб берди Юсуфхон ва қулоғини хотинига бурди.

— Комилбек келди, — зарда билан деди Мунисхон ва кабинетинг бошингдан қолсин дегандек дўқиллаб ортига қайтди.

Ундан ўзган ҳолда тезлаб, Юсуфхон ташқарига шошилди. Чиқасолиб, машинанинг орқа ўриндиғига ўтирди. Биринчи:

— Келдингми? — деди.

Иккинчи:

— Номерни осдингми? — чиқди оғзидан.

— Осдим, осдим, ташвиш қилманг, отахон, — жавоб қилди Комилбек.

— Ўзимизнинг номер осилса, хулиган, машина Мансурхонники бўлмай қолади, биласан, а? — бу гапни қачон машинага чиқса, минг марта уқтирган Юсуфхон одатига кўра яна такрорлади.

— Қаёққа?

— Уйингга.

— Уйимга? — Комилбек ҳайрон тоғасига қаради.

— Уйинг йўқми сени?

— Бор — ўзимники ва дадамники.

— Ўша дадангни хотининикига, мени синглимникига ҳайда.

— Гапирворасиз-да, тоға.

— Кўзингга қара, кўзингга. Ҳайда!

— Хўп, тоғажон.

— Бўлди, бас қил тоғажонингни. Хўш, жиян, хўжайин қалай?

— Чатоқ. Ишлар пачава.

— Нималар бўляпти?

— Бугун анави алкаш ҳисобчи роса жанжал кўтарди.

— Жанжал қилади-да. Бошқа нима қилсин? Икковини калласи баробар кетади. Икковиям панжарага боради.

— Шунақа гаплар бўлди, аммо...

— Ҳаммасини гапир, бирвошдан гапир.

— Шу, хўжайин абетга чиқиб кетятувди, каридорда ҳисобчи жанжал қип кетти, кейин хонасида роса талашишди. Бошқарма-пошқарма, бир балолар деб.

— Бошлиғи қамалди-да, энди навбат буларники.

— Роса текшир-текширмиш-а, тоға?

— Росасини айтасан-а, бутун вилоятти текширяпти-ю! Бу ҳукуматти комиссияси, ҳазиллашма. Ҳамма еганлар қусади энди.

— Ҳаммаёқ шов-шув.

— Сени кет демаяптими?

— Йўқ.

— Ўша ерда туришинг керак. Чет элга кетяпман, деб қўйганинг яхши бўлди, энди индамай туравер. Анов тожик индамаяптими?

— Ҳали кечки пайт хабар олдим. Авзойи ёмон. Ўшани раччёт қип қўйиш керак эди.

— Мана бугун йигирма кун бўлди. Ҳаммаёқ тинчлик, энди раччёт қилсак ҳам бўлаверади. Бир нарса қулоғингда бўлсин. Бу сенга ҳаётий сабоқ: Бировни ишлатдинг-а? Ишлатдинг. Дарров раччёт қилма. Дарров қилсанг, оз деб ўйлайди. Чў-ў-зиб берсанг, текканига шукр қилади. Укдингми?

— Буниям қоидаси бор, денг.

— Қоидасиз нарса йўқ, тентак. Бугун учовиниям рач-

www.ziyouz.com kutubxonasi

чёт қиласан. Квартирани эгаси қўшмачини, сочини турмакламай ўлгур, спортчи тожикни, қанжиқни. Видеочи ўртоғинг маҳкам, а?

— Унгаям...

— Унгаям, албатта. Ҳаммасини пулини бериб, яна кузатасан. Хавфдан кўз узмаслик керак, акаси, сен қаёқдан биласан...

— Келдик.

— Тўхтат. Бор онангни чақир.

Ариқ кўпиригидан ўтиб, ичкари кирган Комилбек онаси билан чиқди.

— Турди,— деди Юсуфхон,— ётиб олмаганмидиларинг, кўчаларинг ҳам бир зимистон-ей.

— Келинг, келинг, ака. Тушинг, тушинг.

— Вақт зиқ. Ҳалигини опчиқ.

Турди у ёқ-бу ёққа қараб олиб, ичкари йўналди.

— Ҳой, валламат, қани, ўтир рўлингга,— буюрди Юсуфхон Комилбекка.— Тўғри қараб, қот!

— Хўп бўлади, хўжайин.

— Бу бошқа га-а-п.

Турди берган нарсани олишиб ортга қайтишаркан, Комилбек:

— Шеттамиди? — деди.

— Олдингга қара, дедим,— бўлди жавоб.

Машина Юсуфхоннинг уйи олдида тўхтагач, у нарса билан тушди ва Комилбекка кутиб туришини айтиб, ичкари кириб кетди. Аллазамонлар ўтиб, учта оқ қоғозга ўралган пул кўтариб чиқди, уларни Комилбекка узатдида:

— Мана бу ручкани ушла, — деди, — ўз қўлинг билан ёз: мана бу спортчига, буниси қўшмачига, мановиси қанжиққа. Буларни етказиб, тез келасан-да, уларнинг реаксиясини айтасан. Савол борми?

— Йўқ,— Комилбек машинани юргизди.

Биринчи қўшмачиникига кирди. У пулни Комилбекнинг қўлидан юлиб олди, бошқа индамади. Спортчи икки марта санади ва "сволоч" деди. Ҳамма машмаша Маъбуданикида қўпди. Аввало, Комилбек уни излаб қўшнисиникидан топди. Маъбуда унинг нега келганини сезди, уйини очиб, бошлаб кирди. Негадир уйи шип-шийдам эди.

— Тинчликми? — сўради Комилбек Маъбуданинг қоматига суст кетиб тикилганча.

— Кетяпман, — деди Маъбуда.

— Қаёққа?

— Юртимга.

— Ие, бу ерлик эмасмисиз?

— Билмасмидинг? — туйқус сенсиради у Комилбекни. — Тоғангдан яхшилаб сўрамабсан-да.

— Ҳазиллашяпсизми?

— Энди сен қолгандинг, мен ҳазиллашмаган.

— Опахон, дўқ қилманг. Нима қилдик сизга?

— Тоғанг садақа бериб юбордими?

— Садақа эмас... Пул, — Комилбек қўлидагини узатди.

Маъбуда пулни олди-да, шундайича Комилбекнинг юзига отиб юборди.

— Бориб тоғангга айт, — деди у гўёки ўшқиргандай, — энди мендан кўради.

— Ие, ҳазиллашяпсизми? — яна гапини такрорлади Комилбек.

— Менга қара, ярамаслар, бу пуллар ҳеч кимга буюрмайди. Ўша бегуноҳ одам эди, — деярли йиғламсираб сўзланди Маъбуда, — тоғанг қақшатди, менга тегингани ҳам йўқ. Маст-аласт ухлаб қолди. Лекин тоғанг мақсадига етди. Ҳеч бўлмаса, ҳақиқатни сен билиб қўй, тоғангни охири бахайр бўлмайди. Майли, мен унга ёмонлик қилмайман, аммо Худо кўрсатади. Тоғангни аллақачон Худо уриб бўлган. Сен ҳам ўшани бирисан. Мен бир тушдим тоғангни қўлига, тўнғиз қўпгур эрим эр бўлганида бунчалик хорлик кўрмасмидим. Афсус... Мен юртимга кетяпман. Шу ерларга, тоғангга, сенга лаънат айтиб кетяпман. Бу эсингда турсин. Қани энди, ҳаром пулингни ол-да, марш отсюда! Ол пулни деяпман!

Маъбуда Комилбек томон шунақанги шаҳд билан юрдики, эгнидаги халати турилиб, сони очилиб кетди. Уч қадам қўйиб, ердаги ўроғлиқ пулга эгилди, шунда Комилбек унга ташланди. Олишув қўпди. Йиқилдилар, турдилар. Маъбуда ўзини қутқармоқчи бўлиб уринар, икки қўли билан урар, бироқ асов ҳужумга дош беролмасди. Охири ҳансираганича:

— Хўп, розиман, — деди-ю, Комилбек бўшашиши билан ўрнидан турди ва қандай улгурди, энди тикланган Комилбекнинг оёқлари орасига шундай тепдики, қутулди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Комилбек буқадай ихраганча ағдарилди, лекин шуурида кетиши кераклигини ҳис қиларди. Ичаклари узилиб, қорни тўкилиб кетгандай оғриқни зўрға енгиб, икки оёғини керганча энкайиб, жуфтакни ростлади. Ерда ётган пул кўзига кўринмади ҳам. Ярим йўлда ўзи билган сув ёнида тўхтади. Ютоқиб сув ичди. Ингранб юз-қўлини ювди. Бўлган ишларни бошқатдан хомчўт қилди, тоғасига нима дейиш тўғрисида режа тузди. Яхшиси, индамасликка қарор қилди.

У кабинетга кириб келганда, Юсуфхоннинг аллақачон хити ошганини сезди.

— Ўлиб-нетиб қолмадингми? — ғазабини сочди у. — Спортчи улушга қўшиб каллангни ҳам олдими, деб турувдим.

Комилбек индамай, ихраниб юбормаслик учун тишини тишига қўйиб, стулга чўкди. Столда колбаса кесилган, шоколад, ғаройиб шишадаги коньяк очиқ турарди. Рюмкадан маълум бўлишича, Юсуфхон сурурли кайф қилмоқда эди. У яна коньяк қуяркан, писанда билан:

— Букчайиб қопсанми, мунча рангинг ўчган? — деди.

— Қорним оғрияпти, — жавоб қилди Комилбек Юсуфхон томон қарамай.

— Нафсинг ёмон, нафсинг, учраган нарсани тиқасан, ёшлигингдаям бутун маҳаллани эмиб қўйгансан, сен занғар, — ҳазиллашгандек бўлиб сал ён берди Юсуфхон ва йўтал аралаш қистирди: — Хотинингда паросат йўқ, айниган гўштни егизворган бўлса...

Сўнгги гап Комилбек учун айни муддао бўлди:

— Уйда гўшт бўлса айнийдими? — тескари қаради у.

— Ҳа, нима, гўшт йўқми?

— Йўқ.

— Йўқ бўлса, ол!

— Пул бўлса оладими?

— Пулинг йўқми? Пулдор одамни олиб юрасан, миллионер бўлса...

— Бойлар пул берадими, тоға...

— Тўғри айтасан, олади. Майли, улар бермаса, мана, биз берамиз. Буниси сенга, униси ўртоғингга. Сен ўзимникисан, бермасам ҳам бўлаверарди. Майли, гўшинг бўлмаса, оволарсан... — Юсуфхон кулди.

Комилбек иккита ўроғлиқ пулни олди. Пулнинг чўғини сезиб, кайфияти ўнгланмади.

— Бизга теккани шуми? — деди кесатиброқ ва қўзғолди.

— Шукр қил, бола. Икковинг ҳам оғзингга эҳтиёт бўл, уқдингми, хайр, — деди Юсуфхон.

Комилбек чиқиб кетгач, ортидан:

— Мен бўлмаганимда, уйингни пойдевори ҳам битмасди, падарлаънат! — деб қўшиб қўйди: — Яна участканиям ўзим олиб берибман-а, нонкўр.

Коньякдан бир ҳўплаб, оғзига колбаса солди, юмшоқ оромкурсига ястаниб ўтирди-да, қўлига телефонни олди ва рақам терди.

— Ассалому алайкум, қизим. Бу мен, яна ўша тоғайизман. Дадангиз келдиларми?

— Йўқ. Тўхтанг, ҳозир аямдан сўрай-чи... Кемаптилар, кеч келишаркан.

— Хўп бўлади, қизалоғим, кейинроқ телефон қиламан.

Юсуфхон илкис жағини силади. "Тағин номер-помер қилмаяптимикин, ишқилиб? Соат ўн бўп қолди-ю, шу пайтгача тезак териб юриптимикин бу ғўзапоя домла". Юсуфхон Қодир Алиевич прокурор ёрдамчилиги вақтида бир ишни унинг шу қўшниси — Расулжон орқали гаплашганди. Қиёмат қўшни булар. Расулжон билан тақдир тақозосига кўра, пахтада, Юсуфхон вакил, танишган эди. Юсуфхон ўзининг айрим хислатларига тан берарди. Ўшанда унга яхшилик қилиб, зўр иш қилган экан. Яхшилик бўлиб ҳам нима, бир прицеп ғўзапоя оббортириб берганди. Ўшанда Расулжон янги рўзғор, уйига тандир қурдирган экан. Ғўзапоя деб минғиллаб қолганди, Юсуфхон битта гапи билан раисга айтиб, жўнаттириб юборган. Ўша ғўзапоя, мана, иккинчи марта корига яраб турибди. Биринчисида прокуратурада иш битирди. Энди эса, яна Қодир Алиевичга йўл топишда қўл келяпти.

Қодир Алиевич аниқ ҳоким бўлади. Буни ишончли манбалардан эшитди. Юсуфхон яқинлашмаса, ҳеч йўқ, шу Расулжонни қўлга олмаса бўлмайди. Қодир Алиевичнинг укаси, қайноғалари йўқ. Якка ўғил. Аммо ўзи дагар, ўғил бола. Очиқ-ёруғ йигит.

Расул писмиқ, демак, уйда йўқ. Хў-ў-ш, яна бир рюмка отамиз. Кейин бас. Расулжон, Расул... Ҳозир

www.ziyouz.com kutubxonasi

институтда ишламаяпти экан. Тижоратчи эмиш. Яқинда ректор бўлади.

Юсуфхон яна илкис жағини силади. Ҳечқиси йўқ. Тил топамиз. Бировдан кам эмасмиз. Энди "кўки" етарли, қўлимиз ҳар нарсага етади. Нима ташвиш? Расул ким бўп қопти? Битта таги паст домла. Институтни домласи. Бўлмаса, бир арава ғўзапояга кучи етмайдими? Ҳи, ҳи, ҳи... Сотилади. Юсуфхон, гаҳ десангиз, қўлингизга қўнади. Қаловини топиш сизга нима деган гап? Қодир Алиевичга ундан яқин одам бўлмайди. Бу аниқ. Учрашувни эртадан кеч қолдирмайсиз, пулингиз кўп, аямайсиз, вассалом.

XLIX

Воқеаларнинг ривожига кўра, ғишт қолипдан кўчгани аниқлашиб бораётганди. Энди, бунга Мансурнинг имони комил. Ўша машъум воқеа ҳам бежиз юз бермагани аёнлашди. Одамлар қанчалик қув, ҳамма нарсани олдиндан билишади. Атрофдаги гап-сўзларга Мансур ҳар галгидек бефарқ эди. Бу гаплар қачон бўлмаган? Ўтган йили ҳам, куз, қишнинг бошида ҳам ўзгаришлар катта бўлар экан, деган гаплар болалаганди. Аввалига, бу йил ҳам ўша гаплар-да, деб ўйлаб юрди. Лекин бу йил масала жиддий, шекилли? Хўш, Зокир кетса, нима бўлади? Ахир, Мансур кўп нарсаларга у кўтарилмай эришган-ку. Бу барчага аён. Тўғри, кейинги йилларда у гуркираб кетди. Кўз ҳам ёмон нарса. Нафсиламбирини айтганда, Мансур ўзи ҳам кўп нарсага бепарво қарарди. Ҳозир сувлар тескари оқа бошлагач, ўзига ҳисоб бераркан, тўғри ишлар қаторида ишкал ишларни ҳам кўп қилганини тан олмай иложи йўқ. Бундай қалтис ишга қўл ураётиб, охири бахайр эмаслигини билмасди эмас, биларди. Нега унда ўзини тиймади? Бу саволга жавоб беришга эндиликда ожиз эди. Қалтис ишлари жуда ҳам кўп эмас. Энг ёмони, воситачилик қилгани. Жуда кўп ишлар унинг фирмаси орқали бажарилгани. Тўғриси, шуларга бепарво қарарди. Бухгалтерияни қаттиқ ушлаши, шартномаларнинг ҳар бирини ўз қўлидан ўтказмоғи керак эди. Нега бундоқ қилди, ўзи ҳам билмайди. Бу ташвиш бўлиб бўйнида осилиб юрди, ана-мана деди, алалоқибат кеч бўлди. Доимо ҳар ишнинг изини бостириб,

этакни ёпиб юриши керак эди. Аммо... Энди сув дамбани урганда нимага улгурарди?

Кеча Зокир худди шу гапларни гапирди. Уни ит топмас ерга чақириб, вазиятни тушунтиришга уринди. Оғир-вазмин гапирди. Унда заррача чўчиш аломати сезилмади.

— Кетса ишим кетади, нима қипти? — деди у. — Қуёш ҳам чиқиб, ботиб туради,— дадасининг гапини эслади. — Ҳар ким нима қилса, шуни ўради. Ўйлайманки, сен ҳам мен айтган ҳамма ишларнинг чокини бостириб юргансан. Яна бир ҳисоб-китоб қилиб ол. Эҳтиёт бўлганни бўри емайди. Менга келсак, мен ҳеч қандай қалтис ҳужжатга қўл қўймаганман. Ҳеч кимга ёзма кўрсатма бермаганман. Вилоятнинг ишлари олдинга юрмади, деб айб қўйишлари мумкин, бунга ўзим ҳам қўшиламан. Бу иш бизнинг ишимиз эмас экан. Осон деб ўйлабмиз...

Гапига қараганда, Зокир сутдек оппоқ. Қанча ишларни буюрган у эди-ку. Энди сувдан қуруқ чиқмоқчи. Мен нима бўлсам, бўлаверай, шундай демоқчими? Демак, менга ёрдам ҳам бермоқчи эмас. Ўзим чўкиб кетаверараман. Ёки у бўшамайди-ю, шунчаки огоҳлантиряптими? Унда менга нега ҳамманинг муносабати ўзгариб қолди? Ўраб турган ҳамма яқинларим силжиб қолишди. Бири касал, бири пенсияга чиқяпти. Униси кўчиб кетяпти, буниси бола-чақасининг ёнида оёғини ёзиб ўтирмоқчи. Кун сайин хизматкор шотирлар ҳам оз қоляпти. Ҳали менга ҳеч нарса бўлгани йўқ-ку. Ёки одамлар мендан ақллироқдир?

Одам бир марта яшайди. Мен шармандалик тавқи лаънатини кўтара олмайман... Акам, кимнинг номига нима қурган бўлсанг, оғзини маҳкам қил, деди. Буни уддалайман, бироқ бухгалтерияни-чи? Анави алкаш ҳалитдан нағмасини бошлади. Ўшани қаттиқ ушлаш керак. Уни алдаб, яхши гапириб, йўлга юргизиш лозим. Пул бор, жуда бўлмаса, ўшанга илиб юборилаверади.

Зокирнинг "уйингни олишмайди, аммо еганингни қусасан" дегани нимага ишора? У кўп нарсани билади, сиёсатнинг ичида. Демак, мени ҳам ипимдан-игнамгача текширишади... Тўним бичилган, шундайми?

Нега Зокир хотиржам? Мен галварснинг олдида унинг иши пишиқ экан. Хуллас, у ғамини еб юрган. Ҳамма

www.ziyouz.com kutubxonasi

ишини менинг қўлим билан қилди, энди сувдан қуруқ чиқади. Наҳот ўз жигарини чуқурга итариб...

Энди мен нима қиламан? Қураётган уйим, шунча квартираларим, бош-кети йўқ қурилишларим, дўкону машиналарим, санаб саноғига етиб бўлмайди, уларни қандай яшираман? Шундоққина олиб қўйишса-ку, хўп-хўп. Барибир тиқишади, бошқа йўл йўқ... Қайси гуноҳларим эвазига? Падарингга лаънат, пул, бойликни деб шундай бўлдимми?

Мансурнинг юраги гупиллай бошлади. Кўзига сиртмоқ, турма азоблари яққол кўриниб кетди. Шармандалик-чи? Дўст-душман нима дейди? Фақат ўлим... Шугина қутқаради...

У ялт этиб пешонасидаги соатга қаради. 12.30. Ишхона кўзига шундайин ёмон кўриниб кетдики, кўзларини юмиб олди. Бошини чангаллади. Бу алфозда қанча ўтирди, билмади. Шарт ўрнидан туриб, сейфни очди. Коньякни олди. "Ич, Мансур, ич, тамом бўлганинг шу" деди у ўзига ўзи. Анов воқеадан кейин энди сира ичмайман, қўлга ҳам олмайман деганди. Ҳозир ичишдан, дунёдаги барча-барча нарсадан кўз юмишдан, нимадандир таскин топишдан ўзга ҳеч нарса кўринмасди кўзига. У коньякни очди-да, шишани кўтариб ича бошлади... Истак-аъмоли битта — тезроқ ичкилик элтса-ю, тескари айланаётган дунёни унутса. Шу боис шишани сиқимлаганича, бот-бот ғўлтиллатиб ичар, хонада тинимсиз у ёқдан-бу ёққа юрарди. Охири шишани бўшатиб, шошилинч иккинчисини очди. Энди, одимлари енгиллаб, қадами ғайриихтиёрий тус олди, тик туришга, ҳаракатланишга эҳтиётлик талаб этилаётганга ўхшади. "Ма-а-н-сур-бе-ек, сиз, сиз, би-ласиз-ми, сиз кимсиз?.. Сиз..." дея қўлини арра-арра этиб, кимгадир ақл ўргата бошлади.

Туйқус атрофига аланглади. Қаердадир Наби Мусаевич тургандек бўлди. Кейин онасининг йиғисини эшитдими-ей? Бир вақт тарк этган ҳуши ўзига келгандай бўлди. Қараса, ўзи йиғлаётибди: "Ҳа-а, Ман-су-ур-вой, — деди у ўзига-ўзи зўраки илжайиб, — не-е-га ййи-и-ғла-ё-ётибсиз? Қў-ў-ўрқяп-сизми?" Қўлидаги шишани оғзига олди, суюқлик тўкилаётганини элас-элас сезди. Яхши, оромкурси ёнида экан, ўзини ташлади. "Ая-яжон, дада-а-жон, қае-ер-дасизлар? Дадажоним, мени ке-е-чи-ринг, да-да-жо-о-н!!!"

Котибанинг ўрнида уйқусираб ўтирган Комилбек бақириқни эшитиб, хонага киришга жазм этди. Қараса, хўжайин адои тамом, бошини ҳали орқага, ҳали олдинга ташлаб чайқаляпти. Оёғининг остида иккита шиша думалаб ётибди. Биридан анчагина коньяк тўкилган. Комилбек аввалига нима қилишини билмай гангиди. Сўнг ортига югурди-да, Канизага телефон қилди:

— Хўжайинни, акамни сал... Йўқ, қўрқманг, кўп ичворипти, шекилли... Хўп бўлади.

Деярли беҳуш Мансурни бир амаллаб машинага олиб чиқди. Комилбек бақувват бўлишига қарамай, уни базўр жойлади. Судралган оёқларини ичкари олиб, эшикни беркитди-да, йўлга равона бўлди.

Уйга етиб келаркан, узоқданоқ Канизани таниди. У машинанинг чироқлари томон чопиб келарди. Машина яқинлашгач, ортига чопқиллади, бориб дарвозани оча бошлади. Комилбек машинани тўғри ичкари ҳайдади, икковлашиб, Мансурни зўрға уйга олиб кирдилар.

— Ая, мен кетдим, — деди ҳорғин Комилбек.

— Қаерда ичди бунчалик? — сўроққа тутди Каниза.

— Кабинетда.

— Ким билан?

— Ўзлари.

— Ёлғон гапирманг, қаерга борганди?

— Ие, нимага ёлғон гапираман? Бугун кабинетларидан чиқмадилар. Ҳамма кетди. Кечки пайитоқ кетишганди. Акам ўтиравердилар. Соат ўн иккидаям чиқмади. Уйқум кеп кетиб, совқотиб, котибанинг жойига кириб ўтирсам, бақирдилар, кирсам, шунақа...

— Эҳ, Худойим-а, ўзинг сақлагин-а. Майли, боровринг, — Комилбекка жавоб берди Каниза.

Комилбек кетгач, дарвозани беркитиб, ичкари кирган Каниза: "буниси қандоқ кўргулик бўлди?" деб йиғлай бошлади, адои тамом бўлган Мансурни ечинтиришга тутинди. Бизга кўз тегди ўзи, ўйларди у. Нималар бўляпти ўзи? Нима қилса бўлади? Миясида ғужғон ўйнаётган фикрлари жўяли томон оқмас, боши қотар, чорасизлик, иложсизликдан юраги орзиқар, кўнгли озарди. Тонгга қадар кўзини юма олмади. Хириллаб, пишиллаётган Мансурнинг бир дақиқа овози тинса, хавотирга тушар, энгашиб, юрагига қулоқ тутарди. "Бечорага жуда қийин бўляпти-я, охирги кунларда. Гуноҳини ўзинг кечиргин,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Худоё, ҳаммамизнинг раҳмимизни егин, илоё" тили калдирарди унинг. Дўхтир чақирсинмикин? Нима деб чақиради? Ичкиликдан тутаб ётган бўлса. Улар нима дейди, ахир? Бу, Мансур акага нима бўляпти ўзи?

Мансур кундузи чошгоҳда сал ўзига келди. Кўзини бир очди-ю, ёнбошига ағдарилганча яна пишиллай бошлади. Ёнига келтириб қўйилган қатиқ, сув, шарбатларга қайрилиб қарамади. Кўзи абгор ўтирган Канизага тушди-ю, юмилди. Кўзларини кўриб, Каниза ҳайрон. Илгари бундай ҳолатда кўзи очилганда Канизага ўтиниб, уялиб боқарди. Бу гал кўзи ғалати, ваҳимали кўринди. Ишқилиб, Худо ўзи асрасин бало қазодан.

Хонага оёқ учида кирган хизматкор "мастава тайёр" деб кетди.

— Сув ичасизми, Мансур ака? — елкасига қўлини қўйиб сўради Каниза.

Мансур қимир этмади. Каниза ҳаёт бир текис эмас, бундай нарсалар бўлади-да, кимнинг ҳаёти текис ўтибдики, бизники ўтса, дея ўзига тасалли беришга уринар, кўкрак қафаси қисилиб, нафас етишмаётгандай сезар, буларнинг барини ўзидан узоқлаштиришга минг уринишига қарамай, нохуш ўйлар обдон бостириб келаётганди. Бу сир ҳақида бировга айтиб, йиғлаб бўлса экан? Қишлоқдан онасини чақиришни ўйлади, бироқ нима фойдаси бор, у нима, Мансурни илгаригидек тузатиб берармиди? Қўшилишиб азоб чекади, холос. Бу ерда биттаю битта билгани бозорчи Салима. Қўшни. Уям бозордаги бекорчи гапларни гапириб, қулоқни батанг қилади. Биров у бўпти, биров бу бўпти, бундан бошқа гап йўқ. Қизидан нолийди, шу. Ялоқхўр, бир нарса таъма қилади.

Ҳозир шундай тинч, фараҳли кунларни қўмсаб кетдики кўнгли, қани Мансур акаси илгаригидек сирли ва виқорли юрса, олам чароғон, атроф ёрқин бўлса? Нега ҳар доим инсоннинг истагани бўлавермайди, нега? Камбағаллик ҳам ғурбат, бойлигида ошига пашша тушиб турса. Бу қандай сир-синоат ўзи, дунё дегани? Кечаги ичимизга сиғмай юрган кунларимиз қани? Қаёққа йўқолди? Ҳозир, шу онларда, кимнингдир бахти кулаётгандир? Кимдир бизга ўхшаб маҳв бўлаётгандир? Дунёнинг тош-торозуси борми ўзи?

Уйқусизлик ва ғурбатдан толиққан мияси ҳамон ўнқир-чўнқир йўлларда ўй суриб кезинар, ишқилиб, ақлдан озиб қолмасам бўлди, деб ўйларди Каниза. Ё бировга ёмонлик қилдимикин? Кундошининг доди Худога етиб бордимикин? Канизанинг битта гумони бор... Каниза ўз ўйидан қўрқиб кетди. Ўй эса унинг "астағфурулло" дейишига қарамай човут солди: Мансур акаси отасининг дуосини тузукроқ ололмади. Каниза билиб юрарди, ота бечора кўп чақирди, кўп излади, бу киши эса ё қочади, ё Каниза яна билмади, нима сабаб, шундоқ қилди. Афтидан, Мансур акасига хабар беришганда, у киши қазо қилиб бўлган эди. Мундоғ ёнида туриб, рози-ризочилик ҳам сўрамади, дуосини олмади. Ўзида ҳам айб катта! Ўша биринчи янги йил куни дадаси билан онасини Мансур акаси роса ўринлатиб меҳмон қилганда, бир оғиз ўзингизникидан хабар олдийизми, дейиши керакмиди? Салима опанинг айтишига қараганда, домла бечора ўғлини излаб, тунда итдек тентираб юрган экан. Икки зормонда ўғил, бири каттакон, иккинчиси бойвачча, нега булар мундоқ? Отанинг қарғиши ўқ дейишади, наҳот шуни билишмаса? Қанақа одамлар булар, Каниза баъзан ҳеч тушуна олмайди. Тавба дейдиган жойи шундаки, Мансур акаси бирор дақиқа на акам, на синглим деб уларнинг номини атамайди. Борди-келди мутлақо йўқ. Ахир Ҳадиси шарифда: кимки туққанига, хешу акрабосига мурувват кўрсатмас экан, унга жаннат эшиги беркдир, дейилган-ку. Ҳеч тушуниб бўлмайди.

Анов кундоши-ку, дуои бад қилса қилиб юргандир. Уники ўтмайди, у энди Худо қарғаган бир пуштсиз... Каниза тилини тишлади. "Ўзинг нима бўлиб турибсанку, бировни у-бу гап қиласан, ўз шўрингга кул тортсангчи", деди ички бир овоз. Канизанинг боши хам бўлди, шуурида калима келтириб, яна: "Астоғфурулло, тавба қилдим" деди.

L

— Энди ўзим келиб, қарашиб турмасам бўладими, қўшнижон, — деди Салима, — туринг, жойизга киринг. Ўзим шунақанги овқат қилиб бераманки, қорнингиздаги жужуқчаям мазза қилади. Ошхонада ўтирманг, ҳозир қозонга ёғ соламан...

Кейинги пайтларда Салима Нозиманинг ёнига тез-тез келар, диллашиб ўтириб кетар, бугун эса ўзи овқатга

www.ziyouz.com kutubxonasi

уннаворди, хамир қориб, лағмон тайёрлашга киришди. Дам олсин учун Нозимани хонасига киришга қисталанг қиларди-ю, оғзи тинмасди.

— Ҳали қўчқордек ўғил туғиб берсейиз, Салима боқади-да! Ким боқади бўлмаса? Энди, бозор ҳам жонимга тегди. Қишни совуғида айниқса, қадрингга хафа бўларкансан. Тўғри кеган одамди хизматини қилсам ҳам куним ўтади. Анови қиз ўлгур, афтидан, тўй ҳам қилмайди, ўзига ўхшаган бирорта тўтиқуш билан бир тарафга учиб кетади, шекилли. Энди сиздан бошқа кимим бор, эгачи қўшнижоним? Тўнғиздек кучим бор, ўлибдими, хизматизди эплолмасам? Она бўлиш ҳам осонмас, ёрдамим керак бўлади...

— Вой, бошим устига, Салима опа, нима деяпсиз? Менга деса, қани, кечаларим шу ерда ётсейиз... — жавоб қилиш вақти етганда деди Нозима.

— Вой-ей, кечалари ёнийизда ётадиган лочиниз эртами-индин учиб кеп қолади! Боринг-боринг, ётинг энди...

Нозима хонага кирган ҳам эдики, ташқарида кимдир келгандек бўлди.

— Ким бо-о-р? — деди қўшни Расулжон.

— Ҳозир, — деди Нозима ва ҳайрон истиқболига чиқди. — Келинг, келинг, қўшни. Рисолат пари қанилар, опчиқмадизми?

— У кишим чиқадилар. Мен бир гапни шундоқ айтиб қўйгани... — Расулжон ён чўнтагидан бир парча қоғоз олди. — Келин ая, телефон номерни ёзиб олинг.

— Қанақа телефон, кимники?

— Манг, мана шу қоғозни оп қўяверинг. Бизники эсимда қолди, — қоғозни узатди Расулжон. — Номерларинг бошқа бўлди. Тагидагиси.

— Нега? — қатъий сўради Нозима.

— Билмадим, акамнинг буйруқлари. Йўқ, илтимослари.

— Акейиз телефон қилдими?

— Ҳа, телефонларни бугуноқ ўзгартириб қўйинг, дейишди эрталаб. Шу. У кишининг айтганларини бажармасам бўлмайди.

— Нега энди?

— Билмадим, ўзлари биладилар.

— Менга нега қўнғироқ қилмади?

— Чамамда, нозикроқ жойдан телефон қилдилар, қисқа гапирдилар.

— Тавба.

— Ўзлари эртага келарканлар... — Расулжон кўзини пирпиратиб, бошини қашлади.

— Хайрият, эсларида бор эканмиз, — таъна қилди Нозима.

Расулжон елка қисди ва ғалати қараш қилиб, худди бир нарсани яшираётгандай:

— Бугун сешанбами? Чоршанба келарканлар, — деди ва яна ғалати қўшимча қилди: — Келиная, сиз ҳеч нарсага уринманг, кесалар, бизникида ўтирамиз. Тайёргарлик кўриб қўяман. Меҳмон бўласизлар. Иннейкейин, дарвоза очиқ қолмасин экан, ҳар қандай одамни уйга қўймасин, деди. Бу ёғига хавотир бўлманг, мен қарайман...

Расулжон қайтиб чиқиб кетди. Нозима хонасига йўналди. Қизиқ, бир гап бор, шекилли-да, охири бахайр бўлсин. "Ўзимизга прокурор бўлиб келиб қолсайди..." Бир суюнди-ю, кейин негадир ўпкалаб, прокурорни ёмон кўриб кетди. Ахир, келмаганига қанча бўлди? Бир ойдан ошди. Ўшанда телефон қилиб: "Шериклар бизга кетишди, вилоятни текширишади, хафа бўлманг, мени юборишмади" деди. Шу бўйича на келади, на телефон қилади. Иш ҳам ўз йўлига. Буларни нега ўйламайди у? Алҳол, Нозима соғинганини ҳис қилди. Тўғриси, қорнида ҳомила, соғлиги илгаригидек эмас, жуда эркак кишини қўмсаётгани ҳам йўқ. Бироқ, эри бўлгандан кейин ҳар қандай хотин ёнида бўлишини истаркан-да. Шунгами, шу кунларда у ириб юрганди, бугун яна томдан тараша тушгандай қилиб, қўшнисига телефон қилибди, бу ёққа йўқ... Телефонни нега ўзгартирди экан? Бир янгилик бўлади, аниқ. Нега эртага Расулжон меҳмон қилади? Буям қизиқ? Буни билиш керак. Нозима Рисолатхонга телефон қилди. Ҳеч ким гўшакни кўтармади. "Э, эсим қурсин-а, телефон рақами ўзгарган-ку" дея қоғозни очди. Қайта сим қоқди.

— Алло, — деди Рисолатхон.

— Мен, Нозимаман, қалайсиз қўшни? Янги номерлар муборак бўлсин.

— Ҳа-а, шунақа бўп қопти-ю.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тинчликми?

— Анови, ичимдан топ, эрталаб акам билан гаплашди, кейин қилган иши шу бўлди. Тайёргарлик кўрамиз, эртага акам келади, бизникида ўтирамиз, деди. Шу, холос, кейин писмайиб, илжайиб чиқиб кетди. Ўзимча, акам кўтарилса керак, деб турибман.

— Ким айтди?

— Билдим-да.

— Ёлғон гапирманг.

— Йўқ, тўғри.

— Ҳа, иннейкейин, уйга бировларни қўймас экансиз. Ҳушёр бўлинг. Бизникига уже келишяпти, ҳар хил лаганбардорлар. Телефонда тинчлик беришмаяпти. Бизи яқинлигимиззи билишади-да.

— Шу гап ростмикин, Рисолатхон?

— Вой, қизиқсиз-а, опа, нима акам арзимайдими? Илгари кейин шу одам бўлишлари керак эди. Чакана қийинчиликлар кўрдиларми? Қувғинда юриш осонми? Бизнинг кўчамизда байрам бўлади, Худо хоҳласа.

Нозиманинг наздида Рисолатхон худди ўзининг акасидек куйиниб гапирарди. Юраги тоза, яхши хотин, ўйлади Нозима. Айтгани келсин, ишқилиб... Бу янгиликдан дилида шундай тотли туйғулар таралдики, беихтиёр кўксини тўлдириб нафас олди. Яхши гап, яхши хабар, чўкиш эмас, ўсиш қандай фараҳли. Ҳеч инсоннинг иши ортга кетмасин. Ҳар киши дунёга тўла орзу-умид билан келади. Ҳар ким ўз ҳолича ўзини улуғлашни истайди. Бироқ ҳаёт йўли, тақдир чизиғи бирдек текис эмас. Бу тўлқинланган ҳислар Нозимада бу йилги иккинчи сурур эди. Аллоҳга минг шукр, дерди у. Тўғриси, учинчиси деса ҳам бўлаверади. Биринчидан, ўз инон-ихтиёри ила кўчада қолган одам уйли-жойли бўлди. Бу йил деганики, шу йил уй-жой ўзиникига, нафақат уй-жой, унинг эгаси ҳам уникига айланди. Айниқса, кўнглидаги, ҳатто ундан ортиқ ҳаёт йўлдошига эга бўлди. Бу ҳазил гап эмас. Ёш бир жойга етганда, турмуш сўқмоқларида тентираган ҳар бир кимса кўнгилдагидек жуфтини топиши осон эмас. Бундайин тўғри, халол, меҳрибон, маданиятли, илмли, нуфузли, энг асосийси кучли, ўз йўлидан қайтмайдиган одамнинг учраши фақат эртакларда бўлиши мумкин. Мана, бугун ё эрта у одам туфайли, Нозима, нуфузинг қанчалар ошади? Наҳот эртага Дилоромнинг ўрнида бўлсанг? Кеча ким эдинг, бугун ким бўлдинг?

Атрофни ўйлар экан, қатор яхши-ёмон ишлар, инсонлар, тақдирлар аралаш-қуралаш намоён бўлар, бугунги у эришган ютуқ ҳамма-ҳаммасига илоҳий жавоб бўлиб туюларди: Нозима — ОДАМ. Эй аҳли яхшилар, билиб қўйинглар, Нозима — ОДАМ! У оёқ остидаги босилиб, йўқолиб, йитилиб кетаверадиган қумурсқа эмас. Айниқса, у — ОНА.

Ҳозир, шу дақиқаларда ушбу сурур янглиғ фараҳбахш фикрлар бу йил юз кўрсатган учала бахту тахти атрофида қайта-қайта ғужғон ўйнаётганди: энг асосийси, у оналик бахтини кўради. У шунга лойиқ. Қолаверса, эридаги нуфуз. Кечагина кўзига дунё қоронғи бўлган кунлар ёдидан бир лаҳза ўчгани йўқ. Инсонга, аёл кишига айниқса, яна нима керак? Оддий уйда оддий яшаб, шу уч нарсага эга бўлса, бундан ортиқ яна нима исташ мумкин? Шунча пул, бойлик, Мансур билан данғиллама уйда яшаганда шунга эга бўла олмади-ку? Мана чинакам бахт, мана саодат. Энди, шунинг қадрига етиш қолди, холос.

Бирдан томоғига йиғи тиқилди, кўзидан ёш қуйилди, шу топда туйқус Наби Мусаевичнинг дуоси ёдига тушганди. Отасиз Нозимага ўша одам чин оталик қилди. Яхшиям, бетоблигида, ўлими олдидан боргани, дуои фотиҳасини олди. Балки, бугунги яхши кунлар шу Худо раҳматининг дуоси ижобатидир, балки. Худога минг қатла шукр. Нозима "шукр"ни бир марта, ёхуд уч марта айтмасди, етти марта зикр қиларди. Нафақат "шукр"ни, дилидаги барча истак-ниятлари амалга ошиши учун "Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм", "Аллоҳ", "Аллоҳу акбар", "Астағфурулло", "Алҳамдулиллоҳ", "Субҳоноллоҳ"ни етти мартадан такрорлаб юради. Худонинг бергани рост бўлсин. Ўша Нозима яхши кўрган қўшиқда бекорга айтилганми: "Шоҳ айлабон гадосини, шоҳни гадо қилур".

Нозима талабалигида қип-қизил атеист эди. Нима қилсин, шундай таълим беришганди-да. Мана энди бу қадриятлар қанчалик улуғвор, пурҳикмат эканини бошидан шунча иссиқ-совуқ ўтиб тушунди. Ўзини улуғ

www.ziyouz.com kutubxonasi

қадриятли улуғ халқнинг бир бўлаги эканини энди туйди. "Аллоҳ" дегани сайин кўнгли ўсганини, тўлганини ҳис этади. Яхши, кўнгилистар гаплар боис ёши ўтганроқ чоғдаги ҳомиладорлик носоғликлари ҳам бир муддат чекингандек бўлди. Қалби ғурурга тўлиб, кечгача шод кезинди.

Кеч тушиб, Салима кетишга чоғланди. Нозима у кетмаса дерди. Қизи ёлғизлиги боис Салима қолишга кўнмади. Эртага эртароқ келишини айтиб, қайтди. Нозима тугунча тугиб берди. Тунни ҳам деярли бедор ўтказди. Эрта тонгдаёқ ўрнидан турди. Қизчаларни севиб-суйиб мактаб ва боғчага жўнатди. Эрта келган Салима ўзи юмуш топиб, ўзи билан ўзи овора бўлди. Қулоғи динг, кўчадан хабардор бўлиб турди. Рисолатхоннинг айтишига қараганда, сессия бўлаётган эмиш.

Ва ниҳоят кечга томон ўзгача кўтаринкилик билан Қодир Алиевич кириб келди. Уни хонадонда Нозима, Салима, Расулжон, Рисолатхонлар кутиб олдилар. Нозима меҳмонлар билан келса керак, деб ўтирганди. Ёлғиз ўзи келди. Бу унинг учун ҳам, яқинлар учун ҳам айни муддао эди. Дарҳақиқат, Қодир Алиевич бутунлай бошқача эди. Нозиманинг наздида ундан гўёки улуғвор нур таралар, у кириб келгач, хонадон чароғон бўлиб кетгандек, ҳаммаёқ шавқу завққа тўлгандек эди. Кутгувчиларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида қутладилар. Рисолатхон шодлигидан бироз кўз ёши қилиб олди.

— Мана, елкангизга қуёш ҳам тегди, ака, — деди у Қодир Алиевичнинг елкасидан оларкан.

— Эҳ азизларим, — деди Қодир Алиевич ва фотиҳа қилингач: — мана энди, ҳаммамиз биргамиз, Нозимахоним бизни кечирсалар бўлди, — дея Нозимага ҳазиллашди.

— Ака, қани, ваъда бўйича бизникига, — таклиф қилди Расулжон.

— Албатта, — деди мамнун Қодир Алиевич. — Аввал, мана бу қизчалар билан бир тўйишиб олайлик, — ёнида турган қизчаларини бағрига босди у.

— Биз ҳам кирамиз, — деди хавфсираган Гулноза.

— Сизларсиз кирармидик, — деди Нозима.

— Сизлар ҳозир юраколинглар, — Шаҳнозанинг қўлини ушлади Рисолатхон. Шаҳноза унга ёпишди.

— Ҳозир кийимларини алмаштирсинлар, биз ҳам кирамиз, — деди ортларидан Нозима.

Гулноза сира дадасининг қучоғидан тургиси йўқ.

— Келинг, Гулнозабону, дадажониси кийимларини алмаштирсинлар, — унга қўлини чўзди Нозима, Гулноза зўрға рози бўлди.

Шу топда Қодир Алиевич Нозимага шундайин соғинч ва меҳр билан тикиларди-ки, Нозима унинг нигоҳларига дош беролмай ерга қарашга мажбур бўлди.

— Энди бир дам ҳам ёнингиздан жилмайман, — деди у шод хўрсиниб.

Нозима мамнун табассум қилди.

Қодир Алиевич ювиниб чиққунга қадар Нозима унинг кийимларини ҳозирлади. Хўжайини суйгич қаймоқ рангдаги кўйлакни кеча келишини эшитибоқ, дазмоллаб қўйганди. Унга атаб олиб қўйган Марғилон дўпписини тортиб-кериб ҳозирлаб, кўйлакнинг устига қўйди. У чиққунча янада ўзига оро берди. Никоҳининг эртаси совға қилинган кўйлагини кийди.

Қодир Алиевич мамнун миннатдорчилик билдириб, кўйлакни кияркан, дўппини Нозиманинг ўзи кийдирди ва кийдираётиб: "Бошингиз тошдан бўлсин, бахтимизга узоқ яшанг" деди.

Гулноза уларни оғзини очган кўйи кузатарди. Бахтли оила қизчаларини кўтариб, қўшнисиникига йўл олди.

Рисолатхон тузаган дастурхонга гап йўқ. Ўтириб, хонадонга файз-барака тилаб, фотиҳа тортилгач, Салима узр сўради. Рисолатхон уни кузатгани чиқди.

— Бу опани танимадим? — деди Нозимага қараб саволомуз Қодир Алиевич.

— Опам,— деди нимтабассум ила Нозима.

— Шундайми, илгарироқ айтиб қўймайсизми, дурустроқ подход қилардик, — кулди Қодир Алиевич.

Рисолатхон иссиқ сомса келтирди, сомса билан бир пиёладан чой ичилди. Кейин Расулжон:

— Мана, Қодир ака, шундай орзу қилган омон-омон кунларимиз ҳам келди, сизнинг ўзимизга қайтганингиз бошимизни осмонларга етказди, Худога беадад шукр, энди рухсат этинг, қиттак-қиттак қуяй, — дея энг чиройли шишадаги коньякни очди, рюмкаларга тўлатиб, — қани, Қодир ака, — дея унга сўз берди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қодир Алиевич тўлқинланиб, қадаҳ сўзи айтди.

— Бу гаплар учун ўрнимиздан туриб кўтармасак бўлмайди, — шартта ўрнидан турди Расулжон.

Ўтириш яхши кайфиятда давом этди, сокинлашди. Гап-сўзлар одатий, одми тус олди. Аёллар индамай эркаклар суҳбатига қулоқ бериб ўтиришди. Болалар эса ухлаб қолишди.

— Сиз кучли одамсиз, — деди Расулжон, — сизга бу кунларга етиш осон бўлмади.

— Мен ҳаёт учун, ўзимни исботлаш учун курашдим, — жавоб қилди Қодир Алиевич, — мансаб ва фойдамни ўйлаб иш тутганим йўқ. Одам бир зарбага йиқилиб қолаверса, ким деган одам бўлди? Ҳаёт дегани асли курашку. Кураш бўлганда ҳам истиқбол кураши бўлмоғи керак.

— Душманлар ҳам ич-этини ейишаётгандир?

— Менинг душманим йўқ, мендан қўрқадиганлар бўлиши мумкин. Бу ҳам уларнинг фикри саёзлигидан. Тўғри йўлдан бориш осон эмас. Бундай одам ҳаммага ҳам ёқавермайди.

— Лекин душман бор нарса, Қодир ака. Навоийдек одам ҳам душман ҳақида гапирган. Бир байтида "душманларга яхшилик қилмоқлик дўстларга ёмонликдир" деган экан.

— Тўғри. Мен эса душманни ҳам тўғри тушуниб, дўст қилса бўлади, деб ҳисоблайман. Балки барча иллатим шундадир?

— Қодир ака, осон бўлмайди, бу аниқ. Кўп соҳа оқсаб қолган.

— Шунинг учун ҳам бу ўзгаришлар бўлиб турибди. Бу ердаги айрим раҳбарлар марказ ҳеч нарсани билмайди деб ўйлашади. Мана мен, ўша қозонда қайнадим. Қайдан билмайди? Ҳар кунги аҳвол, ҳар соҳадаги муаммо ҳар куни таҳлил қилинади, чора-тадбир белгиланади. Нега унда ҳаммаёқ бирдек ривожланавермайди, нега вилоят оқсайди, дерсиз? Гап шундаки, жойдаги раҳбар ўрнида бўлмаса, барча саъй-ҳаракат беҳуда кетаверади.

— Ҳали кўп иш қилишимиз керак.

— Биламан, осон эмас. Аммо қўл қовуштириб ўтириб бўлмайди.

— Айниқса қишлоқ хўжалиги...

— Қишлоқ хўжалиги энг катта муаммо. Бу соҳанинг ичига кирмоқ керак. Нафақат қишлоқ хўжалиги, барча соҳанинг томир уришини ҳис қилиш лозим. Аввало, соҳани ҳақиқий эгаларига топшириш муҳим. Кейин эса уларга хўжайин эмас, ҳамкор, мададкор бўлиш талаб этилади. Сўккан билан, ўшқирган билан иш силжиб қолмайди. Қаранг, тепа қанчалик зўр сиёсат юргизяпти. Бошқарув жамоатчилик қўлига ўтиб бориши керак. Одамларимиз ўз-ўзини бошқариш тамойилига ўтиши лозим. Бу нима дегани? Халқнинг ақл-идрокига ҳам таянмоқ керак. Унга ҳадеб ақл бўлавериш, раҳбарнинг қамчисидан қон томиб туриши шарт эмас. Одамларга холис шароит яратиш лозим. Улар ўз юмушлари билан беҳадик, бехавотир шуғулланмоқлари керак. Ҳар бир соҳа ичида юрмоқ керак. Одамларнинг кўнглини топиш лозим. Ташаббускорлик ҳиссиётини қўзғатиш лозим. "Ёниб яшаш" деганининг маъноси шунга тақалади.

Мана, яна қишлоқ хўжалигига қайтайлик. Гапимиз шу ҳақда эди. Қаранг, қандай муаммолар турибди. Энг аввало, экин ерлари чарчаган, мелиоратив ҳолати ёмон. Ҳар бир ернинг ҳолатига қараб, алмашлаб экиш зарурми? Ерлар шўр босган. Нима қилиш керак? Зовурлар беркиб кетган, нима қилиш керак бўлади? Эксковаторлар масаласи оқсаяпти. Хўш, қараб ўтиравериш керакми? Билсангиз, бунинг иккитагина йўли бор: биринчиси, одамларнинг дилига кириб, ўзингиз ўрнак бўлиб, ота-боболарнинг йўлини тутиш керак, ҳашар, ҳашар билан зовурларни очиш керак; иккинчиси, ерни эгасига, фермерга бериш керак, у ҳар қандай йўл билан ерни унумдор қилади, шўрни йўқотиш йўлини излайди. Ер масаласида яна бир муаммо турибди: Шудгорлаш машиналари ерни чуқур ҳайдамайди. Шўр қанча пастга тушсагина, барҳам топади. Пулга ўрганган шоввоз, учар тракторчилар нима қилади, шудгорни бир айланиб, тезда пул берадиганникига улгуриш учун плугни 15 га қўяди.

— Ҳа, иш кўп.

— Кўп. Фақат ишлаш керак. Ишлаганда ҳам, оқилона ишлаш керак.

— Ҳали идорангизда ҳам айрим эскича усулдаги бю-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рократлар билан олишишга тўғри келади. Улар бундай ҳаёт тарзига кўникиб кетишган. Айтгани бўлиб юрганлар қанча.

— Хуллас, ҳали иш кўп, Расулжон. Гапга берилиб кетиб, хонимларимизни зериктириб қўймадикми?

— Йўқ, яхши гаплар бўляпти, — деди Рисолатхон.

— Хулласи калом, юрт ўзимизники, тарихий имконият қўлимизда. Демак, жонни фидо қилишимиз лозим. Қани, шунинг учун, Расулжон, олайлик! Оддий яшасак, тўғри сўзласак, халқни эргаштира оламиз. Яна энг муҳим масалалардан бири — статистика. Тўғри статистика йўлга қўйилмас экан, ҳеч қандай ҳаракатдан наф бўлмайди. Исрофгарчиликка, текинхўрликка йўл очилаверади.

Суҳбат узоқ давом этди. Калаванинг учи жамиятдаги борки иллатларга тегиб ўтди. Бурилиш вақти-соати етилганлиги, ҳар ким ўз тарихий юкини холисанилло тортиши ҳақида узоқ гапиришди.

Бу оқшом Қодир Алиевич, Нозима теграсида, дўстлар бағрида рози-ризолик, шукроналик, меҳру мурувват, олижаноблик, сабр-қаноат, орзумандлик, рўшнолик ва саодат оқшоми бўлди...

LI

Нозима учун чинакам, одам ақли бовар қилмайдиган кунлар келган эди. Қодир Алиевич ҳар куни ёнида. Соат еттиларда ишини тугаллаб, қайтади. У билан бир дам зерикмайди Нозима. Қанчалик ёнида бўлмасин, яна шунчалик кўп бирга бўлишни истайди. Бир дақиқа ажрагуси йўқ. Мана, Қодир Алиевич муқим уйга келганига уч ойдан ошди. Ҳамон Нозимада шу истак, шу кўнгил.

Эри ҳар ҳолда ишларини жойига қўйиб олди. Уйга ўз вақтида қайтади. Айтишига қараганда, ҳар бир ходим ўз ишини уддаласа, раҳбар учун иш қолмайди. Уддалай олмайдими, марҳамат, қўлидан келган ишни қилсин. Шунда ҳам Қодир Алиевичнинг иши бошидан ошиб ётгани маълум ва равшан. Чунки унда ғоя тўла. Янгича иш юритиш йўлларини, усул ва воситаларини излайди. Нозимага гапира туриб ҳам бирдан кабинетига киради-да, алламбалоларни ёза бошлайди. Хомчўт қилади, режа тузади, узоқ-узоқ ўйлайди, китоб титади,

кимлар биландир узундан-узоқ телефонда гаплашади. Фикрларини Нозиманинг чиғириғидан ҳам ўтказади, сира ҳам эринмайди, жаҳл қилмайди, мулоҳаза қилади. Нозима ҳақ бўлса, қўшилади; аксинча бўлса, эринмай ўз нуқтаи назарини сингдиради. Икковлон бир қарорга келадилар.

Нозима ҳайрон бўлади. Наҳот Нозима, таги-зоти олийнасаб бўлмаган, битта етимча, ўз инон-ихтиёри билан кўчада қолган ташландиқ кимса, бугунга келиб Қодир Алиевичдек одамга умр йўлдоши бўлиб турса!

Шу кунларгача Қодир Алиевич ўзи таъкидлаганидек, энг оғир масала — ходим ва қуйи раҳбарларни кашф этиш, жой-жойига қўйиш билан овора эди. Мана, баҳарнав ишлар ҳам бошланиб қолди. Энди, қишлоқ хўжалик муаммолари, фермерлик ҳаракати истиқболлари, уларга бош-қош бўлиш, яратилган шарт-шароит масалалари кўндаланг. Одамлар у-бу дейишаверар экан-у, битта вилоят ҳам соҳа ва жабҳаларга кўра мамлакатнинг ўзи экан. Ҳар бир соҳа устида бош қотириш даркор экан. Қийин, қийин, жуда қийин... Аммо, қанчалик қийинлигига қарамай, элу юрт ташвишида яшаш, улуғ ишларга бош қўшиш завқли ва сурурли иш экан. Ҳозир, буни Нозима ўз танасидан ўтказарди, унинг залворини шундоққина ҳис этиб яшарди.

Хонадонда ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Илгаригидек оддий ва жўн ҳаёт тарзи. Дастлаб, югурдаклар, лаганбардорлар танда қўйишга уриниб кўришди. Қодир Алиевич биронтасига йўл бермади. "Бир вақт, ўша ишим юришмаган пайтларда, қувғин чоғимда, агар шундай қисмат насиб этса, мутлақо ўзгармайман, дея онт ичганман" дейди у Нозимага. Лекин гапида қатъий туриб келяпти. Бир ойда телефонбозлик, эшик қўнғироғининг устма-уст жиринглаши барҳам еди. Бундай ҳаракатлар сепсилиб-сеписилиб, охири ниҳоя топди. Бор-йўғи бўлган ўзгариш дарвоза ёнида қўриқчихона пайдо бўлди, биргина милиционер туради. Қодир Алиевични машина олиб юради. Шу холос.

Бир ёқдан Нозиманинг ой-куни ҳам яқинлашиб борярди. Даволаниб, аҳволини ўнглаб олди. Салимага ҳам Худо берди. Ўзи келиб-кетиб юрибди. Юмушни эплаяпти. У бўлмаса, нима қиларди Нозима? Борлигига шукр.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Битта қорнию битта қизи, оғирлиги тегармиди? Бир коса овқатга одамнинг қорни тўқ. Ўз оёғи билан келиб қолгани яхши бўлди. Бироқ, Нозимани эски уйи билан боғлаб тургани чатоқ. Почтальонлик қилгани ёмон. У ердаги гапларни оқизмай-томизмай етказиб келади. Рости, Нозима эзилади. Ҳеч кимнинг бошига қулфат ёғмасин. Мансурнинг хонадони билан абгор бўлганини Нозимага билъакс завқ билан гапиради. Хурсанд бўлади, деб ўйлайди, шекилли. Бу гаплар Нозимада томир олиб, оғриққа айланиб бораётганидан бехабар. Нозима ўйламасликка тиришади. Ҳозир унинг ғам чекиши мумкин эмас. Нозима тирик жон-ку, ахир, бундайин кўргуликларга қандай бефарқ бўлсин? Салима боис у ерда юз бераётган ҳамма нарсани кинодагидек кўриб турибди. Мансур бор мол-мулкидан мосуво бўлибди. Уйлар шип-шийдам, носковоққа нос борми деб юришиптимиш. Нозиманинг кўнгли ачимайдими, унга-ку, ҳозир юраги жиз этмайди, шундоқ эса-да, ахир курсдоши, яхши-ёмон кунларни бирга кўришган, айниқса, отатенги домласининг ўғли... Шундай қилиб, бора-бора Мансур ва Каниза туфайли ит азобини кўргани ўрнини Нозимада тобора одамгарчилик, йиқилганни суяш ҳисси эгаллаб бормоқда эди. У ўзини қандайдир уларга боғлиқдек, ғалати ришта боғлаб тургандек ҳис этаверади, туриб-туриб, қандай ёрдам берсам экан, деб ўйланиб кетади. Борган сари ўтирган-турган жойида узоқ-узоқ ўйга толадиган, чуқур хўрсинадиган бўлиб қоляпти. Буни ҳушёр Қодир Алиевич ҳам сезяпти, чоғи. Бундай қилмаслик керак, деб уринади, нима қилсин, одам экан-да, ҳаммадан кўра, тўғрироғи, одамжон экан-да... Хуллас, икки ўт орасида қолди. Нима қилишини билмайди. Салима бўлса, ёнаётган ўтга ёғ сепади. Бир-икки жеркиб берди, бу вайсақи хотинга кор қилмайди. Эрталаб келади-ю, уларнинг сурпа-ўқловини ёзади. Ҳар куни бир-биридан баттар янгиликларни топиб келади. Бир куни ётиб қолибди, деса, эртасига шол бўлиб қолибди, деган гап келтиради.

— Ўлиб кетишсин, бунданам баттар бўлишсин, сизни нима қилишди,— дейди у, — ҳар ким экканини ўради. Мана, Худо кўрсатяпти. Қаранг, сиз ким бўлдингиз-у, улар не ҳолга тушди. Уйида увадасиям қолгани йўқ. Қизи меникига нон сўраб чиқди. Каниза қишлоқдаги хешлариникига бориб, гадолик қилиб юрибди. Уларам: "Тошингни тер, олтину тиллога чўмилганингда, эсингга келибмидик, бойвучча, қазисан, қартасан, охир наслингга тортасан, ҳамма нарса Худодан, энди ўзинг ёққан оловга ўзинг қоврилавер, деб ҳайдаб юборишибди. Гадогина ўлгур, мана ниятига етди. Кетига жир битганда сизи ўйламади-ю? Ҳў-ў, чакана товус юришлар қилдими, ялангоёқ қишлоқи. Мана шунақа бўлади, тортсин бир мартага...

— Ҳой, Салима опа, — дейди Нозима борган сари қайғуга чўмиб.

Салима эса авжига минади:

— Вой эгачи-ей, сиз уйдан чиқиб кетганингизда, шундоққина бўсин, деб чакана дуо қилдимми? Ўша гўрсўхта Мансур итини сўради, излади, сизи сўрамадиям, изламадиям.

— Қўйинг, опажон,— деса, Салима тўхташ ўрнига яна жунбушга тушади:

— Нимага қўяман? Нимага? Чакана ҳовликдими? Ҳаромдан топган тиллосига, магазину машиналарига, ҳа-а, қувонишди-я. Қўни-қўшни, маҳалла-кўй, одам деганни бир пулга олишмади. Мана, оқибати. Маҳаллада дув-дув гап: Мансурнинг ишхонасию бор бисотини оп қўйишибди. Икки бармоғини бурнига тиқиб қопти. Баттар бўсин, отасини билмаган нонкўр! Шундоққина мўйсафидни, — кўз ёшини енгига артди Салима, — итдек сарсон қилишди-я. Никоҳдаги хотиниям-а? Сиз бир кўр ё шол бўсангиз экан? Ўз отасини хор қилиб, уникиларди ҳажга юборди. Айтишяпти, уйига ўзлари ўт қўйишворган экан, бир кунда қаср тиклаб берипти. Аччиғиз кемайдими, куйиб ўлмайсизми одам?..

"Салиманинг ҳамма гапи ҳам тўғри эмас, оширворади" ўйлайди Нозима. Аммо... Бундай пайтларда баъзан Зебони кўриб, бир сўраб-суриштирсаммикин, ҳам дейди Нозима. Туриб-туриб, аҳдидан қайтади. У нима деб ўйлайди, ахир? Нозима ҳозир уйли-жойли, оилали. Бу гап эрининг қулоғига етса-чи?

Кеча роса Салима авжига чиқаётган эди, яхши Арзиевна келиб қолди. Унинг учинчи, тўртинчи келиши. Бир-икки келганда дами чиқмади. Нозима ҳар галги кўришганда чинакам миннатдорчилик билдирди. Охир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ги келганда, дарди билан келибди: “Нози, мен ҳам одамман, дўст-душманнинг ичида мени мактабга директор қилиб қўй” дейди. Нозима гапни айлантириб, зўрға қутулди. Бугун ҳам шунинг илинжида келган бўлса, ажаб эмас. Буни ўйлаб ўтиришнинг сира ҳам ҳожати йўқ. Тўғри, ёмон кунларда ўша бакор келди, бироқ у директорликка лойиқ эмас-ку. Умрида ўқув ишлар мудири ҳам бўлмаган. Қандоқ директор бўлади? Нарса-парса сўраса, имкони борича марҳамат. Директор қилиб қўйиш бўлмаган гап. Устига-устак бунақанги ишга аралашиши мумкин эмас. Қодир акаси нима деб ўйлайди?

Арзиевна тамадди қилиб бўлгач, гаплашиб ўтиришди. Яна Салиманинг жағи очилди. Арзиевна уни қўллаб-қувватлаб турди. “Своличларни йўқотиб юбор”, деди сира тап тортмай. Қанақанги одамлар-а, булар? Тавба. Қодир ака, ҳозир илгари соясига салом берганларга ҳам, ўша кунларда ёрдам қўлини чўзганларга ҳам, ҳеч нарса ҳадя этаётгани йўқ. Телефон қилиб, ҳол-аҳвол сўраб қўяпти, уйга меҳмонга таклиф этяпти. Бошқа ҳеч нарса қилгани йўқ. “Улар Худо берган дўстларим, менда ҳеч қандай илинжлари йўқ. Улар ҳақиқий дўстлар, яхши кунларида белни боғлаб хизмат қиламиз” дейди. Шу холос. Яна нима керак? Нозима Арзиевнанинг илтимосига нима дейишни билмайди. Кўнгил нозик-да. Барибир, рост гапни айтади, бошқа илож йўқ.

Аввал Арзиевна кетди. Унга илтимосини бажариш қўлидан келмаслигини айтди. Ким билади, у тушундими, тушунмадими, тушунмаганда ҳам Нозима бу қароридан қайта олмасди. Кейин Салимани кузатди.

Эртаси эрталаб Салима бутунлай нохуш хабар келтирди. Гўёки, Мансурни қамоққа олишга келишган экан, у инсульт бўлиб қолибди, миясига қон қуйилибди. Ҳозир реанимацияда экан. Дўхтирлар умид йўқ, дейишибди. Бу хабардан Нозима бутунлай изтиробда қолди. Мансурнинг ўзига қилган яхшиликлари, уни деб кўрган қийинчиликлари, пул топаман, уй қураман, деб хору зор бўлганлари бир-бир кўз ўнгидан ўта бошлади. Тоғаларидан араз бўлгандан кейин Мансур ҳисобига яшаганлари эсига тушди. Ошқозони оғриб шифохонада ётиб қолганда, талаба бўлишига қарамай, кечаю кундуз парвона

бўлганлари, операция бўлганида кечаси билан дераза-нинг ортида ўтириб чиққанлари, елиб-югуриб пул топиб келганлари энди уни эзиб юборди.

Тушга қадар зўрға чидади, иложсиз, Зебога телефон қилди. Зебо йиғлаб салом-алик қилди. Салиманинг айтганлари чин экан. Дўхтирлар умид йўқ дейишаётганмиш. “Нима қилса, ўзига қилди, — деди Зебо хиқиллаб. — Энди ёшгина ўлиб кетади. Ҳамма нарсасини олиб қўйишди. Ревизияси ёмон чиқди. Бари яқинлари, ҳамтовоқлари, фойдаланиб юрганлар номардчилик қилишди. Ҳамма жиноят акамга тақалди. Ҳисобчиси ўзини осиб қўйди. Шунақа аҳвол, келиная... Дадам раҳматлик бўлганидаям, бир нави эди. Бирон чорасини кўрармиди... Акамга барибир. У ҳам зўрға юрибди. Унинг ишлари ҳам чатоқ...

Нозима гаплашиб бўлиб, гўшакни қўйганда, йиғлаётганини сезди. Энг ёмони, унинг қўлидан ҳеч иш келмас эди. Худога ёлборишдан, Мансурнинг дардига даво излашдан ўзга чораси йўқ. Бу ёқда ўзининг аҳволи ночор. Ой-куни яқин. Ичидан ўтаётганини ўзи билади. Хонасига кирди, чиқди, нима қилишини билмайди. Салима эса ўзича уни овутади:

— Ў-ў, бошини есин, ҳар ким экканини ўради. Сизга нима, ким энди у сизга, ўлса ўлигига кирмасман, анови бойлигини бўлишган, нонини еган, бошини еган қишлоқилар куйсин... Сизга нима? Ўзингизни ўйланг...

— Бўлди, бас қилинг, Салима опа, — илк бор ўшқиргандай жаҳл қилди Нозима ва бурилиб хонасига кириб кетди. Нима қилишини билмай, Салима ишшайганча тилини тишлади.

Нозима кечгача хонасида бўлди, фақат Қодир Алиевич келгандагина кўзлари қизариб чиқди. Салима йўқ эди.

— Сизга нима қилди? — сўради Қодир Алиевич қизарган кўзларига эътибор қилиб.

— Йўқ, ўзим. Мазам қочяпти, — жавоб қилди Нозима кўзини олиб қочиб.

— Ҳозир дўхтирингизни чақираман, — деди Қодир Алиевич ғалати маънода тикилиб.

— Йўқ, йўқ. Дўхтирим ўзлари кеп кеттилар, — ёлғон сўзлади Нозима ва хижолат чекди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нозимахон, — гап бошлади Қодир Алиевич икковлон анча жим ўтиришгач.

Аммо Нозима уни тўхтатди:

— Қодир ака, юринг, ечиниб олинг.

— Ечиниш қочмас, менга қаранг, Нозима, сизга нима бўляпти? Бундай эмас эдингиз. Яқиндан бери...

— Ҳаммаси ўтиб кетади, дадаси, сиз борсиз-ку, ҳамма мушкулим енгил бўлади, Худо хоҳласа, — яна гапни айлантирди Нозима, — эсон-омон қутулиб олсам бўлгани...

— Ҳм-м, — чуқур хўрсинди Қодир Алиевич ва ўрнидан қўзғоларкан шундай деди: — Дунёда ғалати ишлар кўп. Иккита энг яқин одам ҳам бир-бирига айтолмайдиган гаплар бор. Хайр майли, ечинсак ечинайлик.

У ётоқхонага кириб кетди. Нозима бироз кутди, сўнг ортидан кирди. Эри ечинмай, каравотда узала тушиб ётарди.

— Жудаям чарчагандирсиз, дадаси, овқатингиз ҳам тайёр, — Нозима овозига ўзгача тус беришга уринди, яқин келиб жуфтининг қўлини ушлади.

— Мени ҳайрон этяпсиз, аяси? Тушунмай қоляпман, — хафагўй деди Қодир ака.

Жавоб ўрнига Нозима бармоғини унинг лабларига босди ва эркаланган бўлди:

— Қутулиб олай, сиз айтгандек бўламан. Ишларингиз яхши кетяптими?

— Ёмон эмас. Одамларда, атрофда аста-секин ишонч уйғоняпти. Сувни лойқалатиб юрганлар бир-бир банд беришяпти. Бугун иккитаси ўз виждон амри билан ариза ташлаб кетди. Яна биттаси йиғи-сиғи қилди, айбларини тан олди, Худо хоҳласа, ҳаммаси ўрнига тушади. Экишткиш кўнгилдагидек эмас, кузги шудгорлаш ишлари ўлда-жўлда қолиб кетган. Бунинг ҳам чорасини кўряпмиз. Сиз очилиб-сочилиб юрсангиз, олам гулистон. Ташвишим сиз холос.

— Ҳо-о,— кулган бўлди Нозима, — айёр-ей, ишингиз бошингиздан ошиб-тошиб ётибди-ку.

Қодир Алиевич кийимларини алмаштириб, ваннага йўналди. Нозима унга овқат ҳозирлашга турди. Ваннахонанинг эшигини очаётиб, Қодир Алиевич тўхтади, у

ортидан Нозиманинг чуқур хўрсинганини эшитган эди. Нозима оғзини тўсганча, шошилинч ошхонага ўтиб кетди.

Кечки овқат деярли бесуҳбат ўтди. Иккови бир-бировини қаттиқ кузатишди. Нозиманинг наздида эри бир неча бор оғиз жуфтлади, нимадандир сўз очмоқчи бўлди, аммо негадир аҳдидан қайтди.

Эртаси Салима ўз вақтида келди. Нозима кечаги гапига у келмасмикин деб ўйлаган эди, хавфсираб турганди. Яхши, келиб қолди. Нозима унга илиқ муносабат кўрсатишга уринди, бироқ ҳайрон ҳам бўлди: Салима негадир бугун гапчил эмас.

Вақт шу зайлда ўтаверди. Нозиманинг ой-кунига саноқли кунлар қолди. Бир кун Қодир Алиевич ишга жўнаётиб, дабдурустдан:

— Нозима, ҳайдовчи соат ўнда келади, опа билан ўзингизнинг чучварангиздан тугинглар, бир жойга ўтиб келамиз, — деди ва бошқа индамай чиқиб кетди.

Нозиманинг юраги "шув" этди. У ҳайрон эди. Эри ҳеч қачон эрталаб бундай буйруқ бермасди. У нима қилмоқ-чи? "Ҳайдовчи соат ўнда келади..." Бу дегани овқатгами ёки ўзигами? Нозима тушунмай қолди. Ҳаяжонланиши мумкин эмаслигини сезса-да, юраги бироз типирчилади. Мансурнинг олдига олиб борсами?!

Салима икковлон чучвара ҳозирлашаркан, Нозимани турли ўйлар босарди. Ва ниҳоят, унинг сезгир ҳисси барча тусмолларни тарқатди, Мансурни кўргани олиб боради. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин. Бахайр бўлади. Қодир Алиевич бу хатти-ҳаракати билан ҳеч бўлмаганда иккита нарсага эришмоқчи: Нозимага мардлигини кўрсатиб қўймоқчи, қолаверса, Нозиманинг ўлим билан тенг имтиҳони арафасида кўнглини тинчитмоқчи. У билади, бундай ишга фақат Қодир Алиевич қодир холос. Бу порлоқ ўйлар Нозимани хотиржам қилди. Аммо, Мансурнинг олдига қандай кириб бораркин? Қандай сўрашаркин? У бечора сўраша оладиган ҳолатдамикин? Анов арзандаси ҳам бирга бўлса-чи?

Хаёл кетидан хаёл, ўй кетидан ўй, Нозима соат ўн бўлганини сезмай қолди. Машинанинг сигнали уни ўзига келтирди. У билан баробар телефон ҳам жиринглади. Гўшакни кўтарган Нозима Қодир Алиевичнинг жарангдор нописанда овозини эшитди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Кеч қолмайлик, аяси.

— Мен нима қиламан? Қаерга ўзи?

— Битта савобли иш. Бирга бормасак бўлмайди, иш кўп, чаққонроқ келинг.

— Шу ҳолатда-я?

— Ҳечқиси йўқ. Кенгроқ, қалинроқ кўйлак кийинг.

Нозима гўшакни қўйди-ю, "Вой ўлай" деганча, ўзига оро беришга ва кийинишга шошилди. Чучвара билан қуруқ бораверармикинмиз, дея ўйлади у. Машинага чиққанда, орқа ўриндиқда бир қанча тўла халталарни кўрди. Ҳокимлик биносига келишганда, ичкаридан Қодир Алиевич чиқиб келди. Машинага ўтираркан Нозимага:

— Бу улуғвор бино халққа яқин бўлсин учун мана бу панжараларни олиб ташлай десам, дунёга халқаро терроризм хавф солиб турибди, гулдек юртимизни Худо ўзи асрасин, — юзига фотиҳа тортди ва ҳайдовчига деди: — Кетдик!

— Ҳаммаси ўз вақти-соати билан, — унга жавобан гап топиб гапирди Нозима.

— Худди шундай, азизам, — Нозимани мамнун қучди у.

Шифохонага келишганини ҳеч ким сезмай қолди. Ҳайдовчи бошчилигида нарсаларни баробар кўтаришиб, Нозимани эҳтиётлаб, одимларига мос қадам ташлашиб, 1-рақамли палатага етишди. Эшикни очаётганларида ортларидан югурган икки-уч дўхтир пайдо бўлди. Қодир Алиевич эшикка кираётиб уларга шу ерда туринглар, деди. Дўхтирлар хижолат, нима дейиш, нима қилишни билмай, унинг амрига бўйсундилар.

Хонага кирибоқ, Нозиманинг кўзи Канизага тушди. У ҳам оёғига қалққанча саросималаниб қолди. Тезда нигоҳи Мансурни топди. Унинг кўзи юмуқ эди. Ранги бир аҳволда.

— Ассалому алайкум, — овозини пастлатиб сўрашди Қодир Алиевич Каниза билан. — Қалай, яхшимилар?

— Худога шукр, анча... — тили калдиради Канизанинг, афтидан Қодир Алиевичнинг салобати босаётган эди.

— Дўхтирлар яхши қарашяптими?

— Энди, шу ҳафта югуриб-елиб қолишди.

— Илгари-чи?

— Реанимациядан чиққанларида кўпчилик палатага қўйишганди. Олиб кетаверинглар, бўлмайди, дейишаётганди.

Қодир Алиевичнинг Каниза билан суҳбати шу ерга етганда, кўз халталари шишган, хомсемизроқ, кўзойнакли дўхтир рангги ўчган, нафаси тезлашиб: "Кечирасизлар, кечирасизлар" деганча кириб келди.

— Узр, узр, билмай қопмиз, мундоқ... — нафаси оғзига тиқилди унинг.

Қодир Алиевич унинг кимлигини тушуна туриб, қаттиқ тикилди.

— Бош ҳакимман, ҳа бош...

— Нима касал бу киши? — уни бўлди Қодир Алиевич.

— Трамб... Трамбознинг бир тури, муҳтарам ҳоким.

— Тузаладими? Умид борми?

— Тузалади, ҳа, тузалади.

— Нега шу пайтгача тузалмади?

— Қарадик, қарадик. Сал хатолик ўтиб қопти. Билмай қоппиз. Кейин дарҳол...

— Нима, беморларни тури, сорти борми?

— Йўқ, йўғ-е, ундай деманг, муҳтарам...

— Бундай касални кўпчиликнинг ичида ушлаб туриб бўладими?

— Йўқ-йўқ, биз томондан хатолик бўп қолди. Ҳаммасини тўғрилаймиз, отдек бўп кетадилар...

— Бу кишининг соғлиги учун шахсан жавоб берасиз.

— Худди шундай, муҳтарам ҳоким.

— Бўпти, чиқиб туринг, — Қодир Алиевич Канизага ўгирилди. — Сал қўзғола оладими?

— Ҳа, ёстиқ қўйиб, сал бошини кўтарса бўлади, — деди Каниза.

— Овқат ейдими?

— Озгина.

— Нега кўзини очмаяпти?

— Бугун кўпроқ ухлаяптилар. Ҳар хил дорилар бера бошлашди, шуларгами...

— Қани, сал бошини кўтаринг-чи!

— Мансур ака, — деди Каниза устига эгилиб. — Мансур ака, сизни кўргани келишди.

Мансур бошини сал қимирлатди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Кўзизи очинг, меҳмонлар, — қулоғига яқинроқ эгилди Каниза.

— Мансуржон, — елка, бошларини ушлади Қодир Алиевич, — хўп-па, туринг, туринг, сиз касал эмассиз. Яқинда отдек бўп кетасиз.

Мансур нурсиз кўзини очди, ҳолсизланиб қаради. Шунда Қодир Алиевич тош қотиб турган Нозимага:

— Опкелинг, Нозимахон. Бу кишининг дориси ўзимизда-ю, — деди.

Қорни дўмпайиб, қотган хайкалдек турган Нозима ҳаракатга келди.

— Келинг, ичкизинг, қани, Мансуржон, сал суяйлик-чи? — деди Қодир Алиевич. Каниза ёрдамлашди, суяшди.

Мансур мажбуран кўзини очди. Оғзига қошиқда овқат тутдилар. Бир, икки, уч чучвара ўтди ютинган томоғидан. Кўзларини юмиб, яна сўрагандек тамшанди. Яна икки, уч қошиқ ичиришди. У чарчагандай бошини ортга ташлади, бироқ тез кўзини очди, атрофга хийла тийрак назар солди. Нигоҳи ҳаммага бир-бир қадалди. Сўнг кўзлари юмилди, икки четидан ёш сизилиб чиқди, пастга юмалади.

Икки қутбдаги иккала аёл бир-бирига ўнғайсиз қарашди. Улар бир-бири томон яқинлаша бошладилар. Иккиси ҳам ҳомиладор, деярли бир хил, ой-кунлари яқинга ўхшарди. Бир-бирларини оҳиста қучдилар, умумий ғам кундошларни ҳам бирлаштиради чоғи... Ажаб қизиқ дунё бу — бозор дунё. Бўлмаса шайини тўхтовсиз ўйнаб турадими? Ахир, кечагина Канизанинг бахти келишиб, тоши оғирлик қилиб турган бўлса, бугун Нозиманинг палласи босаётир. Шу боисдан-да, одам боласи мубҳам сир-асрорларга банди бўлса керак-да.

Йўқ, бу алмашиниб тургувчи қисматга дохил икки аёлнинг меҳр уфқидаги қовушиши эди. Бу бозор дунё қонуниятларининг акси, асл башариятнинг яралмиш моҳияти — биргина ширин сўзга интиқлик, меҳрга чанқоқлик эди. Тўғриси, бу бозор дунё гирдобидан бир дамгина чекиниш, мардона эврилиш эди. Меҳр шундайин улуғвор туйғуки, фақат угина мардликка фатво беришга, инсоннинг илоҳий моҳиятини кашф этишга, жаноби Инсонни гўр оғзидан қайтаришга қодир. Чархи фалак

меҳр устуни устида айлангучидир. Уни фақат комил инсонларгина ҳис этадилар, холос.

Хонада ғалати фазовий ҳолат ҳукмрон бўлди. Шу дақиқада тўртовлон қандайдир ҳамнишинлик, елкадошлик, умрбоқийлик тўлқинларини сезмоқда эдилар.

Бирдан Мансур қимирлаб, тургиси келди, тетиклангани шундоққина кўзга ташланди. Шунда унга жўр бўлгандек Қодир Алиевич сукунатни бузди:

— Ўзингизни тутинг, Мансуржон, сиз ҳали кераксиз. Болаларингиз бор. Мол кетса, кетсин, жон кетмасин. Ҳаммаси ўз ўрнига келади.

— Раҳмат, айтганингиз келсин, — деди Каниза ва Қодир Алиевичга тикилганча туриб қолди.

Кўзларини ўқиб уққан Қодир Алиевич Канизага таскин берди:

— Сизларга ҳеч ким ва ҳеч нарса хавф солмайди. Ўзим кафилликка ўтаман.

Канизанинг икки кўзи жиққа ёшга тўлди.

Нозима билан йўлда борар эканлар, Қодир Алиевич узоқ жимликдан сўнг шундай хулоса ясади:

— Анови хотинга ҳам қийин бўпти. Ҳомиладор экан. Барча чорасини кўрамиз. Давлат олдидаги қарзини тўлайди, рўзғор тебратишга бironта иш амаллаймиз. Мансур ўзи ёмон бола эмас, у албатта сафимизга қайтади.

Мансурнинг тақдирига эрининг бефарқ эмаслигидан Нозиманинг кўнгли тўлди.

Тамом.

www.ziyouz.com kutubxonasi